



Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

4

1985

54-йил чиқиши

Бош редактор
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

Редколлегия:

Сарвар АЗИМОВ
Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Нинель ВЛАДИМИРОВА
Жуманиёз ЖАББОРОВ
ЗУЛФИЯ
Абдусайд КҮЧИМОВ
/масъул секретарь/
Тоҳир МАЛИК
МИРМУҲСИН
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ
Умарали НОРМАТОВ
Абдулла ОРИПОВ
Иброҳим РАҲИМ
Туроб ТҮЛА
Худойберди ТҮХТАБОЕВ
/бош редактор уринбосари/
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Ўнтам УСМОНОВ
Раҳмат ФАЙЗИЙ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Шоислом ШОМУҲАМЕДОВ
Иброҳим ЮСУПОВ
Нурали ҚОБУЛ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.



**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ
БОШ СЕКРЕТАРИ
Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ**

Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ

Михаил Сергеевич Горбачев 1931 йил 2 март куни Ставрополь ўлкаси Красногвардейск районининг Привольное қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидан кейин кўп ўтмай у 15 ёшида меҳнат фаолиятини бошлади. Машина-трактор станциясида механизатор бўлиб ишлади. 1952 йилда КПСС сафига кирди. 1955 йилда М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетини (юримдик факультетни) тамомлади, 1967 йилда эса Ставрополь қишлоқ хўжалик институтини битириб олим-агроном-экономист ихтисосини олди.

1955 йилдан М. С. Горбачев — комсомол ва партия ишида. Ставрополь ўлкасида: ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи секретари, ўлка комсомол комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, сўнгра эса ўлка комитетининг иккинчи ва биринчи секретари лавозимида ишлади.

1962 йил мартада М. С. Горбачев Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси қилиб кўтарилди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудирини этиб тасдиқланди.

1966 йилнинг сентябрида у Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1968 йил августидан бошлаб М. С. Горбачев КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади, 1970 йил апрелида эса КПСС ўлка комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

М. С. Горбачев — 1971 йилдан буён КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Партиянинг XXII, XXIV, XXV ва XXVI съездлари делегати бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1980 йил октябрида М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сиёсий бюро аъзолигига ўтказилди. 8—11 қақриқлар СССР Олий Советининг депутаты, Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси. 10—11 қақриқлар РСФСР Олий Советининг депутаты.

Михаил Сергеевич Горбачев — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, партия топширган ҳамма лавозимларда ўзига хос ташаббус, ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилиб келмоқда, ўз билимлари, бой тажрибаси ва ташкилотчилик истеъдодини партия сиёсатини турмушга татбиқ этишга сарфламоқда, улуғ Ленин ишига, меҳнаткаш халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги хизматлари учун М. С. Горбачев учта Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» орденлари ва медаллар билан мукофотланган.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 11 март куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг топширувига биноан Пленумни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. С. Горбачев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко вафот этганлиги муносабати билан Пленум қатнашчилари бир дақиқа қайғули сукунат ичра Константин Устинович Черненко хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учраганини уқтириб ўтди. Атоқли партия ва давлат арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи К. У. Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович Черненко бутун умрини Ленин партияси ишига, совет халқи манфаатларига бағишлади. Партия уни қаерга юбормасин, доимо у ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди.

Ривожланган социализмни такомиллаштиришга, иқтисодий ва социал ривожланишнинг катта вазифаларини ҳал этишга, совет халқининг фаровонлиги ва маданиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини янада юксалтиришга, идеология ишини яхшилашга, интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишга Константин Устинович Черненко кўп эътибор берди.

Константин Устинович Черненко қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, социалистик иқтисодий интеграцияни амалга оширишга, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари унинг раҳбарлигида қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этилди, империализмнинг агрессив шум ниятларига кескин зарба берилди, империализм авж олдирган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини тугатиш, халқларнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш учун тинимсиз кураш олиб борилди.

Коммунистик партияизмининг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини Константин Устинович Черненко кўз қорачиғидек ардоқлаб асради. Доимо у партия барча поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш

кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у барча муваффақиятларимизнинг, камчиликларни тугатишнинг гарови, олға томон муттасил ҳаракат қилишнинг гарови деб билди.

Коммунистлар, бутун совет халқи шу қайғули кунларда партия Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашадилар, деб уқтирди Пленум. Совет кишилари партияни тўла асос билан жамиятнинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи деб биладилар ҳамда КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун садоқат билан курашишга азму қарор берганлар.

Марказий комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруғларига ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сиёсий бюронинг топширувига биноан шу масала юзасидан Сиёсий бюро аъзоси ўртоқ А. А. Громико сўзга чиқди. У ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлашни таклиф қилди.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевни яқдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети ўзига билдирган юксак ишонч учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди, шу билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар буюклигини жуда яхши тушунишини уқтириб ўтди.

Ўртоқ М. С. Горбачев партиямизга, халқимизга, улўғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун КПССнинг программавий йўл-йўриқлари муттасил амалга оширилиши, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийлик таъминланиши учун, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсати сабот билан турмушга татбиқ этилиши учун бутун кучимни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммамизнинг, партиямиз ва мамлакатимизнинг бошига оғир мусибат тушди. Содиқ ленинчи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, меҳрибон инсон ва зўр ташкилотчилик истеъдоди соҳиби — Константин Устинович Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Партия унга топширган ҳар бир участкада унинг истеъдоди, одамлар билан ишлаш маҳорати тобора тўлиқроқ намоён бўлаверди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида Константин Устинович Черненко ўзининг бутун кучи ва билимини мамлакат экономикасини ривожлантиришга, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришга, Ватан хавфсизлигини таъминлашга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга сарфлади.

Константин Устинович Черненко Коммунистик партиянинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини кўз қорачиғидек ардоқлаб асради. У доимо партия барча поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у муваффақиятларнинг, камчиликлар тугатилишининг гарови деб, олға томон муттасил қиладиган ҳаракатимизнинг гарови деб билди.

XXVI съездда, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида Юрий Владимирович Андропов билан Константин Устинович Черненконинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган стратегик йўл ўзгармас йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини такомиллаштириш йўлидир. Бунда гап ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатлар, аввало, иқтисодий муносабатлар системасини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнати моддий шароитларини, унинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда.

Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозим. Биз қисқа муддатларда энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз.

Бу вазифани муваффақиятлироқ ва тезроқ ҳал этиш учун хўжалик механизмини ва бутун бошқарув системасини бундан буён ҳам сабот билан такомиллаштириш зарур. Биз шу йўлдан бориб, энг мақбул ечимларни танлаб, социалистик хўжалик юртишининг энг асосий принципларини ижодий қўллашимиз муҳимдир. Бу — экономикани планли ривожлантиришни муттасил амалга ошириш, социалистик мулкни мустаҳкамлаш, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг пировард иш натижаларидан

манфаатдорлигини кучайтириш демакдир. Бу бутун иқтисодий тараққиётни пировард натижада совет кишилари манфаатларига бўйсундириш демакдир.

Партия ўзи ишлаб чиққан социал сиёсатни муттасил ўткази беради. Программализмга ёзиб қўйилган — «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун», деган қоида тобора чуқур ва аниқ-равшан мазмун билан тўлиб бориши лозим. Инсоннинг турмуш шароитлари яхшиланиши унинг умумий ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшишига асосланиши кераклиги равшан. Шу принципдан четга чиқишга йўл қўйилган жойларда социал адолатга муқаррар хилофлик содир бўлади. Социал адолат эса социалистик жамият бирлиги ва барқарорлигининг энг муҳим омилдир.

Партия демократияни, халқ социалистик ўз-ўзини бошқаришининг бутун системасини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни ички сиёсатининг туб вазифаларидан бири деб билади. Бу соҳадаги вазифалар кўп қирралидир. Шу жиҳатдан кўп иш қилинмоқда. Советларнинг ролини янада ошириш, касаба союзларини, комсомолни, халқ контролини, меҳнат коллективларини активлаштириш назарда тутилади. Аммо келгусида шу пайтгача белгилаб қўйилган соҳаларда ҳам, янги соҳаларда ҳам сабот билан иш қилиниши лозим.

Социалистик демократияни чуқурлаштириш ижтимоий онгни ошириш билан чамбарчас боғланган. Тарбиявий ишнинг самарадорлиги аввало, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг катта ва кичик проблемаларни ҳал этишда қандай қатнашаётганликларида, улар қандай меҳнат қилаётганликларида, камчиликларни тугатиш учун қандай курашаётганликларида намоён бўлмоқда. Бутун идеологик фаолиятнинг натижалари совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва социал активлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбия — бутун идеология фаолиятининг муҳим вазифасидир.

Шу билан бирга бундан буён ҳам янада тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан, жамият ва унинг граждандари манфаатларига ҳар қандай ҳаммалардан тозалаш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар кўрилаверади.

Биз партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишидаги ошкораликни бундан буён ҳам кенгайтиришимиз лозим. В. И. Ленин давлат омманинг онглилиги билан кучли, деган эди. Бизнинг тажрибамиз бу ҳулосани тўла-тўқис тасдиқлади. Одамлар нақадар яхшироқ хабардор бўлсалар, шу қадар онгли равишда ҳаракат қиладилар, партияни, унинг режалари ва программавий мақсадларини активроқ қўллаб-қувватлайдилар.

Ташқи сиёсат соҳасидаги йўлимиз равшан ва изчилдир. Бу — тинчлик ва тараққиёт йўлидир.

Энг яқин сафдошларимиз ва иттифоқчиларимиз — улўф социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча дўстликни ардоқлаш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаш — партия билан давлатнинг энг биринчи вазифасидир. Биз социалистик давлатлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун, жаҳон ишларида социализмнинг роли ва таъсирини ошириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверамиз. Биз Ҳитой Халқ Республикаси билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашни истаймиз ва ўзаро хоҳиш бўлган тақдирда бунга бемалол эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи халқларнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаб келди. Ҳозир ҳам биз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал янгиланиш йўлидан бораётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига хайрихоҳмиз. Биз учун улар — мустаҳкам тинчлик учун, халқлар ўртасида яхши, одилона муносабатлар учун курашда дўст ва ҳамкордирлар.

Капиталистик давлатлар билан муносабатларга келганда қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Биз ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлидан қатъият билан борамиз. Совет Иттифоқи холис ниятга ҳамиша холис ният билан, ишончга ишонч билан жавоб беради. Аммо биз Ватанимизнинг ва унинг иттифоқчиларининг манфаатларидан ҳеч қачон воз кечмаслигимизни ҳамма билиб қўйиши керак.

Биз халқаро кескинликни юмшатиш соҳасида 70-йилларда эришилган муваффақиятларни қадрлаймиз ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилиқ, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик негизларидаги тинч, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнини давом эттиришда қатнашишга тайёрмиз. Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Улўф Ғалабанинг қирқ йиллигини бу соҳада янги қадамлар қўйиш билан муносиб нишонлаш мумкин бўлур эди.

Илгари ҳеч қачон инсоният боши узра шу кунлардагидек даҳшатли хавф пайдо бўлмаган эди. Вужудга келган аҳволдан қутулишининг бирдан бир оқилона йўли — қаршима-қарши турган кучларнинг ерда қуролланиш пойгасини — аввало ядро қуроллари билан қуролланиш пойгасини дарҳол тўхтатиш ва космосда қуролла-

ниш пойгасига йўл қўймаслик ҳақида бир битимга эришишдан иборат. Иккинчи томонни «доғда қолдириш»га уринмай ва унга ўз шартларини буюрмай, ҳалол ва тенг ҳуқуқли асосда битимга эришиш, эзгу мақсад — ядро қуроллини батамом тугатиш ва абадий тақиқлаш, ядро уруши хавфини батамом йўқотиш сари олға силжишда ҳаммага ёрдам берадиган битимга эришмоқ керак. Бунга бизнинг ишончимиз комил.

Эртага Женевада СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида музокара-лар бошланади. Совет Иттифоқининг бу музокараларга қандай ёндашиши яхши маълум. Шуни яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман: биз Қўшма Штатлардан, НАТО мамлакатларидан бир ёқлама афзалликка эришишга, улардан ҳарбий устунликка интилмаймиз, биз қуролланиш пойгасини давом эттиришни эмас, балки тўхтатишни хоҳлаймиз — айна шунинг учун ҳам ядро қуролларини кўпай-тирмасликни, ракеталарни бундан буён жойлаштиришни тўхтатишни таклиф қиляғимиз; биз хоҳ космосда бўлсин, хоҳ ерда бўлсин қуролларнинг тобора янги системаларини яратишни эмас, балки ғамлаб қўйилган қурол-яроғларни ҳақиқатан ва катта миқдорда қисқартиришни хоҳлаймиз.

Женевадаги музокарадошларимиз Совет Иттифоқининг позициясини тушуниб, шунга мувофиқ иш тутишларини хоҳлар эдик. Шунда бир битимга эришиш мумкин бўлур эди. Жаҳон халқлари енгил нафас олган бўлур эдилар.

КПСС — ўз табиигага кўра интернационал партиядир. Бизнинг чет эллардаги маслақдошларимизнинг ишончи комил бўлаверсин: Ленин партиясини тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда, ҳамisha бўлганидек, қардош коммунистик, ишчи, революцион-демократик партиядан билан мустақкам ҳамкорлик қилаверади, барча революцион кучларнинг бирлиги ва актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун курашаверади.

Уртоқлар! Олдимизда турган мураккаб вазифаларнинг ҳал этилиши партияди янада мустақкамлашни, унинг сафарбар этувчи ва раҳнамолик ролини оширишни тақозо этади. КПСС ҳамisha Лениннинг принципиал сиёсат — бирдан бир тўғри сиёсатдир, деган фикрига амал қилиб келди ва шу фикрга амал қилаверади. Коллектив бўлиб ишлаб чиқиладиган бу сиёсат изчиллик билан муттасил амалга оширилаверади. Партия — мамлакатдаги барча синф ва социал группаларнинг, ҳамма миллат ва элатларнинг манфаатларини эътиборга олишга, уларни бир бутун қилиб жипслаштиришга, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликнинг муштарак ишига сафарбар этишга қодир бўлган кучнинг ўзидир.

Партиянинг сиёсати ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини мустақкамлашга, улуғ кўп миллатли давлатимиз халқларининг дўстлигини муттасил мустақкамлашга қаратилиб келди ва шундай бўлиб қолади.

КПСС ёшларнинг ижодий ташаббусини ҳар томонлама ривожлантираверади, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида, уруш ва меҳнат ветеранларининг талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қилаверади.

Мураккаб халқлар вазиятда Ватанимизнинг мудофеа қобилятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш муҳимдир. Потенциал агрессорлар шуни яхши билиб қўйсинлар: Совет мамлакати ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигига, совет кишиларининг тинч турмушига қилинадиган ҳаммага қажатқич жавоб зарбаси берилади. Шонли Қуролли Кучларимиз бунинг учун келгусида ҳам зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланаверади.

Ҳозир КПСС XXVII съездига тайёргарлик ишлари кенг миқёсда авж олдириб юборилган. Бу съездда партиядинг янги таҳрирдаги Программаси кўриб чиқилади, мамлакатни ривожлантиришнинг келгуси беш йилликдаги ва 2000 йилгача бўлган истиқболлари белгиланади.

Юқоридан қуйилганча барча партия ташкилотларининг қизғин, ижодий ишларини замон талаб қилмоқда. Барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар граждандлик бурчини адо этиш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак. Бу гап аввало партия кадрларига, партия ва давлат раҳбарларига тааллуқлидир. КПСС талабчанликни кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Марказий Комитет аъзолари, область комитетларининг биринчи секретарлари, Пленумнинг ҳамма қатнашчилари Пленум тугагач, жойларга бориб янги ғайрат билан ишга киришадилар. Қилинадиган ишлар эса кўп. Аввало, бу йилги иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш соҳасидаги ишни муваффақиятли тугаллаш ва шу тариқа навбатдаги беш йилликни дадил бошлаш учун замин яратиш керак.

Қаҳратон киши бир қанча тармоқлардаги план топшириқларининг амалга оширилишига бирмунча халақит берди. Бинобарин, ҳозир шайланиб, резервларни сафарбар этиш, бутун кучни тўплаб, қилинмай қолган ишларни етказиб олиш ва йил охиригача белгиланган марраларга чиқиш лозим.

Ўртоқлар, коммунистларнинг сафлари нақадар қудратли ва метиндек кучли эканини, совет халқимиз нақадар жипслашган ва яқдил эканини шу кунларда янада яхшироқ ҳис этапмиз. Яқинда бўлиб ўтган сайловда совет кишилари партиямиз билан давлатимизнинг йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашларини яна бир бор изҳор этдилар. Бу қўллаб-қувватлаш бизга илҳом беради ва зиммамизга масъулият юклайди.

Бугун Марказий Комитет Пленуми менинг зиммамга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлишдек мураккаб ва катта вазифани юклайди. Менга билдирилган ишонч нақадар буюклигини ва у билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар катталигини яхши тушунаман. Келгусидаги ишда Сиёсий бюро аъзоларининг, Сиёсий бюро аъзолигига кандидатларнинг ва Марказий Комитет секретарларининг, умуман партия Марказий Комитетининг мадади ва актив ёрдамига умид қиламан. Сизларнинг кўп қиррали тажрибангиз — халқимиз тарихий тажрибасининг йиғиндисидир. Ўртоқлар, партиямизга, халқимизга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун бутун кучимни сарфлайман, деб сизларга ваъда бераман.

Марказий Комитет теварагига жипслашган халқ ва партия КПСС XXVII съездида ҳозирлик кўрар экан, совет Ватанимиз янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун, социализмнинг бунёдкорлик кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлиши учун ҳамма ишни қиладилар, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсизлар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯГА, СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати, бутун совет халқи оғир жудоликка учради. Партия ва давлатнинг атоқли арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, ер юзида коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи Константин Устинович Черненко вафот этди.

Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёти Ленин партиясининг ишига, совет халқининг манфаатларига хизмат қилишга бағишланган эди. Партия юборган ҳамма жойда у ҳаммаша ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди. У эллик йилдан ортиқ партия сафида бўлди.

К. У. Черненко чегара заставасининг комсомол раҳбари ва партия ташкилотчиси вазифасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг Ленин типдаги ташкилотчи, раҳбар сифатидаги таланти партия ва давлатдаги юқори лавозимларда тўлиқ намоён бўлди. К. У. Черненко бошчилигидаги партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди, Марказий Комитет кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида катта ва самарали иш қилдилар.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш, иқтисодий ва социал ривожланиш соҳасидаги йирик вазифаларни ҳал этиш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, омманинг ижодий активлигини янада юксалтириш, идеологик ишни яхшилашга қаратилган йўл изчиллик билан амалга ошириб келинди. Интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш, кадр сиёсати, Советларнинг, комсомол, халқ контролининг фаолиятини кучайтириш, мактаб ислоҳоти, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ролини юксалтириш масалалари ҳаммаша партиянинг диққат марказида турди. КПССнинг навбатдаги XXVII съездига тайёргарлик, КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини ишлаб чиқиш соҳасида актив иш олиб борилмоқда.

Халқаро майдонда партиянинг куч-ғайрати қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Социалистик иқтисодий интеграциянинг янги босқичига ўтиш, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлаш К. У. Черненконинг фаолияти билан боғланган.

КПСС Марказий Комитети, Совет давлати турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини қатъият ва изчиллик билан ўтказиб келдилар, империализм энг реакция доираларининг агрессивия ниятлари ва интилишларига қарши қатъий ҳаракат қилдилар, империализм томондан тикиштирилган қуролланиш пойғасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини йўқотиш, халқларнинг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш учун тинмай курашдилар.

Оғир мусибат муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети коммунистларга, совет халқига муурожаат қилиб, партиянинг ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагига янада маҳкам жипслашишга даъват этадилар. Мамлакатимизнинг меҳнаткашла-



ри Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи деб билиш учун ҳамма асосларга эгадирлар. Партиянинг бутун иши ва режалари совет халқининг туб манфаатларига, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилишга қаратилган.

КПСС абадий барҳаёт революцион марксча-ленинча таълимот билан қуролланган. У Ленин кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бормоқда ва ҳеч қачон бу йўлдан четга чиқмайди.

Партия бундан буён ҳам ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш йўлини ўтказаверади. У экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб билади. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида социализмга хос бўлган социал адолат принципи зўр қатъият билан тўлиқ амалга оширилаверади, мамлакат меҳнаткашлари маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган йўл — интизомни, тартибни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш йўли тинмай давом эттирилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини, жамиятимиз ҳаёт фаолиятининг негизи бўлган совет халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлайверади, социалистик демократияни ривожлантираверади. Партия марксча-ленинча эътиқодни, коллективчилик, ватанпарварлик, пролетар социалистик интернационализмни совет кишиларининг олий маънавий бойлиги деб ҳисоблаб келмоқда.

КПСС, Совет давлати социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида социализм мавқеларини кучайтириш учун, ядро ҳалокатининг олдини олиш ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун мумкин ва зарур бўлган ҳамма чораларни кўрдилар ва кўрмоқдалар. Биз қуролланиш пойгасининг тўхтатилишини, космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймасликни истаймиз ва шунга эришмоқ учун сабот-матонат билан ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг пировард мақсадимиз — планетанинг ҳамма жойида ядро қуроллари бутунлай тугатишдан, ядро уруши хавфини тамомила йўқотишдан иборат. Совет Иттифоқи амалий музокаралар олиб боришга, халқаро кескинликни юмшатишга, барча халқлар ва давлатлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришга олиб борадиган амалий чоралар кўрилишини доимо ёқлаб келди ва ёқлаб келмоқда.

Совет Иттифоқи ҳеч кимга таҳдид қилмаётир ва ҳарбий устунликка интилмаётир. Аммо у бошқа бирон мамлакат ёки давлатлар коалициясининг шундай устунликка эга бўлишига йўл қўймайди. Шу боисдан биз бундан буён ҳам ҳўшёрликни тинмай ошираверамиз, социалистик Ватанимизнинг мудофаа қобилятини мустаҳкамлайверамиз.

Биз озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқларга хайрихоҳмиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз. КПСС тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати кучларини ҳар томонлама жипслаштиришдан иборат изчил йўлга доим содиқдир.

Партиянинг мақсадлари аниқ-равшан ва олижанобдир. Бу мақсадлар КПССнинг меҳнаткашлар ўртасида чексиз ишонч қозонишини таъминлади. Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир. Халқ партия билан бирлиги ва унинг раҳбарлиги туфайли кучлидир.

Ўзининг бутун ҳаётини партияга, совет халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Константин Ўстинович Черненко коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида ҳамиша сақланиб қолади. У марксча-ленинча идеяларнинг оташин пропагандисти, меҳрибон ва талабчан раҳбар, меҳнат аҳлининг эҳтиёжлари ва ташвишларига зўр эътибор ва сезгирлик билан қараган инсон сифатида хотирамизда сақланиб қолади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билан айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, янада зўр ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қиладилар, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайдилар, Улуғ Октябрь байроғини муносиб равишда баланд кўтариб борадилар.



Хусниддин
Шарипов

«ИЛЬЧНИ ЎЙЛАЙМАН» КИТОБИДАН

Шарқдан шабада

Тинч океанда сўлим бир орол бор.
Унда Канададаги Британ Колумбияси
провинциясининг пойтахти Викториа
жойлашган.

Пойтахтки,
Йўқ бунда тиқилинч, қув-қоч,
Ёки чанг кўтариб учмас автолар.
Харидор зотига бағишлар қувонч
Буюмлар, орзулар, ҳатто хатолар.
Ҳинди «худо»лари сотилмас фақат,
Шу сабаб музейга ошиқмас кимса.
Ахир қай гўл швед «қилгай саёҳат»,
Япон ва инглиз «тижорат қилса?»
Меҳмонмиз.

«Бир неча ўзбек ва русга
Ресторан мунтазир —

биз билан бу кеч
Учрашмоқ бўлибди дастурхон узра
Маҳаллий шоира Патриция Пейж;
Шипига қарасанг — дўппинг қулайди,
Кенглиги қолишмас стадиондан.
Минг одам нафаси оғир ғувлайди
Об-ҳаво, сиёсат, фойда-зиёндан.
Уларга уланар бизнинг ҳам овоз,
Сўнг мезбон

берилиб ўз завқ-ҳиссига,
Сўз бошлар чайқалиб:
«О, Шарқ! О, Шероз!
О, руҳлар тўлғоғи!

Саъдий, мистика...»

Кўрага ўхшар зал —
Яхшию ёмон,
Ҳалолу фоҳиша —

бари бир сихда.

Мезбонимиз эса чайқалиб ҳамон,
Қироат қиларди:

«Арарат, йиғла!»

Шеърга шеър улашди сўнгра дўстларим,
Ёр ила диёрни куйлашди ёниб.

Таржимон чайнаган ўзбек сўзларин
Импорт шаклида ҳам олардик таниб.
Қаср эса

жонларни қиларди ҳазм,

Ким ичар, ким учар, ўчарди кимдир.
Сўз менга.

Лениндан бошланар сўзим.

Ур,

Шеърим,

Мечкайлик шишасин синдир!

Майлига кўкарса мезбоннинг юзи,

Дил хуши эмасдир бизларнинг санъат.

Тугаб битмасин деб ҳаётнинг тузи,

Мен Ленин ҳақида сўз айтгум албат.

Илм ила ёритдик бизлар фазони,

Унга йўл топмасин қуролли калхат.

Кўкка етмасин деб ернинг хазони,

Мен Ленин ҳақида шеър айтгум албат.

Соқчиман фарзандлар ризку рўзига,

Виждоним берганки муддатсиз мандат,

Ўқ каби ботар деб ўғри кўксига,

Мен Ленин ҳақида шеър айтгум албат.

Дунёнинг ярмиси бугунча юпун,

Дунёнинг ярмисин чулғамиш ғафлат.

Қадр ва курашни эслатмоқ учун

Мен Ленин ҳақида шеър айтгум албат.

Сўлим Виктория гарчи пойтахтдир,

Йўқ бунда Ильичнинг бирор китоби.

Бизни жарчи қилди шу сабаб тақдир,

Шарқдан шабада бу — шоир хитоби.

На чора оғринса бечора мезбон,

Кўнгилни ҳар куйга бўлмагай созлаб.

Бир умр қийнарди бизларни виждон —

Шунча йўлдан келиб,

айтмасак рост гап.

Тилла тўсин

Канада парламенти мажлислар зали
йўлагини йўғонлиги болдирдай тилла
тўсин тўсиб туради.

Муздаккина, силлиқ бир тўсин...

На ёмби, на безакка ўхшар,

Уни ҳатто силжитмоқ учун

Зўрроқ кран керакка ўхшар.

Лекин йўлдан чекинар енгил

Олий зотлар истиқболида.

Мамлакатни боқаётган эл

Тўхтар фақат унинг олдида.

Рухсат йўқдир ошиб ўтгани,
Мумкин эмас эгилиб ўтмоқ!
Тўлдиришиб ҳар кун ўртани,
«Қизитишар» арбоблар кулок.
Танлари соғ,
Иштаҳа катта,
Пулни-пулга уриштирарлар.
Томошага келар одатда
Сайёҳ, ишсиз ва муштипарлар.
Қай бир немис ёки француз
Тириштириб дейди мижжасин:
«Қаранг, ҳатто ўрни бор махсус
Англия қироличасин!»
Аммо сирмас кўпчилик учун:
Бу саройнинг ҳоқони — доллар.
Доллар билан бўлар кўл узун,
Доллар ила боғланур кўллар.
Шу сабабдан,
қилмай ҳеч парво
Ташқарининг тўқу очига,
Бунда юрист ва аҳли савдо
Олов тортар ўз кўмочига.

...Юртнинг эса онаси меҳнат,
Ер тушунар меҳнатнинг тилин.
Бир кафтгина унгунча неъмат,
Қанча кафтлар бўлган минг тилим.
Айтмоқ бўлса дардини агар,
Ким тинглагай улар сўзини:
Бўсағада кўндаланг турар
Жамиятнинг тилла тўсини.
Томошабин бўлмоқ ҳам қийин,
Ахир жонинг қолар қийноқда
Сен яратган Ватан тақдирин
Ўзга кўллар бошқарган чоғда.



ЧОРРАҲА

Роман¹

Уйга кетиш... Икки йилдан буён орзиқиб кутган, ўйлаб, қувончларим ичимга сиғмайдиган кун келганида, бундай хомуш тортаман деб ўйламаган эдим. Рухим паст, дилсиёҳман. Ё бундай куни ҳамма ҳам шундай бўлармикин? Ундай десам, бу ердаги танишларим, тасодифан учраб қолган мутахассислар, айниқса элчихона қизлари менга ҳаваслари келиб, кўзларида ёш билан хайрлашишди. Мен эса кетаётган одамга хос қувонч билан талпиниб турмас, паришон эдим...

Қадрдон бўлиб қолган ёру биродарлар... Улар ҳаммада ҳам бўлади. Уларни дап-дурустан ташлаб кетиш ҳамиша кўнгилсиз. Лекин мен уларни фавқулодда мушкул, мажҳул бир ҳолатда қолдириб кетишга мажбур бўляпман. Менинг кетишим оддий «уйга қайтиш» эмас, зарурат. Аниқ айтилмаган муддат, туманли далиллар, қайтиб келиш ҳақидаги ваъдалар аниқ бир ишни рағбат билан бажариб турган одамга оғир ботар экан. Мен ўзимизнинг бўлғуси лойиҳамизни ҳар томонлама муваффақиятли, ҳатто баъзи жиҳатлардан оғизга тушиб кетадиган воқеа бўлади деб билардим. У комплекс қамровли, иқтисодий самараси кутилмаган даражада катта, айна тарихий вазиятда ижтимоий зарурати мислсиз, экологик жиҳатдан беозор, ландшафтдан фойдаланиш, халқ манфаати ва кайфиятига мослиги билан ҳам айна муддао... Ғулумали иккаламиз ҳали этилиб келаётган бу лойиҳанинг барча афзалликлари ҳақида ҳеч кимга батафсил гапирганимиз йўқ. Бу бизнинг биринчи катта кашфиётимиз, муқаддас сиримиз, ички эзгу ғуруримиз эди. Балки шунинг учун ҳам ўртоқлар менинг номаълум муддатга қайтиб кетишимни шундай осон ҳал этишгандир. Мен ҳам қаттиқ эътироз билдирмадим: қидирув группаси тарқаб кетган, Ғулумали Коргарнинг тақдири номаълум, бу вазиятда менинг бу ерда қолишим эса фойдасизгина эмас, очиғи, хавфли ҳам эмиш...

Мен икки йиллик азобли ва завқли орзу-хаёлларимни ташлаб кетаяпман. Қалбим ўтини, Зулайҳонинг чашмадек теран кўзларидаги илтижони тарк этиб, бу дилбар навниҳолни номаълум қисмат гирдобига топшириб кетаяпман. Қадрдон бўлиб қолган кишиларимнинг тақдиридан беҳабар, бу азиз тупроқ ич-ичидан ўт олган кунларда йўлга чиқаётганимдан кўнглим ғаш. Буларнинг бари менинг вужудимга сингишиб, ўзимизникидай бўлиб қолган эди.

— Яхши боринг, бахтли экансиз! — дейди қизлар.

Буларнинг бари... буларнинг бари нима бўлади!?

Албатта, буларнинг баридан кўз юма билсанг, уйга кетишнинг қувончларига не етсин! Аввало ойим, ўчоқ оқлаб қошлари куйган ойижонимнинг вужудидан барқ уриб турувчи хонаки руҳ, олов тафти, янги узилган нон ҳиди. Кейин бутун чўлнинг чангини бошига кўтариб акам келади, «ГАЗ»идай суронли, шарткесар, бесўнақай. Ўзи совхозда шунчаки

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

бўлим бошлиғию, жаҳоний ташвишлардан гап очади. Бу ерга жўнашимда ҳам, хайр-маъзур йўқ, «ҳа, энди у томондан бошлайсизларми, ахири Амунинг бошига етар экансизлар-да», дея кесатиб қолган эди. Кечроқ аллақаяқлардан Лола қайтади, жияним. У ўтдай ёниб, узоқдан қичқирганча югуради, китобларини отадию келасолиб бўйнимга осилади, қулоғимга Манзура опасини кўргани ҳақида шивирлай бошлайди, ёки...

Дарвоқе, Манзура... Ҳали у билан гаплашиш ташвиши турибди. Бу осон кўчмайди, бу имтиҳон мени чўчитяпти, эплай оламанми-йўқми? Самад Деряевдай ўжарнинг шаштини қайтариб юрган, мени икки буклаб белига қистирмасайди...

Мана шунинг учун Тошкентда Манзурага телефон ҳам қилмадим, аэропортдан такси олиб, тўғри министрликка жўнадим.

Август қуёшининг саҳий қўйнида чайқалиб ётган осуда шаҳар. Дилимдаги минг дарду армонлар нечукдир уйғунлашиб, кўнглим ёришди. Тротуарларга ўқув қуроллари ёйилган, дафтар, сумка, униформалар сотиляпти, кўча тўла одам. Ўз юртингда шунчаки беҳадик юришнинг кадри ҳақида ўйлашармикин булар?

Хаёлимга қаёқдаги гаплар келади. Жуда соғиниб қайтса шунақа бўлар экан одам. Министрликнинг икки йил аввал мени командировка қилган бўлимида янги проспектга қараган деразалар катта очиқ. Бу ердан, бешинчи қаватдан яшил хиёбон қоғоздаги суратдай бўлиб, ҳамма йўлу йўлкалари, фонтану гулзорлари билан яхши кўринар экан. Ёш, адл тераклар. Мен кетган йили бу хиёбонга тез кўкарадиган терак ўтқазिश тарафдорлари билан секин ўсадиган декоратив дарахтлар ўтқазिश тарафдорлари орасида жанжал бўлаётган эди. Мана, теракзор ҳам гуркираб кетибди. Министрликнинг подъездлари баланд, машиналар пештоқ олдидаги ёйдек эстакадалардан қайрилиб, пастликда, гулзорлар орасида кўздан йўқолишади. Проспектнинг нариги томонидаги муҳташам меҳмонхона ҳам битибди, ёйиқ мармар зиналар гавжум.

Мана шу меҳмонхонада икки кун ўтириб ҳисобот ёзарканман, ҳамма эски яраларим яна янгиланди. Бунинг устига, бўлимда мужмал қилиб, вақти келганда ўзимиз чақиртирамиз, дейишди.

— Бу қандай муддатсиз «отпуски?»

— Шунча мусофирликдан кейин озроқ ўйнасангиз нима қилибди, бола-чақанинг олдига боринг, соғинишгандир ахир...

Соғинишганда қандай! Ҳар бирида орзу-ҳавас, алоҳида режалар. Акам ҳатто ҳовлининг этагига икки уй, бир айвонли иморат ҳам солдириб қўйибди. «Солдирмай нима, совхозда нима кўп, ер кўп, ўзимиз ўзлаштирган чўллар!»

Аслида бу иморат оймнинг қистови билан солинган, албатта. Акам эса, менинг муқим уй-жойли бўлишимдан ҳам кўра, кўпроқ оламшумул муаммолар билан банд. Афғон инқилобю «Катта Аму» лойиҳаси, халқнинг аҳволи-руҳиясию бизнинг қидирув ишларимизга янги ҳукуматнинг муносабатлари ҳақида кечаси билан гапга солди. Ҳеч нарсани ҳал қилмаса ҳам унга шу маълумотларнинг ўзи қизиқ.

— Хўш... «Сангкоса» дегин? Чорданаҳр дегин?! Деҳқонлари шунча оби ҳаётни эплашиб олармикин? Колхоз бўлмаса, совхоз бўлмаса...

— Гап шунда-да, бари бўладиганга ўхшаб турибди.

— Шундоқ дегин? Бўлсин-э, йўғаса шунча заҳматларинг зое кетади-я. Ойим ҳам ухламай, менга тикилиб ўтирган экан, ўзича хулоса чиқариб:

— Қачонгача далаю дашт кезиб, бегона юртларда саргардон юрасан, болам, сен тенгилар бола-чақали бўлиб кетишди, — деди кўзёши қилиб.

Кулги ва сирли қувонч аралаш ғаройиб гапларни менга фақат Лола етказади.

— Нега сўрамаяпсиз? — деб қолди Лола.

— Кимни айтаяпсан?

— Вой, билмагандай гапирасиз-а! У кишини икки марта кўрдим. Шаҳарга, музейга борганимизда — бир. Институтнинг эшигида савлатли-савлатли амакилар билан турган эканлар...

Мен Манзурани кўз олдимга келтирдим. Сутдай оппоқ кофтада. Сочи қалин, қора бўлгани учун оқ ярашганини билади. Ҳозир одат бўлган майда чийдухоба юбка, зеб-зийнатсиз... У тақинчоғу упа-эликни ёқтирмайди.

— Кейин...

— Сен билан сўрашмадимми?

— Сўрашдилару сизни сўрамадилар, билдиз? Кейин совхозимизга келиб қолдилар, биз картошкада эдик, Головнойда кўриб қолдим: шим кийиб олганлар, сочлари мундоқ... — Лола Манзуранинг юришини эрмак қилиб кўрсатди, — мундоқ, мундоқ... ўтиб кетдилар, мени кўрмай... Кўрмасалар кўрмасинлар-а, Собиржон ака? Сўрашмасалар, сизни сўрамасалар ҳам майлига, ялинмаймиз-а? — деб Лола йиғлаб юборди. Мен нима қилишимни билмай қолдим. Ўзимнинг ҳам кўнглим бузилиб кетди. Манзура... Уни кўнглимдан чиқардим деб юрибман, чиқмаган экан. Ё мана бу соғинтирган ерлар, бундай оқшом, бу соҳиллар билан бир бутун бўлиб кетгани учунми...

— Қўй, Лола, йиғлама, биз ялинмаймиз, тўғри айтдинг, — дедим унинг бошини силаб.

Бола қалби бир вақт бизнинг ҳисларимиз билан нурланган экан шекилли, у ҳам шикаст топибди. Мен ўзим тутуруқсизман чоғи, Манзура ҳозир ёнимда бўлса, тиз чўкишдан ўзимни тиёлмас эдим, ўлай агар... Нега бундайман-а! Муҳаббат ахир бунақа беқарор эмас, аниқ-тиниқ бўлиши керак-ку? Мен қанақа одамман ўзи? Унга учрашмай Тошкентдан ўғринча келиб олдим, қилғилиқни қилиб қўйиб, энди тикка гапдан қочиб юрибман, кўрқоқ...

...Мусаффо тонгда кўз очсам, кечаги дилхираликлар йўқ. Қор сувида чўмилишдан кейин шундай тиниқиб ухлабманки... Дуч келган ерда, димиққан пашшахоналарда ётиб юриб, чинакам уйқуни эсдан чиқариб юборган эканман шекилли, устунлари зангори тусга бўялган очиқ айвоннинг кенг сўрасида ойдинда оқ чойшаблар, парку ёстиқларга чўкиб ётибман. Қарасам, ёнимда бармоқларини иякларига тираб ойим ўтирибдилар. Кечаси билан шундай менга тикилиб ўтирган бўлсалар-а?! Оқ халатда, сочларига яна кўпроқ оқ оралабди. Одатдагидай, олов тафти, нон ҳиди келарди устларидан.

— Нон ёпдингизми, ойи?

— Боғчада. Ҳозир тандир ўша ерга кўчган, боғчага ҳам нон ёпаяпмиз, болам.. — дедилар секин, мени ҳали ҳам уйғотиб юборишдан кўрққандай. Мен туриб ўтирдим.

— Нега уйғотмадингиз, ўзим ўт қалаб берардим.

Тандирга ўт қалар эмишман, шу ҳам овуниш бўптию. Бу ётишим ўзимга эриш туюлиб кетди. Ҳар куни шундай бўлаверса-я? Оқ чойшаб, зангори устун, ёнимда ойим термулиб ўтирган...

— Вой, отпускангни қил, дамингни ол, болам, икки йилда бир келибсан, сени ишлатармидик.

— Арзанда денг! — ўзимдан нафратланиб, туриб кетдим. Ойим бечора менинг ҳолатимни тушунмай, ўтириб қолдилар. У кишини кўполлик билан бекорга ранжитганим кўнглимни баттар хира қилди. Акам, келинойим ишга кетишган, Лола мактабда, ҳовли ҳувиллаб ётибди. Мен, ойимнинг эркаси, ноз уйқудан туриб, қаймоқ билан чой ичишим керак. Яна танишлар кўргани келади, куни билан дастурхон ёзиғлик, келди-кетди. Йўқ, бунақа бекорчиликдан чиқиб қолган эканман, чидамадим, ҳеч кимга кераксизга ўхшаб кетдим ўзимча. Совхозга чиқаман, тўғонга бораман. кўришадиганлар билан ўша ерда кўришарман, менга нимадир керак.

Аммо мен ҳам керак эканман одамларга. Бир шийпонда партком секретари ушлаб олиб, идорасига бошлади. Савр инқилоби ҳозир энг долзарб мавзу, ёшу қари — ҳаммани қизиқтиради, воқеаларни ўз кўзи билан кўриб келган одам деса, клубга оломон ёпирилиб кетади. Йўқ, мен дала-даштда бошқа юмуш билан юрган одам, «воқеаларни ўз кўзи билан кўрган» эмасман. Унамадим. Унамадим, лекин шу аснода дилимдаги оғир тош қимирлаб қўйди: мен нима учун келганман ўзи? Нега? Вақтни

бекор ўтказиб юбораяпман-ку? Лойиҳамиз ҳақида, уни илмий жиҳатдан мустаҳкамроқ асослаш ҳақида бош қотиришим керак эмасми? Областга бориш керак. Тошкентга, институтга, министрликка, «Взрывпром» трестига бориш, олимлар, мутахассислар билан учрашиш, консултация ва тавсияномалар олиш керак.

Бу орада Манзуранинг ҳам областда пайдо бўлгани ҳақидаги гап қулоққа чалиниб қолди. Юрагимни ғалаён қамраб, таниш безовта руҳ мени яна дадиллантирди. «Пайдо бўлибди-да, ахийри?» дедим беихтиёр гўё ҳамма нарса шунга боғлиқдай.

Биз гўё илгаридан келишиб қўйгандек, эски жойимизда, институтимиз область марказидаги филиали рўпарасида учрашдик. Манзура мени узоқдан кўргач, ҳаяжонини босиш учун чинор қуоқ соя солган тротуарда бошини эгганча, сумкачасини қўлида силкиб, у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Таниш қомат, таниш ҳаракатлар, институт даврларидан бери таниш интизорлик ҳаяжонлари... Бир вақтлар у ҳаяжонларни мен ўз бағримда совутар эдим. Этим жимираб кетди, наҳотки шуларнинг барини унутишга аҳд қилган бўлсам...

— Э-ҳа, сизмисиз... қайси шамол учирди?.. — деди у учрашувимизнинг тасодифий эканини таъкидламоқчи бўлгандай.

— Яхшимисиз, Манзура! — дея қўл узатдим ҳаяжонимни, қидириб келганлигимни яширмай. Унинг қўли чўғдай қайноқ эди. Кўзида катта қора кўзойнак, ёноқларида дала қуёшининг тафти, доғлар. Оқ кўйлак устидан сумкача рангида жигарранг жажжи камзул. У менга чиройли кўринишга ҳеч вақт ортиқча уринмас, лекин фақат ўзига ярашган кийимни киярди.

— Манзура... — дедим ошкора тикилиб, — мени кутганмидингиз? У кулиб юборди.

— Ҳа, кетганингиздан бери шу ерда турибман сизни кутиб, — деди энгил қаҳ-қаҳ отиб куларкан. Кейин менинг хафа бўлишимнинг олдини олиб, бирдан жиддий қиёфага кириб, сўради: — Эсон-омон келдингизми, жуда ғалаёнли вазиятга тушиб қолдинглар, бутунлай жавоб беришгандир?

— Ҳаммаси ҳам майлию, иш чала қолди, — дедим мен. — Айтгандай, Самад лойиҳасини топширдими?

— ...Ҳа.

— Сойлиқ массивига ахири сув келаркан-да... Ўзингиз... Ўзингиз қалайсиз? Уйдагилар...

«Уйдагилар! Уйдагилар йўлингизнинг устида эди. Тошкент орқали қайтингизми ахир?» Манзура кўнглидаги бу зардали гапни айтмади, лекин мен юзидан уқиб турардим.

— Яхши, — деди у, совуқроқ қилиб. Биз тротуарда ёнма-ён борардик. Унинг сарвдай келишган қоматига кўз қиримни ташлайман: «Наҳотки бегоналашиб кетаверсак?»

— Яхши ҳам Савр инқилоби юз берган экан, бўлмаса қайтмасмидингиз, бир йилдан бери на хат, на хабар..

Ана, мушкул имтиҳон бошланди, мен буни кутган эдим. Нима дейиш керак? Елғон гапиришни эпполмайман. ҳаммасини очиқ айтаверсам, Манзура ни ноҳақ камситгандай бўламан, кейин, буни қандай сўзлар билан тушунтириш мумкин? Нима десам ҳам оғир ботиши, қиз боланинг иззатнафсига тегиши турган гап. Манзуранинг эса, бу оқила, софдил қизнинг сира дилини оғритгим йўқ.

— Ҳа, кейинги йили сизга хат ёзолмадим, — дедим бош эгиб. Тротуар асфальтида Манзуранинг ингичка пошналари «тўқ-тўқ» қилиб «Нега? Нега!» деб асабий қистаётгандай эди. — Очиғини айтсам, Манзура, бегона сўқмоқларда, кимсасиз дала-даштда юриб...

— Албатта. Бунга кимдир ёрдам ҳам бериворган бўлса...

Бу аччиқ киноя ҳақ нишонга бориб теккан эди. Назаримда у Зулайҳони ҳам, ҳамма-ҳамма нарсани билиб, кўриб тургандай туюлди менга. Мужмал изоҳларимни давом эттиришдан бошқа чора топмадим.

— Бу ердагилар, уларнинг ажойиб ишлари, шарт-шароити, ютуқлари кўз ўнгимга келади. Менга йўл бўлсин, дейман... Лекин шу тақдирда ҳам сизга хат ёзмаганим хато бўлган, бўйнимга оламан.

— Ҳай... Бизга шуниси ҳам тасалли, — деди Манзура, назаримда, менинг айтмаган гапларимни ҳам тушуниб. Энди мен билан суҳбатга ҳафсаласи ҳам қолмаган эди чамамда.

— Бу ердаги ишлардан, ўзингиздан гапирмадингиз, — дедим мен, суҳбатнинг совиб бораётганини сезиб. — Демак; Самад Деряевнинг ўша принциплари...

— Самад Деряев, Самад Деряев! Учинчи марта сўраяпсиз... У кишидан совчи бўлиб келганингиз йўқми мабодо? — Манзура тезлаброқ юрди, мен мулзам бўлиб орқасидан эргашдим. Одамнинг ичини тирнаган ғашлик курсин, йўқ деганда ҳам рашкдан нимадир қолар экан-да. Бўлмаса, кела солиб бир пасда уч марта тилга оламанми бегуноҳ курсдошимни. Бир чеккаси, Манзуранинг бу зардали гапи менга ҳуш ёқди, демак, муносабатлар илгаригича...

Илгари... Илгарилар бундай бўлармиди бизнинг учрашувларимиз! Орзулар, талпинишлар, интизор кутишлар, шошилишч бўсалар; бунақанги мулоҳазакорлик қаёқда, ёнардик, ёнардик!

Биз нималарнидир йўқотяпмиз. Орзу ўрнига гоҳ совуққина режалар, ҳаммага баробар меҳр тошқини ўрнига гоҳ худбинлик қалқиб чиқади. Зулайҳо ёнгинамда қушчадай талпиниб ўтирганида Манзура билан гаплашиш осон бўладигандек туюлган эди. Энди қарасам, уччаламизнинг тақдиримиз бир бутун уччаласига ҳам ўзим жавобгардек, бунинг қандай бўлишини билмай қайноқда қолиб ўтирибман.

Филиалнинг кенг зинасидан бир тўп одам тушиб келди, олимлар аспирантлар, башанг кийинган йигит-қизлар... Бизни қий-чув билан қуршаб олишди. Бирини танидим, бирини танимадим. Кимдир қучоқлашиб кўришди, синчков саволларга кўмилиб гангиб қолдим, хаёлим Манзурада. Суҳбатимиз руҳимни тушириб юборган эди, худди ўртамизда девор, бир-биримизни кўрмай, бир-биримизни англамай гаплашдик, кўзидан қора кўзойнагини ҳам олгани йўқ. Неча йиллик қадрдон, ақлли у кўзларни бир кўрмадим ҳам.

Мен бу учрашувнинг қийин бўлишини билар эдим, ўзимнинг унда бу қадар довдираб қолишимни ўйламаган эканман...

Ҳайронман, қилғилиқнинг ҳаммасини ўзим қилдим, нега энди бу қадар мулзам бўламан? Бошқача бўлиши керакмиди? Ё, раҳмат сизга, яхши иш қилибсиз, дейишларини кутганмидим?

Манзурадан узоқдалигимда бу гапларни хаёлимга келтирмагандим. Энди, сезишимча, Манзура мен учун Манзурагина эмас, ойим, Лола, мана бу таниш-нотаниш одамлар, уларнинг ташвишли, қувончли юзлари, чинор соя солган мана бу кўчалар, дашт, дарё шабадаси, тиниқ осмон парчаси, куздан дарак берувчи ҳазин кайфият, кечалари қийнаган саволу муаммолар... — бари Манзура билан боғлиқдай.

Уйга бордим, ўз қўлини ўзи кесган ярадор одамдай, бошимни урарга жой тополмай, гангиб қолдим. Гоҳ чорбоққа чиқаман, гоҳ сув бўйига... Одам кўринса орқамга қайтаман. Ҳамма иш билан банд, менинг на хаёлимга бир фикр келади, на қўлим ишга боради, бекорчиликдан ҳам эзиламан, ҳам уяламан. Ҳаммани зериктириб юбордим назаримда.

Баъзан қумлоқ соҳилда ҳисларим тиниқиб, Зулайҳонинг катта, ғамгин кўзларини тасаввур қиламан, у билан хайрлашган сўнгги дарё кечасини эслайман. Паст, майин товуши қулоғимга чалинади: «Мен ҳар оқшом Аму соҳилига чиқаман...» Болаларча беғубор соддалик... У хазон бўлади, ўша шиддатли, шафқатсиз муҳитда у хазон бўлади, дейман ичимга совуқ ваҳима тушиб. Зулайҳо ҳақида ўйлаш менга осон эмас.

Одамови бўлиб қолганимдан атрофдагилар, айниқса ойим хавотирда эдилар. Фақат Лола баъзан бирор пастқам йўлда қувиб етадида, пинжимга кириб, қувноқ шивирлаб, «Собиржон ака, афғонда яхши кўрган қизингиз чиройлими?» дейди кўзларини айёрона йилтиллади. Тахмини чиппа-чин эканини хаёлига ҳам келтирмаса керак. Лекин ёш бола менинг кўнглимдаги туйғуларни қаёқдан уқиб, қаёқдан бундай аниқ тахминлади — ҳайратда

қоламан; хотин-қизларнинг ички сезгирлиги ҳеч тушуниб бўлмайдиган сирли мўъжиза экан. «Чиройлими?» эмиш. Чиройли бўлганда қандоқ, «чиройли»нинг маъносини сен қаёқдан ҳам билардинг, пучуқ?

Акамнинг кундалик хўжалик ишлари, ҳисоб-китоби билан боғлиқ куйди-пишди, муаммоли гапларигина мени ҳардамхаёл ҳолатимдан чиқаради. Ишдан кела солиб, похол шляпасидаги терни енги билан ишқаб артаркан, бугун ҳам менга қаради.

— Ҳа, отпускачи! Нима қилиб ётибсан? Бу сувчиларнинг яна жанжали бўларкан-ку, бормайсанми? — деди.

— Қанақа жанжал?

— Яна ўша Сойлиқ массивининг жанжали-да. У ерда янги совхозларга қоziқ қоқияпти, сувчиларинг бўлса ҳали ҳам тортишиб ётибди.

— Қаерда бўлар экан «жанжал»? Ким айтди сизга?

— Областда дейди. Инженер ошнам бор, сув омборининг навбатчи диспетчери, ўша айтди, у ҳам қатнашаркан. Энди жиддий гап бўладиганга ўхшайди, Сумбул аянг келибди.

— Сумбул Садриевна?! — мен сўридан сакраб туриб, айвонда вағиллаб ётган телевизорни ўчирдим. — Обкомда дейсизми, нега обкомда? Балки институт филиалидадир, балки сув иншоотлари трестидир? Эҳтимол, лойиҳа институти...

— Билмадим, ишқилиб...

Мен бошимдан сув куйгандай тетик тортидим, аччиқ-ширин хотираю хаёлпарастликлар бирдан кўтарилиб, қилинмаган ишлар ёпирилиб ёдимга келди. Улар гўё беҳисоб бир оғир юкдай елкамдан босиб тушмоқда эди.

Эртасига азондаёқ биринчи автобус билан область марказига жўнадим. Кўксимдан сабабсиз бир шавқ, қувонч кўтарилиб келаётганини сезардим. Мен ўз-ўзим билан ўралашиб қолиб, одатдаги муҳтимдан узоқлашиб кетган эканман. Қани, мени соғинтирган ўша «жанжал»ларда ёш-ялангнинг фикрини қанотлантирадиган безовталиқ чўғи ҳали ҳам бормикин? Энг муҳими — Ая. У чўл зоналарида кўп юрадио, лекин беҳудага келмайди. У қатнашадиган суҳбатнинг обкомда бўлиши ҳам табиий. Акам билиб айтаётган бўлса керак.

Борсам, ҳақиқатан ҳам обком рўпарасидаги чорбурчак майдонда автомашиналар тирбанд, вестибюлда бир-иккитагина хушёр ташкилотчилар ишчанлик билан гаплашиб туришибди. Таниш бўлим мудир мени кўрдию, саломлашгач, қўлтиғимдан оласолиб катта зал эшигига бошлади. Мен тушундимки, йиғинга кечиккан эканман.

Эшикни очиш билан, киприкларим пирпираб анчага қадар тикка тирганча қолибман: минбарда Манзура! Кўзимни ололмай, пайпаслаб бориб қаергадир ўтирдим. Тагимдаги курси анча ноқулай фирчиллади ҳамки, ҳеч ким менга қайрилиб боққани йўқ, Манзура кўрди, холос. Кўрдию, кўзини дарров олиб, бир зум нафас ростлагач, гапида давом этди. Мен ҳали унинг сўзини эшитаётганим йўқ, кутилмаганда чуваллашиб қолган фикрларимни эпломаяпман: нега Манзура? Гап нима ҳақда?..

Манзура эркакчароқ бичимда тикилган кулранг костюм кийган, ҳатто тик ёқали кўйлак тусида энсизгина галстук ҳам тақиб олган эди.

— Биринчи қидирув группасининг материаллари тўққиз ойдан бери ТЭОдан қайтиб келмаётганлиги бежиз эмас, ўртоқлар, — деди у, — қайтиб келганда ҳам, у лойиҳа Сойлиқ массивининг келажани таъмин этолмаслигига мен аминман. Чунки группадаги ўртоқлар Амудан сув олишда насос системасидан фойдаланишни минимал даражага тушириш зарурлигини ҳали ҳам тан олмаётирлар.

— Биз ўнг қирғоқда яшаймиз, сиз ҳам шуни тан олишингиз керак! — деди залдан кимдир.

— Унг қирғоқда фақат насос билан иш кўрилади, деб буни назарий қонуниятга айлантириш хато. Мен бугун мана шуни исбот қилиш учун минбарга чиқдим, — деб Манзура харита олдиға борди. Мен унинг ихчам қадди-қоматини энди бус-бутун кўриб, фикрим калавасини яна йўқотдим. Бу бир вақтлардаги таниш баҳсга ўхшарди, лекин энди умумий, мавҳум эмас, бор лойиҳалар устида гап кетаяпти шекилли.

— Мен биринчи группанинг лойиҳасини кўз олдимга келтира оламан, аниқ таҳлил ва ҳисобларга асосланиб айтаманки, — деди Манзура овозини баландлатиб, — унда дастлабки насосларгача бўлган масофанинг қумла-ниши камида ўн йил давомида массивнинг рентабеллигини таъминлашга имкон бермайди, чунки Аму дейдилар буни! Сув йўлини тозалашга ҳар йили бир неча миллион сўм маблағ талаб қилинажак. Биз буни биринчи марта гапираётганимиз йўқ...

Мен шу жойда бирдан тушундимки, гап Самад Деряев группасининг иши ҳақида кетаяпти. Бу эски жанжал эдию, мен унинг бу қадар кескин-лашганини ҳал билмас эдим. Самад ўзи қаерда экан? Нега индамаяпти?

Залга кўз югуртириб, уни тополмадим, мен ўтирган жойдан елкалар кўринар эди холос. Президиум столида эса фақат уч киши ўтирибди: обкомнинг иккинчи секретари Любушин, ўзбекчани маҳаллий шевада мақол ва маталлар билан безаб гапирадиган рус кишиси; унинг ёнидаги ёш йигитни мен танимадим — Сойлиқдаги янги хўжаликларнинг янги ходимларидан бўлса эҳтимол; четроқда эса Сумбул ая кўзини қоғоздан олмай ўтирибди. У яна ҳам кексайиб, гавдаси кичикроқ бўлиб қолибди, елкаси чиққан, юзи салқи, офтобда ранги ўнгинқираган эски берет четидан ҳали ҳам жингала оқсоч толалари итоатсиз сочилиб чиқиб турарди.

Манзура давом этди:

— Сойлиқ — ўз номи билан Сойлиқ, ўртоқлар. Бу массив Амунинг қадимий тармоғи атрофида пайдо бўлган кўҳна воҳа эканлиги фанга маълум. Бу қирғоқ воҳанинг энг ичкарисида узоқ вақт иш олиб борган бизнинг қидирув группамиз аниқладикки, бундан бир неча юз йил аввал Амударё шу жойда ўз ўзанини ўзгартириб, жанубий пастликка силжиганидан кейин Сойлиқ тармоғининг суви батамом тортилган. Сизга маълумки, қадимий ўзанлар билан мен кўп шуғулланганман, ўртоқлар. Сув нима учун маълум бир жойдан, айтилик, хўдди мана шу ердан оқади? У, албатта, бошқа ерлардан ҳам оқиб кўрган, аммо йўқолиб кетаверган. Тарихий ўзан унинг балки юздан биттасини танлаб оқаётган йўли бўлгандир.

Сув минг йиллар давомида йўл танлайди, яъни биз, қидирувчиларнинг машаққатли ишини бажаради. Бинобарин, сувнинг ўзи танлаган йўл энг тўғри йўл бўлиб, унда ер ютиш ва оддий фильтрация ҳам минимал даражага тушади. Бу ўринда қадимий ўзанлардан фойдаланиш назарияси биз томондан анча мукаммал ишланганлигини айтиб ўтишим мумкин. Бунга асосланган лойиҳа энг арзон лойиҳа бўлади, деб ҳисоблайман. Сойлиқ массивини суғоришнинг биз таклиф этаётган лойиҳасида оғир бетон ишлари деярлик истисно, сув узоқ йўл босиб келишига қарамай, ўзини бир-икки йил ичида тўла-тўкис оқлайди...

Гап шу жойга келганда зал жонланиб, шовқин кўпая бошлади. Бу ғала-ғовур менинг кўнглимда, менинг миямда бўлаётгандек эди: ажабо, бу мен излаб юрган хазина-ку! Қарийб икки йилдан бери кезиб юрганим Чорданаҳр ўзанлари лоп этиб кўз ўнгимга келди. Бу йиллаб давомида Манзура худди ёнгинамда юриб, барча азобли йўларимни мен билан бирга ўйлашганми нима-бало?! Ўзанлар назарияси... Манзура, жонгинам, оқилам! Ахир бу...

Залда ғовур давом этар эди. Любушин ўрнидан туриб олган. Унинг кўнгириғига қарамай, кимдир қизишиб гапирар, кимдир қичқириб савол берар эди. Олдинроқда Самад Деряевнинг ҳам алифдек гавдаси кўринди, одатдагидек башанг, чиройли, қора, қалин сочлари локлангандай йилтилларди. У негадир минбарга чиқмай, жойидан туриб, оғир, босиқ гапирди. Мен унинг салмоқ билан келтирган рақам, далилларини илғаб ололмадим, ички ҳаяжоним халақит берар, аллақачонларга кетиб қолган бевош хаёлларим билан банд эдим. Сумбул ая ўрнидан тургандагина ўзимга келдим.

Мана энди у ҳал қилувчи гапни айтади, у Манзуранинг топқир таклифларига, албатта, муносиб баҳо беради, ҳамма ўз ўрнига ўтирди, зал жим бўлиб қолди.

Мен атоқли олиманинг нутқини кўпдан бери эшитганим йўқ, унинг кексаларга хос, кўксидан сал ҳирқираб чиққан босиқ товуши баданимни

жимирлатиб юборди. Бебаҳо ёшлигимиз, студентлик йиллари, дилбар Манзура... Самад билан биринчи тўқнашувимиз... Манзурани ҳозир ўша вақтдаги сингари биринчи бор кўргандай талпиниб қолдим. У негадир ҳали ҳам минбар четида дам залга қараб, дам аяга жовдираб, бугунги имтиҳон баҳосини ёки тақдирини кутгандай типпа-тик турар эди.

Аммо Сумбул Садриевнанинг гапи кутилмаганда ғалати бўлиб чиқди. У топқир ва изловчан ёшлар ҳақида яхши гапириб келиб, иккала группанинг таклифларини ҳам деярли йўққа чиқарди. Бу лойиҳаларнинг истиқболи йўқ, деганида залнинг нафаси ичига тушиб кетди. Ҳозир айрим массивларни суғориш эмас, бутун чўлни комплекс ўзлаштириш лойиҳалари ҳақида ўйлаш зарарлигини, йилига миллион тонна пахта берадиган янги водий барпо этиш тўғрисида гап юритишни, бу масалани партия директиваларига киритиш учун бўлган хатти-ҳаракатларимизда фақат мана шундай миқёсли, истиқболли лойиҳалар, кенг қамровли қидирув ишларигина ёрдам бериши мумкинлигини қатъий уқдирарди.

Манзура ҳамон минбар четида турганча кўзларини пирпиратиб қолди. Менинг ҳам бошим қизиб кетди. Бу қандай бўлди, нима гап ўзи, Ая? Ахир икки оғиз гап билан...

Мен ўрнимдан туриб кетганимни билмай қолибман, йўлакдан олдинроққа ўтиб, ижозатсиз гапиравердим:

— Менимча, лойиҳачи группаларнинг бутун уринишларини йўққа чиқариш тўғри бўлмайди. Масалан, биз, Афғонистонда ишлаётган геологик қидирув группаси, нотиқнинг... эски ўзанлардан фойдаланиш назариясини чуқур ўрганишга ва уни амалда тадбиқ этишга тайёرمىз!

Бу гапим ҳаммага қаттиқ таъсир қилади, деб ўйласам, олима қошини чимириб, кўзойнагини тузатди-да, менга қараб:

— Тўхтабоевми? — деди кўзларини қисиб залга тикиларкан.

— Ҳа, мен, Сумбул Садриевна.

Лойиҳалар ҳақидаги жиддий гап қолиб, гўё мажлисда ўтирганини унутгандай, суриштира кетди:

— Қачон қайтдингиз, Тўхтабоев, яхши келдингизми? Нега учрашмадингиз шу вақтгача, эсон-омонмисиз? Менга учранг, менга, албатта, учранг... — дея норасмий гапни чўзаверганидан, зал совиб, бу орада мажлис ҳам ёпилди. Курсилар тақиллаб, одамлар шовқин-сурон билан тарқала бошладилар. Оқимга қўшилиб вестибюлга чиқдим. Кимлардир келиб кўришди, ҳол-аҳвол сўради, мен эса гўё гаранг эдим: нима қилсамикин? Аяни қидириб кирсамми, ўзи учранг деб такрор-такрор айтди-ку... Самад, майли, чиқиб кетса кетгандир, лекин Манзура қани, наҳотки у ҳам кўришмай жўнаб қолди, наҳотки менинг гапим унда ҳам ақалли жиндек қизиқиш уйғотмаган бўлса? Дарвоқе, уларнинг кўнглига ҳозир менинг гапим сиғадими, неча йиллик уринишлари бекорга чиқиб ўтирибдию... Ая, ҳаммага меҳрибон кўринган ая, амалий ишга келганда асли анчагина шафқатсиз, уни биз шогирдлари яхши биламиз: катта орзу-ўйлари йўлида ўнча-мунча ёшларнинг кўп йиллик ишларини ҳам авёсиз босиб ўтиш одати бор. Ҳар ишнинг илмий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам узоқроқ уфқларини кўра билади шекилли-да. Лекин ёшларнинг хўжаликка тадбиқ қилинмаган ишларини ҳам, ҳатто катта-кичик муваффақиятсиз машқларини ҳам синчковлик билан ўрганиб, улардан илм ва тажрибага қўшилиши мумкин бўлган томчиларни авайлаб, мисқоллаб йиғади. Шунинг учун истеъдодли ёшлар бу беомон устоз атрофида доим худди асаларидек уймалашадилар.

Мана, мени ҳам чақирди, мендан ҳам бир нарса кутаяпти чамамда. Очиғи, унга ҳам осон туриб бўлмайди. Қариган чоғида бу поёнсиз чўлга ҳаёт келтириш режалари билан ҳаловатини йўқотиб юрибди, ёшларсиз нима ҳам қила оларди!

Кўнглимга ғашлик тушди: шу орада бу катта ишлар билан мени ҳам бир аравага қўшиб, у ёқдаги режаларимдан ажратиб ўтирса-я? Бу ҳеч гап эмас, ана Манзурани, Самадни икки оғиз гап билан нима аҳволга солди. Ўрмонни кесадилар, пайраҳаси учаверади, дейишади руслар. Мен чиндан ҳам ташвишга тушиб қолдим, борсамми-бормасамми Аянинг олдига?

Бормасликнинг иложи йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас, лекин қачон?

Кейинга қолдириш — ўзингни узоқ азобли ўйларга дучор қилиш бўларди. Бугуноқ учраб, нима бўлса ҳам шартта ҳал қилиб, қутулиб қўя қолиш керак. Нима бўлса ҳам, Аясиз бўлмайди.

Хиёбонда барглар орасидан столларга ёмғир томчилаб турган усти очиқ кафедра бир стакан иссиқ какао ичдим-да, шаҳар меҳмонхонасига жўнадим. Область маркази кичкина, ҳамма нарса, барча эски-янги бинолар деярлик битта мана шу кўм-кўк кўчада гавжум: институт филиали, усти ёпиқ янги колхоз бозори, чўл қурилиш трести, универмаг, меҳмонхона. Қурилиш кранларидан сал заҳа еган чинорлар соясида область партия комитетининг икки қаватли кичкинагина янги меҳмонхонаси кўзга ташланиши билан юрагим ҳовлиқиб, қадамимни секинлатдим: зинапоядан Манзура тушиб келарди. Аяга мендан олдин кириб чиққанга ўхшайди. Нима бўлса ҳам, яна дуч келганимиз яхши бўлди, юрагимни бесабр қувонч қамраб, у томон шошилдим. Нимадир дейиши керак-ку, мажлисдаги гапим ҳақида, бундан кейинги муносабатларимиз ҳақида... шундайича Тошкентга кетиб қолса, мен ўзимни қаёққа қўярдим.

— Манзура! Қаёқда қолиб кетдингиз? — дедим зинада рўпарасидан чиқиб. У индамай бош эгди, ингичка пошнаси билан тўқ-тўқ этиб, яна икки пиллапоя пастроққа тушди. Кайфияти, табиий, унча баланд эмас эди.

— Ая ўша-ўша, ҳукми қаттиқ... Лекин сизнинг ишингиз...

— Менга раҳмингиз келибди-да? — деди Манзура, менга тик қараб, — ўша садақ гапингизнинг кераги йўқ эди. Ахир ҳамма тушуниб ўтирибди... Мухтож эмасдим. — У жўнаб кета бошлади.

— Қандай «садақа», Манзура!? Ахир мен чин кўнгилдан, сизнинг ўша назариянгиз... бизнинг трассаимиз... Манзура!

— Сиз бундай ишлар билан гуноҳингизни ювишга уринманг. Мен сизни айблаётганим йўқ, билдингизми?

У мармар зинапояларни тақ-туқ босиб тушиб кетди, мен қўл чўзганча қолдим. Савалаб ўтган ёмғирдан кейин қорайиб кўринган асфальт йўлкада Манзуранинг ёлғиз, бўйчан, нафис гавдаси узоқлашиб бораркан, нафас етмагандай, ёқаларимни бўшатдим, олдинга ҳам, орқага ҳам юришни билмай, бўшашиб туриб қолдим. «Раҳмингиз келибди-да?» Раҳмим келганда қандоқ! Мен жароҳатлаб қўйдим унинг қалбини, бунинг устига устози ранжитди. Ҳаддим сиғса ҳозир бағримга босиб юпатардим...

Лекин гап раҳмда эмас. У менинг иш ҳақидаги қувониб айтган жуда муҳим, жиддий гапимни шунчаки тасалли деб, муҳаббат ўрнига тўлов, садақа деб тушунди. Бу чигални Сумбул ая ёрдамида ечиш мумкин.

Шу фикр билан меҳмонхонага кириб, навбатчи аёл кўмагида Аянинг эшигини топдим.

Сумбул Садриевна мени узун, юмшоқ хонаки халатда, бошини гулдор рўмол билан танғиб боғлаган ҳолда кутиб олди. Юзлари бир оз қизариб кўпчиган, ҳозиргина ваннадан чиққан экан, узр сўради, қиёфасида кундузги ҳорғинлик йўқ, тетик, қувноқ, сергап эди. Менинг «мусофирлик»даги ҳаётим, ишларим ҳақида, «у соҳил»даги ташвишли аҳволлар тўғрисида узоқ суриштирди, термосдан чой қўйди, ярми меҳмонхоналарда ўтаётган умридан, келган-кетганини кўнгилдагидай меҳмон ҳам қилолмаслигидан зорланди. У ҳозир ҳақиқий «Ая», оддий кекса аёл эди, мен атоқли профессор билан суҳбатлашаётганимни ҳам унутдим шекилли:

— Манзура келиб кетди чоғимда? — дедим чойга қўл узатиб.

— Ҳа, — мени ҳамма нарсани билаверади, барча саволларга жавоби тайёр, деб ўйлайди шекилли. Шунча яшаб, қариб қолган бўлсам ҳам, ёшларга ундай қил, бундай қил, деявермайман кўнгил масаласида. Очиғини айтсам, мен унга ачиндим, покиза, оқила қиз... Нега ундай бўлди-а, Собиржон?

Суҳбатимиз анча хонаки тус олган бўлса ҳам, гапнинг жуда бундай нозик мавзуга кўчишини кутмаган эдим, ўзимни ҳимоя қилиш учун ўзга сўз тополмай, негадир курсдошимнинг номини тилга олибман:

— Самад Деряев...

— Деряевга Манзура, менимча, қизлар нуқтаи назаридан тўғри таъриф берди: ўзини ҳимоя қилишга бир оғиз гап тополмайди, дейди. Тўғри, Самад истеъдодли, муносиб йигит, яхши кўради, лекин Манзура-нинг унда кўнгли йўқ, назаримда.

Мен ерга қарадим. Менга улуғ одамни бундай шахсий гап билан бошини қотириб ўтириши ноқулай эди. Ундай десам, бугун Аянинг ўзи негадир шундай кайфиятда, ҳаммамизнинг чигал муносабатларимиздан хабардор эканини яширмай, дам очилиб, дам ўйчанлик билан, мавзунни давом эттирди:

— Бегона юртдан ёр севиш кўп мушкул савдо, Собиржон. Бунинг мушкуллигини фақат ёшликда билмайди киши... — деди Сумбул ая. У юмшоқ курсига чўкканча ўйчан, жим бўлиб қолди. Ширин ва армонли хаёллари узоқ-узоқларга олиб кетди шекилли, анчадан кейингина, — дарвоқе, — деб менга қаради, — сизнинг замонингиз бошқа, масофалар яқин, чегаралар шартли, сизнинг йўригингиз бўлак...

Кейин яна мендан иш шароитимни, деҳқонлар кайфиятини суриштирди, мен батафсил гапирдим, кадрдон бўлиб кетган ўртоқларимни, танишларимни таърифладим.

— Мард одамлар, самимий халқ... — деб, яна хаёлга чўкди Ая. Лекин бу сафар дарров бош кўтариб:

— Менга группангиз материалларини кўрсатинг, албатта, танишим керак! — деди-да, тетикланиб, кўзлари нурланиб кетди.

— Хўп бўлади.

— Қачон олиб келасиз? Мен эртага биринчи рейс билан кетаман.

— Аэропортга олиб чиқаман, Сумбул Садриевна.

Ая туриб пешонамдан ўпди. Вужудимга бесабр куч бағишлайдиган илиғлик югурди.

Шу кундан бошлаб мен ҳаловатимни йўқотдим. Эртасига тонгда аэропортдан келаётиб биринчи марта куз нафасини тўйдим. Теракзорда хазон тўкилар эди. Майин, намчил жимлик, шудгордаги қировда қарғалар изи...

Вақт ўтиб кетяпти, менинг сафаримни баҳорга қолдиришлари мумкин. Йўқ, куз бўлса ҳам, қаҳратон қиш бўлса ҳам, мен объектимга қайтиб боришим керак. Иш ўлда-жўлда, дўстларимнинг тақдири номаълум, нега мени бу ерда ушлаб туришлари керак? Беихтиёр бекорчилик, чала қолган иш одамни қаттиқ азобга кўяди. Меники эса, чала қолган ишгина эмас, чала қолган умрга ўхшаш... Мақсад, ниятлари барбод берилган одамдай эдим. Қандайдир асабийлик билан зарур ишларимни битиришга киришдим. Филиалнинг кутубхонасига бориб, Манзуранинг диссертациясидан нусха кўчиртириб олдим, кейин «Союзвзрывпром» трестининг бошқармасини топиб, бир ҳафтагача мутахассислар консултациясига қатнадим. Янги учрашув, янги маълумотларнинг ҳаммаси менинг объектга тезроқ қайтишим зарурлигини исботлар эди. Фақат министрликдан дарак йўқ.

Мен бетоқат, кечқурунлари ҳувиллаб қолган дала йўлларини айланаман. Посёлкамиз ёнбошидаги сув омборидан совуқ, намчил куз нафаси келиб, жунжиктиради, нохуш хаёлу хотираларни уйғотади. Аҳволимни уйдагилар ҳам сезишди шекилли, дала йўлларидан мени Лола топиб келадиган бўлди. Унинг ёш математиклар кўриги, қандайдир комсомол йўлланмаси ҳақидаги чуғур-чуғур гаплари қулоғимга чалинади. Беғубор ташвишлар... Зулайҳо ундан уч ёшгина катта. Лекин унинг ташвишлари нақадар изтиробли, ўзи нақадар ҳимоясиз! «Ота-боболар тупроғини ўпиб қўйинг» дегани эсимга тушиб, мўнгли товуши қулоғимда янграб кетди. Ёш бўлса ҳам, уни қисмат барвақт етилтирган. Оқила, сулув...

Эгилиб қўлимга бир ҳовуч тупроқ оламан. Кўпчиган тупроқ кафтимда нон ушоғидай кўзилаб туради. Лабимга келтириб, аста ўпаман. Она ер ҳиди димоққа урилади.

Лола менга ҳайрон бўлиб боқади, унга тушунтиришга тўғри келади,

лекин қандай қилиб? Хайрият, унинг фикри бир жойда тўхтамайди, беқарор.

— Афғонистонда ҳам тупроқнинг ҳиди шунақами? — деб сўрайди у.

— Ҳа, шунақа. Худди шунақа! — дейман бу содда фикрдан ўзим ҳам ўйчан ҳолга тушиб. — Тупроқ худди шунақа, сув ҳам, ҳаво ҳам шунақа, одамлар ҳам...

— У ерда ҳам босмачилар пайдо бўлибди-а? Газетада ўқидим.

— Ҳа, бир вақтлар бизда бўлгандай...

Биздагидай, лекин ўз қонунияти билан. Оқибати ҳам биздагидай бўлади, ўз қонунияти билан. Келажаги ҳам. Нимага бўлмас экан!

Бугун тонг отарда Зулайҳонинг келажаги тушимга кирибди. Кап-катта, дуркун аёл эмиш. Бошида ўша-ўша арақчин қалпоқ, шахло кўзларини тикиб, Сумбул ая билан Аму ёқасида ёнма ён ўтирганмиш.

— Танишмисизлар? — дебман ҳайратда. — Қайси соҳил бу? Қайси соҳил?

Саволларимга жавоб ололмай уйғониб кетдим. Қарасам, рўпарамда оқ халат кийган ойим ўтирибдилар. У кишидан, одатдагидай, янги ёпилган нон ҳиди, тандир тафти келар эди.

— Бугун Тошкентга бораман деган эдинг, тур, болам. Нонуштанг сўрида.

Ойим ювинишим, соқол олишим, хонтахта ёнига бориб ўтиришим, ҳамма ҳаракатларимни кузатиб турдилар-да, яна аста сўрадилар:

— Яна кетиш ҳаракатими энди, ўғлим?

— Нима деяпсиз, ойи? Борсам нима, мана, дарёнинг шундоққина нариги ёқасида...

Вақт кеч бўлса ҳам, тонг ёришолмаётгандай, теварак ғира-шира, ҳаво булут, кун совуқ эди. Пастликларда туман ястаниб ётибди.

Биринчи рейсга самолёт учолмас деб ўйлаган эдим. Йўқ, омадим келди — Тошкентда ҳаво очиқ экан. Кузги гулларнинг сўлғин ҳиди хазонрезги хиёбонларга алоҳида сокин руҳ бағишлаган, фавворалар сапчимас, янги пайдо бўлган проспектлар, тўққиз, ўн олти қаватли янги биноларгина пойтахтга улўворлик бахш этиб турарди.

Фанлар Академиясида Сумбул Садриевна менинг қидириб келганим билгач, президиум мажлисини ташлаб чиқибди. Қабулхонасида ўтирганимда ёшларга ўхшаб пошнали этик, мўйнали камзул кийган жиддий қиёфада кириб келди. Мен саломлашишга улгурганимча йўқ, ичкарига бошлаб, жаҳл аралаш сўради:

— Сиз ҳали ҳам бу ерда юрибсизми? Нима гап?

— Мен, Сумбул Садриевна...

— Министрликка телефон қилган эдим-ку? Чақиртиришмадими?

— А... йўқ.

— Сиз дарҳол жўнаб кетишингиз керак! Тушундингизми? Дарҳол! Буни бир кун кечиктирсангиз — жиноят.

Ая тортмасидан менинг папкаларимни олиб столга ташлади. У жуда жиддий, ҳатто асабий гапирар эди. Мен ҳали тушунганим йўқ: нега бундай? Нега «дарҳол»? Нега жиноят?» Гарангсиз қолдим.

— Министрлик индагани йўқ, балки вазият ноқулай деб... Ёки бирон тўсиқ... — дедим мужмалроқ қилиб.

— Ҳеч қанақа тўсиқ! Уруш, инқилоб, зилзила — ҳеч нарса ғов бўлмаслиги керак бунга! — деди у, менинг папкаларимни салмоқлагандай яна бир кўтариб ташлаб. — Қани, ўтиринг-чи.

Иккимиз ҳам ўтирдик. Салқи юзига қон тепган Сумбул ая мугуз гардишли жўнгина кўзойнагини тўғрилаб менга тикилди, сийрак оқ сочлари тўзғиб чиққан, боши билинар-билинемас қалтирар эди. Нима бўлди, группамиз материалларидан дарҳол тузатиш зарур бўлган қалтис хато чиқиб қолдими?

— Биласизми нима қилиб қўйганингизни? — деди Ая, мен томон интилиб. Пешонамдан ҳовур чиқиб кетди. Аянинг кўзига қараб, англолмас эдим: қизғанишми, ачинишми, ҳайратми... — Афсус, афсус... — деди у мендан кўз узмай, — қариб қолдим, ўғлим. Бўлмаса сизлар билан

бўлардим, у юрт учун шундай бир иш қилиш мендан лозим эди... Тезроқ қайтиб боринг, бахтли йигит, бунақаси умрда бир бўлади!

— Сумбул Садриевна, мен...

У менинг папкаларимни очиб, ёзувлар, ҳисоблар, жадваллар, формула ва схемалар орасидан топографик харитани топиб, ёйди.

— Кўхинов музликларидан озиқланган бу наҳрлар ҳақида доктор Суҳайлдан аввал Кўшон тарихчилари ҳам ёзган, — деди анча осойишта оҳангга ўтиб. — У ёш тоғларда қандай катаклизмлар бўлганини билмай-миз, лекин музликларнинг тўсатдан тугаб кетгани маълум. Шунинг учун, бу кокилдай таралиб ётган наҳрлар қуриб қолган. Ҳа, музликлар ҳам тугайди, ўғлим, уларни «абадий» деб бекор айтишади... Мен бу қадимий наҳрлар системаси ҳақида сизга мутахассислардан аниқ маълумот олиб беришга ҳаракат қиламан. Ҳа, ҳа, ваъда бераман сизга. Улар бизга Амунинг бир замонлар ҳозирги Красноводск қумликларидан оққанлиги ҳақида ҳам маълумот бердилар. Лекин ҳозир гап унда эмас, гап шундаки, қадимий Чорданаҳр ўзанларига сув тараш, уларни тирилтириш — ўзи мўъжиза бўлади! Ҳа, гидрогеологияда фавқулудда ҳодиса! Дунёда энг арзон гидроиншоот! Шунинг учун буни бир кун ҳам кечиктириш мумкинмас. Мен ўз фикримни министрликка батафсил билдирдим. Сиз группанинг ишини тез кунда якунлаб, лойиҳачилар билан ишга тушурингиз керак.

Мен гоҳ ўтдай қизиб, гоҳ совуқ терга ботиб ўтирардим. Устоз осмонга олиб чиқиб кўйди, тушунаман — унинг гапи шунчаки мактов эмас, бу — ишимизнинг ишончли фанний асоси, лекин «тез кунда», «дарҳол» — айтишга осон. Группанинг ўзи йўқ ҳозир, у тарқаб кетган, ҳали у ерларда нима гап — нима сўз, ўртоқларимнинг тақдири не кечди, бизнинг ишларимиз ҳақида эслайдиган одам борми-йўқми?.. Гидрогеология «мўъжиза»си одамларга керакми, юрагига сиғадими?.. Мен бу ўйларимни, албатта, Аяга гапириб ўтирмадим..

— Мен бугуноқ тайёрман! — дедим ўрнимдан туриб.

— Ҳозир министрликка боринг, — деди у. Кўз қарашлари юмшади, ҳавас билан тикилган қорачиқлари сал намланди ҳам. Кўриб турибман, мендан, ўз орзуларини ушалтирадиган шогирдлари борлигидан мамнун эди. Ортиқ ҳаяжонланганимдан, унга яхшилаб миннатдорчилик ҳам билдиролмаганим ташқарига чиққандан кейин эсимга тушди. Папкаларимни олганда, кўк томирлари бўртиб турган кекса қўлларини журъатсизгина ўпдим, сўз айтолмадим...

Кетадиган куним эди. Тонгда йиғлаб хайрлашган Лола чорак соат ўтмай мактабидан ҳовлиқиб қайтиб келди. Кўзлари ола-кула, кўча эшикни ҳам ёпмасдан, лой сачратиб, ёнимга югуриб келди-ю, бўйнимга осилганча қулоғимга бир нималарни шивирлай бошлади. Ёмғирдан намиққан юзлари ловулар, нафаси оғзига тикилган, шундай бўлса ҳам, гапини тахминан тушундим.

— ...Қаерда? — дедим мен ҳам шивирлаб.

— Вой... «Наҳотки билмасангиз?» дегандай кўзларини катта очиб қаради-ю, лоладай ёниб, бахтиёр қиёфада мактабига чопқиллади.

Бир нима қолиб кетаётгандай, сафарга оёғим тортмай, ҳовлини билчиллатиб ёғаётган совуқ ёмғирга тикилиб, шумшайиб ўтирган эдим, Лоланинг хабаридан жонланиб кетиб, сапчиб ўрнимдан турдим. Ҳали нима қилишни билмасдим. Ойим даҳлизда менинг чамадон утуғларим билан оворалар. Этикни кийиб, қозикдан ёпинчиқни олдим-у, ҳовлининг этак томонига қараб юрдим. Ҳаракатларим тушдагидай беихтиёр, нима қилаётганимни билмагандай эдим, лекин манзил аниқ бўлиб чиқди: орқа эшикдан бошланадиган қадрдон сўқмоқ соҳилдаги таниш харсанг, ёзги пляжларда қийшайиб қолиб кетган эски брезент соябонлар томон элтарди.

Тунги ёмғир қумлоққа сингиб кетган, бутазорлар яланғоч, туманли, соҳил совуқ, лекин менинг юрагим қизиб, бир вақтлардагидай ҳовлиқар, орзиқар эди. Ҳали бу учрашувнинг мен учун қандай бўлишини билмайман,

аммо... нима бўлса ҳам ахир келибди-ку, шунинг ўзи гўё бутун ёшлигимни қайтариб берган бахтли бир он эди.

У ўнлаб марта учрашган жойимиз, ўша харсанг панасида, негадир бошьяланг, соябонсиз, букчайиброқ турарди. Ёмғир селгиган бўлса ҳам соҳилда қуюқ туман, сувнинг совуқ нафаси уфуриб турибди, ҳаво нам, ғуборли...

— Манзура...

Ховлиққанимни, ҳансирашимни билдирмасликка уриниб, муздек харсангни ушлаганча ёнида тўхтадим.

— Афт-ангоримга эътибор қилманг, уйқусизликдан... Кечки самолёт учмади, аэропортда қолиб кетдим, — деди гўё булар бари хурсандчиликдай, — хайрият, етиб келгунимча кетиб қолмасиз. Кеча кечқурун Сумбул ая уйга телефон қилиб...

— Манзура, нима гап?

— Нима гап бўларди, ҳеч гап йўқ... келдим, — деди қиз, кўкаринқи-раган лаблари билан сал жилмайиб. Мен, Ая аралашган бўлса шошилинич бир янгилик ёки сафаримга тўсиқ бўладиган бирон гап борми деб ўйлаган эдим, аҳмоқона саволимдан хижолатда қолдим. Ахир Манзура келганда мен ҳеч қачон «Нима гап? Нега келдингиз?» деб сўраган эмасман. «Нима гап бўларди, ҳеч гап йўқ... келдим». Бу сўзлар кўзимни очиб юборди, мен Манзурани тўла-тўқис кўргандай бўлдим: у ҳозир ҳамма ишу юмушлардан, амал, вазифа, маъсулиятлардан тамом холи, фақат мушфиқ аёл, шунчаки ожиз бир қиз, бир вақтлар соҳилдаги учрашувларимизга тун демай, ёғин демай югуриб келадиган ўша Манзура эди. Ёноғига ёпишган ҳўл соч толалари, намгарчиликдан сал дийдираса ҳам жилмайиб, «келдим» деб туриши мени титратиб юборди.

— Манзура, ахир, зах, уйга кирайлик...

Бу гапим яна ножўя чиқди.

— Йўқ, мен сизни деб келдим. Бир пас... ахир кетасиз экан. Совуқми — ҳеч қиси йўқ, далада юриб ўрганиб кетганмиз. — У бир нафас жим қолиб, яна такрорлади. — Совуқми — ҳеч гап эмас, лекин совуқ гап... Мен ҳамма совуқ гапларим учун узр сўрагани келдим.

Ҳеч нарса деёлмай, ёпинчиғимни устига ташладим. Икки қўлим икки елкасида қолди. У ҳам силжиб, менга суйканиброқ келди.

— Ҳозир туман тарқаб, офтоб чиқади, — деди бир оз ерга тикилиб тургандан кейин. Мен ҳамон бир гап топиб айтолмасдим.

Лекин шу жимликнинг ўзи иккимиз учун ҳам маъноли, унинг вужуди бағримда сал исиб, титроғи қолди, мен эса ҳўл сочларининг таниш ҳидини туюб, ўзимни бахтиёр ҳис этдим.

— Совуқ гаплар мендан ўтди, Манзура. Сиз узр сўраманг.

— Узримни қабул қилмасангиз, бошқа гапим бор. Ая «кетяпти» деб телефон қилганида...

— Ая — табаррук аёл.

— Юрагимга ғулғула тушди: ахир у ёқларда ҳозир аҳвол... Мен сизнинг ваъдангизни олишим керак: биринчидан, ўзингизни эҳтиёт қиласиз...

— Иккинчидан-чи?

— Иккинчиси ҳам, учинчиси ҳам шу! Ваъда берасизми?

Мен орамизда кўзга кўринмас девордай бўлиб гапга ҳалақит бераётган аллақандай ноаниқликдан, сохталикдан қийналардим. Руҳимни зилдай босиб турган сирдан қутулмоқчи бўлдим-у, кўнглимни бўшатдим: Зулайҳо ҳақидаги ҳамма гапни заррача яширмай, батафсил, очиқ-ойдин ҳикоя қилиб бердим.

Жим туриб тинглаган Манзуранинг вужуди охирги марта сал қалтираб қўйди.

Орага жимлик чўқди. Ёмғир тамом тинган, туман соҳилда сийраклашиб, узокдаги қор булутларига улашгандай ястаниб, оқариб кўринар эди. Мен орадаги сохталикни олиб ташлагач, енгил тортиб, ҳукм кутиб турардим.

— Очиғини айтсам, Собиржон ака, мен буни тахминан фаҳмлаган

эдим, — деди Манзура жозибали, қуюқ, сал ғурурли товуши билан. Ҳов ўша куни меҳмонхонада аянинг кўксига бош қўйиб йиғлаганман ҳам. «Чиройли қизлар билан гаплашмайсиз, деб унга шарт қўйганмидинг?» дедилар Ая. Шундан кейин ўзимга келдим. Чиндан ҳам, шундай шарт қўйиб бўладими? Қайси йигит чиройли қизлар билан гаплашмайди? Бунинг устига, уни... ўша Зулайҳони «гўзаллик рамзи» деяпсиз, унга бўлган меҳрингиз меҳнатингиз сингган ўша ерларга бўлган меҳрингиз билан қоришиб кетган бир ҳиссиёт экан. Мен нима ҳам дердим. Сизга ҳеч қандай шарт қўймаганман, тўғрими? Энди ҳам қўймайман. Лекин ўша ҳолатда кетиб қолсангиз бўлмасди. Мана энди яхши, гаплашиб олдик.

Унинг вужуди энди исиб кетган, кўксимга елкаси билан юмшоққина суяниб турар, назаримда, хотири жам бўлган эди. Орқа томонда булутлар орасидан хирагина офтоб кўтарилиб чиқди. Мен Манзуранинг ҳўл ёноқларидан ушлаб, юзини ўзимга қаратдим. Иссиқ юзида ёмғир томчилари ҳали ҳам мўлдираб турар, ҳўл соч толалари манглайига ёпишган; қуёш чақнаган қорачиқларида бирдан юртимда қолиб кетаётган ҳамма қадрдон нарсаларимни, орзу-ўйларимни, бутун тақдиримни кўргандай бўлдим. У қорача бармоқлари билан кипригимдаги ёмғир зарраларини артди...

Элчихонада Собир Тўхтабоевнинг келишидан хабардор эдилар. Лекин у кириб келганида, кутганидай, жонланиш юз бермади. Ҳамма ўз иши билан банд, ходимларнинг кўпи янги, илгаригилари ҳам таниб бўлмайдиган даражада ориқлаб, қорайиб кетган, вазиятнинг оғирлиги ҳаракатлардан ҳам сезилиб турар эди. Сигарет тутуни, қаҳва ҳиди аралаш бу шошилич ҳаёт асабий ва юракни сиқадиған кўринса ҳам, қандайдир аниқ мақсадга йўналтирилгани билинар эди. Собиржон баъзилар билан кўришганда кўзларидан: «Сиз нима қилиб юрибсиз шу топда?» дегандай-роқ маънони уқиб, ўзини бу ерда кераксиз, бегона одамдай ҳис қилди. Чиндан ҳам, мамлакатнинг тақдири қил устида турган бир пайтда сиёсат ва дипломатиянинг бу қайноқ ўпқонида бир каналчи ўзининг қадимий ўзанларию келажак ҳаёллари билан нима қилиб юрибди? Юрти, улуси, қабиласи, қавму уруғи, оиласи фожеали тарзда иккига бўлиниб кетган деҳқон нима ташвишда-ю, булар сув дейди, ариқ дейди. Аригингни нима қилади, унга ҳозир жон сақлаш керак, унда ҳозир ҳаёт-мамот қайғуси... Қўлида қўштиғ билан эккан ошқовоғини зўрға йиғиштириб олиб, уйда бекиниб ётган кулфатзадага ҳозир Сангкосада денгиз чикора?

Иқтисодий масалалар мушовирига киргандагина Собиржоннинг кўнгли бир оз кўтарилди. Унга ҳамма вақт «Тўхтабой мироб» деб ҳазиллашадиган кекса маслаҳатчи очиқ юз билан қувониб кутиб олди, анчадан бери кутишаётганини айтди, кофе буюрди.

— Бошни кўтаринг, мироб, ишингиз тўхтаб қолгани йўқ, иқтисодий-техника назоратидан ўтиб, лойиҳачилар қўлига етиб борди, назаримда.

— Қандай? Ким қияпти бу ҳаракатларни? — деб Собиржон аввал чўчиб тушди.

— Ана у ўртоғингиз-да... оти нимади? Безор қилиб юборди-ку, «келдими-келдими» қилавериб.

— Ким?

— Анави... силнусха, кўксов... Кечирасиз, касалманд бир ошнангиз бор экан-ку?

— Унақа танишим йўқ! Бу ерда бир гап... оти нима экан?

— ... Заргарми, Коргарми...

— Фуломали Коргар!

— Ҳа, ҳа, ўша... Худди ўша!

— У тирикми?! — Собиржон ўрнидан сапчиб тураркан, олдидаги совиб қолган кофе тўкилиб кетди. — Фуломали!... Нега у «силнусха» бўлади? Бу ерда бир ғаламислик, найранг йўқмикан? Бошқа бирон товламачи бўлмасин!? Фуломали Коргар чинордай йигит! Сиз уни билмайсиз!

— Шошманг, шошманг, сиз мундай ўтиринг, Тўхтабой мироб... —

деди кекса мушовир, — бафуржа мулоҳаза қилайлик. Нега уни «тирикми» деяписиз? Ошнангизни сўнги марта қачон кўрган эдингиз?

— Нима аҳамияти бор? Ҳозир қаерда ўзи, ўша? Адреси?

— Госпиталда бўлиши керак. Муолажада. Зарнигор хиёбонини биласизми? Ушандан ўтгандан кейин муюлишда собиқ ҳарбий лиса бор, госпиталь ўша бинода, ўша ердан телефон қиларди ҳар куни.

— Мен кетдим! — деди Собиржон, бетоқатлик билан яна ўрнидан туриб. Хайр-маъзурни ҳам насия қилиб чиқиб кетди, умумий бўлимдаги ходимлар унинг шаштига ҳайрон бўлиб қараб қолдилар.

Ғуломали... Ғуломали... Агар ўша бўлса, уни нима жин урди? Собиржоннинг ўйига алланималар келиб кетди. Бу олатўполонда группанинг материаллари Соҳиб Лаълга ўхшаш бирон сиёсий қаллобнинг қўлига тушиб қолиши ҳам мумкин-да! Госпиталда «Ғуломали Коргар бу ерда йўқ» деган жавоб олганидан кейин Собиржоннинг шубҳа ва таҳликаси яна ҳам ортди. Унга бошқа адрес бердилар. Ғуломали қатнаб даволанармиш, госпиталда ётишга унамаганмиш. Нега? Собиржон бунга ҳам ишониб-ишонмай, адресга хавотир билан қараб, унда кўрсатилган Шоҳида маҳалласини қидириб кетди.

Совуқ ёмғир ёғарди, йўлкалар лой, кўча юзидаги вайроналарда балчиқ оқиб ётибди. Осмонда патруль вертолётлар ғувиллаб айланади. Куппа-кундуз бўлишига қарамай, гузарлар кимсасиз, дўконлар тақа-тақ берк, дарз кетган деворларда ўқ излари... Фақат қуйида, лойқаланиб оққан Кобулдарё соҳилидагина заҳматкаш кирчилар оқариб кўринган сой тошларига ола-қуроқ кирларини ёйиб, офтобни кутишади... Собиржон шалаббо бўлиб, лой этигини базўр судраб маҳаллага кириб борди.

Бир томон қабристон экан, арзонгаровгина ижарага берадиган жойлар. Адресга қараб юриб, яланғоч дарахтлар орасидаги чорқирра, пастак, сомоншувоқ ҳужрага рўпара бўлди. Ичкаридан биров овоз берди-ю, эшикни очиб кирса, ҳеч ким йўқ, биргина дарчали уй ғира-шира қоронғи. Собиржон бир дам туриб, кўзи кўниккач, ғарибгина ҳужрада тартибсиз ётган тўшак, кийим-бош, этик, сандик, пўстак, китоб, примус ва аллақандай қоғозларни кўрди. Лекин дарча очиқ, ҳаво тоза эди.

Собиржон орқага қайтаман деб турганида тўрда эшик ғирчиллаб, кимдир чиқди. У ерда яна бир хона бор экан. Чиққан одам индамай тўхтаб қолди. Улар бир-бирларига тикилиб анча турдилар. Ёпирай, наҳотки... Наҳотки бу Ғуломали бўлса?! Унинг забардаст гавдасидан ярми қолган эди, холос. Собиржон, бошқа биров эмасми, дегандай ошкора тикилиб, унинг қиёфасидан, чўккан кўзларидан, таниш ифодаларни қидираётганини пайқаб, ўзи хижолат тортди.

— Ғулом!

— Собиржон!

У қучоғида сал букчайган, ориқ, заиф гавдани сезиб, аввал нима дейишини билмади, «Ғуломали», «Ғуломжон» деяверди. Кўзига ёш келишидан кўрқиб, ўзини тетик тутишга зўр берарди.

Ғуломали эса, ажабки, руҳан ниҳоятда тетик, қувончидан йиғлагудай бўлиб, ичкари ҳужрага бошлади. Бу ер ёруғ, анча тартибли, стол-курси, оқ дастурхон, иссиқ чойнак буғланиб, бўйдоқнинг хонасига файз киритиб турарди. Лекин бу ерда озиб кетган Ғуломалининг заҳил юзи, туртиб чиққан ёноқ суяклари, сийраклашиб оқ оралаган, таралмай пахмайиб кетган сочлари яна ҳам аниқроқ кўринди.

— Эсон-омонмисан, Ғулом, соғлиқ...

— Соғлиқни сўрама, сенинг келишинг ҳаммасини ҳал қилади! — деди Ғуломали, заиф турқиға сира мос келмайдиган тетик, қувноқ товуш билан. Улар яна қайта қучоқлашдилар. Собиржон элчихонада эшитганларини, ишнинг силжиб кетганини гапириб, буни қандай уддалаганини сўраганида, Ғуломали яна такрорлади:

— Ҳеч нарсани сўрама, сенинг келишинг ҳаммасини ҳал қилади! — у дастурхонга қанд-қурс қўяр, шошганидан қўллари қалтирар эди. — Сени қандай кутганимни билмайсан! Юртинг ободми, онанг, яқинларинг соғ-саломатми?

— Ҳаммаси жойида, Ғулом, фанний асослар, «Взрывпром» тавсиялари, Сумбул аянинг фикригача — барини олиб келдим.

— Бу ерда ҳам... ҳукумат шуғулланяпти! Лойиҳачилар группаси подвалга чироқ тортиб ишга тушди, икки ҳинд консультант, министрликлар бу лойиҳани қўлимиздан юлиб олишга тайёр, ҳозир ҳатто қурилиш-техника жиҳозлари, ускуналар лимити ҳақида буйруқ бор... Фақат одам йўқ, билсам-билмасам, ҳаммасига ўзим югураман. — Ғуломали узоқ ва анча хунук йўталиб олди.

Бу янгиликлардан яйраб кетиб, этигини ечиб келиб, ўз уйидагидай ўтириб олган Собиржоннинг таъби хираланди.

— Сенинг келиб қолганлигинг биз учун нима эканини ўзинг билмайсан! — деб қувноқ давом этди Ғуломали, афтидан кўксини ўпириб келган йўталга эътиборни тортмасликка уриниб. — Қани, чой ич.

— Ғулом... Мен сени қидириб аввал госпиталга бордим. Нега ётиб даволанмаяпсан?

Ғуломали узоқ индамай, иссиқ чойни доридай майда ҳўплаб ичди.

— Очиғини айтсам, ўлгим келмаяпти, — деди у дастурхондан кўзини олмай, — ишимиз шундай юришиб турганда... бир нима бўлса, жуда алам қиларди.

Собиржон тушунмади: даволанишдан ўларканми одам?

— Қолаверса, хизбий созмонларимиз тавсияси шу, — деди Ғуломали пастроқ овозда, — ҳозирча гавжум жойларда эмас, иложи борича пастқамроқ ерларда истиқомат қилишимиз маъқул. Пойтахт бу ер, катта шаҳар. Душман биздайларни териб йўқотиш учун изимиздан изғиб юрибди, дуч келган жамоат жойини портлатиб кетяпти. Касалхонада, ўзинг биласан, бола-чақа, майиб-мажруҳ, қари-қартанг... «касофат»имизга қолиб ўлиб кетмаслиги керак улар... Сен ҳам ема, госпиталга қатнаб турибман.

— У ерда телефон бор, ишларни битириб олиш мумкин, дегин? Кулдилар. Кулгилари маъюс, ғариб эди.

— Қаёқдан илинтирдинг бу... дардни? Упкадами? Ўша вақт...

— Ўша кетганимча... бизни уч юз километр пиёда ҳайдадилар! Қаёққа кетаётганимизни ҳеч ким билмасди. Дастлаб, жангга дейишди, душманга қарши аввал бизникилар кўксини тутиб бориши керак экан, дейишди. Ундай бўлса майли эди, лекин мен ишонмадим. Чиндан, бу бизни калака қилиш учун ўйлаб чиқарилган гап бўлиб чиқди. Биз жангчи эмас, таҳқир этилган маҳбус, гўё қул эдик. Оёқдан қолиб йиқилганларга сув берилмас, турғизиб, нуқиб ҳайдашар эди. Мен ўша йўлдаёқ терлаб, кечалари жунжикиб, ўпкани шамоллатиб қўйдим. Кейин... Пули Чархийга келгач, зах бетон қудуқда устимдан икки соат давомида совуқ сув қўйдилар... Пули Чархийни эшитгансан, фашист Германияси даврида немислар қуриб, шоҳимизга совға қилишган. Дунёда энг даҳшатли, энг атоқли турмалардан. Қурилганидан бери ундан биринчи марта тирик чиққан «жиноятчилар» — мана биз. У шамоллаш оддий зотилжам эди — битиб кетган... — Ғуломали юзини четга буриб яна кўксини тилиб келган оғир йўталдан букилиб қолди, — эсга туш...ди... лаъна...ти... — деб, бутун вужуди билан титраб йўталаркан, оғзидаги рўмолчани ғижимлар, кўкарган юзига дона-дона тер қалқиб чиққан эди. Собиржон унинг рўмолчасида қизил доғларни кўриб ўрнидан туриб кетди-ю, қийналаётган ўртоғига бирон нарса қилиб ёрдам беролмаганига эзилар эди.

— Зотилжам битиб кетган, — деди Ғуломали сал ўзига келиб. — Ҳозир... ҳозир... — деб яна жиндак йўталди-да, дармонини йиғиб, давом этди. — Буниси бошқа... мана бу ёқда... бир қовурға йўқ, — деди ботиб турган чаё биқинига қўл югуртириб.

— Упкага операция?..

— Йўқ. Тепкидан.

Ўртоғининг йўтал қийноғидан юрагини олдириб қўйган Собиржон борган сари мудҳиш тус олаётган бу суҳбатни тўхтатишга аҳд қилди. Кўриб турибдики, оғир хотиралар, чарчаш Ғуломалига ёмон таъсир қиляпти.

— Кел, ўтиб кетибди, шукр. Бекорчиликда эслармиз.

— Ҳеч қиси йўқ. Ҳозир муҳими — қўл-оёқ бутун, қалла жойида. Пули Чархийдан тирик чиқаман деб ҳеч ким ўйлаган эмас, буюғи текин.

— Текин деб, унчалик текин бўлмас. Буюғи ҳам ватан хоинларига кўп қимматга тушади, худо хоҳласа.

Фуломали очилиб, юзига қон югурди, кўзи нурланиб, Собирга боқди.

— Сени жуда кутган эдим... Манзура билан гаплашдингми?

— Ҳа, гаплашдим... Кўҳна ўзанлардан фойдаланиш назариясини бизга тақдим этди.

— Бу яхши, — деди Фуломали. — Лекин мен бошқа маънода...

— Бошқа маънолари ҳам яхши. Қишлоқда аҳвол қалай? Қариндош-уруғ... Сардор омонмилар? Шокалон тоға...

— Сардор саломат, аммо негадир бирдан чўкиб қолди, ёлғиз. Мени чақиряпти ёнига, лекин, биласан-ку... Айтгандай! — Фуломали кўкрагини ушлаганча, букчайиб бориб, бурчакдаги жавондан газета олди, — мана, буни ҳали кўрмагандирсан?

Собиржон газетани қўлига олиб ёйди.

— «Инқилоби Савр»?

— Ҳа, учинчи саҳифани қара.

Газетада доктор Суҳайлнинг ёзувлари тўлалигича, ҳатто «Катта Аму»чилар группасининг фотосурати билан босилиб чиққан эди. Собиржон даст туриб, очиқ дарча ёнига, ёруққа борди. Суратда Суҳайл маъюс, кимгадир илтижо қилаётгандайроқ объективга қараб турибди, ўртада қўл остидагиларга нописанд, такаббуруна илжайган соҳиб Лаъл Маҳдий...

— «Қобул таймс»га берган эдик-ку буни?

— «Қобул таймс»дагилар босиб ётавергандан кейин, ошкорликка чиқиш билан талаб қилиб олдик.

— Зўр иш бўлибди, Фулом! Доктор Суҳайлга ўхшаганларнинг номини чиркин тухматдан асраш ҳам инқилобнинг эзгу вазифаси. Унинг хизматларини Сумбул Садриевна ҳам билар экан.

— Сардорнинг қувонишини тасаввур эт!

— Ҳали дўстининг ёзувлари газетада чиққанидан хабари йўқми?

— Менимча, йўқ. «Инқилоби Савр» ҳали кам тарқалади.

— Авранг қаерда? У хабардорми?

— Мана шуни билолмадим. Бу жуда муҳим эди, лекин у болани ҳеч қаерда учратолмадим. Қўрқаманки... У ўқиган ҳарбий лицей тарқатиб юборилган. Чунки ўқувчиларнинг кўпчилиги ярамас офицерлар қутқуси билан душман тўдаларига қўшилиб кетган. Қўрқаманки, Аврангзеб... Зўравонлар этагини тутиш одати бор эди боланинг.

— Кўплар кетганми? Қишлоқда-чи? Қишлоқни сўраганимда сен гапни чалғитяпсан. Ахир бизнинг ишимиз ўша ёқда бўлади, очиқ гапиравер.

— Сени Зулайҳо қизиқтиради, биламан.

Улар бир-бирларига тикилишиб қолдилар. Собиржон дўстининг нурсиз кўзларидаги ҳасрат-изтиробга дош беролмай, ўрнидан туриб, қора намат устида пайпоқчан у ёқ-бу ёққа юрабошлади. Ташқарида қош қораймоқда, ёмғирдан кейин ясси томлар қорайиб кўринар эди, очиқ деразадан кечки зах ҳаво кирди.

— Очиғини айтсам, қишлоқдаги аҳволни ҳозир сенга ҳеч ким тушунтириб беролмайди. Бир нарса аниқки, аҳвол ёмон, одамлар юрагини олдириб, безиллаб қолган, ҳеч ким аниқ бир гап айтмайди. Мен Шокалон тоғанинг қўрасига кириб бирон кимсани учратолмай, ҳеч нимани суриштириб билолмай келдим, биров ҳақида биров ҳеч нима демайди.

— Сенга, фирқа фаолига ҳам-а?

— Ҳа... — Фуломали бир-икки йўталиб, дарчани ёпиб қўйди. Собиржон уни яна йўтал тутишидан қўрқиб, бу мушкул гапни ортиқ кавлаштиради. Лекин Фуломалининг ўзи гапни давом эттирди:

— Мен эртага худди ўша ёққа яна кетяпман. Ҳаммасидан аниқлашга ҳаракат қиламан.

— Бир ўзингми?

— Яхши шофер йигит бор, ўша билан.

— Ҳозир... Шартми, Ғулом? — деди ташвиш билан Собиржон. «Шу аҳволда қаёққа борасан, ётиб даволанишинг керак», демоқчи эди, айтмади. Ғуломали шундсқ ҳам тушуниб турарди.

— Шарт. Жуда зарур, — деди у, — ҳозир қишлоқ хўжалик машиналари, шу ҳисобда ер қазिश техникаси ҳам келяпти. Сизлардан. Ҳали айтдим — бизга ҳам лимит очилган. Индинга йўлга чиқадиган карвонда портлатиш ускуналари, бир неча гидромонитор, грейдер — элеваторлар бор. Биласан, шимолдан ўша бизнинг йўлларни босиб ўтади. Пойтахтгача доволон ошиб, айланиб юрмасдан, бизга тегишлисини ажратиб қолдириб объект яқинига тўплай бошлаш ҳақида қарор қилинди.

— Бу айни муддао бўлибди, мен ҳам бораман.

— Йўқ.

— Ғулом, ўзимизнинг машиналарни мендан яхши ким билади? Уларни тегириб, билиб олиш керак...

— Бу жуда соз бўларди. Лекин бундай ҳашамга йўл қўёлмаймиз: одам йўқ! Сенга бу ерда муҳим иш бор. Лойиҳачиларни бир кун ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас, сен у ерда бўласан, янги асослар, янги далиллар олиб келгансан ахир. Бу асослар билан улар ёнига боришинг катта рағбат, ишни икки баробар тезлаштиради.

— Ғулом, очигини айтсам, сенинг аҳволингни ўйлаяпман, бу ерда, ҳар ҳолда, госпитал яқин... Ҳозирги ҳавода узоқ сафар...

— Жуда сермулоҳаза бўлиб қолибсан, қани ётамыз, саҳарлаб туришимиз керак, — Ғуломали нариги хонадан кўрпа-тўшак кўтариб кириб, сандиқ устига ташлади. — Тонг қоронғуси кўзини йириб-йиртиб Булбулшо етиб келади.

— Булбулшо? — деди ётишга сандиқ устини танлаган Собиржон, — ўша бақалоқ геодезистми?

— Ўша.

— Мотоциклини ташлаб машинага ўтганми?

— Эски, шалоқ машинани тузатиб, орқа-олдини попугу шокилалар билан безатиб олган. «Бўрибхай» дейдилар бундай машинани.

— Мен ундан қарздорман, мотоциклини Сардорникига ташлаб кетган эдим, занглаб ҳам қолгандир.

— Занглатиб бўпти! Топиб олган, уни ҳам миниб юрибди. Исмига монанд сергапроф-у, лекин қўли гул, уддабурон йигит. У билан сафарда ҳам кўнглим тинч, сен хавотир олма. Эртага кечқурун худди айтган вақтимда Самангон чорраҳасига етказиб боради. Техникани Янгиариқ базасига кузатамыз-у, қишлоқдан бир хабар олиб тезда орқага қайтамыз.

Улар аллавақтгача гаплашиб ётдилар. Бугунги учрашув ҳаяжонидан уйқу қочган, гап кўп эди. Аммо кеч кузнинг туни узун, Собиржон азонда узоқ сафарга чиқадиган ўртоғини чарчатиб қўяётганини пайқаб, икки марта эшикка чиқиб, чекиб ҳам келди, чироқни пасайтириб, ўраниб ётиб ҳам кўрдилар, бари бир уйқу келмади.

Азонда Собиржон энди сал мизғиган экан шекилли, Ғуломалининг ўша хунук йўтали уйғотди. У тўхтовсиз титраб оғир йўталса ҳам, туриб негадир деразани ланг очиб юборган эди. Собиржон кўрқиб кетди, бу қанақаси, тунги зах ҳаво баттар қилади-ку? Лекин бемор дарчани ёптирмади, у аянчли бир ҳолда ғужанак бўлиб ётиб йўталар, рўмолчасини ёстиқ остига яшириб, янгисини олар эди.

Бу орада бақалоқ гавдасига даройи гуппини зўрға тортиб кийган, тўши очик Булбулшо ҳам тун совуғини бошлаб кириб келди. Собиржон билан бафуржа кўришолмадилар ҳам — Ғуломали кўкси йиртилгудай қийналиб, титраб, терлаб йўталар, афтидан, дард уни чангалидан қўйиб юборгиси йўқ эди.

Анча вақт ўтди. Тонг ҳам ёришаяпти. Собиржон билан Булбулшо нима қилишларини билишмас, бир-бирларига қараб қўйишар, ноилож эдилар. Одатда сергап Булбулшо ҳам бундай ҳолатда дилида тўлиб-тошган гапларини бўшатомай армонда эди. Ниҳоят йўтал бир оз босилди. Лекин Ғуломали қаро терга тушиб, сулайиб ётиб қолган эди.

— Муаллим... — деди Булбулшо унинг бошига келиб, — айтган вақтингиз бўлди, «Бўрибхай» тайёр, нима қиламиз?

Ғуломали индамади, гапиришга мажоли етмади, яна йўтал тутишидан қўрқдими, ётаверди. Собиржон келди бошига, этигини кийиб, Ғуломалининг эски қулоқчинини бошига қўндириб олган.

— Ғулом, қулоқ сол, бундай қиламиз...

— Йўқ... — деди бемор, афтидан унинг фикрини олдиндан тушуниб.

— Йўқ дема, Булбулшо билан бораман. Сен докторга кўрингач, лойихачилар билан ўзинг... Материаллар ана, портфелда. Йўқ дема, эсингни йиғ, энг тўғри йўл шу.

Ғуломали яна узоқ индамай ётди. Унинг қисқа-қисқа нафаси эшитиларди. Булбулшо ўзининг очиқ кўксига қўл солиб, кўйиндан соатини олди, бетоқат бўлиб қайта-қайта чироққа солиб қаради. Шундагина Ғуломалининг ўзгарган, заиф овози чиқди:

— «Инқилоби Савр»ни чўнтагингга солиб ол, Сардорни хурсанд қиларсан...

— Хўп! — деб сапчиб тушди Собиржон, газетани буклаб кўйнига солди. — Сен кун чиқиши билан — госпиталга! Албатта. Уқдингми?

Унинг намиқиб турган совуқ юзига юзини босди-да, ётган жойида елкасидан қучиб, чиқиб кетди. Булбулшо сал сунъийроқ дадиллик билан:

— Муаллим! — дея «ҳаммаси жойида бўлади» маъносида қўлини кўтариб хайрлашди-да, Собиржонга эргашиб, гурс-гурс қадам босиб чиқиб кетди.

Карвон катта чорраҳадан Янгиариқ йўлига қайрилганда, кечадан бери эринмай шивалаб турган совуқ ёмғир қорга айланди. Қачонлардир шағал тўкилган эски йўл ўйдим-чуқур, лой, лекин ўқдай тикка тортилган эди. Шамол билан ўйнаб келган ёмғир аралаш капалак қор ерга тушмай эриб кетяпти, шундай бўлса ҳам узоқда текис далалар, ўт босган марзалар, қир этаклари кўп ўтмай оппоқ оқара бошлади.

Ҳар эҳтимолга қарши, олдинга скреперларни қўйдилар, ўртада учта бесўнақай грейдер-элеватр хартумини лапанглатиб кетяпти, энг орқадаги брезент билан ёпилган катта прицепли «КамАЗ»да гидромонитор қисмлари ва портлатиш ускуналари юкланган тахта контейнерлар. Сарандойлардан ажратилган бешта қуролли соқчи ҳам ўша ёпиқ кузовдан паноҳ топишди.

Собир Тўхтабоевнинг ўзи кичик экскаватор ковши тиркалган «Белорусь» тракторларидан бирининг иссиқ кабинасига жойлашди. Кўп ўтмай бу ерга машинадаги ёпинчиғига ўраниб Булбулшо ҳам келиб тикилди. Қўлидаги даройи гуппини Собиржоннинг елкасига ташлаб, этигида бир ботмон лой билан инқиллаб чиқиб олди. Кабина тор бўлса ҳам, бақалоқ сиғиб кетди. Шу гавдасига қарамай, Булбулшо уддабурро, серҳаракат, чаққон. Йўл-йўлакай ҳамма машиналарнинг рулига бир-бир ўтириб, оз-оздан ҳайдаб кўрибди. «Бари ҳўкиздай бақувват, янги; лойи бўлса ювилиб кетади!» деди у, совуқда кўкариб кетган қўлларидаги қора мойни латта билан ишқаб артаркан. Отасининг оти Гулбоз. Булбулшо Гулбоз. Лекин исмига ярашмаган ишларни қилиб юради.

— «Бўрибхай»ни қолдириб яши қилибсиз, бу йўллар фақат булдозербоп экан, — деди Собиржон.

— Бостирма тагига яшириб, сарандой болаларга тайинлаб кетдим. Қайтишда керак бўлади. Мен дала-даштни яши кўраман-у, узоқ юролмайман, муаллим, уйда жужуқлар бор... — Булбулшонинг куни туғди — энди бора-боргунча жағи тинмайди. Лой йўлда мотор вағиллаб, кабинани силкиб-силкиб ташлаётган бўлса ҳам, гапдан бир зум тўхтамади. Целлулоид деразаларга қор чапланган, икки ёнда ёмғирми-туман пардаси ичидаги тинч, сокин кенгликлар моторларнинг вағир-вағирини ҳам ютиб юбормоқда. Чап томон то Амугача пастлаб кетган, шудгорга юпқагина йўл-йўл қор ётиб, бу мудроқ далалар баҳор меҳрини сабр-тоқат билан кутажагини таъкидлаётгандай. Ундан нарида қандайдир хира доғлар — қуюқ туманми ёки қўй подалари, қимир этмайди.

— Мен, ҳов сиз минган шалоқ мотоциклни ҳам ўша жужуқларимни тез-тез кўриб туриш учун сотиб олганман. Ҳасан-Зухро! — дея оғзининг таноби қочиб давом этарди Булбулшо. — Ёдингиздами, группадан икки куннинг бирида шаҳарга жўнаб қолардим. Уларни кўрмай туриб бўлмайдилар! Сизлар бўлмаганларингизда бу сарсонгарчиликдан иборат касбни аллақачон ташлаб кетардим. Фуломали муаллимни яхши кўраман, Сизни... Мен бола бўлиб мунақа одамларни кўрган эмасман, муаллим.

— Қанақа одамлар?

Ўзидан каттароқ ҳар бир саводли одамни муаллим, деб атайдиган бу содда йигит гапга чечан бўлса ҳам, бу саволга дарров жавоб беролмай, елкасини қисиб, ўйланиб қолди.

— Кўрдингиз-ку... Ўша аҳволда ҳам кун-туни этигини ечмай... Менинг меҳримни пайқаб, машинасига олди. Ҳамма ишидан бохабарман. Қутулиб келган кунидан бошлаб елиб-югуриб, ишимизни ҳукуматга маъқуллашди. Биласизми, нима дейишяпти бўлғувси Чарданаҳр лойиҳасини? Савр Инқилобининг меваси! Мен катта ишларни фақат катта одамлар қилади, деб ўйлардим. Оддий йигитлар ҳам эл-юрт учун мунақа савоб ишлар қилиши мумкинлигини сизлар билан юриб билдим, муаллим. Мен сизлар туфайли мана шу ерларни ҳам яхши кўриб қолдим.

— Бу ерлар ҳали — келажак, Булбулшо. Лекин Ҳасан-Зухроларни яхши кўрган одам келажакни ҳам, албатта, яхши кўради, — деди Собиржон.

— Топиб айтдингиз, муаллим. Ушани кўрмагунча сизлардан ажралмайман, жужуқларни кўриб келиш учун жавоб бериб турсанглар бўлгани.

— Бу йўлларни яхши билиб олинг. Келгуси қарвонда азамат самосваллар келади, ўзингиз бориб оласиз. Фуломалини эҳтиёт қилиш керак.

— Хўп бўлади, муаллим, — деб, кейин севган ашуласини куйлаб кетди:

Вақти ки мераси, дунё меҳандад,
Вақти ки мераси, дунё меҳақсад,
Булбулшо, сўмбўлшо...

Йўлга тикилавериб кўзлари тинган ҳайдовчи паст тезликда моторни вағирлатиб, ўнқир-чўнқирдан ўтиб олганида, ени билан пешонасини артиб кўярди. У ориқ, суяги бузуқ, новча йигит. Соқоли ўсиқ, бошида кир дастор. Ёнбошида қадимий паштун қўшотари. Чарчадими, Булбулшонинг мотор шовқинида бетиним бақириб гапиришига ғаш келдим, бирдан лаби қимирлаб, норозироқ оҳангда салмоқлаб ғунғиллади:

— Ўзларингизни ҳам эҳтиёт қилсанглар бўларди... Ҳамма ерда мужаҳидлар изғиб юрибди.

— Нафасинг мунча совуқ! — деди Булбулшо. — Бу ҳавода тоғнинг қайси бир қавагида дийдираб ётибди мужаҳидларинг. Қани, бер-чи бу ёққа. Чарчаб қолибсан, — Булбулшо унинг ўрнига ўтиб рулни ўз қўлига олди. Новча паштун туфангисини пайпаслаб топиб, кабинада икки буқилганча сурилиб, Собиржоннинг ёнига ўтирди.

— Улар катта йўлларга, кўприкларга кечалари пистирма қуради, — деди паштун яна таъкидлаб. — Бу сўқма йўллар тинч. Қолаверса, куппа-кундузи...

Булбулшо рўлда ҳам оғзи тинмай, давом этарди:

Булбулшо, сўмбўлшо...

— Биз, ахир, рафиқ, ўқ-дори ёки қурол-салоҳ олиб кетаётган бўлмасак, — деди Собиржон ҳайдовчининг терга пишган ориқ юзига қараб. — Биз қурилиш машиналари олиб кетаяпмиз, бу ўшаларнинг ҳам ўз юрти-ку, уларга нима керак ўзи...

— Э, рафиқ, сиз шўровиймисиз ахир? Шунинг ўзи кифоя уларга ҳаммамизни бирваракай қириб кетиш учун.

— Ёқанга ёпишсин! — деди Булбулшо қайрилиб новчага қараркан,

«Белорусь»нинг одам бўйи баланд ғилдираги йўл четига қиялаб кетишига сал қолди. — Аввало, уларнинг ҳеч қанақа «мужаҳид» эмас, ўтакетган жоҳил, босқинчи. Иккинчидан, орқада сарандой йигитлар келяпти, бари шай...

Собир Тўхтабоев бу хавотир, бу эҳтиёт шартлар асосан ўзи учун бўлаётгандай ўнғайсизланиб, орқа деразага қайрилиб қараб қўйди. Лойга беланган темир карвон ҳорғин гувиллаб, секин, жуда секин судралиб келар, узоқда кенгликларни тилган қора балчиқ из қолиб борар эди. Атроф эса оппоқ, сокин: бутун оламда ҳеч қанақа қотил ҳам, босқинчи ҳам бўлиши мумкин эмасдай. Собиржоннинг кўнгли тинчиди.

Ҳавода қор учқунлари ўйнайди. Олдинда ясси қирлар, ундан нарида Элбурснинг оқ чўққилари уфқдан билинар-билинемас ажралиб кўзга базўр ташланади.

Кечга бориб узоқни кўриб бўлмайд қолди, йўлни фарқлаш қийин эди. Булбулшо ҳам рулда терга пиша бошлади, гапга вақти йўқ. Жимлик чўқди. Чапроқда қуриган дарахт қораси, оппоқ қор қоплаган ғўзапоя ғарами кўринди. Шу вақт бир нарса «чиз-з» этиб кабинанинг ўнг деразасини тешиб чиқиб кетди. Булбулшо бошини кескин орқага ташлаб, кўзини пирпиратиб қолди. Оғир йўлда моторлар қаттиқ гувилларди, ҳеч қандай ўқ овози эшитилмади, шунинг учун дастлаб буни ғилдиракдан учган тошдир деб ўйлашди. Лекин Булбулшо разм солиб қараса, олдинги деразада ҳам ўқ изи, у руль гардишидан чирсиллаб қайтиб, ўнгдаги ойнадан чиқиб кетибди.

— Уқ бу! Уқ! — деди новча ҳайдовчи бақириб.

— Ҳаромилар! — Булбулшо дарз кетиб бир парчаси учган пластмасс гардишни сийпаб кўриб: — Эссизгина, ялтиллаб турган янги муюм-ни-я... — деб қўйди.

— Уқ! Уқ! Рафик, сизни қидиряпти мерган, эгилинг, — деди ҳайдовчи, қўлбола кўшотарини олиб, чап эшикдан пастга тушди, — юришни тўхтатма!

У ғўзапоя ғарамининг орқасида мерган ётибди деб ўйлаб, унга машина панасидан туриб ўқ отмоқчи бўлди шекилли, лекин карвон силжиган сари йўл бўйида бундай ғарамлардан яна беш-ўнтаси қалқиб чиқди. Новча шўрлик битта ҳам ўқ узолмасдан йўл четига узала тушди. Собиржон эшикка интилган эди, Булбулшо унинг ёқасидан маҳкам ушлаб жойига ўтқазди-да, яна рулга ёпишди. Собиржон ноилож орқа деразага кўз тикди. Карвонда саф бузилган эди, баъзи машиналар кўндаланг туриб қолган, моторлар гувуллаши пасайганидан энди ўқ овозлари ҳам баралла эшитилар эди. Сарандой йигитлар машиналар панасидан югуриб ғарамларга ўқ узар эдилар. Булбулшо тўхтамади, синиқ руль гардишига кўкси билан ёпишганча ҳамон олдинга ҳайдар, ёндаги кўзгудан аҳволни кўриб, Собиржонга етказиб турар эди:

— Кейинги грейдерни портлатишди газандалар! — деди йиғлагудай бўлиб. — Бу сарандойлар нега машина панасига ўтмайди, эй, хом болалар-а!!! Автомат билан қириб ташлайди-ку! Ўзлари ҳам учтагина қолибди шекилли, бошқалари қани!? — Булбулшо бор овози билан бақириб гапирар, ўқ чизиллаганда бошини эгиб, яна педалга зўр берар эди. Трактор лой чўнқирларда ағдарилгудай қийшайиб, гир айланган ғилдирагидан резина тутунини бурқситиб, яна бўкирганча юриб кетар эди. Орқада тагин портлаш эшитилди. Собиржон қайрилиб қарайман деганида ўнг елкаси «жиз» этиб, ярим гавдаси бирдан музлаб қолгандай туюлди. Бошини эгиб, чап қўлини кўйнига юборса, пахталик намиқиб қолибди, ўнг қўл қимирламасди.

— Булбулшо! Менга қаранг, Булбулшо...

Булбулшо эшитмадими, овози чиқмади. Собиржон пахталик ичидан елкасини ушлаганча бошини кўтариб қараса, Булбулшо калласини орқага ташлаб ётибди, трактор бўлса ўзидан-ўзи тикка кетяпти... Собиржон чўзилиб моторни ўчирди-да, Булбулшонини тимискилай бошлади, бақириб-чақирди. Булбулшо индамас, юзида сунъий жилмайишга ўхшаган азоб ифодаси қотиб қолган, лекин сира ўлик деб бўлмас эди. Собиржон чап

қўлига бутун кучини йиғиб, уни олдинги деразадан узоқроққа, кабинетнинг ичкарироғига судрамоқчи бўлди. Кучи етмади, қараса панжалари қонга беланган. Узининг қоними, Булбулшоникими? Унинг юзига кўзи тушди.

— Булбулшо! Булбулшо!

Булбулшо ўлик эди. Собиржон елкадаги оғриқни унутдию, бирданига кучдан қолиб, кўз ўнгидаги жимир-жимир қоронғилик ичида Булбулшонинг Ҳасан-Зухроларини кўрди, иккиси ҳам қоп-қора, терлаб, йилтиллаб туришибди, тишлари садафдек оп-поқ, иккиси ҳам оталаридек бақалоқ...

Шу маҳал ер зилзила вақтидагидай бир қалқиб, қандайдир темир ғирчиллашлари эшитилди-ю, Собиржон тутун ва балчиқ аралаш ҳаво тўлқинида йўл четидаги чуқурга учиб бориб тушди. Яраланган елкаси билан тушган экан, бир зумга ҳушини йўқотиб, қандайдир илиқ зулмат ичида бир муддат ётди-да, қаттиқ бир оғриқдан инграб кўзини очди. Қараса, трактор қияликда аччиқ тутун пуркаб ётибди, фақат олдинги томони бутун, нарида эса экскаваторнинг темир тишли чўмичигина ерга санчилиб қолибди. Собиржон йиғлай ҳам олмади, бақира ҳам олмади, қулоғи тамом битиб қолган, вужуди карахт эди. Бир пасдан кейингина, юзидан қор эриб лабига нам текканда, бирдан уйғонгандай титроқ қўли билан ёнидаги қорни чангаллаб оғзига сола бошлади. Қор тагидан лой чикди, қараса қўли ҳам, юзи ҳам лой. Қамирлашга ҳоли бўлмаса ҳам, лойни сидириб, қор билан ювиб ташлади.

Тутун, кечки туман ичида ғўнғир-ғўнғир овозлар эшитилди. Қоп-қора соқолли, ёшгина, келишган йигит кўринди, унинг кетидан кенг иштонлари кир, дастор, пату ўраган қуролли одамлар уч кишини қўлларини орқаларига арқон билан боғлаб ҳайдаб келдилар. Бу уч кишининг иккитаси орқадаги скреперларнинг ҳайдовчилари, бири ярадор сарандой эди. Карвондан қолгани шу экан шекилли. Уларни ғуж қилиб лой йўлга тикка қўйишди.

— Чилим! — деб бақирди келишган йигит этигини ғўзапояга артаркан. Жулдур патуга ўранган чол чоригини билчиллатганча икки букилиб келиб, чилим тутди.

— Бузрук...

Келишган йигит Собиржоннинг шундоқ бош томонига чакмон ташлаб ўтириб, чилим қуриллатди. Наша ҳиди анқиди. Кўнгли ағдарилиб турган Собиржон гапларни яхши эшитмас, лекин воқеани тахминан англаб, жирканиб ётар эди. Йигит унинг устига келиб юз-кўзига узоқ тикилгач, бир нима деди. Собиржон эшитмади. Эшитганида ҳам уни ўз сўхбатига арзитмас эди. Мишиқи, олифта, тиш-тирноғигача қуролланиб олиб, ярадор, қуролсиз, ожиз одам устида керилиб туришини қаранг!

Йигит бу нафратни сезди шекилли, оқаринқираб, одамларига асабий бақириб нималардир буюрди. Милтиқ, автомат, пичоқ, гранаталарни тақинчоқдай осиб олган, деҳқонча кенг иштонли, хилма-хил, беўхшов кийинган одамлар йўлда сочилиб, бири кўндағанли, бири қийшайиб, бири пачақланиб ётган машиналар томон югурдилар. Бир пасдан кейин машиналар бир-бир портлаб, кечки ҳавода ачимсиқ тутун турди, қизиган темир, резина ҳиди келди. Портлашлар акс садоси тингач, водийга ғўристондагидек жимлиқ чўкди.

Иккита ҳансираган одам келиб Собиржонни ўрnidан турғазиб, биқинларини пайпаслаб кўрди-да, итариб-нуқиб йўл томонга юргизди. Собиржон юриб кетганига ўзи ҳайрон, лекин энди унга бари бир эди: руҳини қандайдир мудҳиш бир лоқайдлик қамраб олди.

Уни ҳалиги қўли боғлиқ одамларга қўшиб, олдинга ҳайдаб кетишди.

Кеч кириб, йўллар сал қотган, атроф оппоқ қордан тонгдагидай ёришиб турар эди. Пахталикка сингиган қон ҳам музлаб қотди шекилли, қадам босган сари Собиржоннинг елкаси зирқираб, қийнай бошлади. У тишини тишига қўйиб, ёнидагиларга қарайди, иккитаси ёш-ёш йигитлар, кийимлари юпқа, шафқатсиз қисиб боғланган нам арқон қўлларини кўкартириб юборган, лекин булар, ҳатто ярадори ҳам, дийдирасалар-да, ҳали тетик эдилар.

— Рафиқ... Сизга қийин бўлади, — деди нариги кексароғи оқсоқланиб борар экан. Ажабки, секин гапирса ҳам, Собиржон унинг гапини эшитди, аёз очиб юборди чоғи қулоқларини.

— Сизларга-чи? — сўради Собир ҳайрон бўлиб.

— ... бизларни отади-қўяди. Лекин сизни... шўровий эканингизни билишар экан. «Кофир» деб аташяпти. Мужаҳидлар юртдаги барча кулфату фалокатларни кофирлар касофатидан деб тушунтиришади.

— Сиз-чи? Буни қандай тушунасиз?

— Э, рафиқ, қизиқмисиз... Сизлар берган анов машинада ариқ олиш орзуим бор эди. Болалигимдан ҳар хил машинаю моторларга суягим йўқ...

Собиржон юзини четга бурди, негадир Булбулшо ёдига тушди. «Шу ерларни яхши кўриб қолдим...» деган эди раҳматлик. Яхши кўрган ерига жасадини кўмиб қўядиган одам топилармикан?..

— Этигингиз қисяптими? — деди у қора тун қўйнида сочилиб ётган жасадлар ҳақидаги мудҳиш тасаввурларини қувиш учун.

Олдинда яна товушлар, от дупури эшитилди, дарахтлар қораси кўринди.

— Қаёққа олиб кетаяпти? — деб сўради Собир оқсоқ суҳбатдошидан.

— Қаёққа олиб борса ҳам, бизни аввал эътиқодимиздан қайтаришга уриниб кўради, кейин йўқ қилади... Сизни билмадим, сизга... уриниб овора бўлмаса ҳам керак. Елкангиз оғрияптими?

— Жуда.

Топталиб, балчиғи чиқиб кетган бедазорда гулхан ёнарди. Атрофида қурол-яроғли одамлар уймалашар, олдинроқда эса, типирчилаб турган оқ от устида басавлат киши кутар эди. Асирларни ўша оқ от яқинига элтиб тўхтатишди. От устидаги киши бошидан ёпинчиғини олиб, ҳаммасини бир-бир кўздан кечирди-да, Собиржонга қадалиб қолди. Остида от тинмай депсинар, орқадаги отми-ҳачирми устидан юзи буришган кўсанусха одам ой шакли тушган кўк байроқни кўтарганча анқайиб турарди.

— Нимага кўли боғланмаган? — деди оқ от устидаги. Тоғушидан — кекса одам эди. Собиржон унинг тўрвадай мош-гурунч соқоли остида катта бўқоқ ва икки қаватли ўқдонни кўриб қолди, холос.

— Эви йўқ, шайхим, кўлнинг ўзи шалвираб ётибди! — деди бояги олифта, нашаванд йигит.

— Бўлмаса кўзини боғланг! — деб шайх от жоловини йигитлар томонга бурди.

Нашаванд бўлса, у ёқ-бу ёғини пайпаслаб, шерикларига аланглаб турди-да, лойга беланган ифлос мушти билан бир хезланиб Собиржоннинг қаншарига туширди. Кутилмаганда тушган зарбдан Собиржон гандираклаб, лойга тизланганча кўзини очолмай қолди.

— Ҳой, нима сурон, нима номаъқулчилик!? — деб қичқирди нарироқдан оқ от устидаги.

— Шундоқ, шайхим, мен унинг кўзини... ортиқча қийиқ йўқ экан, — деди нашаванд.

— Уни машинага! Тез! — деди шайх. Гулхан атрофидаги оломон ғимирлаб қолди, қуроллар шарақлади. Оқ от бу жонланишни сезгандай, олдинги оёқларини тикка кўтариб, бир сапчиди-да, таранг жоловга бўйсуниб гир айлангач, ерни дукурлатганча дарахтлар қораси томон учиб кетди. Унинг ортидан кўк байроқ ҳилпирлади, ғовур-ғувур оломон бир зумда ғойиб бўлиб, орқада ғариб бир юк машинаси кўринди.

Собиржон буларнинг барини хира кўрар, юзидаги аллақандай ширали, сассиқ балчиқни соғ қўлининг энги билан артар, энг эса ўзи лой, шишиб кетган юз-кўзи баттар ифлосланиб ғашига тегар эди. У елкасининг ҳам, шилиниб тушган қаншарининг ҳам оғримаётганига ҳайрон. Тезда уни уриб-туртиб бориб, машина кузовига ташладилар. Шериклари қаёқда қолди — билмайди, машина лой сачратиб юриб кетди. Собиржон кузов четида иккита милтиқли одамни кўрди-ю, бу ёғини эслолмайди: аллақандай қўланса гўшт, тозаланмаган қорин-қарта ҳиди кўнглини ағдарди, қоплар, кажавалар орасида ҳушидан кетдими, уйқу элитдими — тушунмади.

Бир вақт қаттиқ оғриқдан инграб ҳушига келди. Унинг азобларига зах совуқнинг қаҳри ҳам кўшилиб, вужудини қақшатар эди. Дийдираб, жонсиз кўлини пахталикнинг бари билан ёнбошига босиб, бошини кўтарса, тонг оқариб қолибди. Собиржон қулоқларида самолётдагидек баландлик оғриғини сизди. Олдинда тош-қоя қалашган яланғоч тоғлар, тоғ этагида бир-бирига мингашиб кетган чорқирра томлар... қисқаси, кичкина қашшоқ бир қишлоққа ўхшайди. Лекин у ёқдан кузги янтоқ ҳиди аралаш аччиқ порох иси келар, тоғда ҳар замонда акс садоли ўқ овози янграб эди.

Яқинроқ борганда Собиржон қишлоққа туташ қизғиш тоғ ёнбағрида ўпқондай қорайиб турган ўнлаб ғорлар, ертўла ва кавакларни ҳам кўрди, уларнинг олдидаги ўчоқларда ўт ёнар, резинка ғилдиракли араваларга қўтослар боғланган, хотин-халаж таппи ёнар, ялангоёқ, исқирт бола-чақа ивирсир эди.

Машина бир неча қуролли постлардан ўтиб, чақиртош йўлдан баландликка чиққандан кейин, қишлоққа кираверишда харсанглар билан ихоталанган катта майдонда тўхтади. Майдонда машқ қилаётган серсоқол, оғи кенг иштон кийган, ковуш, чориқ судраган янги «мужаҳид»лар пулемётларини ташлаб, ўлжа кутган қузғун галасидай, ғовур-ғувур билан лапанглаб келиб, машинани қуршаб олишди. Собиржоннинг совуқдан қақшаган соқчилари кўкарган қўлларида милтиқни зўрға ушлаб, кузовнинг биқинини очиб ташладилар-да, кажаваларни, ботмон-ботмон гўшту ичак-чавоқ, калла-почаларни тепиб ерга улоқтиргач, асирни ҳам нуқиб-суриб пастга туширдилар. Собиржон очликдан, оғриқдан тинкаси қуриган, жароҳатли кўлини қучоқлаганча, хира кўзларини одамларга бефарқ тикиб, дуч келган қопга ўтириб қолди.

Қишлоқ кўчасида қаергадир дупур-дупур қилиб отлиқлар ўтиб кетди. Қайси бир муюлишдан ўқтин-ўқтин аза йиғиси эшитилар, тоғда эса автоматчилар машқи янграб эди. Собиржон узоқ кузатиб ўтирди: бу ерда ҳаёт гоҳ жазаваси тутиб талвасага тушар, гоҳ бирдан қабристон жимлиги чўкиб, атрофда бутун борлиқ ўлиб қолгандай туюлар эди. Аввал Собиржонга унча эътибор қилишмади. Талабми, топибми келинган ўлжани рўдапо кишилар ҳафсаласиз, эринчоқлик билан омборга ташидилар, ўрнида ер эриб, гўштан оққан қонга қоришиқ лой оёқ остида қизил балчиққа айланди. Кўп ўтмай шу ерга, Собиржоннинг ёнига кечасиги қўли боғлиқ шерикларини олиб келиб ташлашди. Уларни туни билан пиёда ҳайдаб келишган шекилли, лой демай, муз демай, келиб йиқилган жойларида чала ўликдай ётишаверди.

Тунга бориб тош майдонда одам кўпайди. Бу ерда кўпроқ милтиқ кўтариб, ўқдон тақиб олган, бири чориқ, бири ботинка судраган ола-була саллали деҳқонсифат одамлар, ярим ҳарбий кийинган ёшлар, четроқда оқсоқол, уламо, бир неча яхши қуролланган ҳарбийлар, онда-сонда чодрали аёллар, ҳатто совуқда дийдираган ўпоқ-сўпоқ болалар ҳам кўринар эди. «Мужаҳид»лар қароргоҳига айлантирилган тоғ қишлоғида бундай жонланиш одатдаги ҳол бўлса керак — улар қўлга тушган «кофир»ларнинг тақдирини билгани келишган. Лекин иккита соқчи орқасида лойга беланиб ётган «кофир»ларга беш-ўнта бола-чақалардан бўлак ҳеч ким разм ҳам солмади. Ғорларда, ўт, чироқсиз ҳужраларда бит босиб ётган мазкур одамлар учун бу майдонда бундай тўпланишлар тансиқ байрам ўрнига ўтса эҳтимол.

Шу вақт тўрт-беш киши нарироқда отдан тушиб, майдон томон кела бошлади. Одамлар тисарилиб йўл бердилар, қуроллилар қуролини ҳарбийча тутиб, олдинги сафга туришди, руҳонийлар букилиб таъзим қилдилар. Отдан тушганларнинг олдида ердан кўзини олмай келаётган ханжар-қиличли, чуваккина, бежо ҳаракатли, сапча бош одам... Ёпирай, бу Ёқубхон-ку! Собиржон лой чапланган қовоғини артиб киприқларини пирпиратганча тикилиб қолди. Шиқашим қабиласининг канди-малиги, хунрезлик низоларининг «эътиқодли» ташкилотчиси энди бу шўринг қурғур босқинчиларга пешво бўлибди-да?! Ҳа, худди унинг жойи бу.

Узун қора чопон ичидаги кумуш камар сиқиб турган чуваккина гавдасига, асабий ҳаракатларига ҳамма ўз қисматини кутгандай тики-

ларди. Фақат Собиржон, юзида лоқайдлик қотиб қолгандай, жим турибди: йўқ, унча даҳшатли эмас бу асабий одам. Содик Сардор унинг қиличини синдириб оёқ остига ташлаганида, Собиржон кўрган қақшаб-титраган ожиз ҳолатини. Шунинг учун унинг юзидаги чексиз ҳукмронлик ифодаси Собиржонга кулгили туюларди.

Аввал у билан бир тиккама-тикка гаплашмоқчи ҳам бўлди: Собир Тўхтабоев буюк қўшни мамлакатнинг граждани, иқтисодий ҳамкорлик контракти билан давлат хизматида юрибди, унга бундай муомала қилишга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ! Лекин қонуний ҳукуматни тан олмай, ўз қавмини қонга белаб юрган бу чиркин жинойятчини қонуну ахлоқ ҳақидаги ундай юксак гапларга арзитгиси келмади: бари бир оёқ ости қилади. Қотилни одамгарчиликка ундаш беҳуда.

Ёқубхон, атрофдагилар чуқур жимликда унинг ҳукмини кутаётганидан завқланиб, улуғвор камгаплик билан буюрди:

— Буларни обор!

Қуролли йигитлари қўли боғлиқ чалажон асирларни лойдан турғазиб қаёққадир қўлтиқлаб олиб кетишди.

— Бунисига — чорқатл! — доим ёнида олиб юрадиган эчки соқолли жиккак мавлавийга қаради. — Ҳазрат муёни мужоҳид, фатво тайёрланг!

Майдонга тўпланганларнинг нафаси ичига тушиб, ҳаммаёқ бир нафас жимжит бўлиб қолди. Кейин бирдан «Увв..!» деган кутсиз овоз оломонни бир қалқитди. Ёқубхон «Овқат бер, ўлдириб қўйманглар!» деб асабий юриб майдондан чиқиб кетди. Аъёнлар, бир неча ҳарбийлар унинг кетидан эргашдилар. Оломон эса қимир этмай турарди.

Кимдир қичқирди:

— Қани, тарқал! Нега анқайиб турибсанлар?

Аввал чодрали хотинлар ўзларини четга олишди, майдондагилар қаттиқ гапиргани кўрққандай гувранишиб, карахт бир ҳолда аста тарқала бошладилар.

Шунда Собиржоннинг яқинроғида чодрали бир аёл аввал ғалати гандираклаб келиб бошидаги катта рўмолу чодрани бирдан юлиб отдию, ўзини орқага, хотинларнинг кўксига ташлаб, хунук овоз билан дод сола бошлади:

— Бу қанақа бедодлик! Бу қанақа хунхўрлик! Бу ахир... бу ахир деҳотимизга муруват билан келган бегуноҳ бир савобталаб-ку! Яхшилик билан, эзгу ният билан келган одам-ку!

Хотинлар уни йиқилгани қўймай ушлаб олишди. Майдон яна жим бўлиб қолди, кимлардир шу ёққа югурди, овоза чиққан жойни қўршаб олдилар, аёлнинг девонавор ҳайқириғи янгради эди:

— Эй, мусулмонлар! Бу кимса ахир юртинг обод бўлсин деб, қорнинг нонга тўйсин деб жон чекиб юрган бир...

Собиржоннинг шу вақтгача лоқайд юзига лов этиб қон югурди, зирқираган вужуди қалқиб тушди: бу... бу... Зулайҳо-ку!

Бу ҳайқириқ нақадар хунук бўлса ҳам, Собиржон унда қадрдон товушни таниб олди. Таниб олдию, афсуски, аксига олиб, аллақаерида қаттиқ оғриқ суякка етиб, уни ерга босди. Зулайҳо! Шўрпешона қиз! Шу ерда экан-да! Собиржон бошини кўтаришга уринди, дод солиб тўлғанаётган қиз атрофида кенг иштонли, бесўнақай, милтиқли одамлар саросима билан ивирсиб қолишган эди. Лекин чинқириқ тўхтамади. Қаердандир, оқ камарига оқ қўлқоп қистирган ярим ҳарбий кийимдаги ёшлар орасидан бир сарбоз отилиб чиқди, ҳансираганча югура келиб, милтиқлиларни у ён бу ёнга суриб ташлаб, бақириб дармондан қолган қизни даст кўтариб олди-да, оломонни ёриб чиқиб кетабошлади. Собиржон зўрға ушлаб турган бошини ерга ташлади. У пишиқ ботинка устидан болдирини чарм қўнж сиқиб турган, ҳарбий кителли йигитни таниди. Танидию, негадир кўнгли тинчиди, унга яна лоқайдлик қайтиб келди. Бу нафас ростлаш, руҳий қийноқларга дош беришнинг чораси эди. Лоқайдлик, кўнгил тинчлиги, унга, жиндак бўлса ҳам, дармон бағишлади. Ўша туташ қуюқ қош, ёниб турган ҳовлиқма кўзлар. Авранг. У ҳам шу ерда экан, бу яхши. Ҳар ҳолда, ким бўлса ҳам, аблаҳ бўлса ҳам, Зулайҳони

ҳалок бўлгани қўймайди-ку. Ана, олиб чиқиб кетди. Боладай кўтариб олиб чиқиб кетди. Бақувват йигит бўлиб қолибди доктор Сухайлнинг ўғли. Эсизгина, буёқларда юрибди... Дарвоқе, энди Собиржонга бари бир, Авранг ҳам, Зулайҳо ҳам...

Қизнинг товуши узоқларда тинди. Майдон ҳам жим бўлиб қолди, ҳамма тарқаб кетди чамаси.

... Собиржоннинг устига нимадир томаяпти. Бадбўй, зах, моғор ҳиди, қоронғи. Ёруғ фақат ҳов нарироқдаги панжарадан тушиб турибди. Собиржон астойдил разм солса, у панжара — эшик экан, ўзи бир неча пиллапоя пастда ётибди, остонада кимдир ўтирибди ҳам. Ётган жойи тош, деворлар ҳам тош... Эрталаб узоқдан кўринган ёрларнинг бирими нима бало? Собиржонни қачон бу ерга олиб келиб ташлашди? Наҳотки шу қадар ҳушсиз ётган бўлса? Калласи тинимсиз ишлаб турибди шекилли-ку? Йўқ, ўйларида қандайдир қора ўпқонлар бўлса керак, акс ҳолда ақалли мана бу остонада тўнгакдай бўлиб ўтирган одамнинг қачон келганини пайқамасмиди...

У қорни катта, тақа мўйлов, афтидан жуда хушчақчақ одам эди. Ҳашак устида оёқларини узатиб ўтириб, милтиғини панжарага суюди-да, катта сопол косадаги гўжани сонлари орасига олиб, ёғоч қошиқни салла печига артди. Гўжанинг ҳовури чиқиб турарди.

— «Овқат бер, ўлиб қолмасин!» — деди Ёқубхон, — эшитдингми? Хў-хў-хў! — деб кулди, гўжани тушираркан. Унинг «Хў-хў»сидан ёрнинг ичи ваҳимали янграр эди. Ичкари қоронғи, ёруғликдаги соқчининг ҳамма ҳаракатлари яхши кўриниб турибди: пишиллаб овқат еган сари катта қорни лопиллаб, баланд кўтарилиб тушади. Кулганида юм-юмалоқ гавдаси билқиллаб силкинади.

— Ол, ана, сенга ҳам қўйдим! — деди у қошиғини ялаб, — хў-хў-хў!

Собиржон ёнбошида куюк кулча устига қўйилган сополда сувни кўрди. Тагидаги юпқа ҳашак билан бирга силжиб бориб, сувдан ичди. Соқчи ҳар гапида бир кулиб, косани бўшатди-да, катта тоғорани олдига тортди.

— Бузрукнинг амри билан ошпазни қўрқитиб, иккимизга деб олувдим овқатни, — деди у, енгини шимариб, — энди... сен нима ҳам қиласан овқат еб. Узингга маълум, бари бир зое кетади, хў-хў-хў! Дўзахингга оч бординг нимаю, тўқ бординг нима. Унгача кетиб қолмасанг бўлгани бизга, хў-хў-хў, ўлмайсан, мен шу ердаман, хў-хў! — у тоғорага қўл узатди. Таом ҳиди анқиб кетди. Собиржон кулчадан беихтиёр синдириб, фақат ўзини босиш учун қаттиқ-қаттиқ чайнай бошлади. Оғзи қуруқшаган, куюк кулча латтадай айланар, маза-матра бермасди, аксига олиб, ютоққанда сувни ичиб қўювди, озгина қолдирса бўларкан...

Ташқарида қош қорайиб келарди. Тинчиб қолган қишлоқда яна ёлғиз, хунук товуш эшитилди. Бу фожиали овоз дам бўғиқ улишдай, дам чинқириқ йиғи аралаш эшитилар, гоҳ девонавор қарғишга айланиб бирдан тинчиб қолар эди. Собиржон ҳушёр тортиб қулоқ солди.

— Бу ҳалиги аёлми? — деб сўради Зулайҳонинг овозини таниб. Хушчақчақ соқчи қўл силтади.

— Э, жинни бўлиб қолган. Бу ерда мунақаси кўп бўлади. Лекин буниси баттарин чиқди. Қарғишини қара: «Ҳамманг бир умр қон қусиб ўт! Илоё қизларинг, келинларинг бола ўрнига каламуш туғсин!» Хў-хў-хў! Топган сўзларини қара, жағи тинмайди баччағарнинг!

Лекин овоз тиниб қолди. Собиржон Зулайҳонинг ҳолдан тойиб йиқилиб қолганини тасаввур этдию, қаттиқ тоқатсизланди.

— Менга қара...

Соқчи панжарага суюниб пинакка кетишига сал қолган экан, кимирлаб қўйди.

— Мени бу ерда нимага олиб ўтирибди?

— О, чорқат жўнгина гап эмас, катта маърака! Тайёргарлиги бор, казо-казо келади. Оломон тўпланади. Дарров бўлармиди? Ё биринчи марта чорқат қилиняпсанми? Хў-хў-хў!

Собиржон унинг гапида нимаси чин, нимаси кулгили — тушуниб

етмас, энсаси қотар эди. Лекин нима қилсин, бу зулматда гаплашиб ўтирган бир жон эгаси борлигига шукр қилади.

— Чорқат дегани нима ўзи?

— Ҳали билмайсанми? — ҳайрон бўлди соқчи. Уйқуси қочди. — Зап одам билан гаплашиб ўтирган эканман-ку! Ҳў-ҳў-ҳў! Чорқат дегани, жўра, асли чорқатл дегани. Чорқат деб сенга ўхшаган нодонлар бузиб гапиради, ҳў-ҳў-ҳў! Чорқатл, яъни тўрт марта ўлдириш, ҳа. Бу — эзгу иш, мен сенга айтсам. Яъни сенга ўхшаган бир кофир шўринг қурғурни гуноҳи азимдан халос қилишдир.

— Қандай қилиб?

— Мана сени, масалан, икки қўлингни, икки оёғингни айириб тахта деворга боғлайди. Сенларнинг хочларингга ўхшатиб, тушунясанми? Тахта деворнинг арқон боғланадиган шундай тешиклари бор. Кейин машиндордан — трррр... ҳў-ҳў-ҳў! Аввал бир қўлингни узади. Бир пасдан кейин шундай усул билан бир оёғингни узиб. Анча ўтгандан кейин яна бир оёғингни, сўнгра яна бир қўлингни узади туширади. Шундай қилиб, тушундингни, агар тирик қолсанг, арқондан, яъни сени боғлаб турган куфурдан халос бўласан. Кейин эса, жондан ҳам. Уқдингни? Энди сенинг руҳингга манфур хоч соя солмайди, эски гуноҳларинг қонинг билан ювилиб тушади. Мана шунақа, жўра, савоб иш бу. Энди бўлса, қоронғи тушди, ёт, ҳозирлан дамингни ол.

Ажабки, бу мудҳиш ўлим Собиржонни деярлик қўрқитмади. Уни бу ваҳшийликнинг дину эътиқод билан чигал-чатиш қилиб ўйлаб чиқарилганлиги ҳайратга солган эди.

Шу вақт «мужаҳид»лар қароргоҳида ҳалиги фарёд аралаш қарғиш овози яна қаердандир, гўё ердан кўтарилиб чиқди. Собиржон шундагина бўлажак ўлимининг бутун даҳшатини англагандай, ўрнидан туришга интилди. Туролмай, Зулайҳоникига сира ўхшамай қолган ўша овозга қулоқ солганча чўккалаб қолди. Азоб тортаяпти бояқиш. Бундай «маърака»ларни бирда-ярим кўрган бўлса керак. Эндигисига қандай чидайди?!..

— Менга қара... Нега мени ҳозироқ... халос қилиб қўя қолмайди? — деди Собиржон.

Мудрай бошлаган соқчи ҳушёр тортди:

— А? Нимадан?

— Гуноҳи азимдан-да.

— Э-ҳа, сен кофир бўлсанг ҳам дуруст экансан-ку, ҳў-ҳў-ҳў! Яхши, чорқат ҳаммангга ҳам насиб қилавермайди. Кофирлигича ўлиб кетганлар бор. Кейин... Сени қўл-оёғингни автомат билан қирқади. Оддий ўтмас ўроқ билан чорқат қилинганлар қанча... Шошма, халос қилади.

— Қачон?

— Ҳозир бошлиқлар ҳам, йигитлар ҳам «Эҳвони муслим» қароргоҳига босқинга кетган. Қирғин бўлади.

— «Эҳвони муслим»? Сизлар кимсизлар?

— Биз «мусоват»лармиз.

— Нега қирғин бўлади, улар мужаҳид эмасми?

— Улар ҳам мужаҳид, лекин чала мужаҳид, ҳў-ҳў-ҳў! Улар Садри аъзамнинг «Миллий гурзанд» қасамини буздилар. Мунофиқларни қириш керак.

— Улар сизни қирса-чи?

— Қиради, улар ҳам қиради. Бу томонда сарандойларни айтмайсанми! Хуллас, икки ўт ўртасидамиз, жўра. Икки бўлса ҳам гўрга эди. «Шуълаи жовид» дейди, «Эҳвонлар» дейди, ҳар бир зўравон ўзига бек. Ислоннинг кўк байроғи ҳам ҳар ғаламиснинг қўлида латта бўлиб қолди.

— Айтгандай, бирон латтанг йўқми-а, биродар, бир яхшилик қил.

— Қанақа латта?

— Ҳа, манави елкани қисиброқ боғлаб қўйсам девдим, қон сирқираяпти.

— Йў-ўк, сенга яхшилик қилиш шариятга хилоф, жўра. Ҳали гаплашиб ўтиришим ҳам гуноҳ-ку, лекин нима қилай, ўзи табиатим шунақа, лақиллашмасам ухлаб қоламан.

— Майли, яхшилик қилма, эвазига мана бу... пахталикни олақол. Шунчаки айрибош бўлади. Мана, бир енгини ювиб ташласанг, яп-янги. Соқчи бўйнини чўзиб, чамалаб кўрди.

— Йўқ, ана у ичингдаги... яхши экан, ўшани берасан.

— Майли.

— Бу бўлак гап.

Соқчи остонада ўтирганча узоқ ҳарсиллаб бир пайтавасидан ярмини тишлаб йиртди-да, пастга ирғитди. Собиржон ҳам шалвираган қўлидан енгини чиқаришга узоқ уриниб, тишини тишига босиб инқиллаганча пиджагини ечиб унга ташлади. Жирканиброқ пайтавани оларкан, сўради:

— Дасторинг ҳам катта экану, биродар?

— Билмайсан, мужаҳиднинг салласи кафанликка етадиган бўлиши керак.

Пайтава ҳам узун, пишиққина экан, қўлини тирсакдан олиб елкага қаттиқ чирмаб боғланганидан кейин анча енгил тортди, шал қўли пастга тортиб оғриб турган экан чоғи, энди жон ором топиб, ҳатто жиндак уйқу элитди.

Лекин тошдеворларнинг тунги захи узоқ ухлагани қўймади. Собиржон моғорли совуқ қаҳридан сесканиб кўз очса, соқчи алмашинибди, остонада ҳалиги бўрдоқи эмас, бошқа дони кетиб сомони қолган бир кекса одам милтигини қучоқлаганча жунжикиб ўтирибди... Маҳбуснинг уйғонганини пайқаб, панжара эшикдан ташқарига безовта аланглади-да, бир-икки марта йўталиб қўйди. Сўнгра остонанинг тош зинасидан бир пиллапоя пастга силжиди.

— Ҳо, бобой... мени қачонгача сақлайсизлар? Босқиндан келишмади-ми ҳали?

— Босқин эмас, болам, жиҳад дегин. Жиҳаддан келишса, қароргоҳда бундай жимжитлик бўлармиди... — чол Собиржоннинг косодаги суви билан кулчасини суриброқ қўйди. Собиржон уни танигандай бўлдию, қаерда кўрганини эслолмайди, балки кўрмагандир ҳам, у шунчаки кўп учрайдиган букрироқ, чайир чоллардан бўлса керак. — Жиҳаддан келишганда Ғозиён қабристониде шаҳидлар қонини қутлуғлаш маросими бўлади, ўқлар отилади, тоғлар янграйди, болам. Ғозийларни орқалаб қайтиб, қароргоҳни бошларига кўтаришади. Бу ғорларда бола-чақа, хотин-халаж бошидан тупроқ сочиб қон йиғлайди... Йўқ, ҳали келишмаган, эшитаяпсанми япалоққуш товушини? Унгирларда кўршапалаклар ҳам учиб юрибди...

Собиржон тикилиб туриб бу чолни бирдан эслади: ҳов қабила жиргасида «бировнинг ерини олиш гуноҳ бўлади» деб, этагини қоқиб даврадан чиқиб кетган чол... худди ўшанинг ўзи. Содиқ Сардор унинг отини ҳам атаган эди ўшанда. Собиржон унисини эслолмади. Умуман соқчига бунинг ҳаммасини айтиб ҳам ўтирмади — Собиржон уни эсласа ҳам, у Собиржонни эслолмайди бари бир. Бордию қария эсласа-да, Собиржоннинг турқи таниб оладиган ҳолатда эмас ҳозир: чол баттар букчайиб, бир қўли билан ўз елкасини қучиб ўтирибди, қаншари дўнг, кўзлари чўккан...

Оббо, чол-эй, ўша чиқиб кетганча бу ёқларга келиб қолган экан-да, шўрингга шўрва тўкилгур.

— Ўзлари ҳам жиҳадга бориб турадиларми? — деб сўради Собиржон ёнида содда, таниш одам ўтирганидан ўзини эркинроқ ҳис қилиб.

Чол олдидаги учта тош орасига ташланган кўрни пуфлаб, бармоқ бўғинлари чигил бўлиб қотган қўлларини иситаркан, анчагача жавоб бермай ўтирди.

— Бизни қари деб ундай ишларга камдан-кам олишади... Лекин бир неча марта борганмиз, ўзи кечирсин.

— Ие, сизники қизиқ-ку, бобой. Жиҳаду ғазотларда юриб айна савоб тўплайдиган пайтингиз...

Чол ер тагидан бир қараб қўйиб, кўр шуъласида суҳбатдошининг юзидан кинояли ифодаларни пайқади.

— Бир бордик ясоқ тортиб... Ғанимга дейишди. Ғанимни кўрмадик.

Қашшоқ бир қишлоқнинг ғарибгина мачитини портлатиб қайтдик. Айни хуфтон эди, намозхон шўрликлар нима бўлди — билмадим, орқамиздан қийшайган минора тагида қий-чув, фарёд эшитилди холос...

— Ҳай... — деб қўйди Собиржон заифгина товуш билан.

— Бир бордик... эшитаяпсизми, болам?

— Ҳа, гапираверинг.

— Бир бордик ғазот деб... Фидойилар, ғанимга, дейишди. Ғанимдан дарак йўқ. Самангоннинг чекка маҳалласидаги бир мактабда қуръон ўқитилмас экан, эшигини ташқаридан қулфлаб ўт қўйдик. Саратон эди, томда қуруқ ғўзапоя бор шекилли, ёлқин бинони бирдан ямлаб, мактаб майдонига соя солиб турган кўм-кўк теракларгача бир пасда қовжираб, чарс-чарс ёнаверди. Ҳеч кимнинг чиққанини кўрмадигу, анчадан кейин пастликдаги шопипоя томонга бир қучоқ олов юмалаб кетаётганини илғаб қолдик. «Бола, бола!» деди кимдир.

Чиндан ҳам бу типирчилаб, пилдираб кетаётган бола эди, югургани сари уст-боши аланга олиб, ловуллаб ёнар, у бўлса даҳшат ичида яна қаттиқроқ чопар, елкасидаги ҳалокатдан, вужудини қамраб олган ўтдан қочиб қутулмоқчи бўлар, қоқиниб йиқилар, яна туриб югурар, лекин қутулмай, баттар алангаланиб ёнар, даҳшат ичида бақиради эди.

Бизнинг орамизда баъзиларга бу эрмак бўлди, кулишарди. Менга ўхшаганлар ноилож ич-ичидан йиғлаб, шу зумнинг ўзида... билмайман, назаримда, бутунлай бошқа одам бўлиб қолди...

— Шундайлар кўпми?

— Бор... Локин бошқалар ҳам бор.

— Қанақа бошқалар?

— Ушанда, «Олов бола» шопипоядаги ботқоққа етишига бир баҳя қолганда орамиздан ҳовлиқма овоз чиқди: «Бас! Ғаним кўз ўнгингизда интиқомдан қочиб қутулмоқда, сенлар эса куласан!»

Бу ҳарбий талабалардан бири эди. Орамизда шундай бир тоифа бор, чаламулла, чалаҳарбий, ҳаммадан қаттиқроқ бақиради, ҳали мишиқию, лекин каллакесар. Узларини «Шербачча» деб аташади.

Собир сесканиб кетди, Авранг эсига тушган эди.

— Кейин... — деди чол товуши ўзгариб, — кейин, ўша «шербачча» болани узоқдан мўлжалга олиб, шопипоя бошига етганида отиб йиқитди... Ҳали-ҳали кўз ўнгимдан кетмайди, узоқдан қараб турибмиз: бола шўрлик оловли кофтовдек думалаб бориб тўхтади, аста ёниб тугади. Урни косовдек қорайиб, тута-аб қолди.

Букчайиб ўтирган чолнинг қораси силкинар эди — йиғлаяптими, калима келтираяптими — Собиржон тушунмади. У ўз хаёли билан қийналарди: ҳалиги «шербачча» Авранг эмасмикин ишқилиб? Агар ўша бўлса... Собиржонга ўлим «чорқат»дан даҳшатлироқ бўлиб туюлди.

— Бобой, ҳалиги девона аёлнинг қарғиши эшитилмай қолди-я? Нима бўлдийкин?

Чол эшитмадими, ўзининг азобли ўйлари билан бандми, индамади. Унинг букри сояси қора тун билан қўшилиб кетган эди. Бегона тун зулмати. Унинг қора қўйнида не-не мудҳиш сирлар, не-не титроқ жонлар, ёвуз нияту ниҳоясиз умид-армонлар яшириниб ётибди.

Собиржоннинг назарида, соқчи чолнинг кўнглида ҳам ҳозир худди шундай тун.

— Менга қара, йигит... — деди чол яқинроқ силжиб, паст товуш билан. — Ҳалиги ростми? Қоғоздаги...

— Нима?

— Сен олиб келган жариди...

Жариди — газета дегани эди шекилли. Кобулда Ғуломали берган «Инқилоби Савр» газетаси ёдига тушди. Содиқ Сардордан суюнчи ундираман деб, чўнтагига солиб олган эди. Собиржон безовта тимискиланиб қолди, қўйнини ёнларини пайпаслади. Пиджак! Пиджакда кетган! Ички чўнтакда эди! Наҳотки ҳалиги семиз уни бировларга кўрсатиб юрган бўлса? Дарвоқе, гўрга! Собирнинг кўрқадиган жойи қолдими. Тўрт

ўлимми, беш ўлимми — бари бир ўлим. Семизнинг ўзи нобуд бўлгани қолади, мана шу чолга ўхшаганларга касри тегмаса бас.

— Нимани «ростми» деяпсиз?

— Ушани-да, афв умумияни. Чиндан ҳам шу янги Ҳукумат ёзганми уни? — дея шивирлади чол.

Собиржон тахминлаб тушуна бошлади: демак, ўша газетада Халқ ҳукуматининг фармони ҳам босилган. Доктор Суҳайлнинг ёзувлари билан бўлиб, Собиржон у газетани варақламаган ҳам эди. Гап бу ёқда экан шекилли-ку.

— Афв умумияни радиода эшитмаганмидинглар, анча бўлди-ку?

— Бу ерда Кобул радиосини эшитганларнинг боши олинади...

Э-э... Бу тарихий фармонни булардан яшириб келишган экан-да!

— Бундан чиқди, ҳаммаси рост, ўша қоғоздаги — ҳукуматнинг амри. Шундайми? Бош эгиб борганнинг гуноҳидан кечади, шундайми?

— Албатта, шундай, лекин буни шу вақтгача билмаганларингга ҳайронман, — деди Собиржон.

Чол ҳорғин кўзларини ундан узмай, тикилиб турарди, қоронғида кўз қорачиқлари бирдан оловлангандай кўринди. Собиржон қўлдан қўлга ўтаётган бир парча газетани, ундаги фармондан хабар топиб юраги ҳовлиққан, кўзи оловланиб жовдираган мана бу чолга ўхшаш одамларни тасаввур этди. Улар кўпмикин? Дарвоқе, у газета Аврангнинг қўлига тушса... «Шербачча» унда отасининг ёзувларини, фотосуратни кўради. Бу унга қандай таъсир қиларкин?

— Бобой... — деди Собиржон қандайдир бесаранжом бўлиб қолган соқчига, — гапимга жавоб бермадингиз-ку?

— А?

— Анов телба аёлнинг овозаси эшитилмай қолди, нима бўлдийкин?

— Ҳа... телба эмас, у пичоқ суякка етганда бундай ўзлигидан кечган бечоралар бизда туради. Бу шўрлик ярим кечагача сочини юлиб бақирганча қароргоҳнинг у бошидан бу бошига югургилаб юрдию, йўқолиб қолди, тинчидик.

— Йўқолиб қолди?

— Ҳа, жиҳадга кетаётган отасининг юзини тимдалаганмиш, хотинлар ҳозир зир югуриб қидириб юришибди, ҳеч қаерда йўқ.

Собиржон кечқурундан бери биринчи марта ўрnidан турди, гандираклаб тошдеворгача бориб, ёнбоши билан суянган ҳолда бир оз турди-да, кейин қадамлаб кетди, девордан деворга юра бошлади.

Бу маҳал эшикнинг темир панжарасига биров зарб билан келиб урилди, тонг олди жимлигида занглаган занжиру тамба-қулфлар жаранглаб кетди. Чол сакраб ўрnidан тураркан, «Оч!» деган қаҳрли товушдан сесканиб, қотди. Эшик очилиб, тош зинапояда пишиқ ботинка, ялтироқ чарм кўнж болдиларини таранг қисиб турган узун оёқлар кўринди. Чолнинг тошлар орасидаги қўри сал йилтиллаб, унинг гавдасини ёритди. Бу Авранг эди, ҳужранинг орқа деворига биқиниб турган Собиржон уни яхши таниди.

Авранг бошини кўтариб унга қарагани йўқ, лекин баланд овоз билан берган кескин саволи унга қаратилган эди:

— Зулайҳо келдимиз?

Собиржон болани кузатиб, кайфиятини, кўнглидагини, ўйларини билгиси келарди, унга тикилганча гапига тезда жавоб беролмай турди.

— Йўқ, шербачча, ҳеч ким келгани йўқ, — деб чол жавоб берди.

«Шербачча...» Бу ҳозир, кескин бақириб гапиргани билан, шербаччага унча ўхшамас, аллақандай довдираган, ожиз эди. Собиржон унга хайрихоҳлик сизди ўзида. Қаёқдандир Зулайҳонинг бир вақтлар айтган ғалати сўзлари кўнглига келиб кетди: «Соҳилга чиқиб, тўлқинларга боқинг. Мен балки ўша тўлқинлар қўйнида бўларман...»

— Менга қаранг... Авранг! — деди Собиржон узоқ девор ёнидан. «Шербачча» кескин қайрилиб кетаётган жойидан тўхтади, лекин кўзини ҳамон ердан кўтармади. — Сиз дарёга боринг. Тезроқ, соҳил томонга от солинг!



Расмларни **Ортиқали ҚОЗОҚОВ** чизган

Шундагина Собиржон унинг қиличдай ялт этган кўзларини кўриб қолди. Йигит тонг қоронғисига шўнғиб йўқолганда чол эшикни шарақла-тиб ёпди-да, бўғинлари қалтираб, ўз ўрнига аста ўтирди.

— Ота... — деди Собиржон, уни биринчи бор шундай деб атаб. — Ҳов... олов ичидаги болани отган... шу эмасмиди?

Чол бош силкиди: «Йўқ, бу эмас».

Собиржон енгил тортиб, чуқур нафас олди. Лекин негадир унинг ҳам бўғинлари бўшашиб, девор тагига ўтириб қолди.

Тонг оқариб, эшик панжарасидан оппоқ тоғ чўққилари кўринганда соқчилар алмашинди. Чол, кетгиси, ўрниними, маҳбусними бошқа соқчига бергиси келмагандай, Собиржонга ер остидан қараб, зимдан хайрлашди. Янги келган одам забардаст, бошида суртелпак бўлса ҳам, оёғи юпун, латта-путта ўраб ковушми, эски тоштовонми судраб олган мўйловдор мужаҳид эди. У ҳеч нарса демай, оёқларини кўрга тутди, азадагидай қовоғи солиқ.

— Жиҳаддан қайтишдими, биродар?

Собиржоннинг бу саволига «сен билан гаплашадиган пайтми?» дегандай олайиб бир қарадию, жавоб бермади. Лекин бир пасдан кейин худди ўша саволга жавобдай, узоқ қабристондан гумбурлаган ўқ овозлари эшитилди. Қароргоҳнинг ҳужралари, ғорлари, ертўлаларида бирдан кўтарилган йиғи-фарёд ўқ гумбурлашларини ҳам, унинг тоғлардаги акс садосини ҳам босиб кетди. Собиржон бунақа азани сира кўрган эмасди, вужудига титроқ тушди. Забардаст соқчи ҳам тескари қараб ўтирган, кенг елкалари ожиз тебранар эди. Аза йиғиси гоҳ тиниб, совуқ, бўзарган тонгда машъум жимлик чўқар, гоҳо эса бирдан яна авжига чиқиб, ёввойи увлашдай, бўлғуси чексиз мусибатлардан дарак берар эди.

— Астафирилло!.. — деб юборди Собиржон шивирлаб. Соқчи яна ялт этиб бир олайди. — Одамларнинг ўзлик-ўзига танлаб олган тирикчилигини қаранг-а!

Узоқда ўқлар охирги марта гумбурлаганда, соқчи эшик панжарасига панжалари билан тирмашиб олиб, манглайини темир тамбага босганча хунук ўқсиб йиғлар эди. «Жиҳад»да бирон яқини ўлганми, шаҳидлар қонининг бу қадар суронлар билан қутлуғланиши ҳам таскин бермаяпти, Собиржон буни сўраб билишга журъат этмади. Олайиши хунук эди бу индамасининг.

Бу туманли эрта, Собиржоннинг сўнги эртаси аза йиғисидан, мусибатли аччиқ фарёдлардан бошланди. Занглаган панжара орқали ғира-шира ёришиб келаётган бу совуқ кун шундай қутсиз, оғир, рутубатли эдики, қаерлардадир бўлак дунё борлигини, қаердадир хушбўй кеч кузнинг нурли табассуми қалбларни иситишини тасаввур этиш ҳам мушкул. Лекин Собиржонга бу ўринда ҳам ойиси кўмакка келди, янги ёпилган нон ҳидини анқитиб ёнига чўккалаб ўтирди. «Айтмабсизда, ўзим ўт қалардим тандирга, ойи...» «Чорданаҳр — ноёб мўъжиза! Мунақаси умрда бир бўлади!» «Ойи?»

Қараса, бармоғини иягига тираб ўтирган ойиси эмас, Сумбул ая экан. Собиржон устма-уст оғир йўталдан ҳушига келди. Бир зум кўз ўнгида Ғулломалини кўргандай бўлди-ю, йўталган у эмас, ўзи экан.

Бу тош қудуқнинг тунги зах ҳавоси, очлик, бетиним зирқираб турган яра, елкасидан силқиб ётган қон, бир-биридан қутсиз ўй-хаёл ва тўхтовсиз изтироблар уни жуда заифлаштириб қўйди, ҳар замонда тубсиз ўпқонга шўнғигандай, ҳушини йўқотиб қўйяпти. Гоҳо алаҳлашми, ўнгими — фарқ қилолмай қолади. Энг алам қилгани — хаёлларини тартибга солалмаяпти: ахир қанча хатолар, армонлар, тасалли бўладиган яхши ўйлар бордек... Ешлигини, ширин онларни, мусибату фожеаларни, ҳаётдаги не-не чигал воқеалар, қилинган-қилинмаган ишларни, қизларни, дўстларни, ушалмаган орзуларни бир-бир кўнглига келтирмоқчи бўлади, лекин ҳеч бири тўла етиб келмай, узоқда, учини тутқазмай юрибди, келганда ҳам бир-бирини кесиб, устма-уст қалашиб, чатишиб-чирмашиб, қизиган миясини, заиф асабларини баттар қийнайди холос. Энди бирини тутдим деганида, ўч-тўрт қадам нарида турган азобли ўлим ваҳимаси

келиб босади-да, бефарқ бир шуурсизлик, ҳушсизлик зулматида вужуди совиб, тинчиб қолади. Наҳотки энди ҳеч нарсани бафуржа ўйлай олмаса, наҳотки мияси сўнги марта бир тиниқмаса, наҳотки шундай кетаверса...

Аслида у ўлимни бўйнига олиб қўйган. Кечадан бери заиф зеҳнини шу билан қийнайди, эти ўлиб қолди. Анов кунни Булбулшо эгизак болаларини эслаб жон берди. Одам ўлади-кетади. Ҳозир ўйлаш, тасаввур қобилиятини йўқотгани оғир бўлаяпти. Онасини кўз олдига келтирмоқчи бўлади, йўқ. Ҳали ҳушсизлигида кўзига кўринган онасини ҳушига келганда сира тасаввурига келтиролмади. Бир мартагина, бир зумга, хирагина бўлса ҳам... Ойи!

Бу вақт унинг қўлидан кимдир ушлади.

— Ойижон...

Елкасидаги кескин оғриқдан кўзини очди. Қараса, иккита серсоқол, милтиқли киши ўртасида тикка турибди. Биридан гуп этиб ачимсиқ хом тери ҳиди димоғига урди. Оғриқ томондан қўлтиқлаган семиз одам ғорни гумбурлатиб куларди:

— Ҳозир ойингни кўрасан, ҳў-ҳў-ҳў!

Уни тош зинадан қўлтиқлаб олиб чиқдилар. Собиржоннинг ҳашак илашган оёғи чалишар, ёруққа кўзини очолмай, боши гир айланар, ҳалиги ҳидга кўнгли ағдарилар эди. Кўзларига аввал ғуборли осмон, яланғоч дарахларнинг эгри-бугри шохлари, қарғалар кўринди. Ясси томларда қиров. Туманга бурканган тоғлар ортида чексиз бўшлиқлар бўлса керак. Лекин яқин бир ерда ҳавони қандайдир ғубор бўғиб турибди, оломон нафаси сезиляпти.

Уни кечаги тош майдонга олиб чиқдилар. Бу ерда ҳақиқатан ҳам тумонат оломон тўпланган, майдон бўғиқ гувиллар, устидан нохуш ҳовур кўтарилиб турар эди. Бир томонда қуролли, қуролсиз халойиқ тирбанд, саллали юпун қариялар пинжида чориқ, ковуш судраган болалар дийдирайди, чодрали аёллар соядай бир ерда ғуж; қадимги паштуний милтиқларини елкага осиб олган серсоқол тоғликлар ола-була патуга ўранишган, ёнларида оилалари, тўрроқда уйқусизликдан кўзлари ичига тушиб кетган ярим ҳарбий ёш-яланг...

Собиржон турган ердан тоғ қишлоғининг ҳувиллаб ётган тор кўчалари, ундан нарига айланма тоғ йўли, қорайиб турган ғорлар, қоя тош панасидаги ертўлалар, рўзғор лаш-лушлари вабода эгаси кўчиб кетган жойдек ғариб ва фожейи кўринар эди.

Тўрдаги тошсупада катталар пайдо бўлди. Ерга қараган, кўк саллали, чуваккина, камгап Ёқубхон ўртада. У одатдагидек қора кийинган, кумуш камар, ханжар қинию парабеллум филофигина ялтиллаб турибди. Бир ёнида қурол-яроқли новча-новча офицерлар, кўкси очиқ, шопмўйлов соқчилари, бир ёнида зарбоф кийган сайиду муён.

Собиржон орқасига қараб, кечаги семиз соқчи айтган тешик-тешик тахта деворни кўрдию бу ғалаённинг ҳаммаси бир ўзи учун бўлаётганини эслади. Ҳаммаси ўзи учун! Уни ўлдириш учун. Намунча ҳашарга келгандай тўпланишмаса!? Унинг ўлими бу одамларга нима бераркин? Сабоқми? Таскинми? Савобми? Ҳа, уларга шундай деб тушунтиришган — ҳам сабоқ, ҳам савоб.

Балки улар айтганча бўлмас, балки бу қонли маросимда ғазаб, нафрат, изтиробнинг қора ниҳоллари ниш урар. Собиржон майдондаги ёт, бегона одамларнинг юз-кўзларига тикилиб, ҳеч нарса англамади, улар бари ҳиссиз, бефарқ, қандайдир қисматнинг исканжасида фақат ўзи билан банддай кўринди. Бироқ Ёқубхоннинг товуши уларни дарҳол ўзгартирди, Собиржон унинг нима деганини англамади-ю, лекин у товушдан майдон жимжит бўлиб, бир зумлик машъум сукут оломонни тоғдай босиб тушди. Шу жимликда жиккак мавлавийнинг овози эшитилди. Собиржонни икки қўлтиғидан олиб тахта девор ёнига тикка қўйдилар ва шу заҳотиёқ у суяк-суягигача ўтган қаттиқ оғриқни сезиб, инграб юборди — мажруҳ қўлини арқонга олган эдилар. Собиржон мавлавий муённинг овозини эшитар, қўлидаги нома қалтираб, соқоли селкиллаганини ҳам кўрар, лекин гапини тушунолмас, дард миясига ўтиб, бутун вужудини зирқиратар эди. Кейин

ҳеч нарсани эшитмай қўйди, ёнидаги икки «муҳажид» ҳансираб-пишиллаб, намиқиб кетган лой арқонни тугар, тахта тешигидан ўтказиб тортар эдилар. Майдоннинг гувиллаши миясининг ғовлаши билан чатишиб кетди, ақлига узук-юлуқ фикрлар келар-кетар эди. Атрофида шунча одам, шунча тирик жон. У бўлса ўлади... Улар билармикан унинг ҳеч кимга бир ёмонлик қилмаганини? Бегуноҳлигини? Гуноҳ... Гуноҳ нима? Савоб нима? Инсонлар!

Собиржон бир ингради-ю, бехос негадир енгил тортди, дард қўйиб юборди, асаблари бўшашди. Унинг оёқларини ҳам айириб тахта деворга боғлаган эдилар, шундан, гавданнинг оғирлиги оёққа ўтиб, мажруҳ қўлидаги беаёв дард аста товсилди.

Тахтага қўл-оёғи тўрт томонга хочдай тортиб боғланган Собиржон эгилиб қолган бошини сал кўтариб, қип-қизил кўзлари билан майдонга қаради. Қарадию, бирдан хаёллари тиниқлашиб, одамларни, юзларни, нигоҳларни аниқ кўрди. Муён ҳазратнинг ҳукми — фатвосини эшитиб қотиб қолган оломон худди бир одамдай унга тикилиб турар эди. Ақли яхши, тез ишлай бошлади.

Тошсупада казо-казолар, саллаю мундирлар қуршовида кичкинагина, қоп-қора Ёқубхон қўл кўтарди. Бошини кўтармади-ю, қўлини кўтарди:

— Мардум! Қани, исломи қуддуснинг вожиб иродасини ким бажо келтиради?

Майдонда яна ҳам мудҳишроқ жимлик чўкди, тепада учиб ўтган қарғалар галасининг қанот силкиши эшитилди. Хотин-халаж орасида «пиқ» этган йиғи товушини яна Ёқубхоннинг овози босиб кетди:

— Бу марду мардум учун саъйи савобдур! Қани, ким?

— Менга буюринг, шайх бузург! — деб оёқлари узун, энлик оқ камарига оқ қўлқоп қистирган, ингичка белли бир навқирон олдинга чиқди. Ё қисмат! Бу — Авранг-ку!

Ҳа, бу ўша Аврангзеб эди. Орқасидан гимнастёркасининг барини тортқилаб, бошлиқлар олдида ҳарбийча шай турди, туташ қошлари остида кўзлари чўғдай йилтиллайди.

— Машиндор! — деди «шайх бузург».

Унга «УЗИ» автоматини тутқаздилар,

— Бале, «шербачча»! — дейишди офицерлар ифтихор билан мамнун жилмайиб. Улар орасидан бир новча, келишгани олдинроққа чиқиб, «шербачча»нинг елкасига қоқди, оталарча мамнуният билан унга нимадир деди... Бошини зўрға кўтариб турган Собиржон боғланган ерида бир тўлғаниб бақириб юборгиси келдию, овози чиқмадимми, дармони етмадимми, оғзи очилиб тили осилганча қолди. У «шербачча»нинг елкасига қоққан офицерни таниган эди: соҳиб Лаъл Маҳдий! Сэр Рональд Байрсби! «Жеймс-Морисон» компаниясининг корфармо вакили! Ирригатор! Эндиликда оти нимакин? Жосус! Қотил! Хамелеон!!!

Собиржон бу сўзларни бутун майдонга бақириб айтгиси келар, лекин кучи йўқ, типирчилар эди ҳолос. Тақдирнинг ўйинини қара-я, охири шу Аврангнинг қўлида ўладиган бўлди... Тутинган отаси билан бирга экан-да, шўрлик. Ҳа... Бу «ота» ҳали сендақалардан нечтасининг қўлини қонга булайди, руҳини даҳшат домига олиб, падаркуш қилади, ўз қавмининг жаллодига айлантиради. От, бола! Автоматингни тариллат! Чорқатлнинг савобини сенга яхши тушунтиришган бўлса керак...

Собиржон ҳозир жувонмарг умрига, ҳаётига эмас, шу болага айтиши керак бўлган ҳақиқат бўғзида қолаётганига ўртанар эди. Ана у даҳшатли буқаламуннинг юзига туфлаёлмаганига доғда эди.

Майдон бесабр, кимдир тескари қараб, юзини беркитиб олган, кимдир дам «шербачча» қўлидаги автоматга, дам хочга тортилган бечорага тикилар, кимлардир тоқатсиз, оломон безовта ғимирлаб қолган эди. Собиржон яқинидаги соқчини имлаб, зўр бериб бир нимани гапирар, бўйнидаги кўк томирлари бўртган, қип-қизил кўзлари соққасидан отилиб чиқаёзган эди.

— Шайх бузург! Бу манфур сўнги сўз сўрапти. Балки тавба-тазарруъдир, балки сўнги нафасда гуноҳини тилаб калима келтирар, — дея қичқирди соқчи. Майдон яна жим бўлиб қолди.

Тўрда Ёқубхон ҳам, ҳарбийлар ва руҳонийлар ҳам бир-бирларига қарашди-ю, индашмади. Улар ўрнига Авранг шербаччаларга хос ғазаб ва асабийлик билан бақириб юборди:

— Йўқ, сўз берилмасин! Йўқ!!!

У автоматни икки қўллаб ушлаб оғзини маҳкум томонга қаратди. Собиржон унинг ўтдай ёнган телба кўзларини кўриб қолди. Бу маҳал Авранг кескин чапга бурилдию... бирнималар деб жон-жаҳд билан бақирганча, тошсупадаги казо-казоларни, офицерларни тариллатиб ўққа тута бошлади. Ёқубхон, атрофидагилар биринчи галда оёғидан қирқилгандай тўкилиб тушди, автомат ҳамон тариллар эди. Майдон автомат товуши билан бирга кучли ҳаракатга келиб, қий-чув, сурон кўтарилди, ўқлар отилар, одамлар уймалашар, тириклар яна туриб дуч келган томонга ўзини урар эди. Тартибсиз отишмадан ҳаво аччиқ тутунга, дод-фарёдга тўлди. Автомат тариллаши тинганда кимдир келиб Собиржоннинг қўлоёғини қийиб ётган арқонни кесиб юборди. Гурс этиб ерга тушган Собиржон ёнида ошпичоқни қинига солаётган кечаги букри чолни кўрди. Кўрдию, ажабо, кечаси билан эслаёлмагани, унинг исми ҳам бирдан ёдига тушди.

— Низомиддин ота...

— Тур, юроласанми?

— Йўқ, ота...

Собиржонни пастликка, катта йўл томонга судраб кетдилар. Тепада отишма пасайган. От дупури эшитилар, аммо қишлоқда жазавали бақирӣқ-чақирӣқ, саросима, югур-югур давом этар, қаердадир граната портлаб, тоғлар янграр эди.

Катта йўлда қўш ҳўкиз қўшилган тўрт ғилдиракли узун арава пайдо бўлди. Собиржонни кўтариб бориб ўшанга ташладилар. У нима бўлгани, нималар бўлаётганига ҳали етарли тушуна олгани йўқ, лекин тақдири шу нотаниш одамлар қўлида эканини тан олган эди. Шалвираган қўлини авайлаб, лой этиклари билан аравадаги хушбўй хашак устига чўзилди, нима бўлса ҳам тани азобдан бир зум қутулади. Кўкарган қўлоёқларига қон югуради.

Йўл ёқасида одам кўпайгани, орқада яна от-уловлар пайдо бўлгани сезилар эди, хотин-халаж ивирсиши, бола-чақа ғовури ҳам эшитилиб қолди.

— Қуролни ташлама, иноға, асқотиб қолади! — деди Низомиддин чол, суронни босиш учун овозининг бориचा қичқириб. Унинг овози бўғилган, қаердадир нарироқда гапирарди. Уни оломон қуршаб олди шекилли, хирқироқ товуши Собиржонга зўрға етиб келарди. — Қани, иноға, янги Ҳукуматнинг афвномасини яна бир ўқиймизми, ё...

Бу вақт Собиржоннинг ёнига яна бир ярадорни олиб келиб ётқиздилар.

— Қани, силжинг! — деди ярадор, озғин гавдаси билан унинг ёнбошига чўзилиб. Бир болдирида ялтироқ кўнжи йўқ, галифе шимининг йиртиғидан қонли иштони кўриниб турибди...

Бу Авранг эди. Собиржон уни танидию индамади, аллақандай туйғулардан тани қизиб, нафасини ютди. Авранг ҳам ҳансираганча жим ётарди. Улар тумандан ариб ёришиб келаётган тубсиз осмонга тикилдилар. Нарироқда, йўл устида оломоннинг ғовур-ғовури давом этар, отлар пишқирар, шабада тезак, сомон, эгар-жабдуқ ҳидини олиб келар эди. Узоқроқда яна бир ёлғиз ўқ янгради. Авранг титроқ тирсагига базўр таяниб бошини кўтариб боқди.

— Жарида ўқиётганни мўлжалга олган чамамда, аблаҳ! Хайрият, ўз вақтида тинчитишди.

У яна ётиб, яна жим бўлди. Улар орасида гўё бир-бирларига айтадиган гап йўқдай эди. Чиндан ҳам, айтадиган гапларнинг энг чигал, энг мушкулларини хатти-ҳаракат, отишмалар ҳал қилди; энди баҳсга шошилмаса ҳам бўлади. Собиржоннинг аъзои баданини элитаётган ором шу қадар ширинки, уни у-бу кескин гап билан бузгиси келмаяпти.

— Энди, уй-уйига, така-тўйига, деҳқонлар! Тез! Лекин қурол-салоҳни

ташлама, ҳали кор келади! — Такрорлади чол хирқироқ овози билан. Кейин ҳўкизларга хала тортди: — Хаш-ш! Жонивор!

Арава юриб кетди. Собиржон бошини кўтаролмас ҳам, филдиракларнинг лой ағдариб ғирчиллаши, туёқ дупури, йўл бўйидаги ғовур-ғувурдан сезиб ётибди: дийдараган оломон силжиди, тоғ бағридаги машўм қароргоҳ вайрон ва тутун ичида ҳувиллаб қолди, кўп ўтмай унинг тепасида калхату қузғунлар чарх ура бошлади.

— Яра қаерда? — деб сўради Собиржон ёнида тишини тишига босиб, гоҳ аста инграб ётган ёш ҳамроҳидан.

— Оёқни еди чоғимда... Лекин оғриғи биқинга бераяпти.

Улар яна анчагача осмонга қараб ётиб жим кетишди. Орқада ҳам, олдинда ҳам оёқлар остида лой билчиллаши, ҳансираган нафас, бола-чақа хархашаси эшитилар эди.

— ...Зулайҳо топилгани йўқми? — деди Собиржон.

Авраг бир ери оғригандай безовталанди-ю, узоқ индамай ётди.

— ... Сиз уни дарё томондан қидириш кераклигини қаёқдан билган эдингиз? — деб сўради анчадан кейин.

Собиржон унинг товушидан бир фожиани сезиб, юраги «шув» этди, суҳбатдошининг юзига қия қараб кўйди.

— Йўқ, мен шунчаки... кўнглим сезиб...— дедию, Собиржон Зулайҳонинг бир вақтлар анчайин гап бўлиб туюлган, бутун мудҳиш маъноси эндигина маълум бўлган ўша сўзларни Аврагга айтиб берди. «Чиқиб туринг соҳилга, тўлқин бўлиб оқарман». Қиз буни ашула деган эди, Аврагнинг айтишича, бундай ашула йўқ, бу қизнинг ўз кўнглида ғамгин ашуладай пайдо бўлган сўзлари бўлса керак...

— Сизнинг гапингиздан кейин от солиб дарёга бордим, — деди Авраг. — Туни билан соҳилда, гоҳи отда, гоҳи пиёда, телбадай юриб чиқдим. Тонг бўзарганда тоғ этагидаги кўчийлар чайласидан бир кампир чиқиб, мана буни берди. — Авраг кўйнидан қора ғижим рўмол олди. Бу бўй етган қизларнинг даҳан аралаш бошига ўрайдиган яшмак рўмоли эди.

— Зулайҳоники... — деди Собиржон, рўмолни кўкариб кетган соғ кўлига олиб, юз-кўзига босаркан.

— Мени ким изласа, ўшанга беринг, депти... Кампир бечоранинг ялиниб этагимга осилишига қарамай, дарёга қайтиб бордим... Тик соҳил... Тоғлар ҳувиллаб ётибди, Аму ўзига чорлагандай шовуллайди, қандайдир қора тўлқинлар... Тонгда шундай кўринадими, билмадим, ишқилиб, ўзимни қирғоқдан базўр олиб қордим. От жонивор кўнглимни сездим, ўқдай учириб олиб кетди. Бу ёқда зарур иш чиқиб қолган эди... Шунақа, истаган пайтингда ўлиб ҳам бўлмайди бу дунёда.

— Ҳа... аксига, кўпинча истамаган пайтингда...

— Айтишларига қараганда, у сиз туфайли қилганмиш бу ишни...

Собиржон бунга нима дейишни, ўзини қандай оқлашни билмай, нафаси тезлашиб ётганида, Аврагнинг ўзи жонига ора кирди:

— Тўғри қилган. Сенга нону намак билан келган кишининг кўлини қирқиб ўтирса, бунга ким чидайди! «Кейин кун юзига қайси кўзим билан қарайман?» деб бақирганча чиқиб кетган экан қароргоҳдан.

— Нега одамлар уни қайтаришмаган, нега тўхтатишмаган? — деб сўради Собиржон.

— Чунки у аввал ғазабидан одамларни даҳшатли сўзлар билан қарғаб, ўзидан қайтариб кўйган. Жихаддан келганимизда, зир югуриб уни суриштирдим, отини эшитиш билан ҳамма мендан юзини ўгириб, тескари қарайверди. Кейин ғорга, сизнинг ёнингизга бордим...

Улар яна жим қолишди. Филдираклар зўр бериб ғирчиллар, ўнқир-чўнқирга тушиб, ботмон лой кўпориб чиқар, деҳқоннинг пишиқ араваси қийшаяр, майишар, лекин синмас, бузилмас эди.

— Сиз чиқасизми тўлқинларга қарагани? — деб секин сўради Авраг.

— Ҳа, чиқаман, — деди Собиржон ҳам кўкка тикилганча, хаёлчан.

— Мен ҳам чиқаман... Сиз у соҳилдан, мен бу соҳилдан... Ўртада...

— Уртада севгимиз абадий оқади... Келишдик: Аму — бизнинг муҳаббатимиз.

Аврангнинг соқол-мўйлаби сабза ўрган юзларидан шаффоф ёш оқар эди. Собиржоннинг кўнглида таскин: кўп нарса йўқотди-ю, мана шу йигитчани топди, доктор Суҳайлдан, буюк олимдан хотира. Ифлос ботқоқликларда адашиб юриб ҳам, дил-софлигини сақлаб қола олибди.

Собиржон, бели, биқинлари қотиб кетганидан, сал ёнбошига ағдарилмоқчи эди, қўли нам ҳашакка тегди.

— Қон... сизникими, меникими? — деди қиз қизил панжаларини ёзиб. Ширингина, овозсиз йиғлаб ётган Авранг жилмайиб қўйди:

— Бари бир эмасми?..

— Ҳа-я, бу гапингиз ҳам тўғри, — Собиржон ҳам неча кунлардан бери биринчи марта жилмайди. Қўлини ҳашакка артиб, юзини сийпаб кўрди: ёноқ суяклари чиққан, соч-соқоли ўсиқ, манглайда қон, лой юқи қотиб қолган эди. Шунда ҳам яна жилмаярди: осмон ёруғ, кеч кузнинг ҳўм-райган булутлари паға-паға бўлиб тоғлар томон туя карвонидай секин сузиб бормоқда.

— О, Авранзоб-эй... тушадиган аравамиз бир экану, қаёқларда юрибсиз адашиб...

— Одам боласи адашар экан, ақои гулин, — деди Авранг, овози енгил, иноқ бир оҳанг касб этиб. — Ҳали сиз ҳам... жуда ноқулай пайтда «сўнгги сўз» сўраб қолдингиз.

— А? Сўнгги сўзнинг қулай пайти бўлмади-да, жўражон.

— Сочим тикка бўлиб кетди, ҳозир ишни пачава қилади, деб. Совуқ терга ботдим. Билардим-да, нима дейишингизни.

— Наҳотки?

— Менинг «отахон»имни таниб қолдингиз, тўғрими? Дадамнинг газетадаги ёзувлари, «отахон» билан бирга тушган фотосуратлари менинг қўлимда, буни билардингиз, тўғрими? Охири сўзингизда ҳақиқатни фош этиб, менинг «кўзимни очиш»га ҳаракат қилардингиз, топдимми?

— Топдингиз, «шербачча».

— Кулманг. Мен фақат Зулайҳони деб келганман. Шербаччалик бўлса, шу жойда жуда қўл келиб, «отахон»нинг тарбияси ўзига қарши ишлаб қолди. Сўнгги сўзингиз билан сиз менинг тунлари билан ўйлаган режамни, Аму соҳилида туғилган фавқулудда аҳдимни барбод берган бўлардингиз, шунинг учун жон-жаҳд билан «Сўз берилмасин!» деб бақирдим, пайсалга солмай ишга ўтавердим, кўрдингиз.

— Кўриб бўпман! Худди кўрадиган алпозда эдим... Шу бола мени ҳов ҳужрада отиб қўяқолганида осонгина ўлиб кетардим-а, қайси қўлимдан бошларкин, қўлимданми, оёғимданми... деган хаёл билан, ҳушим шамдай милтиллаб турган пайтим эди. Бирдан тариллаб қолди «машиндор»инг. Қарасам, ҳеч қаерим оғримаяпти. Аввал севиндим — осон экан-ку деб... Бир зумда не-не хаёллар келмайди одамга! Оломоннинг гувиллашидан ҳушимга келиб кўзимни очсам, ёнимдаги тақа мўйловли семиз конвой қопдай бўлиб ўлиб ётибди...

— Ўша ҳужрадагига узр... Тутинган «ота»нинг қутқиси билан сизни ўлдиргани борганман... Пушаймонни ҳам эпполмадим. Зулайҳо қиз бола бўлса ҳам, эплади. Юзингизга тикка қарай олмади. Мен бўлсам ёнма-ён ётиб кетаяпман...

— Ўша болалик хатосининг узрини сиз ҳам жуда келиштирдингиз, ука. «Ука» десак майлими? Энди ака-ука бўлдик, Авранг. Отангизнинг ҳурмати, ботирлигингиз ҳурмати, Зулайҳо хотирасининг ҳурмати, энди тақдирингиз билан ҳам қизиқиб, зарур пайтда қўлимдан келганча маслаҳатлар берсам, йўқ демайсизми?

— Раҳмат, ақои Собир. Айниқса дадамни топиб берганингиз учун.

— У одам... — деди Собиржон ўйга толиб, — отангизнинг қотилини айтаман... Асрлар давомида юртингизни мутеъ қилиш учун не-не кирдикорларни ўйлаб чиқармаган! Энди унинг озодлиги учун курашармишми!? Анов жаллод «шайхи бузург»нинг маслаҳатчиси у, қўлига автомат берган ҳам ўша... Бундан буёғига нима қилмоқчисиз?

— Оёққа туриб кетсам, аввало дадамнинг қабрларини излаб топаман, насиб қилса!

— Бале. У кишига ҳайкал қўйса арзийди. Машҳур археолог Сухайл номини бизнинг мамлакатимиз олимлари ҳам яхши билишади. Ҳукуматингиз маъқуллаган Чорданаҳр иншооти лойиҳасининг яратилишига доктор Сухайл ғоялари туртки бўлди. Биз у кишининг ҳайкалини Сангкоса тоғ денгизининг юксак қояларига ўрнатамиз!

— Мен унга муносиб ўғил бўлишни истайман.

— Докторнинг ўша газетадаги ёзувлари бу йўлда сизга биринчи қўлланма. У киши эл-юртим деб ҳалок бўлди. Мен сизнинг чиройли орзуларингиздан мамнунман, ука. Истиқболингизни топганга ўхшайсиз, чунки истиқболсиз бундай ўйлар келмайди кўнгилга. Бу балки етуклигингиздир. Етуклик ёшда эмас, оғир йўлларни енгиб ўтишда. Ҳали ёшсиз, юртингизда сиздай навқирон кучларга иш кўп, оғир, шарафли ишлар турибди, катта йўлда йўқотишлар ўзини оқлайди. Зулайҳодай бахтингизни ҳам топиб оларсиз.

Собиржон Аврангга эмас, ўзига ўзи ҳақида гапираётгандай, ўйчан, хаёллари узоқда, кўзи тубсиз осмонда эди.

— ...Сўнги сўз эмиш-а... — деди яна Авранг анчадан кейин. — Сўнги сўзга бало борми! Сиз билан биз яшаймиз ҳали, нима дедингиз? — У ётган жойда Собиржоннинг соғ қўлини топиб, аста сиқиб қўйди. Ўз ўйлари билан бўлиб анча ётгандан кейин, яна гапирди: — Сиз кўрмадингизми — ер тишлаганлар ичида ўша аблаҳ бормиди? Еки...

— Кўролмадим. Кейин қишлоқда узоқ отишма бўлди. Ким ўлди, ким қочди — билмайман. Лекин от дупури ҳам эшитилди, кимдир қочиб ҳам қутулдиёв...

Шу маҳал Собиржоннинг ёнгинасида «пиқ» этган йиғи товуши эшитилди. Бош кўтариб, боядан бери ғудир қўллари билан аравани ушлаб



кетаётган қарияни кўрди. Унинг этиклари қўнжигача лой, чипқон чиққан бўйинини кир рўмол билан боғлаб олган, бошида қийшайган кўк дастори ҳам кир, ғижим, хунук йиғлаб, ҳадеб бурун қоқар эди.

— Аравага олиш керак эди... Танидингизми? — деди паст овозда Авранг. — Зулайхонинг отаси.

Ераб! Собиржонга қолса асло таниёлмасди. Қани у кичкина мош-гуруч соқолли, деҳқонсифат, пишиқ хўжайин? Қани унинг виқорли ишбилармон, ҳукмрон қиёфаси? Юзида ҳам, турқида ҳам илгариги Шокалон тоғадан ҳеч бир аломат қолмабди-ку! Таралмаган соқолида лой юқи, шилпиқланган кўзларидан ёш оқиб, тумовдан қизарган бурнини баттар қизартирар, у жуда қариб қолган эди.

— Шокалон тоға... — деди Собиржон. Тоға сескандию, яхшилаб қайрилиб қарашга чипқон оғриғи қўймади.

— Мени танидингиз-а, тоға? Фуломали жиянингизнинг шўравий ўртоғи бўламан, ҳов кўрғонингизда бўлувдик, эсингиздами?

Аравага оғирлигини ташлаб келаётган Шокалон «биламан, аллақачон таниганман» дегандай, қайта-қайта бош ирғаб, яна йиғлади.

— Сухбатимизга қулоқ осиб келаяпсиз шекилли... бандалик, тоға, сизга сабр берсин... Тилла қиз эди Зулайҳо.

Зулайхонинг ҳалокати ўзига ҳам негадир эндигина таъсир қилгандай, Собиржоннинг кўнгли алланечук қоронғу тортиб кетди. Узининг мудҳиш ўлимдан қутулиб чиққанига қувонибми, шу пайтгача бу ҳалокатнинг бутун маъносини чуқур ўйламаган экан. Илоҳий гўзаллик, чексиз бир софлик ҳаётнинг чиркин зарбаларига дош беролмай лойқа тўлқинлар қаърига отилди. Бегуноҳ вужуднинг бу исёнини англаш отага ҳам осон эмас. У, албатта, ҳамма нарсани худодан кўриб, узоқ изтиробда ич этини ейди-да, кейин тақдирга тан беради. Унинг учун бу — бир ўлим. Фарзанд ўлими бўлса ҳам, ҳалокатли бўлса ҳам, бари бир, ўлим холос. Аммо Аврангга буни чуқурроқ тушунтириш керак, бунинг исёни эканини, ўлим эмас, онгларда ёқилган мангу олов, буюк бир рамз эканини авранглар билиши керак. Собиржон кейинроқ унга буни батафсил англатишни кўнглига тугиб қўйди. Авранг энди унинг тутинган укаси, ахир.

— Шокалон тоға, Фуломалини сўрамаяпсиз... Мен уни яқинда кўрганман, сал тоби йўқроқ эди.

Тоға жавоб ўрнига яна йиғлаб, бурнини қоқди. У ҳақиқатан ҳам ожиз, ғариб эди. Аравани икки қўллаб ушлаб, қадамини тезлатди-да, олдинроққа ўтгач, оғриқ бўйинини Собиржон томонга базўр буриб, мунгли оҳангда гапирди:

— Уни сўрамаганимки... юрак бетламай... Энди қайтиб бориб унинг юзига не кўз билан қарайман, ука? Шунча яхши гапларини, ўтинчу илтимосларини оёқ ости қилиб кетган одам шу хароб аҳволда яна олдига қайтиб келяпман.

— Зарари йўқ, эгилган бошни...

— Мени Ҳукумат афв этса ҳам, Фуломали афв этмайди, айниқса Зулайҳо учун. Қўрад яна кичик хотиним боласи билан, катта ўғлим оиласи билан қолган. Менинг йўлимга юрмаганлари учун эл олдида «оқ» қилган эдим...

— Йиғламанг энди хотин кишига ўхшаб! — деди индамай қулоқ солиб ётган Авранг. — Ёқубхоннинг оёғини ялаб шу аҳволга тушдим деявермай-сизми?!

Собиржон унинг биқинига туртиб қўйди. Шу билан орада суҳбат анчагача тиниб қолди. Арава четида Шокалон тоғанинг лойда ҳаллослаб қадам ташлагани, ҳар замонда йиғисини тийиб чуқур ўксигани эшитилар эди.

Кечга яқин Пайки қишлоғининг яланғоч тераклари кўринди. Йўлнинг лойини пишитиб келаётган оломон жонланиш, йиғи-сиғи, қувончли, гоҳ жиддий товушлар эшитила бошлади. Собиржон бу қуролли, юпун оломон ичида ўтдай ёнган кўзларни, ҳаяжонли юзларни кўз олдига келтирди. Бу ҳаяжонда жонажон қишлоққа, туғишган уруф-аймоқ ҳузурига қайтиш сабрсизлиги, тоғ-тошу зах ғорлардаги мубҳам, доимий хавф-хатарли

қора қисматдан қутулиш қувончи, ҳаловатли ҳаёт умиди, хонаки орзу-ҳавасу армонлар, номаълум кўрқув, кутилмаган фожиалар ҳадиги — бари аралаш-қуралаш...

Қош қорайиб келмоқда эди. Уфқ тепасида битта-иккита юлдуз ҳам кўринди. Бундай пайтлар Собиржоннинг қишлоғида қўшни болалар «юлдузми — нима бу?», «юлдузми — нима бу?» деб маҳаллани бошларига кўтариб шовқин солишади...

Пайки томондан ҳам қандайдир овозлар эшитилди, йўл четида шарпалар кўзга ташланди. У шарпалар бесаранжомроқ кўринар, у ёқдан бу ёққа югуриб ўтганларини, теракзор панасида эса тўп бўлиб турганларини ҳам илғаш мумкин эди. Қандайдир кескин қичқириқ кетидан ўқ овози эшитилди. Оломон йўл устида тўхтаб, ҳушёр тинликда қотиб қолди, жанг кўрган собиқ «мужаҳид»лар қўлида ҳам туфанглар шарақлади.

— Тўхтаглар! Буларни огоҳлантириш керак, тагин ўт очиб ўтиришмасин! — деди Авранг, базўр ўрнидан туриб ўтираркан. Кейин у Низомиддин чолнинг аравада ётган милтиғига таяниб бир оёқда шошиб тикка турди. Қишлоққа кираверишда шарпалар яна ҳам кўпайиб, йўлда текис саф тортилган эди. Уларнинг қуролланган отряд эканлигига шубҳа қолмади.

— Ҳо-ой, пайкиликлар! — деди Авранг, милтиққа таяниб бир оёғида тикка турганича, бор товуши билан чўзиб. Собиржон ётган жойида унинг ярадор қўймичида қонли йиртиқ шими титраётганини пайқади: зўрға оёқда турибди бола, овози эса ёшларга хос тетик!

— Ҳой, пайкиликлар! Отманглар, ҳамқишлоқларингиз бош эгиб келишаяпти! Ҳукуматнинг афв умумия тўғрисидаги фармонида биноан! Шу вақт ўқ янгради. Яна бир ўқ овози билан қуролли отряд олдинга қараб кўзғалди, сурон кўтарилди. Бир маҳал Собиржон қараса, Аврангнинг товуши тинди, гавдаси унинг устига ағдарилиб тушаяпти. Бор куч билан туриб, ўтирган жойида уни соғ қўли билан ушлаб қолди.

Йигитча сўнгги марта «Ака...» дедию Собиржоннинг билагида бир тўлғаниб, жон берди. Собиржон ўзи ҳам, бирдан қуввати кетиб, кўзларига ситилиб келган алам ёшини артолмай, ночор аҳволда қаради. У ўзининг бўлажак даҳшатли ўлими ҳақида эшитганида ҳам бундай аҳволга тушмаган эди, кўзи қора шарпаларни зўрға илғади. Оломон арава атрофида қотиб турарди. Пайкиликлар отряди ҳам эллик қадам нарида тўхтаб қолган. Дайди ўқдан орқада яна кимдир йиқилди шекилли, хўкизлар ёнида Низомиддин букур ҳирқироқ овози билан «Ҳой, иноға, ахир!..» деб қичқирар, унга ҳеч ким парво қилмас эди.

Отряд томондан овоз чиқди:

— Дреш! Бош эгиб келган бўлсанг, қуролларни ташла, кейин гаплашамиз!

Низомиддин Аврангнинг жонсиз гавдаси остидан паштун туфангисини олиб, йўл четидаги қора шудгорга ташлади. Кейин яна кимдир қуролини ўша ерга улоқтирди. Кейин яна бири. Собиқ «мужаҳид»лар қуролсизланарди, қоронғида шудгор балчиғига ҳар томондан шарақ-шарақ этиб милтиқлар тушавериб, хирмондай уюлиб қолди.

Собиржон соғ қўлида навқирон нажоткорининг жасадини зўрға ушлаганча, дам Низомиддин чолга, дам тўдага қараб, ич-ичидан ўртаниб кўзёшсиз йиғлар эди. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Қишлоқдан келган отряд олдидаги чўлоқ одам «хирмон» тепасига келиб, у ёқ-бу ёқни айланди:

— Ҳа, мана бу бўлак гап! Энди қуролларингни яна қўлга олсанглар бўлади, энди ишондик...

Собиржон қишлоқнинг мудофаа отряди бошлиғини овозидан таниди. Бу — муаллим Нурмуҳаммад Пайкий. Лекин нега оқсоқ? Нозиккина, хушмуомала зиёли эди, дағал товушли, чўлоқ командир бўлиб қолибди. У ҳаммани қовуштириб қишлоқ йўлига солди, отряд билан оломон аралашиб кетган, танишлар орасида иссиқ-совуқ сўрашишлар, пичинг, қочириқ, бақириқ-чақириқ...

Лой кечиб, ғирчиллаб кетаётган хўкиз аравада эса — аза, чол қийиғи

билан марҳумнинг юзини ёпиб қўйди. Собиржонга олам қоронғи. Ҳаммаси ҳам бир бўлдию, Аврангнинг бемаъни ўлими ҳам бир бўлди унинг учун. Елкасидаги азобли оғриқни ҳам унутди. Ичидан қизиб келган қандайдир изтиробли куч уни бир кўтардию, аравадан тушишга дармони етмади, яна юмалади ёш дўстининг жасади ёнига. Қоронғи тушган эди, осмон зим-зиё, фақат қишлоқ уфқида иккита хира юлдуз милт-милт ёнади.

Қишлоққа кириб келдилар. Бу йўллар, бу тераклар, Пайкининг қора кўланкалари ҳам Собиржонга таниш туюлди. Уша мачит, минора, биқинида гавжум оташхона. Тошу тиканаклар билан ихоталанган оташхона майдони от-улов билан, хашак, тезак ҳиди, эшак ҳанграши, ҳайю ҳайт билан тўлиб кетди.

Собиржонни қўлтиқлаб оташхонага олиб кирдилар, оловга яқинроқ сўрига олача, лўла ташланган эди.

— Аврангни... — Собиржон нимадир демоқчи эди, етаклаб кирган одам тинчитди:

— Хавотир олманг, инжинир, эрталаб саранжом бўлади, дамингизни олинг, ўзингизга қаранг... Чой!

Бу ҳалиги чўлоқ командир Пайкий эди.

— Муаллим... — деди Собиржон.

— Лаббай, мен сизни зўрға эсладим, айтмасалар, ўлай агар, танимас эдим, жуда ўзгариб кетибсиз, чой ичинг, — деб нон синдирди Нурмуҳаммад Пайкий. У сергапроқ, лекин жуда жиддий эди.

— Муаллим, нега мундай қилдинглар ахир!? Сал эҳтиёт бўлсанглар... Биласизми кимни нобуд қилдинглар!

Муаллим Пайкий кутилмаганда ўзгариб кетди, қаттиқ хафа бўлди.

— Сиз билмайсиз, инжинир! — овози шавқатсиз жаранглади. — Сиз ҳали ҳеч нарсани билмайсиз! Бу қишлоқда нобуд бўлган бегуноҳларни кўрмагансиз. Кўрмагансизу гапирасиз. Шудгорда тариқ сепаётган пайтида қонига беланиб йиқилган ўсмирларни, кўксида гўдаги билан ариқда ўлиб ётган оналарни кўрсангиз, бир хато ўқ учун бизни бундай койимас эдингиз. Кечирасиз! — муаллим чўлоқ оёғи билан дўқ-дўқ этиб чиқиб кетди. Собиржон тепки егандай ётиб қолди.

Дарҳақиқат, Собиржоннинг бу одамлардан гина қилишга ҳаққи бормиди? Улар бу фожойи ҳаётда кун-тун бедор туриб ўзларини муҳофаза қилишлари керак-ку, ахир... Шафқатсиз кунлар! Мурасасиз кураш. Бу беомон ҳаётда одамлар ҳам ўзгариб, бир руҳий совуққонлик ҳам пайдо бўляптими, нима бало? Собиржон билган нафисдил одамлар... Мана бу муаллим нозиктаъб зиёли эди. «Бир хато ўқ учун..!» «Бир хато ўқ» кимни олиб кетганини суриштирмади ҳам. Авранг келажак учун қайта туғилган навниҳол эди... Ҳай, бу балки Собиржон учун шундай туюлгандир, бу балки Собиржон учунгина шундай оғирдир...

Олов тафти етиб келиб, уни элита бошлади. Атрофдаги яккам-дуккам чойхўрларнинг гурунги ҳам, ташқаридаги ғовур-ғувури ҳам пасайди. Собиржон нарироқда бир-бирига суяб қўйилган жўнгина эски милтиқларни, уларнинг ялтираб кетган қўндоғида ўчоқ ёлқинини илғадию, кўзи юмилди.

Саҳарлаб оташхонага Гожсўхта кириб келди. У ўша-ўша, ёздагидек ярим яланғоч, косовдай қоп-қора, ориқ, камгап, серҳаракат эди. Уни муаллим Пайкий топиб келтирган бўлса керак, индамай келиб, Собиржоннинг елкасидаги қотган қонли ярани аччиқтош билан ювди-да, зигирёғда пахта доғлаб босиб, оқ сурп билан қисиб боғлаб қўйди.

— Омадинг бор экан, йигит, суяк бутун, ўқ бу ёқдан кириб, у ёқдан чиқиб кетибди, — деди Гожсўхта кета туриб.

— Шошманг, табиб, ахир...

— Вақт зик, меҳмон. Бу уйинг куйгур «фидойи»лар деҳотга бити чипқондан бўлак яна бирон фалокат олиб келган бўлмасин... Борай-чи.

Кейин кўча-кўйда ўтган-кетганнинг қулоғини чўп билан тозалаб, сочини олиб, мўйи-муртини тарошлаб ўтирган исқирт сартарош кирди. Уни ҳам Пайкий юборган бўлса эҳтимол, саккиз қават белбоғидан устара,

қайроқ, қайчи, совун, яна алланималарни имиллаб битта-битта чиқарди-да, аввал Собиржоннинг бошини, иягини, ёноғини обжўш билан босиб-босиб уқалади, кекса бўлса ҳам, узун, ингичка бармоқлари кучли, чайир, босган жойини оғритар эди. Эҳтимол, шунинг учундир, соч-соқол ўсиб патак бўлиб кетган бўлса ҳам, устара оғритмади. Собиржон қушдай енгил тортиб чойхўр бўйдоқлар ёнига ўтди-да, эчки сути билан чой ичгач, ташқарига чиқди, ёмғирдан қолган кўлмак сувда этигини ювди.

Ҳаво салқин, намчил эди. Яланғоч дарахтзорларда сийрак туман яшириниб турибди. Тошфарч майдондан чиқаверишдаги деразасиз, узун, пастак бинолар ёнида лойга ботган аравалардан қоп туширишяпти. Собиржон ўша томон юрди. Қоғоз қоплардаги оқсарик нарса маъданий ўғит бўлса керак, уларни ёшу кекса деҳқонлар, гоҳо бошига хижоб тортган хотин-халаж битта-битта елкасига олиб, қаёққадир кўтариб кетмоқда.

Собиржон бир чеккада букчайиб, томоша қилиб турган Низомиддин чолни кўриб қолди. Патун ташлаб, пийрону тумбон¹ кийибди, устидан камзул. Неча ойлардан бери биринчи марта уйда ухлаб бир оз тиниққан бўлса ҳам, совуқда терга пишиб қоп тушираётган юпун ҳамқишлоқларига мунгли ҳавас билан боқар, ажин босган юзларидаги кўзёшларини салла печи билан артиб қўяр эди.

— Ассалому алайкум, Низомиддин ота.

Чол ўз қишлоғига қайтиб, ўз исмини биринчи эшитишими, кекса юзи балқиб кетди:

— Ваалайкум ассалом, — деди алиқни мукаммал қилиб, — сиҳатингиз дурустми?

— Раҳмат, падари гулин, нима экан бу?

— Бу — кимё, болам, кимё... Мозори Шарифдаги мошинхонадан келган. Деҳқонларга мурувват қилиб Ҳукумат берибди, ҳосилга мадад бўлсин деб.

— Сиз олмайсизми?

— Ери борларга бу, меҳмон болам. Ер олганларга.

— Булар ҳаммаси ер олибдими?

— Бари ер олган, болам. Маҳбубшоҳнинг ерларидан, жон бошига олти танобдан...

— Маҳбубшоҳнинг ўзи қаерда?

— Шу ерда, тинч. Сиёсатни зап тушунади-да, садағанг кетай. Бошқалардек мол-дунё деб жонини койитмайди. Юраги ҳам кенг, эсли одам.

— Сиз ҳам жўжабирдай жонсиз, билишимча? Олти жарибдан тегса, ўҳ-хў!

Чол кўзини артди.

— Ер бермаса ҳам, гуноҳимдан кечса, бола-чақам билан бир умр алқар эдим. Шу ҳукуматни, меҳмон болам... — У салла печини кўзига босганча аста бурилиб кетди. Собиржон ғордаги бу суҳбатдошининг букчайган гавдасига узоқдан қараб қолди, кўнглида унга айтадиган гаплари кўп эди, унга, болаларига омад тиламоқчи, эртаги кун ҳақида, бу жойларга Аму суви келганда бўладиган ишлар ҳақида гаплашмоқчи эди. Ҳай, бунинг ҳам мавриди бўлиб қолар.

Энди Шокалон тоғадан хабар олиш керак. Балки у ерда Ғуломали ҳам пайдо бўлиб қолар, бу воқеаларни эшитган бўлса, Кобулда ўтиришга тоқати чидамайди.

Собиржон узоқ қидирмади, кўрган жойлари, Зулайҳо билан неча бор учрашган қадрдон теракзор, таниш қўрғон олди, шох-шабба ғарамлари олдида икки табақали дарбоза ўша вақтлардагидек қия очиқ... Бирок ичкарига бош суқиб, Собиржон ҳовлини танимади. На ўчоқ яллиғи, на от бойлайдиган қозиқлар, на одам шарпаси кўринди. Ҳовли ичкарисидан боғ-дарахтзор эпкини ўрнига, ёқимсиз қул-қурум ҳиди, куюк ис келди. Собиржон, адашдим шекилли, деб орқага қайтмоқчи ҳам бўлди, ахир у бу

¹ Патун, пийрон, тумбон. — Устки кийимлар.

ерда ҳар нарсани дарров танир эди-ку: супа, қудуқ, қари тут, этакдаги тераклар... У яна ичкарироққа кириб, боғ тўрига кўз ташлади — ундаги дов-дарахт, қўшимча иморатлар, тоғанинг кўпдан-кўп уруғ-аймоқлари турадиган ҳовли-жойлар — бари теп-текис бўлиб қорайиб ётарди. Яланғоч тераклар қоп-қора, баъзилари кўмирга айланиб, шох-бутоқсиз тиккайиб қолган. Тунги ёмғирдан сўнг бу вайроналикдан нафасни бўғадиган нам кул ҳиди таралар эди.

Дарбозага яқин ерда омон қолган даҳлизу пешайвонли жой, Шокалон тоғанинг ёш хотини билан турадиган уч бўлмаю бир меҳмонхона кимсасиз, очиқ деразаларидан елвизак тортиб, ҳувиллаб ётибди. Собиржон ўша таниш айвон томон бир неча қадам қўйди-ю, анграйиб тўхтаб қолди: айвон остидаги тағхона эшигига суяниб зах ерда ўтириб қолган одам диққатини тортди.

— Ш... Шокалон тоға?

Ҳа, ўтирган ўша эди. Худди кечаги алфозда — соқол босган юзи ҳамон ювуқсиз, дастори чувалашган, ёғим, қийшиқ бўйни кир латта билан ўраб боғланган, этиклари қўнжигача лой... Уша қайтиб келиб ўтирганича ернинг захини ҳам туймай, туни билан ўтириб чиққанга ўхшайди. Кўзлари қип-қизил, лекин қуруқ, Собирга телбанамо, маъносиз боқди-да, саломига алик ҳам олмай, гўё ҳалидан бери ўзича маъқуллаган гапини давом эттирди:

— Ҳамма гапи ҳаққу рост чиқди... Уртоғингизни айтаман. Эл-юрт қадамига терс юрманг, бадбахт бўласиз, деган эди. Бадбахтлик бундан ортиқ бўладими! Бадбахт нима экан, мохов, моховман! Қишлоғимга қайтибман, биров келиб, ҳолинг қалай, деб сўрамади. Кўрдингизми, — деди у кўрғоннинг қорайиб ётган этакларини кўрсатиб.

— Биров ўт қўйибдимми?

— Ўт қўйса шунақа куяманми! Қириб, ўлдириб кетган! Уруғ-аймоғимни битта қўймай, бола-чақасигача! Мен бадбахт, мана, эс-ҳушим жойида, тўнкадай бўлиб ўтирибман. Бошқа биров бўлса аллақачон телбаланиб юмалаб қоларди, унга одамлар ачинишарди. Мени жин ҳам урмаяпти, ким ачинади? Бадбахт дегани шу-да!

— Ким қилибди ахир бу ваҳшийликни?

— Ким... ўзимизнинг мужажидлар, фидойилар. Ким бўлар эди!

— Йўғе, нега? Сиз ўзингиз...

— Ҳа, уларни ўзим билан олиб кетолмаган эдим. Унашмади. Гапимга киришмади. Мана шунинг учун уларни «ўзимизниклар»... — Шокалон хунук бақириб, юмалаб-юмалаб йиғлай бошлади, — демак, уларни мен ўзим... тушуняпсизми, ўз қўлим билан!.. — у қалтираган панжаларини кўзлари олдида ёзиб, соқалари отилиб чиққудай тикилди-да, яна ёввойи товуш билан бақириб юборди. Лекин кўзида ҳамон ёш йўқ эди. Кечаси билан йиғлаб кўз ёшлари қуриб қолганми, ё ақлдан озиб... Ҳозир бу ҳам ажаб эмасди.

Бир оздан кейин дафъатан ўзгарди, овози юмшади, туриб жойига ўтирди-да, ўкинч билан сўради:

— Ким айбдор, меҳмон, ким айбдор? Мен тушунмаяпман... Айтингчи, мен сиз билан тўғри гаплашмаяпманми? Гапим телба-тескари, албатта, лекин эсим жойида, шундай эмасми? Фақат, тушунмаяпман: ким айбдор? Буларнинг уволи, гўдакларнинг хуни кимни тутади? Кечадан бери шуни ўйлаб, ичимни қиймалайман. Бордию Ёқубхонга эргашиб кетмаганимда, минг лаънатлар бўлсин ўша қора кунимга, бордию кетмаганимда... улар мени ҳам мана шу ерда сўйиб кетишарди, ахир! Яхши бўларди, лекин яхши бўларди! Энди мен ёлғиз, дунёда бўридай яккаю ёлғиз, бир умр виждон азобида яшаб нима қиламан?! Узингиз айтинг!

— Навжувон янгам...

— У мени ташлаб кетди, кеча келибоқ ота-онасиникига жўнади! Маъқул қилди. Ёш нарса, тоғ-тошда кўргани ҳам етади бояқишнинг.

— Узингизни кўп ўртайберманг, бўлар иш бўлибди... Кириб ётинг, ювининг, исининг. Фуломали келса, бир маслаҳат қиқиб қолар, — деди бу гаплардан юраги эзилган Собиржон, ўзи ҳам кетишга шошилиб.

Тоғани айвонга олиб чиқиб ётқизгач, қўрғондан чиқаркан, бири-биридан оғир ўйлар юрагини сиқа бошлади. Одамлар ўртасидаги бу қадар шафқатсизлик нимадан? Бу мудҳиш манзаралар тинч, фаровон замонда туғилиб ўсган одамни дафъатан эсанкиратиб қўйиши мумкин. Кураш, ҳўп, уруш, ҳўп... Собиржон бунга тушунади. Лекин курашда, ҳатто урушда ҳам ўзига яраша адолат бўлиши керак эмасми? Урушнинг бундай ғайри инсоний тус олиши охир-оқибатда бари бир адолат фойдасига олиб келади-ку. Мана «фидойи»лар ўз қилмишларидан даҳшатга тушиб, қишлоқларга, оилаларига қайтишяпти. Ёвузлик эмас, бари бир яхшилик енгади. Шунинг учун, сустрлашмай, нимадир қилиш керак. Ҳеч бўлмаса, шу қишлоқ учун, шу пайкиликлар учун, барча ёвузликларга қасдма-қасд, тезроқ нимадир қилиш керак. Энди бу одамлар билан бирга у, 'оз бўлса ҳам, оғир йўл босди, қўрқинчли чиғириқлардан ўтди, қайнаб қони қўшилди... Мана бу йўлларда, бу теракзорларда Зулайхонинг муҳаббати қалбда лов этиб... авж ололмай сўнган бўлса ҳам, тафти қолди, бир умрга қолди.

Нимадир қилиш керак...

Шу чигал хаёллари билан дала йўлидан қайтаркан, ҳўкизини марзага қантариб қўйиб, бир парча ерда ғўзапоя юлаётган деҳқонни кўрди. Юпунгина ёш деҳқон ҳансираган сари бароқ мўйлаби ҳўрпаяр, қаддини ростлаганида чоллардек белини ушлаб атрофга қарар эди. Икки боғ ғўзапояга милтиғини ҳам суяб қўйибди.

Нимадир қилиш керак, деди яна ичида Собиржон. Қилаётган катта иши мамлакатдаги бошқа жиддий ташвишлар билан қоришиб, чувалашиб, ўзи ҳўзир калавасининг учини йўқотгандек паришон эди. Ана у деҳқонни кўриб, миясида нимадир сал тиниқлашди: она еру муқаддас жанг, халқ тирикчилигию инқилоб — бир-биридан ажратиб бўлмайдиган, бири-бирисиз умуман бўлмайдиган нарсалар шекилли-да. Шунинг учун у Ғуломалига баъзан: «Бошқа ишлар билан бўлиб кетдинг-ку», дея таъна қилганида, дўсти: «Бошқа эмас, ўша-ўша иш: Фақат мураккаблашиб, кенгайиб кетяпти» дер эди. Собиржон энди тушунаптики, Ғуломали ўзининг серташвиш, асабий, ҳўрғин, беором ҳўёти билан туғишган юртига ўхшаб кетаркан...

Йўлнинг бу томонидаги бутазор ортида қора тутун пуркаб ётган хумдонлар, кейин яшил туғлар ҳўлпираган мазор кўринди. Қатор дўмпайган тошлар, катта-кичик янги қабрлар. Қабристоннинг у четида беш-ўнта қария яна кимнидир дафн қиляпти... «Авранг!» деган фиёр бошига урилди Собиржоннинг, ярадор елкасини маҳкам ушлаганча, бутазорни оралаб югурди. Бу қандай бўлди-а! Уни хаёлдан чиқаргани қандай бўлди? Қаёқларда алахсиб... эси жойидами ўзи!

Нафаси бўғзига тикилиб, ҳўлослаб этиб борса, очиқ гўр ёқасида тобут турибди, хассакашлар даврасининг четроғида бош эгиб турган Низомиддин чол билан муаллим Нурмуҳаммад Пайкий «сизни қидирдик» дегандай қия боқиб қўйишди. Орада энг кекса, катта оқ саллали қария ҳам янги келган кишига қараб қўйиб, давом этди:

— Мусулмонлар! Марҳум мусофир экан, яқин кимсаси йўқ, Мозори Шарифлик дейишди. Бинобарин, ҳеч бирларингдан қарздор эмасдир, рози-ризоликни энди мардумдан сўрайин...

— Унинг яқин кишиси бор, отахон, — деди Собиржон ҳансираб, — мен тутинган акаси бўламан. Унинг исми Аврангзеб, раҳматлик отаси Афғонистоннинг илму фарҳангида машҳуру муҳтарам эди.

Ҳамма, айниқса, муаллим Пайкий, ҳайрат ва қониқиш билан Собиржонга боқди, кейин марҳумни энди кўраётгандай, унга ҳам қандайдир узрли ҳўрмат назари билан узоқ тикилиб қолди.

— Ҳай... Баракалло, тутинган акаси, укангиз Аврангзебдан розимисиз?

— Мингдан-минг розиман! — деди Собиржон, бош эгиб.

— Чалкаш дунё! — деди Собиржон, чуқур уҳ тортиб. У Аврангнинг аравада ётиб келаётгандаги орзу-армонли гапларини эслади. Бутун бу воқеаларда унинг учун энг ёрқин нуқта мана шу Авранг эди.

— Кеча мендан бекор хафа бўлдингиз, муаллим. Бу болани мен ҳам атиги икки марта кўрганман. Лекин вақт бўлганда сизга у ҳақда бир китоб нарсани сўзлаб берардим.

— Вақт ҳақиқатан ҳам зиқ, инжинер. Сизни ҳам қидириб юришибди, марказдан қисталанг хат бор. Дараги чиқса хабар қилинглар, дейишибди. Хабар бердик. Эртага яна меҳмон кутаяпмиз.

— Ким?

— Сангкоса сув иншоотининг бош мутасаддиси келяпти.

— Бош мутасадди?

— Ҳа.

— Оти нима экан?

— Билмадим. Омон бўлсак эртага биламиз.

«Сенгкоса сув иншооти»!

«Бош мутасадди»!

Шундай тушунчалар ҳам пайдо бўлибди-да!

Собиржон ўтган оғир воқеалар ҳақидаги чалкаш, аламли ўйлари ҳам, яра яллиғини, чарчоғини ҳам елкадаги зил-замбил юкдай бирдан ташлаб юбориб, қадди тиккайиброқ қолгандай бўлди. Танига куч-қувват иниб, кўкси кўтарилди: Утдан товланиб мусаффо ҳавога чиққандай тетик ҳис қилди ўзини.

Ғулумали... Ғулумалими, бошқами?! Инженер Ғулумали Коргар! Уртоқ бош мутасадди! Уртоқ Коргар! Ярашади, жуда ярашади.

Лекин у қаттиқ касал эди. Собиржон дўстининг хужра бурчагида букчайиб узоқ титраб йўталганини, нурсиз кўзларини, озғин юзини кўз ўнгига келтириб, яна қоронғиликка чўккандай, хаёлга толди. Наҳотки бошқа биров бўлса? Ким бўлиши мумкин?

Собиржон оташхонадаги тўшагида туни билан ухламай эртани кутдию, лекин эртасига бош мутасадди келмади. Еган-ичгани ичига тушмай, кечгача шу атрофда бетоқат айланиб юрди, йўлга тикилди. Муаллим Пайкий ҳам тоғдан қайтиб келган собиқ «фидойи»ларнинг чигал ишлари билан банд бўлишига қарамай, бесаранжом, чўлоқ оёғини дўқ-дўқ босиб, оташхонага уч марта келиб кетди.

Қиш палласи кунлар бир тутам, ҳадемай қош қораяди-қолади. Тунлар аёз эди, йўллар қатқалоқ, от-улов ғичири, оёқ товуши узоқлардан эшитилади. Тиниқ осмон юлдузларга тўла. Кимдир поёнсиз кўк бахмалга ёниб турган беҳисоб чўғларни шундоқ сочиб юборгандай...

Собиржон, кўнгли бир нарсани сезиб, ётоғига киргиси келмай турган эди, йўлда узоқдан мотор товуши эшитилди. Ғилдирак остида кўлмак музларини қисир-қисир синдириб, машина келиб тўхтади. Бу ўша бечора Булбулшо Ғулбознинг эски сербезак «Бўрибхай»и эди. Собиржон дарров таниди. Машинадан тушган почапўстинли одам шу ёққа қараб тикка келашлади. Катта-катта одимлаб дадил юраётган бу новча, озғин киши Ғулумалига ўхшамас эди, лекин Собиржоннинг юраги ҳовлиқаверди. Улар оташхона эшигидаги фонус тагида қучоқлашдилар. Бир-бирларининг ҳидларига, тафтларига тўймоқчидай, индамай узоқ қучоқлашиб турдилар. Собиржоннинг бўйи пастроқ эди, энди эса у ингичкароқ ҳам бўлиб қолган, кенг-мўл почапўстин иккаласини бир кишидек буркаб турарди.

— Мен танбеҳ олдим! — деди Ғулумали, болаларча қувонч билан, суюнчи сўраётгандай. Собиржон ҳам унга тикилиб, терисига сиғмай турарди: совуқда дўстининг юзига ранг кирган, кечаги беморга сира ўхшамасди.

— Танбеҳ?

— Ҳа-да! — деди Ғулумали, оғзи қулоғига етиб. — Сенинг учун олдим! Сени анов хатарли сафарга юборганим учун!

— Бунинг нимасига қувоняпсан? Танбеҳ... Емон бўлибди-ку.

— Сенинг учун беришди ахир! Сенга жавобгарман. Сенинг учун жавобгар бўлишнинг нима эканини биласанми! — деб Ғулумали уни яна бир қаттиқ қучоқлаган эди, Собиржон ўнг елкасини ушлаб қийшайиб қолди.

— Нима бўлди, Собир?! Нима гап? — деди хижолат тортиб Ғулумали.

У қизил доғлар сизиб чиққан сурп билан қўпол қилиб боғланган ярани энди кўрди.

— Ҳеч гап йўқ, кейин... қани кирайлик, нима қилиб турибмиз... — деди Собир, оташхона эшигини кўрсатиб.

— Йўқ, ҳозир у ёққа кириб ўтирмаймиз. Сен ул-булингни ола чиқ, жўнаймиз, мен кечикдим.

— Менинг «ул-бул»им мана, эгнимда, — деди Собиржон, — кетаверамиз. Қаёққа?

Мотори ўчирилмай, ортидан паға буғ чиқариб турган «Бўрибхай»нинг ёнига бордилар. Машинанинг орқа ўриндиғида икки қуроли «бодигар» лом демай ўтирар эди, Собир саломлашаркан, «Оҳ-ҳо, иш катта-ку?» деб ўйлади ичида. Фуломали кузовдан ўзиникидай яна бир калта пўстин олиб, Собирга берди. Собир қўлининг чала шоллигини билдирмасликка уриниб, исқирт гуппи ўрнига янги пўстин кияркан, совуқда қўй юнгининг таниш ҳидидан димоқлари қичиб, қаттиқ акса ургач, тетик тортиб кетди. Гавдаси ўзига ҳам басавлатроқ кўринди. Фуломалининг ёнига чиқиб ўтиргандан кейин, фара ёритган тикка лой йўлга қараб ғурур сезди ўзида.

— Қани гапир, — деди.

Фуломали газ берди. Нотекис қатқалоқ йўлдан шатур-шутир юриб кетдилар.

— Нимани гапираман, иш бошдан ошган, ҳеч нарса қилолмаямиз, бу ёқда сен йўқолиб... Она сутимни оғзимдан келтиришди. Ҳеч қаёққа йўқолмайди, топиб бераман, десам ҳам унашмайди.

— Танбеҳ мен туфайлими, нобуд бўлган техника учунми?

— Техника масаласида ўбдон мулла бўлдик. Энди карвонлар шундай қуршовда келяптики, хотиржам бўл.

— Келяптими, ахир?

— Қани, гапни чалғитмай, ўзингдан гапир, қаерда эдинг, ўқни қаерда единг, ярминг қани?

— Булбулшоннинг болаларидан хабар ололмагандирсан?

— Айтяпман-ку...

— Бошлиқ деган ишни одамларга ғамхўрликдан бошлаши керак, ўртоқ Коргар.

Фуломали қайрилиб қараб, маънос жилмайиб қўйди:

— Сендай бир хизбий мушовур¹ керак эди менга, — Фуломали қурилишга ишчи кучларини сафарбар этиш қандай мушкул масала эканлигини сўзлай кетди. Қобулдаги, Мозори Шарифдаги сафарбарлик пунктлари ҳозиргача бори-йўғи бир юз олти кишининг рўйхатини берибди. Мутахассислар йўқ, шўровий мутахассисларни таклиф қилиш ҳақида элчихонада дастлабки мусоҳаба юргизишни Собиржондан илтимос қилишмоқчи экан. Бош инженер ҳақида ҳам Собиржоннинг маслаҳати керак.

Собиржон қараса, ўзининг ҳам ҳозирдан иш бошидан ошиб кетяпти, унинг ҳали лойиҳага киритиладиган тузатишлар ҳақида ўйлаши зарур. Лекин Собиржон бу қалашиб ётган чигал юмушлардан Фуломалига ўхшаб боши ҳам бўлаётгани йўқ. Қайтага, башарасига фара тушгандай чарақлаб бораяпти. Йўл-йўлакай Шокалон тоғанинг қўрғонига кириб ўтишни эслатмоқчи эди, қўя қолди: Фуломали тоғасиникидаги фожеалардан беҳабарга ўхшайди, тоға билан гаплашиш ҳам ҳозир унга осон эмас. Туратурсин бу ғалва, шундоқ ҳам боши ғовлаб ётибди.

— Ҳозир Мозори Шарифгами?

— Бош идорани ўша ердан қилаяпмиз. Лекин аввал Сардорникига, мен усиз ҳеч бир ишни бошлаш олмайман, ўзинг биласан.

Фуломали рулга сал энгашиб, машинани дадил бошқарарди. Ҳали ҳам ориқ, қирғий кўзлари чўкканроқ бўлса-да, ранг-рўйи яхши, йўл бўйи бир марта ҳам йўталмади. Ҳаво, йўл, бетиним ташвиш ҳар қандай хасталикни четга суради, чоғи. Собиржон мамнуният билан ёндан тикилиб, унда куч-

¹ Бодигар. Шахсий соқчи

қувват ва саломатликдан ташқари, қандайдир ички ғурур, ишонч ва бахт нишонларини пайқади.

Устки лой қатлами музлаган нотекис йўл чироқда узоқларгача жилғадай оқариб кўринарди. Чўққилар ортидан қанақадир афсонавий махлуқнинг якка кўзидай олайиб ярим ой чиқди. Тун чексиз, ғариб ёлғизликка ўхшайди, ой — унинг ҳасратли кўзи. Орқадаги икки ёш аскар ҳам негадир сира индамас эдилар. Бундай тунда Собиржон ўз бошидан ўтган мудҳиш воқеаларни гапириб бериш эмас, эслашга ҳам юраги дов бермай борарди.

Саргузаштларини у Содиқ Сардорникига етиб борганларидан сўнг, бобонинг таниш врачини чақириб, ярани ювиб боғлаганларидан кейин, дастурхон устида гапириб берди. «Мужаҳид»ларнинг карвонни тўсиб яксон қилишидан тортиб, тоғ-тошдаги ғариб қароргоҳ, Зулайхонинг тунги қарғишлари, зах ғору «чорқат» даҳшатлари, тош майдондаги қутилмаган учрашувлар ва қонли воқеа, оломоннинг қайтиши, Аврангнинг маъносиз ўлими, Пайки қишлоғининг аҳволию собиқ «фидойи»ларнинг аянчли тақдирларигача узоқ ҳикоя қилди. Жуда кексайиб қолган бўлса ҳам, бу икки қадрдоннинг омон қайтганига қувониб кетган Сардор букилмай оёғини сандалга узатиб ўтириб, ҳикояни диққат билан тинглади. У сўнгги вақтда ҳеч қаяққа чиқолмай, оғир ўйлар билан уйда ўтириб қолган эди. Бу воқеалар унинг учун мамлакатнинг, даврнинг кўзгусидек туюлиб, ёшларга, уларнинг иноқлигига, беҳаловат ҳаётдан нурланган юзларига ҳавас билан тикилиб ўтирди.

— Менинг назаримда, бу воқеаларда эсда қоладиган энг ёруғ нуқта — Авранг, — деди Собиржон ҳикоясини якунлаб. — У отасининг бевақт узилган умрини маълум даражада якунлади, Чорданаҳрга зилол сув таралиб, водийга жўшқин ҳаёт келса, дўстингизнинг эларо қутлуғ номи батамом тикланади, ҳурматли Сардор.

— Иншоолло, — деди оғир ҳикояларни тинглаб толиққан Сардор. Қалта тарашланган мўйлабида битта ҳам қора қолмаган, оқ юзида гўё билинар-билинмас ёпишиб турар, бошидаги қора бахмал фас¹ эса тун ўртасида яна ҳам тим-қора бўлиб кўринар эди. — Баъзан ниҳоятда оғир кўчса ҳам, охир-оқибат ҳамма ишлар ўзимиз ўйлаганча бораяпти, биродарлар. Қани, энди дам олинглар, тун ярим бўлиб қолди...

Қари офицер гавдасини тиклаб, оёғини зўрға ёзди-да, яхши тушлар тилаб, ётоғига чиқди. Ёшлар тўрт девор токчаларига китоб тахланган меҳмонхонадаги танча атрофида ётиб қолишди.

— Сенда бир гап бор, Фуломали, — деди Собиржон, ёлғиз қолганларидан кейин чироқни ўчириб ётаркан. — Қандайдир, ёш боладай бахтиёр кўринасан.

— Ростданми? Ундай бўлса яхши эмас... Бировлар, мутасадди бўлганига боши осмонда, деб ўйлашлари мумкин. — Фуломали ҳам сандал тафтида исиган кўрпани оёғига тортиди. — Аслида, гап бундай, Собир. Ўша Кобулдаги ҳужрада, сен лойиҳачилар билан қоласан, техникани қабул қилгани ўзим бораман, деб туриб олдинг-а? Мен унамадим, эсингдами? Аслида, ич-ичимдан Кобулда бир кун бўлса ҳам, қолгим келиб турган эди, касаллик баҳона бўлдию, жон деб қолдим. Кечир... Сенинг бундай кўргиликларга дучор бўлишингни билганимда...

— Гапиравер,

— Аслида, ўшандаёқ сен айтгандай бахтиёр бола ҳолатида эдим... Умрим бино бўлиб ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда бундай иродам сусайган эмас...

Улар азонгача ухламай, шу хилда шивир-шивир қилиб гаплашиб чиқишди.

Эртасига Фуломали ташқарида бодигарларини² уйғотиб, машинада қаяққадир отланганида, Собиржон жанжал кўтарди.

¹ Бош кийими

² Хизбий мушовир. Ердәмчи

— Қаёққа? Мен-чи?

— Сен тамом соғайгунингча шу ерда ётатурасан, доктор билан келишдик — қатнаб даволайди.

— Сиз ўзингиз соппа-соғсиз! Биз касал! Менга қара, мени тўшакка михлаб кетадиган пайтингми ҳозир! Мен ишга шўнғисам қайтага отдек бўлиб кетаман, ҳа!

— Йўқ, доктор кўнмади. Яранг неча кундан бери қаровсиз, ёмон газак олиб кетибди экан. Ишдан хавотир олма, биратўла тўртта ўлимдан қолган одам жиндак ётишга ҳаққинг бор!

— Сардор шу ёшида улусма-улус юрадию мен ётаман, шундайми?

— Сардорники — ваъз айтиш. Ишга ярамайсан деганим алам қилаяпти сенга, биламан, лекин...

— Бўлмаса, одам йиғиб бер, мен ҳам «ваъз» айтаман: Катта Фарғона канали ҳақида ҳикоя бераман, ҳов сенга гапирганим.

— Бу ерда унга ҳали ҳеч ким тушунмайди, ёт.

Собир бунга ҳам унамай, шошиб кийина бошлаган эди. Ғулумали уни ўтқазиб, бошлиққа хос босиқлик билан гапирди:

— Энди сенга очиғини айтаман: яранг... хавфли экан. Қорасон бошланиши мумкин, деб хавотир олаяпти доктор. Сени бир марта ўлимга юбордим, бас. Тушунишинг керак.

— Одамларга ғамхўрлик деганда мен...

— Бас, гап тугади.

Бу бош мутасаддининг биринчи буйруғидек янгради.

Шундай қилиб, Собиржон Содиқ Сардорнинг таниш врачлари назоратида, шу ерда ётиб қолди.

Мен уни биринчи бор лойиҳачилар группаси ишлаётган подвалнинг катта залида кўрдим. Неон чироқлари ёритиб турган чизмакашлик столи ёнида биринчи тўғоннинг тик бўлақларини оққа кўчираётган экан. Гаплашганимиз йўқ, отини ҳам сўрамадим, кўзларимиз тўқнашди холос, лекин ўша кечаси ухлаёлмадим. Сира, сира ухлаёлмадим, ажабки, йўталим ҳам қаттиқ тутмай қўйди, туни билан юриб чиқдим. Менга нима бўлди, билмайман, азонда туриб ҳаммадан олдин борибман яна ўша ерга. Қиз шундай бўлишини кутгандай, тағин кечаги қараш билан сал жилмайиб ҳам қўйди. Мен келишмаган ишлар қилдим: юмушим бўлмаса ҳам, ўша атрофда ўралашавердим, кетолмадим. Қизларга хушомад қиладиган турқим йўқлигини, ҳозир бунинг вақти ҳам эмаслигини, бу қиздан ўн-ўн икки ёш катталигимни ҳам билардим, лекин бари бир ёнидан кетолмадим.

Гаплашдик. Оти Шоиста экан. Қора, қуюқ сочи қирқилган, ихчам, ўсмир йигитчадай пишиқ гавдали, қарашлари тийрак, эскироқ бўлса ҳам, чий духобадан европача тикилган костюм, пошналли этикча... Кобул университети политехника факультетининг учинчи курсида ўқир экан, бир неча қизлар қатори уни ҳам бу ерга чизмакашлик вазифасига шошилиш сафарбар қилишибди. Ёшликнинг сеҳргар жозибаси барқ уриб турган қорача юзига кўз солгани журъат этолмай, узун-узун бармоқларига, кучли қўлларига қараб, ёнида ҳаддан ошиқ узоқ туриб қолдим, кўзларимиз учрашганда сездимки, у мендан норози эмас.

Шунинг учун эртасига яна келдим. Лойиҳачилар ёнига қатнаб туришим табиий, лекин ҳадеб бу қиз атрофида айланаверишим... Бунинг ноқулайлигини ўзим ҳам пайқар эдим, бошқа ҳеч иложини тополмадим. Ҳаловат йўқ, шунча тиқилинч ишлар турибди, лекин ҳаёт гўё фақат шу ерда эди. Учинчи куни ҳам келдим. Энди бошқа чорасини тополмай, Шоистага очиғини айтдим: шундоқ-шундоқ, шу ёшга етиб ҳеч қизларга бундай гапни айтган эмасман, сизни кўриб ҳаловатим йўқолди... Гапим чиндан ҳам самимий чиқдим, қиз хафа бўлмади, фақат:

— Севги ҳам шунақа бўладими, муаллим... — дея ерга қараб кулиб қўйди холос. Аммо сездимки, шу зумдан юрагимга ғулғула тушди. Кўзларимиз учрашганда у ичидаги ўтни яширишга уринар, студент қизларда кам учрайдиган қишлоқи бир ибод билан ерга қарар эди.

У мендан кўзларини яшира бошлади. Лекин яқинлашганимда худди бутун вужуди лавиллаб кетар эди.

Менинг аҳволимни айтинг энди. Умримда кечирмаган алғов-далғов ҳислар. Шундай паллада муҳаббатдан гапирганларга киноя билан терс қараб юрган одам, гўё ҳамма ишлар жойидадек, кўксим кўтарилиб, учиб-елиб юрадиган бўлдим, касаллигим унут бўлди; олам гулистон. Баъзан эс-хушни йиғиб, бунча енгил бўлиш керак эмаслигини ўйлайману, лекин бари бир... Ўзингиз ўйланг, мендан анча ёшга бориб, муҳаббатнинг нималигини ҳали билмаган, кечаю кундуз иш билан банд, ҳаёти доим хавотирда бўлган касалманд бир одам учун кутилмаган бу нафис, дилбар ҳислар, бу мўъжиза — тақдирнинг катта инъоми эмасми!

Қиздан жавоб кутдим, қандайдир бир тарзда кўнглидагини билдириши керак-ку. Биламанки, ўз оғзи билан ҳеч нарса айтмайди. Очиққина қиз бўлса ҳам, ички мусаффо бир ҳаё доим сезилиб туради унда. Кейинги кунларда ўйчанроқ ҳам бўлиб қолди.

— Шоиста... — дейман ёнида узоқ туриб қолсам, бошқа сўз тополмай. Унинг ўзига оддийгина қилиб, ҳадду умид билан исмини айтолганлигимнинг ўзи менга ғалати туйғулар бағишлайди.

— Муаллим... — дейди у ҳам, бошқа гап айтмайди. Кўнглимда қувончли топишмоқ билан яна кетаман: балки шунинг ўзи унинг жавобидир. Лекин мен унинг оғзидан ҳеч бўлмаса ўз исмимни эшитгим келарди. Исмимни билади, бу ерда менинг исмимни билмаган ходим йўқ. Электр чироқ тортиб, қайта жиҳозланган бу катта подвалда хоналар, заллар, йўлаклар кўп, ҳаммасида бизнинг лойиҳа билан банд мутахассислар, мен улар билан кунда мулоқатда бўламан, маслаҳат бераман, баҳслашаман, муддатларни эслатиб, қисталанг қиламан. Мен ҳали қурилишга мутасадди қилиб тайинланганим йўқ, лекин кўпчилик бунинг олдиндан сезгандек, ҳурмат-эътиборимни жойига қўяр эди. Худди шундай пайтда, ўчакишгандек ёшгина бир соҳибанинг ёнидан кетолмай қолсам бўладими!

Бир қарашда, бизнинг муносабатларимиз очиқ-ойдин, лекин мен яна ҳам аниқлагим, тўғрироғи, у билан холироқ учрашгим, тинмай гаплашгим келар эди. Билмадим, ҳамма севишганлар ҳам шунақа бўлармикин, сабрсиз эдим, дилимда Шоистага аталган гаплар битмас-туганмасдай, биз бўлсак иш пайти, оёқ устида, фақат кўз уриштирамиз. Ё энг ширин туйғуларимни изҳор этиб, чиройли бир мактуб битиб қўлига тутқазсаммикин, сал кўнглим ёзилар эди. Уйлаб қарасам, бу ҳам ёш боланинг ишидай туюлди. Катта, жиддий одам қандай бўлиши кераклигини яхши тушунаману, эрталаб яна Шоистанинг ёнида пайдо бўламан.

Бир куни у жуда жиддий ҳолатда юзимга аллақандай қадрдонларча ишончли бир назар ташлади-да, у ёқ-бу ёққа аланглаб олиб, енг ичидан чиқариб менга кичкинагина бир қоғоз узатди. Хат!

Ичимга сиғмай, қаёққадир кетдим. Қарасам, ташқарида юрибман. Ўзимни қаёққа қўйишни билмай, шошиб уйга жўнадим. Чўнтагимдаги қўлимда Шоистанинг хати терлаган кафтимни худди чўғдай куйдирар эди. Айтишга юраги дов бермай, ҳамма гапини хатга ёзиб солибди-да. Оқилгинам! Яхши. Бу — суҳбатдан ҳам яхши. Уйга бориб, бафуржа, танам яйраб ўқийман. Қайта-қайта ўқиш ҳам мумкин. Мен шу ёшга кириб қизлардан биринчи марта хат олишим.

Кеч кириб қолган эди. Хужрамда чироқни ёқиб, шошмай ечиндим, кейин термосдан эрталабки илиқ-милиқ қаҳвани пиёлага қуйиб олдимга қўйдим-да, бамайлихотир ўтириб, ҳаяжонни сал босгач, хатни очдим...

Очдим урнимдан сапчиб туриб кетдим. Қоғозни чироққа солиб диққат билан тикилсам, бу Шоистанинг хати эмас! Имзоси ҳам йўқ. Араб алифбосида икки энликкина ёзув. Икки такрор ўқиганимдан кейингина миямда маъноси базўр ойдинлашиб, баданим жимирлаб кетди. Эшикка отилдим. Ташқарида қора тун, қаёққа ҳам бораман. Қайтиб кириб «хат»ни негадир яна бир марта ўқидим: кимдир Шоистадан бизнинг қидирув группамизнинг материаллари қаерда сақланишини аниқлаб беришни талаб қилапти! Мўписа, иғво, тухмат.

Мана сенга муҳаббатнома! Бошим гувиллаб, ўтириб қолдим. Бизнинг икки йил дала-даштда юриб тўплаган материалларимиз, уларни қандай

бўлмасин йўқ қилиш кимларга кераклиги тахминан маълум. Лекин нимага Шоиста? Нега келиб-келиб уни танлашган?

Ҳа, бизнинг ўнлаб қалин-қалин папкаларимиз ҳозир лойиҳачилар қўлида. Подвалнинг темир сейфларида сақланади. Бинога ўт қўйиб ҳам, портлатиб ҳам уларни йўқ қилиб бўлмайди. Бунинг учун уларнинг қаерда сақланишини аниқ билиш керак, сейфларга йўл топиш керак. Йўлни эса Шоиста билади. Бу тақдирда... унинг ҳаёти ҳозир катта хавф остида-ку!

Нима қилиш керак? Қиз ё ўша шантажчиларнинг талабини қондириши керак, ёки... Шоиста ўз бошига тушган бу хатарни англайди, албатта. Шунинг учун менга таянпти. Унинг безовта, умидвор қарашларини яна бир кўз олдимга келтириб, бутун мудҳиш маъносини энди тушундим.

Уни қутқазиш керак. Нима қилиб бўлса ҳам қутқазиш керак.

Тунда туртиниб ўртоқларимнинг олдига бордим. Ҳовлиқиб вазиятни ҳикоя қилиб бердим. Мен шошиб, масалани торроқ ўйлаган эканман, ўртоқлар ҳушимга келтириб қўйишди: гап чизмакаш қизни қутқазишдагина эмас! Ҳозир шаҳарда кутилмаганда муҳим-муҳим объектлар портлаб, харобага айланяпти, энг керак одамларимиз ҳалок бўлаяпти, кунига нечта жойда фожиа! Шаҳарга яшириниб ишлаётган қўпоровчи тўдалар бор. Лойиҳа материалларининг кетидан тушишган бўлса, шу заҳоти қатъий эҳтиёт чораларини кўриш керак. Ўртоқлар давлат аҳамиятига эга бўлган бу масала билан астойдил шуғулланадиган бўлишдию Шоистани ҳам эсдан чиқаришмади. Бир тўхтама келинғач, менинг кўнглим сал таскин топиб, эртасига тонгдаёқ Шоистани чизмакашлик столи ёнида кутдим.

У, ҳеч нима бўлмагандай, келдию одатдаги ишига киришди. Менинг нима фикр билан келганлигим уни гўё қизиқтирмас, қарашлари сўлғин, сал асабийроқ кўринар, лекин одатдагидек камгап эди.

— Шоиста... Сиз энди бу ерда ишлаёлмайсиз, — дедим унинг ёнига бориб. — Бунинг ўзини тушунсангиз керак...

— Ҳа, энди мен кўча-кўйда ҳам юролмайман. Келишда бир дўкандор: «Хоним соҳиб, мактубни олдингизми?» деб йўлимни тўсди.

— Ҳамма зарур тадбирлар белгиланди. Дўкандорнинг ҳам чорасини кўрамиз. Сизни эса ҳозирча бехатар жойга...

Қиз «йўқ» деб бош чайқади.

— Шоиста, ўжар бўлманг, нима қилмоқчисиз?

— Билмадим... Битта дўкандорни оласиз, йўқотасиз. Хавф-хатар эса ўша-ўшалигича қолади.

— Бошқа илож йўқ, Шоиста. Биз шундай тўхтама келдик.

— Йўқ. Мен бўлмасам бошқани топади улар, — деди қиз. — Мен яширинмайман. — Бир оздан кейин енг ичидан яна бир хат олиб менга узатди. — Бунисини пуантун¹ да ётоғимдан топдим.

Мен ҳайратда конвертни олиб, дарҳол очдим. Унда хат йўқ эди. Фақат бир фотосурат чиқди. Суратда кексароқ одам, боши қайчи билан қирқилган, боши алоҳида, гавда алоҳида...

— Ким бу?

— ...

— Ким бу, Шоиста?

— Дадам. Дадамнинг сурати. У киши у ёқда... Тоғда, мужаҳидларга қўшилиб кетган эди.

— Хў-ўш... — дедим мен бўлак гап тополмай. Мана шунинг учун Шоистани танлашган экан-да. Миямга ҳеч тузукроқ фикр келмас эди. — Энди нима қиламиз? Бу очиқдан-очиқ ваҳшиёна таҳдид-ку!

— Ҳа, уларнинг айтганини қилмасам, дадамни...

— Уларнинг айтганини қилиб бўлмайди, Шоиста.

— Биламан.

— Нима қиламиз бўлмаса?

— Мен аввал дадамни кўришим керак.

— Шоиста?!

¹ Университет

- Менга аввал дадамнинг ўзини кўрсатишсин. Тиригини!
- Уларга ўзингизни элтиб топширмоқчимисиз! Шоиста, бу — телбалик!
- Бораман, кўрсатишсин.
- Кейин-чи? Улар ҳамма керак нарсани айтишга мажбур қилишади. Биласиз-ку, уларда бунинг учун минг хил қийноқ усуллари бор. Йўқ, қайтинг бу маънисиз қарордан!
- Керак бўлса, уларга материалларнинг турган жойини айтарман. Сиз ҳам унганча чорасини кўрасиз ахир.
- Бу тўғри, лекин сизни каллакесарлар ихтиёрига топширолмаيمان, юбормайман.
- Бўлмаса, нима қиласиз, айтинг.
- Бошқа чора топамиз.
- Мен дадамни кўриб, тирик эканлигига ишонгач, уларга ваъда бериб қайтиб келаман. Кейин сиз топган чорангизни кўраверамиз.
- Йўқ, улар сизни ҳам, отангизни ҳам нобуд қилишади. Кейин, сиз уларни қандай топиб борасиз ахир?
- «Дўкандорим» топиб беради. Уларнинг ини шаҳарда, биламан. Кундузи дўконда илжайиб ўтирадилару, кечаси мачит, мактаб, касалхоналарни портлатадилар, одамни молдай сўяди бу художўйлар!
- Шоиста ўз фикрида қаттиқ туриб олди, мен уни ўзга ҳеч қандай режага кўндиролмадим. Аммо унга ўзимга ишонгандай ишонар эдим. Кўриб турибманки, отаси — унинг учун ҳаёт-мамот деган гап, аввало унинг дунёда бор-йўқлигини билмоқчи, агар тирик бўлса, ким томондан, нега уни ўлдириш билан таҳдид қилишяпти?..
- Шоиста ундан тўққиз ойдан бери хабар тополмай, ўлдига чиқариб юрган экан. Бирдан мана бу хабар: маслакдошларининг ўзлари унинг ҳаётини гаровга қўйишяпти! Шоистада бу нарса қўрқув билан бирга, қандайдир қувончи умид уйғотди: эҳтимол, отаси ўша чиркин эътиқоддан қайтгандир... Ҳар қанақа хавф-хатар бўлса ҳам, Шоиста буни билиши керак, отаси тириклигида буни билиши шарт. Ахир унинг ҳаёти ҳали олдинда, университетни битиради, мутахассис бўлади. Отаси ким, кимнинг қизи у? Бу унга жуда зарур, умр учун, келажак учун, виждон учун зарур!
- Мен унинг бу хатарли аҳдини шундай маънода тушундим. Агар унинг ўрнида бўлганимда мен ҳам худди шундай қилардим.
- Шоиста кетди. Қаёққа кетганини биз билмаймиз. Бу ҳаммамиз учун ҳам жуда қалтис таваккал эди, мен учун эса... Мен худди кўр устида оёқяланг юргандек типирчилаб, ҳар зум бир хабар кутаман. Лойиҳачилар ишлайдиган жойда барча эҳтиёт чораларини кўрдик, лекин бу мен учун ишнинг ярми эди холос.
- Икки кечаю кундуз ўзимни қўярга жой тополмай юрдим: кечалари ҳужрам эшиги орқасида ўтириб чиқаман, кундузлари — подвалда: қаерда у, тирикми, нималар кечаяпти бошидан?
- Учинчи кун Шоиста пайдо бўлди. У бирдан озиб кетибди, ҳорғин кўзлари сирли ёнарди, яна ҳам дилбар кўринди кўзимга. Тагин ҳеч гап бўлмагандай, механик жазварларини олиб тахтага ўрнатди. Мен дарров яқинлашдим, орадаги сирли ва хавфли воқеаларни бу ерда фақат иккаламиз биламиз. Менинг савол назаримни пайқаб, ишдан диққатини узмай, аста гапирди:
- Менинг зиммамдаги ўша мажбурият ўз кучида қолади.
- Яхши... отангиз?
- Кўришдим. Эшоннинг этагини ушлаб кетган мурид даҳрий бўлиб қайтибди, — деди қиз маъносиз жилмайиб.
- Қайтибди?
- Уни ўзингиз тушунган маълум мақсадда олиб келишган.
- Демак... фотосурат ҳам эскича қолади?
- Ҳа, ҳамма вазияту шартлар эскича.
- Бу яна боши берк кўча-ку? Энди бизнинг шартимизга кўнасизми?
- Ўйлаб кўрайлик, ақои Ғуломали.

Мен унинг оғзидан ўз исми мени эшитдим, орзу қилганимдай қувонолмадим. Шоистанинг ҳаёти мен учун ҳамма нарсадан ҳам қиммат. У эса буни тушунмаяпти. Унинг бу шаддодлиги ақлимга сиғмас эди. Вазиятни таҳлил қилишга уриндим.

— Хўш, уни кечаси болопўш дўкони ёнидан ёпиқ машинада кўзини боғлаб олиб кетишибди. Шоиста қаёққа бориб келганини билмайди. Тахминича, қарийб бир соат юришган, айланма йўлларни босиб, пастқам жойда тўхташган. Шоистанинг айтишича, бу жой шаҳарнинг ичида, чунки машинадан тушгандан кейин уни қандайдир жинкўчалардан олиб ўтишган, сассиқ ҳовуз ҳиди, оёқ остида хазон шитирлаши — булар фақат шаҳарда бўлиши мумкин. Лекин шаҳарнинг қайси қисми, қайси бурчаги — буни аниқлашнинг иложи йўқ.

Шоистанинг отасини ҳам тоғдан шу усулда олиб келишган, у ҳам омборга ўхшаш катта уйда ҳибсда ётаркану, қаердалигини ўзи билмас экан. Тоғда у дастлаб жигар касалига дучор бўлиб, уйга қайтиш ҳақида бир-икки марта оғиз очганидан кейин бошлиқларнинг таважжуҳидан қолади. Уни «жиҳад»га олмайдиган бўладилар. Ишончини йўқотган бундай текинтомоқлар одатда зимдан дафъ қилинаркан, лекин отанинг омади юриб, унга қандайдир эҳтиёж туғилиб қолади. Соҳиб офицернинг буйруғи билан уни бир кечада шу ерга олиб келиб ташлашади.

Ота-боланинг учрашувини тасаввур этолмайман, Шоиста ўз ҳикоясида шахсий туйғуларга доир жойларни ташлаб ўтди. У кўпроқ ўша жой, унинг белгиларига эътибор қилганини гапирди. Шубҳасиз, бу — қўпурвчи гуруҳнинг яхши ниқобланган яширин қароргоҳи. Деразасиз бинонинг омборга ўхшаш катталиги, тўрдаги баландликда кичик чойхона, айғоқчидай шубҳали одамларнинг аланг-жаланг кириб-чиқиб туриши, бинонинг чор атрофи ҳуфя кўриқлиниши — ҳаммаси шундан дарак беради. Шоистанинг бемор отаси кундузлари жинчиरोқ тагида, хашак устида ётиб, қизига яна кўп нарсаларни чала-чулпа шипшиган, лекин булар тахмин, текшириш керак... «Даҳрий бўлиб қайтибди» деганидан, яна бошқа гаплар ҳам бўлганга ўхшайди-ю, Шоиста уларни изоҳламади.

Иккинчи куни борсам, Шоиста ўзининг чизма столида хитой қоғозга нималарнидир чизаётибди. Бу ерда кундузи ҳам чироқлар ҳаммиша ёниб турарди, соя томонда Шоистанинг ёноғи йилтиллаброқ кўринди. Разм солиб, кўлидаги қоғознинг нима эканини тахминладиму, кўзларимга ишонмадим.

— Шоиста?!

У бошини кўтариб менга маънос қаради. Қўл остидаги хитой қоғоз — лойиҳачилар ишлаётган шу подвалнинг плани эди: хоналар, заллар, зина ва эшиклар... Мураккаб йўлаклар лабиринти билан айланма босқич алоҳида белгиланган...

— Материалларимиз шу ерда-а? — у қалам билан туртиб кўрсатди.

— Дейлик, ҳа... — дедим мен уни танимагандек тикилиб.

— Аниқ бўлиши керак, муаллим, шу ердами?

— Ҳа, шу ерда. Лекин нима бу, ким учун?

Шоиста ички қийноқда бир оз жим ўтиргач, жавоб берди:

— Мана шу план эвазига менга ҳаёт ваъда қилишган. Ёрдам беринг, план шубҳа солмайдиган бўлиши керак, акс ҳолда...

Мен бу қоғозга яна қарадим, планга тузатиш киритадиган, Шоистага ёрдам берадиган алпозда эмас эдим, анграйиб қолдим. Бу қиз бир кун эмас, бир кун менинг юрагимни торс ёради!

— Ҳам... ҳаммаси тўғри, лекин буни...

— Тезроқ бўлинг, уйга бориб ҳали буни камзулимнинг астарига тиқишим керак. Эрталаб мuddатим тугайди.

— Янами, Шоиста?! Ахир мен... Биласизми, мен сизни ҳозир сарандойларга ушлаб бераман! — дедим қоним қайнаб, ўзимни тутолмай. Қиз индамай, бош эгиб қолганидан кейингина ҳушимни йиғиб, яна уни тушунишга уриниб кўрдим.

— Сарандойлар ўзингизга керак бўлади, муаллим, — деди қиз. Жаҳли чикди шекилли, отимни атамади. — Мен буни ваъдамга мувофиқ

олиб бориб бераман, улар ваъдаларига мувофиқ мени тинч қўйишади. Сизлар ҳам бу ерда индамай ўтирмайсизлар-ку... Улар бундай операцияга анча одам юборишса керак. Бу — битта дўкандор эмас-ку, ҳар ҳолда, тушундиргимиз! Бордию операциялари барбод бўлса... Бунга мен айбдор эмасман.

— Хом гап бу, Шоиста!

— Гап шу. Нима юз берса ҳам, мен дадамнинг ёнида бўламан. — Қиз изтироб чекарди, кўзларида ғамнок бир таваккалчилик. Назаримда у кўра-била туриб ўзини ўтга ташлаяпти. У берган план асосидаги душман операцияси барбод бўладию, жаллодлар уни тирик қўядими? Шуни тушуна туриб, уларнинг инига ўз оёғи билан кириб бориши...

— Сиз мени ҳам аямаяпсиз, Шоиста...

— Мен сизни яхши кўраман, Фуломали муаллим. — Унинг секин айтган шу сўзларига кулоғим тиниб, кейинги гапини эшитмай қолдим. Ёраб, бу — муҳаббат изҳори эди... Менга шунинг ҳам одатдаги хилини худо кўп кўрди. Йигитлар бир умр кутадиган шу лаҳза менга келганда татилади. Кўзимга ёш сизиб чиққанди. Шоиста давом этди:

— ...менинг шу ерда—ётоқдами, кўчадами бекорга ўлиб кетишимни истамайсиз-ку? Улар мени отам илинжига — қармоққа илинтириб, қабих ишга солишмоқчи. Қани, ўша инларига яна бир бора-чи! Ҳар ҳолда... мен курашмай ўлмайман, амин бўлинг.

Мен унинг олдида тиз чўкишдан ўзимни зўрға тийиб қолдим, атрофда одамлар бор эди. Лекин кўксимдан ёлқинлиб келган сўзларимни ичимга ютолмадим, четга қараб, ўт пуркагандай шивирладим:

— Менга ҳеч қандай ўлимингиз керак эмас! Менга тирик, дилбар бахтим керак, тушунаяпсизми? Топдим деб, истиқболдаги бутун умрим ярқ этгандай қувонган эдим, энди уни яна йўқотсам, яшашдан маъно қолмайди. Шоиста, ўз жонингизга шафқатсиз экансиз, менга раҳм қилинг.

— Мен ҳозир орқага қайтсам, худди айтганингиздай, биз бир-биримизни, албатта, йўқотамиз, Фуломали муаллим, — деб секин, қисқа жавоб қилди у. Қоронғи бурчакка тикилиб турган нам қорачиқларида шундай бир қатъият ёнар эдики, сўзларимнинг давоми бўғзимда қолди. Ўзимнинг Шоистани вақтинча душман кўзидан яширишдан бошқа бир тадбир ё таклифим йўқ эди, буни эса у қатъий рад этган. Ожизлик ичимни қиймалар, вақт эса тамом бўлиб қолаётган эди. Чорасизликдан имон сусайиб, ўша лаънати папкалар ёнса ёниб кетмайдими, деган густоҳлик ҳам келиб кетди кўнглимга. Кейин ўзимни ўнглаб олиб, атрофга қарасам, стол ёнида Шоиста йўқ! Ўз жонига бундай телбаларча беомонликни қиз болада эмас, ман-ман деган мард йигитларда ҳам кўрган эмасман.

Бу ҳайрат охири мени кўргиликка кўндирди, таваккал деб жон-жаҳд билан ишимга киришдим, хизбий сомонда ўртоқларимнинг жанговар кайфияти бўшашган иродамни тиклади.

Операция осон, лекин уни пухта ўтказиш, иложи бўлса ортиқча суронсиз, мумкин қадар кўпроқ одам тириклай қўлга олиниши зарур, деган вазифа қўйилди. Ҳозир тунлар узун, қоронғи, қўпоровчилар бундай қулай пайтни қўлдан бермайди, шай бўлиш керак.

Аммо менинг сабру тоқатимни синамоққа аҳд қилгандай, улар уч кун кутдиришди, фақат учинчи куни ярим тунда шарпадек пайдо бўлишди. Кутганимиздай, қуролли қоровул қўйилган катта эшикка яқинлашмай, ҳовлидаги орқа деразани роми билан олиб, икки эшикнинг қулфини бузиб киришди. Қўлга олиш учун ичкарига тор йўлакни танлаганмиз — эшик-дераза йўқ, бетон пол, девор, шифти баланд, хуллас — бундан ҳам қулай қопқон бўлмайди. Тахминимизча, дераза тагида қолдирилган айғоқчини ҳам ҳисоблаганда улар етти киши эди.

Тор йўлакка ҳаммаси кириб бўлгандан кейин икки томон тақа-тақ тўсилди. Дастлаб вазиятни тушунмай типирчилаб жангга кирган бир ёшроғи ер тишлади. Лекин қолганлари фаҳмлашдики, қаршилик кўрсатиш фойдасиз, «пешонадагига» тан бериб, белдаги гранаталарни, бошқа қуролу портлатиш, ёндирish воситаларини ташлаб, қўл кўтаришди.

Ортиқча шов-шув бўлгани йўқ, олиб чиқиб ёпиқ машинага қамагач,

уларга шартимизни қатъий қилиб қўйдик: бизни шаҳардаги қарор-гоҳларингга олиб борасанлар!

Бу улар учун ўлим деган гап эди, чунки биз кечирсак ҳам, ўз одамлари омон қўйишмасди. Шунинг учун, айниқса биттаси, ғилайроқ ғўлабир босмачи «йўқ» деб туриб олди, у ерда нима бор, ким бор — ҳаммасини айтамыз, лекин бошлаб бормаймиз, деди. Узини телбаликка олди, бошини кузов тахтасига урди, сарандойнинг юзига панжа солиб бақира бошлаганидан кейин тинчитишга тўғри келди. У юзида қандайдир беозор, ўзига ярашмаган илжайиш билан шерикларининг оёқ-остида юмалаб ётиб жон берди. Шундан кейин, қолган тўрттаси индамай шартимизга ўйнишди.

Шоистанинг «бир соатча» дегани йигирма минутлик йўл экан, унинг кўзини боғлаб, чалғитиш учун роса айлантиришганга ўхшайди-да. Эски шаҳарнинг пастқам бир маҳалласида толзор ўртасидаги сассиқ ҳовуз ёнидан ўтиб, жинкўчага бошлаб киришди. Эски тегирмоннинг катта ташландиқ омборхонасида чироқ милтилларди, бироқ одам шарпаси, сас-садоси йўқ, очиқ эшикда қоровул ҳам кўринмади. Бунга бизгина эмас, қўли боғлиқ асирларимиз ҳам ҳайрон эди, улар ияк билан имлаб «шу!» деб кўрсатишдию, қандайдир умидворлик билан анграйиб туришди.

Омборнинг пастак эшигига бош суқиб, мен аввало, — ажабо, — Шоистани кўрдим! Ёнида ағдарилган сандиқ, кўрпалар, полнинг чирик тахтаси... Уша ерда, пол остида қазноқми, ертўлами бор экан шекилли, Шоиста белидан ўшанга тушиб, қўлида фонус кўтариб, қотганча турибди. Дастлаб, уни... осиб кетишибди, деб ўйлаб, баданим музлаб қолгандай бўлди. Сўнг кўзларимни пирпиратиб, разм солсам — йўқ, у тирик! Сочлари тўзғиган, қонсиз юзи фонус ёруғида локдай йилтиллади.

Қандайдир мудҳиш жимлик мени қарахт қилиб қўйди, дафъатан ичкарига қадам босишга қўрқардим. Шу пайт тўрдаги баландликда, Шоистадан йигирма қадамча нарида бир тўп одам юмалаб ётганини кўриб, хаёлларим баттар чувалашди. Улар ҳаммаси тирик эди, бурчакдаги катта самовар ёнида эса, бир қария ёлғиз ўзи тикка турибди: у оёқлари остида тартибсиз сочилиб ётган қуролларни, автомат, тўппонча, гранаталарни терар, бир уюмга тўплашга уринар эди.

Мен шу ўринда Шоистанинг кейинчалик айтиб берган ҳикоясини эслатмасам, воқеа тушунарли бўлмай қоляпти. Гап бундай бўлган экан.

...Подвалдаги операция тугади, деган хабар келгунгача Шоистани отасининг қатига, мана шу омборхонага олиб кириб ташлайдилар. Устун тагига жиндак хашак тўшалган, пастаккина шифтга осифлиқ тунука фонусдан ота-болага ғира-шира ёруғ тушиб туради. Тўрдаги супага ўхшаш баландликда ҳам чироқ бор, у ерда кўкариб кетган қориндор самовар аста буғланади, унинг ёнида доим битта-иккита гиёҳванд ивирсийди, чилим тутайди, кўкнори ҳиди анқийди. Кейинчалик уларга яна икки-уч одам келиб қўшилади.

— Яна сасиди... — дейди Шоистанинг отаси. Касалманд қария неча кунлардан буён бу пастқам омборхонанинг бадбўй ҳавосидан бўғилиб қийналар, ранги заҳил, кимни қарғашини билмай инграниб, тез-тез нафас олиб ётарди. — Мана шу сандиқ остида бу ярамасларнинг жони... Кўряпсанми, ўша ерда полнинг қопқоғи бор.

Шоиста келганидан бери ўша сандиқ атрофини кўзлайди, чунки отаси ўтган гал ҳам шу ерни кўрсатиб, бир нималарни шама қилган эди: «Ҳар замонда, айниқса босқинга кетиш олдидан шу қопқоқни очишади, бир неча бор кўрдим». Энди бўлса яна: «Жони ўша ерда...» деяпти. Қўпурвчиларнинг «жони» нима бўларди... Шоиста қумғондан сув олиб рўмолчасини ҳўллаш баҳонасида ўша ерга яқинлашиб, «қопқоқ»қа оёқ босиб ҳам кўради. Шундан кейин бу жой ҳақидаги ўй унинг хаёлига бир ҳашаротдек чирмашаверади. Бир тўхтамга келолмайди, лекин ўйлайвериб боши ғовлаб, аъзойи бадани ўтдек қизиб кетади.

Вақт ўтиб боради. Операцияга кетган каллакесарлардан дарак бўлмайди. Супада одам яна кўпайиб, маст-аласт овозлар, ғовур-ғувур

кучая бошлайди. Шоистанинг фаҳмлашича, булар ўзлари ҳам шерикларининг қайтиш вақти ўтганини ўйлаб, безовта бўла бошлашади.

— Менга қаранг, ўтаға! — дейди биттаси, сассиқ чилим тутуни ичида ёнбошлаб ётиб. — Омадиндан ўргилай, бордию булар қайтиб келмаса, бу нарсани ўзимизга бағишлайсиз-а?

«Ўтаға» дегани эшикдан кириб келаётган экан. Юзи қора чўтир, бир кўзини кир латта билан боғлаган, иштонбоғ ёнида осиглиқ иккита гранатасини саланглатиб, ота-бола ёнидан ўтаётиб, Шоистага худди семиз кўзичоққа қарагандай бир кўзлаб суқ билан тикилиб, сўлагини артади.

— Улар келса-келмаса бари бир сенларники-да, садағанг кетай, кимники бўларди, ўз оёғи билан келган! — дейди у. — Илло соҳиб офицер бир нима демагунча, ўламан—обло, қўл теккизмайсанлар, уқдингми?

— Шунинг ҳам бизга раво кўрмас экан-да, ахир соҳибинг! — дейди пўтага ўранган серсоқол банги пиёла тубида қора дори эзиб.

— Менбоп экан-да, нима дединг, Ўтаға?

— Учир!

— Ҳов, мусулмонлар, отаси ўтирибди-я! — дейди орқада бир кексароғи, оғзини карракдай очиб ҳомуза тортаркан.

— Ҳа, нима бўпти! Отасининг кўз олдида яна ҳам ширинроқ бўлади! Қасди маъюл бу! Мусулмон дейсану... — бу ашаддий «мужаҳид» қора доридан кўпроқ ютиб қўйган экан, қилич сермагандай бир талпиниб, шерикларининг устига йиқилиб тушади. Кулги кўтарилади, шармсиз сўкинишлар эшитилади. Кўкнорихўрлик авжига чиқади. Пиёлалар айланган сари, шовқин кўпая боради, чилимлар қуриллаб, тутун пуркайди, самоварнинг ҳовури ҳам шифтдан томчилай бошлайди.

Ҳолсиз ота салласини қулоғига тортиб, титроқ қўли билан қизининг билагидан маҳкам ушлаб ўтиради. Шоиста уни силтаб ташлаб ўрнидан туради. Ичидан ўт олгандай тез ва асабий аланглаб олиб, бир сапчидию, сандиқни устидаги исқирт кўрпалари билан бирга ағдариб ташлайди, шу зумнинг ўзида ертўла қопқоғини ҳам пошнаси билан ҳалқасидан илиб бир четга улоқтиради. Буларнинг ҳаммаси бир лаҳзада юз беради. Шоиста шифтдан фонусни шартта олиб пастга сакраганида супадагилар сезиб, анқайганча қотиб қоладилар. Шоистанинг белидан юқориси ҳам қўлидаги чироқ ҳаммага кўриниб туради. У супадагилардан кўз узмайди, оёғи остида қандайдир бочкалар, яшигу қоғоз қоплар борлигини пайқайди, ялт этиб кўз қирини ташлаб, у ерда гранаталар, миналар қалашиб ётганини ҳам кўради, бензин ҳидини туяди. Ўзи ўйлаганча, қопларда портловчи моддалар, бочкаларда порох бўлса, у ҳолда бу ерда ҳозир ўзи хон, ўзи бек, бутун тирик жон эгасига ўзи хўжайин! Лекин бордию бошқача бўлиб чиқса...

Супадагилар ўринларидан туриб кетишган, лекин олдинга одим босишга журъат қилолмай, талвасада ғимирлашади, нималардир деб бақаришади. Қуроллар шарақлайди.

— Ўқ отма!!! — деб қичқиради Ўтаға шерикларига, ёлғиз кўзи олайиб, олдинга чиқади. — Нима қилаяпсан! Қайт орқанга!.. Чик у ердан, хоним соҳиб, чик, қизим... — дея бирдан тиз чўқади чўтирлари қорайиб. Шоистани қазноққа билмай тушиб кетган деб ҳам ўйлашади шекилли, унинг қайтиб чиқишини кутиб, жим қолишади. Бангилар бир зумда кайфлари тарқаб, даҳшатдан, талвасадан қутлари тамом ўчиб, қотиб қолишади. Шоиста бу жимликдан фойдаланиб, жон-жаҳд билан амирона ҳайқиради:

— Биттанг қимирласанг, кулларингни кўкка совураман. Эшитдингми! — деб фонусни баландроқ кўтариб кўрсатади. — Қимирлама!

У энди жаҳаннам устида турганига амин бўлади. Оёқларини кериб қопу яшиқлар устига яхшироқ жойлашади. Ҳозир унга ўқ отишолмайди, ўзига эмас, ҳатто чироққа ўқ тегса ҳам, бу атрофда бирон тирик жон қолмаслигини бу ерда ҳамма билади.

— Қуролларни ташла! — деб қичқиради қиз. Унинг қорайиб, тердан йилтиллаб турган ориқ юзида ғазаб ёнади. Товуши бу мудҳиш жимликда

ўзининг ҳам баданини жимирлатиб юборади: — Кимга айтаяпман, ташла!
Мен ўзимни аямайман, тушунасанлар!

Тақ этиб бир автомат — машинадори УЗИ — полга тушади.

— Қурол деяпман, номардлар!

Икки парабеллум — тўппонча, пичоқ, уч туфанги паштуний, гранаталар супадан пастга юмалайди.

— Дада! Қани, собиқ маслакдошларингизга қарашворинг! Туринг.

Юзи докадай оқарган қария устун орқасидан аланглаб туради-да, бўғинлари қалтираб, супа томон юради. Полга шақир-шуқур қилиб ҳар томондан қуроллар тушиб туради. Чол уларни аввал қўли билан теради, кейин белини ушлаб, оёқлари билан суриб-суриб, бир жойга тўплай бошлайди.

— Ёт ҳамманг! — деб қичқиради Шоиста. Унга кўз тикиб, бири тикка, бири тиз чўкканча жон ҳолатда олайиб қотган мужаҳидлар гапга тушунмагандай имиллашади. — Ёт, кўкка совураман! — такрорлайди Шоиста. Супадагилар ҳарбийлардек ерга таппа ташламай, кўкнорию қора дори сочилган супага молдай ағанашади. Лекин пахтаси чиққан кўзларини Шоистадан ҳамон узишмайди...

Мен худди мана шу пайтда эшикка бош суқдим. Вазиятни сал тушунгандан кейин омборхонага бостириб кирдик. Йигитлар тўрдагиларни бурчакка сиқиб, қўлларини орқага чандиб боғлашди. Мен эса аввал Шоистанинг қўлидан фонусни эҳтиёт билан олиб, кейин ўзининг ертўладан чиқишига ёрдам бермоқчи эдим, чалажон гавдаси шилқ этиб кучоғимга тушди. Улим таҳликасининг охиригиз изтиробли бир мадади билан оёқда турган экан, вужуди совуқ, ич-ичидан қалтироқ келиб, менга ҳам ўтган эди.

— Шоиста! Шоиста...

У сал ўзига келганда, оёқ босиб, у ёқ-бу ёғини тузатгач, деди:

— Соғ-омонмисиз?

Товушида шундай чексиз меҳр-оқибат сездимки, шу пайт ҳеч нарсага қарамай шартта бағримга тортиш, ёшли кўзларидан босиб-босиб ўпгим келди, йигитлик ори бунга йўл қўймай, зўрға ўзимни тутиб қолдим.

Ёшлар бир-бирларини узоқ кузатиб, узоқ синаб севадилар. Бизники эса бари гўё бир зумда, бирваракай бўлди: кўришдик, севишдик, мудҳиш синовлардан ҳам ўтдик... Иккимиз ҳам амин эдик — биз ҳеч қачон ўлмаймиз. Севгимиз ҳам абадий, бахтимиз безавол! Шу ернинг ўзида йўлимдан ярқ этиб чиққан саодатим номи билан дилимдан қасамёд қилдим: то тирик эканман Шоистани, унинг бахти, ҳаловатини ўз ҳаётимдан афзал билиб, бир умр ардоқлайман!

Ўртоқларим кўнглимдаги орзуларни бекаму кўст уққандай, унинг шаҳардаги яширин ишлаётган хавфли тўданинг инини, катта ўқ-дори ва аслаҳа омборини фош этиш ва йўқ қилишдаги жасорати эвазига шарафли мукофот олишига ёрдам бердилар.

Отасини эса, тайинланган муолажа ерига ўзим кузатиб, жойлаштириб келдим.

Йўлда мен ундан «соҳиб офицер»нинг исмини суриштирдим. Унинг исмини оддий мужаҳидлар билишмас экан, «соҳиб, соҳиб» — вассалом. Лекин қария унинг қиёфасию бўй-бастини яхши эслади. Чолнинг таъриф-тавсифига қараганда «соҳиб» ўша Лаъл Мадҳийнинг худди ўзи эди. Тахминим тўғри чиқди. Бўлмаса, бизнинг лойиҳамиз материаллари ҳақида бошқа ким ҳам бу қадар «жон куйдириши» мумкин. Шўрлик ота-боланинг чиғал қисматидан ваҳшиёна фойдаланишга уриниши ҳам худди ўшанинг жосуслик усули эмасми?!

Фуломали қўярда-қўймай ташлаб кетганидан кейин, Собиржон: бу ерда юрагим сиқилиб ўзимни қаёққа қўйишни билмай қолсам керак, деб қўрққан эди. Аммо докторнинг кетма-кет беомон уколлари, шомларда терга ғарқ қиладиган иситмалар зеркишга вақт қолдирмади.

— Ҳечқиси йўқ, чидаш керак, йигит кишига ампутациядан кўра... — деб уни ҳамон қийнар эди «бағри тош» кекса врач. Енгил тортган пайтларида Собиржон бу очиқ кўнгил қарияни гапга соларди у, Сардор ва доктор Суҳайл учаласи бир вақт қиёматли дўст бўлган эканлар, афғон зиёлилари ҳақидаги суҳбату баҳслари ярим кечаларгача давом этар экан. Кейин, доктор Суҳайлнинг «хоинлиги» ҳақидаги хабардан сўнг, ораларига раҳна тушиб, бу суҳбатлар тўхтаб қолади.

Энди эса, дўстарининг ёзувлари газетада босилиб чиқиб, унинг шуҳратли номи оқлангач, иккала қадрдон яна топишиб, гурунглар мавзуи ҳаммиша доктор Суҳайлга келиб тақаларди. Собиржон уларнинг болалардек қувониб кўришишларини, узоқ хотиралар, ўқилган китоблар, мамлакатдаги тарихий воқеалар хусусидаги гоҳ ҳаяжонли, гоҳ кўнгилсиз гурунглари тинглаб, кекса юзларидаги ҳиссий жилваларни ҳавас билан томоша қилар эди. Доктор тўладан келган, паст бўйли, сийрак оқ сочлари таралмаган, юзи салқи, оғзи катта, тилла тишли, сермулоҳаза одам. У фикрини ўз-ўзига тушунтираётгандай ғўнғиллаб гапиради, бир қулоғи оғирроқ бўлганидан, қия ўтириб олиб, кўпроқ тинглайди. Улар Иқбол дostonларининг қарама-қаршиликлари, диний ва дунёвий асослари ҳақидаги чигал гапга киришиб, ундан қандайдир йўллар билан инглиз истибдодининг асрий даъволари ва янги ҳукумат сиёсати ҳақидаги мавзуларга чиқиб келадилар-да, кутилмаганда, баҳорда доктор Суҳайл қабрини бориб зиёрат қилиш хусусида тўхтаб келиб ўринларидан кўзғаладилар. Собиржон уларнинг бу тартибсиз, лекин теран фикрларга бой, гоҳо бутун-бутун тарихий даврларни, яхлит оқим ва катта маънавий зиддиятларни кўз ўнгига келтирадиган суҳбатларига жон-жон деб қулоқ солар, баъзан эҳтиёт билан бир неча сўз қотиб, кайфиятларига шерик бўлар эди.

Ўйлашча, уни уқолу дорилар эмас, мана шу нуроний қарияларнинг замона ҳақидаги тетик, доно гурунглари оёққа турғизди. Ғуломали камдан-кам келар, чол билан бемордан хабар олиб, саҳарда, гоҳо ярим кечалари ҳам шошганча яна жўнаб қолар эди. Унинг куни ҳозир шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриш билан ўтаяпти. Бошқарма бўлимлари, икки карьер, бетон заводи, техника парки, ишчи кучи тўпловчи пунктлар билан телефон алоқаси йўқ, марказга ҳам, қишлоқларга ҳам ўзи югуриши керак, ёнилғи, энергия етишмайди, мутахассисларга тураржой топиш зарур, объектларга ҳали йўл очилмаган, коллектив тўла эмас, унинг структураси ҳали номаълум.

Лекин Ғуломали бу чигал муаммоларни гапирган сари очилар эди. Муаллим Нурмуҳаммад Пайкий ҳамқишлоқларини ҳашарга кўндириб, шай қилиб кўйганмиш. Энди Чорданаҳр ўзанларига яқин қабилалардан хабар олиш, уларнинг кайфиятини билиш керак, баҳор чиқиши билан катта халқ қурилиши бошланади!

Шу орада Ғуломали Шокалон тоғаниннг «қилиқ»ларини ҳам гапириб ўтди. Тоға ёнғиндан омон қолган пешайвонлик уйини қурилишнинг маҳаллий конторасига жой қилиб берибди.

Ёлғиз ўзим шу ҳашамни бошимга ураманми, олақолинглар, туфанги берсанглар, ўзим қоровуллик қиламан,— дебди.

Тоғаниннг уйда қурилишнинг Пайки участкасини очиб, ўзини қоровул қилиб тайинлаб келибди Ғуломали. Оғзи қулоғида.

Собиржон дўстининг бахти ҳақида ўйлайди. Зулайҳо билан Шоистани қиёслаб кўради. Икки афғон қизи, бир қарашда, ҳеч қиёслаб бўлмайдиган икки феъл-атвор, икки хулқ, икки ҳаёт йўли, икки қисмат. Лекин, яна бир қарашда, бир-бирининг давомидек, бир яхлит ҳаёт, бир мазмун, бир тақдирдек туюлади. Тарбия ва муҳитларига кўра, йўллари бошқа-бошқа бўлса ҳам, уларни ватанлари, дил поклиги, мардликлари бирлаштиради. Собиржон шу вақтгача Зулайҳо ҳақида ўйлашдан қўрқиб юрди. Шоиста бўлмаганида, Ғуломалининг бахти кулмаганда унга Зулайҳони эслаш бениҳоя оғир бўларди. Бу қиз ҳалок бўлдию Собиржоннинг юрагида унинг ёниқ рамзи бир умрга қолди. Бундай буюк дард билан бойиган юрак бачканаликлардан холи бўлади.

Бу йил баҳор жуда эрта, негадир бирдан гуркираб келди. Баъзи но-занинлардек, бир кўриниш бериб, шошқалоқ дарахтларнинг барвақт очил-ган куртакларини ўртаб қочадиган бемавруд баҳор эмас, ер қатламлари-гача иситиб, тоғ шаршаралари билан шовиллаб келган астойдил баҳор эди бу. Бодроқ-бодроқ бодом гулларига ёпирилган асаларийлар шомгача ғувиллайди, ёнбағирларда пиёзи анзур ниш урди, эски ўзанларга жил-ғалардан қор суви жилдираб келди.

Бу галги баҳор одатдагидай уч-тўрт ҳафтада қовжираб кетиш учун эмас, мангуга келгандай, чексиз кенгликларни беш-олти кундаёқ то Қора-қум этакларигача яхлит кўклам тусига киргизиб, ҳоким бўлиб олди. Энди ҳатто осмонда ҳам, Аму устидан сузиб ўтган шаффоф булутларда ҳам унинг битгусиз оч-тиниқ ранги акс этиб турар эди. Қушларнинг қувонгани-ни айтинг! Кўримсизгина қувоқзорда бултурги дўланани талашиб, дунёни бошига кўтарган галаларни кўрасиз. Сўфитўрғай ҳали осмонга чиқмаган, жуфт-жуфт бўлиб йўрғалайдиган ҳилолкакликлар ҳам шу ерда, дўлана-нинг ерга тўкилганини ўғринча теришади. Эрта баҳорда қушлар товушига осмон сезгир, янгроқ бўлади. Бундай пайтларда тоғларга қуролсиз, хаво-тирсиз, гоҳо ёлғиз чиқиб тўйгунча кезгинг қелади, киши.

Ғулумали ёнидаги иккита қўриқчидан безор. Хавфсизлик яхши, ал-батта, лекин қадамингга кўз тикиб бир зум қолмай изингдан биров юра-верса, айниқса Ғулумалидай серҳаракат, бетиним одамга жуда қийин бў-лар экан. Қимир этсанг — биров овора, енгилгина бир жойга чиқиб келол-майсан, ғўё ихтиёринг ўзинда эмас, шахсий ҳаёт йўқ. Бўлғуси трассанинг пасту баланд сўқмоқларида ҳам, кўм-кўк воҳаларда кўзга ташланган лолазор ўру қир ёнбағирларида ҳам улар тўрт киши бўлиб юрадилар. Қаерга вагонлар ўрнатиш, бетон ташийдиган йўлни қандай қилиб қис-қартириш ҳақида гап кетса, майли, бодигар йигитлар ёнларида турса тура-веради, аммо икки дўст қир гулларининг атри бурқиган серкапалак бир ўтзорда ёнбошлаб шахсий мавзуларда ҳасратлашсалару, бир чеккада кимдир қулоқ солиб турса ноқулай бўларкан. Шундай пайтлардан бирида Ғулумали Собиржонга чўнтагидан бир хат чиқариб узатди.

— Шоистадан...

Собиржонга таниш ўзимизнинг авиаконверт, бурчагида Кремль юл-дузи, рангдор ғалаба салюти... Собиржон аввал конвертга узоқ тикилиб, кейин олис-олисларга кўз ташлади. Майсада ўша салют юлдузчаларидек жилваланиб ранг-баранг капалаклар учарди.

— Шоистадан, — деб такрорлади Ғулумали бетоқат, — ўқи!

Ўз толеи билан очиқ ғурурланган жуда самимий дўст кишигина шун-дай дея олади. Шоиста асли Балужистоннинг чораймоқ қабиласидан бўлиб, тилида Ғулумалигина тушунадиган сўзлар кўп эди, Собиржон хатга кўз югуртириб, кўп ҳам тушуниб етмади, аммо бир жойида тўхталди: Шоиста политехника институтига бориб тушган кунлари «афғонликми-сиз?» деб бир қиз келибди олди. Гапдан гап чиқиб, Ғулумалилар ишлаёт-ган Чорданаҳр иншооти ҳақида сўз очилибди. Шундан кейин ўша қиз Шоистанинг ётоғига тез-тез келадиган бўлиб, улар кўп ўтмай қалин дўст тутинишибди. «Дугонам гидрогеолог, Чорданаҳрга жуда қизиқар экан...» дебди Шоиста.

— Отини ёзмабди-да?

— Отини ёзмабди.

Улар «нима дейсан?» дегандай бир-бирларига тикилишиб қолдилар. Иккаласининг ҳам хаёлида бир ўй чарх уради. Ғулумали чарақлаган кўзини дўстидан узмади. Собиржон эса ундан енгилгандай, ўйчан, ерга қаради.

— Хат ёзсанг бўларди, — деди Ғулумали.

— Кимга? — ялт этиб қаради Собиржон.

— Шоистанинг янги дугонасига.

Улар яна бир-бирларига тикилдилар, Собиржон яна кўзини ерга олди.

— Бўлмаса мен ёзаман. Ахир Чорданаҳр ўзанларидан фойдаланишга бизни унинг назарий фикрлари рағбатлантирди. Лойиҳамизнинг қарийб

бир ярим баробар арзон тушишига...— Ғуломали негадир ўз гапини бўлиб, бир пасдан кейингина давом этди:—ғалати... ажойиб саҳоватли одамлар яшайди сизларда... бошқа биров бўлса, ҳаққини даъво қиларди.

...Ҳозир ҳам у бинтланган елкасини ушлаб, ётган жойида деворга қараб узоқ жим қолди.

— Ғулом...— деди анчадан кейин.— Мен энди ҳеч кимни севолмасам керак. Зулайҳо кўз ўнгимдан кетмай, оловдай юмалаб юрибди. Мен унинг уволига қолдим...

Ғуломалига дўстининг дастлабки йиллардаги ширин туйғулари таниш эди. У Собиржоннинг Манзура ҳақидаги хаёлчан ҳикояларини ҳали-ҳали ёдидан чиқаролмайди. Ўзига катта севги насиб қилмаган Ғуломалини ўша вақт бу ҳикоялар кўп тўлқинлантирган, завқи дилига ўрнашиб қолган эди. У ҳозир дўстида ўша шавқларни уйғотмоқчи, Собиржон эса, Зулайҳонинг ҳалокатидан сўнг ҳушини йиғиб ололгани йўқ.

Сардорникида иситмалаб ётганида Зулайҳонинг бобоси Хайриддин бува унинг ёнига тўрт-беш марта келиб кетди. Бу серҳаракат жиккак қария эндиликда яна ҳам озиб-тўзиб кетган, чалароқ бўлса ҳам, ўзбекча гапиришга уринар, гоҳ бехосдан йиғлаб юборар, гоҳ куйиниб Собиржонни юпатган бўлар, кўтариб келган қовунқоқи, тутмайиз каби тансиқ таомларини олдига сочиб ташлар эди. Дастлабки кунлари нуқул «Шокалон куёв»ни ярамасдан олиб ярамасга солди: бу кулфатлар бари ўшанинг касофати! Хонадонда ўзидан бўлак ҳамманинг бошига етди, очкўз! Мол-дунё деб изғидинг кўзингга қон тўлиб. Мана мол-дунё! Диёнатни оёғоти қилган ҳамтовоқларингга ҳам қирғин келади ҳали!

Лекин кейинги келишларида Хайриддин бува бу гапларни қўйди, нафрату қарғишлардан ўзи ҳам чарчаб кетганга ўхшади. Ғуломали уни қурилишга чақирибди, шунга заиф кўзлари нурланиб, ўзининг кимгадир кераклигини сезгач, қадди анча тикланган, ишчан кўринар эди. Шу куни иситмадан андак ариган Собиржон ҳам отага унинг невараси ҳақида ҳамма билганларини узоқ салмоқлаб гапирди.

— Қурилишга боришингиз маъқул бўлибди, падари гулин,—деди у гапининг охирида,— Зулайҳо Амунни яхши кўрар эди, уни кўп гапирар эди, у ҳақда ашуласи ҳам бор...— у ашула сатрларини эслашга ҳозир журъат қилмади.— Зулайҳо энди Амуда... у энди биз учун Амунинг ўзи...— деб ғамгин тугатди сўзини. Чол ҳам нуруний тус олиб, бу гал бошқача, товушсиз йиғлади — ўзи гўё жилмайиб турар, лекин кўзидан тиниқ, шаффоф томчилар юмалар эди.

Собиржон эса, у кетгач, яна иситмаси кўтарилиб, кечаси билан қулоғида Зулайҳонинг тоғларни зириллатган аччиқ қарғиш-фарёдлари янграб чиқди. Эрталаб терга ботиб уйғондию, шундан буён унга иситма қайтиб йўламади. Мана энди Ғуломали ва унинг қўриқчилари билан бўлғуси трасса бўйлаб кезиб юрибди. Гоҳ машина паркида, гоҳ тоғ қишлоғининг отахонасида тунаб қоладилар, кечалари елкада яра ўрни ҳали ҳам сал зирқирайдую, тоғларда эшитилган яккам-дуккам ўқ овозлари ҳушёр торттиради. «Фронтда ҳамма оғир дардларни ҳам унутиб юборасан киши» дегувчи эди раҳматлик дадаси.— Мана, қайтдим, биқиндаги қўрғошин қимирлаб қолди баччағар!»

Урушнинг ҳар қанақаси ҳам шафқатсиз бўлар экан. Қурилишга келган одамлар орасида Собиржон ўзидан беш баттар хаста, ярадор, ҳатто майибларни ҳам кўрди. Баъзиларининг ҳали-бери қўлидан иш келмас, лекин Ғуломали уларни ҳам ҳеч қанақа чеклашсиз қабул қиляпти: «бунинг маънавий аҳамияти бор!»

Очиғи, ишга ёлланиб келаётган одамларнинг коллектив бўлиб уюшишига Собиржоннинг ҳали ақли етмасди — улар орасида иншоотнинг тарихий заруратини тушуниб келган ҳақиқий юртпарвар, ҳалол меҳнаткашлар билан бирга, душман босқинидан қишлоғи ёниб, хонавайрон бўлган бошпанасиз, олақуроқ аҳоли, тавбасига таянган собиқ «мужаҳид»лар, янги ҳукуматнинг келажигига ишонинқирамаган турли табақа вакиллари, бу ерда нима бўлаётганидан беҳабар, фақат нон деб юрган юпунлар, вақтинча ошиён қидирувчи беқарор кўчманчилар, ишини қўйса ҳам, беш вақт намо-

зини қўймайдиган мутаассиблар, касб-кори нотайин қаланғи-қасанғи... — бари бор эди. Дастлабки кунлари Собиржон, «Ғуломалига қийин бўлади», деб руҳи тушиб юрди. Кейин бир вақтлар қидирув группасида бирга ишлаган танишларининг деярлик ҳаммасини шу ерда кўриб, кайфияти ўзгариб кетди. Уларни кутилмаган жойларда учратиб қоларди: бирини асбоб-ускуна ясайдиган цех қуриладиган очиқ-сочиқ майдонда, бирини бетон қориш ускуналари йиғилаётган бостирмада... Ҳар бир учрашувда қувончли садолар, кўнгилсиз саргузаштлар, марҳум Булбулшони эслаш... Лекин бу одамларнинг самимий ҳурмати, ишга астойдиллиги Собиржоннинг кўнглини кўтарди. Бу ерда, мана шу одамлар қўлида унинг ўз ҳаётини мушкул синовларга дучор қилган катта иш амалга ошади. Қўлимдан келган ёрдамимни бераману қайтаман, деб келган одам, энди шу ерликдай бўлиб қолди, бу воҳадаги ишлар гўё унинг жонажон Сурхонида бўлаётган ишларга уланиб кетди, орада гўё масофа ҳам йўқ, чегара ҳам, бегоналик ҳам... Уртада икки соҳилни туташтириб фақат муқаддас Аму, она дарё, умид дарёси оқади.

Собиржон шафтоли, ўрик гулига фарқ бўлиб, оппоқ кўпириб, гуркираб ётган Сурхон водийсини кўз ўнгига келтириб, уни қўл узатса етадигандай яқин ҳис қилди, илиқ хушбўй нафасини туйди — бир ойдан кейин янги Аму кўпригини очиш маросими бўлади!

Бу хабарни олиб қайтган кунини Ғуломали кечаси билан бир зум мизғимади, Собиржонни ҳам ухлатмади.

— Кўприк! Аму устида кўприк! Бу, биласанми нима дегани? — дерди тор ҳужрада у ёқ-бу ёққа юриб.

— Нима дегани?

— Бу...бу...— Ғуломали қўли билан кескин ҳаракатлар қилар, сўз тополмасди. Фикрлар ҳам, кўксига нафаси ҳам устма-уст тикилиб келардию, ўз саволига ўзи жавоб беролмасди.

— Узинг борасанми тантанага?— деб сўради Собир.

— Албатта-да! Кўп одам боради. Кобулдан, ҳар бир вилоятдан, туману бўлис, улусвалиликлардан¹ энг яхши одамлар қатнашади. Муҳими, кўприк бунёдкорларини муборакбод этиш учун мамлакатнинг ишчи синфи вакиллари бориши керак. Шу атрофда энг яқин қурувчилар коллективи сифатида, бу шарофли иш бизнинг қурувчилар делегациямизга топширил-япти!— Ғуломали кафти билан дўстининг елкасига кўпол туртиб қўйди.— Бу — Чорданаҳр коллективининг расмий тан олинганидир. Мен тантанага кимларни олиб боришни ҳам ўйлаб қўйганман!

— Менинча, аввало — Содиқ Сардор.

— Ёнида Хайриддин бува.

— Хайриддин бува?

— Ҳа, икки нуроний қария — олдинда, нон-намак билан!

— Бува буни эшитса, юраги ёрилади.

— Ажабмас. Менинг ўзим ҳозирдан ҳовлиқиб кетяпман, — деди Ғуломали, кўзлари ёниб, — дунёда энг буюк мамлакат тупроғига оёқ қўямиз... Менга қара, балки у ерда... эҳтимол тасодифан...

Собиржон унинг нима демоқчи эканини англаган эди. Лекин ўзининг туйғулари алғов-далғов, бир фикр топиб айтолмади.

— Ҳавога чиқмаймизми?..

— Юр, — деди Ғуломали беихтиёр, — менга қара, эшитаяпсанми, эҳтимол у ерда... тасодифан...

Чарақлаган юлдузли тун эди. Баҳорнинг ифорли қуюқ ҳавоси сал бошларини айлантирди. Узоқ дараларда заиф ўқ овозлари эшитилади. Тоғнинг акс садосидан сескангандай кўкда юлдуз учади. Лекин дилда ғулув йўқ. Содиқ Сардор айтгандай, бу юртнинг баҳордан омади келган. Қадим Ориёна халқлари ҳар сафар ундан ҳаёт ишончини топадилар. Юлдузли тун қўйнида кезган икки йигит ҳам мана шу сўлим баҳордан ўз толеини кутар, тақдирнинг ҳаяжонли нафасини сезар эди.

Лекин Собиржон дўстининг тез-тез ўйчан ҳолатга тушиб, ёлғиз юришини, камгап, хомуш пайтларини пайқаб қолар эди.

¹Улусвали. Жой номи.

- Ғулом... нимани яширяпсан мендан?
- Ҳеч нарсани яширмайман. Ҳисоблаб кўрсам, шу вақтгача тўплаган одамларим ўз-ўзини муҳофаза қилишга ҳам етмас экан...
- Қурилиш бошлангандан кейин изга тушиб кетар.
- ...Қурилиш бўлмади, Собир, — деди Ғуломали аллақандай оғир ҳазинлик билан, — уруш бўлади. Узоқ, оғир уруш...

Ҳарбий қисмлардан «истеъфо»га чиқарилиб, қурилишга тақдим этилган, устидаги брезенти офтобу қор-ёмғирларда ўнгиб кетган икки эски юк машинаси бошқарма олдида турарди. Олдиндаги машинада ҳам, бошқарма пештоқида ҳам алвонлар ҳилпирайди. Яқинда оқланган бир қаватли бу узунчоқ бино олдидаги қаровсизликдан ҳали уйғониб улгурмаган доира гулзор атрофи шаҳарнинг четроғида бўлса ҳам, бугун жуда гавжум: одамлар пули Аму тантанасига борадиган қурувчиларни кузатгани чиқишган. Нурмуҳаммад муаллим бошлиқ пайкиликлар ҳам от-араваларини тақинчоқлар билан безаб шу ерга етиб келишган.

Сал нарида Мозори Шариф мачитининг кўк гумбази, миноралар атрофидаги боғнинг дарбоза арки ҳам, катта ҳовуз ҳам, галалашиб учган сон-саноксиз оқ каптарлар ҳам ҳозир эрталабки нилий осмон рангида кўринар эди. Машина ёнида эски модадаги кенг-мўл, кулранг шевиот китель, баланд шерозий кулоҳ кийган, офицерларча тик қоматли Содиқ Сардор пайдо бўлди. Лабига кумушдай ёпишган кичкинагина, қалин оқ мўйловини кафти билан силаб, осмонга қараб кўйди: тоғлар тепасидан чарақлаб чиққан офтоб орқа томонда, шунинг учун кўк гумбазининг шимол уфқлари кўзга майин урилар, денгиздай чексиз, ғуборсиз эди. Дарддан ариб, чеҳраси тиниққан Сардорнинг кайфияти яхши, афтидан: «ҳа, бу жойларнинг баҳордан омади келган!» деб, ўзи севган гапни ичида яна такорлади чоғи, кўпни кўрган кўзлари ёришиб, оппоқ қошлари чимирилиб кетди. Бошқармадан бошлиқлар ҳам чиққач, майдон янада жонланганини кўриб, кабинага кўтарилди, букилмайдиган оёғини олдинга узатиб ўтирди.

Борадиганлар тапир-тупур машиналарга чиқиб, брезент кузовларни тўлдиришди. Доира гулзор атрофида, йўлнинг икки четида халойиқ, қари-ёш, хотин-халаж қувончли гувраниш билан талпинди, оқ йўл тилаб, қўл силкиди, қоллар кафтларини очиб фотиҳа бердилар, бола-чақа қийқириб олдинга югурди. Машина ва арвалар силжиганда, Сардор йўл четида, шовқин ва тўзон ичида, соқолларини силаб қолган қариялар орасида Шокалон билан Маҳбубшоҳни таниди. «Олам ҳам, одам ҳам ўзгаряпти...» деб кўйди кўнглида.

Орқада чанг булути кўтарилиб, йўл ёқасидаги манзарани бузар эди, сўнги кунларини яшаётган чанг-чунг қир гуллари нимадандир норозидай бош чайқаб қолади, мотор товушига узоқда туялар янтоқдан бош кўтариб, бўталоғини панасига олиб эҳтиётлайди, шудгорда қўтослар сиртидан ҳаққа галалари учади.

Йўлда қишлоқлардан янги-янги, безатилган от-улов, тўда-тўда одамлар қўшилди. Ҳайратон чорраҳасига чиқилганда эса, серқатнов бош йўлнинг кун-тун асабий гувиллаган катта ҳаёти ҳам мана шу олачипор, ранг-баранг ясанган карвоннинг қувноқ маромига бўйсуниб, аста четланди. Азамат КамАЗу БелАЗлар, ўнлаб прицебли автокарвонлар, юк оқимини қўриқлаб борувчиларни йўл четида тўхтаган, жуда ҳафсала билан безатилган араваю машиналарни, қари-қартанг, ёш-яланг, қизил кийган лисачи қизларни, мактаб болаларини олқишлаб кузатишар, қўл силкиб қолишар эди.

Уч соат ўтар-ўтмас, узоқдан дарё эпкинни келиб, Аму уфқидаги енгил ҳовур ичида азим кўприкнинг панжарагулчин кумушранг ёйи энди қалқаётган камалакдай кўзга чалинди. «У-у-ув!» деган ҳайрат овози сафларни тебратиб ўтди. Йўл борган сари қийинлашар, тобора тифизланиб келаётган беҳисоб йўловчиларнинг жонли тўлқини дарё шовуллашига қўшилиб кучайгандан кучаяр эди. Бу ерга кўпқаватли янги оқ иморатлар

тушган, кўприкдан чиқиб бир неча чақиримгина берида узилган темир йўлнинг икки ёнида — контейнер омборхоналари, базалар, очиқ-сочиқ катта бостирмалар, той-той юк, техника, жиҳоз, қоровулхоналар. Баридан ўтиб, дарёнинг ўзи билан юзма-юз бўлганда оломон бир зумга нафаси ичига тушгандай жим бўлиб қолди. Аму бу ерда тиниқ, қорамтир зилол тусда сокин оқади, чунки у тоғ-тошлар орасидан энди қутулиб чиққан, икки соҳили ҳали юмшоқ қумлоқ эмас, яхлит харсанг. Қаердадир, кўприк остида янграган кема гудоги жимликда алланечук сирли эшитилди.

Машиналардан тушиб, аста, тантанали қадамлаб, яна ҳам яқинроқ бордилар: мана Аму! Бор бўйи билан! Икки соҳилда ял-ял алвонларга бурканган қават-қават сафлар, гулдасталар кўтарган ёшлар, ясанган болалар юқори оқимда узоқларгача турна қатор тизилиб туришибди. Қичқириб, қўл силкишади, талпинишади. Икки жонли соҳил бир-бирига интилиб, бир-бирини тушуниб, овозсиз гаплашаётгандай.

Қуёш ҳам тантанага атай чарақлаб боққандек, ҳавони тез иситарди. Биринчи марта оппоқ кўйлак кийиб, тасма галстук таққан Ғуломали Коргар ўз одамларини бир жойга тўплаш учун югуриб-еларкан, адашиб қоладигандай, Собиржонни кўздан қочирмасликка уринар эди. Собиржон елкасидаги танғиб боғланган ярани билинтирмаслик учун костюмини ечмади, терлаб, қийналиб кетган бўлса ҳам, ҳаяжонда шошиб қолган Ғуломалига дўстона қўз қисиб, далда бериб қўйди.

Бахмал дастурхонда икки қўллаб нон-намак тутган Содиқ Сардор ёнида Хайриддин бува билан олдинги қаторга чиқди. Улар кўприкка кираверишда турар эдилар. Олдинроқда партия ва ҳукумат раҳбарлари, пойтахт вакиллари. Тепадан кўприкнинг ваҳимали темир тўсинлари оғир босиб турибди. Бу — кўприккина эмас, йўл ва транспорт иншоотларининг йирик комплекси эди. Унинг салобати қудратли она дарё маҳобатига, узоқда қалашиб ётган қадимий тоғлар силсиласи, икки соҳилдаги қадрдон ва чексиз кенгликларга жуда мос тушган. Сафлар одим отганда унинг улуғворлиги, гўё янграб қулоқларда ақс садо берди. Икки ёнда экспресслар ўтадиган ойнавонли енгил туннеллар, уларнинг томидаги равон пиёда йўлқаларига кумушранг темир синчлар орасидан этак-этак шуъла тушиб турибди.

Сафлар ҳозир ўртадаги уч қаторли автотрассадан юриб бормоқда. Бу ерда дарё салқини, қоронғи, захлик сезилади, аммо сафлар юриши билан эрқада ва олдинда кучли прожекторлар чарақлади. Йўл ёқасидаги катта тувакларда гуллар яшнаб турибди, икки мамлакатнинг давлат байроқлари, Афғонистондаги ҳамма халқлар тилларида дўстлик, қардошлик, ҳамжиҳатлик, аҳил кўшничилик шиорлари кўзга ташланади.

Йўл баландлашиб борарди. Одимлар дарё узра гумбурлаб, янграб эшитилади. Ярим чақиримча юрганларидан кейин кўприк ёйининг энг баланд ери — дарёнинг қоқ ўртасида сафлар бир нафасга қадамларини секинлатиб, жим бўлишди.

Тагин шунча юргандан кейин юз-кўзларга чарақлаган кун тушди, кенгликлар нафаси урилди, мусиқий оҳанглар, табрик сафолари эшитилди.

Бу соҳилда катта байрам давом этарди. Одам жуда кўп, ноғора, карнай, сурнай садолари янграйди.

Содиқ Сардор нон-намакни аввал гул ушлаб қатор турган каскали йигитларга тутди. Қурувчилардан қурувчиларга. Қуёшданми, ҳаяжонданми киприклари ёшланиб кўзини кўтаролмай, фақат нон синдираётган бақувват қўлларни кўрар эди Сардор. Табаррук нон-намакни тотувчилар кўпайди, катта-кичик, кучли-нозик, кекса-ёш қўллар. Қўллар, қўллар, қўллар... Сардорнинг ўз қўллари эса толиб қолди. Кўзларини артай деса, қўллари банд. Шу маҳал катта томчи ёш ўзи чак этиб томиб, киприклари кўтарилди, нон синдираётган кексароқ қўл эса, буни пайқабми, ушоқни бармоқлари орасига олганича тўхтаб, қимир этмай қолди. Сардор энди сал тиниққан кўзларини кўтариб қараса, бўйи пастроққина қизғиш юзли кекса аёл, чаккасида кумуш сочлари титраб, меҳмоннинг юзига тикилиб

турибди. Сардор ҳам тик қотиб қолди. Аёл кекса бўлса ҳам, бардам, соддагина оқ костюмда ихчам, тетик кўринарди. Кўксида орденлар, ўроқ-болғали олтин юлдуз. Улар бир-бирларининг юзларидан нимадир излагандай узоқ, жуда узоқ тикилишиб турдилар.

Ниҳоят, Сардор нон-намакни дастурхонга ўраб, ёнида анқайиб турган Хайриддин бувага тутқазди-да, икки қадам четроққа чиқди. Аёл ҳам ундан кўзини ололмаётгандай, у билан бирга жилди, ёлғиз қолдилар.

— Мен сизни биламан, рафиқ профессор, — деди Сардор, энди анча ўзига келиб, — сиз Муқри қишлоғидаги отбоқарнинг қизисиз...

Аёл ҳамон тикилар, унинг ҳаяжондан нурланиб кетган кекса кўзларида Сардор ўша шаддод қизалоқнинг унутилган белгиларини тобора кўпроқ топар, элаган сари юраги гуп-гуп урар эди.

— Эсладингизми? Менинг эса, мана бу ерим... — у чап юзини бармоғи билан туртиб кўрсатди, — мана шу ерим ҳамон ёнади.

— Вой-й... Бевафо-о! — деб юборди профессор, қиз боладек.

Иккалалари ҳам хаҳолаб кула бошладилар. Чарчагунча кулдилар.

— Энди мен ҳам бир ўпай, ўшанда вақт зиклик қилиб, улгурмай қолган эдим, — деди Сардор, баланд гавдаси билан оқсоқланиб келиб танишини қучди, улар уч бор ўпишдилар. Четроқда фотоаппаратлар чиқиллади. Одамлар бу учрашувнинг нима эканини билишмаса ҳам, завқли бир ҳайратда эдилар. Нарироқда Фуломали билан Собиржон ҳам илжайиб туришарди.

— Биз қолиб, булар ўпишяпти-ку, Собир... — деди Фуломали. Иккаласи ҳар ёнга аланглаб, тирбанд сафларни ёриб қаёққадир кетишди. Эски танишларнинг суҳбати давом этарди.

— Ҳурматли Сардор, мен билолмадим, ўшанда мактубни етка-золдингизми-йўқми? — сўради аёл. Чол кулди.

— Етказмасак ҳозир шундоқ юз кўришиб турармидик, ҳурматли Сумбул Садриевна?

— ...Яхши иш қилган экансиз-да ўшанда, ҳурматли Сардор.

— Сиз эса... ёмон иш қилгансиз, Сумбул хоним, — дея кулиб Сардор яна юзини ушлади, — ўшандан кейин мен, биласизми, не аҳволда қолдим? Неча йиллар ўзимга келолмай юрганман, ҳа.

— Эҳ-ҳа, эндиликда у ишлар ҳақида фақат мана шундай мутоиба билан гапириш мумкин, ҳурматли Сардор, умр ўтди-кетди...

— Бекорга ўтгани йўқ, Сумбул Садриевна. Мана, забардаст шогирдингизни танийман. Менинг ҳам худди шундай бир неварам бор. Биласизми, улар ҳозир нима ишлар қилишяпти!

Лекин бу маҳал йигитларнинг иши унча зўр эмас, кутган одамлари келмаган, у ёққа бориб аланглашар, бу ёққа келиб интизор тикилишар, тамом бетоқат эдилар.

Хайриддин бува эса, ҳеч нарса кўролмаб қоламан деб, одамлар орасида ўзини йўқотиб қўйган эди. Тиқилинчда ўзини у ёқ-бу ёққа уриб, ёшланган кўзларини артди-да, очик ер, тупроқ қидириб қолди. Тупроқ эса йўқ, оёқ ости нукул асфальт, бетон. Четроққа чиқиб юриб келса бўлармикин? У ёлғизлик истаб қолганди. Бир амаллаб очикроқ ерга чиқди. Кўприкдан чиқаверишда ёшлар кўчат ўтқазишарди. Чол ўшаларга тикилиб турди. Кўчатлари барг ёзиб, кўкариб қолган, лекин илдизини тупроғи билан катта қутига жойлаб, машинада авайлаб олиб келишибди, тутиб кетса шояд.

— Қўш чинор ўтқазишяпти, дўстлик рамзи, — деди кимдир.

Хайриддин бува талпиниб, энтикиб турди-да, чидамади, ўша томонга юрди. Махси орқали товонлари билан юмшоқ тупроқни сезганда кўксидан алланима кўтарилиб келиб, томоғига тиқилди, кўзидан ёш сизиб чиқди.

— Тутармикин? — деди ёшлар ёнига бориб.

— Тутиб кетади, бобой, чинор бу!

Ёшлар терлаб-пишганча, бел билан тупроқ ағдариб дарахт ўтқазишарди. Тупроқ ҳидидан Хайриддин буванинг бурун катаклари кенгайиб, юраги ўйнаб кетди.

— Мен ҳам бир кетмонгина тупроқ ташласам майлими, йигитлар!

Ёшлар мункайган чолга ҳайрон боқиб, белкурак беришди. Хайриддин бува инқиллаб бир-икки курак намхуш тупроқни кафтларига олди. Тикилди. Уқалади. Яна тикилди, жони роҳат топгандай яна уқалади.

Бош кўтарганида, унга ҳайрат билан тикилиб турган йигитни кўрди.

— Ўзбекмисиз, бува?

— Ҳа, болам, ўзбакман. Сен-чи, буванг ўргилсин!

— Мен ҳам, фақат, отам туркман бўлганлар.

— Ҳа... — деди чол белини ушлаб ўрнидан тураркан. Кафтидаги тупроқни ташламай, секин юриб дарё ёқашига борди. Чўккалаб ўтириб, салмоқ билан оқаётган дарёга боқди. Кейин, шошмай, белидаги қий-иқлардан бирини ечиб, ерга ёйди, кафтидаги тупроқни тугди-да, эҳтиётлаб кўйнига солди.

Майдонда митинг бошланган эди. Тахтадан ясалган баланд минбарда нутқлар янгради. Қуёш ғарбга оғганидан, солланиб-солланиб оқаётган Амунинг юзасида майда мавжлар ҳам соя ташлар, қорайиб кўринар эди. Чол узоқ ўтириб дарёга тикилди. Намланган кўзларига олисда нимадир кўринди. Қалқиб-қалқиб келаётир. Бешикка ўхшайди... Бешик, бешик!..

Яқинроқ келганда разм солса, оқаётган нарса — гулчамбар экан. Қир гулларида ясалган гулчамбарлар. Бир нафасдан кейин улар кўпайиб кетди. Дарёнинг икки ёнида турган болалар ташляпти у гулчамбарларни. Унлаб гулчамбарлар. Кўприкка яқинроқ тор жойга келганда улар бир-бирлари билан яқинлашиб, араллашиб, қўл олишгандай, қўшилиб кетишди.

— Чиройлими, бува? — ёнида яна ҳалиги туркман йигит турарди.

— Ҳа... — деди Хайриддин бува. Сўнг ўзига гап уқтираётгандай, қарийб шивирлаб, ўйчан сўзлади: — Менинг болаларим... Менинг болаларимни ютган — дарё эмас, адоват эди...

Йигит тушунмади.

Тевада кўприк қанотига суяниб гаплашаётганларнинг овози эшитилди.

— Баҳорги тошқинлар билан қалайсиз, инженер?

Бу Ғуломалининг товуши. У кўприк бўйлаб зир югуриб, унинг лойиҳачиларидан бирини топиб олган, иншоотдан ҳайратда эканини айтиб тугатолмас, синчковлик билан гапга солар эди.

— Ҳа, тошқинлардан ҳушёр бўлишга тўғри келади, — деди инженер ўйчан жилмайиб.

— Икки йилча! — деди Ғуломали. — Кейин эса мен сизга тошқин хавфларидан хотиржам бўлишга тўла кафолат бераман!

— Қайси маънода?

Ғуломалининг эътибори бошқа томонга кетиб, саволни эшитмади, у қаёққадир кўзи тушиб, гангиб қолгандай турарди.

— Ўртоқ Коргар, қайси...

Ғуломали эшитмади. У ҳаяжонда кўзлари жовдираган, афтидан, оломондан четроқда турган қизлар унинг ҳушини олиб қўйган эди. Бу қизлар кечроқ келишди, бири бўйнига ҳол-ҳол дуррача ташлаган, бири...

— Собир! — деб қичқирди Ғуломали. Собиржон эса, ҳеч қаерда кўринмас эди.

Пастда кечки қуёш нуруни заррин жилваларда акс эттириб буюк дарё мавжланар, узоқларда эса зимзиё теранликлардан кўтарилган баҳайбат тўлқинларнинг қорамтир сиртлари эриган чўяндай эшилиб оқар эди.





Эркин
Неъматов

Хатин

*Табиатнинг тош қотган тани,
Шивирлайди япроқлар унсиз?
Мусибатнинг мудҳиш маскани,
Юракларни титратар сўнгсиз?*

*Емғир қуяр, йиғлайди осмон,
Ерга сим-сим томар кўз ёши.
Қўнғироқлар тин олмас бир он,
Асрларга етар бардоши.*

*Хатин... Унга қувонч бегона,
Чироқ ёнмас, очилмас эшик.
Бунда алла айтмайди она,
Аза тутар бу ерда қўшиқ.*

*Езувларга айланган ҳасрат,
Евузликка гувоҳ ҳар рақам.
Фашизмга ёғдирар лағнат
Хатин минг йил ўтганида ҳам.*

Йўлларинг оқ бўлсин

(Мактуб)

*Муҳаббатим сенга бўлсин ёр,
Зафарларга йўлласин севгим.
Йўлларингга тикилдим сўнг бор,
Йўлларинг оқ бўлсин, севгилим.*

*Висолингга етмадим, афсус,
Фашистлардан ололмадим ўч.*

*Кетмоқдаман ҳаётдан изсиз,
Кетмоқдаман юрагим нотинч.*

*Алангада кул бўлар таним,
Е. ўлимим бўлиб қолар сир.
Ҳеч қаерга қочолмас ғаним, —
Тушларингга кирарман, ахир.*

*Зафар қучиб келар чоғингда,
Гулзорларга мени қўмсаб чиқ.
Япроқларга қулоқ солгин жим,
Уша шарпа мен айтган қўшиқ.*

*Умрим тугар, тугамас ҳавас,
Йўлларингда қолар кўзларим.
Едга олсанг, агар бир нафас, —
Юрагингдан мени излагин...*





Жамол
Сирожиддин

Умр тонгида

1

Олма шохларига айна навбаҳор —
Болаларни осди фашистлар қатор.
Осмон тунд боқарди, чақин чақарди...
Тонггача олманинг боши оқарди.

2

«Партизан боласи» деб айб тақдилар,
Тириклай ёғочга уни қокдилар
Ва жажжи «мўлжал»га отдилар беҳад...
...Синиб тушди ёғоч қилолмай тоқат.

3

Борлиқни қоплади
Мотор овози,
Учиб келаверди
Кумушқанот куш.
Ангиллаб қишлоққа
Йўл олди този,
Болакай куйларди
Гўёки сархуш:
«Самолёт,
самолёт,
Қанотингни
пастлаб ўт.
Дадамларнинг
хатларин
Сен бизларга
ташлаб ўт.»
Пастлаб ўтди самолёт
Қўл узатса етарди.
Ташлаб ўтди самолёт...
Ташламаса нетарди...

4

Мени кутяпсанми,
бокира тўшак,

Тирқишида ойни
 тишлаган эшик?
 Мени кутяпсанми,
 менинг умримда
 Ҳали туғилмаган
 фарзанд ва бешик?
 Мени кутяпсанми,
 дардим—ширинтил,
 «Қайейда, қачон?» деб
 берилган сўрок?
 Мени кутяпсанми,
 гуллаган беда,
 Пахса ёриғида
 занглаган ўрок?
 Мени кутяпсанми,
 яккачўп кўприк?
 Даричамга томон
 кетган камбар йўл?
 Мени кутяпсанми,
 отам белбоғи,
 Онамнинг чап енги,
 бўлганингча ҳўл?
 Мен эсам
 хаёлнинг беланчагида
 Қуларман,
 атрофга таратиб ваҳм...
 Мени кутяпсиз-а,
 умрим тонгида —
 Барчангизни кўриш эди муродим...





А. П. Чехов

АЛЬБИОН ҚИЗИ

ҲИКОЯ

Грябов деган мулкдорнинг уйи ёнига резина шинали, барқут ўриндиқли, семиз кучерли яп-янги коляска келиб тўхтади. Коляскадан уезд дворянларининг йўлбошчиси Фёдор Андреич Отцов сакраб тушди. Даҳлизда уни уйқусираган эшикбон кутиб олди.

— Жаноблар уйдаими? — деб сўради йўлбошчи.

— Йўқлар. Бойвучча хоним болаларни олиб меҳмонга кетганлар, бой отамиз тарбиячи мамзель билан эрталабдан бери балиқ тутяптилар.

Отцов бир муддат ўйланиб турди, сўнг Грябовни излаб дарё бўйига кетди. Уни кўрғонидан икки чақирим наридан топди. Дарёнинг тик қирғоғидан пастга қараб Грябовни кўрдию кулиб юборди... Норғул, семиз, калласи нақ хумдай келадиган Грябов қумлоқ соҳилда чордона қуриб ўтирганча балиқ тутарди. Шляпаси энсасига ўтиб кетган, галстуги ёнга қийшайган. Мулкдорнинг ёнгинасида кўзлари қисқичбақанинг кўзларидай чақчайган, бурни бурундан кўра қармоққа кўпроқ ўхшаб кетадиган қуштумшук, новча, озғин инглиз аёл тик турарди. Аёл докасифат матодан оқ кўйлак кийган, кўйлак остидан сарғиш устихонлари рўй-рост сезилиб қолган эди. Белидаги тилларанг камарига тилла соатча тақиб олиб, қарангки, у ҳам балиқ тутарди. Атроф сув қуйгандай жим. Иккисининг ҳам юзи қармоқ пўкаклари қалқиб турган дарё сатҳидай осойишта.

— Ишқи зўр-у, ишқибозлиги оғир! — деб кулди Отцов. — Саломат бормисан, Иван Кузьмич?

— Ҳа-а... сенмисан? — деди Грябов сувдан кўз узмай. — Келган экансан-да?

— Йўлимиз тушиб... Ҳалиям шу бемаъни одатингни ташламабсан-а? Зерикмадингми?

— Э, падарига лаънат... Кун бўйи, нақ наҳордан бери шу ердаман... Бугун нимагадир овим ўнгмаяпти. Мен ҳам, манави таъвия-тараққос ҳам ҳеч нарса тутолмадик. Ҳайкалдай қотиб ўтирибмиз, лекин илинса қани! Додлаб юборай дейсан.

— Ҳалиям тупур шу ишингга! Юр, бориб ароқ ичамиз!

— Шошма... Балки бирор нима илиниб қолар. Кечга бориб балиқ хўракка ўч бўлади... Шу десанг, биродар, сахармардондан бери шу жойда ўтирибман. Ёрилиб кетай дедимки, ҳеч нарғи йўқ... Қайси жин чалдию мен шу дардга мубтало бўлдим! Ит куни, дегин, бўлмағур ишлигини ўзим ҳам биламан, лекин ўтиравераман, жилолмайман. Юрган бир каззобдай, дегин, шу оғир жазога мустаҳиқ эканманки, сувга қараб, аҳмоқ бўли-иб ўтирибман!.. Беда ўримига боришим керак асли, лекин мен балиқ ушлаяпман. Кеча Хапоньево қишлоғига поп ҳазратлари келиб ваъз айтибдилар, ўшанга ҳам боролмадим, кечгача манави дудланган балиқнинг ёнида қармоқ ташлаб ўтирдим.

— Ҳой, ақлдан оздингми сен? — деди Отцов инглиз аёлдан уялиб. — Хонимнинг ёнида сўкинасан? Яна унинг ўзини...

— Э, онаси ўлсин! Сўксанг-сўкмасанг — бир пул, балони ҳам тушунмайди. Мақтайсанми, онасини ахтарасанми, бунга барибир. Бурнига қара, бурнига! Бурнини кўрибоқ ҳушинг оғади! Шу ерда уззукун бирга ўтирамыз, миқ этиб оғиз очса қани! Рўдапо қўриқчидай қаққайиб тураверади, тушини сувга айтадимми, нима бало!..

Инглиз аёл ҳомуза тортиб, қармоғига чувалчанг илди-да, яна сувга ташлади.

— Ҳайратимга тил ожиз, биродар! — дея сўзини давом эттирди Грябов. — Баччағар Россияда ўн йил яшабди ҳамки, бирорта русча сўзни ўрганмабди!.. Бизнинг зодагончалардан бирортаси буларнинг юртига борса бас, икки кунда инглизнинг тилида чулдираб кетади, булар эса... Э, онаси ўлсин! Сен бунинг бурнига қара! Бурнига қара бунинг!

— Бўлди қилақол... Уят бўлади... Хотин кишини маломат қилиш яхшимас.

— Хотин эмас бу, ҳали қизгина... Кўнгилгинаси куёв тусаб турган бўлсалар ҳам ажабмас. Билсанг, туриш-турмушидан чирик хиди келаётгандай... Эҳ, биродар, кўргани кўзим йўқ буни! Кўзларини чақчайтириб бир қараса борми, кўнглим ағдарилай дейди, гўё тирсагимни тошга уриб олгандай бўламан. Буюм балиқ овлаганини айтмайсанми. Қара, қамир этмайди, балиқ тутаетгани йўқ, ибодат қиляпти. Ҳаммага тепадан қарайди, пуф-сассиқ, деб бурнини жийиради... Туришига қара бунинг, ўз кўнглида, мен ҳам одамман, демак, табиат подшосиман, деб хаёл қилса керак-да, а? Сен бунинг оти нималигини биласанми? Уилька Чарльзовна Тфайс! Туф-э!.. Тилинг ҳам келишмайди!

Инглиз аёл ўзининг исмини эшитиб, Грябов томонга тумшуқ бурди, уни бошдан-оёқ таҳқирли бир назар билан кўздан ўтказди. Кейин Грябовни қўйиб, Отцовга қаради, бунисига ҳам нафратини билдирган бўлди. Бир сўз демай, кибру виқору салобат билан қаради.

— Кўрдингми? — деди Грябов хохолаб кулганча. — Мана, пишириб е, демоқчи бўляпти. Ҳу сендақа таъқарани!.. Болаларнинг ғамини ейман-да, бўлмаса, бунақа калтакесакнинг думини аллақачон тугиб қўярдим-а! Шу болаларни ўйламасам, кўрғонимдан ўн чақирим наридан ўтарди-я... Бурни нақ қирғийнинг тумшуғига ўхшайди... Бели-чи? Бели йўқ бунинг, тик турган миҳнинг ўзгинаси. Билсанг, биродар, ўзимга қолса, шундоқ олардиму ерга қоқиб киритиб юборардим. Шошма-чи... Пўкак қимирлади, балиқ айланганга ўхшайди...

Грябов ўрнидан сакраб турдию қармоқни тортди. Ип таранг тортилди... Грябов яна бир силкитди, лекин қармоқ чиқмади.

— Илиниб қолди, — деди у афтини буриштириб. — Тошга илиниб қолди-ёв... Жин урсин...

Грябовнинг юзида изтироб кўринди. Уҳ тортиб, нотинч куймаланиб, сўкишу қарғишни қалаштириб, қармоқ ипини тортиб кўрди. Лекин қармоқ чиқавермади. Грябовнинг юзи бўрдай оқариб кетди.

— Савил қолсин! Энди сув кечишга тўғри келади.

— Сув кечиб юрасанми, қўй бу ишингни!

— Айтаверасан-да, биродар. Кечки пайт балиқ зўр тутилади... Энди, шу жойда ишининг чаппа кетганини! Сувга тушамиз энди. Бошқа илож йўқ!

Ечингим келмаяпти, ҳеч ечингим келмаяпти... Манави англизингни кеткизиш керак. Бу турганда ечиниб бўлармиди. Ҳарна, аёл оти бор бунинг ҳам!

Грябов шляпаси билан галстугини ечди.

— Мисс... Хў-ўш... — дея англиз аёлга мурожаат қилди у. — Мисс Тфайс! Же ву при...¹ Бунга нима десам экан? Узинг айт, нима деб айтсам сен тушунасан, а? Ҳов, эшитяпсизми, қулоқдан борми?.. Анави ёққа! Ху анави ёққа кетинг! Эшитяпсанми?

Мисс Тфайс Грябовга ола қараб, нимадир деб минғирлади.

— Нима дединг? Тушунмадингизми ҳали? Бу ердан йўқол, деяпман сенга! Ху ана у ёққа кет! Уёққа!

Грябов мисснинг енгидан тутиб, бутазор томонга имо қилди-да, ерга чўккалаб кўрсатди, айтмоқчи бўлдики, сен ўша ерга бориб, буталар панасида мана шундай... паналаб тур... Инглиз аёл, қошлари қаҳрли чимрилиб, ўзининг тилида алланимабалолар деб гапирди. Мулкдорларнинг иккови ҳам пиқ этиб кулиб юборди.

— Шунча вақтдирки, бунинг овозини биринчи марта эшитишим... Булбулигўё бўлиб кет-э! Тушунмайди! Сен айт, биродар, бу дарди бедавога яна нима дей?

— Э, қўйсанг-чи бун! Юр, бориб ароқ ичамиз!

— Боролмайман, ҳозир айни балиқ тутадиган пайт... Кеч тушяпти, ахир... Нима қилай энди, биродар, айт, нима қилай? Касофат-э! Энди бунинг кўз олдида ечинишга тўғри келади.

Грябов сюртуги билан нимчасини ечиб ташлади-да, қумга ўтириб, этикларини торта бошлади.

— Иван Кузьмич, ошна, — деди дворянлар йўлбошчиси пиқ-пиқ кулиб. — Жудаям ошириб юбординг, бу ишинг бориб турган бедодлик...

— Ўзидан кўрсин, ким бунга русчани тушунмагин, деб эди. Майли, ечинавераман, токи ажнабийларга сабоқ бўлсин!

Грябов этикларини, шимини ечди, сўнг иштон-кўйлаklarини ҳам сидирдию ширяланғоч бўлди. Отцов қорнини чангаллаб қолди. У кулги билан уятнинг зўрлигидан қизариб кетган эди. Инглиз аёлнинг қошу кўзлари пир-пир учабошлади. Сариқ юзида кибру нафратга тўла бир кулги зоҳир бўлди.

— Сал салқинлаб, кейин тушаман, — деди Грябов сонларига шапатилаб. — Азизим Фёдор Андреич, сен тушунтириб қўйсанг бўларди, нега ёз келди дегунча кўрагимга тошма тошиб кетаркин, а?

— Тезроқ сувга туш ёки кийиниб ол. Ҳайвон экансан ўзи, ошна!

— Бу беномус сал-пал уялса қани! — деди Грябов чўқина-чўқина сувга тушаркан. — Ўҳ, муздеккина экан... Қара, қошини чимирганини қара! Кетмайди бу... Ойимтилла ўз хаёлларида нақ осмонда юрибдилар, оломондан тепада! Ҳе-ҳе-ҳе... Бизларни одам ҳисобига қўшмайди бу!

Грябов тиззагача сувга киргач, бўйдор қоматини кўз-кўз қилгандек керишиб олди-да, дўстига кўз қисди:

— Эркалигини Англиясига бориб қилади!

Мисс Тфайс киприк қоқмай, чувалчангни янгилади, одатдагича бир марта эснаб олиб, қармоғини сувга ташлади. Отцов тескари ўгирилди. Грябов илиниб қолган қармоғини топиб, сувга бир шўнғиб олди-да, пишиллаганча дарёдан чиқди. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмай, у худди боягидай, қумга чордона қуриб ўтирганча балиқ тутар эди.

М. МУҲАММАД ДУСТ таржимаси

¹ Илтимос қилардимки... (франц.)

Жаҳон классик адабиётиган

Уильям Шекспир

МАКБЕТ

II ПАРДА

I-САҲНА

Инвернес. Макбет қасри. Ҳовли. Банко билан олдинда машғала тутган Флинс кирадилар.

БАНКО

Қай маҳал бўлди?

ФЛИНС

Ой ботди, соатнинг зангин

Эшитмадим.

БАНКО

Ой эса-чи, ярим кечада

Ботади.

ФЛИНС

Ҳозир сал кечроқ.

БАНКО

Қиличимни ол.

Тун одамни ютай, дейди. Энди осмон ҳам Юлдузларни аяйдиган одат чиқарди.

Киприкларим зилдай оғир. Ухлайин десам, Юрак қурғур бетламайди. Эй, сиз, тангрилар! Кечалари умримизни эговлагувчи Ваҳимали хаёллардан бизни қутқаринг!

Макбет ва машғала кўтарган хизматкор киради.

Қилични бер. Ким бу?

МАКБЕТ

Дўстман!

БАНКО

Қандай? Ҳали ҳам
Етмадингми? Қирол хурсанд, уйқуга кетди.

БЕШ ПАРДАЛИ
ФОЖИА

Саъдулла АҲМАД
таржимаси



Давоми. Боши ўтган сонда.

Бекаму кўст нишонланди хизматларингиз.
Бу олмосни у энг яхши уй бекасига —
Хотинингга инъом қилди, ол, ҳаммангиздан
Бениҳоя рози бўлди.

М А К Б Е Т

Тайёргарликсиз,
Бесаришта вақтимизда келиб қолди у,
Биз қўлимиз қисқа пайтда зиёфат бердик.

Б А Н К О

Қўй, ҳаммаси яхши ўтди. Мен эса бунда
Ҳалиги дуч келганларни ўйлаб турувдим.
Сенга қилган башорати қисман ҳақ чиқди.

М А К Б Е Т

Мен фаромуш бўлибман сал. Аммо ҳамиша
Биз бу ҳақда гаплашмоққа фурсат топамиз.
Хоҳласанг бас.

Б А Н К О

Сен истаган пайтда мен тайёр.

М А К Б Е Т

Мен билан бўл, шон ва шараф топаман, десанг.

Б А Н К О

Бажонидил, агар бу шон эски шуҳратга
Чанг солмаса!

М А К Б Е Т

Хайрли тун!

Б А Н К О

Ўзингга ҳам. Хайр!

Банко ва Флинс кетадилар.

М А К Б Е Т

Бекангга айт, тезроқ тунги ичимлигимни
Тайёрлагач, ҳаялламай, менга занг чалсин.
Сўнг, бориб ёт.

Хизматкор кетади.

Бу нимаси? Қаердан келдинг,
Кўз олдимда пайдо бўлган муаллақ ханжар?
Дастанг менга қаратилган, тутишга ўнғай.
Ушлайман. Йўқ. Қўлим бўм-бўш. Сен илинмайсан.
Аммо кўзим кўраётир. Демак, сен — рўё!
Сен — миямиз қизиганда, алаҳлашлардан,
Васвасадан туғилгувчи хаёл ханжари!
Йўқ, тўхтаб тур, ахир, сенинг ҳеч бир фарқинг йўқ
Ўз қинидан суғурганим ушбу ханжардан.
Сен — йўлчимсан, қайга бориб ва ўзим билан
Йўлга нима олишимни эслатиб турган.
Мен қора кўр эмасман-ку, сени кўрмасам,
Е бу ҳислар жилвасими? Нима бўлса ҳам,
Кўз ўнгимда яна қайтиб ярақляясан.

Тиғингдаги қон томчиси аввал йўқ эди —
Менинг қонли ниятимни билиб олгандай,
Узи йўқнинг алдаш бу. Борлиқ-атроф жим,
Ярим дунё донг уйқуда. Ухлаганларни
Найранг билан ғажимоқда омонсиз тушлар.
Жодугарлик кучларига жон кириб қолиб,
Ранги ўчган Гекатани¹ алқамоқдалар.
Узоқлардан чиябўри увиллашини
Эшитганча, аста пусиб, Тарквиний² мисол
Қотиллик жим йўналади қурбони томон,
Қулоғингни қар қил бир пас, қотиб тур, эй, ер!
Сен эшитма, бу ўғиринча қадамларимни.
Токи, тошлар тилга кириб, сотиб қўймасин,
Бузилмасин сукунатнинг оғир жимлиги,
Мен-ку, таҳдид қилмоқдаман, ҳали у тирик.
Кўп гапириб, ўз қонимни совутмоқ нечун?

Занг товуши.

Ҳа-ҳа! Зангнинг шум товуши чақирар мени.
Қулоғингни бекит, Дункан, сени бу товуш
Е жаннатга узатади, ёки дўзахга!..

Кетади.

2-САҲНА

Уша ерда. Макбет хоним киради.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ҳа-я, бир қултум май билан тап-тахт бўлишди.
Улар сўниб битдилар-у, аммо бу билан
Мен ўт олиб, яна бадтар кучаймоқдаман.
Нима? Бойқуш қичқирдимми? Ҳаҳ, сен, ўлимнинг
Ҳозиржавоб ҳисобчиси, етиб кепсан-да!
Макбет ишга киришибди. Эшик ланг очик,
Соқчилар ўз касбларини калака қилиб,
Бежавотир хуриллашар басма-басига.
Ичимликка уйқудори қўшиб берганман,
Уларга кайф — ажал билан жон талашмоқдир.

М А К Б Е Т (саҳна орқасидан)

Ким бор?! Ким бор?!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Оҳ, уларни уйғотиб қўйди.

Яна айни киришда-я! Хароб бўлдик! Жим!
У соқчилар ханжарини топиши керак, —
Мен уларни аниқ жойга олиб қўйганман.
Э воҳ, Дункан уйқусида марҳум отамга
Бунча ўхшаб кетмасами! Уни ўзимок
Тинчитардим...

Макбет киради.

Макбет!

М А К Б Е Т

Тамом! Саранжом қилдим!

Сен шовқинни эшитдингми?

¹Геката — жодугарлик маъбудаси.

²Тарквиний — Лукрециянинг номусига теккан қадимги Рим подшоси. Шекспир унинг бу қабоҳатини «Лукреция» достонида акс эттирган.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Бойқуш қичқириб,
Чигирткалар чириллади. Кимга гапирдинг?

М А К Б Е Т

Қачон?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ҳозир.

М А К Б Е Т

Ҳозир? Пастга тушаётибми?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ҳа.

М А К Б Е Т

Жим!.. Қўшни уйда ким ухляпти?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Дональбайн.

М А К Б Е Т (қўлларини кўрсатиб)

Қара, қандай ачинарли!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ачинма.

М А К Б Е Т

Бир

Уйқусираб қаҳ-қаҳ урди. Яна биттаси:
«Қотиллик», деб овоз берди ва бирданига
Иккаласи чўчиб тушди. Дамимни ютиб,
Қараб турдим. Дуо ўқиб, қайтиб ётишди.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Орқада ҳам иккитаси ётибди, секин.

М А К Б Е Т

Бирови: «Шафқат қил ўзинг!» деса, бошқаси
Худди менинг қоронғида биқинганимни,
Уйга жаллод кирганини билиб тургандай:
«Тавба» дейди. Кўкдан шафқат тиланганига
Қўшилишиб, мен ҳам «тавба» дердим-ку, бироқ
Тил бормади.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Сен бекорчи нарсаларга кўп
Берилаверма.

М А К Б Е Т

Нима ҳам бўлиши мумкин
Менинг «тавба» дейишимга халақит берган?

Жону дилдан сифинмоқчи эдим-у, аммо
«Тавба» сўзи томоғимда тиқилиб қолди.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Қилган ишни ҳадеб қайта ўйлайверсанг ҳам,
Эс оғади.

М А К Б Е Т

Қулоғимга бир товуш келди:
«Энди ухлаш керак эмас! Макбет уйқуни
Сўйиб қўйди». Уйқуни-я, уйқу малҳамдай
Тандан ташвиш риштасини сўриб олади,
У билдирмай олиб кетар кунларимизни.
Заҳмат чекиб, толганларга уйқу ҳаловат,
Руҳи хаста, касалмандга — тўтиё, ҳаким —
Уйқу деган табиатнинг мўъжизасидир,
Ундан лазиз озуқ ҳам йўқ ернинг юзиди.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Не деяпсан?!

М А К Б Е Т

Чор тарафдан садо келмоқда:
«Энди ухлаш керак эмас! Гламис беги
Уйқумизни бўғизлади! Кавдор ўзи ҳам
Ухламайди, уйқу энди Макбетга ҳаром?!»

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ким бундай дейиши мумкин? Тетикроқ бўл, бек!
Қўлингни юв, кўз-кўз қилма шармисорликни!
Нега ҳамон ханжарларни ушлаб турибсан?
Етоқхона эмасмиди уларнинг ўрни?!
Жойига элт. Соқчиларга қон-пон суртиб қўй.

М А К Б Е Т

Боролмайман. Ўз ишимга боз — қайта бошдан
Қарагудай тоқатим йўқ.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Қандай ношудсан!
Бер менга, ўзим элтаман. Суратдагидек
Ҳаракатсиз, маст уйқуга кетганлардану
Уликлардан қўрқмайман мен. Болаларгина
Қўрқишади расмдаги ажиналардан.
Мен қон билан соқчиларни шундай бўяйки,
Кўринганга, мана мен, деб турсин қотиллик!

Кетади. Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

М А К Б Е Т

Ким бўлди бу тақиллатган? Нима гап? Энди
Шитир этган ҳар товушдан чўчиб тушаман.
Қўлларим-чи! Ух!.. Қўлимга қараб, кўзларим
Хонасидан чиқай дейди. Бир қўл ювишга
Уммон ҳам кам. Бу қон юқин кеткизаман, деб
Бутун бошли денгиз сувин қизартиш мумкин.

Макбет хоним қайтиб киради.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Меники ҳам қон-ку, аммо мен қўлдан эмас,
Қон қусиган юрагимдан ўпкалар эдим.

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Қуйи томон дарвозамиз тақиллаяпти.
Ичкарига кирайлик, юр. Бир оз сув олиб,
Қон юқини ювиш керак, тамом-вассалом.
Узингни тут!

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Ана, яна тақиллаяпти.
Кириб устингни алмаштир. Шундай кўринсанг,
Ҳали булар ётишга ҳам улгурмапти, деб,
Гумонсираб қолишади; ўйлама, унут!

М А К Б Е Т

Бу савдони биратўла унутиш учун,
Мен ўзим ҳам унутилсам, минг рози эдим!

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Тақиллат, тақиллатавер! Тақиллатиш-ла,
Қани эди, Дунканни ҳам уйғота олсанг!

Кетадилар. Тақиллаш давом этади.

3-САҲНА

Уша ерда. Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади. Дарвозабон киради.

ДАРВОЗАБОН

Тақиллат-а! Қулоқ-миямни қоқиб олдинг-ку! Тақдир алқаб, дўзахнинг қопқасига қоровул бўлиб қолсанг, эшик очишдан бошқасини билмас экансан-да!

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Қоқавер-қоқавер! Вельзевул ҳаққи, ким у? Ҳа, ҳа, бўлиқ ҳосилни кута-кута, ўзини осиб қўйган заминдор бу. Қадамларига ҳасанот! Дастрўмолдан етарлими? Утхонада терлаб кетасан!

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Қоқ-а! Қоқавер! Шохсиз шайтон ҳаққи, кимсан? Ҳа, биламан! Бу судларда ҳар икки томонни ҳам қопдай шишириб, ўзи уйган ёлғон тоғидан осмонга кўтарилолмай қолган ёлланма шоҳид. Хуш кептилар! Кир, ёлланган шоҳид!

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Қоқ, қоқавер! Ким бўлди бу? Билдим, билдим. Фарангча шим бичиб, лахтагини тагига босган инглиз тикувчиси. Ут, тикувчи. Буни дўзах дейди. Дазмол қизитадиган жойни энди топдинг!

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Бу қандай тиними йўқ, қўнимсиз бўлди! Янглишмадингларми ишқилиб? Утхона учун бу ер совуқлик қилади. Ҳечқиси йўқ! Айшинг айри йўлидан жаҳаннам ўтига тушаётган казо-казоларга кўп эшик очдим. Дўзахга шунча дарвозабонлик қилганим етар.

Саҳна орқасидан тақиллаш эшитилади.

Ҳозир, ҳозир! Дарвозабонни ҳам марҳаматдан қуруқ қўйманглар.

Дарвозани очади.

Макдуф ва Ленокс кирадилар.

МАКДУФ

Кўринишдан кеч ётганга ўхшайсан, ошна.
Нега бунча имилладинг?

ДАРВОЗАБОН

Алдамай айта қолай, тақсир, хўроз икки қичқиргунча қийқириб май кайфин сурдик. Мастликнинг эса учта ростлиги бор, бун биласиз.

МАКДУФ

У қандай ростлик экан?

ДАРВОЗАБОН

Буруни қизартиради, уйқуни қутуртиради, ҳадеб ҳовлининг бир буржиги югуртиради. Ҳе, нимасини айтай, май хотинбоз, саёқ қилади. Ўзи гуноҳга ботириб, ўзи фориғ этади. Қўшни хотинга борасану уддасидан чиқолмайсан. Фосиқликда майдан товламачиси йўқ. Оёғингни ердан узиб, ботир қиладиган ҳам, лойга ботирадиган ҳам ўзи. Ўзи васвасага солади-ю, сириггни очиб, расвои раддингни чиқаради.

МАКДУФ

Май бу кеча сени ҳам ўз мақомига ўйнатган чиқар?

ДАРВОЗАБОН

Шунақароқ, тақсир, шунақароқ. Аммо ичимлик билан иккимиздан қайсимиз устун келганимиз ҳали даргумон. Лаънатининг жозибасига учмадим, ўзиям, жазавам тутиб, оёғини осмондан келтирдимми, дейман-ов!

МАКДУФ

Хўжанг уйқудан турдимми?

Макбет киради.

Ана, ўзи ҳам.

Тақиллатавериб, уни уйғотиб қўйдик.

ЛЕНОКС

Тонгингиз қутлуғ!

МАКБЕТ

Хуш кўрдик.

МАКДУФ

Шоҳ турдимми?

МАКБЕТ

Йўқ.

МАКДУФ

Еруғ тушмай кел, деганди. Кечикиб қолдим.

МАКБЕТ

Марҳамат, бошлаб бораман.

МАКДУФ

Биламан, бу иш
Сизга кўп хуш ёқади-ю, аммо иш — иш-да!

М А К Б Е Т

Хуш ёққан иш малол келмас. Мана бу эшик.

М А К Д У Ф

Тўғри кириб бораман-да, ўзи буюрган.

Кетади.

Л Е Н О К С

Қирол бугун жўнайдимми?

М А К Б Е Т

Ҳа, кетмоқчийди.

Л Е Н О К С

Оқшом қуюн қутурди-я! Биз ётган уйнинг
Мўрисини олиб кетди. Айтишларича,
Аллакимнинг жон-талваса чинқиригию
Қиргинлардан, ёнгинлардан башорат қилган
Товушини жуда кўплар эшитган эмиш.
Ер қимирлаб, қарғалар ҳам кўп қағиллади.

М А К Б Е Т

Ваҳимали кеча бўлди.

Л Е Н О К С

Бунақасини,
Ақлим кириб, умрим бўйи эшитмаганман.

Макдуф қайтади.

М А К Д У Ф

Даҳшат! Даҳшат! На тил, на дил буни аташга
Куч тополмас!

М А К Б Е Т ва Л Е Н О К С

Не гап экан?

М А К Д У Ф

Эй, нур кўр қилгур!
Шаккоклик! Йўқ, шаддодлик бу! Зеро, худонинг
Соясига ерда солган черков бузилган!
Жасаддан жон ўғирланган!

М А К Б Е Т

Жон деяпсизми?

Л Е Н О К С

Нима, нима?! Ул жаноби олийларининг
Жониними?!

М А К Д У Ф

Шу эшикка бир киринглар! Ҳой!
Горгона кўр қилмайдими?! Сўраб турманглар!
Бориб кўринг, сўз тополмай, ожиз қоласиз!

Макбет ва Ленокс кетадилар.

Занг чалинглар! Хиёнат бор! Уйғонинглар! Ҳой!
Қотиллик бу! Уйғон, Банко! Дональбайн! Малькольм!
Чин ўлимнинг бетига тик қарамоқ учун,
Қоқиб ташланг устингиздан ўлик уйқуни!
Малькольм, Банко! Туринглар, ҳей! Турингиз, туринг!
Маҳшар куни гўрдан чиққан руҳлардай туринг!
Мана, дахшат! Кўряпсизми?! Зангни уринглар!

Занг товуши. Макбет хоним киради.

МАКБЕТ ХОНИМ

Айтсанглар-чи, қандай офат юз берибдики,
Одам қолмай уйқусидан уйғотмоқдалар?!

МАКДУФ

Хоним, сизга бундай жавоб оғирлик қилар!
Тушунтирсам, ҳуш учади!

Банко киради.

Ҳой, Банко, Банко!
Қиролимиз ўлдирилган!

МАКБЕТ ХОНИМ

Бизнинг уйда-я?!

Е, худойим!

БАНКО

Бунда уйнинг нима дахли бор?!
Ўлдирилган дейсанми сен? Йўқ, мумкин эмас!
Тезроқ тузат, сен нотўғри эшитибсан, де!

Макбет ва Ленокс қайтиб кирадилар.

МАКБЕТ

Ана шундан бирор соат олдинроқ ўлсам,
Жуда хушбахт бир асрда яшаб ўтардим.
Хўш, қимматли нима қолди? Ҳеч нарса, э воҳ,
Ҳаммасини олиб кетди. Ҳаёт қуп-қуруқ.
У ўз майин ичиб бўпти. Тубида эса
Бизга аччиқ қуйқасини қолдирган, холос.

Малькольм ва Дональбайн кирадилар.

ДОНАЛЬБАИН

Нима бўлди?!

МАКБЕТ

Сизлар борсиз. Аммо қонингиз —
Ҳаётингиз сарчашмасин кўзи қуриди.

МАКДУФ

Отангизни ўлдиришган.

МАЛЬКОЛЬМ

Э воҳ! Ким?! Қачон?!

ЛЕНОКС

Афтидан, хос соқчилари бу ишни қилган.
Бетлари ҳам қўлларида қон юқи қотган,

Артилмаган ханжарлари қонга ботгандир.
Уларнинг кўз қарашиди асли маъни йўқ,
Шоҳимизни ишонмоқлик хатарли эди.

М А К Б Е Т

Энди уларни ўлдириб қўйганим учун
Жуда пушаймонман.

М А К Д У Ф

Нега, сиз ўлдирасиз?!

М А К Б Е Т

Ҳам ақлнинг, ҳам жаҳлнинг отига миниб!
Бу икки от жиловини ким бирдан тортса,
Кўп кулмасин, бир кун менинг ҳолимга тушар!
Жаҳл усти, садоқатим бир дам зўр келди
Мулоҳаза мулзам қилган муҳокамамдан.
Шундай кирсам, таъна қилиб, Дункан ётибди!
Кумуш тани қирмизига беланган шоҳнинг
Жароҳати катта очиб қонли оғзини,
Дерди, мана, қайдан ўтган ўлимнинг йўли!
Қотиллар донг қотган эди оёқ учида,
Қилмишларин кўз-кўз қилиб, очиқ, ошкора,
Ҳали қон ҳам қуримаган ханжарларида!
Айтинг, бу ҳол қаршисида жим туролгай ким?
Шоҳга меҳрин иши билан ким исботламас?!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ох, нимадир бўлди менга!

М А К Д У Ф

Хонимга қаранг.

М А Л Ъ К О Л Ъ М
(Донаябайнга қараб)

Ҳаммадан кўп куюнмоқлик ҳақли бурчимиз
Бўлган ҳолда, биз мум тишлаб турибмиз нечун?

Д О Н А Л Ъ Б А И Н (Малькольмга қараб)

Бу бўрилар ўртасида гапириб кўр-чи?!
Ҳар бурчакда ажал бизни кўзлаб турибди.
Юр, бу ердан қочайлик тез. Навбати келар,
Ҳали биз ҳам бағримизни тиглаб йиғлармиз!

М А Л Ъ К О Л Ъ М
(Донаябайнга қараб)

Дод! Вовайло! Бу қандай кун?! Отанг ўлса-ю,
Уч олишга чорлолмасанг товуш чиқариб?!

Б А Н Қ О

Ҳой, хонимга қарашинглар!

Макбет хонимни олиб чиқадилар.

Кийиниш керак.
Совқотгандан танзимизда қалтироқ турди.
Сўнг барчамиз тўпланайлик, қотиллик изин

Топмоқ учун, тинтиб авра-астаригача.
Ҳозир эса биз даҳшатдан алаҳсиб қолдик.
Худо ўзи паноҳ, яна гувоҳ бўлсинким,
Бу ёвузлик асло мендан қочиб қутулмас!

М А К Д У Ф

Мен ҳам шундай онт ичаман.

Ҳ А М М А

Биз онт ичамиз!

М А К Б Е Т

Қуролларни тайёр тутинг, ҳарбий ҳолатда
Маслаҳатга тўпланамиз.

Ҳ А М М А

Бўпти, келишдик.

Малькольм ва Дональбайдан бўлак ҳамма кетади.

М А Л Ъ К О Л Ъ М

Нима қилдик? Биз уларга етти ёт энди.
Қайғусини кўз-кўз қилган муғамбирдан қўрқ!
Англияга жўнайман мен.

Д О Н А Л Ъ Б А Й Н

Ирландияга

Жўнаб кетсаммикан мен ҳам? Шуниси маъқул.
Йўлларимиз айри тушса, хавотир озроқ.
Қўлларида қонли ханжар, бу ерда бизни
Зуғум кутар ҳар табассум ортидан пусиб!
Бунда турган қондошлардан, қайси қанчалик
Яқин бўлса, қонимизга шунчалик ташна.

М А Л Ъ К О Л Ъ М

Қотил ўқи қоқ нишонга тегмай, йўл излар.
Шундай экан, бу ўққа йўл бўшатган афзал.
Тез отга мин! Хайру хўшнинг пайтимас ҳозир.
Нақ ажалнинг чангалини четлаб, ўғринча,
Уз жонини қутқазганлар ўғрига ўтмас!

Кетадилар.

4-САҲНА

Уша ерда. Макбет қасри ортида.

Роёс билан қария кирадилар.

Қ А Р И Я

Ҳе, етмишни қораладим. Бу бош кўрмаган
Гурди бало қолган эмас. Аммо бу кеча
Қути ўчди шу ёшгача кўрганларимнинг.

Р О С С

Ҳа, қария, биз осмоннинг ғашига тегдик.
Катта чоштгоҳ пайти ҳозир, қуёш чиқмади —
Кундуз юзин ёвузлардан яширдимикан,
Е офтобни тун ютдими? Ғафлатда қолдик.

Қ А Р И Я

Табиатга акс бир ишлар бўлаётирми?
Бугунги кун куйиши ҳам табиатга акс.
Билсанг, ўтган сешанбада бургут кўзини
Қарга чўқиб турганини ўзим кўрганман.

Р О С С

Шоҳимизнинг сатта зотдор отларин айтинг!
Ҳаммаси ҳам кўзмунчоқдай тўбичоқ эди.
Жониворлар қутурди-ю, ух, худо урди,
Сайисхона турумани бўйинтуруқдай
Илиб чиқиб, оёқости қилди кўп жойни.

Қ А Р И Я

Бир-бирини тишлаб-гажиб ўлгани ростми?

Р О С С

Рост. Мен ўзим кўриб турдим. Ана, Макдуф ҳам
Келиб қолди.

Макдуф киради.

Нима гаплар ёруғ дунёда?

М А К Д У Ф

Икки тешик қулоғинг бор, эшитмадингми?

Р О С С

Ҳеч бўйнига олибдими, қотил ким экан?

М А К Д У Ф

Ким бўларди? Макбет сўйган ўша кимсалар.

Р О С С

Ажаб, қизиқ! Шўрликларга бундан нима наф?

М А К Д У Ф

Сотилган-да! Қочишибди Малькольм, Дональбайн —
Шоҳ Дунканнинг ўғиллари. Барча гумонлар
Қочоқларга ағдарилди.

Р О С С

Акс-билъакс яна.

Ҳокимият ишқи ҳушин олар кишининг!
Падар деган фарзандига томир эди-ку,
Зимдан туриб, ўз томирин чошибди, бадбахт!
Тахтга Макбет чиқса керак?

М А К Д У Ф

Чиқиб бўлди. Тожни кийиш маросимига,
Скон томон жўнаб кетди.

Р О С С

Дункан-чи, Дункан?

Уни қайга дафн этдилар.

М А К Д У Ф

Колмескиль деган
Жазирага. Уша ерда қироллар хоки.

РОСС

Сен Сконга кетяпсанми?

М А К Д У Ф

Йўк, ошнам, Файфга.

РОСС

Мен Сконга бора қолай.

М А К Д У Ф

Йўлинг оқ бўлсин!
Йўл олдидан, айтиб қўяй: тор келиб қолса,
Кийим-бошнинг янгисидан кўп дилтанг бўлма.
Зеро, эски усти-бошда хўп семирганмиз.

РОСС

Хуш қол, қария.

Қ А Р И Я

Соғ боринг. Узи асрасин
Ҳам сизни-ю, ҳам шу қисмат ўйинларини
Яхшиликка йўймоқ бўлиб куйинганларни.

Кетадилар.

III ПАРДА

I-САҲНА

Форрес. Сарой хоналаридан бири.
Банко киради.

БАНКО

Ҳаммасига эришдинг сен: Гламис, Кавдор
Ва ниҳоят, қирол бўлдинг. Аммо қойилман,
Ул алвасти ҳамширалар айтгани келди.
Қўрқаманки, бир озгина найрангинг ҳам бор.
Кароматга кўра, лекин тахт ворислиги
Менинг наслу насабимнинг насибасидир.
Менга ваъда қилган, сенинг пуштингга эмас!
Ҳа, ҳа! Менинг шохларимда шоҳ болалайди.
Башоратнинг боши ҳақми, — ноумид шайтон, —
Жон тикаман, жодугарлар, лафзи ҳалолдир,
Мен уларга ишонаман. Шошма, ким келди?

*Бурғу овозлари. Қирол кийимида Макбет, Макбет хоним ҳамда Ленокс.
Росс, лордлар, хонимлар, аъёнлар кирадилар.*

М А К Б Е Т

Ана, бизнинг қиёматли бош қўноғимиз!

М А К Б Е Т Х О Н И М

О, Банкосиз ўтган базм татирми бизга?!

М А К Б Е Т

Биз дастурхон ёзмоқчимиз бугун кечқурун,
Кўп мунтазир этмайсиз-а?

Б А Н К О

Буюринг, шоҳим.
Давлатингиз занжирида, бурч юзасидан,
Бир ҳалқаман бундан кейин.

М А К Б Е Т

Ҳозир йўл бўлсин?

Б А Н К О

Сафарим бор.

М А К Б Е Т

Ёсизгина, орзуманд эдим,
Бугун обод қиласиз деб мажлисни, майли
Эртагача қолдирамиз. Кўп узоқмасми?

Б А Н К О

Йўк, йўк, отим панд бермаса, нари-бериси,
Кун ботмасдан, кечликкача етиб келаман.

М А К Б Е Т

Илҳақ қилманг, кўзимиз тўрт...

Б А Н К О

Сўзим — сўз, шоҳим.

М А К Б Е Т

Узунқулоқ ҳар хил гаплар эшитмоқдамиз:
Қонсираган, кўрнамак қўш фарзанднинг бири
Англияда, яна бири Ирландияда
Гарданидан соқит қилиб падаркушликни,
Эл ғазабин ўзларидан чалғитмоқ бўлиб,
Ҳар хил тухмат, чўпчак тўқиб юришган эмиш.
Бунга, эртанги мажлисда ўйлаб, пишитиб,
Иш тутамиз. Оқ йўл берсин! Соғ кўришайлик.
Базмгача муҳлат бердим. Кечикманг. Флинс ҳам
Сиз биланми?

Б А Н К О

Шундай. Ҳозир йўлга тушамиз.

М А К Б Е Т

Отингизга қувват берсин. Юз кўришгунча!

Банко чиқади.

Кечликкача ҳаммангизга рухсат бераман.
Токи, сизнинг даврангизда дардимни ёзиб,
Ўйнаб-кулиб олай. Ҳозир ёлғиз қолдилинг.
Мен ҳарҳолда бир оз ҳордиқ чиқармоқчиман.

Хизматкор ва Макбетдан бўлак ҳамма чиқади.

Ановилар шу ердами?

Х И З М А Т К О Р

Қалъа ортида.

М А К Б Е Т

Тез бошлаб кел.

Х И З М А Т К О Р

Хўп бўлади, таксирим, ҳозир.

Хизматкор чиқади.

М А К Б Е Т

Шоҳлик қурсин, — тожу тахтинг омонат бўлса!
Энди Банко чанг солади тахту бахтимга.
Ундан нега қўрқимнинг боиси аён!
Савлатини кўриб руҳим майибу мажруҳ.
Ҳар ишида ақлу ишонч. — шоҳликдан нишон.
Улуғ Цезарь Антонийни босиб тургандай,
Банко деса, майдалашиб қолгум анчайин!
Бошқасидан қўрқадиган ерим йўқ менинг!
Башоратчи ҳамширалар фол очишганда,
Менга шоҳлик ваъда қилиб, Банкога эса
Шоҳлар сендан туғилади, демаганмиди?!
Менинг тахтим пуштсиз эмиш! Қўлимдан ўғлим
Тожу тахтни олмас экан! У бошқагамиш!
Мен қўлимни ҳали Банко чурвақалари
Учун қонга ботирдимми?! Ҳалол Дунканни
Қора қонга белаб, шариф номим булғадим;
Жирканаман, ўз-ўзимни кўрарга кўз йўқ!
Мен шайтонга шаҳар бериб, шоҳликни олдим.
Гўсхўрманми ҳали Банко ворисларига?!
Мендан кейин тахт уларга насиб қилармиш!
Қуритаман, Банконинг шоҳ зурриётини!
Танти жангга чақираман тақдирни! Ким у?

Хизматкор икки кушанда билан бошлашиб киради.

Сен чиқиб тур, керак бўлсанг, ўзим айтаман.

Хизматкор чиқади.

Кечагилар сизмидингиз?

1-К У Ш А Н Д А

Шундай, ҳазратим!

М А К Б Е Т

Қандай, ўйлаб кўрдингизми, айтганларимни?
Менга қилган даъвонгизда ноҳақсиз тамом.
Ҳа, ҳа, барча бахтсизликлар боиси — Банко.
Аввал сизга ваъда бериб, ноумид қилган,
Қашшоқбода, хонавайрон қилган ҳам ўша,
Режангизни бузиб, сизни паст тошга урган,
Оёқости қилиб олиб, ўмганингизни
Кўтартирмай қўйган ўша! Сиз мендан кўриб,
Беҳудага ранж тортибсиз. Бу — унинг макри.
Кеча очиқ айтган эдим, фаҳми бор одам,
Айбдор Банко эканлигин билса бўларди.

1-К У Ш А Н Д А

Ҳа, бир шаъма қилувдингиз, чамамда, шоҳим.

М А К Б Е Т

Кеча сизга бир учини чиқардим, холос.
Гапнинг ўғил боласини энди айтаман:
Бу хўрликка қачонгача чидамоқчисиз?
Эки сизга устозингиз, оч, муҳтожликдан
Ўлгунингча уй ичларинг билан ичикиб,
Зулмкорни дуо қилгин, деб ўргатганми?

1-К У Ш А Н Д А

Начора, шоҳ! Биз бечора одамлармиз-да.

М А К Б Е Т

Ҳа, одамсиз, зотингизни ҳисобга олса.
Аммо зотда бўрибосар, лайча, искович,
Този, гуржи ва яна уй кучуги ҳам бир.
Лекин содиқ, эсли бири — суйкалиб турар,
Яна бири искабтопар, бири изқувар,
Бири ғайир ва довюрак, бири дингқулоқ;
Ҳар бирининг ўз бурчи бор, — феъли бир эмас!
Одамлар ҳам бўлинади. Сиз қайси турдан?
Даражангиз борми сира, ўз даврангизда?
Мен билсамки, итнинг орқа оёғи эмас,
Ғайрликда қолишмайсиз, довюрак, жасур: —
Қўлингизга ул қутурган рақибингизни
Маҳв этгувчи шундай қурол тутқазардим-да,
Баҳраманд ҳам этар эдим, марҳаматимдан.
Ер юзида шу муттаҳам, оғзиқон бўри
Бор эканми, тириклик йўқ сиз билан бизга,
Унинг сўнгги нафасидан биз тириламиз.

2-К У Ш А Н Д А

Тирикманки, тарқамайди танда аламим,
Тақдир тоши юрагимни қогириб қўйган.
Бахтсизлигим ўчини то олмагунимча,
Ҳеч нарсадан тап тортмайман.

1-К У Ш А Н Д А

Мен ҳам, шаҳаншоҳ.
Омадсизлик одамликдан чиқарди мени.
Бахтни қайта тузаман ё тубдан бузаман,
Бир лаҳзалик шу ов учун ҳаётим гаров!

М А К Б Е Т

Демак, Банко бирдай ёвдир ҳар иккингизга?

И К К А Л А Қ У Ш А Н Д А

Балли, тақсир.

М А К Б Е Т

У менинг ҳам хундор душманам:
Бутун туриш-турмуши-ла, умримга эгов.
Ҳа, қўлимда иккиланмай уни рўйроост
Қора ерга киритмоқлик ҳукми бўлса ҳам,
Зинҳор бундай қилолмайман. Яқдил дўстлар бор —
Иккимизга биродардир қайсики улар.
Мен ўлдирсам, бети қора бўлиб қоламан,
Юз ўгириб кетар мендан яқин дўстларим.
Сиздан ёрдам сўрашимнинг боиси шунда,
Шундан, бу иш энг ичида битсин, деганим.

1-К У Ш А Н Д А

Жон кетса ҳам бажарамиз!

2-КУШАНДА

Хотиржам бўлинг!

МАКБЕТ

Очиқ айтсам, менга ёқди қатъиятингиз.
Бирор соат сайр қилинг, ҳужум вақтию
Қайда ётиб пойламоқни хуфъям кўрсатар.
Бугун тундан қолдирмасдан ва мумкин қадар
Саройимдан узоқроқда бажаринг ишни.
Оқибатдан қатъи назар, — пукка ё олчи,
Ҳарҳолда ҳам, мен чеккада қолмоғим керак.
Изни кўймоқ истасангиз, қўшиб тинчитинг
Ҳамроҳ бўлиб йўлга чиққан ўғли Флинсни.
Менга қолса, бўрибосар ўглин ўлими
Отасидан муҳимроқдир. Ит — ит-да, лаббай?
Бамаслаҳат бир қарорга келгач, айтарсиз.

ИККАЛА КУШАНДА

Биз келишиб қўйганмиз, шоҳ.

МАКБЕТ

Эшик ортида
Кутиб туринг. Сизни тезда чақиртираман.

Кушандалар чиқишади.

Бўлди, Банко! Тутган йўлинг жаннатга бўлса,
Кўп ошиқма, сал фурсатда етиб борасан.

Кетади.

2-САҲНА

Ўша ерда. Бошқа бир хона. Макбет хоним
ва хизматкор киради.

МАКБЕТ ХОНИМ

Банко жўнаб кетдимикан, хабаринг борми?

ХИЗМАТКОР

Бўлмаса-чи, кечга қолмай, қайтиб келади.

МАКБЕТ ХОНИМ

Шоҳга бориб, бекам сизни чорляпти, де.

Хизматкор чиқади.

Қурбонларнинг ҳисоби йўқ, аммо чўт эмас, —
Қанча кўпроқ қонга ботсак, шунча ваҳима!
Кушандалиқ билан тахтга эришгунча, бас,
Кушанданинг пичоғини қилардим ҳавас.

Макбет киради.

Ҳамон ўша оғир ўйлар ғарқобимисан?
Бу ўйловлар ўлмадими ўзлари билан?
Кошки, қайгу қайтаролса! Бўлар иш бўлди.

М А К Б Е Т

Биз шунчаки, хасталадик илоннинг думин,
У ҳали ҳам даҳшат солар бизга хезланиб.
Илон тирик — аримайди дилдан гўлгула,
Ундан кўра, қўпмайдими қиёмат қойим,
Менга деса, икки дунё бир бўлмайдими,
Каноридан чиқмайдими бутун коинот!
Минг қалтираб ўтказгунча бир тишлам нонни,
Кечалари ем бўлгунча ўз тушимизга?!
Нима азоб бу эзилиш? Бу совуқ ўйлар
Эрмак қилиб кемиргунча, яхшироқ эди, —
Тинчимизни кўзлаб, ўзни тинчитганимиз,
Дункан билан қўшилишиб қўшмозор бўлсак!
У қабрда, уйқусини ҳеч ким бузолмас,
Олатасир, таҳликали ҳаёт ўталган,
Хиёнат ҳам бўлса, татиб кўрди танида.
Энди ханжар, заҳар билан қўрқитолмайсан;
Ев босқини, қирғинбарот ички низолар
Шу ётишда бир мўйини қимирлатолмас.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ўзингни бос. Хушчақчақ бўл, зиёфат чоғи
Хўмраймасдан, меҳмонларнинг кўнглини овла.

М А К Б Е Т

Ҳа, албатта. Сен ҳам кулиб, очилиб ўтир.
Дастурхонда кўпроқ Банко диққатини торт,
Ўзимизга ишончимиз сушт экан ҳамон,
Ўзгаларни ялаб-юлқаб аврашга маҳқум
Ўзимизни юз мақомга солиб турамиз.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Қўй, шу эски ўйловларни.

М А К Б Е Т

Гапирма, хотин!
Яна хорман, кириб олди ичимга чаён, —
Банко, Флинс тирик, ахир.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ҳеч ўлмайдими?!

М А К Б Е Т

Ўлса, кошки. Яхшиямки, бунинг йўли бор!
Сен тетик тур: Кўршапалак овга чиққан дам,
Тун қўнғизи Гекатага юз тутган палла,
Шундай гавго қўзғолсинки, кўкракка уриб
Юрган ҳамма юрагини ҳовучлаб қолсин!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Нима бало қилмоқчисан?!

М А К Б Е Т

Билмаган маъқул.
Иш битса бас, билиб, ўзинг қойил қоласан.

Тун! Кундузнинг юзини сен туман билан тўс,
Қорақонли қўлинг чўзиб, чиркин кўнглимни
Чирмаб турган кўнгилчанлик чирмовугин уз!
Нур сўнмоқда. Тун зўрайди. Қағиллаб бориб,
Қарға кўнди ўрмондаги қайин учига...
Эзгуликлар тизгинланган кўр шабистонда
Ёвуз кучга жон оралаб, уйғонмоқдадир.
Нега бунча ажабландинг? Мен нима десам?
Иш аввали ёвузликдан бошланган экан,
Боз ёвузлик ёрдам берар! Бошқа на илож? —
Бахайр бўлсин, — оёғи ҳам бошига қараб.

Кетадилар.

3-САҲНА

Сарой қаршисидаги боғ. Уч кушанда кирадилар.

1-КУШАНДА

Сени бизга ким юборди?

3-КУШАНДА

Макбет.

2-КУШАНДА

Гапи рост.

Ишни тўғри тушунтирди бизга бир бошдан.

1-КУШАНДА

Ундай бўлса, шу ерда тур. Шафақ ҳам ўчди.
Жон ҳовлида отни қичар кечиккан йўлчи.
Овимиз ҳам ҳали-замон етиб келади.

3-КУШАНДА

Эшитинглар, от дупури!

БАНКО (саҳна ортидан)

Машғала тутинг!

2-КУШАНДА

Бу ўшадир? Ундан бошқа ҳамма қасрда.

1-КУШАНДА

Отлар ортга қайрилди-ёв!

3-КУШАНДА

Буриб кетишди,
Бир чақирим нарироқдан уларнинг йўли.
Банко эса бошқалардай боғдан ўтади.

Банко ва машғала кўтарган Флинс кирадилар.

2-КУШАНДА

Бошланг!

3-КУШАНДА

Худди ўзи!

1-КУШАНДА

Баракалла! Қўлдан чиқарманг!

БАҢКО

Бу кеч ёмғир ёгса керак?!

1-КУШАНДА

Еғиб бўлди-ку!

Учовлашиб Банкога ташланадилар.

БАҢКО

Хиёнат бу! Таги паст қул! Уғлим Флинс, қоч!
Қараб турма, қочиб қутул, қасосимни ол!

Улади. Флинс қочади.

3-КУШАНДА

Ким ўчирди машғалани?

1-КУШАНДА

Унга ҳожат йўқ!

3-КУШАНДА

Отаси ҳал. Баччағарнинг ўғли қутулди!

2-КУШАНДА

Иш ярмида чала қолди.

1-КУШАНДА

Юринглар, кетдик.

Қўлимиздан келгани шу, деймиз, сўраса.

Кетадилар.

4-САҲНА

Сарой меҳмонхонаси. Ўртада тузалган стол. Макбет,
Макбет хоним, Росс, Ленокс, лордлар ва аъёнлар кирадилар.

МАКБЕТ

Рутбангизга қараб, лутфан, жойни эгалланг.
Биз, бир бошдан, барчангиздан бирдай хурсандмиз.

ЛОРДЛАР

Ташаккур, шоҳ!

МАКБЕТ

Мен ўртадан ўтира қолай,
Меҳмондорлик қилмоғимга бу анча қулай.
Уй бекаси тўрда бўлсин. Сўрар эдикки,
Зиёфатни ширин сўзлар билан очса у.

МАКБЕТ ХОНИМ

Меҳмонларни муборакбод эта қол ўзинг.
Беҳад шодман. Бош устига. Хуш келибсизлар!

МАКБЕТ

Улар сени кўзларида алқамоқдалар.
Мен бу ердан ўтираман, ҳамма жойлар банд.

Эшикда 1-кушанда кўринади.

Қани бугун бир яйрайлик, дастлабки жомни
Ҳамма бирдан кўтаради.

(Эшикка яқинлашиб)

Бетинг қон юқи.

КУШАНДА

Ҳа-да! Банко қони учган.

МАКБЕТ

Билсанг, бу қонни
Унда эмас, сенда кўриб, вақтим хуш бўлди.
Иш битдими?

КУШАНДА

Ўзим сўйдим, жекирдагидан
Тириллатиб, шу қўл билан.

МАКБЕТ

Устаси фаранг
Каллакесарсан сен! Аммо ким Флинсни ҳам —
Гумдон қилди, чакки эмас. Ўзинг бўлсанг-ку,
Воҳ-воҳ, сенга ҳеч тараф йўқ!..

КУШАНДА

У қочиб қолди.

МАКБЕТ (бир четга)

Унда тагин мен ҳастаман. Ўйлаб эдимки:
Қайта тирилдим, мрамардай емрилмасману
Қоядай қойим; қуюндай бар тутқазмас, деб!
Бир чалишда яна ерга қапишиб қолдим,
Мен тушларга емман яна. Банко ўлдими?

КУШАНДА

Алдамайман, олампаноҳ. Тан ва бошидан
Йигирмата пичоқ еди. Шу зарбалардан
Биттаси ҳам кифояйди. Жарга қулади.

МАКБЕТ

Баракалла!

(бир чеккага)

Илон ўлди. Боласи тирик!
Пайти келиб, тиш остида заҳар тўплайди.
Бир вақт топиб, гаплашармиз, ҳозир боравер.

Кушанда чиқади.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ҳой, азизим, меҳмонларни қаратиб қўйдинг?
Пулинг бўлса, кўчадан ҳам қорин тўяди.
Меҳмонликнинг гашти шулки, уй эгасининг
Меҳри билан ийланади тортган таоми.

М А К Б Е Т

Уйга толиб қолибман сал, ҳақсан, маликам.
Сиз, мўътабар меҳмонларим, маъзур тутингиз,
Неъматлардан олиб туринг, қани, ош бўлсин!

Л Е Н О К С

Ҳукмдорим, ўзингиз ҳам ўтирмайсизми?
*Банконинг руҳи кириб. Макбет учун
ажратилган жойга ўтиради.*

М А К Б Е Т

Афсус, Банко кечикмаса, давлатимизнинг
Бор таянчи шу ерда, деб, айтган бўлардим.
Ўз сўзида турмади у. Наҳотки, йўлда
Бирор қор-қол юз берди? Йўқ. Худо урдими?!

Р О С С

Шоҳга берган сўзин бузиб, яхши қилмади,
Ташвиш тортманг, ўлтиринг шоҳ, келинг, биз билан.

М А К Б Е Т

Бўш жой йўқ-ку? Ҳаммаси банд...

Л Е Н О К С

Битта бўш жой бор.

М А К Б Е Т

Қани?

Л Е Н О К С

Ана... Э-э! Не бўлди сизга шаҳаншоҳ?

М А К Б Е Т

Ким қилди буни?

Л О Р Д Л А Р

Нимани ҳазрати олий?

М А К Б Е Т

Менга бунча лиқиллатма қонли бошингни,
Гарданимга қўёлмайсан, мен ўлдирмадим.

Р О С С

Ҳазратимнинг хуши унча жойида эмас,
Биз турайлик.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Йўқ, қўзғалманглар.
Бу касали ёшлиқдан бор, хавотирланманг,

Кўп эътибор берманг, ҳозир ўтиб кетади.
Ўрнингиздан қимирламай, овқатга қаранг,
Қани?

Эркакмисан ўзи?

М А К Б Е Т

Бўлганда қандай?
Қазо қўрқар балога тик қараб турибман!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Тагин нима кўринмоқда ҳуркак кўзингга?
Шоҳ Дунканнинг ётоғига кираверишда
Кўринган-ку, ханжар эди. Бу-чи, ажалми?!
Пешонангда совуқ тер бор, буюқ урдими?
Қалтирайсан? Қишда эртак эшита туриб,
Тантиқ қизлар титрар шундай печка олдида.
Сен улардан беш бадтарсан! Юзингда қон йўқ,
Сен куп-қуруқ ўриндиқдан қўрқдинг, тўғриси!

М А К Б Е Т

Анавинга нима дейсан? У ёққа қара!
Кўряпсанми?... Менга бундай бош силкигунча,
Мақсадга ўт, ҳой, оч арвоҳ, ниятинг нима?
Тобутлар ҳам танимизни қабул қилмасдан,
Қайт қилгандек, ортимизга қайтарар экан,
Қузгунларнинг ошқозони тузукми, дейман, —
Тош ҳам тушса, ҳазм қилар, гўштимиз туғул!

Рух кетади.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Сен эсингни еб қўйибсан!

М А К Б Е Т

Ўзим кўрдим-ку!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Уялсанг-чи!

М А К Б Е Т

Қадимда ҳам қонлар тўкилган,
Қонун чиқиб, қон тўкишни ман этмагунча.
Ундан сўнг ҳам қанча қаттол қиронлар бўлган,
Аmmo шуки, бош суягин пачоғи чиққач,
Мурда қайтиб тирилмаган, кўзгалмай ётган.
Энди бошда йигирмата жароҳат билан
Гўрдан чиқиб, тирик жонга таҳдид солмоқда. —
Ҳар қанча қон, қиргидан ҳам қўрқинч эмасми,
Улик келиб, даврадаги ўрнингни олса?..

М А К Б Е Т Х О Н И М

Давлатпаноҳ, интизорлик чекди меҳмонлар.

М А К Б Е Т

Нечук? Хаёл элителиди. Дўстлар, гам еманг,
Қўрқадиган ҳеч жойи йўқ, касалим енгил.
Тенгу тўшлар кўңикишган. Менга май қуйинг,

Барчангизнинг соғлигингиз учун ичаман!
Қадаҳларни тўлатинглар, лаболаб бўлсин!
Шунда мен ҳам ўлтираман. Шу даврамининг
Шавкатига ҳамда Банко жанобларининг
Шарафига ичаман мен. Афсус келмади,
Келганда, хўб бўлар эди!

Л О Р Д Л А Р

Соғлигингизга!

Рух қайтиб киради.

М А К Б Е Т

Даф бўл, дейман! Қоранг ўчкур! Кўзимдан йўқол!
Қонинг совиган! Танингни ер яширсин! Уч!
Кўзингда кўз йўқдир сенинг, миянга мия,
Бари оқиб адо бўлган, мени алдама!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ажабланманг, жой-жойига ўтирсин ҳамма,
Касали тез қўзияпти кейинги пайтда.
Эссизгина, ўтиришни бузиб қўйди-я!

М А К Б Е Т

Одамзоднинг кучи етган ҳамма нарсага
Қодирман мен, радди-бадал беришга тайёр!
Майли, айиқ бўлиб келгин, ваҳший каркидон,
Майли, Ҳирқон фаланги бўл, мен, ваҳоланки,
Қилт этмайман. Тирилиб кел, майли, қайтадан,
Майдонга чиқ, зарра қўрқсам, ҳажикиз, деб сўк.
Бу туришда яқинлашма олдимга лекин
Йўқол! Жойинг қора гўрда, арвоҳ, очофат!

Рух кетади. (бир чеккага)

Ана, кетди, қайтабоддан одам бўлдим мен.

(меҳмонларга)

Нега, бирдан қўзғалдингиз? Турманг, жаноблар.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Ўлар қандай ўтиришсин, хўб қўрқитдинг сен,
Гапни-гапга қўшмадинг-ку, алаҳлайвериб.

М А К Б Е Т

Езги булут бўлса экан, ҳайратланмасанг.
Бильакс сенга ҳайрон қолдим, бирров кўринса,
Қалб уришдан таққа тўхтаб, қон қотади-ю
Юзингдаги қизилинг ҳам ўзгармапти-я!

Р О С С

Тушунмадик, аълоҳазрат, кўринган нима?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Гап қўшмангиз, у ўзига келганмас ҳамон,
Йўқса яна авжга чиқар. Шов-шув кўтармай,
Ҳамма бирдан тарқалсин, тез. Хайрли оқшом!

Л Е Н О К С

Тезроқ шифо берсин, зоти олийларига!

М А К Б Е Т Х О Н И М

Худо хайрингизни берсин, омон бўлинглар!

Макбет ва Макбет хонимдан бошқа ҳамма кетади.

М А К Б Е Т

Ҳа, қонсираб келибди у, қонни қон ювар.
Ровийлардан эшитганман: Қачон тош кўчиб,
Дов-дарахтлар тилга кирса, қарға қағиллаб,
Олашақшақ шақилласа, — жодугар фолбин
Кушанданинг яширинган жойин очармиш.
Кеча ярим бўлдимикан, бунча чўзилди?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Тонг оқариб қолай деди, тун битди, ҳисоб.

М А К Б Е Т

Қандай ҳадди сиғди экан, Макдуф келмади?
Ҳеч синоат сезмадингми бунинг тагида?

М А К Б Е Т Х О Н И М

Биронтани юбордингми?

М А К Б Е Т

Юбормадим-ку,
Бизга сира рағбати йўқ, сезиб юрибман.
Барчасининг уйда тутган хизматкорлари
Орасида одамим бор, етказиб турар.
Саҳар туриб, башоратчи бекаларимнинг
Ҳузурига бормоқчиман. Қани, билай-чи,
Яна олдда не балолар кутмоқда экан?
Ҳозир кўриб турганимдан бадтар эмасдир!
Узил-кесил билмоқчиман келажагимни, —
Ҳарчанд ёмон аломатдан сира қайтмайман,
Қонга ботгач, бундан зиёд яна нима бор!
Жон тикиб ҳам бўлса, олға силжиған афзал
Боз орқага қайтгунингча, ул қонли издан.
Кўзлаб қўйган режалар бор, бирдан-бир илинж,
Тезроқ ўзни қўлга олсам, ишлар тиқилинч.

М А К Б Е Т Х О Н И М

Фақат уйқу қутқазади бу азоблардан,
Ҳозир эса сен жудаям кам ухлаяпсан.

М А К Б Е Т

Ҳа, ётайлик. Янги бўлсанг қисинаркансан:
Кесиб бир гап айтолмайсан, қатъият егмас, —
Иш кўзини билмасликдан бу изтироблар.

Кетадилар.

5-САҲНА

Яланглик. Момақалди роқ гумбурлайди. Уч алвасти, рўпарадан Геката кирадилар.

1-А Л В А С Т И

Хуш кўрдик, кел, марҳабо!
Ҳай, намунча қош-қовоқ?
Хафамисан, Геката?

Г Е К А Т А

Аччиқландим, албатта,
Билмам, бунда ким катта?
Макбетга, бемашварат,
Нечун ёздингиз қисмат?
Мен бош сизга, энага, —
Четда қолсам, нима гап?!
Сизни ўқитган ўзим,
Қўлимда жаъми тилсим!
Айтсам, бари касофат —
Афсунга ҳам йўқ хожат. —
Макбет аввал-бошдан ҳам
Пихин ёрган муттаҳам,
Золим эди, тошбағир,
Юзага чиқди охир:
Бир шумлик кутиб юрди —
Қутқунгиз қутуртирди...
Энди ювиб бу айбни,
Ишга солайлик ғайбни.
Эртан тўпланинг ғорда,
Макбет келиб, наҳорда
Сўрар сиздан такбирин,
Шум қисмати, тақдирин.
Сиз катта қозон осиб,

Жоду қайнанинг босиб.
Макбетни мен бу кеча
Авраб, қайрайман пича.
Қолган ишлар сизга тан,
Ҳу, ана у сўқмоқдан
Ойга чиқаман. Шу дам
Ой ўроғин учиди
Кўзёшидай бир чакра
Заҳар турибди — какра,
Томиб кетмай борайин,
Макбет ақлин қорайин:
Уйламай ҳамиятни,
Йиғиштирсин уятни.
Кўркмай қўйсин, ростдан ҳам,
Жисмим метин, мустаҳкам,
Ярадор бўлмас, десин,
Улим қор қилмас, десин. —
Шундай йўяман эсин.
Ҳаддан зиёд керилса,
Мақтов сўзга берилса,
Омон топмас ҳар киши,
Одамзоднинг марги — шу!

Саҳна ортидан қўшиқ ва мусиқа товушлари эшитилади.

Париларим имлаётир осмонга.
Тез қайтаман!

Иўқолади.

1-А Л В А С Т И

Бу сен умун осон гап.
Биз ҳам ишга тушайлик,
У келмаси учайлик.

Ғойиб бўладилар.

6-С А Ҳ Н А

Форрес. Сарой хоналаридан бири. Ленокс билан бошқа бир лорд кирадилар.

Л Е Н О К С

Шубҳангизга жавоб-ку, шу қочириқларим,
Келинг, ана, тарозига солиб кўрайлик:
Дункан учун Макбет қанча куйиб-ачинди;
Қандай қилиб йиғламасин, — инсон ўлди-да!
Бемаҳалда йўлга чиқиб, баҳодир Банко
Тўнғиз қўпди. Ўғли Флинс ўлдирди, дейлик.
Шубҳамизга асос ҳам бор, Флинс қочди-ку!
Бундан кейин бемаҳалда юрманг, ишқилиб.
Дональбайн ва Малькольмнинг ёвузлигидан
Ен атрофда титрамаган бир жон қолмади —



Расми Аваз ШОАЛИМОВ чизган

Ҳам меҳрибон, ҳам болажон шундай отани
Фарзандлари сўйиб қўйса, — ғоят таажжуб!
Ҳаммадан кўп ачиди-я, Макбетнинг ичи!
Заб пайтида, чин-ҳақпараст ғазаб қўзгаб,
Маст уйқуга ширин жони садақа кетган,
Бир жуфт соқчи — пес-моховни ўлдиргани-чи? —
Бундай бўпти, садоқат ҳам фаросат деган!
Турган гапки, мункир келиб, бу икки сурбет,
Ўрлик билан бошимизни қотирар эди.
Яна, Малькольм ва Дональбайн, худо асрасин,
Е Флинс ҳам тушиб қолса борми қўлига,
Кўзларига кўрсатарди падаркушликни!
Аммо хап тур. Ҳақиқатни билганинг билан,
Уни очиқ сўзлайдиган замонлар ўтди.
Ана Макдуф, тилига эрк бергани учун,
Меҳмонликка бормагани баҳонасида,
Мустабид шоҳ ғазабига учраб турибди.
Айтмоқчи, у қочган дейди, қаерда ҳозир?

Л О Р Д

Мана бу тож ўғрисининг дастидан қочган
Тахт вориси — Малькольм, ҳозир инглиз меҳмони:
Унда тақдир таҳқирларни бетига солмай,
Кўз нуридай асраётир қирол Эдуард.
Уша ёққа, кўмак сўраб, отланди Макдуф,
То пуштибон, диёнатли қирол юборсин
Нортумберленд ҳам Сивардни ҳимоямизга.
Яратган ҳам ярақаса, қўлдан чиқарган
Уша хушнуд кунларимиз қайтиб келарди.
Дастурхонда нон бўларди, уйқуда ором,
Ханжар таҳдид солмас эди, қўноққа борсак,
Тожу тахтга топинардик яна астойдил.
Макбет сезган, бахтга қарши, бу режаларни.
Қўшин тортиш пайида у. Тинчи бузилган.

ЛЕНОКС

Макбет, ўзи, Макдуфни ҳеч чақиртирганми?

ЛОРД

Бўлмасам-чи! «Бормаيمان», деб, у Файф ҳокими
Гапни шартта кесган экан, чопар хўмрайиб:
«Саркашлигинг ўз бошингга етади», дебди.

ЛЕНОКС

Ана шундан ҳушёр тортиб қочган экан-да,
Ҳа, узоқроқ турган яхши шоҳ ғазабидан.
Англияга шу кўнгилда отланибдими,
Меҳру шафқат маъбудаси йўлдоши бўлсин!
Зора, бизнинг илтижомиз ижобат топиб,
Тож ўғриси, манов пурзўр, сурбет, имонсиз,
Хароб этган юртимизга кўк назар солса!

ЛОРД

Айтганингиз келсин, омин!

Кетади.

IV п а р д а

1-САҲНА

Гор. Уртада қозон қайнаётир. Момақалди роқ гумбурлаб туради. У ч
а л в а с т и киради.

1-АЛВАСТИ

Ана, уч қур миёвлади мов бўлган пишак.

2-АЛВАСТИ

Кирпи чийиллар, эшит.

3-АЛВАСТИ

Бояқиш ҳарпи —

Қарғиш урган шум аёлқуш қағиллаётир.

1-АЛВАСТИ

Етди фурсат, шайланинг,
Оловни гир айланинг.
Ҳа, сангаю, ма, санга,
Топган-тутган — қозонга!
Чиқолмай тош ёриқдан;
Ҳам иссиқ, ҳам оғриқдан,
Ўттиз кундан бу ёққа
Қуртлаб ётган қурбақа,
Ҳўппа семиз бўп шишдинг,
Ана, қозонга тушдинг!

УЧАЛА АЛВАСТИ

Олов тили куйдирма,
Қайна, кўпир, уйдирма!

2-АЛВАСТИ

Илон, пўстинг шилинган,
Ўтга ташлай тилинган.

Жарқанотнинг жағидан,
Тулкининг кет ёғидан,
Қурвақанинг четидан,
Зағизфоннинг патидан;
Чўлнинг калтакалосин
Кўз очмаган боласин
Тўшидан олинган гўшт,
Фолқозонга баринг туш!

УЧАЛА АЛВАСТИ

Олов тили куйдирма,
Қайна, кўпир, уйдирма!

3-АЛВАСТИ

Наҳангнинг кемирчаги,
Аждаҳо оч ичаги,
Бўрининг ўғри тиши
Ҳил-ҳил етилсин пишиб;
Мағриблик манглайдан,
Машриқлик танглайдан —
Чўриси бир тийиннинг,
Судхўр, пес, ғайридиннинг
Жигаридан кесиб сол,
Не дуч келса эзиб сол,
Тошиб тунда овлоқни,

Мусиқа ва тилсим қўшиғи янграйди. Г е к а т а кетади.

Ҳароми чақалоқни
Қўрқиб шов-шув, миш-мишдан
Қора ерга кўмишган.
Онаси бўлмайдасан,
Топ уни, қозонга бос!
Қайна, пишгин, атала,
Қолмагин хом-хатала.
Яна бир бош қайнасин,
Солдим йўлбарс майнасин!

УЧАЛА АЛВАСТИ

Олов тили куйдирма,
Қайна, кўпир, уйдирма!

2-АЛВАСТИ

Совисин тез бўтқамиз,
Маймун қонидан томиз!
Геката киради.

ГЕКАТА

Ишратга тайёр газак.
Энди, ишни кўзласак —
Айланиб, айтинг тилсим,
Бўтқангиз тилга кирсин!

2-АЛВАСТИ

Қўлим мунча қичийди?
Одамхўр келгучийди,
Очишга дил қулфини;
Тушгин, эшик зулфини.

М а к б е т киради.

МАКБЕТ

Ҳорманг, тунги ажиналар! Ҳа, нима ташвиш?

УЧАЛА АЛВАСТИ

Не ишинг бор?

МАКБЕТ

Ҳикматингиз билан ишим йўқ.
Қасб-корингиз ҳақ-ҳурмати аврайман сизни.
Жавобингиз жомхонани ерга жо қилса,
Уммон ютиб, кемаларни чўқтирса, майли;
Буғдой ётиб, қуюн қўпсин, майли, ўрмонда,
Чайир қайин томирлари келсин осмондан;
Босиб қолсин қаср томи, қарсиллаб тушсин,
Қориштирсин, жаъми жонзот уруғин қўшсин! —
Жавоб, фақат жавоб беринг сўроқларимга!

1-АЛВАСТИ

Аввал сўра.

2-АЛВАСТИ

Бўл, сўрайвер.

3-АЛВАСТИ

Жавоб оласан.

1-АЛВАСТИ

Тилимиздан ўзинг тинглаб билмоқчисанми,
Е каромат кўрмоқчисан?

МАКБЕТ

Кўрсатинг, қани?

1-АЛВАСТИ

Уч кеча бурун тўққиз
Боласин ямлаб тўнғиз,
Тарс ёрилди қорнидан:
Ўтга томиз қонидан!
Ўзини, жондан безиб
Осаннинг, тандан сизиб
Оққан тери, қўй, томсин!
Олов гуриллаб ёнсин!

УЧАЛА АЛВАСТИ

Дилдан берайлик даргоҳ,
Кўрсат юзингни арвоҳ,
Момақалдироқ. Ер остидан дубулға кийган бош — биринчи арвоҳ
кўтарилади.

МАКБЕТ

Гапир, хилқат...

1-АЛВАСТИ

Дардинг аён беш қўлдай,
Сен жим ўтир, сўз қўшмай.

1-АРВОҲ

Макбет! Макбет! Эҳтиёт бўл, Макдуфга! —
Эҳтиёт бўл, Файф бегида бор кўп гап...

Ерга кириб йўқолади.

МАКБЕТ

Ким бўлмагин, ғоят тўғри огоҳлантиндинг!
Қойил қолдим, куллуқ сенга! Аммо кулоқ ос...

1-АЛВАСТИ

Илтимосинг ўтмас унга. Ана, бошқаси!
Бу яна ҳам қудратлироқ. Ғафлатда қолма.

Момақалдироқ. Ер остидан қонга беланган гўдак — иккинчи арвоҳ
кўтарилади.

2-АРВОҲ

Макбет! Макбет! Макбет!

МАКБЕТ

Гапир! Қулоғим сенда!
Учқулоқ ҳам бўлсам, фақат сени тинглардим!

2-АРВОҲ

Одамларни ўйна, Макбет, қон ичавер маст,
Аёл туққан ҳеч зот сенга беролмас шикаст!

Ерга кириб йўқолади.

МАКБЕТ

Ҳе, нимангдан қўрқай энди, яшайвер, Макдуф!
Йўқ, йўқ! Сени тинчитмасам, кўнглим тинчимас:
Тақдир деган ўз йўлига, сени даф қилсам,
Қўрқув ортиқ юрагимга қўл сололмайди,
Кечалари чўчитолмас момақалдирок.

Момақалдирок. Ер остидан қўлида новда тутган, тождор бола — у ч и н -
ч и а р в о ҳ кўтарилади.

Ер қаъридан чиқиб келган яна ким бўлди?
Еш бошида тож кўраман, шоҳлар наслидан.

УЧАЛА АЛВАСТИ

Гувранмагин, гапирма кўп, жим тур ва эшит.

3-АРВОҲ

Макбет! Макбет! Шер бўлгину яна шердил бўл,
Ев босолмас, енголмайди хиёнаткор қўл,
То Дунсинан тепалиги томон, тамоми
Йўлни кесиб чиқмагунча — Бирнам ўрмони!

МАКБЕТ

Ахир, бундай бўлмайди ҳеч! Йўқ энди армон!
Аскарликка ёлланмайди, одатда, ўрмон!
Олға, деган буйруқ билан юрмайди дарахт.
Кароматинг кўтармоқда кўнглимни. Ё, бахт!
Шоҳлик кетмас энди, Макбет, Бирнам ўрмони
То Дунсинан тепалигин бўлмай меҳмони.
Ажал етмай, тож бериш йўқ. Айтингиз, бадбахт
Банко насли сўрармикин юртда тожу тахт!

УЧАЛА АЛВАСТИ

Етар шунча сўраганинг.

МАКБЕТ

Билмоқ истайман!
Бусиз бир пул, кўтар ёлғон кароматингни!
Қозон ер остига тушиб кетади.
Қозон қайга гумдон бўлди? Бу нима шовқин?

Муסיқа товуши.

1-АЛВАСТИ

Е ҳу!

2-АЛВАСТИ

Е ҳу!

3-АЛВАСТИ

Е ҳу!

УЧАЛА АЛВАСТИ

Элас-элас кўринингиз, майли, кўзига,
Азоблансин, келолмасдан юрсин ўзига!

Бирин-кетин саккизта қирол арвоҳи пайдо бўлади. Сўнггисининг қўлида кўзгу. Улар ортидан **Банко руҳи** киради.

МАКБЕТ

Намунча ҳам ўхшамасанг Банкога, даф бўл!
Тожинг билан кўзимни кўп ўйнатаверма.
Кейингиси олдингининг қуйиб қўйгани.
Яна бири! Учови ҳам бир зурриётдан.
Е, ҳароми жодугарлар! Бу нима ўйин?
Сиз зардамни қайнатманг кўп. Кўзим ўйилсин!
Тўртинчиси чиқди, ана! Қиёматгача
Шулар тахтада турадимиз? Яна янгиси!
Еттинчи бу! Қарамайман. Саккизинчиси
Аллақандай сирли кўзгу кўтариб олган:
Шохлаб кетган шоҳлар наслин кўраман унда,
Учта бирдай салтанатнинг ҳассасин ушлаб,
Икки давлат туғин бошда силкитиб борар.
Бу кўрганим эртак эмас. Тантана билан,
Банко руҳи менга атай, писанда қилиб,
Саф сўнггида кўрсатмоқда чевараларин.

Руҳлар ғойиб бўлади.

1-АЛВАСТИ

Бўлиши керак.

Тақдир ҳукми. На чора!
Бўйнингни қисиб қолдинг!
Бўлма бунча бечора.
Қани, ўйнанг, қиролнинг
Кўнгли ўлиб чиқмасин.
Бугун бир қўшиқ айтай,
Бошланг жаложин рақсин.
Ўзим ўргилиб кетай!

Муסיқа товуши. **Алвастилар** рақсга тушиб, ғойиб бўладилар.

МАКБЕТ

Есуманлар! Ер юзидан қорангиз ўчсин!
Ҳукмим етса, босар эдим лаънат тамғасин
Мен шу куннинг манглайига! Қани, ҳой, ким бор?

Ленокс киради.

ЛЕНОКС

Лаббай, тақсир?

МАКБЕТ

Кампирларни кўрмадингми сен?

ЛЕНОКС

Иўғ-а, ҳазрат.

МАКБЕТ

Ҳеч ким, ҳозир, кираверишда
Иўлни кесиб ўтмадимиз?

ЛЕНОКС

Йўқ, пайқамадим.

МАКБЕТ

Вабога йўлиқсин улар шу кетишида!
Лаънат бўлсин бу жинларга ишонганга ҳам!
От дупурин эшитдим мен, келган ким эди?

ЛЕНОКС

Уч суворий. Келтирибди шошилич хабар —
Англияга қочган эмиш Файф беги Макдуф.

МАКБЕТ

Макдуф қочибди?!

ЛЕНОКС

Ҳа, тақсир.

МАКБЕТ

(бир четга)

Ғафлатда қолдим!

Вақт, сен қора ниятимнинг олдини олдинг,
Лаънат! Минбаъд қароримни кечиктирмайман:
Бир иш чиқса, уни ҳавас қилмасдан аввал,
Ҳеч тўхтовсиз ҳал қиламан. Ҳа, Файфни босиб,
Макдуф қасрин оламан ўз тасарруфимга.
Хотини ва болалари, қариндош-уруғ,
Чўригача ўтказаман пичоқ дамидан!
Дам йўқ, бир дам, мен шуларни гумдон этмасам.
Айни гапдан ишга кўчиш фурсати ҳозир.
Алвастилар ёрдамидан тўйдим, етар!

(Леноксга)

Қани ўша чопарларинг? Юр, менга кўрсат.

Кетадилар.

2-САҲНА

Файф. Макдуф қасридаги хоналардан бири. Росс ва Макдуф хоним
ўғли билан кирадилар.

МАКДУФ ХОНИМ

Бош қутқариб қочадиган нима иш қипти?!

РОСС

Сабр, хоним, сабр.

МАКДУФ ХОНИМ

У-чи? Сабр қилдими у?!

Жон ҳовучлаб қочганлиги калтабинликдан.
Қўрқув уни васвас қилган. У Содиқ маҳрам,
Сотқин эмас. Хаёлида шундай туюлган.

РОСС

Калтабинми ёки обдан ўйлаганданми,
Ҳали ҳукм чиқаришга шашмайлик, хоним.

МАҚДУФ ХОНИМ

Ўзи туриб қочган шундай серхатар жойда
Хотин, бола-чақасини, уй ичи билан
Ташлаб кетиш ақлданми? Йўқ, ундан кўра,
Уйдан кўнгли совуган, денг, сизни севмайди,
Совиган, денг, кўнглидаги оталик меҳри!
Ҳатто чумчуқ бундай пайтда жонини бериб,
Полапонин бойўғлидан асраб қоларди.
У-чи? Нима қилибди у?! Совуганликдан
Ҳаддан ортиқ қўрқуви ҳам. Уйловли эмиш!..

РОСС

Эрингизга тил тегизманг. Секинроқ, синглим!
Биздан кўра яхши билар нима қилишин.
Евқур ақли асқатади шундай пайтларда.
Бошқа бир гап айтолмайман. Замона оғир,
Сотқинликда айблансанг-у, бир ичкуяринг,
Юрак ютиб, сабабини суриштирмаса!
Хавф қаёқдан келишини ҳеч ким билмайди,
Қуруқ «миш-миш» вишиллаган илондан баттар;
Жонли борки, тухмат гапдан жони ҳовучда.
Салга ангда қоласану ғафлат уммони
Бир пўчоқдай туфлаб, четга чиқариб ташлар.
Ҳозирча хайр, сиздан тез-тез хабар оламан.
Е у ёқлик, ё бу ёқлик бўлар кун яқин!
Еппа-жовлик қирғин келса, бу кунимиздан
Баттар бўлмас. Хайр, болакай! Паноҳинг осмон!

МАҚДУФ ХОНИМ

Ота кўзи очиқ туриб, боласи етим!

РОСС

Узоқ турсам, сизларнинг ҳам тинчингиз бузиб,
Кўп беҳузур қиларканман, мен кетдим, узр.

Кетади.

МАҚДУФ ХОНИМ

Отанг ўлди. Энди нима қиласан, болам?
Нима еймиз?

ЎҒИЛ

Чумчуқ нима еса, шуни-да.

МАҚДУФ ХОНИМ

Қурт-қумурсқами?

ЎҒИЛ

Чумчуқдай, нима дуч келса,

МАҚДУФ ХОНИМ

Вой, бечора чумчуғим-эй! Дом ва тўрдан-чи,
Қўрқмайсанми?

ЎҒИЛ

Бечорага дом қўймайдилар,
Отам тирик, мен биламан, нима десанг де.

МАКДУФ ХОНИМ

Ўлган. Энди янгисини қайдан оласан?

ЎҒИЛ

Ўзингни айт, янги эрни қандай топасан?

МАКДУФ ХОНИМ

Ҳар бозордан ўнтасини харид қиламан.

ЎҒИЛ

Эртасига олиб чиқиб сотиш учунми?

МАКДУФ ХОНИМ

Фаҳм етганча фикрлайсан, аммо бари бир,
Сен боланинг, ақлинг ёшга муносиб эмас.

ЎҒИЛ

Отам сотқинми?

МАКДУФ ХОНИМ

Ҳа.

ЎҒИЛ

Сотқин нима дегани?

МАКДУФ ХОНИМ

Қасам ичиб, ўз лафзида турмаган — сотқин.

ЎҒИЛ

Шундай қилган бари сотқинми?

МАКДУФ ХОНИМ

Бари сотқин ва уларни осиш керак.

ЎҒИЛ

Қасамхўрнинг ҳаммасин ҳам-а?

МАКДУФ ХОНИМ

Ҳаммасин ҳам.

ЎҒИЛ

Уларни ким осади?

МАКДУФ ХОНИМ

Ҳалол кишилар.

ЎҒИЛ

Бўлмаса, ўша сотқинларнинг эси йўқ экан. Ахир, улар шунчалик кўпки,
бирлашиб хуруж қилса, ҳалолларни битта қўймай дорга осади.

МАКДУФ ХОНИМ

Сени худо асрасин, масхаравоз, маймун! Хўш, қаердан ота топадиган бўлдинг?

УҒИЛ

Отам ўлган бўлса йиғлардинг. Йиғламаганингда ҳам, бу — яқинда янги ота топилишининг яхши аломати бўлар эди.

МАКДУФ ХОНИМ

Бўлди қил, маҳмадана! Сенга қулоқ солса, нималарни валдирамайсан!

Чопар киради.

ЧОПАР

Яратган ўз паноҳида асрасин, хоним.
Нотаниш ҳам бўлсам, сизга юрагим яқин.
Катта хатар келиб қолди уйларингизга.
Мен анчайин оддий одам, лек маслаҳатим:
Болаларни ола қочинг, хоним, ҳозироқ!
Бу қаерда ортиқ турманг! Сизни қўрқитиш
Нокаслиқдир. Аммо хавфни била туриб ҳам,
Ундан хабар бермаса ким, энг нокас ўша!
Бало яқин. Осмон сизга паноҳлик қилсин!
Тез яширинишим керак.

Кетади.

МАКДУФ ХОНИМ

Қайга ҳам қочай?
Қоч, дейсизми? Мен ҳеч қандай айб қилганим йўқ!
Ҳа-я, ерда эканимни унутиб қўйдим.
Ҳаромтомоқ бўлсанг, алқаб, сал ҳалол бўлсанг,
Қувлайдилар оёгингни ерга теккизмай.
Юрган битта муштипарман, қалқоним ҳам шу,
Мен ҳеч кимга зиён-заҳмат етказганим йўқ!

Кушандалар киради.

Ким бўлди бу турқи совуқ?

1-КУШАНДА

Эрчангиз қани?

МАКДУФ ХОНИМ

Сендай битта ўғри билан топишмоқ истаб,
Қоронғига уриб кетган бўлмаса керак.

1-КУШАНДА

Макдуф хоним!

УҒИЛ

Алдаяпсан, хурпайган баттол!

1-КУШАНДА

Вой, сотқиннинг чурвақаси!

Пичоқ уради.

ЎҒИЛ

Она, онажон!
Ўлдиришди, онажоним, қоч, қочиб қолгин!

Ўлади. Ма к д у ф х о н и м: «Кушандалар!» деб чинқирганча қочади.
Кушандалар уни қувиб чиқадилар.

3-САҲНА

Англия. Қирол саройи рўпараси.

М а л ь к о л ь м в а М а к д у ф кирадилар.

МАЛЬКОЛЬМ

Бирор тинчроқ гўша топиб, дарди ҳол қилсак,
Кўзёш элтар юракдаги алам тошини.

МАКДУФ

Энг яхшиси қиличларни суғуриб қиндан,
Кўксимизни бахтсиз юртга тутайлик. Ундан
Юракларни эзиб, ҳар кун янгидан-янги
Беваларнинг фарёдини келтирар шамол.
Қон-қақшаган етимчалар нолишидан-ку,
Шотландия осмонига қалтироқ тушган.

МАЛЬКОЛЬМ

Кўнгил қўйган ишончимга йиғлайман фақат,
Ишонганим нималиги ўзимга аён.
Ҳеч тўхтамай, мен ҳужумга ўтаман ҳарвақт
Таянч топсам ҳам шароит тақозо этса.
Сўзингиздан англадимки, ўша муштумзўр —
Оти ўчсин, отин тутсанг, қулоқ битади —
Ўша отсиз қачонлардир пок киши бўлган.
Сиз ҳам уни ихлос билан севгансиз, зотан.
Ундан зиён кўрмагансиз. Ҳали ҳам бўлса,
Мендай ожиз қўзичоқни қурбонлик қилиб,
Юмшатсангиз ҳеч гап эмас, тангрилар қаҳрин.

МАКДУФ

Нима? Ҳали хоинмидим?!

МАЛЬКОЛЬМ

Макбет хоин-ку!

Сиз ҳам қирол хоҳишига қарши бормайсиз.
Бўйсунмоққа мажбур этар маҳрамлик бурчи.
Аммо узр, кўнглингизда қандай одамсиз,
Тахминларим заррача ҳам ўзгартиролмас.
Фаришталар дахлсиздир гарчи улардан
Энг тозасин йўқ қилдилар. Пасткашлик сиртдан
Беозордек туюлса-да, бу ташқи ҳолат
Ҳеч вақт асл ҳақиқатни ўзгартиролмас.

МАКДУФ

Бор умидим пучга чиқди!

МАЛЬКОЛЬМ

Сиздан хавфсираб

Турганимнинг боиси шу. Ҳайрон қолганим,
Хотин, бола-чақа билан хайр-хўш қилмай,

Қандай чиқиб кетолдингиз? Ахир, уларсиз.
Ҳаётнинг ҳеч қиммати йўқ? Ҳа, эҳтимол, мен
Ноҳақдирман? Эҳтиёт шарт, сиз аччиғланманг.

МАКДУФ

Майли, қонинг оқаверсин, шўрманглай юртим!
Евузлик ҳам зўравонлик, қанот чиқаринг!
Адолатнинг қўли етмас, ҳуқуқларингиз
Қонхўрликда қонун билан қоимлашгандир!
Она-юртим Шотландия мулкига қўшиб,
Бутун бир Шарқ бойлигини берса, сиз айтган
Ҳиёнатга кўнмас эдим. Хайр, шаҳзода!

МАЛЬКОЛЬМ

Хафа бўлманг. Гап бир сиздан хавфимда эмас.
Қон ва кўзёш билан оқиб битмоқда элим.
Худонинг ҳар берган куни яраси ортар,
Шуни билмай, ўлибманми?! Биладан, борсам,
Мени қўллаб, озмунча қўл кўтарилмайди,
Англия ҳам қаватимга қўшин қўшади.
Гап шундаки, боринг ана, бу жафокорнинг
Хунхор бошин шартта узиб, ер ҳам тишлатдим;
Аммо юртнинг кўрган нафи зарарга етмас.
Яна баттар бўлар, дейман, янги шоҳ чиққач.

МАКДУФ

Янги шоҳ ким?

МАЛЬКОЛЬМ

Ким? Ҳзим-да! Бадфеъллигим бор.
Қонимдаги қусурларни сизга санасам,
Ҳозиргача қора бўлган Макбет қошимда
Қордай оппоқ бўлиб қолар, қўй тахлит ювош.

МАКДУФ

Э, йўқ! Жаҳаннамдан чиққан азозил титрар,
Макбет деган шу махлуқнинг турқини кўрса!

МАЛЬКОЛЬМ

Қўшиламан: қаттолдир у, тийиқсиз, маккор,
Газандаки, гарданида ҳар етти гуноҳ.
Аммо мен ҳам ўлгудайин ишратпарастман.
Истақларим жилов билмас. Ҳарислигим-чи?!
Очкўзликдан, юртда боён, зодагон қолмай,
Бир-бир сўйиб чиқар эдим, мол-давлатини
Ўзлаштириш таъмаида. Бойинган сарим,
Ҳазинага яна кўпроқ тузоқ кўярдим.
Яхшиларга кун бермасдим, кимга ёпишсам,
Мулкига кўз олайтириб, ҳалоллаш учун
Соат сайин судга тортиб, безиллатардим.

МАКДУФ

Ҳа, ҳа, бундай еб тўймаслик шаҳвоний нафсдан
Беш баттардир. Бу — кўп шоҳнинг бошига етган.
Аммо шукр. Шотландия бор шоҳ нафсини
Қонун билан қондиргудек бой ҳам бадавлат.
Йўқ, йўқ, бундай қусурларга қўшимча хислат —
Посанги ҳам топилса, бас, чидаса бўлар.

МАЛЬКОЛЬМ

Аммо бундай посанги йўқ, яхши фазилат
Кундуз куни чироқ ёқсанг, ичимдан чиқмас.
Шоҳга зарур хислат нима? Ҳаққонияту
Очиққўллик, оқиллик ҳам олижаноблик,
Қиличдан қилт этмайдиган собит қатъият,
Номус ва ор — мен буларнинг тамом аксима!
Давлат қўлга кирса эди! Ҳақ, қироликнинг
Куйиндиси кўкдан келиб, бир тентак қилиб,
Моховини чиқаргим бор, хумор бостига!
Газзага ор-номусни ерга қораман,
Ёмонлик бир ялло қилсин, низом, интизом,
Тартиб деган тушовидан бўшаб, давримда!

МАКДУФ

Воҳ, шўринг бор, юртим!

МАЛЬКОЛЬМ

Нима? Арзимайдими
Биздай одам, ўша шоҳлик мансабингизга?

МАКДУФ

Арзимади деяпсизми?! Бундай одамни
Олиб чиқиб осиш керак! Бечора халқим!
Сен шундан сўнг қандайин ҳам озод бўласан!
Яхши кунни кутавериб, кўр бўлмайсанми!
Ахир, сенинг бор умидинг — тахтинг вориси,
Туғилган бир қашқирман, деб, зотини булғаб,
Мункир келмай, ўзин ерга уриб солди-ку!..
Отанг Дункан пок ҳам қутлуғ бир қирол эди.
Онани дуо, тоат билан тизин қавартган.
Сени қайси шайтон чалди? Шу иқрордан сўнг,
Шотландия йўли менга бекилди тамом.
Хайр, сенга. Бари битди. Энди умрбод
Қувғиндиман.

МАЛЬКОЛЬМ

Тўғрилиқдан чиққан аччиғинг
Кўнглимдаги шубҳаларни тарқатди, Макдуф.
Пок экансан. Йўлга чиқсанг, юрагим йўлдош.
Макбет қармоқ қўявериб хушёр торттирган.
Юртдошлардан ҳеч кимсага ишонмас эдим.
Билсам, бундан сен холиссан. Бугундан бошлаб,
Ўртамизда ёлғиз осмон ҳакамлик қилсин.
Ўзлигимни топшираман ихтиёрингга.
Ҳали айтган айбларимни қайтиб оламан.
Ўз-ўзимга тухмат бари, ёлғондан сипар
Тутган эдим юзимга мен, азмойиш учун.
Еш бошим бор, қасамбузар зотдан эмасман.
Ўз молимга кўз қиримни ташламайман-ку,
Ўзгаларга ғайирликни менга ким қўйди?!
Шайтонни ҳам сотолмайман, жиним кўтармас,
Ростлик менга жондан қиммат. Бугун илк бора
Сенга ёлғон сўзлай туриб, ўзни алдадим.
Макдуф, сенга ҳам ватанга танни шу туриш
Бахш этдим мен. Аллақачон қўмондон Сивард
Бошчилиги остидаги қўшинлар тайёр.
Фақат йўлга чиқиш қолган. Ҳақ ишимизда
Осмон бизга мадад берсин! Ҳа, жимиб қолдинг?

МАКДУФ

Бирданига, кажбаҳслиқдан хушбахтлик томон
Одам учиб ўтолмаскан қанот чиқариб.

Т а б и б киради.

МАЛЬКОЛЬМ

Яхши, ҳали гаплашамиз.

Айтолмайсизми,

Ҳазрат табиб, қирол бугун чиқадиларми?

ТАБИБ

Ҳа, шаҳзода. Унда бир тўп бенаво-дардманд
Даво истаб, йўлига зор. Бу дард олдида
Биз ҳақимлар ожиз қолдик. Аъло-ҳазратнинг
Қўллари бир тегса — шу эм, шифо топади.
У қўлларга шундай ҳикмат ато қилинган.

МАЛЬКОЛЬМ

Қуллуқ, тақсир.

Т а б и б кетади.

МАҚДУФ

У қандай дард?

МАЛЬКОЛЬМ

Силласизлик, дер.

Яна янги номи ҳам бор: қирол касали.
Ярлақагур қирол бунда, ўзи, ростдан ҳам,
Кўп каромат кўрсатади. Ўз кўзим билан
Кузатганман. Билмадим, бу инглиз қироли
Осмондан шу иноятни қандай олдийкин,
Мадалаган ширинчани, иллатли шишни,
Газак олиб, йиринглаган мараз ярани,
Захмларни тузатади бир дуо билан,
Битта танга осиш билан бемор бўйнига.
Ўзидан сўнг, эшитдим, шу самовий сеҳр
Наслига ҳам ўтармиш, деб.

Р о с с киради.

МАҚДУФ

Келган ким бўлди?

МАЛЬКОЛЬМ

Кийинишдан — юртдошимиз. Аммо ким экан,
Танимадим.

МАҚДУФ

Қаерликсан, ҳой, менга қара?
Э, бу бизнинг қудағай-ку!

МАЛЬКОЛЬМ

Энди танидим.

Дарбадарлик бир-бировдан бегона қилди.
Юртимизга қайтар бизни!

РОСС

Айтганинг келсин!

МАКДУФ

Шотландия ҳамон нотинч, аввалгидайми?

РОСС

У энди юрт бўлмай қолди бизга, гўр бўлди.
Қайтиб борсанг, танимайсан, ўзгариб кетган.
Эси оққан бировларда кулги кўрмасанг,
Бошқада йўқ. Юраклар тош, дийдалар қотган,
Кўзёшларга кўникишган, парвойифалак,
Бош кесишдан қўрқмайди кўз, кундалик ишдай.
Куни билан жанозага занг урадилар,
Биров, кимни кўмпямиз, деб, сўраб ҳам кўрмас,
Соявонли папахига суққан гул сўлмай,
Бир қарасанг, ўзи гулдай қуриб қолибди —
Оғримасдан ўлганлар кўп. Одам бекадр...

МАКДУФ

Ишонаман, бари рост гап — дил ҳарос тортар!

МАЛЬКОЛЬМ

Энг кейинги кулфатзада ким бўлди экан?

РОСС

Соат сайин ортар улар. Энг сўнгисини
Айтгунимча, у «сўнгиси» бўлмай қолади.

МАКДУФ

Хотиним қандай?

РОСС

Ушандай.

МАКДУФ

Болаларим-чи?

РОСС

Уша-ўша.

МАКДУФ

Анов ваҳший осойишларин
Бузмадими?

РОСС

Мен чиққанда, бари тинч эди.

МАКДУФ

Сўзни мунча қизганасан! Ҳақинг кетса ҳам,
Сал тузукроқ тушунтир-да, очиқ, аҳволни.

РОСС

Шундай оғир таассурот остида йўлга
Тушарканман, эшитдимки, бизга маслакдош

Кўпларни бош кўтарган, деб. Ҳаққаст рост экан,
Мен йўл бўйи, Макбет бошлиқ, ҳаракатдаги
Қўшинларни кўриб келдим. Қарши ҳужумга
Тайёргарлик кўрар улар. Шошилиш керак.
Агар сиз ҳам отлансангиз, ёш-қари шотланд
Солдат бўлиб туғиларди яна қайтадан,
Елкадаги зулм юкини қоқиб ташлаш-чун,
Хотинлар ҳам кўлларига қурол тутарди.

МАЛЬКОЛЬМ

Унда, бориб, сен таскин бер: Биз қарор қилдик.
Катта қўшин қўшиб берди Англия бунда,
Уни бошлаб боргусидир, бутун насроний
Жанговарлар ҳасад қилган саркарда Сивард.

РОСС

Оҳ, бу шодлик эвазига сизга заррача
Яхши гап ҳам олиб келган бўлсам, кошкийди!
Бу хабарни бир қашқирдай сахрога чиқиб,
Кечалари улсамки, биров билмаса!

МАКДУФ

У ҳаммага тегишлими, айнан бировга?

РОСС

Юраги бор ҳаммага ҳам тегади. Лекин
Сен маҳкам тур.

МАКДУФ

Тез бўл, унда, тезроқ гапир-да!

РОСС

Фақат, мендан ҳазар қилма, қақшаб қаргама!
Чиппа битиб қолади-я, ҳозир қулоғинг.
Бу тушинга кирмаган гап!

МАКДУФ

Ҳа-а-а... сезяпман...

РОСС

Макдуф, қасринг бостирилди, хотининг билан
Болаларинг сўйилдилар. Тафсилотини
Асло мендан сўрамаки, қандай сўйганин
Айтсам, агнаб тушасан-а, юрак чидамас!

МАЛЬКОЛЬМ

Е, пуррахмат осмон!.. Дўстим, кўнглингни бўш қўй,
Папахни кўп қошинггача бостираверма,
Ешингни тўк. Эримаган алам юракда
Туз тўплайди.

МАКДУФ

Болалар ҳам кетди, дейсанми?

РОСС

Ҳа, хотининг, болаларинг, хизматкорларинг,
Бўғизланди — қўлга тушган кимингки бўлса!

МАКДУФ

Ўзим бўлсам, узоқдаман. Хотининг ҳам, де?

РОСС

Эшитдинг-ку!

МАЛЬКОЛЬМ

Мард бўл, Макдуф! Сен шунга лойиқ
Бирор қасос чорасини ахтариб топгин.

МАКДУФ

Аммо Макбет боласиз-да!.. Битта қўймай-а?
Бечорагиналаримнинг барчасиними?..
О, одамхўр!.. Ҳаммасими? Вой, ширинларим!..
Еппасига? Хотининг ҳам сўйилди, де-я?!

МАЛЬКОЛЬМ

Сен эркаксан, кулфатни ҳам эркакдай кўтар.

МАКДУФ

Аммо мен ҳам одамман-да! Кўтарган билан
Жон томирим қирқилганин унутармидим!
Кўриб туриб қисмат ўзи қутқармабди-ку?!
Сенинг учун ўлдиришган уларни, Макдуф.
Уларда айб нима қилсин? Сен сабабчисан!
Фарзандини қассобларга топшириб қочган
Отаман мен! Ўзинг фақат ёрлақа, осмон!

МАЛЬКОЛЬМ

Қиличингни қайрайвер шу қайғу тошига,
Юракларни ёндир, майли, ғазабдан чатнаб.

МАКДУФ

Хотинлардай ортиқ кўзёш, сўзга зўр бериб
Ўтирмасдан, отланайлик. Етар! Е, фалак!
Тезроқ мени ёвим билан рўпара келтир,
Шотландлардан чиққан шайтон агар шунда ҳам
Омон топса, гуноҳидан, майли, ўта қол!

МАЛЬКОЛЬМ

Мардона гап! Қани, энди инглиз қироли
Ҳузурига шошилаёлик. Жанговар юриш
Режалари тузилган, тахт. Хайру хўш қолган.
Куни битиб, муртад Макбет пичоққа келди,
Бошда осмон қайраётир қасос қиличин.
Тонггачадир, минг чўзилсин қоронғи кеча!

Кетадилар.

V. п а р д а

1-САҲНА

Дунсинан. Қаср хоналаридан бири.

Т а б и б билан ж о р и я кирадилар.

ТАБИБ

Икки кеча устма-уст сиз билан навбатчилик қилдим-у, айтганларингиз тасдиқланмади. Уйқусида сўнгги марта тентирагани қачон эди?

ЖОРИЯ

Жаноби олийлари қўшин тортиб жўнаб кетгач, жуда кўп кўрдим: тўшакдан туриб, тунги кўйлагини эгнига илади, ёзув столи хезасини тортиб, қоғоз олади, олдига ёяди, бир нималарни ёзади; ёзганларини қайта ўқийди, буклаб елимлайди, яна жойига бориб ётади. Ана шуларнинг ҳаммасини уйқуда қилади.

ТАБИБ

Ухлаб туриб, тунги ором оғушида кундузги ташвишларга берилиш! Ҳа, одамзод табиати айниб, бўлиниб кетди! Айтинг-чи, шу уйқудаги уйғоқ сайр ҳам сиз билган ҳаракатлардан бўлак, бирор нарса демадимми, ҳеч эшитдингизми?

ЖОРИЯ

Бу гапни ҳеч кимга қайтармайман, сэр.

ТАБИБ

Бекор қиласиз. Менга ҳеч иккиланмай очсангиз бўларди.

ЖОРИЯ

Сизга ҳам, бошқасига ҳам очмайман. Чунки сўзларимни тасдиқлайдиган шоҳид йўқ.

Шам ушлаган Ма к б е т х о н и м киради.

Ана, қаранг, юриб чиқди! Доим шу туриш. Қасам урсин, у маст уйқуда. Яқинроқ бориб, кўзингизни узманг.

ТАБИБ

Қўлига шам қандай тушди?

ЖОРИЯ

Шам тўшак бошида турувди. Етоқ ҳамиша ёритиғлиқ. Ўзининг буйруғи шу.

ТАБИБ

Кўряпсизми, кўзлари бизга қадалган!

ЖОРИЯ

Қадалган билан, ҳеч нарса кўрмайди.

ТАБИБ

Нима қиляпти ўзи? Қўлини мунча безовта ишқалайди!

ЖОРИЯ

Одати шу. Хаёлида, қўлимни юляпман, деб ўйласа керак. Баъзида бу чорак соатча чўзилади.

МАКБЕТ ХОНИМ

Ана, яна битта доғ.

ТАБИБ

Жим, тилга кирди! Нима деса, ҳаммасини эсдаликка ёзиб қўяман.

МАКБЕТ ХОНИМ

Ҳаҳ, лаънати доғ! Қачон тозарасан? Бир, икки... Нима бало? Ишга тутин. Қиёматдан қўрқасанми?! Суф-э, зиғирча юрак йўғ-у, жанговар эмиш! Қимдан қўрқасан? Иш битгач, ким ҳам биздан сўрашга ботинсин?! Во-ей, бир қари чолда шунча қон бўладими-а?!

ТАБИБ

Эшитяпсизми?

МАКБЕТ ХОНИМ

Файф ҳокимининг хотини бор эди-я. Энди қани у? Бу нимаси, минбаъд қўлларимнинг юқини ювиб кеткизолмайманми? Бўлди, азизим, бўлди! Шу чўчишинг бўлса, бутун ишни барбод қиласан.

ТАБИБ

Ҳа, ҳа? Тўхтатма. Сен ҳаётда билишинг нораво бир нарсалардан воқиф бўлибсан-ов!

ЖОРИЯ

У тилга олинмайдиган нарсаларни гуллаб қўйди. Нима сири борлиги бир фалакка аён.

МАКБЕТ ХОНИМ

Ҳалиям қўлимдан қон иси бўрқсияпти. Арабистоннинг бутун мушки анбарлариям шу кичкина қўлчалардан бу исни аритолмайди! О-о-о-о-х!..

ТАБИБ

Хўрсиниқни эшитдингизми? Оғир тош бор юрагида!

ЖОРИЯ

Унинг ҳар қанча мартабаси билан қўшиб ҳам бу тошни кўксимда кўтариб юришга кўнмас эдим.

ТАБИБ

Бўлмаса-чи! Аста айтасизми?!

ЖОРИЯ

Узинг ярлақа уни, осмон!

ТАБИБ

Кўрпасида бемалол оёқ узатиб ўлган бегуноҳ телвагезакларни кўп кўрдим. Аммо бунинг дардига давони мен тополмайман.

МАКБЕТ ХОНИМ

Юв қўлингни. Кўйлакнинг кечкисини кий. Нега бунча оқариб кетдинг?! Қайтариб айтаман, Банко кўмилган. У гўрдан чиқолмайди.

ТАБИБ

Гапиринг-а!

МАКБЕТ ХОНИМ

Етоққа кир, ётоққа. Эшит, дарвозани қоқишяпти. Юр, юр, юр. Қўлингни бер менга. Ишни қилиб қўйдингми, уни қайтаролмайсан. Етоққа кир, ётоққа, ётоққа.

Кетади

ТАБИБ

Шу билан ётадимми?

ЖОРИЯ

Ҳаяллатмайди.

ТАБИБ

Ен атрофда ёмон гаплар юрибди ҳозир,
Зўравонлик, охир бориб, зўриқтиради.
Иллат теккан номус нуқул соқов ёстиққа,
Юрак ютиб, сирларини очиб солади.
Азайимхон керак унга ҳақимдан кўра.
Биз бир осий бандалармиз, ўзи кечирсин!
Маликага тўрт кўз бўлиб, ҳушёр турунглар,
Дами ўткир яроқларни ундан яширинг.
Нималарни эшитмадим, ҳуш бошдан учди!
Хайрли тун! Юрак ҳамон жойида эмас.
Ваҳимали гаплар бари, қисилар нафас.

ЖОРИЯ

Хайрли тун, ҳазрат табиб.

Кетадилар.

2-САҲНА

Дунсинанга яқин бир жой. Ногора ва байроқлар. Ментейс, Кэтнес, Ангус, Ленокс ва аскарлар кирадилар.

МЕНТЕИС

Ердамчи инглиз лашкари ҳам яқинлашиб
Келиб қолди. Макдуф, Малькольм, унинг тоғаси
Ботир Сивард турибдилар қўшин бошида.
Қасос қони кўзларига қуйилиб келган.
Қайғулари ўликни ҳам тирилтиради.

АНГУС

Эҳтимол, Бирнам ўрмони йўлида биз ҳам
Қўшилсак. Уша томон кетишган улар.

КЭТНЕС

Дональбайн акаси Малькольм қаватидами?

ЛЕНОКС

У қўшинда йўқ дейман-ов.

Мен бир варақда

Бизга яқин зодагонлар рўйхатин кўрдим
Шу қоғозга ёзилибди Сиварднинг ўғли,
Яна бир тўп қонли жангга ҳавасманд ёшлар.

МЕНТЕИС

Бизнинг пурзўр нима ишлар қиляпти экан?

КЭТНЕС

Ўзи турган Дунсинанни мустаҳкамлабди.
Бировларнинг тахминича, қутурган эмиш,
Жўмардроқлар жасоратга йўярмиш бунди.
Ойдин гап шу: биратўла, унинг ишида
Йўқолгандир калаванинг ҳар икки учи.

АНГУС

Ҳа, охир ҳам у қаттолни қон тутибди-да!
Бу исёнлар ўлим ҳукми эканин сезган.
Севги эмас, фақат буйруқ ушлаб турибди
Ҳозир унинг қўл остида қолганларни ҳам.
Ниҳояти, у аллқомат ботир ридосин
Ҳасдуз ўғри кийиб олса, кулги бўлгандек,
Улуғ қирол рутбасида айнан ўзи ҳам
Майна бўлиб қолганини англаб етгандир!

МЕНТЕИС

Ичқоралик ҳам қонида қайнаган хуруж,
Бузғунликни ҳисобласа, ойнадай равшан —
Ўзига ҳам ер юзида кўзга чалинган
Бор жонзотга тинмай қарғиш ёғдирётгани.

КЭТНЕС

Қани, дўстлар, гап шу бўлса, йўлга тушайлик!
Садоқатни билдирайлик йўл бошлаганга;
Она-юртни ёруғликка олиб чиққувчи
Қаватида ёнайлик биз; ёвни куйдириб,
Ватан учун тўкайлик-да, қирмизи қонни.

ЛЕНОКС

Қанча лозим топсак, шунча тўкайлик, токи,
Янги шоҳлик гули яшнаб, ул итоғиз — гул
Қондан бўксин. Олға босинг Бирнам сари йўл!

Кетадилар.

3-САҲНА

Дунсинан. Қаср хоналаридан бири. **М а к б е т, т а б и б в а а ь ё н л а р к и-
радилар.**

МАКБЕТ

Бўлди, бошқа хабарларни менга етказманг.
Ҳамма беклар қочсин, майли. Бирнам ўрмони
То Дунсинан тепалиги томон юрмаскан,
Қўрқадиган ҳеч ерим йўқ. Нима, Малькольмдан
Қўрқайинми? У аёлдан туғилмапими?!
Ғайбдан шундай садо келиб менга айтдики:
«Қўрқма, Макбет, хотиржам бўл, тақдирга қувон,
Аёл туққан ҳеч зот сенга келтирмас зиён».
Тўдалашиб қочаверинг, субутсиз беклар,
Ишратпараст инглизларга ўтингиз, майли.
Энди қўрқиб, типирламас юрак кўксимда,
Зиғирча ҳам хавотиригим йўқ келгусимдан.

Х и з м а т к о р к и р а д и.

Юзингни жин қорайтирсин, оқтумшуқ! Аҳмоқ!
Нечун мунча қутинг ўчган?

ХИЗМАТКОР

У ерда ўн минг...

МАКБЕТ

Ўн минг сендай аҳмоқдир-да.

ХИЗМАТКОР

Йўқ, ҳазрат, аскар.

МАКБЕТ

Юзинг бўздай оқарибди. Қизил суртиб кел.
Аскар? Қандай аскар, меров?

ХИЗМАТКОР

Инглиз аскари.

МАКБЕТ

Жўна, жин ургур!

Х и з м а т к о р кетади.

Ҳей, Сейтон! — Кўнгилда эса
Мен ўзим ҳам безовтаман. — Сейтон! — Бу уруш
Е бошимга етар менинг, ё қойим қилар.
Давримни-ку, сурдим. Фасли хазон бошланди.
Мен-ку, кеч кузимни кўрдим очиқ кўз билан,
Аммо кексаликнинг гашти — ҳурмат-эътибор,
Содиқ дўстлар даврасидан умидим ҳам йўқ.
Қўрқоқликдан хушомадга ўралган лаънат,
Жон узилмай, нафас олмоқ — қолган насибам.
Шу ризқдан ҳам воз кечардим, журъатим етса!
Ҳей, Сейтон!

С е й т о н киради.

СЕЙТОН

Шундаман, ҳазрат.

МАКБЕТ

Нима янгилик?

СЕЙТОН

Афсус, тўғри чиқди ўша машъум хабарлар.

МАКБЕТ

Бурда-бурда майдаланиб, этим суякдан
Шилингунча савашаман. Совутимни бер.

СЕЙТОН

Ҳали бунинг ҳожати йўқ.

МАКБЕТ

Қуролламанаман.
Отлиқлардан кўпроқ юбор. Гирд-теваракка
Қош-кўз бўлсин. Хавф-хатардан оғиз очганини

Тутган жойда, тап тортмасдан, дорга осавер.
Совут келтир.

Сейтон кетади.

Хоним қалай, ҳазрати табиб?

ТАБИБ

Маликамиз касал эмас, мен сизга айтсам,
Кўрганлари қунидан кўнгли алағда.

МАКБЕТ

Бу балодан қутқар уни. Давосини топ.
Миясига уя қурган қайғу қуртини
Ўлдирмоғу онгидаги хотира-хатни
Учирмоқ-ла, биратўла, унутилишда,
Юрагини гижимлаган шу чиркин азоб
Чангалидан озод этмоқ чорасин изла.

ТАБИБ

Бундай дардга чора фақат хастанинг ўзи.

МАКБЕТ

Унда, сен бу дориларни кучукка ташла!

Офицер билан **Сейтон** қайтиб киради.

Сейтон! Совут зирҳини торт. Найзамни узат.
Отлиқларни жўнатдингми! — Бекларим қочиб,
Душманамга қўшилмоқда, муҳтарам табиб,
Сен юртнинг бу касалини аниқласангу
Ҳам оёққа турғизолсанг, боз-бойгидай,
Шуҳратингни шамол билан элга ёярдим.

(Аслаҳаларни қайтадан ечмоқ бўлиб, Сейтонга)

Сейтон! Совутни еч. — Айт-чи, қайси бир гиёҳ,
Ёки дафна япроғи-ла бу юртимизни
Инглизлардан тозалайлик, муҳтарам табиб?
Сен уларни эшитдингми?

ТАБИБ

Эшитмай, нима?

Бу тадорик, шоҳимнинг саъй-ҳаракатлари —
Босқинчилик борлигидан дарак беради.

МАКБЕТ *(Сейтон ва офицерга)*

Бу даҳмаза аслаҳани ортимдан элтинг.
То Дунсинан қасри томон Бирнам ўрмони
Юриб келмай, мен ўлимдан қўрқмайман асти.

Табибдан бўлак ҳамма кетади.

ТАБИБ

Шу саройдан эсон-омон чиқиб кетсайдим,
Яқинига йўламасдим, кўрмасдим қайтиб.

Кетади.

4-САҲНА

Бирнам ўрмони. Ноғора ва байроқлар. **Малькольм**, ота-бола **Сивард**

лар, Ленокс, Макдуф, Ментейс, Кэтнес, Ангус, Росс ва аскарлар киради.

МАЛКОЛЬМ

Оғайнилар, осойишта, ташвишсиз турмуш,
Ҳаловатли кунлар яқин, мен ишонаман.

МЕНТЕИС

Ҳеч шубҳасиз, ишонамиз!

МАЛЬКОЛЬМ

Бу қандай ўрмон?

МЕНТЕИС

Буни, Бирнам ўрмони, дер.

МАЛЬКОЛЬМ

Ҳар битта жангчи —
Битта бутоқ чоғиб олиб, бошида тутсин,
Рақибларни чалғитайлик. Сон-мингта, десин!

АСКАРЛАР

Бажарамиз ҳозир барча айтганингизни.

СИВАРД

Кўринишдан шашти баланд. Ҳужумимизни
Қайтармоқлик ниятида, зўр ишонч билан
Дунсинанни мустаҳкамлар мустабид Макбет.

МАЛЬКОЛЬМ

Девор олиб ўралмаган истеҳкомлардан
Ешу қари қочиб ўтди томонимизга.
Бу қалъада қолган қўшин ноиложликдан
Хизмат қилар. Макбет учун бу сўнгги таянч.

МАКДУФ

Хулосага ҳали вақт бор. Ҳозирча эса
Жанговарлик, кучимизга ишонайлик биз.

СИВАРД

Бахтимизга, фурсат яқин, қанча фол очманг,
Ҳали-замон дўст-душманни аниқлайди жанг.
Мен кўнглимда шу савашни кўпдан кутаман,
У урушни ҳал қилади бугун батамом.

Кетадилар.

5 – САҲНА

Дунсинан. Қалъа ичкараси. Ноғора садолари ва байроқлар остида
Макбет, Сейтон ҳамда аскарлар кирадилар.

МАКБЕТ

Байроқларни девор бўйлаб осиб қўй қатор.
Ҳаммаёқдан эшитилар ўша бир товуш:

«Бостириб келишяпти!», «Келяпти!» деган.
Қалъамиз-чи! Кулаётир қамал устидан.
Майли, ўраб ётаверсин. Очлик, касаллик
Силласини қуритади. Эҳ, мендан қочган
Беклар билан улар бунча кучаймаганда,
Ҳеч ўйламай, жангга ўтиб, бир ҳамла билан
Бу сиқувни синдирардим.

Саҳна ортидан аёллар фарёди эшитилади...

У нима товуш?

СЕЙТОН

Шоҳим, аёл чинқириғи.

Кетади.

МАКБЕТ

Ўзимга қойил.

Этим ўлиб, ҳеч бир ваҳм қўрқитмай қўйди.
Ваҳоланки, эртақдан ҳам сочим тиккайиб,
Бехос тунги чийиллашдан муз қотар эдим.
Ваҳмлардан тўйдим, бари бўғзимга келди.
Ҳадиксираш руҳим билан чирмашиб кетган,
Яна қандай таҳлика бор?

Сейтон қайтиб киради.

Ким томоқ йиртган?!

СЕЙТОН

Малика жон узибдилар!..

МАКБЕТ

Кейинроқ ўлса,

Қўймаптимми?! Қўлим бироз бўшармиди-ей!
Биз ҳар ишни ичимизда бир илинж билан,
«Эртага!» деб қолдиришга мойилмиз, бироқ
Умр, товуш чиқармасдан, оёқ учида
Астагина адоғига етгач, қарасак:
Ўтган барча ўша кунлар бизга сездирмай,
Йўл ёритиб, бошлаб кепти гўрнинг лабига.
Тамом, энди бари тамом, шам, куйиб битди!
Ҳаёт — соя; саҳнадаги муқаллид, холос,
Ўйнаб-кулиб муддатини ўтар-да, кетар.
Ҳаёт — тентак тилидаги бетамиз эртақ,
Диққат қилсанг, сўзга бой-у, гапда маъни йўқ.

Чопар киради.

Сен тил қайраб келгансан-а? Тезроқ арра сол!

ЧОПАР

Мен нима деб айтишга ҳам ҳайронман, шоҳим.

МАКБЕТ

Арралайвер!

ЧОПАР

Соқчиликда тураркан ҳозир,
Кўриб жуда шошиб қолдим; Бирнам ўрмони
Силжигандай бўлди бирдан.

МАКБЕТ

Алдоқчи дажжол!

ЧОПАР

Қаҳрингиздан қутулмайин, агар алдасам.
Юринг, ўзим кўрсатаман. Уч чақиримдан
Якка қадам ташлаб, ёвдай кўчиб, бирма-бир,
Тик бостириб келаётир қасрга ўрмон.

МАКБЕТ

Елғон айтсанг, баланд шохга остираман-а!
Оч, мадорсиз, тириклайн туршак бўласан.
Сен ҳам мени шарт осавер, гапинг рост чиқса!
Қаттиқ шубҳа оралади энди ичимга,
Шайтоннинг/сўз ўйинига учган эканман;
У гўлликда илинтириб, ишонтирдики:
«Дунсинанга юрмагунча Бирнам ўрмони,
Бежавотир яшайвер», деб. Хўш, нима бўлди?
Аллақандай ўрмон келар Дунсинан томон.
Қурол! Қурол! Вақт борида, майдонга чиқай!
Башарти, у — чопар сўзи чаппа келмаса,
Хонада ҳам, майдонда ҳам менга омон йўқ.
Яшаб тўйдим, тирикликдан тинкам қуриди.
Сен мендан ҳам қоласанми?! Қуриб бит, дунё!
Хужумга занг чалинглар, ҳей! Насибам битса,
Истар эдим, темир совут ичида кетсам!

Кетадилар.

6-САҲНА

Уша ерда. Қалъа қаршисидаги яланглик. Ноғора ва байроқлар. Маль-
ком, ота-Сивард, Макдуф бошда бутоқ тутган қўшинлари билан
кирадилар.

МАЛЬКОЛЬМ

Қаср қаршисига етдик. Бутоқни ташланг.
Юзни тўсмай юзлашайлик энди ёв билан.

(Сивардга)

Сиз, ўғлингиз билан, тоға, илғорни бошлаб,
Жангга кириг. Мен ва Макдуф, келишилгандек,
Битказишга тиришамиз қолган ишларни.

СИВАРД

Омад берсин! Шу савашда ёвни, мабодо,
Енголмасак, ўлганимиз минг марта авло!

МАКДУФ

Бурғуларни чалинг тезроқ, қулоқ том битсин,
Ўлимнинг ҳам ўтакаси ёрилиб кетсин!

Кетадилар.

7-САҲНА

Уша ер. Ялангликнинг бўлак қисми. Уруш шовқинлари.

Макбет киради.

МАКБЕТ

Занжирдаги айикдайман. Қочмоқлик номус.
Йўқ, қуршовга туширолмас, олишаман мен.
Қани, борми бирор аёл туғмаган мардум?
Шундай одам бўлса, фақат ундан қўрқардим!

Е ш С и в а р д киради.

ЕШ СИВАРД

Тез бўл, менга исмингни айт.

МАКБЕТ

Нима қиласан?
Билсанг, баданингга титроқ киради, бола.

ЕШ СИВАРД

Э, йўқ, тамуғ титрайдиган махлуқ бўлсанг ҳам,
Исмингни айт, бўл тез!

МАКБЕТ

Мени Макбет дейдилар!

ЕШ СИВАРД

Ундан кўра, иблис бўлсанг, исминг жисмимда
Бунча нафрат уйготмасди.

МАКБЕТ

Ва даҳшат ҳам, де?!

ЕШ СИВАРД

Бўлмаган гап! Бу сўзингни қайтиб ол, олчоқ!
Қилич билан исботлайман ноҳақлигингни.

Савашадилар. Е ш С и в а р д қулаб, ўлади.

МАКБЕТ

Сени аёл туққан, бола. Ҳар қанча таҳдид
Аёл туққан бирор зотдан келса бошимга,
Мен ҳеч қандай сипарсиз ҳам сиҳат қоламан.

Кетади. Жанг суронлари. М а к д у ф киради.

МАКДУФ

Ана, жангнинг қайноқ жойи. Кўрин, ситамкор!
Айнан менинг қўлимдан сен ўлим топмасанг,
Бош устимдан норасида гўдақларимнинг
Учи олинмаган руҳи чирқиллаб, кетмас.
Мен ёлланган деҳқонларнинг қонин тўкмайман.
Кўрин, Макбет, йўқса, ҳали ишга тушмаган
Қиличимни, қон юқтирмай, қинга соламан.
Ҳа-а, сен бу ёқдасан, — шовқин-суронга кўра,
Уша ерда кўп синашта жангчи олишар.
Тақдир, тезроқ Макбет билан рўпара келтир,
Ер бетида бошқа лаззат менга бир пулдир!

Кетади. Уруш сурони. М а л ь к о л ь м в а о т а - С и в а р д кирадилар.

СИВАРД

Қалъа жангсиз таслим бўлди. Қаранг, шаҳзода,
Савашмоқда ёв лашкари унда ўзаро,
Биз урушда ютдик ортиқ уринишларсиз —
Ҳадемай, ҳал. Тангман беклар матонатидан!

МАЛЬКОЛЬМ

Ҳа, рақиблар, пироварди, бизга хайрихоҳ.

СИВАРД

Қани, қасрга кирайлик. Бошланг, шаҳзодам.

Кетадилар. Уруш суронлари.

8-САҲНА

Уша ерда. Ялангликнинг яна бошқа буржи. М а к б е т киради.

МАКБЕТ

Миясини еган, тентак римликка ўхшаб,
Ўз тигига ўзин отиб ўлмоқлик нечун?
Ҳали тирикларга кўзим тушиб турибди,
Ушаларни чопган тузук.

М а к д у ф киради.

МАКДУФ

Менга қара, ит!

МАКБЕТ

Одамзодлар орасида фақат сен билан
Учрашишни истамасдим. Ахир, шундай ҳам,
Менинг руҳим яқинларинг қонига ботган.

МАКДУФ

Тил аташдан ҳазар қилар, тигим гапирсин,
Исми-жисминг билан қўшиб пасткашлигингни.

Савашадилар.

МАКБЕТ

Беҳуда куч кеткизасан. Ўткир қиличинг
Бўш ҳавога ўтар фақат, асло менгамас.
Кучинг етган бир ювошни топиб савашгин —
Аёл туққан зотдан мени асрайди афсун.

МАКБЕТ

Шундай бўлса, ул афсундан умидингни уз!
Товонини ялаганинг иблис тасдиқлар:
Ки, тўққиз ой тўлмайд туриб, она қорнидан
Ериб олингандир Макдуф, туғилган эмас.

МАКБЕТ

Ҳаҳ, шу гапни айтган тилинг узилиб тушсин!
Шаштим синди! Минбаъд шайтон башоратига

Ишонмайман. Ул дўзахнинг сўз ўйинидир.
Лаънат ёгсин икки тилли иблис жинсига!
Эшитганда, ширин сўзи қулоққа ёқар,
Аммо ишонч ҳайф бу сўзга, илондай чақар.
Мен сен билан савашмайман.

МАКДУФ

•Қўрқсанг, таслим бўл!
Намойишга таажжубот бўлиб яшайсан.
Суратингни тахтакачга туширамиз-да,
«Кўриб қолинг, одамхўр!» деб битиб қўямиз.

МАКБЕТ

Нима? Малькольм қаршисида ҳали ер ўпиб,
Оломонга калака ҳам бўлайми? Мен-а?!
Дунсинанга юрди гарчанд Бирнам ўрмони,
Гарчи сени аёл туғмай, онанг қорнидан
Ериб олган бўлсалар ҳам, қалқонни ташлаб,
Улим ҳаққи, чопишаман сен-ла тип-тикка.
Шафқат сўраб: «Тўхта!» деган тахтада қотсин!

Савашиб чиқадилар. Уруш сурони. Жанг тугаганини билдириб, бурғу
чалинади. Ногора зарби ва байроқлар остида М а л ь к о л ь м, о т а - С и в а р д,
Р о с с, Л е н о к с, А н г у с, К э т н е с, М е н т е й с ҳамда а с к а р л а р киради.

МАЛЬКОЛЬМ

Истардимки, бунда ҳозир бўлмаганлар ҳам
Соғ-саломат кириб келса.

СИВАРД

Қурбонсиз жанг йўқ.
Давраминизга қараб туриб, ҳали шундай ҳам,
Зафар бизга унча қиммат тушмаган, дейман.

МАЛЬКОЛЬМ

Мен ўғлингиз ва Макдуфни кўрмаётибман.

РОСС

Ўғлингиз чин аскар бурчин бажо келтирди.
Ўсмир бўлиб яшади-ю, мард бўлиб ўтди.
Сўзларимга гаров унинг сўнгги сония
Шиддат билан олишгани.

СИВАРД

Демакки, ўлган.

РОСС

Жасади жанг майдонидан олиб чиқилди,
Жасоратин қайғу билан ўлчамангизким,
Унда олам торлик қилар аламингизга.

СИВАРД

Жароҳати олдиданми?

РОСС

Қоқ манглайдан.

СИВАРД

У ўтибди шараф билан дунёдан. Бошда
Мўйим қадар ўғлим бўлса, мен уларга ҳам
Фақат шундай, ҳа-ҳа, шундай ўлим тилардим.
Шудир ўғлим хотирига қайғум нишони.

МАЛЬКОЛЬМ

Йўк, мен қаттиқ қайғураман уни хотирлаб.

СИВАРД

Бундан қаттиқ қайғуришни кўнгли бўшга қўй.
У мардона ўлим топди, майдонда ўлди.
Ҳалол яшаб, ҳаёт билан ҳисоб-китобни
Тугатдимми? Енгил бўлсин унинг тупроғи!

Макбетнинг бошини кўтариб, М а к д у ф киради.

МАКДУФ

Бор бўл, Малькольм! Қиролимиз энди ўзингсан.
Тажовузкор ўша ёвуз, молимардумхўр
Бош қирқилди, мана кўргин. Юрт овоз бўлди.
Лаълу гавҳар билан тожни безаган каби
Қиролликнинг ялпи гули теварагингда.
Биродарлар, чин юракдан менга жўр бўлинг:
«Шотландия қироли яшасин!» дея,
Қичқирайлик бир овоздан, кўнгил бўшасин.
Ҳа?!

ҲАММА

Яшасин, Шотландия қироли!

Ялпи бургу овозлари янграйди.

МАЛЬКОЛЬМ

Фурсат

Етган экан, ҳаммангизга айтар гапим бор;
Муҳаббату кўмагингиз учун ташаккур.
Беклар, хешлар, Шотландия ерида илк бор
Мен графлик рутбасини таъсис этаман.
Ҳам у билан энг аввали сизни қутлайман.
Қувғиндаги ўртоқларни она тупроққа
Қайтарайлик, иш бошидан бағримиз тўлсин.
Сўнг тож кийган у балохўр, шайтони лаин,
Ҳам гапларга қараганда, урғочи жуфти —
Таҳликадан ўз жонига ўзи қасд қилган
Маликанинг яқинлари, ҳамтовоқларин
Ялоғидан бош кўтариб, тарқаб кетмасдан
Тутайлик тез. Ишлар тиғиз, аммо вақт топиб,
Гали билан ҳаммасига улгураимиз биз.
Барчангизга қуюқ таъзим. Энди Сконда —
Тож тўйида бирга бўлинг — ҳамма меҳмонга!

Бургу овозлари. Кетадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ОКТЯБРЬ
 (1984 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

БУ — ТАБАРРУК ТУПРОҚ

«Шарқ юлдузи» журнали редакциясининг топшириғига кўра публицист-ёзувчи Нусрат Раҳматов Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри Исмоил Жўрабеков билан суҳбатлашди.

И. Жўрабеков. Партия ва ҳукуматимиз сўнги пайтларда ирригация ва мелиорация тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Сизни ҳам шу нарса қизиқтираётган бўлса керак. Чунки кейинги пайтларда анча-мунча журналистларга интервью беришга тўғри келди. Улар, энг аввало, мелиорациянинг бугунги моҳияти билан қизиқяптилар.

Н. Раҳматов. Ташаббусни қўлга олганингиз учун раҳмат! КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумидан кейин бу сўзнинг моҳиятини янада чуқурроқ ҳис эта бошладим. «Ўзбек Совет энциклопедияси»да мелиорацияга берилган таърифга аввал унчалик эътибор бермаганим рост. Унда шундай дейилган экан:

«МЕЛИОРАЦИЯ (лотинча — яхшилаш) — ерни тубдан яхшилашга қаратилган, ташкилий-хўжалик ва техника тадбирлари. Мелиорацияда катта майдонларда барча табиий шароитни одамнинг хўжалик фаолияти учун фойдали томонга қараб ўзгартириш; фойдали ўсимлик ва ҳайвонлар учун тупроқда қулай сув, ҳаво, иссиқлик ҳамда озик режимини, атмосферанинг ерга яқин қатламида эса ҳавонинг намлик, иссиқлик ва ҳаракатланиш режимини вужудга келтириш, жойни соғломлаштириш ҳамда табиий муҳитни яхшилаш имконини беради. Мелиорация қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишнинг асосий омилдир»...

Майли, уёғини қўйиб турайлик. «Яхшилаш» деган иборага қайтайлик. Демак, мелиорация — ерни фақат текислаш эмас (текислаш билангина уни тубдан яхшилаб бўлмайди), тупроқни муҳофаза қилиш, ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, охир-оқибатда дастурхонимизни тўкин қилишдек тадбирларни ҳам ўз ичига олади.

И. Ж. Карл Маркс «Капитал»да мавжуд жамият ва миллат ернинг хўжайини эмаслигини таъкидлаб ўтган. Дарҳақиқат, биз ҳаммамиз ундан вақтинча фойдаланадиган кишилармиз. Ота-боболаримиздан қолган бу муқаддас меросни келажак авлодга ҳам мукамал етказишга масъулмиз. Бунга эса мелиорация тадбирларини тўла амалга ошириш туфайли эришиш мумкин.

Н. Р. Ҳа, тупроқ ҳақида лоқайд гапиришга ҳаққимиз йўқ. Тупроқ табиатнинг инсонга инъом этган энг бебаҳо бойликларидан бири бўлса ажаб эмас. Жавдар ноннинг мағзига ўхшаш шу дондор, ҳароратли тупроқ тирикчилигимизнинг асосий манбаи эканлигини унутишга сира ҳаққимиз йўқ. Зотан, тупроқнинг ўзи ҳам кенг маънода биологик тирик организмдир. У жамики тирик мавжудот каби сув ичади, нафас олади, озикланади, чарчайди, касалланади... Тадқиқотларга қараганда, бир грамм унумдор тупроқ таркибида юз миллионга яқин микроорганизмлар ҳаёт кечиришаркан. Юз миллион-а! Уларнинг миқдори қанчалик кўпайса, фаолияти кучайса, тупроқнинг саховати шунчалик юқори бўларкан. Мен бундан бир неча йиллар муқаддам машҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамуҳаммедов суҳбатидан баҳраманд бўлгандим. «Тупроғимиз — хазина, — деганди у киши ўшанда, — кафтдек жойга ток новдасини қадасанг кўкаради, рўзгорингни тўкин қилади».

И. Ж. Боболаримиз заминнинг ҳақиқий эгаси бўлиш учун асрлар давомида тинимсиз курашиб келишган. Улуғ Октябр социалистик революциясидан кейин доҳиймиз В. И. Ленин биринчи бўлиб «Ер ҳақида»ги Декретга имзо чекканлигида катта маъно бор. Мамлакатимиз майдони жиҳатидан катта бўлишига қарамай,

экишга яроқли ерлар нисбатан жуда озлигини ҳисобга олишимиз керак. Бизда катта майдонлар тундра, тайга, тоғликлар, қумликлар билан қопланган. Шунинг ўзи ҳам сўғориладиган ерларни қадрлашимиз лозимлигини тақозо этади.

Н. Р. Бу борада республикамизда катта миқёсдаги ишлар амалга ошириляпти. Қанчадан-қанча каналлар, сув омборлари, насос станциялари қурилди. Асрий саҳролар пахтазорларга, шовуллаган боғ-роғларга айлантирилди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан илгари — ҳосилдорлик энг юқори чўққига кўтарилган 1913 йилда республикамиз территориясида жами бўлиб 517 минг тонна пахта етиштирилган ва ҳосилдорлик 12,2 центнер бўлганлигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя.

И. Ж. Лекин КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида таъкидлаб ўтилганидек, қўлга киритилган ана шу ютуқлар билан бирга бартараф қилиниши лозим бўлган камчиликлар, муаммолар ҳам анчагина. Қаердаки пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги паст бўлса, планлар йиллар оша бажарилмаса, бунинг сабабини ерга эътиборсизликдан излашга тўғри келади. Республикамизда бир миллион гектардан кўпроқ қайта яхшиланишга муҳтож ер бор. Сувдан фойдаланишнинг аҳволи ҳали кўнгилдагидек эмас Айниқса, ердан тўла қувват билан фойдаланиш масаласида кўп иш қилишга тўғри келади. Республикамиздаги хўжаликларнинг йигирма фоиздан кўпроғи ҳосилдорликини 20 центнердан ошира олмаяпти. Бу — ерни қийнаш, унга жуда ҳам азоб бериш, деган гап. Тасаввур қилиб кўринг-а: ер бор, техника бор, ўғит, иш кучи бор-у, ҳосил йўқ. Сабаби шуки, замин ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай хўжаликларнинг раҳбарлари турли баҳоналарни рўқча қилишга одатланиб қолишган. Улар давлатдан қарздор бўлишларига қарамай ўғит, техника, бепул ёрдам сўрайверишдан сира хижолат тортмайдилар. Қарши районидаги Энгельс номли, Пешкў районидаги Фрунзе номли совхозларда худди шундай ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Мазкур совхозларнинг раҳбарлари ички имкониятларни ишга солиш ўрнига катта ҳажмдаги мелиоратив ишларни давлат ҳисобидан бажариб беришни илтимос қилишдан нарига ўтишмас экан.

Н. Р. Мен эса, Исмоил Ҳакимович, яқинда Бухоро, Когон районларига бориб, хўжасизлик, эътиборсизликнинг бошқа бир кўринишларига дуч келдим. Бу районлардаги бир қатор хўжаликларнинг табиатга нотўғри муносабати оқибатида ерости сувлари юзага силжибди. Тупроқнинг устки қисми оппоқ туз билан қопланганини кўриб бебаҳо бойликка, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган тупроққа ачиндим. Бухоро ва Когон районларига Амударё суви етиб келганига гувоҳ бўлганман. Шунда қишлоқлардан чол-кампирлар чиқиб, обу ҳаётни кўзларига суртишганди. Энди эса Амударё суви кўпроқ зарар келтира бошлади. Кўп нарсга раҳбарликка ва ишни ташкил эта билишга боғлиқ экан-да. Уларга қўшни бўлган Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози ҳар қандай оғир шароитда ҳам деҳқончилик маданиятини юксак даражага кўтариш мумкинлигини амалда исботлади-ку!

И. Ж. Ҳа, ер ҳам, одамлар ҳам тўла қувват билан ишлашлари керак.

Н. Р. Аммо чарчатиб ҳам қўймаслик лозим.

И. Ж. Ер чарчамайди!

Н. Р. Нега энди?! Модомики, у биологик тирик организм экан, чарчаши табиий. Айрим олимлар ерни икки-уч йил табиий ҳолда сақлашни беҳудага тавсия этишмаётгандир.

И. Ж. Мен бунга қўшилмайман! Ер яхши ишлагандагина дам олади. Бир қатор хўжаликлар пахтадан бўшаган майдонларга рапс, хантал, перко сингари қишда ўсадиган озуқа экинлари экиндалар. Демак ер қишда ҳам ишлайди. Шу билан бирга, у бойийди, тупроқ таркибида азот кўпаяди, мол озуқаси ҳам мўл бўлади.

Н. Р. Мен қишки оралиқ экинлар, яъни сидератлар экиш прогрессив усул деб ҳисоблайман. Аммо, шу билан бирга, табиийликдан чекинмаслик тарафдориман. Ёдингизда бўлса, сиз Самарқанд область сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлайдиган пайтингизда ҳам суҳбатлашган эдик. Мен ўшанда кичик ариқчаларни сақлаб қолиш тарафдори бўлгандим. Чунки пайкаллар, қишлоқлар орасидаги кичик табиий ариқчаларни ернинг артериялари деб ҳисоблайман. Болалигимизданоқ тасаввуримизда михланиб қолган, атрофини ўт босиб ётадиган бу ариқлар табиатнинг бебаҳо бойлиги эмасми?!

И. Ж. Бундай пайтда ижодкорлар бир оз эмоцияга берилиб кетишлари табиий ҳол. Мен ўша суҳбатимизда кичик ариқлар кўп ерни банд қилишини, анча сувнинг филтраланишига сабаб бўлишини айтган эдим. Уларни магистрал бетон ариқлар ва лотоклар билан алмаштириш зарурлигини мисоллар билан исботлаганман. Албатта, ўз фикримда турибман!

Н. Р. Начора, мен ҳам ўз фикримданман!

И. Ж. Биз фойдаланишимиз зарур бўлган табиий факторлар кўп. Масалан,

ерга гўнг солишни олинг. Тупроқнинг биологик активлигини оширишда унинг роли бебаҳо. Ота-боболаримиз азал-азалдан ерни маҳаллий ўғитга тўйдиришга алоҳида эътибор беришган. Уша юқорида тилга олинган Пахтачи районидаги «Коммунизм» колхозидеги яна бир тажриба ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Бу ерда гўнг обороти ташкил этилган. Ҳар уч йилда бир далага гектар ҳисобига 30 тоннадан чиринган маҳаллий ўғит солинади. Шу ерларнинг тупроғига ҳавасингиз келади: юмшоқ, дондор... Тўғри, ҳозир ҳамма жойда ҳам бунинг имкони бор деб бўлмайди. Бизда маҳаллий ўғит резервлари жуда оз. Мавжуд запаслар унга бўлган талабнинг лоақал ярмини ҳам қопламайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир хўжалиқда чорвачиликни мумкин қадар ривожлантиришни тақозо этади. Шу билан бирга, алмашлаб экишни изчил йўлга қўйиш, мелиоратив тадбирларни аниқ план асосида ўтказиш зарур. КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қароридеги мана шу жумлаларга эътибор беринг: «Ўзбекистон ССРда суғориладиган ерлар майдонини 5—5,5 миллион гектарга етказиш кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир ишларни ўтказиш анча кенгайтирилсин... Қарши ва Жиззах даштларини Қоровулбозор ҳамда Қизил суғориш массивларини комплекс ўзлаштириш давом эттирилсин».

Н. Р. Қарши ва Жиззах даштларида ташкил этилган совхозлар фаолиятини эндиликда ана шу Пленум қарорлари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Бу чўлларда бир вақтлар нуқул пахтачилик бўйича ихтисослаштирилган совхозлар ташкил этилиши партиямизнинг бу хусусдаги кўрсатмаларини бир томонлама тушунишдан бошқа нарса эмас. Шундай хўжаликларда беда ва пахта алмашлаб экиш тартиби деярли жорий этилмайди. Чунки хўжалик пахтачилик бўйича ихтисослашган, чорва бўлмагач беданинг кимга кераги бор?! Бу эса, ўз навбатида, маҳаллий ўғит танқислигини келтириб чиқаради. «Монокультура», яъни бир майдонга узлуксиз бир хил экин экавериш тупроқни қашшоқлантириши турган гап. Ихтисослаштирилган хўжаликларда мева, сут, гўшт, тухум ҳам танқис бўлади. Болалар боғчалари, касалхоналар учун бундай неъматларни бошқа ердан сотиб олишга тўғри келади. Қишлоқда яшасангу мева-чевага зориқиб юрсанг, бундан ёмони йўқ! Бунинг устига ана шундай совхозлар давлатдан қарздор.

И. Ж. Эътибор бераётган бўлсангиз, республикамиз Марказий Комитети ва Ҳукумати паст рентабелли бундай хўжаликларни, ҳатто районларни яхлитлаш, қўшиб юбориш чораларини кўрмоқда. Шахсан мен бундан жуда хурсандман. Мана сизга мисоллар: Ўзбекистон қишлоқ қурилиши министрлигининг ўзи ўн биринчи беш йилликда планда кўзда тутилган 26 ўрнига 144 совхозда иш олиб бормоқда. 26 совхозга мўлжалланган маблағнинг юзлаб хўжаликларга сочиб юборилиши хўжасизлик эмасми?! Бошқа министрликлар, бошқармаларда ҳам аҳвол шу. Айрим ўртоқлар, жумладан муҳтарам ижодкорларимиз ҳам масаланинг туб илдизига қарамай, баъзан айбни министрликларга, шу жумладан республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ҳам тўнқайдилар.

Н. Р. Аммо сизларни айблашда маълум даражада асос ҳам бор. Министрлик системасидаги янги совхозларда бўлган ҳар бир одамнинг ўша хўжалик раҳбарларига раҳми келиши шубҳасиз. Совхоз директори пахтачилик, чорвачилик билан шуғулланиш ўрнига йиллар давомида мелиораторлар ва қурувчиларнинг хатоларини тузатиш билан овора бўлиб юради. Идорама-идора кезиб қурилиш материаллари, усталар излашади. Ваҳоланки, сизлар янги совхозларни мукамал ҳолга келтиргандан кейин буюртмачиларга топширишларингиз керак. Унда далаларнинг текислиги, ариқларнинг равонлигидан тортиб, одамлар яшайдиган уйларнинг канализациясигача шай қилинган бўлиши лозим. Лекин сизлар текислаган майдонлар биринчи йилиёқ ўйдим-чуқур бўлиб қолади, ариқлардан сув оқмайди, уй-жой масаласини эса гапирмай қўя қолай.

И. Ж. Мен юқорида бунинг асосий сабаби ҳақида тўхталиб ўтган эдим. Унга қўшимча қилиб яна шуни айтишим керакки, айрим совхозларнинг раҳбарлари янги ерларни дастлабки йиллардаёқ бетуроқ томорқачилар ихтиёрига топшириб қўймоқдалар. Натижада биринчи йилиёқ ёпиқ дренажларни сув ювиб кетмоқда, далаларни бегона ўт босмоқда. Аслида шу ерларда унинг ҳақиқий эгалари, ҳалол деҳқонлар ишлаши керак! Бу — бир. Иккинчидан, ҳар қандай ер ҳам текислангандан кейин биринчи сувдан, ишловдан кейин, бизнинг иборамиз билан айтганда, деформацияга учрайди: паст-баланд бўлиб қолади. Бу ўринда бошқа бир муаммо бор. Бизнингча, янги совхозлар учун дастлабки йил план белгиламаслик керак. Чунки ер иккинчи йилга келибгина кондиция талабига жавоб берадиган бўлади. Биринчи йил хўжалик имкон даражасида ҳосил етиштириши ва асосий кучни ерни тобга келтириш, қурилиш ишларига сарфлаши мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Н. Р. Менимча ҳамма ҳам ўз иши билан банд бўлгани яхши. Ёзувчи асар ёзиши, қурувчи бино тиклаши, деҳқон ҳосил етиштириши лозим. Баъзан чалкаш ҳолларни кўриб ҳайрон қоламиз: қишлоқда яшайдиган кишилар шаҳарлар, район марказларидаги қурилишларда ишлайдилар, даладаги ишларни эса шаҳарликлар бориб

бажариб юришади. Хўжалик раҳбарлари билан суҳбатлашиб қолғудай бўлсангиз, нукул фишт, шифер тополмаётганидан нолишади.

И. Ж. Бу борада муаммолар кўп. Ишни ташкил этишда анчагина ислохотлар қилишга тўғри келади. Масалан, бир қатор қардош республикаларда буюртмачи ҳам, ишни бажарувчи ҳам, келажакда ўша объектдан фойдаланувчи ҳам бир раҳбарга бўйсунди. Бизда, негадир, лойиҳалаштириш муассасалари, қурувчилар, фойдаланувчилар бошқа-бошқа министрликларга қарайди.

Н. Р. Мен Грузияда бўлганимда бу ишларнинг барига республика агросаноат бирлашмаси раҳбарлик қилаётганининг гувоҳи бўлдим. У ерда кўпгина министрликлар тугатилбди.

И. Ж. Бизни табиий иқлим жиҳатдан Грузия билан таққослаш ноўрин. Территориал жиҳатдан олиб қараганда у республика биргина Бухоро области-миздан ҳам анча кичик. Бизда ҳам ортиқча идора, ташкилотлар йўқ эмас. Аммо, шу билан бирга, айрим министрликлар ва бошқармалар мавқеини тағин ҳам мустаҳкамлаш керакка ўхшайди. Тўғри, грузин дўстлардан ҳам нималарнидир ўрганишимиз мумкин. Масалан, фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқаси...

Н. Р. Ҳа, у ерда қишлоқ хўжалиги, табиати муҳофаза қилишнинг кўпгина муаммоларига тўғри жавоб топиш мумкин. Ёдингизда бўлса, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленумида бир қатор илмий-тадқиқот муассасалари, жумладан, ВАСХНИИЛнинг Ўрта Осиё бўлими, Ўрта Осиё ирригация илмий-текшириш институти адресига анчагина танқидий фикрлар айтилди. Чунки тупроқни бойитиш, уни ҳимоя қилишнинг жуда кўп масалалари ҳали муаммо бўлиб турибди. Тупроқнинг сув ва шамол эрозияси ҳақида кўп гапирилаётган, унинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланаётган бўлса-да, заминнинг механик зичланиши масаласида етарлича ташвиш чекилмапти. Тракторсозларимиз тобора вазмин ва кучли тракторлар ишлаб чиқаришмоқда. Бунинг устига экин ораларига мумкин қадар кўпроқ ишлов бериш одат тусига кирмоқда. Тракторларнинг кучли баллонлари тупроқ юзасини чанга айлантираётган бўлса, унинг остки қатламини тобора зичлантириб юборяпти. Аммо биз тракторлардан воз кечиб, омовларга қайтолмаймиз-ку! Олимларимиз бу зарарни юксак даражада камайитириш йўллари ишлаб чиқишлари, деҳқонлар эса шунга риоя қилишлари зурур деб биламан. Ишлатилаётган минерал ўғитлар ва захарли моддалар микродорини ошириб бориш, тупроқни тобора эзиб-янчавериш ҳар қандай эрозиядан кўра хавфлироқ эканлигини ҳисобга олишимиз керак. Тупроқ картаси ва картограммаси ҳусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Кейинги йилларда ернинг ҳақиқий паспорти бўлмиш бу ҳужжатлар ўз қадрини йўқотиб қўймоқда. Айрим жойларда улар эскириб кетди. Тупроқ картаси ва картограммаси РАПО мутахассислари, колхоз-совхозларнинг раҳбарлари учун ўзига хос дастуриламал бўлиши мумкин эди. Республикамизда ер ва сув запаслари кўп. Улардан фойдаланишда илмий асослар керак, албатта.

И. Ж. Биз негадир ер ва сув запасларимиз кўп, дейишга анча кўникиб қолганга ўхшаймиз. Бу масалага ҳам илмий нуқтаи назардан қарайдиган вақт келди. Бир неча йилдан буён республикамиз сув танқислиги азобини тортмоқда. Бизнинг дарёларимиз асосан Тожикистон ва Қирғизистондаги тоғлардан бошланади. Сувнинг сероб бўлиши кўп жиҳатдан дарё бошида турганларга ҳам боғлиқ. Тўғри, СССР сув хўжалиги министрлиги бизнинг лимитимизни ҳам белгилаб берди. Ўзимизга тегишли сувни оляпмиз ҳам. Аммо, бари бир, сув танқислиги бартараф этилгани йўқ. Фарғона водийсида энди янги ер очиш имконига эга эмасмиз. Тоғларда ёғин запаслари кам бўлган йиллари кўпгина майдонлардаги шоли, маккажўхори ва бошқа экинлардан воз кечишга тўғри келяпти. Бу — осон эмас. Шунинг учун Самарқанд, Жиззах, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Навоий областларидаги сойликлар узра майда сув омборлари қуришни мўлжалламоқдамиз.

Н. Р. Булар жуда қимматга тушмайдими ахир, Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга оқишиш лойиҳалари тугалланди-ку!

И. Ж. Тўғри, лойиҳалар тугалланди. Аммо ана шу сув тупроғимизга қачон етиб келишини ҳозирча айтиш қийин. Бу ўз қиймати, иш ҳажми билан БАМдан қолишмайдиган қурилиш бўлади. Бир Амударё сувини минг километрлаб масофага оқизиб келишни ўзингиз тасаввур қилиб кўринг-а. Балки бу ишни биз бошлармиз, авлодлар давом эттиришар... Шунинг учун ички резервлардан тўла фойдаланиш йўллариин излашимиз керак, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарориди шундай жумлалар бор: «Сув ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишни, ер ости ва оқар сувлар тугаб қолиши ҳамда булганишидан муҳофаза этилишини, мелиорация тадбирлари ўтказилишидан ҳайвонот дунёсига ва айниқса балиқ запасларига зиён етказилишининг олдини олишни, муҳим экологик аҳамиятга эга бўлган ботқоқли ва бошқа территориялар сақлаб

қолинишини таъминлайдиган тадбирлар системасини амалга ошириш зарур деб топилди».

Кўпгина областларда ер ости сувларини плансиз, пала-партиш тортиб, олиш, мавжуд сув ресурсларидан хўжасизларча фойдаланиш ҳоллари учраб турарди. Энди бундай ҳолларга чек қўйишга тўғри келади. Хўжалик ёки мелиорация ташкилоти бирор тадбирни амалга оширишдан олдин масаланинг фақат иқтисодий томонинигина эмас, унинг маънавий қирраларини ҳам ҳисобга олиши зарур! Менимча, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар фаолиятига баҳо беришда тупроқнинг табиий бойлигини ошириш, табиатни муҳофаза қилиш борасида у амалга оширган ишлар ҳам инobatга олиниши керак.

Н. Р. Исмоил Ҳакимович, суҳбатимиз охирида мавзудан бир оз чекинишимдан ажабланмасангиз. «Шарқ юлдузи» журнали ўқувчилари сизнинг адабиётга бўлган муносабатингиз билан ҳам қизиқишади. Кейинги йилларда айрим раҳбар ўртоқларнинг, иш кўплигидан бўлса керак, адабиётдан хийла йироқлашаётганликлари ташвишли ҳол, албатта. Чунки бадий китоб берадиган маънавий озуқани бошқа манбалардан олиш қийин.

И. Ж. Яхши китобни севмайдиган одам бўлмаса керак. Яхши китоб шундай қудратга эгаки, вақтинг ҳар қанча чегараланган бўлса ҳам уни ўқишга вақт топасан. Йўлда, зерикарли мажлис пайтида ҳам ўқийверасан. Фирдавсий, Ҳайём, Навоий, Лев Толстойни ёқтираман. Сергей Бородин, Георгий Марков, Юрий Бондаревларнинг асарларини ҳам. Урни келганда дилимдаги бир истакни ҳам айтиб ўтмоқчи эдим. Гарчанд «мелиорация» ва «ирригация» сўзлари луғатимиз учун янги ибора бўлса-да, ота-боболаримиз минг йиллар муқаддам бу тадбирлар билан илмий тарзда шуғулланишган. Масалан, Самарқанд шаҳри яқинидаги Дарғом канали милоддан аввал 5—4 асрларда қазилган. У Зарафшон дарёсидан сув олади. Дарғом канали ҳозир ҳам ўнлаб районларга сув берадиган мукаммал иншоот ҳисобланади. Сўнги йилларда унинг сувига кўплаб электрстанциялар, гидроузеллар қурилди. Албатта, бундан 2400 йил илгари уни бунёд этган боболарга таҳсин айтмай иложингиз йўқ. Бу — узоқ тарих. Аҳмад Дониш бундан юз йиллар муқаддам Амударё сувини Бухоро чўлларига оқизиш лойиҳасини чизган. Ҳозир бунақа лойиҳани ишлаб чиқиш учун илмий-текшириш институтлари йиллар давомида ишлаши керак бўлади. Шуниси қизиқки, Аму-Бухоро каналининг ҳозирги йўли Аҳмад Дониш чизган лойиҳага анча яқин келади. Мен адабиётимизда ана шулар ҳақида ўқигим келади. Жонкуяр мелиораторларимиз Россия ботқоқзорларини ўзлаштиряптилар, ўлкамиз қиёфасини ўзгартиряптилар. Адабиётимизда яна ана шундай жонкуяр кишиларнинг ҳақиқий образларини кўргим келади. Азамат мелиораторлар ва ирригаторлар ҳақида шундай асарлар ўқисамки, кейин ҳафталаб ҳаяжонимни босолмай юрсам дейман.

Н. Р. Ижодкорларимиз ҳам катта мақсадларни кўзлаб иш тутяптилар. Айрим баҳслар, муаммолар хусусида журналхонлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирадилар, деган умиддаман.



Жўрабой Саримсоқов,
Тоҳир Ҳамроқулов.

ХАЛҚ ФАРЗАНДИ

«Ўзимни таништирай. Исмиим Игорь, фамилиям Софронов. Игорь Иванович десангиз ҳам бўлади. Жанговар қуролдош дўстим, номи қардош халқлар тилида дoston бўлган Мамадали Топиболдиев тўғрисида сўзлаб бермоқчиман.

Дўст ҳақида сўзлаш мароқли... Уни отряддагилар Толя деб чақиришарди. Ҳаммамиз учун азиз ва қадрли Толямиз ҳақида бутун Белоруссияда, айниқса Талачиншинада тарқалган афсонавий гаплар тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтмоқда. Афсона дедим. Аслида, бу — ҳақиқат. Мамадали билан жанговар операцияларга жўнаш олдидан, баъзан ҳориб-чарчаб қайтаётганимизда гулхан ёнида ўтириб, келажак ҳақида сўзлашардик.

— Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ, — дер эди у, — фашистларни янчиб ташлашимизга оз қолди. Яхши кунлар келади. Ушанда, Игорь, вайрон бўлган қишлоқларимизни тиклаймиз. Далаларга трактор олиб чиқамиз. Мана бу қўлларим трактор рулини бошқаради. Пахта экамиз... Ушанда сени ва дўстларимни албатта уйга чақираман. Оёқларинг остига қўй сўяман!..

Гулхан ёруғида унинг юзи ял-ял ёнарди. Қандай бардошли инсон-а?! Душманга нафрат, ғазаб унда қаёқдан пайдо бўлдийкин?! Бу саволларга қалбимдан отилиб чиққан қўйидаги гаплар жавоб бўлади: «Октябрь кўёшидан... Лениндек улуғ зот дўстлик ипларини чамбарчас боғлади. Қон-қардошлигимиз ўшандан бери томирларимизда жўш уради!..»

Бу мен, эшикни очинг

Мамадали уруш бошланмасдан олдин, аниқроғи, 1939 йилнинг кузида армия хизматида чақирилди. Унгача ўзи туғилиб ўсган Фарғонадаги Пандигон қишлоғида тракторчилик қиларди. Тракторчилик курсини битириб келганига атиги олти ой бўлганди, холос. У елкалари кенг, бармоқлари йирик-йирик, кучга тўлган йигит эди. Тенгқурлари ҳазиллашиб, Мамадали тракторнинг ҳам жонини олади, уни кўрганда темир сирқирайди, дейишарди.

Мамадали чегарада хизмат қилди. Эпчиллик, кучлилик, зийраклик чегарачиларга хос бўлган хусусият унда мужассам эди. Бир ярим йиллик хизмат даврида командирликнинг кўпгина раҳматномаларини олди. У энди хизмат муддатини тугаллаб, она-юртига қайтмоқчи бўлиб турганди.

Даҳшатли йигирма иккинчи июнга ўтар кечасини одамзод ҳам, замин ҳам унутмайди. Эндигина постини топшириб, кўзи илинган Мамадали бомба, снарядларнинг қулоқни қоматга келтирувчи овозидан сакраб тушди. Дарҳол кийиниб, автоматини маҳкам тутган ҳолда ташқарига ўқдай отилиб чиққан йигит чегарани ўт-олов ичида кўрди. Уруш...

Мамадали старший лейтенант Григорьев ротасида хизмат қиларди. Чегарачиларнинг сабот-матонати туфайли немисларнинг бир неча бор қилган ҳужуми қайтарилди. «Улсак ўламизки, орқага чекиниш йўқ!» Улар шундай деб жангга кирдилар. Фашистлар бунчалик кучли қаршиликка дуч келишларини ўйлаб ҳам кўрмагандилар.

Шундай қилиб, урушнинг биринчи кунларидаёқ уларнинг режалари барбод бўлди. Буни биринчи бўлиб чегарачилар пучга чиқардилар. Заставаларда

қақшатқич жанглар борарди. Пешонасидан яраланган Григорьев ўзини йўқотмай, дўстларининг руҳини кўтарарди.

— Йигитлар, бўш келманглар! Аблахларга совет ерига тумшуқ суқининг оқибати нима бўлишини кўрсатиб қўямиз!..

Автоматини сайратаётган Саша Бондарев ёнида снаряд портлади. Мамадали бошини кўтарганида тупроққа қоришиб ётган Григорьевни кўрди. Уни судраб, окопга туширди. Ёрдан кўрсатишга илож йўқ: немислар қора ялоқдек ёпирилиб келмоқда. Шу пайт яна чийиллаган овоз эшитилди-ю, еру кўк битта бўлди.

Хўшга келганида, атроф жим-жит, теварагида мажақланган немис қуроллари, ўликлар ётарди. Сонидан яраланган Мамадали эс-ҳушини йиғиб ўрнидан турмоқчи бўлди, туролмади. Нима қилсин? Атрофда немислар изғиб юрибди.

Мамадали кеч кириб, атрофга қоронғи тушишини кутди. Яраси азоб берар, тишини-тишига қўйиб зўрға чидарди. Кўп ўтмай атрофни қуюқ қоронғилик босди. Мамадали дарахтдан синдириб олган калтакка суяниб ўрнидан турди. Қимирлаши, фақат қимирлаши керак. Немислар аҳён-аҳёнда миномётлардан ўқ узиб қўйишади, осмонга отилаётган ракеталар теваракни бир зум ёритади. Узоқда итлар акиллайди... Демак, яқинроқда қишлоқ бўлиши керак. Мамадалининг аъзойи-баданидан тер қуйиларди. Оғриқ тезроқ юришга қўймайди. У қайин дарахтига суянганча ўтириб қолди. Юмшоқ майсалар ором бағишларди. Бошини кўкат устига қўйди. Оғриқни ҳам унутиб, оёқларини ёзди. Маза...

Мамадали итларнинг овозидан уйғониб кетди. Ғира-шира тонг отмоқда. Узоқдаги уйлар ёнида юрган одамлар элас-элас кўзга ташланади. Қишлоққа кираверишдаги уй ёнида мотоцикл турибди. Мамадали буталар орасидаги миналар портлашидан ҳосил бўлган чуқурликка тушди. Устига дарахт шохларини ташлади. Милтиғини елкасидан олиб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечирди. Кейин кўзини қишлоқ тарафдан олмай, туриб қолди. Кўп ўтмай икки немис солдати мотоциклини юрғизиб йўлга тушди.

Ярим кеча. Мамадали зимистонда қаёққа кетаётганини ҳам билмайди. Охири таваккал қилиб қандайдир эшикни тақиллатди. Кутди. Иккинчи тақиллатишида ичкаридан оёқ товуши эшитилди.

— Ким у?

— Бу мен, эшикни очинг, — деди Мамадали.

— Вой, ўлмасам, Петкамасмисан?..

Мамадали ичкари кирди. Кампир рўпарасида турган гавдали йигитни кўриб, ханг-манг бўлиб қолди.

— Кўрқманг, ойи, — деди Мамадали, — ўзимизникиларданман.

Кампир Мамадалининг қўлтиғидан олиб, ертўлага тушишга ёрдамлашди. Сўнг унга бир оз тикилиб турди-да, тепага чиқиб, нон, сут олиб қайтди...

— Анна Васильевна Рилькова бўламан, — деди кампир. — Болам қаторида боламсан. Хоҳласанг, ҳали айтганингдай, «Ойи...» деябер.

— Ойи, — деди Мамадали ва қандайдир ҳузур-ҳаловат оғушида уйқуга кетди.

Мамадали Анна Васильевна билан туш пайтида учрашди. Қовурилган картошкани иштаҳа билан еркан, яна ўша гапни такрорлади.

— Кетишга кетасан. Юртимизнинг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётганда сени уйимда олиб ўтирармидим? Аммо... — Анна Васильевна гапларини биров эшитиб қоладигандай ертўла эшигига бориб келди. Маҳкамлигига ишонч ҳосил қилгач, Мамадалининг рўпарасига ўтирди-да, оҳиста сўзида давом этди. — Степани топдим. Атрофда партизанлар бор эмиш, шу ростми, дедим. Бир сакраб тушдим. Кейин, нима, партизанларга қўшилиб жанг қилмоқчимисан, деди. Мен ҳа дегандай бошимни қимирлатдим. У аввал кулди. Сўнг, десанг, сендан беш ёш кичикман, мени олмади-ю, сени пишириб ейдими, деса бўладими? Шунда бор гапни айтдим.

— Раҳмат, ойи!

Мамадали севинганидан ўрнидан туриб кетди. Улар йўл тайёргарлигини кўрдилар. Кампир пишлоқ пиширди. Картошкани кўрда пишириб, Мамадалининг қаршилиқ қилишига қарамай халтани қўлтиғига тутқазди. Уғлидан беш-олтита ўқ қолганини айтиб, уни ҳам олиб чиқиб берди. Ниҳоят, қишлоққа оқшом чўкди. Улар узоқ вақтгача ертўлада гаплашиб ўтирдилар. Ярим кечада Мамадали уйдан чиқди.

Топшириқ

Отрядимизнинг қандай ташкил бўлганлиги ҳақида гапириб бермоқчиман. Уруш ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. Жумладан одамларни ҳам. Қишлоғимиз Талачиншинадан ўн километр узоқликда. Колхозда бригада механиги бўлиб ишлардим. Колхоз партия комитетининг аъзоси ҳам эдим. Йигитлар ватан

мудофаасига кетишди. Мен ҳам жўнамоқчи бўлиб турганимда яширин райкомнинг кўрсатмаси билан фронт орқасида қолдим. Мақсадимиз — партизан отрядлари тузиш.

Бу иш аввал осонликча бўлмади. Ишончли одамларни топиш қийин. Умидсизликка тушиб, тўнини тескари кийиб олганлар ҳам йўқ эмас. Одамнинг оласи ичида, деганлар. Бундайларни дарровдан билиб бўлмайди. Фақат сабр-тоқат билан керакли одамларни топиш керак. Озмунча қийинчиликларни бошимиздан кечирмадик. Айниқса, сотқинлик қилиб, немислар томонига қочиб ўтган Василько ишимизнинг пачавасини чиқарди. У қишлоғимиздаги, қолаверса, колхоздаги активларни, коммунистларни немисларга номма-ном айтиб берибди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Немислар рўйхатдагиларни бирма-бир қўлга ола бошлади. Сўроққа олиб кетилганлар қайтиб келмасди. Қаршилиқ қилганлар жойида отиб ташланарди. Навбат бизга ҳам келишини билардик. Тезроқ ҳаракат қилиш керак. Кечаси хотиним, болаларим билан хайрлашиб, Якушканикига жўнадим. Бахтимга уйда экан. Якушканинг уйи қишлоқнинг чеккасида. Учрашишга қулай. Қай кўз билан кўрайки, унинг уйда Герасим Алексеевич Кирпичь ўтирарди. Севиниб кетдим. У районда, халқ контроли комитетида инспектор бўлиб ишларди. Колхозимизга тез-тез келиб турарди. Унинг ҳақиқий раҳбар, чин дўст, партия ишига берилган киши эканлигига ишонардим.

Биз узоқ гаплашдик. Герасим Алексеевич яширин райкомнинг олдига қўйган вазифалари билан бизларни таништирди. Немислар фидокорларга нисбатан аёвсиз иш кўраётганини, айниқса раҳбар-партия ходимларига шафқат қилмаётганини гапириб берди. Вазифа, қишлоқлардан ишончли одамларни топиб, аҳоли ичида иш олиб бориш, кейинчалик партизан отрядларини ташкил этишдан иборат эди. Герасим Алексеевич кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ишга киришдик. Якушка иккаламиз ҳар бир хонадонда бўлишга ҳаракат қилардик. Бизни қувонтирган нарса одамларимизнинг душманга нафрати эди.

* * *

Командир хонасига новчадан келган, басавлат киши кирди.

— Рухсат этинг, ўртоқ командир?

— Марҳамат.

— Қандайдир шубҳали кишини ушлаб олдик...

— Олиб кириңг!

— Есть!

Йигит орқасига шахдам ўгирилиб чиқиб кетди. Орадан кўп ўтмай, афтидан обдан чарчаган бир йигитни олиб кирди.

— Мурожат этишга рухсат этинг, — йигит командирга юзланди. У зўрға оёқда турарди.

— Кераги йўқ, ёнимга ўтир, бафуржа гаплашамиз.

— Ўртоқ командир, — деди партизан чиқиб кета туриб, — бу занғар тишимни қоқиб қўлимга берди. Ҳалигиндақа одам бўлса, илтимос, ўзимга қўйиб берсангиз, ҳисоблашиб оламан.

Командир кулимсираб, боши билан тасдиқ аломатини қилди. У чиқиб кетди. Бизнинг Кирпичь етти ўлчаб, бир кесадиған одам бўлиб, ҳар қандай кишининг кўнглидаги гапини кўздан билиб оларди. Бегонасираб йўлини тўсган партизанимизнинг тишини қоқиб, қўлига берган йигит — Мамадали эди. Биз у билан шундай танишдик.

* * *

Тонг отай деганда 1-рота командири Иван Захарович Курушев билан 2-рота командири Николай Иванович Апанасенкони командир хонасига чақиришди. Герасим Алексеевич харитадан кўзини олиб, рўпарасида тик қотган рота командирларини бошдан-оёқ кузатиб чиқди-да, ёнига таклиф қилиб, деди:

— Разведка маълумотларига қараганда, эртага Смоленск тарафдан Минскка қараб пассажир поезда йўлга чиқади. Диққат қилинлар, кундуз соат ўн иккиларда! Улар Германияга дам олиш учун кетаётган офицерлар. Мақсад — поездни яқсон қилиш!

— Кўнглингизни тўқ қилаверинг, ўртоқ командир, — деди Иван Захарович, — уларни нариги дунёга, абадий дам олишга жўнатамиз!

Топшириқ ниҳоятда муҳим ва масъулиятли эди. Шу боисдан операцияга пухта тайёргарлик кўрдик. Автомат, пулемётларни кўпайтирдик. Танкка қарши отадиган қурол ҳам олдик. Кундуз соат ўн иккилар чамаси темир йўлга яқинлашдик-да, қулай жой танладик. Рота командирларимиз Курушев билан Апанасенколар аввал

паровозни ишдан чиқаришимизни, у тўхтагач, эшелонга қарата автомат, пулемётлардан тинмай ўт очишимизни тайинлади.

Белгиланган муддатда Троцилово-Славное темир йўлида пассажир поезди кўринди. Келишиб олинганидек танкка қарши отадиган қурол билан паровозни ишдан чиқардик-да, автомат ва пулемётлардан тўхтовсиз ўт очдик. Бир вақт ёнимдан Мамадалининг қандай қилиб туриб кетганини билмай қолибман: «Ура» дея вагон томонга югуриб борарди. У вагон тарновига осилиб, қочмоқчи бўлаётган офицерни бир уриб қулатди. Кейин вагон ичидан икки немисни ҳайдаб чиқди. Мамадалининг жасурлигига ўшанда қойил қолган эдим. Ун беш минут вақт ичида эшелон мажақланиб, бир юз элликка яқин немис-фашистлари қириб ташланди. Уч юзтаси ярадор қилинди. Топшириқни аъло даражада бажарганимиз учун ҳаммамиз командирликнинг раҳматномасини олдик.

1943 йилнинг баҳори эди. Бизнинг отрядимизга муҳим топшириқ берилди. Мамадали разведкачилар бўлинмасига командирлик қиларди. Биз Славное станциясидан наридаги разъездни ишдан чиқаришимиз, рельсларни таг-туғи билан қўпориб ташлашимиз лозим эди. Кечагидай эсимда: Мамадали, мен, Анатолий Мачаховский — уччаламиз разъездни разведка қилгани бордик. Мамадали чўпон кийимида. Бошига эски телпакни бостириб кийиб олган. Бомбадан ҳосил бўлган чуқурликка тушиб, устимизни шох-шабба билан пана қилдик-да, атрофни кузатдик. Разъезд унчалик катта эмас. Диспетчерлик хонасига кириб-чиқиб турган кишилар бармоқ билан санарли. Онда-сонда қуролланган немис солдатлари кўриниб қолади.

Мамадали операция бошланишидан олдин ҳаммамизни йиғиб, бажаришимиз лозим бўлган вазифаларни аниқ ва равшан қилиб тушунтириб берди. Биз — иккимиз стрелкачини қўлга олиб, телефон алоқасини ишдан чиқаришимиз керак. Нина Борисовна Курушева билан Анатолий Мачаховский, Николай Апанасенколар разъездга киравериш ва чиқаверишдаги рельслар тагига мина қўядилар. Кейин... ўйлаганимиздай бўлди. Мамадали иккимиз стрелкачига ташландик. Телефонга ёпишган немис солдати шу заҳотининг ўзида ер тишлади. Орқамизга қайтиб, белгиланган жойда учрашдик. Мамадали ҳаяжонланар, Николай Апанасенко бўлса хотиржам махорка ўрарди. Нинанинғ эса юзида қон қолмаган: бунақанги топшириқларни бажаришга биринчи бориши эди. Гугурт чақиб, портлаткич чилвири учини тутатдик. Рельслар осмонга учди. Вагонлар аланга олиб, атрофни ёритарди. Бу ёқда командиримиз Герасим Алексеевич Кирпичь хурсанд. «Чемист» бригадасининг рельслар бўйлаб олиб борган жанги немислар учун жуда қимматга тушди. Троцилово-Славное темир йўлининг ўзида камида бир ҳафтача ҳаракат бўлмади.

Мамадали ана шу жангларда «Қўрқмас Казбек» номи билан донг таратди. Унинг номини эшитса немислар талвасага тушарди. «Хавфли жиноятчи «Казбек»ни тутиб берган кишига боши баравар олтин инъом этилади. Тириклайин қўлга туширган тақдирда эса мукофот икки баравар тўланади.

Комендант Вайнер».

Николай эълонни баланд овозда ўқир экан, Мамадалининг ёнига келиб деди:
— Олтин бошинг омон бўлсин, дўстим!..

У ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапни айтди.

Аёл кийимидаги партизан

1942 йилнинг ўрталарида Талачиншина райони қишлоқларида аёл кийимидаги партизан тўғрисида афсоналар тарқалди. Оддий халқ у ҳақда берилиб сўзларди. Бу гаплар халқ тилида эртак тарзида юрса ҳам, аслида ҳақиқат эди. Биз афсонавий қаҳрамон билан бирга яшаб, бирга жанг қилаётганимиздан қувонардик.

Немислар аҳолининг оғзидаги ошини ҳам тортиб оларди. Соғин сигирлари, молларни ҳайдаб кетар, қаршилиқ қилганларни ўша ернинг ўзида отиб ташларди. Подберезнь қишлоғидаги немис гарнизони аҳолининг мол-ҳолини йиғиб олганди.

— Ҳеч гап эмас, — деди Мамадали командирга кулиб қараб. — Бир иложини қилиб, молларини эгаларига қайтарамиз.

Мамадалининг, иложини қиламиз, деганида гап бор экан. У ертўладан кийиниб чиққанида таниёлмай қолдик. Худди аёл кишининг ўзи. Фақат гавдасининг катталигидан, дўриллаб гапиришидан эркак киши эканлигини пайқаш мумкин, холос.

— Кун ёйилганда, — деди отряд бошлиғи Александр Сметянкин Мамадали-

ни йўлга кузатар экан, — молбоқар подани ўтлатгани ҳайдаб чиқади. Фақат гарнизондан узоқлашгандагина уни тинчйтишинг мумкин.

— Ҳаммаси сиз айтгандай бўлади, — деди Мамадали хотиржамлик билан.

— Ҳа, айтганча, — Сметянкин Мамадалини тўхтатди, — хотиржам бўл, орқангда одам бўлади. Якушка билан Мачаховский.

Мамадали йўлга тушди. Биз орқасидан қараб турардик. Қўлида тугун. Иягига тағиб олган рўмолининг ранги ўчган. Иккинчи қўлида сири кўчган челак. Сигир соғишга бораётган белорус аёлининг худди ўзгинаси.

Пешиндан оғанда бир қўра мол билан Мамадали қайтиб келди. Якушка билан Мачаховский ҳам бирга. Тезда уст-бошини ўзгартирди. Рўпарамизда ўзимизнинг ботир Толямиз турарди. Операция осон бўлмаганини билардик.

— Подага етиб олгунимча, сезиб қолмасин деб, жоним ҳалқумимга келди, — Мамадали ҳикоясини шошилмай бошлади. — Аблахларнинг мотоциклчилари тикилиб ҳам ўтишди. Хайрият, пешонамда, юзларимда тиришларим бор. Бўлмаса шилқимлик қилишлари ҳам мумкин эди. Поданинг гарнизондан узоқлашишини кутишга тўғри келди. Автоматимни ҳар эҳтимолга қарши тайёрлаб қўйганман. Подачи ўлгудек беғам экан. Шу орада моллар тўзиб кетди. Уларни қайтараман деб подачи ёнимга келиб қолса бўладими?! «Ҳой, кампир буёқларда нима қилиб юрибсан! Е молингни олиб кетмоқчимисан? Олиб бўпсан!» — автоматини ўқталди. Узимни қўрққанга солдим. Немисми десам, имонини сотган ўзимизникилардан экан. Рўпарасида тугунимни ечдим, очофат сариёғга ташланди. Ҳиқилдоғидан олиб, жонингдан умидинг бўлса, молларни мен айтган томонга ҳайдайсан, дедим. Дағ-дағ қалтираб: «Хўп», деди.

Уша куни Мамадали билан роса гаплашиб ётдик. Унинг жасорати дув-дув гап бўлди. Шундан кейин ярадорлар сут билан таъминландилар. Катта-кичик сергўшт овқатни тановул қилаётганида Мамадалини эсларди.

* * *

Мамадали аёл кийимини ташлаб юбормади. Любаничи қишлоғида бўлган хунхўрликни эшитиб, унинг фиғони ошди. Немислар партизанлар ҳақида маълумот бермагани учун иккита чолни отиб ташлашибди. Мамадали командирдан қишлоққа юборишларини сўраб туриб олди. Герасим Алексеевич ноилож кўнди. «Казбек» у ерда ҳам немисларга қирон келтирди.

Жангда нималар бўлмайди, дейсиз. Ҳар қандай хавфдан чўчимай, ўлимга тик боққан кунларимиз кўп бўлган. Жанг эса қурбонсиз бўлмайди. «Чекист» бригада-сининг кўпгина партизанларидан ажралдик. Жанговор дўстларимиз муҳим топшириқларни бажаришда азиз жонларини қурбон қилдилар. Аммо бригадамиз янги кишилар ҳисобига тўлиб борарди. Атроф районлардан, қишлоқлардан кўнгилли бўлиб кўпгина кишилар келарди. Уларни жон деб отрядга қабул қилардик.

Бригадамизнинг номи бутун Белоруссияга тарқалди. Муҳим топшириқларни марказдан оладиган бўлдик. Душман қисмларининг ҳаракати ҳақидаги маълумотлар разведкачиларимиз томонидан аниқланиб, марказга жўнатиладди. Бундай ишлар кўпинча энг жасур кишиларга ишониб топширилди. «Қўрқмас Казбек» бригадамизда шундайлардан бири эди. У икки марта муҳим ҳужжатларни фронтдан олиб ўтиб Москвага етказган. Мамадалининг ўзи бу ҳақда лом-мим демасди. У шу даражада камгап эдики, Москвага борганида шахсан Олий Бош кўмондоннинг ўзи номи ёзилган соат билан тўппонча тақдим этганини кейин билдик. Командиримиз Герасим Алексеевич айтмаса, бу гап ҳам Мамадалининг ичида қолиб кетарди.

Мамадалига муҳим вазифалар топширилди, разведкачилар группасининг бошлиғи сифатида унинг масъулияти юксак эди. Кўмондонлик, шундай топшириқлар борки, Мамадалидан бошқа ҳеч ким урдасидан чиқа олмайди, дерди. Бу ҳақиқат эди. Мана, бир мисол. Бу ҳақда батафсил гапириб бермоқчиман.

Кохонова районида немислар ёғ-ёғ. Полициячилар бошлиғи Мазульский ҳаддидан ошган. Мазульскийни тириклайин қўлга олиш, иложи бўлмаса уни ўлдириш вазифаси Мамадалига топширилди. «Казбек» операцияга пухта тайёргарлик кўрди.

— Мазульский гарнизон ичида яшайди, — деди разведкачилардан бири Мамадалига, — у ерга киришнинг иложи йўқ. Лекин бир фикр миямга келди. Гарнизон ичида аҳолидан тортиб олинган моллар сақланади. Уларни подачи ташқарида боқади. Балки молларга қўшилиб ичкарига кирсакмикин?..

Разведкачи йигитнинг гапида жон бор эди. Аммо бошлиқлар бу йўлни маъқул кўришмади.

— Битта сотқинни деб унлаб сара йигитларимиздан ажралиб қолишимиз мумкин, — деди Герасим Алексеевич.

— Бўлмаса, — деди Мамадали, — бу ёғини менга қўйиб беринг. Айтганингиздай бўлади. Фақат мен айтган йигитларни берасиз.

— Масалан, кимларни?

— Иван Курушевни, Нина Борисовнани, Анатолий Мачаховскийни, Александр Якушкани.

— Маъқул.

Разведкачилар районга етиб келишганида кундуз соат ўн иккилар эди. Полициячилар кийимидаги кишиларга ким ҳам эътибор бериши мумкин? Районга кираверишда бир тўда қора мол ўтлаб юрарди. Мамадали подачининг олдига яқинлашди. У ўзимизникилардан бўлса керак деб ўйлади шекилли, кўкрагига қадалган тўппончани қўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Овозингни чиқарма, — деди Мамадали унинг қулоғига. — Яшашдан умидинг бўлса, ҳозирнинг ўзида Мазульскийга молларни қуролланган қандайдир кишилар ҳайдаб кетди, деб айтасан!

Подачи югурганича кетди. Партизанлар келишилгандек жой-жойларини эгалладилар. Орадан кўп ўтмай отлиқ полициячилар кўринди. Олдинда Мазульский. Масофа яқин қолгач, Иван автоматини ишга солди. Сотқин отдан ағдарилди. Довдираб қолган икки-уч полициячи отини орқага қайтариб, тумтарақай қочиб қолди. Улар ер тйшлаган Мазульскийнинг ҳужжатларини олиб, энди орқага қайтаётганларида немислар ёпирилиб кела бошлади. Икки ўртада жанг қизиб кетди. Ёрдамчи куч келмаганида, билмадим, Мамадалининг ҳоли не кечарди! Бундай пайтда командиримиз Герасим Алексеевичнинг меҳрибонлиги, билармонлигига қойил қоласан, киши. Александр Сметянкин, Николай Апанасенколар отряди унинг буйруғи билан айна вақтида ёрдамга келдилар.

Табий, ҳамма операцияларимиз ҳам муваффақиятли чиқавермасди. Бунга баъзан ўзимиз ҳам сабабчи бўлардик. Душман кучларига етарли баҳо бермаслик, шошма-шошарлик оқибатида баъзан белгиланган операция охирига етказилмасди. Бундай ҳолларда кўпгина жанговар ўртоқлардан ажралишга тўғри келарди. Бир гал Мамадалидан ажралиб қолишимизга сал қолди.

Шупени территориясининг катталиги жиҳатидан Талачиншинадаги ҳамма қишлоқлардан йирик. Бунинг устига катта йўл ёқасига жойлашган. Немислар қишлоқни стратегик пунктга айлантирганлар. Бу ердаги гарнизонни йўқ қилиш Мамадали билан Сметянкин командирлигидаги отрядларга топширилди. Жангларда ўзини кўрсатган, довюрак кишилар ҳисобига отрядлар мустаҳкамланди. Операцияга жўнаш олдидан Мамадали кўзимга бошқачароқ кўринди. У негадир хурсанд, терисига сиғмасди. Муҳим топшириқ олганида кўпинча шу ҳолатга тушарди.

— Игорь, буёққа кел, — деди жўнаш олдидан ва чўнтагидаги блокноти ичидан сурат чиқариб, менга узатди. — Олиб қўй, бирор воқеа бўлса, қишлоққа жўнатасан. Адреси ҳам бор.

У шундай деди-ю, дўстларига етиб олиш учун қадамини тезлатди. Беихтиёр расмга тикилдим. Мамадалининг севгани... Чиройликина... Сурат орқасига: «Комила. Фарғона область, Куйбишев район, Пандигон қишлоғи» деб ёзиб қўйилганди.

Кечаси билан мижжа қоқмадик. Герасим Алексеевичнинг хонасида ҳам чироқ ўчмади. Ҳаммамиз дўстларимизнинг ғалаба билан қайтишларини кутардик. Тонг ёришди ҳамки улардан хабар йўқ. Хавотир ола бошладик. Герасим Алексеевичнинг боши қотди. Тушга яқин разведкага юборишга қарор қилинди. Ун тўрт ёшли Саша етим бола қиёфасида қишлоққа кириб бориши, у ердагилардан кечаси қандай воқеа бўлганини суриштириши керак.

Шундай ҳам бўлди. Кечки пайт Сашанинг ён-верига қарамай югуриб келаётганини хабар қилишди. Диққат бўлиб ўтирган Герасим Алексеевич унга рўбарў бўлди.

— Ўртоқ командир, — ҳовлиқиб гап бошлади Саша, — ҳамма айтганларингизни қилдим. Қалъада бесаранжомлик, Сувга чиқиб қолган кампирдан сўрасам, кечаси билан роса отишма бўлганини айтди...

Герасим Алексеевич зудлик билан ҳаракат қилишни буюрди. Бутун базамиз оёққа турди десам янглишмайман. Тўртта отряд бўлиб жангга ҳозирландик. Операцияга Герасим Алексеевичнинг ўзи раҳбарлик қиладиган бўлди.

Вазифамиз аниқ. Биз қоровулларни сездирмай тинчитишимиз, Николай Сибирцев отряди телефон алоқасини ишдан чиқариши лозим. Шундан кейин ҳужум бошланади.

Қишлоққа етиб келганимизда вақт алламаҳал эди. Мен шеригим Иван Мозирний ҳамда отрядимизга яқинда қабул қилинган Яков Кузьма билан биринчи пост томон эмаклаб кетдик. Қоровуллар бир жойда тўхтамас, белгиланган

масофада юриб турарди. Биз соқчининг орқага қайтишини кутиб турдик. Яқинлашиши билан уни даф қилдик. Қалъа ичида тревога кўтарилди. Николай отряди телефонни ишдан чиқариши билан Герасим Алексеевич бошчилигида ҳужум бошланди. Ҳамма ёқни тутун қоплади, қоровулхона ёнмоқда. Ертўлага тушиш жойидаги пулемёт бош кўтаргани қўймасди, Якушканинг йигитларидан бири граната ирғитди. Портлашдан сўнг «Александр, биз бу ёқда!» деган овоз эшитилди. Бу Мамадалининг овози эди. Эшикни бузиб қиришга тўғри келди. Мамадали елкасидан яраланган, Сметянкин зўрға нафас оларди.

Операциянинг муваффақиятли тугаганидан, дўстларимизни қутқариб қолганимиздан севиначдик. Герасим Алексеевичнинг қувончини айтмайсизми?! У Мамадалининг ёнидан кетмас, ҳар замон-ҳар замонда «Толя, шунақаси ҳам бўларканда!» деб қўярди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Медсанбатда ётган Мамадали ўрнидан туриб ўтирадиган, сал-пал юрадиган бўлиб қолди. Иван Курушев билан кечқурун олдига келдик. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Ғалабанинг яқинлигидан гап очдик. Мамадали индамасди. Омонат қолдирган суратни қўлига тутқиздим.

— Уша куни, — деди Мамадали, — бир нарса бўлиб қолаётгандай кўнглим хижил бўлди...

Қўярда-қўймай уни гапга солдик. Мамадали қиз билан ҳамқишлоқ эканлиги, колхозда ишлашини, отасини босмачилар ўлдириб кетгани, онаси қўлида тарбия топганлиги ҳақида гапириб берди. Қишлоққа қайтганида албатта унга уйланажагини ҳам қўшиб қўйди.

Сухбатимиз узоққа чўзилди. Мамадалининг айтишича, отряд белгиланган муддатда Шупенига етиб келган. Соқчиларни йўқ қилишни Сергей Станкевич бошлиқ иккита йигитга топширилган. Биринчи пост қўлга олинаётганда соқчилардан биттаси шарпани сезиб кетма-кет автоматдан ўқ узади. Қалъада тревога кўтарилди. Йигитлар шошилиш ҳужумга ўтиб, соқчиларни сафдан чиқарадилар. Икки ўртада жанг қизиб кетади. Мамадали жангга берилиб кетиб, йўлга кузатувчи қўйишни унутади. Қалъа ичида жанг қилаётганларида иккита машинада солдатлар келиб, орқа томондан ўқ ёғдира бошлайди. Кутилмаган ҳужумдан йигитларимиз саросимага тушмай жангни давом эттирадилар. Кейин...

Мамадали юзини терс ўгириб, аччиқ-алам билан деди:

— Ҳеч қачон бундай қуршовда қолмаганим. Одамга алам қилади...

Бу душман билан ҳеч нарсадан ҳайиқмай юзма-юз олишиб келган ботирнинг сўзи эди.

Хушхабар

Мунтазам армиямизнинг бирин-кетин шаҳарларни озод қилиб, Белоруссияга яқинлашиб келаётганини Москва радиосидан эшитиб турардик. 1944 йил ҳам етиб келди. Бу пайтда бригадамиз сон жиҳатдан ҳам, техника жиҳатдан ҳам урушнинг илк йилларига қараганда анча мустаҳкамланиб олган эди. Узимизнинг кундалик ишимиз — кутилмаганда немис қисмларига зарба беришдан ташқари марказ топшириқларини ҳам муваффақиятли адо этардик.

Ореховка қишлоғидаги немис гарнизонини йўқ қилиш керак. Герасим Алексеевич разведкачилар бўлимининг бошлиғи Мамадалининг сўзини берилиб тингларди. Бир кун олдин у йигитлари билан Ореховага бориб келганди. Толянинг ахбороти операцияни ўтказишда муҳим роль ўйнашини ҳаммамиз яхши билардик.

— Гарнизон қаттиқ қўриқланади, — деди Мамадали сўзининг охирида. — Соқчи ҳар ярим соатда алмашади. Шаҳар билан телефон алоқаси ўрнатилган. Менимча, аввало телефонни узишимиз, кейин соқчиларни тинчителишимиз керак.

— Тушунарли, — деди Герасим Алексеевич, — операцияни бугун тунда бошлаймиз. Тайёргарлик кўрилсин. Олтинчи отряд резерва туради. Бир соат муҳлат. Саволлар бўлмаса, ҳамма жой-жойига борсин.

Белгиланган муддатда йўлга тушдик. Ореховка қишлоғи катта йўл четида. Немис машиналари тез-тез ўтиб туради. Биз ўрмон ёқалаб бордик. Мамадали бугун хурсанд кўринади. Немислар партизанлар ҳужумидан юрак олдириб қўйган. Иваннинг ишораси билан Мамадали иккимиз гарнизон деворига яқинроқ келдик. Соқчилар алмашинадиган пайт. Бахтимизга атроф қуюқ қоронғи. Иван соатига қаради, иккидан ўтибди. Тинчлик. Немислар уйқуга кетган бўлса керак.

Сигнал бўйича ҳужум бошланди. Анатолийнинг йигитлари телефон алоқасини ишдан чиқарди. Гарнизон бир пасда алғов-далғов бўлиб кетди. Немислар кийинишга ҳам улгуришмади — улар устига гранаталар ёғдирилди. Николай Апанасенко отряди қурол-аслаҳа омборини топиб, бизларни чақирди. Командирликнинг буйруғи билан омборни ёндириб юбордик.

Операциянинг муваффақиятли бажарилганидан ҳаммамиз хурсанд эдик. Эрталаб соат ўнларда радистимиз Маша қувончимизга яна ҳам қувонч қўшди. У ўз хонасидан ўқдай отилиб чиқиб, «ура» деганича биз томон югуриб келарди. Хайрон бўлганча жим турибмиз. У югурганича келиб Мамадалига ташланди-да, юзбетидан ўпиб, командир хонасига томон кетди. Мен, Иван, Мамадали ҳеч нарсага тушунолмади, унинг орқасидан қараб қолдик. Маша анчадан кейин Герасим Алексеевич билан бирга чиқди. У азбаройи ҳовлиққанидан гапира олмасди.

— Герасим Алексеевич, — деди тупук ютиб, — ўз қулоғим билан эшитдим, ахир! Москвадан: «Жанговор топшириқни бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани учун»... деди. Мамадали Топиболдиев фамилиясини аниқ эшитдим. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилибди...

Ҳаммамиз Машанинг оғзига тикилиб қолгандик. Бир пасда Мамадалини жанговар дўстлари ўраб олишди. Герасим Алексеевич, айниқса ўзида йўқ хурсанд эди. У қаҳрамонни маҳкам бағрига босди, қизгин қутлади. Атрофда «ура!» садолари янгради. Хушxabарни қайта эшитиш учун радиоприёмник олдида ўтирдик. Тушга яқин Левитаннинг овози эшитилди. У СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Мамадали Топиболдиевга Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвон берилганлигини эълон қилди.

Митинг бўлди. Мамадалини ҳаммамиз чин юракдан табрикладик. Қувончимиз ичимизга сиғмасди. Орадан кўп ўтмай орзиқиб кутганимиз Қизил Армия қўшинлари билан учрашдик. Бу учрашув Шкловский район, Шаховский ўрмонида бўлган эди.

— Толя, — дедим Мамадалига хайрлашаётиб, — айтган сўзимдан қайтган бола эмасман. Берлингача бораман. Итваччалардан ҳалок бўлган оталаримиз, оналаримиз, хотинларимиз, ҳайдаб кетилган гуноҳсиз опа-сингилларимиз ҳақи ўч оламан. Агар қайта кўришиш насиб этмаса талачиншиналик Игорь Софроновни унутма.

— Кейинги гапларингга қўшилмайман, Игорь, — Мамадали ўрнидан туриб кетди, — ўлимга неча марта тик боққанингни биламан. Албатта, ниятингга етасан. Бахтли кунларда яна учрашамиз.

Дўстимнинг сўзлари ҳамиша ёдимда бўлди. Белград остоналарида, Венани озод қилаётганимизда, Берлин кўчаларидаги шиддатли жангларда уни эслаб турдим. Мамадали орзу қилган ёруғ кунлар ҳам келди. Немис-фашистларини уясида янчиб ташладик. Ҳаммамиз уйимизга қайтдик. Мамадали ҳам. Қайтганда ҳам кўкси тўла орден ва медалларга тўлиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузини ярақлатиб!..

* * *

Урушдан кейинги йиллар эди. Мамадали Белоруссияга келди. Талачиншинада, Круглянский районида бўлди. Жанг билан босиб ўтган йўлларини, ўрмонларни, қишлоқларни ўз кўзи билан кўрди. Ҳамма ерда Мамадалини қучоқ очиб, нон-туз билан кутиб олишарди. Қуролдош дўстларининг севинганини айтмайсизми! Қарияларнинг боши осмонда. «Ўзимизнинг Казбек-ку!» дея бағриларидан қўйиб юборишмасди. Пасарево қишлоғидаги Мамадалининг тутинган онаси — Анна Васильевна Рилькованинг уйидаги суҳбат ҳали-ҳали эсимда. Дўстим сочлари оппоқ, юзларини ажин босган онасининг ёнидан жилмасди. Ушанда ўзимизнинг партизанча қўшиғимизни баралла айтдик. У шундай бошланарди:

«Оппоқ тонг яқин.

Онажон қайтамиз зафар билан»...

Орадан кўп ўтмади, Анна Васильевнанинг урушда вайрон бўлган уйи ўрнида данғиллама иморат қад кўтарди. Уни Мамадали қуриб берганди.

Уйимнинг пештоқида Мамадалининг Белоруссияга келганида олдирган сурати бор. Ишдан келганимда пешвоз чиқиб, мени кутиб олаётгандай бўлади. Унга кўкрагимни тўлдириб: «Салом, Казбек!» дейман. Ҳа, у йўлимда, хаёлимда мен учун ҳамроҳ. Бир мен эмас, жаъми талачиншиналиклар, қолаверса, бутун Белоруссия ўз халоскорини ана шундай ёдда сақламоқда. Пасарево, қишлоғи «Топиболдиевка» деб аталаётир. Мактаблар, кўчалар унинг номига қўйилган. Туғилган юртидаги Зоҳидон қишлоғи Топиболдиев номи билан юритилаётганини, мактабларга, билим юртларига унинг номи қўйилганлигини эшитиб, бошимиз кўкка етди. Арзийди. Чунки Мамадали ўзбекларнинг, белорусларнинггина эмас, совет халқи аталмиш буюк бир халқнинг фарзандидир».

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Ҳамид Фулом

АФЮН

Социализм байроқдори бўлмиш совет кишилари Коммунистик партия раҳнамолигида коммунизм сари дадил бормоқдалар. Инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм йўлида улкан тўсиқ ва ғовлар ҳам йўқ эмас. Шулардан бири дин ва унинг сарқитларидир. Олижаноб инсон қалби ҳар қандай ғубор ва иллатлардан холи бўлиши керак. Шундагина у улғувор ҳамда шарафли ишларда фаол иштирок эта олади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, журнализмнинг ушбу сонидаги давра суҳбатига ёзувчи ва олимларни жалб этганмиз. Қуйида уларнинг атеистик мавзудаги фикр-мулоҳазаларини ўқийсиз.

Ривожланган социалистик жамиятимиз, унинг дўст-биродар халқлари нурли орзулар, улғу тилаклар, олий мақсадлар билан яшамоқдалар. Озод, бахтли ҳаёт, чин инсоний фаровонлик, маънавий камолот каби энг юксак идеалларга узоқ давом этган кураш, қизғин ва улкан меҳнат тўғрисида эришилди, эришилмоқда.

Жонажон Коммунистик партиянинг XXVI съезди ва ундан кейинги пленумлари социалистик жамиятни тобора ривожлантириш, шу йўл билан пировард натижада орзу-аъмолимиз бўлган коммунизмнинг чароғон гулшанларига етиб боришни таъминлаш программасини белгилаб берди.

Азиз Ватанимиз — советлар мамлакати жаҳонда Эрк, Бахт, Тинчлик ва Қардошлик таянчи деб аталган ардоқли номга эга бўлди. Куррамиздаги жами софдил кишилар Москвани, Кремль кўкидаги ёқут юлдузларни саодат рамзи деб биладилар, буларни кўришни орзу қиладилар. Дунёдаги барча эзгулик, яхшилик, поклик, меҳр-оқибат, севги ва садоқат совет кишиларида, ягона қардошлик оилага бирлашган кўп миллатли муаззам халқда ўз ифодасини топганини улар яхши биладилар.

Лекин биз инсоний бахт, маънавий камолотнинг баланд чўққиларига осонликча кўтарилганимиз йўқ. Совет халқи, шу жумладан Ўзбекистон меҳнатқашлари

ри Октябрь тонгида оёққа қалқиб, совет ҳокимияти йилларида босиб ўтган йўл — зулму истибдод, бидъату хурофотга қарши омонсиз, қаттиқ курашлар йўли бўлди. Бу йўлда ҳам кўп жафолар чекилди, кўп азоблар тортилди, кўп машаққатлар энгиб ўтилди.

Дин, шариат, бидъат, хурофот тарихига синчков кўз ташласангиз, булар ҳеч қачон одамзодга заррача наф келтирмаганини, аксинча меҳнатқашларни зўравонларга қул, тобе бўлишга, «тақдирга тан бериш»га даъват этиб келганини кўрасиз. Дин ҳар қачон, ҳамиша шоҳлар, ҳоқонлар, хонлар, беклар, феодаллар, заводчилар, савдогарлар, хуллас жами эксплуататорлар қўлида халқни алдаш, эзиш, маънавий жиҳатдан кўр, қар ва соқовга айлантириш қуроли бўлиб келган.

Мен ўтмиш адабиёт асарларини варақлар эканман, турли замонларда яшаган ижод алломаларининг ҳаммалари маккор ва риёкор дин аҳллари, бидъат зулмини, хурофот захрини фош этганликларидан воқиф бўламан. Зеро, ҳақиқий адабиёт — ҳаққоний ҳаёт кўзгусидир. Низомий ва Насимий, Навоий ва Боқаччо, Шекспир ва Сервантес, Машраб ва Муқимий, Бальзак ва Гюго, Пушкин ва Мопассан, Маҳтумқули ва Аваз... ва яна юзлаб бошқа буюк ўтмишдошларимиз ижодига мурожаат қилсангиз шайхлар, эшонлар, роҳиблар, домла-имомлар ва ҳоказо дин пешволарининг жуда ўринлатиб аччиқ ҳажв қилинганига шўҳид бўласиз.

Бир мисол. Алишер Навоийнинг:

**«Ҳонақода ҳалқаи зикр ичра ғавғо қилди шайх,
Аҳли диллар нақди авқотини яғмо қилди шайх»,**

деб бошланадиган, «шайх» радифли ҳажвий ғазалини бир эсланг!

Бизнинг ўтмишдошимиз — софдил алломалар: шоирлар, олимлар, файласуфлар, жами донишмандлар ҳукмдорлардан адолат талаб қилганликларидай, дин пешволаридан ҳам адолат талаб қилганлар. Бироқ улар ҳам, булар ҳам халққа фақат жабр-зулм қилиб келганлар, бинобарин, бир-бирларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлар: жафокаш одамларга нажот йўллари ёпиб қўйилган.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган ёзма адабиётимизнинг ёрқин вакиллари — ўз даврининг илғор тараққийпарвар кишилари бидъат ва хурофотнинг жирканч башарасини очиб ташлашдан қўрқмаганлар. Чунончи, Бобораҳим Машраб Балх ҳокими Маҳмуд Қатағоннинг қатл ҳақидаги ҳукмига ҳажв билан жавоб берган:

**Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўтгум,
Биҳишту ҳуру ғилмонни фучак пулга сотиб ўтгум...
Аё дўзах, мани куйдир, халойиқ куймасун ҳаргиз,
Тамуғдин ишқ ўти пурзўр, анинг заҳрин ютиб ўтгум.**

Фақат халқ фарзанди, халқ раҳнамоси, халқ ишига эътиқоди темирдек мустаҳкам, ҳоқимиятпарастлик ва динфурушликни қаттиқ нафратлаган, инсоний эрк, чин одамийликни улуғлаган баркамол кишиларгина энг оғир, энг мудҳиш шароитларда ҳам ўз овозларини шундай баралла янгратишлари мумкин эди!

Дин ҳамиша халқ эрки ва саодатининг душмани бўлиб келган. Фанга суқилиб кирган сафсатабозларнинг ўтмишда ҳам, ҳозирги кунларда ҳам диний мазҳабларни иккига айириб, «эл-улус хизматидаги пок-ҳалол дин ҳам бор, диндан ўз шахсий манфаати учун фойдаланувчи маккор шахслар ҳам бор», деб диннинг реакцион моҳиятини пардалаб, хаспўшлаб кўрсатишга уринишлари беҳудадир. Дин ҳамиша эксплуататор синфлар қўлида қурол бўлиб келди ва ҳозирги даврда ҳам капиталистик дунёда халқларни эзиш, алдаш, зулмга қарши курашдан чекинтириш, тўғри йўлдан чалғитиш воситаси сифатида ҳар қандай машъум кирдикорларга тайёр турибди.

Совет ҳоқимияти динни давлатдан буткул ажратиб ташлади ва бидъат-хурофотга қарши мурасасиз, изчил кураш бошлади. Аксилнқилобчилар, буржуа миллатчилари, босмачи жаллодлар дин пешволарини ўзларига ҳомий қилиб олганликлари бежиз эмас. Халқимизнинг юзлаб, минглаб асл фарзандларини қатл этишга шайхлар, эшонлар фатво берганликларини авлод-аждодларимиз ҳеч қачон унутмайдилар ва дини-ислом деб аталган заҳарли илонни абадул-абад нафратлайдилар.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий фақат ўзбек халқининг эмас, балки бутун Совет Шарқи янги социалистик маданиятининг ёрқин Тонг юлдузи эди, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳамза ислом дини бой-феодаллар, заводчилар, босмачилар қўлида халқ озодлиги ва бахт-саодатига қарши заҳарли, мудҳиш қурол бўлиб қолганини ҳамма йирик асарларида туб-моҳияти билан исботлаб берди. Драматургиямизнинг классик асари «Бой ила хизматчи»да, нодир комедиямиз «Майсаранинг иши»да, бошқа драматик, насрий, шеърий ҳажвиётларида ҳам Ҳамза дин пешволарининг макрли кирдикорларини ўтли нафаси ва ўткир қалами билан ҳаққоний очиб ташлади.

Бидъат ва хурофот пешволари — руҳоний либосидаги жаллодлар буюк инсон Ҳамзани тошбўрон қилиб ўлдирдилар. Лекин улар бу билан ўзларига, жирканч мафкураларига, манфур жиноятларига ҳукм чиқардилар. Айни вақтда жаҳолатдан кўзи кўр кушандалар янги ҳаётни, янги жамиятни, янги дунёвий маданиятни, Ҳамза тамал тошини қўйган ўзбек совет адабиёти ва санъатини кўра билмадилар.

Агар сиз Ҳамзанинг сафдошлари ва издошлари Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла асарларини varaқласангиз ўтмиш разолати: дин, бидъат, хурофот ва турли заҳарли сарқитлар аччиқ ҳажв қилинганининг гувоҳи бўласиз. Фақат ўзбек совет адабиётида эмас, бошқа жамаи қардош адабиётларда ҳам дин-хурофот эркининг кушандаси, тараққиётнинг душмани сифатида қаттиқ ҳажв қилинади.



Динни танқид қилиш одамни хомхаёлдан озод этади, унинг фикрлаши, ҳаракат қилиши, ўз ҳаётини хаёлдан қутулган ҳолда, ақлли киши бўлган ҳолда қуриши учун кўмаклашади...

К. Маркс

Бидъат ва хурофотнинг реакцион мафкура сифатида одамзодга келтирган зарари беҳисобдир. Пантуркизм мафкураси билан чамбарчас боғланган панисломизм мафкураси, яъни турк халқларини ислом байроғи остига бирлаштириб, совет ҳокимиятига қарши курашга олантириш ғояси синфий душманларимиз қўлидаги энг зарарли қуроллардан бири бўлди. Бу макрли мафкурага узил-кесил зарба бериш учун Коммунистик партия ва унинг энг яқин ёрдамчилари — совет зиёлилари кўп йиллар давомида изчил кураш олиб бордилар. Лекин, биз шуни унутмаслигимиз керакки, чет эллардаги мухолифларимиз — империализм малайлари пантуркизм ва панисломизм ғояларини ҳамон тарғиб қилиб, жаҳоншумул ғалаба қозongan пролетар интернационализми, меҳнаткаш халқларнинг қонқардошлиғи идеологиясига қарши разил уринишларини давом эттирмоқдалар, дунё буйлаб тантана қилган социалистик воқеликка, нурли коммунистик идеалларга туҳмат ёғдирмоқдалар.

Омонсиз мафкуравий кураш тобора қизиб бораётган ҳозирги мураккаб шароитда, империализм, колониализм ва неоколониализм мафкураси халқлар озодлигига, тинчликка, пролетар бирдамлик ва қардошликка қарши очиқдан-очиқ кураш олиб бораётган жиддий вазиятда биз ўз мамлакатимизда, ўз халқимиз орасида бидъат разолати, хурофот касофатининг тарқалишига асло йўл қўймаслигимиз зарур.

Вақтли матбуот — газета, журнал, ҳафталиклар, телевидение, радио, нашриётлар, театрлар, кинотеатрлар, оммавий ахборотнинг жами воситалари атеистик пропагандани кучайтиришдек жуда зарур ва ғоятда масъулиятли ишга хизмат қилмоқдалар. Халқимизнинг сиёсий онги, маданий савияси юксала бориб, ўтмишнинг чиркин сарқитларидан, шу жумладан диний-хурофий таъсирлардан халос бўлиши шубҳасиздир.

Бироқ адабиётимизнинг, айниқса сатира ва юмор соҳасида ижод қилаётган ёзувчиларимизнинг сусткашлигини қайд этишга мажбурмиз. Бизда бу соҳада баракали қалам тебратаётган ҳурматли адибларимиз Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов каби фаол қаламкашлар бармоқ билан санарли. Атеистик мавзуларда газеталарда эълон қилинаётган фельетонларнинг, телевидение орқали берилаётган телеминиатюраларнинг тиғи унчалик ўткир эмас, бадиий маҳорати талабга жавоб бермайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳаётдаги салбий воқеаларга қарши омонсиз ўт очиш зарурлигига эътиборни қаратар экан, омма ўртасида атеистик пропагандани кучайтириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Таажжубки, фақат аҳолининг баъзи қолоқ табақалари ичида эмас, ўзларини зиёли арбоблар деб ҳисоблаб юрган «аллома»лар ичида ҳам одамларга «ош» бериб, қориларга қуръон ўқитиб, дабдабали «худойи»лар қилиш йўли билан ном чиқармоқчи бўлганлар бор экан. «Таажжубки...» сўзини бежиз ишлатганимиз йўқ. Ахир, сен совет оиласида туғилдинг, совет мактабида таълим олдинг, олий маълумотинг бор, илмий даражага ҳам эга бўлдинг, юксак лавозимларга сайландинг! Ҳа, сен халқ ишониб улуғлаган инсон, нечун илмингни хор қилиб, қайси жамиятда яшаб турганингни унутиб, шан-шавкатингни оёғости қилиб, бидъат ботқоғига ботдинг, жирканч хурофот тузоғига илиндинг?!

Жамиятлар ичида энг адолатли социалистик жамиятимизда, унинг ҳар-тарафлама ривожланган даврида алмисоқдан қолган чиркин урф-одатларга риоя қилиш, диний иримларга кўр-кўрона ишониш, зарарли расм-русмларни: «фалончи қилибди, мен ҳам қилмасам бўлмас», деб кўпиририб амалга ошириш юзак қараганда кулгили бўлиб кўринса ҳам, туб-томрига чуқурроқ назар солинса турган-битгани зиён-заҳматдир. Булар оқибат-натижада одамларнинг онгини заҳарлашга, энг пок ва юксак ахлоқий нормаларни топташга, инсоннинг қадрини ерга уришга олиб келади.

«Бемаза қовуннинг уруғи кўп» деганларидай, кейинги вақтларда ғирт оми қорилар, табиблар, фолбинлар ва ҳоказо фирибгарлар газак олиб кетди. Буларнинг маддоҳлари, даллоллари ҳам анчагина топилади. Улар тарқатиб юрган гапларнинг машъум мазмунига эътибор беринг: фалон маҳалла ёки фалон қишлоқда бир домла (табиб, қори, дуоғўй ва ҳоказо) пайдо бўлганмиш; унинг нафаси, дуоси, дориси жуда ўткир эмиш; врачлардан шифо тополмаганлар шулардан шифо топар эмиш. Парда орқасида ўтириб, дутор чалиб, хониш қиладиган бир «пари» пайдо бўлганмиш, унга ўқитганлар енгил тортиб, мушқули осон бўлармиш... Ҳой, эшитмадим деманглар, фалон гузардаги дуохон домланинг «муқаддас калима» битилган «эзиб ички»си наинки ичак касаллиги, ҳатто заҳарли ўсма (рак) касалига ҳам даво!..

Қарабсизки, орадан сал вақт ўтмай, ҳалиги азайимхон эшон, дуоғўй, табиб, фолбин ва шу тоифадаги пихини ёрган турли фирибгарларнинг эшигига содда одамлар турнақатор тизиладилар, ҳалол меҳнат билан топган, ўз оилалари,

Дин... ёлғончилар томонидан тўқиб чиқарилган уйдирмадир, дея эълон қилиш билан уни йўқотиб бўлмайди. Уни йўқотиш учун даставвал у пайдо бўлган ва ҳукмронликка эришган тарихий шароитлардан келиб чиқиб, унинг вужудга келиши ва тараққиётини тушунтира билиш керак.

Ф. Энгельс



рўзгорларидан қийиб қолган червонларини жамият қуйқалари бўлган муттаҳамларнинг исқирт қўлларига узатадилар...

Қуёшли кунда, тароватли хушнуд соатларда қора доғ, нохуш хабар одамни қанчалик ранжитса, захарли бидъат, чиркин урф-одатлар бундан ҳам кўпроқ ранжитади, софдил, покдомон кишилар шанига энг оғир исноддан ҳам оғирроқ дашном бўлиб ёғилади.

Ахир, янги, ривожланган социалистик жамиятимизда, эркин, гўзал ҳаётимизда ибратомуз аънаналар беҳисоб-ку! Ижодкорлик меҳнатининг роҳатини кўраётган халқимиз ўтмишдан мерос бўлиб қолган наврўз байрамини, халқ спорт ўйинлари, тўйларда шўх лапар айтишлар, «қиз қувди»лар, тортишмачоқлар каби қувноқ расм-русмларни совет ҳокимияти йилларида янги аънаналар билан бойитди-ку! Фарзанд туғилиши, бахт-севги тўйлари, ота-оналарнинг кумуш ва олтин тўйлари, лола сайли, уруш ва меҳнат ветеранларини муборакбод этиш маросимлари, халқимиз атоқли вакилларининг юбилейлари... Хуллас, бу хилдаги янги урф-одатлар кўп ва улар йил сайин тобора бойиб бормоқда.

Муҳтарам отахон ва муҳтарама онахонларимиз, доно олимлару истеъдодли ёзувчилар, машҳур ишчилар, деҳқонлар, умуман халқимизнинг атоқли арбоблари газета ва журналларимизга мақолалар ёзиб, радио орқали сўзлаб, телевидение орқали ташкил этилаётган давраларда қатнашиб, турли маросимларни қандай ташкил қилиш ҳақида маслаҳатлар бермоқдалар, бу соҳадаги ўз тажрибалари билан ўртоқлашмоқдалар, томошабинларга янги тўйлар ва ҳоказо янги урф-одатлар тасвирланган киноленталар кўрсатилмоқда. Айниқса, маҳаллий Советлар, маҳалла комитетлари, уй бошқармалари аҳоли ўртасида олиб бораётган ишлар таҳсинга сазовордир.

Бидъат ва хурофотнинг захарли таъсирига, феодал ўтмишнинг зарарли қолдиқларига қарши курашда адабиёт ва санъатнинг йирик асарлари, ўткир сатирик кучга эга бўлган бадиий фильмлар ва спектаклларнинг тарбиявий аҳамиятини назарда тутиб, бу жанрлардаги ижодий ишимизни кучайтиришимиз керак. Мен ўз тажрибамдан шуни биламанки, бидъат ва хурофотнинг инсон кадр-қимматиини ерга уришига, бир тўда фирибгарларнинг текин пул топиши учун макрли воситага айланиб қолганига шубҳаланадиган бирорта ҳам китобхон ёки томошабин йўқ.

Энди нозик бир масала ҳақида ҳам қатъий фикр билдириб ўтишимиз шарт. Албатта, ўлим ҳақ. Одам туғилади, яшайди, кексаяди, бетоб бўлади, вафот этади. Ана шунда диндорлар ва биринчи навбатда ҳам расмий, ҳам норасмий йўсинда мачит, қабристонларни макон этган домлалар, қорилар, «отинойи»лар дарҳол етиб келиб, жами маросимларни бошқарадилар. Саводли қорилар ҳам, уларнинг чаласавод йўлдошлари ҳам, ҳатто уч-тўрт калимани билар-билмас ёзиб олган кишилар ҳам эртаю кеч қироат қилганлари-қилган. Биз виждон эркинлигига қарши заррача ҳам эътироз билдирмаймиз. Аммо асримиз кишиларининг, жамиятимиз аъзоларининг, баъзида эса ўзларини юксак маданиятли илгор одамлар деб ҳисоблаб юрган зиёлиларнинг ҳар пайшанба «худойи», «етти», «йигирма», «қирқ», «гул», «йиллик», «мушкул кушод» каби диний одатларнинг қули бўлиб қолганликларидан ўта ҳайратдамиз.

— Хўш, буларнинг ўрнига нима қилиш керак? — деган табиий савол туғилади.

Марҳумларни эслаш керак, албатта. Бу соҳада ҳам халқимизнинг яхши одатлари, ибратли аънаналари бор. Оила аъзолари, қариндошлар, дўстлар, бирга ишлашган ўртоқлар йиғилишиб, камтарона дастурхон атрофида суҳбатлашадилар, марҳумнинг яхши фазилатларини эслайдилар, унинг хотирасини абадийлаштириш ҳақида маслаҳатлашадилар. Марҳумнинг қабрига ёдгорлик қўйиш, гул келтириш, оиласига коллективнинг моддий ёрдам бериши, унинг фарзандлари тарбиясига кўмаклашиши ва ҳоказо янгича одатлар қарор топмоқда.

Бизнинг жамиятимизда инсон азиз, унинг қадри, эътибори баланд. Одам меҳнати билан, халққа сидқидилдан хизмати билан улуғ. Ёппасига саводхон мамлакатимизда ҳамма эллар, элатлар жаҳон фани, маданияти, адабиёти ва санъатининг нодир асарларини ўқиш, башар маънавияти хазинасидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга.

Айниқса ҳамма миллатлар, халқлар рус тили орқали дунё фани ва маданиятининг сарчашмаларидан қониқиб фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар.

Халқимизнинг социалистик ҳаёти; ҳаққоний реалистик маданияти юксак даражада ривожланган ҳозирги даврда олға томон собит қадамимизга кишан бўлган диний бидъат ва хурофотга қарши шафқатсиз ўт очишимиз зарур.

Диннинг халқ учун афюнлигини бир дақиқа ҳам унутмаслик керак.

Исо ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

СОХТА ДУНЁҚАРАШ ВА ДАҲРИЙЛИК

Мамлакатимизга катта вайронагарчилик, минглаб қурбонлар, чексиз мусибат, очлик ва яланғочлик келтирган гражданлар уруши тугаб халқ хўжалигини энди тиклашга киришилган йигирманчи йилларнинг бошларида Совет давлати ва Коммунистик партиянинг йирик сиёсий арбоби, оташин пропагандист, марксизмнинг толмас тарғиботчиси, социалистик маданият ва халқ маорифининг актив ташкилотчиси, жанговар атеист А. В. Луначарский динга оид бир неча асар ва мақолалар эълон қилган эди. Айниқса, 1923 йилда кетма-кет нашр этилган «Худолар қандай туғилади, яшайди ва ўлади» номли асари катта шов-шувлар, баҳсларга сабаб бўлган. Кейинчалик бу ажойиб китоб яна олти марта қайта босилиб чиқди. Маориф халқ комиссари аталмиш ниҳоятда масъулиятли лавозимда ишлаган А. В. Луначарский ўзининг серқирра, чуқур ва бой билими, революцияга садоқати билан катта обрў қозонган. В. И. Ленин: «Ноёб истеъдодга эга бўлган натура... Бу киши нафақат ҳамма нарсани билади ва нафақат талантли — бу киши партиянинг ҳар қандай топширигини бажаради, бажарганда ҳам аъло даражада бажаради» деб унга юксак баҳо берган эди. Луначарскийнинг дин ва атеизмга оид публицист сифатида ёзган оташин мақолалари, жозибали оммавий лекциялари, сермазмун илмий докладлари ўқувчи ва тингловчиларни ҳар доимо мафтун қилмай қўймасди. У ниҳоятда эркин фикрли суҳбатдош, хотираси кучли, ҳар соҳани яхши биладиган донишманд нотиқ эди.

Машҳур совет адиби Корней Чуковский ўзининг хотираларида ўша даврдаги мунозаралардан бирини келтиради. Унинг таъкидлашича, руҳонийлар Луначарскийнинг метиндай мантиқиға бардош беролмай, инқилобдан илгари баъзи хатоларини рўқач қилишади. Атеист — нотикнинг оммавий лекциясида қатнашган А. Введенский бир вақтлар Луначарский ёзган китоб бетидан айрим хато фикрларни ўқиб бериб, оммага мурожаат қилади: «Бу сатрларни ким ёзганлигини биласизми? Уни ёзган киши мана бу жаноб — халқ комиссари Луначарский!» Шу қалтис вазиятда ҳам Луначарский ўзини йўқотмай, лекцияни аввалги шиддат билан давом эттиради. Нутқи тугагач: «Кечирасиз, мен оппонентимга жавоб беришни унутибман... Ҳалиги руҳоний ўқиб берган сатрларни ҳақиқатан ҳам мен ёзганман. Энди эслаяпман. Уша мисраларни ўқиган Владимир Ильич менга: «Уят эмасми, Анатолий Васильевич, бундай бемаъни фикрни ёзиб! Унга ҳар қандай разил поп (руҳоний) ёпишиб олади-ку!» деганди. Дарҳақиқат, шундоқ бўлди», дея қитмир руҳонийнинг шармандасини чиқариб, кучли олқишлар остида саҳнадан тушиб кетади.

Ҳақиқатан ҳам революциядан илгари айрим адашган кишилар, ҳатто Луначарский сингари баъзи инқилобчилар ҳам халқ оммасида эътиқодни сақлаш учун «худосиз дин», «диний атеизм», «социалистик дин» каби тушунчаларни ўйлаб топиш зарур, деган хато фикрда эдилар. Янги «худо тузувчилар»ни В. И. Ленин қаттиқ танқид қилиб, тўғри йўлга тушиб олишларини талаб қилган. Владимир Ильичнинг ғамхўрлиги, доимий эътибори ва ёрдами билан Луначарский ўзининг фалсафий ҳамда сиёсий қарашларидаги хатолардан ўз вақтида озод бўлган ва инқилобдан кейин «худо тузувчилик» тенденциясига қарши чиқа бошлаган. Янги замонда «жуда нафис» худо тузиш тарафдори бўлган машҳур инглиз ёзувчиси

Бернард Шоу яратган «Қора танли қиз худо изламоқда» деган китобига Луначарский қуйидаги муносабатни билдиради: «...Бундай мифология таъсирига энгил бериладиган кишилар энг нафис худо ҳам энг кўпол худо сингари бемаъни, бефойда ва зарар эканлигини тушунмайдилар... мен ҳам худо шундай «мифологик» истак билан касалланганман ва мен ҳам коллектив куч билан аллақандай ёқимли худо тузишни ўйлаганман. Аммо буюк устозим Ленин ва улуғ партиям мени нотўғри йўлдан жуда тез қайтардилар». Ўзининг «мифологик ниятлари»дан вақтида қутилган Луначарский Октябрь ғалабасининг биринчи кунларидан то умрининг охиригача катта масъулиятли партия ва совет вазифаларида ишлади, илмий атеизмнинг энг оташин пропагандисти бўлиб қолди. Унинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти ҳозирги атеистлар учун ҳам ибратли намунадир. Яъни атеист қуруқ сафсата билан шуғулланмаслиги керак. Атеист, Луначарский сингари ўз маслакларига содиқ кишилар каби, рад қилиб бўлмайдиган ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борсин, оммани ишонтирсин, эргаштирсин. Бунинг учун эса, аввало, унинг ўзи ҳар томонлама етук инсон бўлиши, туғилган барча муаммога дарҳол тўғри жавоб бера олиши лозим. Атеист ҳар доим тушиши мумкин бўлган саволни энг аввало ўз-ўзига берсин.

Хўш, худо тушунчаси ва эътиқоди қандай пайдо бўлган? Бу савол асрлар давомида жуда кўп буюк донишмандларнинг диққатини банд қилиб келган. Барча жаҳон динлари мазкур саволга бир хил жавоб беради: худо бандасини яратганда ўз эътиқодини сингдирган. Бундай қатъиян, мулоҳаза талаб қилмайдиган эътиқод буржуа фанида турли назариялар ва йўналишларни юзага келтирган. Машҳур мифология мактабининг асосчилари (Я. Гримм, М. Мюллер ва ҳ.к.) худолар табиат кучлари, айниқса осмон, момақалдирак, қуёш, ой кабиларни ўзида ифодалаган, деб таърифлайдилар. Уларнинг фикрича, ибтидоий аждодларимиз осмондаги сайёралар ҳаракатини, кун-тун, об-ҳаво ва иқлим ўзгартириш сабабларини тушуна олмасдан, табиий ҳодисаларни илоҳийлаштириб даставвал осмон, қуёш, ой, момақалдирак ва ҳоказолар билан боғлиқ худо образларини яратганлар, қудратли ибтидоларни юмшатиш, раҳмдил қилиш учун ибодатлар ўтказганлар, худойилар берганлар. Кейинчалик қадимги мифологик тасаввурлар аста-секин инқирозга учраб, осмон худолари ерга «тушадилар» ва одам ёки ҳайвон образида тасвирланган эпос ва эртакларнинг қаҳрамонлари сифатида намоён бўладилар.

Бу афсонавий концепция ҳам ўтган асрнинг охирига келиб фаннинг янги ютуқлари асосида ўз аҳамиятини йўқотади. Атоқли этнограф Ж. Фрезернинг таърифича, киши ҳар хил сеҳргарлик (магия) йўли билан теварак-атрофдаги ҳодисаларга, табиий кучларга таъсир қила олмасдан, ўз ожизлигини сезиб, ундан ҳам қудратли ғайри табиий олий мавжудот борлигига ишонч ҳосил қилгач, худо образлари пайдо бўла бошлаган.

Диний-мифологик назариялар яратган худо образлари анча мураккаб, аммо улар тузилиши ва фаолияти жиҳатидан энг қадимий ибтидоий ғайри табиий кучлар билан боғлиқ эканлиги аниқ. Чунки синфий жамиятга ўтмаган ибтидоий халқларнинг мифологиясида илоҳий кучлар ҳали худо образи шаклига тўла келмаган, улар арвоҳ, ҳар хил инс-жинс, дев, фаришта каби образларда намоён бўлади. Аммо уларнинг тасаввурида дастлабки илоҳий кучлар ҳам қандайдир «ижодкор», «яратишга қодир», яъни кейинги шаклланган худолар сингари уларда бунёдкорлик фаолияти элементлари қисман мавжуд эканлиги сезилади.

Табиийки, кўп қиёфали сирли табиатнинг кўзга оддий кўринадиган инсоннинг кундалик ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ буюм ва ҳодисалар орқасида айрим шахсларнинг омади, ҳаёт-мамотини белгилаб берадиган қандайдир маҳфий қудратли кучлар борлиги узоқ ўтмишда кишини доимо ҳаяжонга солган. Чексиз кўрқинч, даҳшат ва турли уйдирмалар таъсирида пайдо бўлган ҳар хил шароитлар киши онгини ҳамиша қаттиқ асоратда сақлаб келган. Оқибатда ожиз инсон ғайри табиий кучларга итоат қилишга, уларни юмшатиш, ўз тарафига тортиш, манфаатига бўйсундириш мақсадида турли ҳаракат, ҳар хил ўйин (ибодат)лар қилишга, қурбонликлар беришга мажбур бўлган. Дастлаб инсон ҳаёти учун энг зарур бўлган ер, сув, шамол, ёмғир, олов, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси ҳамда бошқа табиий кучлар илоҳийлаштирилган. Илк синфий давлатлар пайдо бўлгандан кейин янги худолар туғилади, уларнинг сони ва вазифалари кўпаяди. Хуллас, ҳар бир диний эътиқод ўзини ҳақиқий деб ҳисоблайди ва бошқа динларни рад қилади. Барча катта ва кичик динлар орасида даврига қараб турли мазҳаб ва йўналишлар пайдо бўлган. Улар орасида доимо бемураса баҳслар, жиддий тўқнашувлар, ҳатто қонли урушлар ва оммавий қирғинлар давом этган. Ҳозирги мураккаб замонамизда ҳам Яқин ва Ўрта Шарқда, Африка қитъасида ва Шимолий Европада рўй бераётган жуда кўп социал-сиёсий воқеалар, қонли тўқнашувларнинг туб негизида диний низолар борлиги аниқ.

Бизнинг мамлакатда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси-

Биз дин билан курашмоғимиз зарур. Бу бутун материализмнинг ва, бинобарин, марксизмнинг алифбесидир. Аммо марксизм алифбеда тўхтаб қолган материализм эмас. Марксизм яна илгарилаб боради. У: дин билан курашишни билмоқ керак, бунинг учун эса омма орасидаги диндорлик ва диннинг келиб чиқишини материалистик изоҳлаб бериш керак, деб ўргатади.

В. И. Ленин



дан кейин динни давлатдан, мактабни диндан ажратиш ленинча принципи тўла амалга оширилди. Социализм ғалабаси туфайли диннинг социал илдишлари тугатилди. Жамият иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётининг барча соҳалари диний таъсирдан озод бўлиб, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши бу жараёни тагин ҳам тезлаштирди. Совет ҳокимияти йилларида қисқа муддат ичида объектив омиллар таъсирида кишилар диний хурوفотдан қутилиб, онгли фаолият йўлига ўтиб олдилар. Мамлакатимиз, шу жумладан республикамиз аҳолисининг бешдан тўрт қисми совет даврида туғилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги диний тасаввурлардан узоқдир.

Атеистик дунёқарашнинг шаклланиши социалистик жамиятда қонуний характерга эга. Лекин бу объектив ҳодиса мамлакатимизнинг ҳамма жойида бир хил кучга эга эмас. Ривожланган социализм даврида диндан оммавий қайтиш, маънавий ҳаётнинг объектив равишда хурوفотдан озод бўлишига қарамай, социал-маиший ва маънавий-психологик сабабларга кўра, аҳолининг айрим қисмида диндорлар сақланиб қолиши мумкин. Албатта, социализм ўз мақсади ва принципларини, жамият аъзоларининг ҳаёти ва фаолиятини илоҳийлаштириш ёки муқаддаслаштиришга ҳеч қандай муҳтож эмаслиги сабабли дин фақат сарқит сифатида сақланади. Аммо социологик тадқиқотларга қараганда мамлакатимизда, шу жумладан республикамизда диннинг таъсири ҳали бир оз кучли.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бизнинг мамлакатда динга ишонувчилар ниҳоятда озчиликни ташкил этади.

Кишилар турмушидаги чигалликлар, масалан шахсий мусибат, омадсизлик ёки яқин кишиларнинг бахтсизлиги, ҳаётда идеаллардан ажралиб қолиш, ёлғизлик ҳис-туйғуси ва шу каби бошқа социал-психологик омиллар баъзан иккиланишларга олиб келади. Бу омиллар диндорлар ёки иккиланувчи кишиларни асоратга солиш учун муҳим шарт-шароит яратади. Шунинг учун дин пешволари асрлар давомида кишининг ҳақиқатни билиш, адолатни топиш йўлидаги эмоционал туйғуларига таъсир қилишга доимо интилиб келганлар. В. И. Ленин: «кишиларнинг ҳис-туйғуларисиз ҳеч маҳал кишиларда ҳақиқатни қидириш бўлмаган, бўлмайти ва бўлиши ҳам мумкин эмас!», — деб ёзган эди.

Аммо диндор кишининг ҳақиқатни, адолатни қидириш йўли хато, нотўғри, илоҳий кучларга итоат қилиш йўли билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам диндор киши турмушда рўй берадиган ҳар хил шахсий мусибат, бахтсизлик, ранжишларнинг ҳақиқий сабабини тушуна олмай, диний тасаввурлар билан ўзини овутади. Дин учун бу айни муддао. Социалистик жамиятимизда турмуш тарзимизнинг энг асосий элементи коллективизм бўлса ҳам, айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра, коллективдан ажралиб ёлғизликка тушган, шу сабабли динга берилган шахслар, афсуски, учрайди. Демак, жамиятимизда ҳозиргача сақланиб келаётган диний қолдиқларнинг сабабларини фақат умумий ҳолда тушунтириш мумкин эмас. Бизнинг мамлакатимизда диний онг назарий характерга эга эмас. У оддий кундалик социал-психологик тасаввурлар йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Чунки совет элидаги диндор тасаввури муайян дунёқараш системаси бўлмасдан, ҳар хил тарқоқ қарашлар, туйғу, ҳиссиёт, кайфият, кечинмалар қурамасидан иборат. Чунки социалистик турмуш тарзи структурасида воқеликнинг сохта диний инъикосини яратадиган ҳеч қандай омил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам биз жамиятимизда диннинг социал илдиши йўқ деймиз. Аммо айрим социал сабаблар мавжудки, улар диний эътиқод, одат ва маросимларнинг кучайишига ёки сусайишига таъсир қилиши мумкин. Бу сабаблар ичида лоқайдлик, бепарволик, бюрократизм, порахўрлик, ўғирлик, дабдабазлик ва

бойваччалик кабилар оддий совет гражданини адолат ва ҳақиқат йўлидан чалғитиб, аҳоли ўртасида диндорликнинг кучайишига сабаб бўлади.

Бизнинг шароитимизда дин, масалан ислом ўз умрини ўтаб бўлган эски анъана ва урф-одатларга миллий тус бериб, уларни ҳар томонлама сақлаб қолишга уринади. Маиший турмуш ва оилавий муносабатларда сарқит тарзида сақланиб қолган диний эътиқод совет кишиларининг кундалик ҳаётида, хулқ-атвори ва фаолиятида коммунистик белгиларнинг шаклланишига фақат салбий таъсир кўрсатади. Ислом ҳам бошқа динлар сингари, социалистик воқелик шароитида халқ учун афюн бўлиб, аҳоли орасидаги диндорлар онгини пессимизм, муроса-созлик, тақдирга тан бериш сингари иллатлар билан заҳарлайди, одамларда социал пассивликни юзага келтиради, юксак онглилик, ўз кучига ишонч ҳамда мустақилликнинг ривожланишига, баркамол шахс шаклланишига халақит беради.

Совет Ўзбекистони шароитида диний эътиқод, урф-одат ва маросимларнинг ҳозиргача сақланиб келишига, умумий қонуниятлар билан бирга, объектив ва субъектив омилларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам сабабчидир. Масалан, республикаимизда диний эътиқодларнинг сақланишига ёки жонланишига турмуш-мизда баъзан учрайдиган бой-феодаллик ва патриархалчилик қолдиқларининг мавжудлиги таъсир қилмоқда. Эски феодал-патриархалчилик анъаналарига риоя қилиб келаётган айрим оилаларда хотин-қизларни камситиш, уй-рўзғор ва хўжалик ишларини аёллар зиммасига юклаш, уларни жамоат ишларидан четлатиш каби кўнгилсиз ҳоллар ҳамон мавжуд. Бундай кийин ва биқик аҳвол сабабларини тушуна олмай қолган аёллар дин таъсирига, сеҳргарлик, дуоғўйлик каби бидъ-атларга ишона бошлайдилар.

Диний эътиқод ва маросимларнинг ҳозиргача давом этиб келишида, субъектив омилларнинг ҳам роли бор. Булар сиёсий-оммавий, маданий-оқартув, атеистик тарбия ишларидаги камчиликлардир. Кўп қишлоқларда дабдабали маданият саройлари, клублар мавжуд. Аммо улар совет кишиларига кенг маънода маънавий озуқа етказиб бериш вазифасини бажармасдан, «хўжакўрсин»га қуриб қўйилганга ўхшайди. Очиқ айтиш мумкинки, атеистик пропаганда ўтказишда ҳозиргача сохталик, кўзбўямачилик, ваъдабозлик давом этиб келмоқда. Қаерда атеистик тарбия суст бўлса, шу ерда диний сарқитлар жонланади. Афсуски, баъзан атеист-лекторлар, пропагандист ва агитаторлар, идеология ходимлари курашчан ва фаол пропаганда олиб бориш ўрнига, бу ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Бундай кишилар В. И. Лениннинг, қаерда социалистик идеология салгина бўшашса, ўша ерда социализмга қарши душман буржуа идеологиясининг таъсири кучаяди, деган доно кўрсатмасини унутганлар, шекилли.

Албатта, ҳозир ҳам инсон табиати ва тафаккури, шахси, кўп қиррали фаолияти, мураккаб табиати идеологик курашнинг доимий диққат марказида туради. Замонамизнинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида таъкидлаб, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленумида шундай дейилган эди: «Бу давр эса бир-бирига мутлақо зид бўлган икки дунёқараш, икки сиёсий йўл — социализм ва империализмнинг ўз интенсивлиги ва ўткирлиги жиҳатидан кейинги бутун давр мобайнида мислсиз ўзаро кураш билан ажралиб туради. Ер юзидagi миллиард-миллиард кишиларнинг онги ва қалби учун кураш бормоқда. Инсониятнинг келажаги мана шу идеологик курашнинг қандай натижа билан тугашига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади».

Энг олий гуманистик тузум ҳисобланган социализм жаҳон миқёсида инсонпарварлик соҳасидаги барча афзалликларни ўзида тўлиқ намоён этиб, бутун мазлум халқлар ва тараққийпарвар кишиларнинг диққатини жалб қилмоқда. Асрлар давомида хурофот, нодонлик ва маънавий қулликда яшаб келган халқлар миллий озодлик кураши натижасида мустамлакачилик занжирларини парчалаб, озодликка чиқмоқдалар. Уларнинг чинакам социал тараққиёт йўлидаги барча ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Совет Иттифоқининг бегараз ёрдамлари социализм обрўсини кун сайин кўтармоқда, мустаҳкамламоқда. Бу ҳолат империалистлар ва буржуа малайларининг ғазабини кўзғатмоқда, улар қудратли Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига қарши жон-жаҳдлари билан қарши пропаганда юргизмоқдалар. Кўнгли қора, ёвуз ниятли кишилар ўз мақсадларига эришишда доимо паст, разил воситалардан фойдаланишга интиладилар, яхшиликни, ўзгалар бахтини кўра олмайдилар. Буржуа пропаганда-си, бир томондан, диний уйғониш рўй бермоқда деса, иккинчи томондан, атеизмнинг тарқалиши, диндан қайтиш жараёни зўрлик билан ўрнатилмоқда, деб бизга тўхмат қилмоқда. Улар СССРнинг асосий қонуни — Совет Конституциясининг 52-моддасида барча гражданларга виждон эркинлиги гарантияланганлиги, шу билан бирга, ҳар бир граждан атеистик пропаганда юргизиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида эса лом-мим демайдилар. Биз динга қарши кураш, унинг реакцияи моҳиятини очиб ташлаш ва халқимиз онгида материалистик дунёқарашни шакллантириш мақсадимизни ҳеч вақт яширган эмасмиз. Атеистик тарбия

коммунистик тарбиянинг таркибий қисми эканлиги партия ҳужжатларида очиқ-ойдин қайд қилинган.

Марксизм классиклари доимо виждон эркинлигини гражданлик ҳуқуқининг таркибий қисми, деб ҳисоблаганлар. «Инсон ҳуқуқи деган тушунчадан, дин билан инсон ҳуқуқи орасида зиддият деган маъно чиқмайди, албатта. Аксинча, барча ҳуқуқлар орасида диндорлик бўлиш ҳуқуқи, турли хилдаги диндор бўлиш, ўзининг махсус динига ибодат қилиш аниқ кўрсатилган. Эътиқод имтиёзи инсоннинг умумий ҳуқуқидир», — деб ёзган эди К. Маркс. У яна қуйидагиларни алоҳида қайд қилади: «Биз биламиз... динга қарши зўрлик тadbирлари ишлатиш бемаънилик, аммо бизнинг фикримиз шундай: диннинг тугатилиш жараёни социализм ривожига боғлиқ. Унинг тугатилиши ижтимоий тараққиёт натижасида рўй беради, бунда тарбия катта роль ўйнайди».

Социализм энг олий инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган илмий атеизмни кенг омманинг дунёқарашига айлантиради, шахснинг ҳар томонлама камол топишига имкон яратиб беради. Социалистик гуманизм инсоннинг барча ҳис-туйғуларини эътиборга олиб, уни энг олий мавжудот сифатида қадрлайди. «Киши-кишига дўст, ўртоқ ва биродар» принципига таянган гуманистик ғояларимиз Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатининг негизини ташкил қилади. Умуминсоний моҳиятга эга бўлган, ҳамма учун тушунарли бу шиор илмий коммунизм ва атеизмнинг асосий проблемаси бўлганлиги тўғайли буржуа идеологлари ва ревизионистларининг хоши-истакларига мос келмайди. Бизнинг ғоявий душманларимиз капитал оламидаги маънавий тушкунлик ва барча ахлоқий иллатларни марксча атеизмнинг тарқалиши билан боғлаб кўрсатишга интилмоқдалар.

Шу жиҳатдан олиб қараганда атеизмнинг роли ва вазифаси бениҳоя катта, масъулиятли. Атеистик пропаганданинг асосий мақсади диннинг сохта дунёқараш эканлигини танқид қилиш билан бирга, жамиятимиз аъзоларида коммунистик эътиқод, юксак идеалларимизга чуқур ишонч, актив гражданлик, ватанпарварлик, коллективизм ва интернационализм, ҳаётий фаоллик ва революцион бунёдкорлик каби чинакам гуманистик фазилатларни шакллантиришдан иборатдир.

Дўнан Ғаниев

фалсафа фанлари кандидати, доцент.

ҲАММАНИНГ ИШИ

Аҳоли орасида илмий-материалистик дунёқарашни пропаганда қилиш, бунда атеистик тарбияга кўпроқ аҳамият бериш зарурлигини партия ва ҳукуматимиз доимо таъкидлаб келмоқда.

Биз бу ерда шунини эътиборга олишимиз керакки, атеистик тарбия кескин идеологик кураш шароитида олиб борилмоқда. Буржуа пропагандаси мамлакатимиздаги дин ва унга ишонувчилар аҳволини бузиб кўрсатишга, диндорлар билан атеистлар ўртасидаги бирликни барбод этишга, динга антисовет, миллатчилик йўналиши беришга интилмоқда. Бунда улар айниқса, виждон эркинлиги принципларини дастак қилиб, совет қонунларини бузаётган, жамият манфаатларига қарши фаолият кўрсатаётган уйдирмачиларга таянмоқдалар. Ҳолбуки, мамлакатимизда виждон эркинлиги принциплари, СССР Конституцияси заминида тўла гарантияланган. Бизда ҳар бир граждан ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки биронта динга ҳам эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёки атеистик пропаганда олиб бориш ҳуқуқига эга. Бу йўлдаги муҳолифларимизнинг ҳар қандай уринишларига СССР Конституцияси гарантиялаб берган конкрет фактлар асосида кескин кураш олиб бориш ва зарба бериш зарур. Лекин дин ниқоби остида тартиб-интизом бузилса, кўпоровчилик йўлларига ўтилса, бундай ҳаракатларга қарши совет қонунчилигини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Атеистик тарбия ишида диндор кишининг эътиқоди ва ҳиссиётига ҳурмат билан муносабатда бўлиш керак. Улар билан доимий тарзда тарбиявий иш олиб бориш, ижтимоий ҳаётга жалб этиш, диндорларнинг кундалик ҳаётини тўлақонли мазмун билан таъминлаш, турмуш тарзини активлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу йўл билангина диндор кишини жаҳолатдан озод этиш, диний уйдирмалар нуқтаи назаридан материалистик дунёқараш оламига олиб ўтиш мумкин. Бунда ҳозирги кеча-кундузда совет кишиларининг маълумот даражаси ва талаб-эҳтиёжлари анча ўсганлиги эътиборга олиниши керак.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми материаллари, унинг ҳозирги шароитда идеологик, оммавий-сиёсий ишни янада такомиллаштиришга бағишланган ҳар бир кўрсатмаси атеистик тарбия масалаларига бевосита алоқадордир. Пленумнинг, айниқса коммунистик тарбиянинг ҳамма йўналишлари бирлигини таъминлаш лозимлиги тўғрисидаги кўрсатмаси атеистик тарбия учун ҳам катта аҳамиятга эга. Атеистик пропаганда тарбиявий ишнинг бу комплексида ўз ўрнини топа билиши зарур. Яъни, у ғоявий-сиёсий, ватанпарварлик, интернационал, ахлоқий-эстетик, меҳнат тарбиялари билан чамбарчас боғлиқ тарзда олиб борилиши керак. Шундагина у ривожланган социализм жамияти кишининг маънавий ўсишига ўз улушини қўша олади. Атеистик тарбиянинг самарадорлигини оширишда идеология ишининг форма ва методларини такомиллаштириб, уни олиб боришда ҳалигача учраб турадиган расмиятчилик, кўзбўямачилик, сафсата-бозликка қарши кескин кураш олиб бориш тўғрисида Пленум кўрсатмалари ҳам катта ўрин тутди. Атеистик ишда мажбурд, ҳаётда ўзини оқлаган лекция, савол-жавоб кечалари, суҳбатлардан ташқари, пропаганданинг бошқа унумли формаларидан фойдаланиш керак. Диндор кишилар билан уларни қизиқтирган масалалар тўғрисида ишончли, очиқ суҳбат олиб бориш, улар ўқиган бадий асарлар бўйича фикр алмашишни уюштириш каби йўл-йўриқлар яхши самара беради.

Кейинги йилларда адибларимиз ўз ўқувчилари билан тез-тез учрашиб, бадий асарлари юзасидан суҳбатлар ўтказаятганликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу, албатта, қувонарли ҳодисадир. Лекин, негадир, учрашувларнинг бирортаси бевосита у ёки бу асарда кўтарилган диний ва атеистик масалаларга бағишланмаётир. Ахир бу мавзуга бевосита тааллуқли бадий асарлар оз бўлса ҳам бор-ку! Жамият тараққиётида, инсон ҳаётида дин ҳеч қачон ижобий роль ўйнамаганлигини асарда талқин этилган қаҳрамонлар мисолида шундай йиғинларда кўрсатиб бериш атеистик тарбияда жуда катта ўрин тутди.

Бу мавзу учун муҳим бўлган яна бир масала тўғрисида тўхталиб ўтмоқчимиз. Кейинги йилларда дин ва атеизм масалаларига бағишланган текширишларнинг натижалари шуни кўрсатадики, динга мойилликнинг баъзи ёшлар орасида такрор тикланиши аломатлари кўринмоқда. Бундай ҳолнинг мавжуд бўлишида динга ишонувчи ота-оналар, қариндош-уруғларнинг ёшларга ўтказаятган таъсири катта. Масалан, айниқса, ёш болалар табиат ҳодисалари тўғрисида етарли билим ва тушунчага эга бўлмайдилар. Йил фаслларининг алмашиб туриши, ёмғир ва қор ёғиши, ер қимираши, қаттиқ шамол кўтарилиши, момақалди роқ ва чақмоқ чақиши каби табиат ҳодисаларининг сабаблари содда тилда, бадий образлар орқали талқин этилган асарлар кўпроқ керак. Улар ёш болаларнинг борлиқни материалистик тушунишларига замин яратган бўлур эди. Бундай асарлар йўқ эмас, албатта. Гап бу темаларга бағишланган ҳикоя ва шеърлар янада кўпроқ ижод қилиниши, уларни чиройли безаш устида бормоқда. Шу билан бирга, тарихий ҳақиқатдан чекинмиш ҳолларига йўл қўйилган, воқелигимизни сохталаштириб тасвирлаган, «худо изловчилар» мотивлари сезилган асарлар ўқувчиларнинг китоб жавонларига турмаслиги лозим. Аксинча, жавонларни атеистик мавзуга бағишланган ҳужумкор, дадил ва теран асарлар эгаллаши зарур.

Идеологик ишни аҳоли қатламларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб бориш зарурлиги тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983) Пленуми кўрсатмалари атеистик тарбияни янада такомиллаштиришда биринчи даражали аҳамиятга эга. Атеистик тарбия, аввало, динга ишонувчиларга тўғри йўл кўрсатади, қолаверса, динга ишонувчиларнинг атеистик эътиқодини мустаҳкамлаш, пировардида уларнинг атеизм пропагандистлари сафига ўтиши учун замин бўлиб хизмат қилади. Пленум қўйган вазифа фақат профессионал идеологлар, пропагандистлар, оммавий ахборот воситалари ходимларининг иши бўлибгина қолмай, атеистик тарбияда партия ва совет ходимлари, ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва ёзувчилар ҳам актив иштирок этишлари зарур.

Исоқ Уктамов

ҚАҲРАМОН ХАЛҚ ДИЁРИДА

Москва—Гавана маршрути бўйлаб Озодлик ороли томон учаётган ҳаво лайнеримиз Ирландия қирғоғидаги Шаннон аэропортида бир соатча танаффус қилгач, Атлантика океани устига кўтарилди. Сал вақт учгач, булутлар уюмидан ўтиб, мовий уммонга кўзимиз тушди. Бир қарашда океан устида юксак тоғлар тизмаси тургандек. Аслида улар кетма-кет кўтарилган бетоқат тўлқинлар эди. Аҳён-аҳёнда пароходлар кўзга ташланади. Улар сув юзида қалқиб юрган оққушларни эслатарди. Самолётимиз катта-кичик оролчаларга яқинлаша бошлади. Шу пайт стюардесса қизнинг янгроқ овози эшитилди:

— Сиз кўраётган ороллар — Озодлик ороллари...

«Демак, Гаванага ҳам яқинлашибмиз-да», — ўйладим мен.

— Мана, Куба, — дея стюардесса қиз бу республика ҳақида маълумот беришда давом этди, — унинг ороллари бир минг олти юзтадан ошади...

Оролларга ҳавас билан тикилиб борардим. Стюардесса қизнинг қисқагина ахбороти тугаши билан Хосе Марти номидаги аэропортга кўндик. Кўзлари чарақлаб, чехраларида илқ табассум акс этиб турган кишилар бизни кутиб олдилар. Яшил хиёбону кўркам кўчалардан ўтиб борар эканмиз, беихтиёр Маяковскийнинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди:

Гаванага

разм солсанг мундоқ —

Улкамисан ўлка,

жаннатнинг ўзи,

Хурмо соясида

товус —

ёлғизоёқ,

Кета-кетгунча гүл

Ведадо юзи.

Дарҳақиқат, Гавана шахрининг қадимий бинолари билан ёнма-ён қад кўтарган замонавий меъморчилик ажиб бир жозиба бахш этарди. Кўп қаватли «Ривьера» меҳмонхонасидан туриб назар ташланса, Мексика кўлтиги қирғоқларида ястаниб турган жаннатмакондан кўз қувониб кетарди. Революция саройи деб аталмиш, кўркам майдонда Апостоли Хосе Мартига қўйилган ёдгорлик, унинг номидаги миллий кутубхона, Куба партия ва ҳукумати, мудофаа, алоқа министрликлари, театр ва бошқа бинолар савлат тўкиб туради. Прадо кўлтигидан то шаҳар марказидаги Куба фанлар академияси ва ўлкашунослик музейи жойлашган осмонўпар Капитолийга элтувчи Пассеоде-Марти булвари бошдан-оёқ соясалқин, улкан бўйли дарахтлар, ранго-ранг гулзорлардан иборат.

Номи машҳур Ведадо кўчаси бўйлаб чўзилган ҳашаматли ёдгорликлар, кунгурадор иншоотлар, уларни ўраб олган хурмозорлар киши қалбини қувончларга тўлдиради. Альмендарес дарёси остига қурилган туннель орқали Ведадодан Мирамар районига ўтиб, денгиз ёқасидаги ниҳоятда кўркам манзарага дуч келдик. Бу ерда жаҳоннинг энг йирик аквариумида акулалар, улкан тошбақалар, эчкиэмарлар, хилма-хил балиқлар ва бошқа денгиз жониворлари безавол ҳаёт кечиришарди.

Айниқса, беш юз гектардан зиёд хурмозор, кўкаламзор майдонни эгаллаган Ленин номли маданият ва истироҳат боғининг кўрки диққатга сазовор. Революция ғалабаси, социалистик тузум пойтахт мисолида гўё ўзининг ёрқин истиқболлини, халқининг жўшқин матонатини чинакам ифода этаётгандек...

Ана шундай гулзорлар билан ўралган, шаҳарнинг шарқи-жанубий қисмида кўпгина саноат тармоқлари бир меъёрда ишлаб турибди. Совет давлатининг кўмаги билан бунёд этилган Хосе Марти номли металлургия заводи, тўқимачилик комбинати, нефтни қайта ишлаш, балиқчилик каби корхоналарда ишчилар баракали фаолият кўрсатмоқдалар.

Дастлаб Куба революциясида қатнашиб ҳалок бўлган инқилобчи Мануель Мартинес Прието номидаги қанд заводида бўлдик. Завод фаолияти, меҳнат учун яратилган шарт-шароитлар билан танишдик. Корхона партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Висенти Санчес Хункери жуда қизиқарли воқеаларни гапириб берди.

— Революциядан бурун завод фаолиятдан асосан Американинг қанд ишлаб чиқариш компаниялари манфаатдор эди, — дея суҳбатни бошлади мезбон. — Корхонанинг уч ойлик фаолияти шакарқамиш ўриладиган паллага тўғри келарди. Ишчилар тўққиз ой ишсиз қолишарди. Маъмурият ишчиларни иш билан таъминлаш ҳақида сира бош қотирмасди.

Революция амалга ошгач, Куба партия ва ҳукумати халқ манфаати йўлида зудлик билан зарур чораларни кўрди. Натажада қийинчиликлар тезда бартараф бўла бошлади. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли ойдин йўлга чиқиб олди. Энг муҳими, ишчилар энди йил бўйи иш билан таъмин этилди, ишсизлик деган сўз йўқ бўлди. Заводимизда яратилган иш шароитларидан ишчиларимиз ғоят хурсанд. Ишчиларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш мақсадида, яқинда, янги маданият саройи қуриб фойдаланишга топширилди. Денгиз бўйида дам олиш зонаси ташкил қилдик. Қисқа вақт ичида ҳар бири 20 квартиралари икки уй ҳам ишчилар ихтиёрига берилди. Умуман, ҳар беш йилликда бутун қулайликларга эга бўлган бештадан тураржой бинолари битказилиб, ишчиларга топширилмоқда. Болалар боғчалари, стадион, клуб ва бошқа маданий-маиший муассасалар ҳам ишчилар манфаатига ишламоқда. Заводимиздаги коммунистларнинг деярли ҳаммаси социалистик мусобақа ғолиби. Корхонада тузилган ишчилар совети эса маъмуриятга, партия, қасаба союзи ташкилотларига нуқсонларни бартараф қилишда катта мадад бермоқда...

Эллик йилдан бери шу корхонада ишлаб келаётган коммунист-ишчи Франсиско Самора суҳбатимизга қўшилди:

— Машаққат чеккан кунларимиз революция туфайли унут бўлиб кетди, — деди у ҳаяжонланиб. — Бурун йилнинг уч ойидагина ишлаб, бир кунда аранг бир песо пул олардик. Қолган тўққиз ой гаёйдан баттар ҳаёт кечирардик. Топган-тутганимизни америкалик мазаҳураклар ташиб кетишарди. Ишчилар эса ифлос, сассиқ уйларида тиқилиб, бир амаллаб кун кечиршарди. Қўйинг-чи, ҳаётимиз қўлларниқидан ҳам баттар эди. Эндиликда ўн икки ой иш билан таъминланганмиз, шароит бекаму кўст. Мана, менинг ўртача бир кунлик иш ҳақим 14-15 песони ташкил қилади. Хуллас, турмушимиз кун сайин фаровонлашиб бормоқда.

— Мен ҳам шу заводда 1948 йилдан бери ишлайман, — дея суҳбатга қўшилди яна бир коммунист-ишчи Луис Агиря. — Бир кизим, тўрт ўғлим бор. Турмушдошим ўқитувчи, кизим шу заводда ишчи. Катта ўғлим онасининг изидан бориб, ўқитувчи бўлди. Бошқа фарзандларим ўрта мактабда ўқийди. Топишимиз яхши. Ейиш-ичишдан камчилигимиз йўқ. Буни айтишимдан мақсад, революциядан бурун оқ танли қора танлининг фарқига бориб, ҳатто ишга қабул қилмас, қабул қилса ҳам камситар, кам ойлик берар, хўрлар эди. Бурун неча кунлаб нон ахтариб, иш ахтариб сарсон бўлган кунларимни эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Эндиги кунларимизнинг садағаси кетсанг арзийди. Айниқса, ирқий тафовутларга барҳам берилганидан чексиз хурсандмиз.

— Заводимизда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам ортди, — дея суҳбатни давом эттирди заводнинг комплекс раҳбари Хорхе С. Рибет Диаз. — Революциядан бурун заводимиз бир суткада 300 минг арроба (бир арроба тахминан 10,9 килограммга тенг) қанд тайёрлаб берган бўлса, ҳозир 450 минг арроба сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради. Завод қанд етказиб беришдан ташқари, шакарқамиш чиқиндисидан чорвачилик учун «асал» (шинни) деб аталган кўйқум ҳам ишлаб чиқармоқдаки, бу билан хўжаликларда сифатли чорвачилик озуқа базасини яратишга катта ҳисса қўшмоқдамиз. Шунингдек, чиқиндилардан спирт, ром олинмоқда. Шакарқамишнинг энг охириги чиқиндисидан эса энг аъло сифатли қоғоз, мебель учун тахталар тайёрланади. Сифати жиҳатидан ёғоч тахталардан қолишмагани учун бу маҳсулотларга харидорлар чет элларда ҳам кўп. Бу кўтаринкилик ишчиларни йил бўйи иш билан таъминлабгина қолмай, экономикаимизнинг дадил суръатлар билан ривожланиши учун ҳам қўл келмоқда.

Озодлик оролининг ҳур одамлари ҳақли равишда фахрланиб, тўлқинланиб гапирмоқдалар. Фаровон ҳаётни ўз қўллари билан яратаётган ишчилар руҳий ҳолатининг юксаклиги, вазифаларига масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашиши, планингина эмас, мажбуриятларини ҳам кўтаринки руҳ билан бажаришга интилиши, бунинг учун меҳнат вақтидан унумли фойдаланишга бўлган иштиёқлари, ўзаро самимийлик, аҳиллик бизда чуқур таассурот қолдирди. Дарҳақиқат, кубалик ҳар бир инсон ўзини озод, эркин ҳис қилишдан ташқари, ўз Ватанининг, жонажон диёрининг ҳақиқий хўжайини сифатида иш кўриши нақадар кўнгилли!

Революциядан сўнг саноат ва бошқа соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам жиддий силжш рўй берди. Айниқса, бу соҳада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани рўй-рост намоён бўлмоқда.

Узбекистон Шолчилик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Турсунбой Эргашевич Исҳоқов билан Гаванадан йигирма километр четдаги «Нинья Бонита» деб номланган Марказий шолчилик илмий-тажриба станциясида учрашиб қолдик. У 1974 йил октябр ойидан бери Кубада шолчилик селекцияси бўйича бош консультант бўлиб хизмат қилаётган экан. Ватандошимиз билан учрашувимиз Кубада шолчиликни ривожлантириш борасида қилинаётган ишлар ҳусусида батафсилроқ маълумот олиш имкониятини берди. Бу ҳақдаги суҳбатни Марказий шолчилик илмий-тажриба станцияси селекция бўлимининг бошлиғи Педро Ориано Перес бошлаб берди:

— Кубаликларнинг миллий таоми учун энг зарур маҳсулот—гуручни чет элдан сотиб олавериш ёш социалистик давлатимизга қимматга тушарди. Бизда шолчиликни ривожлантириш учун авваллари етарли шарт-шароит ҳам, мутахассислар ҳам йўқ даражада эди. Техника, минерал ўғитлардан эса оғиз очмай ҳам қўя қолай. Бу каби қийинчиликларни бартараф қилиш мақсадида Куба партия ва ҳукумати 1968 йили Марказий шолчилик илмий-тажриба станцияси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Биз — ёш мутахассислар олдида жуда ҳаётни, муҳим вазифалар кўйилди. Айниқса, шолчилик селекциясини тезроқ

ривожлантириш, биринчи галда шолнинг тезпишар, серҳосил, турли касалликларга бардош берадиган навини яратиш масаласи муаммо бўлиб турарди. Селекция бўйича юқори малакали мутахассисларга муҳтож эдик. Станциямиз дастлабки йиллари Филиппин, Колумбия, Перу, Хиндистон каби мамлакатлар билан алоқа боғлади ва улардан шולי уруғи олиб келиб эдик. Аммо кўнгилдагидек натижага эга бўлмадик, гектар бошдан олинадиган шולי ҳосили 1,5-1,8 тоннадан ошмади. Толемизга 1974 йили юқори малакали ўзбек олими Турсунбой Эргашевич Исҳоқов шолчилик селекцияси бўйича бош консультант бўлиб келди. Шундан сўнг бу соҳа генетикаси ва селекцияси билан шугулланиш жонланиб кетди. Хурматли меҳмон аввало испан тилини тезда ўрганиб олди. Бу эса унинг ёш мутахассисларга кенг кўламда кўмаклашиши учун жуда кўл келди. Оқибатда станциямиздаги муаммоларни дадиллик билан ҳал этишга киришдик. 1981 йилдан бошлаб эски, кам ҳосилли навлар ўрнига Турсунбой Эргашевич билан ҳамкорликда яратилган «Кариб—1», «Хукарито—140», «Кариб—7» янги навлари яратилди. Булар анча юқори ҳосилли, касалликларга чидамли эди. Айниқса, «Хукарито—140» нави ҳозир оролда экилаётган шолнинг 70 процентини ташкил қилади. Бу нав экилган майдонларнинг ҳар гектаридан ўртача 52 центнердан ҳосил кўтардик. Гранма виллоятдаги айрим хўжаликлар эса ҳар гектардан 80-105 центнергача сифатли шולי олишди. Бу навнинг поялари бақувват ўсиши туфайли комбайн билан осон ўрилади. Турсунбой Эргашевич Исҳоқов ташаббуси билан яратилган «Амистат—82» нави айниқса зўр чиқди. Яхшиси, бу нав ҳақида муаллифнинг ўзи гапириб бера қолсин.

— Куба шароитига мос шולי навларини яратиш осонликча кўчмади, — дея сўз бошлади Турсунбой Эргашевич. — Ниҳоят, Филиппиннинг «ИР—1529» шולי навини Совет Иттифоқининг Краснодар ўлкасида яратилган «ВНИИР—3223» гибриди билан чаптириш орқали янги нав яратдик. Бунга «Амистат—82», яъни «Дўстлик—82» деб ном бердик. Бу навнинг бошқа навлардан афзаллиги шундаки, 20-30 кун олдин пишади, касалликларга чидамли, гуручи ойнасимон бўлиб, баракалилиги, оқсилга бойлиги, таъмининг ширинлиги билан бошқа навлардан бутунлай фарқ қилади. «Амистат—82» навини Гранма, Камагуэй, Пинардель-Рио виллоятларининг шолчилик хўжаликларида, тажриба станцияларида синовдан ўтказишяпти. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, агротехникасига яхши эътибор бериб қаралса, бу янги навадан ҳар гектар майдондан мунтазам равишда 80-100 центнердан юқори сифатли шולי олиш мумкин. Шунинг учун бу нави тезроқ районлаштиришга партия ва ҳукумат жиддий эътибор бермоқда. Бундан ташқари, Кубада бунёд этганимиз — дони узун, ойнасимон рангли, технологик ва кулинария сифати энг юқори бўлган «Лазурний» нави ҳатто СССР давлат уруғ синаш илмий-текшириш институтида, Ўзбекистон ССРнинг баъзи шолчилик хўжаликларида ҳам синовдан ўтказилди ва районлаштириш учун тавсия этилди. Умуман, шолнинг эрталишар, касалликларга чидамли, юқори ҳосилли, комбайн билан ўриб олишга мосланган янгидан-янги навини бунёд этиш устида кубалик ҳамкасб дўстларим билан жиддий селекция ишларини олиб бормоқдамиз.

Марказий шолчилик илмий-тажриба станциясининг фаолияти ҳақида станция директори Алфредо Гутьерес ҳам жуда ҳаяжонланиб гапирди.

— 1969 йили ўртоқ Фидель Кастронинг ўзи станциямизга «Нинья Бонита» (Гўзал қиз) деб ном берди. Чунки, бу ерда илгари сутчилик фермаси бўлиб, шу ном билан аталган экан. Станция ташкил қилинган кундан бошлаб юқори уруғ навлари экилишида ҳам Фидель Кастро қатнашди, шахсан ўзи мутахассислар тайинлади, шу йилги шולי ҳосилини кузатиб, серунум ер топиш ва районлаштириш ҳақида кўрсатма берди.

Станция ташкил этилганда дастлаб бор-ўғи уч нафар мутахассис ишларди. Булардан икки киши олий маълумотли, қолган бири лаборант эди. Очига, шолчиликда уларнинг тажрибалари кам, агротехника қондаларини унчалик эгаллашмаганди. Йиллар оша ишларимиз жонлана бошлади. Айниқса, малакали мутахассис Турсунбой Эргашевичнинг бизга келиши, фидойилик кўрсатиши оқибатида станциямизда кескин ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир коллективимизда 37 ходим олий маълумотли, 83 лаборант хизмат қилмоқда. Бир киши қишлоқ хўжалик фанлари кандидати, тўққиз нафар аспирантимиз бор. Станциямиз тармоғи ҳам кенгайиб кетди. Шу кунларда марказий станциядан ташқари, Гранма, Санти-Спиритус, Пинардель-Рио шолчилик илмий-тажриба станциялари ҳам фаолиятларини мунтазам равишда кучайтириб бормоқдалар. Станциямизга ажратиб берилган 65 гектар ерда икки усулда иш юртяпмиз. Яъни, селекцияни ривожлантираимиз ва уруғ етказиб берамиз. Беш усул: агрохимия, селекция-генетика, касалликларга қарши кураш, агротехника ва физиология бўйича илмий ишлар қилиняпти. Кўрилаётган илмий-тажриба хусусидаги яхши натижалар туфайли эндиликда бутун Куба бўйича ўзимиз бунёд этган янги навлар экилмоқда. Бу биз учун катта қувончдир. Совет Иттифоқи, Вьетнам, Филиппин, Колумбия, Никарагуа каби 22 мамлакат билан тажриба алмашяпмиз. Ҳозир станция коллекциясида бир ярим мингдан зиёд шולי нави мавжуд. Уйлаймизки, шолнинг тезпишар, серҳосил, касалликларга бардошли, комбайн билан ўришга мослашган, технологик сифати юқори, кулинария талабларига тўла жавоб берадиган, бир йилда икки марта ҳосил берадиган янада яхши янги-янги навларини бунёд этамиз. Мақсадимиз, келгусида ҳосилдорлигини икки баравар оширишдир...

Куба қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари ўртоқ Мигель Родригес билан қилган суҳбатимиз қишлоқ хўжалик ҳақидаги тушунчаларимни яна ҳам бойитди.

— Куба социалистик революцияси ғалабасидан кейин республика қишлоқ хўжалиги талай қийинчиликларга учради, — дея самимийлик билан суҳбатга қўшилди Мигель Родригес. — Чунки революциядан бурун оролимиз экономикасига чет эл капитали, асосан Америка Қўшма Штатлари капитали ҳукмронлик қиларди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган маҳсулотга улар бош хўжайин эди, десак бўлади. Қолган-қутганига Куба капиталистлари эгалик қилишарди. Улар ўзларининг шахсий бойликларини тинмай орттирар, эксплуатацияни кучайтирар, ўғирлик қилиш, талаш ва бошқа бузуқчиликлар эвазига халқни аёвсиз эзишарди. Оқибатда Куба аҳолиси ночор, саводсиз аҳволда қолаверди. Фан,

маданият тараққиётига эътибор берилмади. Қишлоқ хўжалигида эса ерларнинг унумдорлигини ошириш, агротехник ҳолатини яхшилаш, ирригация-мелиорация ишларини изга солиш, умуман, деҳқончилик маданияти каби энг муҳим масалалар билан шуғулланилади.

Куба революциясидан кейин бу ишларнинг барини бошдан бошлашга тўғри келди. Лекин жуда катта қаршилиқларга дуч келдик. Ички ва ташқи реакция гуруҳлар қаршилигини энгишнинг ўзи бўлмади. Текин фойдага мазахўрак бўлиб қолган чет эл, айниқса, Америка Қўшма Штатларининг ашаддй душманчиликларини бартараф қилиш осонликча кўчмади. Барчага маълумки, улар 1961 йил 17 апрель куни Пляя-Хиронда контрреволюцион кучларнинг ҳужумини уюштирдилар. Бу хуружларни тор-мор қилишга улгурмай, 1962 йили Америка Қўшма Штатлари сурбетларча оролимизни иқтисодий жиҳатдан қамал қилди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишдан бош тортди. Бу билан ҳам қабиҳ ниятига эришолмагач, экинзорларимизни заҳарли моддалар билан зарарлантириш йўлига ўтди. Хуллас, Куба республикасини бўғиб ташлаш учун ҳам маънавий, ҳам ғоявий томондан тиш-тирноғи билан уриниб кўрди.

Бахтимизга қудратли Совет давлати бор экан, ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий томондан қўллаб-қувватлаши туфайли, революция душманларининг барча қаршиликларини узиликесил бартараф этишга эришдик. Партия ва ҳукуматимизнинг тинимсиз қилгаётган эътибори, бераётган мадади оқибатида, қишлоқ хўжалигида ҳам жиддий силжиш юз берди. Куба республикаси экономикасининг асосий тармоғи бўлган қанд ишлаб чиқаришни 8 миллион тоннадан ошириб юбордик. Тамаки ҳосили етиштириш 40-45 минг тоннага етди. Шоличиликнинг ривожланишига ҳам алоҳида эътибор берганимиз учун, деҳқончиликнинг бу соҳасини ҳам йўлга қўйиб бормоқдамиз. Айниқса, ўзбек олими Турсунбой Эргашевич Исҳоқов келиши билан шолчиликмизда кескин ўзгариш юз берди: шолчилик селекцияси тубдан яхшиланди. Кетма-кет янги-янги навлар ихтиро қилинди, тезда ривожлантирилди. Бу ишлар йўлга қўйилмасдан бурун республикамиз 250 минг тонна шоли ҳосили олган бўлса, шолкорларнинг фидокорона меҳнати туфайли бу соҳа миқдори 500 минг тоннадан ошиб кетди. Олдин биттагина Марказий шолчилик илмий-тажриба станцияси ишлаган бўлса, ҳозир бу станциялар сони тўрттага етди. Улар юқори малакали мутахассис кадрлар билан тўла таъминланди. Партия ва ҳукуматимиз халқимизнинг шоли маҳсулотига бўлган талабини қондириш учун шоли тайёрлашни бир миллион тоннага етказиш вазифасини қўйди. Кўтаринки руҳда ишлаётган қишлоқ хўжалик ходимлари бу маррани ҳам албатта шараф билан эгаллайдилар.

«Лино Фигереди тоғишганлари билан яшаб турарди. Бир куни солдатлар келиб отасини олиб кетишди, сўнг, кўп ўтмай, Линони ҳам олиб кетишди. Ун икки ёшли бола Лино Фигередони Испания ҳукумати ўн йил сургунга ҳукм қилди! Ун икки ёшли болани кишанга солди, сиёсий маҳбуслар орасига ташлади. Ун икки ёш! Уят! Бунинг учун бошқа сўз қидирмасан ҳам бўлади! Шармандалик! Бундан бошқа ҳеч нарса демаясан! Ун икки ёшли болани турмага қамаб, ҳукумат ўз номусини унутди ва химоясиз болага аёвсиз, раҳмсиз, шафқатсиз муносабатда бўлиб, ўзини бутунлай шарманда қилди».

Уз асарларида халқнинг орзу-умидларини ифодаладиган, Испания мустамлакачиларининг тўрт асрлик сиёсати иллатларини, Америка Қўшма Штатлари империалистларининг босқинчилик, талончилик сиёсатини, ҳар қандай ёлғонни фош этадиган, ватан озодлиги учун курашга чорлайдиган, зулмдан нафратландиган, инсониятнинг эркинлигини, тенг ҳуқуқчилигини, тинчлигини, биродарлигини куйлайдиган, шу ғоя йўлида жонини фидо қилган Хосе Мартининг «Кубадаги сиёсий турма» асаридан бир парча келтирдим. Хосе Марти мана шундай дахшатли тасвирлар, воқеалар орқали умумий сиёсий хулосалар чиқарган. Куба барча маълумлар учун Испаниянинг улкан сиёсий турмаси эканлигини исботлаш билан уларнинг адолатсизлиги, ваҳшийлиги, жиноятларини қош қилиб ташлаган. У ўн етти ёшли чоғидаёқ революцион фаолияти учун олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Сўнг Испанияга сургун этилган Хосе Марти мустамлакачилик сиёсатининг барча дахшати, жабр-зулмларини ўз бошидан ўтказган эди. Испаниянинг тўрт асрлик мустамлакачилик даврида ҳам, Америка Қўшма Штатлари империалистларининг олтим йилга яқин ҳукмронлиги даврида ҳам ва, ниҳоят, Куба буржуазияси ҳамда катта ер эгаларининг шафқатсиз эксплуатацияси даврида ҳам ишсизлик, саводсизлик, инсон шахсини камситиш, ҳақорат қилиш Кубанинг фақат катта ёшдаги кишилари учунгина тааллуқли бўлиб қолмай, балки Оролда истиқомат қилган барча ёшлар шунга маҳкум эдилар. Ҳатто ўн-ўн икки ёшли болалардан энг оғир ишларда: никель руда конларида, шакарқамиш плантацияларида улардан арзон ишчи кучи сифатида фойдаланиш одат тусига кириб қолганди.

Шу туфайли Куба ёшлари оталари, оналари қаторида туриб, узлуксиз шафқатсиз зулмга қарши, инсоний ҳуқуқ, адолат, эркинлик учун тинимсиз курашдилар. Курашлар жараёнида ҳатто ўттизинчи йилларда пионерлар ҳаракати туғилади. Пионер отрядлари, озчилик бўлса ҳам, коммунистларнинг ишончли ёрдамчиларига айланган эди. Пионерларни полиция қаттиқ назорат остига олганди. Оқибатда баъзи пионерлар чет элларга кетиб яшашга ҳам мажбур бўлган эди.

1959 йил 2 январь куни Фидель Кастро бошиқ кўзғолончилар армияси Гаванага кириб келди. Революция ғалаба қилди. Янги турмуш қуриш вазифаси турарди. Куба халқининг шундай ҳаяжонли дақиқаларида ёшларнинг революцион ташкилоти — 20 мингдан зиёд ёш кўзғолончилар Иттифоқи вужудга келди. Бу ташкилотнинг биринчи президенти — Кубанинг миллий қаҳрамони Джозель Иглесиас эди. Джозель Иглесиас Фидель Кастро билан ёнма-ён туриб ҳукмрон Батиста армиясига қарши курашмоқ учун Сьерра-Маэстра тоғига келганда, эндигина ўн тўрт ёшга тўлганди. У жанглар жараёнида ўн саккиз бор ярланди, тузалгач яна майдонга чиқди.

— «Ватан ёки ўлим! Биз ғалаба қиламиз!» Шу шпор остида Сьерра-Маэстра тоғида курашдик, — дейди Джозель Иглесиас. — Келгуси авлоднинг бахтли ҳаёт кечирishi учун жанг қилганмиз. Бир неча бор Фидель Кастро билан гаплашиш менга насиб этган. Ҳар гал

унинг оптимизмидан ҳайратда қолардим. «Биз албатта ғалаба қиламиз, — дерди у. — Болаларимиз учун ғалаба қиламиз. Ҳар бир Куба боласи бахтли бўлиш учун туғилган. Бугун юз минглаб болалар ўқишни билмайди, сут таъмини билмайди. Биз кўрғонларни мактабларга айлантирамиз. Бойларнинг шинам уйларини болаларга берамиз. Бунинг ҳаммаси бўлади!» Революциядан сўнг Фидель Кастро сўзининг устидан чиқди, — дея давом этди Джоэль Иглесиас. — 1959 йил сентябрдаёқ қонун қабул қилиниб, мамлакатда ўқув машғулоти учун ўн минг бино очилди. 69 кўрғон, шу жумладан 26 июлда кўзғолончилар ҳужум қилган Монкада кўрғони ҳам мактаб биносига айлантирилди. Буларда қирқ минг бола таълим ола бошлади. 1961 йил — мамлакатда саводхонлик йили, деб эълон қилинди. Саводсизликни тугатиш учун юз минг ёш ўқитувчи мамлакатнинг энг чекка жойларига жўнаб кетди. Бу жўнгина иш эмас эди, аммо ғалаба қилдик...

Ҳа, Джоэль Иглесиас айтганидек, саводсизликни тугатиш жўнгина бир иш эмасди. Бу йўлда турли қийинчиликларга, ҳатто ватан душманларининг қаршилигига дуч келинди.

Ешлар ҳаёти ва уларнинг кураши ҳақида «Ел Кайман Барбудо» журналининг редактори Хорхе Оливер ажойиб воқеаларни гапириб берди.

— Мен суҳбатимизнинг бошиданоқ гапни Владимир Ильич Ленин ҳақидаги хотиралардан бошламоқчиман, — дея сўзиде давом этди Хорхе Оливер. — Чунки Ленин номи Кубага «Октябрь», «Аврора», «Советлар» деган кадрли сўзлар билан бирга кириб келган. Мен шу муносабат билан Гаванадан унча олис бўлмаган Регла шаҳарчасининг Ленин номи билан боғлиқ революцион фаолияти ҳақида эслатиб ўтмоқчиман. Кубанинг, энг аввало, Регла шаҳарчасида саккиз соатли иш куни жорий қилинган. 1921 йилда, тақиқларга қарамай, бу шаҳарда биринчи май намойиш ўтказилган. 1924 йил 24 январь бутун шаҳарда аҳоли икки минут сукут сақлаб, улуг инсон учун мотам тутган ва Ленин хотираси учун зайтун дарахти эккан. 27 январь куни ҳам икки минут барча ҳаракат тўхтарилиб, тепаликка доҳийнинг номи берилган. Уша йили Реглага олиб борадиган катерни ҳам Ленин номи билан аташган. Шундан сўнг, Ленин номи тепаликда ишчилар тез-тез маёвқалар, намойишлар ўтказиб туришган. Уттизинчи йилга келиб зolim Мачадо намойишларни тақиқлаган, намойишчиларни қувғин остига олган, зайтун дарахтини қирқтириб ташлаган. Аммо, жазолашларга ва тақиқларга қарамай, шаҳарчанинг матонатли халқи қалбидан Ленинга бўлган меҳр-муҳаббатни ўчира олмаган.

Бу кураш давом этиб, Кубада революция ғалаба қилди. «Ленин», «Октябрь», «Аврора» сўзлари баландроқ янгради, тепалик эса яна Ленин номи билан атала бошлади. Ҳозир шу кўркем тепаликда болалар боғчаси бунёд этилган, чор атрофни зайтун дарахтлари безаб турибди. Бунда Озодлик оролининг келгуси граждандари тарбияланмоқдалар. Тез-тез пионер йиғилишлари, ёшларни пионерга қабул қилиш тантаналари ўтказилди. Шунини ҳам мамнуният билан айтиш мумкинки, Озодлик оролининг катта ёшдаги кишилари қаторида ёш авлоднинг мамлакатда социалистик қурилишни ривожлантиришда курсатаётган қаҳрамонликлари, ташаббускорликлари ҳар қанча таҳсинга сазовор. Пинос оролини жаннатмакон жойга айлантириш вазифасини Куба ёшлари оталиққа олганининг ўзи бунга ёрқин далилдир. Шунинг учун ҳам Пиносга «Молодежный» деб ном берилган.

* * *

Революцион Куба ҳаётида янги тузумга хайрихоҳ адиблар роли каттадир. Куба коммунистик партиясининг биринчи съезди ўқирганидек, маданият ва адабиёт меҳнатни шарафлаши, халқ ҳаётини ифодалаш, коммунистик авлодни шакллантиришга хизмат қилиши керак. Аслида ҳам Озодлик оролининг санъат ва адабиёти халқ ҳоқимияти йилларидан кейингина раванқ топди, камолга етди. Езувчиларнинг кейинги авлоди Хосе Марти изидан борди. Булар жумласига Пабло де Ла Торрьенте Брау, Рубен Мартинес Вильена, Феликс Пита Родригес, Энрике Серпа, Доро Алонсо кабиларни кўшиш мумкин. 1959 йил биринчи январдаги революция ғалабаси қалам аҳлларига чексиз имкониятлар яратиб берганлигининг сербарака неъмат бу, албатта. Айниқса, Куба ёзувчилари ва санъат арбобларининг союзи (УНЕАК) ташкил этилиши янгидан-янги қулайликларни вужудга келтирди. Союзнинг бир ярим мингдан зиёд аъзоси бу қулайликлардан баракали баҳраманд бўлмоқда. Союзнинг «Уньон» нашриёти, «Ля гасети де Куба» газетаси, «Уньон» журнали ёзувчилар хизматидадир. Буларга қўшимча республикада чиқадиган «Гранма» газетаси саҳифаларидан ҳам, «Бозмия», «Кайман Барбудо» каби журналлардан ҳам ёзувчиларнинг асарлари учун мунтазам ўрин берилади.

Хуллас, ғарбий ярим шардаги Озодлик оролида социалистик қурилишнинг ижодкорлари — Куба ватанпарварларининг матонати мени чинакамига мафтун қилди. Кубада янги одамлар туғилиши жараёнини Фидель Кастро камтаринлик билан бундай изоҳлайди: «Янги одамнинг туғилиши жараёни Кубада эмас, анча илгарироқ, Октябрь ғалабаси билан бирга бошланди. Социализм системаси капиталистик жамятга хос худбинликдан холи бўлган янги одамни яратиб берди. Социализм яратган одам энг аввало ўзидаги коллективизм руҳи билан, бошқаларга кўмаклашишга интилиши билан фарқ қилади. Унинг буюклиги — ўз-ўзини қурбон қила билиш хусусиятига эга эканлигида. Олис ўттизинчи йилларда совет кишилари ёрдамга келганларини кубаликлар ҳеч қачон унутмайдилар. Ҳозирги кунда Кубада минглаб совет мутахассислари ишламоқдалар. Булар ниҳоятда камтар, ўз ишини биладиган кишилар ва улар ҳақли равишда Куба халқининг буюк ҳурматига сазовордирлар. Бу — Ленин мамлакатидеги инсон тарбиясининг маҳсулидир ва, менинг ўйлашимча, Куба революциясининг энг катта хазиналаридан бири шу бўлдики, шу йиллар мобайнида Куба революцияси бу кишиларнинг беғараз ёрдами туфайли уларнинг билимларидан баҳраманд бўлди».

Ажойиб халқ ижодкори бўлган Куба революциясининг журъат билан олға бораётганини, қаҳрамон халқнинг тинчлик учун, давлатнинг порлоқ истиқболи учун курашишдан ўзга мақсади йўқ эканлигини яна бир карра таъкидламоқчиман. Азамат Куба аҳли, мафтункор Озодлик ороли ҳамиша менинг қалбимда яшайди.

Гавана — Тошкент

Назир Сафаров таваллудининг 80 йиллигига



Редакция куйидаги материалларни атоқли ёзувчимиз Назир Сафаров 80 ёшга тўлиши муносабати билан тайёрлаган эди. Таасуфки, журнализмнинг ушбу сони босмадан чиқиши арафасида оқсоқол адиб узоқ давом этган касалликдан сўнг, вафот этди.

Назир Сафаровнинг порлоқ хотираси минглаб китобхонлар қалбида сақланиб қолади.

Миртемир

ИЖОДИДА ХИКМАТ МЎЛ

...Назир оға Ватан урушидан қайтганидан кейин насрга аввалгидан кўпроқ кўнгил берадиган бўлди. Турсуной ҳақидаги очеркни катта меҳнат — пешона тери, деб биламан. «Тарих тилга кирди» драмасининг янги нусхаси ҳам катта меҳнат. Айниқса, Назир оға кейинги ўн йил ичида унумли қаламкашлардан бири бўлди. Унинг «Кўрган-кечирганларим» асари диққатга сазовор. Бу — чинакам минг бир лавҳадан қурилган яхлит ва ёрқин ҳаёт. Асарнинг лирик қаҳрамони қаламкашнинг ўзи. Қишлоқи ўсмирнинг то улғайиб, ҳаётда ярқироқ бир сиймо бўлиб минбарга кўтарилгунча босган изи китобхон кўз ўнгидан ўтади. Ишонгулик ва шу вайдан эргаштургулик. «Кўрган-кечирганларим» билан «Наврўз» асарлари Назир оғанинг камолотидан ва қаламкаш сифатида маҳоратидан дарак берувчи асарлардир. Бу камолот ва маҳорат, шубҳасиз, узлуксиз меҳнатдан дунёга келади. Баъзи ёзувчи қалами бурро бўлади-ю, ҳаётдан олис бўлади, ёзгани беумр. Баъзи ёзувчи ҳаётини ва лекин маҳоратдан олис бўлади, ёзгани беумр... Назир оғанинг сўнгги асарлари — «Кўрган-кечирганларим» ва «Наврўз» ҳаёт манзаралари ва қалам меҳнатининг бирлигидан туғилмиш асарлар эканига имоним комил, бу бирликда ҳикмат мўл. Ана шу бирлик асарнинг умрзоқлиги ва замонга зарурлиги, деган гап.

КОММУНИСТ ЭЪТИҚОДИ

Ўзбек совет адабиётининг тўнғич сирасига мансуб Назир Сафаров бугунги кунда кўп миллатли совет адабиётининг кўзга кўринарли намоёндаларидан бири, йирик драматург, моҳир прозаик, ажойиб публицист, фидойи жамоат арбоби сифатида элга, юртга танилган адиб. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг ҳамда Ойбек мукофотининг лауреати Назир Сафаров саксон ёшга тўлди. Назир акани мен салкам қирқ ёшида, офицер кийимида, ҳарбий газета редакциясида кўрган, мулоқотда бўлган эдим. Ҳавас қилгулиги шундаки, саксон ёшда ҳам ўша қайноқлик, ўтли юрак, сермахсуллик, нопок ва қинғир ишларга бутун вужуди билан муросасизлик — ҳаётга ошиқлик ҳамон сақланиб қолган. Ҳозиржавобликда, мамлакатимиз ҳаётидаги долзарб муаммоларни бадий публицистика орқали акс эттиришда, бизларга ўрнак кўрсатиб келадилар. Шу ўринда салкам чорак аср муқаддам Назир Сафаровнинг ҳаётида содир бўлган бир воқеани эслашга эҳтиёж туғилди. Ёзувчининг коммунистик эътиқоди, идеали, юксак гражданлик, инсоний бурчи, виждони, социалистик жамиятимиздаги нопок, ярамас иллатларга муросасизлигини акс эттирувчи бу лавҳа худди шу кеча-кундузда республикамиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ҳаётимиздаги баъзи камчиликлар, иллатлар, кўзбўямачилик, давлат мулкига хиёнат каби нуқсонларни фош қилган ва уларни бартараф этишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб берган қарорларини бажараётган, ёзувчиларимиз ҳам ана шу пленум қарорлари даъвати, руҳи билан яшаб, ижод қилаётган бир пайтга Ҳамоҳангдир.

...Оиласи билан меҳмондорчиликдан кеч қайтган Назир ака дарвоза тутқичига қистирилган хатни кўрди, олиб ўқиди. Унда шундай сўзлар ёзилганди:

«Ҳурматли Назир Сафаров! «Шарқ юлдузи» журналининг 1962 йил январь сонидан сизнинг «Бу қандай принцип?» деган мақолангизни ўқиб, колхозимиз аъзолари бошлари кўкка етди. Адолат ҳам бор экан-ку. Биз, ҳақиқат бизлардан юз ўгирган, деб юрардик. Қарийб ўн йилдан бери ечилмай келаётган тугуннинг бир учи ечилгандай бўлди. Сизга қандай миннатдорчилик айтишни билмай турибмиз. Колхозимиз аъзолари бизни вакил қилиб юборишди. Сиз билан гаплашиб оладиган муҳим гапларимиз бор. Келсак йўқ экансиз. Беговта қилганимиз учун узр. Ленин номли колхоз аъзолари...»

«Правда Востока» саҳифасида босилган танқидий материал юзасидан Тошкент область партия комитети йўллаган жавоб хатини ўқиган Назир Сафаров хангу манг бўлиб қолади: «Наҳотки шундай бўлса, — ёқасини ушлайди у. — Наҳотки шу рост бўлса... Наҳотки яна ўз жойида қолаверса?.. Бу ўша Соиб Назаровми? Қизиқ, ҳаммаси тасдиқланибди, ҳаммаси рост. Обком бунга тасдиқлаб турибди. Юқорида зикр қилинган ўғрилиқ, кўзбўямачилик, ошириб ёзиш, давлатни алдаш, мансабдан фойдаланиш, қариндош-уруғчилиги шахсий бойликка хирс қўйиш, қўша-қўша уйлар, машиналар... Ҳаммаси тасдиқланади-да, виговор берилади, холос... Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Биз бундай «адолат» тарафдори бўлмаймиз. Бундай кўнгиш юмшоқлик орқасида қанча-қанча соф юракларга ноҳақ отилган



ҲУРМАТЛИ НАЗИР САФАРОВИЧИ!

Сиз билан учрашганимдан ниҳоятда хурсандман. «Кўрган-кечирганларим» асарингизни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Шу пайтга қадар ижодингиздан беҳабар бўлганим учун афсусландим, танишгач — катта қониқиш олдим, мен учун номаълум бўлган Жиззах билан, Шарқ ҳаёти, урф-одатлари билан танишдим. Сиз уларни талант билан ва яхши билган одам сифатида тасвир қилгансиз! Сиз оламга Назирқул исмли бола кўзи билан қараб, унинг сабр-бардошли, шоирона табиатли онасини, қувноқ, жасур ва меҳрибон Жайноқ амакини, умуман, ҳамма образларни жонли акс эттиргансиз.

Айниқса, раққосанинг ажойиб рақси, ёшлик жозибаси ва ҳаётининг фожиали тугалланиши, хуллас, у билан боғлиқ бўлган кичик бир эпизод кишини ҳаяжонга солади, тўлқинлантиради. Юморни айтмайсизми! Юморнинг теранлиги, табиийлиги, заррача бўлса ҳам зўрма-зўракиликнинг сезилмаслиги ҳайратланарли...

найзалар бор. Жамиятга ҳурматсизлик бор. Катта жиноятларнинг ҳиди бор. Бу масала бундай аросат йўлда қолиши мумкин эмас. Биз, ҳаммамиз, кимки бундан огоҳ бўлган бўлса, баҳоли-қудрат ўз муносабатимизни билдирмас эканмиз, бурчимизга, биринчи навбатда коммунистик этиқодимизга хиёнат қилган бўламиз...»

Назир Сафаров ўз фикр-мулоҳазалари билан тўппа-тўғри ёзувчилар союзига, дўстлари ҳузурига кириб борди. Ҳамкасблар Назир Сафаровнинг виждон азобидаги ички кечинмаларини эшитибгина қолишмади. Уни тўла қуватлашди, биргалашиб курашишга отланишди. Шу зайл ёзувчилар рейд бригадаси Мирзачўлга, Ленин номли колхоз сафарига отланишди...

Назир Сафаров ва унинг ҳамкасблари Комил Яшин, Уйғун, Зиннат Фатхуллин, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Одил Ёқубовлар имзоси билан мақола чиққандан бир ҳафта ўтиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленумида мақола маъқулланди.

Орадан сал ўтмай «Литературная газета» бош мақоласида: «Ўзбек ёзувчилари катта ижодий ташаббуслар оғушида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз ижодий меҳнатлари билан республика партия ташкилотига катта кўмакдош бўлмоқдалар...» деб юқоридаги мақолани алоҳида кўрсатиб ўтган эди. Шундан кейингина Тошкент область партия комитетининг жавоби газетада босилиб чиқди: «Колхоз раиси С. Назаров вазифасидан четлатилди, КПСС сафидан ўчирилди, колхоз молиявий ишлари тергов органларига топширилди».

Назир Сафаров ижодий услубининг энг ибратли томони шундаки, катта асарнинг хамиртурушини ўбдон қиёмега етказади. Бир эмас, бир нечта очерк, публицистик мақолалар ёзиб, буларда ҳаётий муаммоларни ҳал қилиб, пишириб олгандан кейингина, катта асарга ўтиради.

Ҳаммамиз Янги йил арафасида республикамиз маданий ҳаётида катта бир воқеа содир бўлганининг гувоҳимиз. Назир Сафаровнинг толмас қаламига мансуб бўлган «Шарқ тонги» асари Максим Горький номидаги рус академик драма театри сахнасида қўйилиши, шу билан бирга асарнинг ўзбек ва рус санъаткорлари ижодий ҳамкорлигида сахналаштирилганлиги оқсоқол драматургимиз Назир Сафаров истеъдодининг камолотини намойиш қилди.

Пиримқул Қодиров

ТОҒ БАҒРИДАН ЧИҚҚАН БУЛОҚ

Ер қатламлари ичдан кўтарилиши ва ўсиб юксалиши натижасида тоғлар вужудга келади. Бу тоғлар қанчалик буюк бўлса, уларнинг бағридан катта-кичик булоқлар шунча кўп чиқади.

Сўнгги олтмиш-етмиш йил давомида халқимиз ҳаётида юз берган инқилобий, иқтисодий ва маънавий кўтарилиш худди ичдан ўсиб юксаладиган янги тоғларга ўхшаб кетади. Тарихий ўзгаришлар натижасида халқ ҳаётида пайдо бўлган бу янги тоғлар бағрида улкан адабий истеъдодлар қудратли булоқлар каби отилиб чиқдилар. Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Уйғун каби ёзувчиларимизнинг ҳар бири ўз ижод булоқлари билан халқимизнинг маънавий дунёсини обод қилдилар.



Кўзғолон, қувғин бўлганларнинг чўлдаги ҳаёти, очлиги, бўронда қолгани кўрсатилган ўринлар таҳсинга лойиқ. Исёнкор Муҳаммаднинг қатл этилиши қуқур ҳиссиёт ва истеъдод билан очиб берилган. Бундан ташқари кўп эпизодлар ҳақида ҳам шундай дея оламан. Яна такрор айтаманки, асарни катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим.

Деярли ҳамма бобларнинг мантиқан яқунланиши сиздаги истеъдоднинг юксаклигини кўрсатиб турибди. Хуллас, мен ўзим учун янги, оригинал, истеъдодли ёзувчи кашф этдим!..

Бош қаҳрамон — бола ички оламининг ривож, дунёқараши, идроки, ҳиссиёти, таассуротларининг акси, бутун хатти-ҳаракатлари, характери яхши.

Мария ПРИЛЕЖАЕВА



К. Яшин, Уйғун, Ойбек, Н. Сафаров, Мирмуҳсин.

Адибларимизнинг катта авлодига мансуб Назир Сафаров ижоди ҳам меҳнаткаш халқ ҳаётидаги ана шу янги маънавият тоғлари орасидан ўзига хос бир чашма каби кўз очганини биз унинг «Кўрган-кечирганларим» қиссаси ва «Наврўз» романида кузатишимиз мумкин.

Олтин тупроққа қоришиб ётса ҳам олтиндир, деб бежиз айтмаганлар. Ўз ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган меҳнаткашлар инқилобдан олдинги зулмат замонларда ҳам ўзларининг инсоний фазилатларини сақлаб қола олганлар, одамгарчилик, ҳамият, илм-маърифатга интилиш уларнинг қалбини тарк этмаган. Бу фикрнинг кичик бир далили сифатида беш ёшли Назирқулни онаси Роҳатой мактабга бергани лавҳасини эслайлик. Онаизор боласининг ошиқ талашиб акаси билан уришганидан изтиробга тушади, уни ўша замоннинг иллатларидан қутқариб қолиш учун уйларига яқин қизлар мактабига етаклаб боради. Лекин бу — эски мактаб.

Садриддин Айний ижоди бизга эски мактаб ҳақида ёрқин тасаввурлар бергани кўпчиликка маълум. Назир Сафаров ўз эсдаликларида бу тасаввуримизга янги чизгилар қўшади. Еши кичик Назирқул қизалоқлар орасида Ҳикматой отинбувидан илк сабоқлар олади. Бу ерда ҳам эскича ўқитиш услуби, тушунмай ёдлашлар... Аммо инсоний муносабатларда ўша давр жамиятининг энг эзилган қисми бўлган аёлларга хос шафқат, меҳрибонлик бор.

Кичкина Назирқулнинг бошида узунгина кокили бор. Қизчалар билан гоҳо шўхлик қилиб ўчакишади, уларнинг дарс пайтида кўғирчоқ ўйнаб ўтирганларини отинойига айтиб танбеҳ бердиради.

Нонхўрак пайтида қизчалар уни бу «чақимчилиги» учун кокилидан тортиб, силкиб қасд оладилар. Ўғил болалар қизларни сочидан тортиб силкисалар, бу бизга одатий тегажоқлик бўлиб туюлади. Лекин қиссада бунинг акси тасвирлангани учун китобхон ёш қаҳрамоннинг аҳволига юмористик кулги билан қарайди.

Қизлар мактабида Мелижон, Оқил деган болалар ҳам ўқийди. Шундан маълум бўладики, инқилобдан олдинги оғир замонларда паранжи-чачвон аёллар билан эрлар орасига ҳар қанча ғов солса ҳам, оддий халқ орасида табиий ва инсоний муносабатлар сақланиб қолган. Ана шу инсонийлик туфайли Ҳикматойга ўхшаш отинойлар қизларга кўшиб ўғил болаларни ҳам ўқитишга журъат этганлар.

Бундай бирга ўқитиш ҳатто яқин замонларда ҳам мунозара бўлган эди, кўпчилик ўқитувчилар буни ахири мақсадга мувофиқ деб топган эди. Мақсадга мувофиқлигини Назир аканинг илк ҳаётий тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Одамнинг етти-саккиз ёшларгача шаклланадиган ички дунёси, одатлари унинг бутун умри давомида қиладиган ишларига ва инсоний муносабатларига таъсир қилиб туришини психолог олимларимиз аниқлаганлар.

Назир Сафаров ижодида илғор аёлларга эҳтиром, уларнинг жасоратларини астойдил эъозлаб тасвирлаш майли алоҳида ўрин тутади. Биз буни адибнинг урушдан олдинги даврда машҳур бўлган илғор аёл Тожихон Шодиевага бағишланган лавҳаларида, Турсуной Охунова тасвирланган «Узоқни кўзлаган қиз» қиссасида ва бошқа кўпгина асарларида кўраимиз.

Биз «Ёзувчи ўз халқининг виждони бўлиши керак» деймиз. Бу жуда тўғри. Лекин ёзувчи халқнинг виждони бўлиши учун эл-юртининг ички ҳаётини, бутун тарихини, дилини, тилини, яхши анъаналарини чуқур билмоғи керак. Шу маънода ўз халқининг тирик хотирасига айланган ёзувчигина унинг виждони ҳам бўла



К. Симонов,
Н. Сафаров.

олади. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Ўрта Осиёдаги ғалабасига замин тайёрлаган улкан халқ кўзғолонлари бўлганлиги тарихдан маълум. Ана шу миллий-озодлик ҳаракатларидан бири чоризмга ва маҳаллий зolimларга қарши 1916 йили Тошкентда, Қўқонда, Жиззахда ва бошқа кўп жойларда мардикор олиш сиёсатига қарши кўтарилган халқ кўзғолонидир. Уша пайтда ўн икки ёшли Назирқул Жиззах кўзғолонини бошдан охиригача кўради, бошдан кечиради. Муҳаммади каби халқ орасидан чиққан ботир йигитларнинг жасорати, кўзғолон бостирилгандан сўнг Учтепа чўлига ҳайдаб чиқилган бутун аҳоли, аёллару болалар — ҳаммаси биргаликда ёз жазирамасида тортган азоблар қиссанинг «Ҳайда! Ҳайда!», «Бадарға» каби бобларида кишини ларзага келтирадиган тафсилотлари билан тасвирланади. Адибнинг «Уйғониш» драмаси ва юқоридаги қисса асосида режиссёр Латиф Файзиев яратган икки серияли бадиий фильмда кўзғолончи халқнинг жасорати ҳам, ўша давр зolimларининг шафқатсизлиги ҳам таъсирли лавҳаларда кўрсатилади. Адибнинг «Шарқ тонги» драмасида бу мавзу янада кенгроқ миқёсда очилади ва Улуғ Октябрь революцияси билан чамбарчас боғланади.

Назир Сафаров Октябрь инқилобининг ғалабаси туфайли бахт йўлини топади. Самарқандда йигирманчи йилларда очилган муаллимлар курсини битириб, ўқитувчилик қилади. Йигирманчи йилларнинг охирларида, ҳали қизғин синфий кураш кетаётган пайтларда совет ўқитувчиси бўлиш шарафли ва хатарли иш эди. Уша йилларда Назир Сафаров муштумзўрларга қарши қаратилган «Метан қашқирлари» номли дастлабки очеркларини ёзади. Самарқанднинг «Ленин йўли» газетасида давомли босилган бу очерклар учун синфий душманлар ундан ўч олмоқчи бўладилар. Ёш қаламқаш ўқитувчининг ҳаётини сақлаб қолиш учун уни Метандан Самарқандга қақриб оладилар.

Коммунист адиб Зиё Саид Назир ака билан ҳамкорлик қилади. Улар иккови биргаликда 1931 йилда «Тарих тилга кирди» драмасини ёзадилар. Бу асар Ҳамза номли драма театрида қўйилади ва томошабинлар уни катта қизиқиш билан кўрадилар. Вақт ўтиши билан адиб бу асарнинг айрим нуқсонларини тузатишга интилиб, уни қайта ишлаб чиқади.

Ўттизинчи йилларда партия сафига кирган Назир Сафаров эллик йилдан ортқ вақт ичида мамлакатимизда юз берган ҳамма тарихий веқеаларга коммунистларга хос фаоллик билан иштирок этади. 1934 йилда, Ўзбекистонда Ёзувчилар союзи тузилганда, у ташкилий бюро аъзолигига сайланади. СССР Ёзувчилар союзининг биринчи съездида қатнашади. Максим Горькийни кўргани, унинг нутқини эшитгани, Иттифок ёзувчиларининг бу тарихий анжумани Назир Сафаров ҳаёти ва ижодида ўчмас из қолдиради. Кейинчалик, мамлакатимиз бошига оғир кун тушганда — Улуғ Ватан уруши бошланганда Назир Сафаров фронтга кетади. Оддий солдат сифатида жангларга қатнашади. Фронт газетасида лавҳалар, очерклар чоп этиради. Украина, Молдавия, Руминия, Болгария, Югославия, Венгрия, Австрия-ни гитлерчи фашистлардан озод қилган ғолиб қўшинларимиз сафида минглаб қақирим йўлни босиб ўтади. «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланади,

капитан унвонига сазовор бўлади, урушни Берлин яқинида — Австрияда тугатиб, Ўзбекистонга қайтади. Унинг Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларига бағишланган «Лукаш ботир» драмаси, «Бир томчи қон» китобига йиғилган ҳикоя ва очерклари ҳамда ҳозир ғалабанинг қирқ йиллиги арафасида матбуотдаги чиқишлари ўша бой жанговар тажрибага ва ёрқин таассуротларига асослангандир.

Назир Сафаров ўзининг илк романини «Наврўз» деб атагани бежиз эмас. Наврўз янгиланиш, ўсиш, гуллаш тимсолидир. Ҳатто инқилобдан олдинги оғир тарихий шароитларда ҳам халқимиз Наврўзни чиройли бир анъана тарзида ўтказгани «Кўрган-кечирганларим» қиссасида батафсил тасвирланган. Қишдан эзилиб чиққан одамлар баҳорги юмушлар олдидан бир яйраб олиш учун Наврўз сайлига чиқадилар. Қизлар қошларига ўсма кўядилар. Бу ҳам бир санъат. Биров ҳаддан ортиқ ингичка кўринадиган қошини ўсма ёрдамида қалинроқ, қорароқ қилиб олади. Биров киприклари устига ҳам ўсма тортади, юзига ўсмадан нозик хол кўндиради. Адиб буларнинг ҳаммасини завқ билан тасвир этади ва халқ кўшиғидан қуйидаги сатрларни келтиради.

**Қора қошга қовул ўсма,
Санамнинг йўлини тўсма.
Санамнинг йўлини тўссанг,
Йиғлар қошидаги ўсма.**

Наврўз куни бўладиган келин саломлар ҳам ажойиб: «Бошқа аёллар ўлтирса ҳам, келинлар тикка туради, шоҳи рўмолча тутган ўнг қўли тилла қоши устида, чап қўли кўксига, бот-бот эгилиб салом қилганда зебигардони, кўлтиқтуморлари, баргаклари майин шилдираб кўяди».

Байрамни шундай чиройли ўткази оладиган халқ меҳнат жараёнида ҳам дилидаги туйғуларни гўзал сўзлар билан ифода этади. Шу муносабат билан «Наврўз» романида хўп ҳайдаб буғдой янчаётган деҳқоннинг меҳнатга оид ашуласини эслайлик:

**Шойи-шалпар қиз учундир,
Экин-дала биз учундир,
Сомон чори сен учундир,
Қизил дони биз учундир,
Хўп ҳайда-ё, ҳайда-ё, бўйингдан.
Босган изинг талқон бўлсин,
Хирмон қизил донга тўлсин,
Уйлар кўмач, нонга тўлсин,
Хўп ҳайда-ё, бўйингдан.**

Бугунги маданият уйлари, кино-театрлар бўлмаган замонларда одамлар ишдан кейинги оқшом пайтларида бир-бирлариникига йиғилиб, мароқли суҳбатлар, ўйин-кулгилар қилганлар. Бу жиҳатдан Назиркул кичкиналигида тоқчага чиқиб ўтириб кўрган «гап-гаштаклар» ҳам ғалати. Ёзувчи эски ҳаётда кўп тарқалган ошиқ ўйини, қиморбозлик ва наشاءандаликларни қаттиқ қоралайди. Лекин у тасвирлаган гап-гаштакларда Носир акаси шундай дутор чаладики, булбул гўё дуторининг қулоғига кўниб, унга жўр бўлади. Бараканазар деган йигит бурга қиёфасига кириб, кулгили рақслар ижро этади.

Бу йигитлар орасида Назиркулнинг темирчи акаси Қосим фаранг ҳам бор. Қўли гул бу йигит темиру пўлатга жон киргизади, одамларга асқотадиган ҳар қандай асбоб-ускунани ясай олади. Бир чеккаси унга шу сабабдан «фаранг» деб лақаб қўйишган. Бу лақабнинг яна бир сабаби — Қосим фаранг кийинишни билади. Яктаги, қўйлаги, пиёзи чакмони, бошидаги чоргул дўпписи, пошнаси баланд уфка этиги (қўнжининг қулоғига панжара гулчин солиб тикилган), чап ёнига осилган, дастаси кийикнинг шохидан ишланган пичоғи, мис пойнакли қини, туя терисидан қилинган майин қинбоғи — ҳаммаси унинг дидидан далолат берарди. Қосим



НАЗИР САФАРОВИЧ, АЗИЗ ДЎСТИМ!

«Наврўз» асарингизни ўқиб, хурсанд бўлдим.

Халқ ҳаёти ҳаққоний, ёрқин акс эттирилган, у бош қаҳрамоннинг ички олами орқали очиб берилган, шунинг учун ҳам эпиклик, лиризм ва психологизм муваффақиятли тарзда бирикиб кетган. Оғир даврлар росмана (айниқса бўрининг одамини ғажиб ташлагани, жиззахликлар бошига тушган фалокат ва бошқа кўп эпизодлар кишини тўлқинлантириб юборади) тасвирланган. Ижтимоий зулм,



Р. Файзий, Т. Қаипбергенов, Ҳ. Абдусаматов, Н. Сафаров, Ч. Айтматов.

темирчи портрети орқали қанча ажойиб деталлар, сўзлар адабиётга олиб кирилганига эътибор беринг: «панжара гулчин», «чоргул дўппи», «пиёзи чакмон», «кийик шохидан» ишланган соп, қинбоғ майин бўлсин деб уни туянинг терисидан қилишлари — буларнинг ҳар бирида оддий меҳнаткашларнинг нозик диди ва ажойиб табиати акс этиб туради.

Назиркул у пайтда шунчалик ёш эдики, йигит акаларининг ўйин-кулгиларини тоқчада ўтириб томоша қиларди. Бир марта базм тун ярмидан ошгунча тугамай чўзилиб кетганда тоқчадаги боланинг кўзи уйқуга кетиб, йигитларнинг устига қулаб ҳам тушади. Лекин унда мароқ беҳад кучли, тоқчада ўтириш ҳар қанча ноқулай бўлса ҳам, ажойиб ўйин-кулгиларни кўриш учун ялиниб-ёлбориб, яна тоқчага чиқиб олади. Назиркулдан «сен ким бўлмоқчисан?» деб сўраганларида: «Мен Қосим акамдай фаранг бўламан» деб жавоб берган экан.

Бу савол-жавобга, мана, етмиш йилдан ошиб боряпти. Назир ака бу йил саксонга кирди. У халқ ёзувчиси, эллик йилдан ортиқ коммунистлар сафида; партия ветерани деган шарафли ном соҳиби. Унинг баҳти шундаки, болалик йиллардан бошлаб жасур кўзғолончи Муҳаммадидек, моҳир темирчи уста Қосимдек, онаси Роҳатойдек ажойиб кишилар орасида ақлини танийди. Ёшлиқдан унинг табиатида бўлган кузатувчанлик, мароқ, ўткир хотира ва идрок мамлакатимиздаги тарихий ўзгаришлар ва юксалишлар шароитида ўсиб, улғайиб, ёзувчилик салоҳиятига айланади.

Бу борада адабий муҳитнинг ҳам роли катта бўлганини алоҳида айтиб ўтиш лозимдир. Ҳамзанинг инқилобий шеърлари, айниқса, драмалари Назир Сафаровнинг драматург сифатида шаклланишига баракали таъсир кўрсатади. Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар»ини эса у фақат ўзи ўқибгина қолмайди. Йигирманчи йилларнинг иккинчи ярмида ҳали саводсизлар кўп эди. Назир ака бу илк ўзбек романини аввал оила аъзоларига, сўнг маҳалла-кўйдаги ўнлаб одамларга овоз чиқариб ўқиб беради. Қайта-қайта ўқийверганидан ромanning кўп жойлари ёд бўлиб кетади. Улуғ Максим Горький ва ундан кейин адабиёт машъалларидек нур сочган Александр Фадеев, Алексей Толстой ижодлари ҳам Назир Сафаровга ҳамиша ибрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Назир Сафаров адабиёт майдонида эллик беш йилдан буён фаол меҳнат қилиб келмоқда. Унинг турли-туман жанрларда ёзган асарларига хос энг муҳим хусусият ҳаётийлик ва партия ишига содиқликдир. Ҳаётда бор одамлар, социализм



синфий кураш — бешафқат бўлгани маълум. «Наврўз»да халқ орасидан чиққан ажойиб одамлар, меҳнаткашлар, инқилобчилар образлари бор.

Романингизда ижтимоий масалалар қаторида турмушга доир маиший лавҳалар ҳам баравар акс эттирилади.

Бир сўз билан айтганда, асарингиздан хурсандман ҳамда сизга янги-янги муваффақиятлар тилайман.

Виталий ОЗЕРОВ

қурган ва бугун коммунизм қураётган совет кишилари унинг ижодидан марказий ўрин олган ижобий қаҳрамонлардир.

Албатта, ғалабани курашсиз қўлга киритиб бўлмайди. Ҳаётдаги каби адабиётда ҳам яхши одамлар эскирган тушунчалар ва қаллоб кимсалар билан муроса қилолмайдилар. Назир Сафаровнинг «Узоқни кўзлаган қиз» қиссасида, «Кимга тўй, кимга аза» драмасида, бир қатор проблематик очеркларида муҳим ҳаётий муаммолар кўтарилади, кўзбўямачи, мансабпараст, қаллоб шахслар фош этилади.

Назир Сафаровнинг бундан бир неча йил бурун «Гулистон» журналида қўшиб ёзиш ҳисобига «мавсумда минг тонна пахта тердим» деб мақтанган баъзи кўзбўямачи механик ҳайдовчиларга қарши ёзган очерклари, молларни сунъий қочиршиш ҳаддан ортиқ берилиб кетиб, уларнинг наслини бузган олимларга қарата очiq ҳақиқатни айтиб чиққанлари кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлган эди. Айниқса, ҳозир Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорлари изчил амалга оширилаётган пайтда ҳаётимизда учрайдиган салбий ҳодисаларга қарши партиявий позициядан туриб курашиш, илғор, ҳалол, келажаги бор кадрларни қизғин қўллаб-қувватлаш ҳар бир ёзувчининг шарафли бурчи бўлиб қолди.

Ёшлик, комсомоллик йилларидан бери олдинги сафларда келаятган саксон ёшли отахон адиб бу бурчни ҳам сидқидидан бажаришига ишончимиз комил.

Валентин Оскоцкий

ОЛДИНГИ САФДА

Ўзбекистонда илк бор пахта териш машинасини бошқарган, механизаторлик касбини мукамал эгаллаган биринчи аёл — икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуноя Охунова бўлса, унинг шарафли ҳаёт йўли ҳақида ёзган биринчи адиб Назир Сафаров эди. У ҳажман унча катта бўлмаган ҳужжатли қиссасини «Узоқни кўзлаган қиз» деб атади. Ёзувчи ўз кўзи билан кўрган, реал қаҳрамонининг иродасини, матонатини, характеридаги ишчанлик хусусиятларини бадий жонлантирар экан, унинг тақдирида меҳнаткаш халқи тақдирини, бахтини кўрди. Ҳақиқатан ҳам қаҳрамон ўзбек қизининг ҳаёт йўли Улуғ Октябрдан кейинги Совет Шарқи аёлларининг порлоқ истиқболи билан чамбарчас боғлиқ эди.

Бу Назир Сафаровнинг ижодий таржимаи холидан бир лавҳа, холос. Асосий фаолиятини журналистикадан бошлаган адиб адабиёт даргоҳига кириб келар экан, доимо замонни чуқур англашга, бадий сўз қудрати билан унинг ич-ичига киришга ўзида эҳтиёж сезди. 1930 йилда унинг «Янги турмуш учун кураш» номли публицистик очеркларидан таркиб топган илк китоби эълон қилинди. Ёзувчининг ушбу асаридаги курашчанлик руҳи кейинчалик нашр этилган «Олтин фасл» ҳикоялар тўплами, шунингдек, ўткир ҳаётий конфликт асосида яратилган «Кимга тўй, кимга аза» пьесасида ҳам қизил ип бўлиб ўтади. Мазкур ҳикоялар ва пьесаларнинг етакчи қаҳрамонлари ўтмиш феодал қолдиқларига қарши мардонановор кураш олиб борадилар. Халқ турмуш тарзидаги хурофот ва бидъатлар ўрнига янгича онг, янги турмуш, янгича ҳаёт ва янги маънавий-ахлоқий нормаларни барқарор этиш учун жонбозлик кўрсатадилар.

Назир Сафаров Улуғ Ватан уруши йилларида 3-Украина fronti қисмларидан бирида жанговар хизматни ўтайди. Душманни таъқиб этиб, Кавказдан Венагача бўлган улкан масофани босиб ўтади. Ана шундай машаққатли, лекин масъулиятли дамларда у бутун журналистик истеъдодини «Совет жангчиси» газетаси билан боғлади. Газетанинг ҳарбий муҳбири сифатида фронтнинг энг оғир участкаларида бўлди. Уша йилларда яратилган баъзи ҳикоя ва очерклари кейинчалик унинг «Ҳамшаҳарлар», «Бир томчи қон» насрий тўпламлари-га киритилган.

Жиззахда Октябрь инқилобигача бўлган отишмаларнинг гумбурлаган садолари Назир Сафаровнинг кўпчилик асарларидан баралла «эшитилиб» туради. Чунки ёзувчи шу ерда туғилиб ўсган. Ун бир ёшли ўсмир ўша кезлар кўтарилган халқ кўзғолонининг хоризмга — оқпошшо зулмига қарши исён эканлигини зийраклик билан англаб етган эди.

Маълумки, роман-диалогия — «Наврўз»нинг русча биринчи нашри 1975 йилда, иккинчиси 1981 йилда босмадан чиққан эди. Асарнинг ҳар иккала нашрини солиштириб, бир-бирига қиёслаб кўрсангиз, ёзувчи ўтган йиллар оралиғида роман устида гоят катта куч сарфлаб меҳнат қилганига амин бўласиз. Айрим боблар мутлақо қайта ёзилган, баъзилари эса янги эпизодлар, янги тасвирлар билан янада мукаммаллаштирилиб, бадий сайқал берилган. Иккинчи китобнинг сўнги бобларидан бири тушириб қолдирилган. Уша ўринда ёш Назирқулнинг мактабни тугатгандан сўнг билимларини ошириш ниятида Жиззахдан Самарқандга йўл олгани ҳикоя қилинади. Назир Сафаров ушбу бобни нима мақсадда романнинг кейинги нашрига киритмади экан? Эҳтимол, мазкур боб янги бир китобнинг

бошланиши бўлар? Балки адиб учинчи китобга автобиографик характердаги қаҳрамонининг мактабдан кейинги ҳаётини — унинг комсомоллик ва ўқиш йиллари, ўқитувчилик ва журналистик фаолияти, сўнгра қандай қилиб бадий ижодга ўтгани ҳақида батафсил ҳикоя қилмоқчидир?..

Ҳар ҳолда, «Наврўз» адабиётимиздаги энг яхши аъналарнинг ҳаётбахш таъсири натижасида юзга келгани аниқ. Маълумки, М. Горькийнинг автобиографик трилогияси кўпмиллатли совет адабиётидаги мазкур ибратли аънага асос солган эди. Бу, айниқса, 30-40-йилларда кўплаб ёзувчиларимиз ижодига ўзининг кучли эстетик таъсирини ўтказди. Садриддин Айнийнинг «Бухоро», Степан Зорьяннинг «Бир ҳаёт тарихи», Собит Муқоновнинг «Ҳаёт мактаби», кейинчалик яратилган Гумер Башировнинг «Туғилган ўлкам — мовий бешигим менинг», Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» каби асарлари бунга ёрқин мисол бўла олади. Айтиш керакки, аъналарга ёндашганда ижодкор ўз мустақиллигини қўлдан бермаслиги шарт. Болаларча тақлидчилик ижоднинг таянчи бўлмиш традицияга мутлақо зиддир. Бунда қуруқ қайтариқлар эмас, балки мавжуд аънаввий бадий шаклларни ривожлантириш, янада мукаммаллаштириш, услубда ўзига хосликка эришиш ва миллий оҳанглари сақлаш муҳим аҳамият касб этади.

Юрий Ковалёв

УМР БЎЙИ ЙЎЛ КЕЗИБ...

Болалик чоғларидан тасаввурга ўрнашиб қолган шаҳар бутунлай ўзгариб кетди. Яқингинада унинг тор, илонизи йўлларида оғир сукунат мудраб ётар, ток новдалари таралган сўриларда, пастак томлар бўғотларида мусичалар ку-кулашар, деворлар бўйлаб тандирлардан таралган тутун янги ёпилган нон ҳидини олиб, эринчоқлик билан юксакка ўрларди. Нақш ўйилган дарвоза ёнидаги супачаларда кўрпачаларда ёстиққа ёнбош қўйганча оқсоқоллар суҳбатлашиб ўтиришарди. Олис ҳаёт йўлини босиб ўтган кексалар суҳбати сўнгсиз... мароқли бўларди...

... Энди шаҳарни таниб бўлмаё қолди. Унда-бунда йиқилган пахса деворлар тор йўлакларни тўсиб қўйган, одамлар оқими қулаб тушган гувалаларни босиб сас-садосиз ўтиб боради.

Қаёққа, нима учун бошларини эгиб кетаяпти бу одамлар? Бола тушунолмайти. Фақат шаҳар ўрдасига ҳайдаб кетишаётганини кимнингдир чала-ярим гапидан илғаб олди, холос... Ўша одамлар умри бўйи кўрмаган нарсани Жиззах марказига ҳайдаб келинганлар қатори болакай ҳам кўрди. Жоҳил қаттол полицмейстер Рукинни ўлдирган Муҳаммади қатлига гувоҳ бўлди. Ўлими олдидан айтган сўнги сўзларини эшитди.

Майдонни ларзага солган, юракларни зирқиратиб юборгудай даҳшатли фарёдни, улкан инсоний фожеа билан юзма-юз келиб қолган ёш гўдакнинг фарёддини, аламли ҳайқиригини ҳам эшитди. Ҳозиргина ёш паҳлавоннинг ҳаёти узилган ваҳимали майдондан ётилиб чиқди-ю, кўзида ёш, гогаги тўла кўрқув билан тўғри келган томонга ўзини урди...

У гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, пароканда одамларга урилиб-сурилиб қочиб борарди, уни орқадан даҳшатли фарёд таъқиб қилиб келарди ҳамон.

Юракларни зирқиратувчи, қулоқларни қоматга келтирувчи юзлаб одамларнинг бу даҳшатли фарёидан қочиб қутулиб бўлмаслигини, Жиззах ўрдасида кўрган ва эшитганлари уни бутун умри давомида таъқиб этишини, орадани кўп йиллар ўтгандан кейин ҳам кўз олдига келиб, даҳшатга солишини болакай қайдан билсин... Ҳа, орадани кўп йиллар ўтди, у халқ ёзувчиси бўлди, ўша даҳшатли кунлар, инсон қони билан сўғорилган 1916 йил Жиззах кўзғорони унинг машҳур романи «Наврўз»да ўз ифодасини топди.

Йўқ, китоб, ундаги воқеалар ривожини ҳали тугагани йўқ. Унинг давомини ҳаётнинг ўзи битади. Китобхонлари билан учрашувлардан бирида у ўша қатл қилинган Муҳаммадининг қизи ҳали ҳаёт эканлигини эшитиб қолади-ю, дастурхон атрофида ўтирган дўстлари даврасини ҳам тарк этиб, излашга тушади... Ниҳоят, узоқ қидиришлардан кейин уни учратишга муяссар бўлади. Улар дўстлашиб кетадилар, бу дўстлик туйғуси узоқ йиллар синовларида тобланади...

Буларнинг ҳаммаси олдинда. Унгача ҳали сурурли, ўт-оловли комсомоллик йиллари, босмачилар таҳдидидан қўрқмай ўтказилган жасур ёшларнинг йиғинлари, олишувлар, одамларни янги, бахтли ҳаёт учун курашга чорловчи мақолалар, очерклар, хуллас, Совет ҳокимияти учун курашнинг кўп поғоналари...

Ҳа, ўзбек совет адабиётининг оқсоқоли Назир Сафаров ҳаётида кўп воқеалар рўй берди, чунки у умри бўйи курашга, воқеалар гирдобига интилиб келган, ҳеч қачон ўзини четга тортмаган. Мамлакатимиз ёзувчиларининг биринчи съезди, буюк Максим Горький билан унутилмас учрашувлар, Республика Ёзувчилар союзидagi иш фаолияти, муҳбирлик мандати билан тинимсиз кезишлар ҳам олдинда эди...

Улуғ Ватан урушининг бошиданоқ у аскарлик либосини кийди, оловли йўллар бўйлаб галабагача борди.

Фронтидан қайтган кунининг эртасигаёқ ҳарбий кийимда газета редакциясига кириб келди. Ғолиб жангчи сифатида дам олиш ҳуқуқидан фойдаланишни ҳаёлига ҳам келтиргани йўқ.

Тинимсиз сафарлар, изланишлар, бўлғуси қаҳрамонлари билан учрашувлар, газета мақолалари, ижтимоий ҳаёт муаммолари — Назир Сафаров умрининг асосий мазмуни бўлиб қолди.

Оқсоқол адиб билан дўстлигимиз кўпдан бери давом этиб келади. Биргаликда республикамиз бўйлаб кўп кездик. Дўст — сафарда синалади деган нақл бор. Тўғри гап, сафар йўлларида мен Назир Сафаровнинг ҳақиқий коммунист, заҳматкаш ижодкор эканига амин бўлдим.

Назир ака доим инсон, ёзувчи, журналист сифатида меҳримни тортиб келади. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз... Ёзувчи ёки журналист кўпинча бир таниқли одам фаолияти ҳақида газета учун мақола ёки каттагина очерк ёзади. Шу билан уларнинг алоқалари тамом бўлади. Назир ака учун эса қаҳрамон билан учрашиш, унинг тўғрисида ёзиш — ишнинг бошланиши, холос. Адибнинг қирқ йил бурун ёзган очерки қаҳрамони, ажойиб инсон, хўжалик бошлиғи, Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг раиси — Раҳима опа Исломова билан дўстлиги бунинг ажойиб тимсоли. Ёзувчи учун колхоз ҳам, колхоз аҳли ҳам қадрдон бўлиб қолди. Улар доим бир-бирларининг ҳаётидан хабардор. Раҳима опа ҳаётдан кўз юмди, лекин ёзувчининг колхозчилар билан дўстлиги ҳамон давом этмоқда. Назир Сафаров номига улاردан ҳар доим хатлар, телеграммалар келиб туради. Одамлар ютуқлари ҳақида ўз ёзувчиларига хушхабар беришади, камчиликлар ҳақида ёзиб, маслаҳат, ёрдам сўрашади, ёзувчи ҳам қадрдон колхозчини йўқлаб боради.

Мазкур хўжалик одамлари билан муносабат ёзувчи тақдирида тасодифми? Йўқ. Янгийўллик қотма, уятчан қизча тимсолида у келажакнинг машҳур қаҳрамон пахтакорини, номи тиллардан-тиллarga ўтиб, дoston бўлган Турсуной Охуновани кўролмаганми? Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова билан ёзувчи ўртасидаги дўстлик йиллари ҳақиқий ижодий меҳнат йўллари бўлиб қолди.

Жиззахдаги Навоий, Хоразмдаги Наримонов номли колхоз, Андижон, Фарғона, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё областларидаги кўп хўжаликлар оқсоқол ёзувчимизни ўз аъзолари деб биладилар.

Назир Сафаров чинакам халқ ёзувчисидир. Бугунги кунда республикамизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам унинг номини меҳр билан тилга олишади. Ёзувчининг ижодий тақдирига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Унинг яна бир хислатига — меҳнатсеварлиги, ғайрати, тиним билмаслигига ҳавас қиламан. Терим пайтларида кўп марта пахта далалари бўйлаб сафарга чиққанмиз. Ўзбек пахтакорларининг қаҳрамонона меҳнатлари ҳақида асарлар битдик. Сафаримиз доим қизиқarli, ҳаяжонли, сермахсул бўларди. Кундузлари юзлаб қақирим йўл босиб, фикр алмашувлар, тунги бўйи иш столи ёнида меҳнат давом этар, эрталабга республика газеталари учун материал тайёр бўлар эди. Эртасига яна йўл тараддуди, янги манзиллар... Ҳафталар, ойлар шу тахлит тинимсиз меҳнат билан ўтади... Ёш кўринишига қарамай бу сафарлар Назир ака учун осон бўлмасди, албатта. У ҳаммамиздан кечроқ дам олишга ётар, эрталаб ҳаммадан олдин туриб, ғайрати, ишбилармонлиги билан кўпчиликни ҳайратга соларди.

Эътибор Охунова

ЎТЛИ ҚАЛАМ

Белоруссияда ўзбек адабиёти ва санъати декадаси ўтказилган кунларда ёзувчи Назир Сафаров Минскдаги музейга киради. Унинг кўзи кўрғазмадаги икки дона куйган комсомол ҳисоб варақасига тушади. Улардан бирига Ерматов, бирига Ҳамро Эргашев номи ёзилган эди. Ёзувчининг юрагига ғулу тушди, қалами ўт олди яна. Изланишлар, қидирувлар эвазига шуларни аниқлади: Беларуссиядаги жанглarda пулемётчи Ҳамро Эргашев қаттиқ ярадор бўлиб қор тагида қолиб кетибди. Нобуд бўлганларни дафн этиш пайтида уни ҳам қор остидан топиб олибдилар. Қаҳрамон жангчи икки ҳафтадан сўнг ўзига келибди. Ёзувчининг бу ҳақдаги очерки «Совет Ўзбекистони» газетасида эълон қилинди. Кунлар ўтиб ре-дакцияга ўша комсомол варақасининг эгаси адибни сўраб кириб келди. Олтин юлдуз кавалери Ҳамро Эргашев Пастдарғом районидаги Карл Маркс номли колхознинг меҳнат дарғаларидан бири эди. Комсомол Ҳамрони кўриш учун Самарқандга борган ёзувчига Ҳамро бобони рўбарў қилганларида роса

антиқа бўлган эди. Икки шунқор ҳозир шуларни эслаб, кулишди. Уз қишлоғига икки қўлтиқтаёқ билан келган.

Ҳамрони колхоз раиси Жониқул Юсупов ҳимоясига олади. Собиқ жангчи аввал бир қўлтиқтаёғини, сўнг иккинчисини ташлади. У колхоз ишида Ҳамро бобо бўлди, кўксига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юлдузи порлади.

Ёзувчи ҳаётдан бундай фактларни кўплаб келтириш мумкин.

Оқсоқол адабимиз билан Каттақўрғон сафариди бирга бўлганимдан фахрланаман. Шаҳарда ўтган учрашувларнинг тўлқинлантирарли жойи шундаки, залда миллий-озодлик ҳаракати курашчиларининг авлодлари, неваралари, чеваралари ўтиришарди. Ёзувчининг «Кўрган-кечирганларим» асарини ҳамма ўқи-ган, шу асар асосида яқинда телевизор экранларида намойиш қилинган телеинсцени-ровкани ҳам кўрганмиз. Лекин унда тилга олинган қаҳрамонларнинг жонли сиймосини кўриш ҳаммага ҳам насиб бўлмагандир.

Каттақўрғонда кўзғолоннинг бошида турганлар ваҳшийларча жазоланган. Улар батраклар, ишчилар, шоирлар эди. Кўзғолон раҳбарларидан бири — Нурмон Абдиев деган машҳур бахши подшо фармонига, мардикорликка қарши оташин ғазаллар ёзди, халқ тўпланган жойларда шеърлар ўқиди. Шоир зиндонга ташланди, калтаклар остида майиб бўлди. Батраклар Розикул Имомов, Зиёд Раҳмонбердиев, Муҳаммад Раҳматуллаев, ишчи Жўрақул Ниёзов, 18 яшар деҳқон Элмуродқул Абдушукуров ва бошқалар 1917 йилнинг 12 январида отишга ҳукм этилди, баъзилари Сибирга сургун қилинди. Бугунги учрашув даврасида халқ бахти-саодати йўлида қурбон бўлган ана шу баҳодирларнинг йўғил-қизлари, қариндошуруғлари ўтиришибди. Нурмон бахшнинг набираси ҳозир Чимбойободда яшаркан. Ёзувчимиз Каттақўрғон, Жиззах кўзғолонларининг тарихини йиллар давомида варақлади, чекилган заҳматлар эвазига қаҳрамонлар номига бадий ҳайкал тиклади. Бу ҳайкал шунчаки бадий асар эмас, шу бедор қалбнинг, ҳамиша ёниб турган юракининг қаҳрамонлар шаънига атаб қурган мустаҳкам қалъаси эди.

40-йиллар... Инсониятни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган фашизм емириб ташланди. Социалистик мамлакатларнинг сафи кенгайди. Мана шу тарихий кураш сахнасининг баҳодирлари, ёзувчи асарларининг ҳаётий қаҳрамонлари, ҳозирда меҳнат фронтининг жонкуярлари ҳеч қачон халқ эътиборидан, эл эъзозидан, муҳаббатидан четда қолмайди. Уларнинг ҳаёти замондошларимиз учун бир мактабдир.

— Халқ юрагини, халқ қаҳрамонлигини қаламга олиш бахти менга тинчлик бермайди, — дейди ёзувчи. — Зотан, мен халқ ёзувчисиман. Халқ хизматига бир умр бел боғланман.

Дарҳақиқат, устознинг шу ёшда ҳам ёш йигитлардай қўлига қалам ва дафтар олиб, далалар, чорбоғлар кезиши, чўпон-чўлиқларнинг машаққатли меҳнатини қаламга олиши, матбуотда ҳамиша долзарб муаммоларни кўтариб чиқишига ҳавасимиз келади.

Назир Сафаровнинг беқиёс ғайрати ҳамиша йўлларда, одамлар орасида кечувчи қайноқ ҳаёти, ўткир, ҳароратли қалами бизлар учун ибрат мактабдир.

Оқилжон Ҳусанов

УЗОҚНИ КЎЗЛАГАН АДИБ

Устоз Назир Сафаров қарийб олтимиш йилдан буён деярли барча асарларида Улуғ Октябрь инқилоби воқеаларини, шу муқаддас инқилоб берган зафарларни мустаҳкамлаш учун олиб борилган жангу жадалларни ва бунёдкорлик ишларини тараннум этиб келаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Назир ака чоризм ва маҳаллий золимлар томонидан зулм-истибодод гоят кучайган йилларда туғилиб ўсди. У туғилган куни Россияда «Қонли якшанба» номи билан тарихга кирган мудҳиш воқеа рўй берди. 1905-1907 йилларда бўлиб ўтган революцион воқеаларнинг шабадаси Урта Осиё халқларининг ҳам шуурини уйғотди. 1916 йили бу ўлкада ҳам чоризм ва маҳаллий истибодод эгаларига қарши қатор кўзғолонлар бўлиб ўтди. Ана шулардан бири Жиззахда юз берди.

Бу пайтда бўлажак адиб ўн бир-ўн икки ёшли бола эди. У кўзғолон воқеаларини ҳам, кенг миқёсда бу ёснинг ваҳшиёна бостирилишини ҳам ўз кўзи билан кўрди. Халқ тушқунликка тушиб, ўз ҳаёт тарзини, бораётган йўлини йўқотиб қўйган бир пайтда Улуғ Октябрь инқилоби юз берди, камбағал деҳқонларнинг ҳам, қосиб-хунармандларнинг ҳам елкасига офтоб тегди...

Инқилоб шарофати билан билим олишга киришган Назир Сафаров 1931 йили «Қора кунлар кўланкаси» сарлаҳали асарини ёзди. Шундан сал кейинроқ мазкур мавзуда «Уйғониш» драмасини яратди. Тарихий далиллар ва муаллифнинг ўзи шохид бўлган воқеалар асосида ёзилган ҳар иккала асар Жиззах кўзғолони ҳақида эди. Адибнинг 1917 йилда Тошкентда бўлиб ўтган инқилобий ҳаракатлар ҳақидаги «Шарқ тонги» асари «Уйғониш» драмасининг мантиқий давоми сифатида юзага келди. Назир Сафаровнинг Зиё Саид билан ҳамкорликда яратган «Тарих тилга кирди» драмаси эса, совет маҳкамаларига суқилиб кириб олган инқилоб душманларининг кирдикорларини фош этишга бағишланади.

Буюк инқилоб мавзуи адибнинг «Наврўз» романида янада кенгроқ, кўламлироқ акс этди. Мазкур мавзу ёзувчига катта шухрат келтирди.

Буюк инқилоб берган имконият туфайли оддий бир хунарманднинг ўғли ўқитувчи, мураббий, элу халққа танилган адиб бўлиб етишди. Назир Сафаров ўзининг олижаноб касби, қаламининг сеҳри билан фақат ўзини эмас, жамиятимиз тараққиёти учун фидойилик билан меҳнат қилган ва қилаётган кўпгина кишиларни элга танитди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Бонс Эргашев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Олияхон Султонова, Мелиқўзи Умрзоқов, Эъзозхон Исроилова ва бошқалар ҳақида ёзилган очерклар бунга мисол бўла олади.

Назир Сафаров адиб ва қаламкаш сифатида ҳамиша сафарда. У гоҳо Улуғ Ватан уруши қаҳрамонларини излаб Украина, Белоруссия сингари қардош республикаларда бўлади, гоҳо илғор пахтакорлар, чорвадорларнинг ҳаётини ўрганиш учун республикамиз областларини кезиб юради. Ижодий сафарлар натижаси эса, тез орада газета-журналларнинг саҳифаларида кўриниб қолади. Бу ҳақда филология фанлари доктори, профессор Лаъиз Қаюмов шундай деб ёзади: «Ҳар йили пахта йиғим-терим вақтида оқсоқол адибни даладан топасиз. У мумҳалқ ҳаракатига қўлдан келганча кўмакчи бўлиш учун у шундай дамларда қаққон мухбирга айилган кетади. Яхши ишлаганининг номини шухратдор қилади, радиодан унга раҳмат дейди, телевизордан мурожаат этади. Айни вақтда ишга тўсиқлик қиладиган бирор нарсани кўриб қолса, ғазабини яшириб ўтирмайди. У ҳақиқат учун аччиқ гап айтишдан тоймайди».

Назир Сафаров олтмишинчи йилларнинг бошларида «Узоқни кўзлаган қиз» ҳужжатли қиссасини эълон қилди. Бу пайтда ҳали Турсуной Охунованинг номи эл орасида унчалик тарқалмаган эди. Мазкур асар чиққандан сўнг республикаимизда турсунойчилар ҳаракати авж олиб кетади. Хурматли адибимиз бу қисса орқали ўша пайтларда эндигина туғилаётган катта бир ҳаракатнинг жарчиси бўлиб майдонга чиқди. Бу билан у узоқни кўзлаган адиб эканлигини намоён қилди.

Қамчибек Кенжа

БЕЗОВТА ҚАЛБ

Бир куни Назир Сафаров бошчилигида тўрт киши Пастдарғомдаги машҳур хўжалик — бешта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони чиққан Карл Маркс номли қолхозга бордик.

Назир ака раис ё бригадирдан «илғор қолхозчингиз ким?» деб сўраб ўтирмай, қўлида ён дафтар билан, худди ҳарбий кишилардай, чанг демай, лой демай, шартта тупроқ кечиб, иш қайноқ кетаётган томонга қараб юрарди. Биз унинг бир одимини икки одимлаб эргашамиз. У тўппа-тўғри тракторчи ё кесак майдалаётган қолхозчи ёнига боради-да, ўзини, бизни таништириб, суҳбатга киришади; ўша одам билан у ҳақда аввалдан эшитгандай мулоқотда бўлади, ҳазил-хузил қилади, омад тилайди.

— Илғорларни ёзиб газета-журналларга чиқариш ҳамманинг қўлидан келади, — дейди адиб ўзининг қаҳрамон танлаш, очерк ёзиш услуби тўғрисида гапираркан. — Чинакам ёзувчи, журналист бўлса, оддий одамлардан қаҳрамон яратсин. Сиз билан бизнинг сўзимиз, ижодкорлик салобатимиз суҳбатлашган ишчи ё қолхозчимизнинг юрагига чўғ солиши, мудраганини уйғотиши, қўзғотиши керак.

Назир Сафаровнинг эндиликда республика-миз, ҳатто Иттифоққа танилган кўпчилик қаҳрамонлари ана шу тарзда топилган, яратилган.

Булар — менинг Назир Сафаровдан олган илк сабоқларим эди. Кейинчалик ундан инсо-

нийликка, ҳақпарвар ижодкорга хос яна бир талай сабоқлар олдим.

Бир куни Сирдарёдаги «Ленинград» қолхозидан қайтаётган эдик. Чиноздан сал ўтгач, йўл четида қўнқайиб турган ошхонага кўзимиз тушиб, тамадди қилиб олмоқчи бўлдик. Остона ҳатлаб ичкарига қадам қўйдигу Назир аканинг таъби тирриқ бўлди. Ер муздай бетон эди. Февраль ойининг бошлари. Очиқ эшикдан шамол ғувиллаб кириб турибди.

Йўлда Тошкентга етгунча бошқа тайинли ошхона йўқ. Ноилож лағмон буюрдик. Овқат қўйиб келишган идишларни кўриб, ҳаммамизнинг ҳам энсамиз қотди. Пиёладан хиёл каттароқ косалар қинғир-қийшиқ, ғадир-будир, бунинг устига дарз кетган, чеккалари учган...

— Эҳ, аттанг! — хитоб қилди иштаҳаси бўғилган Назир ака. — Асли брак маҳсулот экану, завод ташлаб юборишга кўзи қиймай, кўпчиликка бўлаверади деб, умумий овқатла-ниш идорасига ўтказибди-да.

Шундай деб у ўрнидан турди-да, ошхона бош ошпазини чақиришларини буюрди. Ҳаммамизнинг олдимизда уни қаттиқ ўсал қилди.

Тиниб-тинчимас, куюнчак адиб Назир Сафаровда хусусан ёш ижодкорларга сабоқ бўладиган жиҳатлардан яна бир муҳими — унинг доимо хушёрликка ундаб туришидир. Йўқ, сўзи билан, насихати билан эмас, ўз ибрати билан.

Жамол Камол

ЮРАК ГАВҲАРИ



дамзод кундузи ишлаб, кечалари хаёл суради. Хаёл суриб, юлдузларга термулади, эртаги орзу-уйларини юлдузларнинг юксаклиги билан ўлчади. Шу маънода мен адабиётни маънавият мўъжизаси, руҳият юлдузи, юрак гавҳари, деб атагим келади. Шу маънода халқнинг ўзи яшаб турган азалий ери, унинг босиб ўтган йўллари-дан оламга шаҳодат берувчи тарихи, минг йиллар мобайнида шаклланиб, унга қурол ва қалқон бўлиб келаётган тили ва адабиётидан ортиқроқ бойлиги бўлмаса керак. Халқнинг тили ва адабиётида унинг тарихи яшайди, унинг чексиз ҳаёт тажрибалари, умр сабоқлари тугун-тугун бўлиб ётади, тил қатламларида халқнинг асрлар давомида тўпланган маънавий хазинаси ярқираб, товланиб туради. Бу шундоқ хазинаки, ижодкор унинг олдидан бепарво ўтолмайди, ўзиёки зиёли санаган ҳар бир инсон ана шу эзгулик олдида иззат-эҳтиром билан бош эгади.

Тил, адабиёт ва тарих... Бу уч тушунча халқ тилида узвий бир бутун бўлиб туташади. Чунки ана шу бирликда халқ яшайди, нафас олади, меҳнат қилади, келажакка интилади. Бу уч тушунча уч томондан юксалиб, кейин бири-бири билан бириккан тоғ чўққиларига ўхшайди. Ана шу чўққиларни юраги билан забт этолган, уларни ўзининг жисму жони деб, жисму жонининг бир бўлаги деб ҳис этолган қаламкашгина халқига манзур бўларли асарлар ярата олади. Биз «Адабиётимизнинг жони» деб атайдиган замонавийлик ҳам ана шу юксаликдан туриб кашф этилади. Ижодкор ўз халқининг тили, адабиёти ва тарихини қалбига сингдириб, ўз руҳий оламига айлантириб олмас экан, чин маънода замонавий асарлар яратолмайди. Зеро, чексиз уфқларга боқиш учун юксалиш, юксак чўққиларга кўтарилиш даркор. Шу маънода, тил — халқнинг номуси, тарих — унинг қомуси, адабиёт унинг шон-шарафидир, дегим келади...

Ҳозир қирқ-эллик ёшлар чамасидаги ажойиб оташнафас шоир ва ёзувчиларимиз бор. Улар ортидан яна бир гуруҳ, яна бир қатлам ёшлар келишяпти. Сочига оқ оралаган акалари қатори мен ҳам уларни кузатиб турибман... Уларга боқиб, юрагимда дам умид ва ҳаяжон, дам ташвиш ва хавотир... Яшириб нима қилай, уларнинг кўпчилиги менга шошқалоқ ва чаламулла бўлиб кўринади. Шошқалоқ бўлишса, майли, чаламулла бўлиш ёмон. Тил, тарих ва адабиётни улар чуқур билишмайди,

сўз сеҳрини етарлича ҳис этишмайди. Нафсиламрини айтганда, бунга ёлғиз уларнинг ўзлари айбдор эмас, балки уларнинг олдида тушиб келаётган бизлар ҳам маълум даражада айбдормиз. Шу ўринда мен ижодкор учун бир неча тилни билишнинг сув ва ҳаводек зарурлигини айтиб ўтмоқчиман. Тўғри, кейинги ўн-ўн беш йил ичида республикамизда рус тилини ўрганиш анча йўлга қўйилди. Бироқ шоир ёки ёзувчи учун ёлғиз рус тилини билишнинг ўзи бугун камлик қилади, десам, мени тўғри тушунишар, деб ўйлайман. Бугунги ўзбек шоири форс ва араб тилларини билмаса, ғарб тилларининг бирида ўқиб, сўз юритолмаса, юқорида айтганимиздек, анграиб ёки уялиб қолиши тайин. Мен Тбилисида бўлганимда тенгдош грузин шоирларининг рус ва грузин тилларидан ташқари, форс, араб, турк ва инглиз тилларини ҳам билишларини кўриб, қойил қолдим. Грузияда «Иностранная литература» типиде «Хомли» («Юлдузлар»), Украинада «Все свит» («Бутун дунё») деган журналлар нашр этилади. Бу журналлар жаҳон адабиётининг энг сара асарларини жаҳон тилларидан таржима қилиб босади. Қардошларимиз аллақачон етган бу маррага биз қачон етамиз? Қачонгача «бирова таржима қилиб берса, ўқиймиз» деб бепарво юрагимиз?.. Бир мисол. Бобомиз Алишер Навоий Фаридуддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарини беш яшарлигида ёд олиб, унинг таъсирида юрганидан хабаримиз бор. Жалолиддин Румий шу муаллифнинг «Асрорнома» асарини ўн бир ёшида ёд олиб, айни шу аҳволга тушган... Бу гапларни биз давраларда нақл қилиб юрагимиз. Узоқ ўтмишдан етиб келган ана шу хабарлар замирида икки дохий шоир қисматининг ибтидоси ётади. Лекин ўша «Мантиқут-тайр» ёки «Асрорнома»ни тенгдош қаламкашлардан бирортаси ўқиган ёки варақлаб кўрган, деб айтолмайман. Ҳар гал шуни ўйласам, ўз-ўзимдан уялиб терга ботаман. Ахир, бепарволикнинг ҳам эви, чегараси бор.

Кейинги пайтларда бизда бир хил «модерн» шеърлар ва уларнинг изидан «шеърингизни тушунтириб беринг» деган гаплар пайдо бўлди. Менимча, ҳақиқий шеър шунчаки «тушуниш ёки тушунтириш»дан баланд туради. Шеърни ўз она тилида ўқиган ўқувчи «тушундим» демайди, агар у ҳақиқий шеър бўлса, айрим сатрларни яна шивирлаб такрорлайди. Чунки, унда ўз руҳини туяди, ўз

юрагининг аксини кўради... Бу қадим ва табаррук тупроқда тўлқин уриб оқаётган дарёлар фақат Аму, Сир ва Зарафшон эмас, бунда азал-азалдан халқларимиз номи билан боғлиқ бўлган буюк руҳий, маънавий дарёлар оқади... Мен шеърларимиз ана шу дарёларнинг бир зилол қатраси бўлсин, дейман. Чунончи, ҳазрат Навоийнинг:

**Ҳиротдан ўт тушса агар Сабзаворгача,
Бўлгаймен самандару тортгаймен ўзни
ёргача —**

деган замзамаларида, устоз Ғафур Ғулومнинг:

**Манглайинг бир ажин касб этолгунча
Минглаб балоларга дуч келган бошинг.
«Жики Кўрагоний» секундларида
Неча бор тутилди кўкда қуёшинг —**

йўсинидаги қуйма оҳанглирида халқимизнинг азалий руҳи, табиий нафаси яшайди. Ана шу руҳга ҳамisha ошно бўл, бегона бўлма, дейман.

Устоз Мақсуд Шайхзода «лирик шеърят» деган иборани бир жойда жуда келиштириб, ўзбекча қилиб «рубобий шеърят» деб атаган. Шунинг эсласам, беихтиёр Жалолддин Румийнинг:

**Ишқ тили рубоб тилидек сир эмиш,
Турку юнону арабга бир эмиш —**

деган мисралари ёдимга тушади. Дарвоқе, шеър тили — ишқ тили, у рубоб садоларидек аниқ, тиниқ ва ёниқ бўлиши шарт. Ана шу аниқлик, тиниқлик ва ёниқликда эса рубобий сир ва сехр яшайди. Навоий, Бобур, Фузулий ва Машраб ғазалларининг боқийлиги, жозоба кучи шунда. Мен шеърларимизга ана шу азизларнинг сирли, сехрли нафасидан бир нафас илашсин, дейман...

Бордию мандан ҳозирги ёшлар шеърятдаги асосий қусур нима, уларда нима етишмайди, деб сўрашса, мен ҳеч иккиланмасдан, санъат етишмайди, деб жавоб берган бўлардим.

Билганингиздек, шеъринг санъатнинг биринчи шarti — теран, оригинал маънолар. Алишер Навоий айтганларидек:

**Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсин анинг суврати ҳар не дурур...**

«Ҳар не суврат» — бу ҳар қандай шакл дегани, лекин ўша шакл санъат даражасида бўлиши, сўз унинг доирасида юлдуздек чақнаб туриши лозим. Яна Навоий таъбири билан айтадиган бўлсак:

**Агар сўз жонга пайдо этмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлисафрўз!..**

Сўз жонни ўрташи, ёндириши учун эса жонсўз оҳанглирга солиб айтилиши шарт. Зеро:

**Гўзал оҳанглирсиз шеърят — ўлик,
Сўзлар сўлгин боқар, сатрлар сўник...**

(Буало)

Теран маънолар гўзал оҳанглир билан бирикиб, бизни ҳаяжонга солувчи санъат — шеър туғилади. Мен оригиналликка даъво қилаётган айрим ёшларнинг шеърларини ўқиб, ана шу санъатни ҳис этмаяпман. Адабиёт — сўз санъати экан, шеърят — шу санъатнинг қаймоғи, дейиш мумкин. Буни унутмайлик, шеъринг сўзини оддий, жўн, «қора» сўз даражасига тушириб қўймайлик.

Менга ҳам китобхонлар хатлар ёзиб туришади. Масалан, «Армон» достони муносабати билан Республикаимизнинг турли областларидан, Тожикистон ва Қирғизистондан, Москва ва Узоқ Шарқда хизмат қилаётган жангчилардан мактублар олдим. Кўплар дostonда қаламга олинган воқеалар ҳаётда чиндан ҳам бўлганми, деб сўрашади... Мен ўз қишлоғимда кечган воқеаларни ёздим. Ширин бува ва унинг ўғиллари — менинг она қариндошларим... Энди мен бошқа бир гапни айтмоқчиман. Дoston устоз Миртемирга жуда ёққан, у киши мени уйларига чақириб, дoston шаънига яхши гаплар айтганлар (кейин бу гаплар матбуотда ҳам босилди). Миртемир ака сўхбат орасида «Бўтам, одатда бировнинг йўлига интизор бўлиб жон бераётган кишини ҳиқичоқ тутати, дostonда шу нарса яхши берилипти, менга айтчи, бу гап хаёлингга қандай келиб қолди, бировдан эшитганмисан, ё ўзинг кузатганинг борми?» — деб сўраб қолдилар. Мен: «Онам жон бераётганда кузатганман!» — деб жавоб бердим... Баъзан шу ҳақда ўйлаб қоламан. Ижодкорга истеъдод ва билим керак, лекин ҳаётинг тажриба нақадар зарур. Гоҳо кичик бир ҳаётинг белги, бир қарашда кўзга илнинмайдиган чизги асарини яшнатиб юборади. Биргина сўз, баъзан биргина оҳанг маъно инкишофи учун нақадар муҳим. Айрим муҳаррирларимиз буни ҳис қилишмайди, ўйламай-нетмай, «таҳрир» қилишаверади ёки «қайчилаб» ташлашаверади. Масалан, менинг «Абдулла Қаҳҳор хотираси» деган шеърим «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да ана шундай «қайчиланиб», «таҳрирланиб» чиқди. «Ёшлик»да босилган «Эл-брус» шеъримни ҳам ўқиб, хурсанд бўлмадим, кимдир мен учун уни «тузатиб» чиқибди. «Ражаб Ашуров достонининг юрагимга энг яқин бир бўлаги қисқариб кетибди... Ахир шоир шеър у достонни қозога тушираркан, наинки ҳар бир банд ёки боб, балки ҳар бир сатр, сўз устида узоқ ва жиддий ўйлайди. Унинг зиммасидаги масъулият бошқалар зиммасидаги масъулиятдан кам эмас. Шартта-шартта «таҳрирлаб» ёки «қайчилаб» ташлашдан олдин ана шу ҳақда бир оз мулоҳаза, андиша қилинсин, ёмон бўлмасди.

Сўз санъатининг минг йилларни қамраган машаққатли йўлига кўз ташлаб, «Адабиёт — мардлар майдони» дегим келади. Зотан, адабиётни ёлғиз мардлар яратади, унда фақат мардлар эрмас қолади. Ҳазрат Навоийнинг:

**Осон эрмас бу майдон ичра турмоқ,
Низомий панжасига панжа урмоқ —**

деган таъкидини мен шу маънода ҳам тушунаман.

ТУҲМАТ ВА ҲАҚИҚАТ

Кейинги пайтларда ўзбек ёзувчиларининг асарлари чет элларда, хусусан социалистик мамлакатларда кўплаб нашр қилинмоқда. Жумладан, Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романи Люблинда, югослав тилида босилиб чиқди. Шунингдек, Болгария ва Чехословакияда ҳам чоп этилиб, китобхонлар қўлига теғди. Яқинда бу романи ГДРнинг «Нойес лебен» нашриёти ҳам босмадан чиқарди. Бу факт немис адабий жамоатчилиги ва журналистлари эътиборига сазовор бўлиб, Одил Ёқубовнинг ҳаёти ва ижоди, ўзбек совет адабиётида тутган ўрни, унинг «Улуғбек хазинаси» романи хусусида мақолалар эълон қилинди. Бу ўринда «Эркин дунё» журналида эълон қилинган Хельмут Цемкенинг «Ижоднинг ёрқин йўли» мақоласини назарда тутмоқдамиз.

Мухими шундаки, хорижий мамлакатларда «Улуғбек хазинаси»га берилган баҳо ўзбек адабиётшунослигида бу асар ҳақидаги мавжуд хулосаларга мос. Хельмут Цемке «Ижоднинг ёрқин йўли» мақоласида шундай ёзади: «Одил Ёқубов романида ҳам шунга таянади, ўзи тадқиқ этаётган ҳар бир қалб кечинмаларидан китобхон ибратли хулоса чиқаришига эришади. У муайян гуруҳ фожиаларини, диний биқиклик асоратларини кўрсатиш баробарида халқнинг адолат ва маърифат тантанасига ишончини теран очиб беради. Инсоний бахтни қадрлашга даъват «Улуғбек хазинаси»нинг «қон-қон»ига сингив кетган. Асарда Улуғбек, унга даҳлдор тарихий воқеалар ва шахслар қисмати аслидагидек, бор мураккаблиги билан тасвирланади» («Совет Ўзбекистони», 1984 йил, 25 январь).

Адабиётимиз ҳақидаги бундай ижобий гапларни кўплаб келтириш мумкин. Кейинги йилларда ажнабий тадқиқотчилар ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиётнинг катта йўлига қиқиб олган республикамиз ҳаёти билан жиддий қизиқмоқдалар. Аммо бу соҳада иш олиб бораётган мутахассисларнинг ҳаммасини ҳам бир хил савияда деб бўлмайди. Баъзан чет эл матбуотида шундай маълумотлар эълон қилинадик, уларда республикамиз маданиятига тегишли фактлар тўла ўрганилмасдан, бир ёқлама тадқиқ қилинади, баъзи ўринларда эса нотўғри хулоса чиқарилади. Бу хилдаги материаллар дунё халқларининг бир-бирларига яқинлашувига ва бир-бирларини тўғри тушунишларига халақит беради, холос.

Америкалик олим Даниэль Матушевскийнинг ёзишича, кейинги 20 йил ичида Совет Иттифоқида «этник ва маданий шаклларнинг ўзига хослиги айниқса ривожланиб бормоқда». Юзаки қараганда, бу фикр тўғрига ўхшаб кўринади. Чиндан ҳам, Совет Иттифоқида яшовчи барча катта-кичик халқларнинг этник ва маданий ҳаёти ривожланиб бормоқда. Аммо бу ривожланиш маълум бир халқларга эмас, балки Совет Иттифоқида яшовчи барча халқларнинг маданий ҳаётига тегишли хусусият. Бироқ Д. Матушевский мақоласида шу нарсага ишора қилинмоқдаки, гўё Совет Иттифоқида маълум бир халқларнинг, аниқроғи туркий халқларнинг этник ва маданий ҳаётидаги ўзига хослик кўпроқ тараққий этаётир. Муаллиф бундай хулосаси билан туркий халқларни бошқа совет халқларидан ажратишга ҳаракат қилади, умумсовет маданиятига хос тенденцияни маълум бир халқларга боғлаб, ўзининг нообъектив хулоса қилаётганини билдириб қўяди.

Д. Матушевскийнинг фикрларида СССР халқлари дўстлигига путур етказишга қаратилган яна бир ишора бор. Бу шундан иборатки, гўё кейинги пайтларда ўтмиш мавзусига фақат туркий халқлар адабиётларининг вакиллари мурожаат қилмоқдалар. Гўё улар салобатли ўтмишни қайта тиклашга интилаётган эмиш. Ахир ўтмишни бадиий қайта тиклаш фақат туркий халқларга хос эмас-ку! Тарих сабоқларини ўрганиш, инсоният тарихидаги гуманистик йўналишларни чуқур англаб олиб, уларни китобхонга етказиш бутун совет адабиёти олдида турган вазифалардан бири эмасми? М. Горький, А. Толстой, С. Бородин, В. Ян каби адиблар ўтмишга мурожаат қилиб, қанчадан-қанча ўлмас тарихий асарлар яратган. Октябрь ғалабасидан кейин ўтмиш мавзусида асарлар битган украин, белорус, грузин ёзувчилари-чи? Шундай экан, нега туркий халқларга мансуб ёзувчиларнинг тарихга мурожаат қилишини бошқа халқ ёзувчиларининг ўтмишга мурожаат қилишидан ажратиб кўрсатиш керак? Ахир бу нарса кўп миллатли совет адабиётига хос умумхусусиятлардан эмасми?!

Д. Матушевский юқоридаги сингари чалқаш фикрларни давом қилдириб, бугунги адабиётимизга тегишли баъзи бир асарлар юзасидан ҳам мулоҳаза баён этган. У асосан Асқад Мухторнинг «Чинор», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романлари хусусида тўхталади. Бу ерда ҳам Д. Матушевскийнинг ўзбек адабиёти тараққиёт йўлини тўла тасаввур қилолмагани кўриниб турибди. Гап шундаки, тилга олган биринчи асар «Чинор» романи том маънодаги тарихий асар эмас. У замонавий роман. Тарихий роман хусусида фикр юрита туриб, замонавий мавзудаги асарга мурожаат қилишнинг ўзи тушуниш қийин бўлган бир ҳолдир.

Д. Матушевскийнинг иккинчи тадқиқот объекти — «Меъмор» романи ҳақиқатан ҳам тарихий мавзуга бағишланган. Бироқ ўз-ўзидан шундай савол туғилади: агар Д. Матушевский ўзбек тарихий романи ҳақида фикр юритмоқчи экан, хўш унда нима учун ўзбек совет адабиётида бу жанрда яратилган бир қанча асарлар бўла туриб, ўша асарларни таҳлил қилмайди? Абдулла Қодирий, Садрриддин Айний, Ойбек сингари сўз усталарининг машҳур романлари унинг диққатидан нега четда қолади? Ахир ўзбек адабиётидаги тарихий романлар хусусида гап кетганда, уларни четлаб ўтиш мумкин эмас-ку! Кейинги пайтларда яратилган асарлар-чи? Масалан, юқорида қайд қилганимиздек Одил Ёқубовнинг кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» романлари, Иттифоқимизда кенг тарқалган Пиримқул Қодировнинг «Олдузи тунлар» асари ва ҳоказолар.

Агар мақола муаллифи ўзбек тарихий романи ҳақида ҳаққоний ва мукаммал фикр юритмоқчи истаганда, юқорида тилга олинган асарларни таҳлил доирасига жалб қилган бўларди. Кўриниб турибдики, муаллиф ўзбек совет адабиётининг тараққиёт йўли, жумладан, ўзбек тарихий романининг тараққиётини том маънода белгилай олмайдиган айрим манбаларни олиб китобхонни чалғитишга уринади.

Д. Матушевский тадқиқот учун танлаган манбаларни изоҳлашда ҳам тўғри хулоса чиқара олмайди. Унингча, Асқад Мухторнинг «Чинор» романи ўтмишга доир ва бугунги ҳаёт воқеаларининг бирлигидан пайдо бўлган. Юзаки қараганда, бундай хулосага эътироз қилиш мумкин эмасдек. Лекин асарнинг барча воқеий негизларига назар ташлаб кўрсангиз, Д. Матушевскийнинг бу фикри унинг чекланган концепцияси асосида туғилганлиги билиниб қолади. Аслида эса «Чинор» романининг сюжет қатламларини бугунги ҳаёт воқелиги ташкил қилади. Асқад Мухтор асарнинг бошидан охиригача бугунги ҳаётимизга хос типик воқеаларни диққат марказида тутаяди, уларни яна ҳам қабартирилган, яна ҳам бўёқдор шаклда китобхонга етказиш учун баъзи бир ривоят ва афсоналардан фойдаланади, хулоса. Бошқача айтганда, ривоят ва афсоналар асарнинг мазмунидан кўра шакл талабларига мувофиқ сюжет структурасидан ўрин олади.

Д. Матушевский фикрича, «Чинор» романи — мажозий маънодаги «қисса». Бу фикрга кўшилиш мумкин. Аммо тадқиқотчи асарнинг мажозий маъноларини очишда ҳалол йўлдан бормади. Бу ерда ҳам у ўзининг хулосасини мазкур ишдаги чекланган концепциясига бўйсундиради. У ёзади: «Халқ ривоятига кўра, чинор минг йиллик бўлиб, унинг илдизлари қишлоқнинг қаърида, ўзи ўсиб турган тоғнинг ич-ичига ёйилиб кетган. Очил бува ҳам худди шу дарахтдек кексайган. У 94 ёшда, эвара ва чевараларини ҳисобламаганда 137 та бола ва набира кўрган. У ҳар йили ўзининг катта оиласига ташриф буюриб, роса айлаиб чиқади».

Жумланинг биринчи қисмини олайлик. Бу ерда «халқ афсоналарига қараганда, чинор минг йиллик бўлиб...» дейилади, Аввало шуни айтиш керакки, чинорнинг минг ёшга кирганлиги ҳақида бирор афсона борлиги маълум эмас. Фақат чинорнинг узоқ яшаши ҳақида турли-туман гапларни эшитиб юрамиз. Гап бунда ҳам эмас, гап жумланинг иккинчи қисмида, яъни чинорнинг «илдизлари ўзи ўсиб турган тоғнинг ич-ичига ёйилиб кетган», деган парчада муаллиф Очил бобони ана шу чинорга қиёс қилади. Бундай қараганда, бу фикр тўғрига ўхшайди. Аммо шу мажоз асосида «Чинор» романига жиддийроқ назар ташлаб кўрсангиз, бу фикр ҳам Д. Матушевскийнинг чекланган концепциясига хизмат қилаётганини англайсиз. Бошқача айтганда, романининг мазмун йўналишини таърифлашга бағишланган бу мулоҳаза тўғри хулосага олиб келмайди. Яъни Д. Матушевский чинорнинг илдизларига алоҳида урғу бериши билан романининг асосий руҳи ўтмиш қудратини таъкидлашдан иборат, демоқчи бўлади. Аслида роман таҳлиладан келиб чиқадиган маъно чинорнинг қудратли илдизлари эмас, балки унинг ер юзидан намоиш этаятган қудратини ва салобатини билан боғлиқдир.

Тасаввур қилинг: узондан кўз олдингизда чинор пайдо бўлди. Биринчи навбатда сизнинг кўз олдингизга унинг кўркам салобати, ҳар томонга баравар ёйилган ва бургут қанотларини эслатувчи шохлари келади. «Чинор» романининг асл маъноси мана шу ер юзидаги кўркамлик ва салобат билан боғлиқ. Д. Матушевский айтмоқчи бўлган мажозий маъно фақат шу хилда таърифланиши керак. Д. Матушевский эса романи бу хилда тушунишдан ожиз. Бунинг унга зарурати ҳам йўқ. Унинг учун романининг тарихий ўтмишга ишора қиладиган жиҳати муҳим ҳолос.

Фикримизни «Чинор» романининг сюжет структураси ҳам тасдиқлаши мумкин. Асарнинг ҳамма қисмлари, ҳамма образларини бир-бири мустаҳкам боғловчи бош образ — Очил бобо бамисоли улуғвор чинор. У чинор сингари салобатли, унинг шох-шабдалари, яъни ўғил ва қизлари, неварачеваралари республика, ҳатто Иттифоқ бўйлаб тарқалган. Уларнинг баъзилари партия ва совет идораларини бошқаради; яна бирлари йирик ишлаб чиқариш хўжалиқларининг раҳбарлари, бошқалари ҳам ҳаётимизнинг муҳим соҳаларида халқ хизматига бел боғлаган ажойиб инсонлар. Улар сон жиҳатдан қарийб беҳисоб. Очил бобо — мисоли шохлари ҳар томонга тарқалган азим чинор. У мамлакатимизнинг турли бурчакларига тарқалган бу оила аъзоларининг ҳаётини кўрсатишга бағишланган асарнинг сюжет линияларини ўзаро бирлаштириб туради.

Шубҳасиз, катта оила аъзоларининг тақдир ва қисматлари бир хил эмас. Улар орасида ҳаёт йўли силлиқ кетаётганлар ҳам бор. Улар орасида ҳар хил сабаблар билан ҳаётдан ўксиганлар ҳам топилади. Очил бобо бировларнинг муваффақиятидан хурсанд, яна бировларни тўғри йўлга солиш билан банд: ҳаёти шикастланганларнинг дардига эса шерик. Хуллас, у ҳақиқий тана! Мана, «Чинор» романининг номидан ва умумий мазмунидан келиб чиқадиган мажозий маъно!

Маълумки, чинор кўркам ўсадиган дарахт бўлишига қарамасдан баъзан, истисно тарзида, унинг битта-яримта шохи бу кўркамликни бузиши мумкин. А. Мухтор тасаввурдаги чинорнинг ҳам ўз ўрнида вояга етмагән битта шохи бор, бу — Очил бобонинг невараси Азимжон. У тақдир тақозоси билан мамлакатимиздан ташқарида, бегона юртда туғилган ва ўша ерларда ўсиб-улғайган, катта пулдор даражасига кўтарилган. Эндиликда Азимжон саёҳатчи сифатида келиб ўз оғаниларининг ҳаёти билан танишмоқда.

Романда акс эттирилган Азимжон образи хусусида ҳам Д. Матушевский атайин нотўғри фикр юритади. Аввало мақола муаллифи ҳаётда Азимжоннинг муносиб ўрнини толган, жамият учун катта хизматлар қилаётган ака-укалари турмушидан олган таассуроти ҳақида бир нима дейишни лозим кўрмайди. Аслида ёзувчининг Азимжон образини асарга киритишдан мақсади худди шунда эди. Бунинг ўрнига Д. Матушевский ўзининг ғаразли қарашига мувофиқ асар давомида Азимжон тасаввури асосида гуё «ўзбек халқининг этник ва маданий бойлиги намоян бўлади», дейди.

Лекин муаллиф шу нарсани унутмаслиги керак эдики, романда ёзувчи диққат маркази, яна такрор айтаман, ўтмишдан кўра бугунги ҳаёт манзараларини яратишга қаратилган. Адиб бошқа юртдан келган, бошқача тарбия олган Азимжонга бугунги ҳаётимиз фазилатлари ва унинг ранг-барангликларини кўрсатмоқчи. Америкалик олим буни яхши тушунади. Бироқ у асосланадиган ғаразли маслаклар бу ҳақда фикр юритишга йўл қўймайди.

Д. Матушевский «Чинор» романининг узۇқ-юлуқ, аксар ҳолларда носамимий «таҳлил»идан кейин Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романига ўтади. Дастлаб у бундай фикрни баён қилади: «Ўзбек ёзувчиси Мирмуҳсин XVI асрда, теурийлар даврида эришилган маданий улғворлик ва қудратни беллетристик шаклда ифодалаган. Романи тарихий сиймолардан астроном-ҳоким Улуғбек, теурийлар — Шоҳруҳ, Бойсунқор Мирзо ва Иброҳим Султон, меъморлар — Нажмиддин Бухорий ва Қадам ҳамда улғу шоир Лутфий киритилган».

Бу кўчирма шуни кўрсатадики, Д. Матушевский авваламбор ёзувчининг ижодий ниятини белгилашда нотўғри йўл тутди. Унинг фикрича, Мирмуҳсин «Меъмор»да теурийлар давридаги улғворлик ва маданий кўтарилишнинг ёрқин манзарасини тасвирламоқчи. Ҳолбуки, «Меъмор» романи билан таниш бўлган ҳар бир китобхон ёзувчи нияти бундай эмаслигини англаб олади.

Роман мазмунини ҳаёлдан ўтказайлик: теурийлар даврида вояга етган моҳир меъмор Бухорий ўша давр традициясига биноан нодир қошона бунёд қилиш билан банд, бироқ меъмор уни қуриб битказа олмайди. Султонлар, беқлар, зодагонлар ораларидаги зиддиятлар мамлакатни алғов-далғов ҳолатга солган. Бунинг устига бу алғов-далғовларга алоқадор равишда меъмор оиласи атрофида ҳам зиддиятлар пайдо бўлади. Бухорий бошлаган ишини ташлаб Бухоро томонга жўнашга мажбур. У Бухорога етгунча мамлакатдаги тартибсизлик ва қонунсизликлар оқибати кўпгина жабр-ситамларни бошдан кечиради. Бухорога келгандан кейин ҳам қаддини тиклаб ололмайди.

Мана, романининг қисқача мазмуни. Мирмуҳсиннинг ижодий нияти аниқ кўзга ташланиб турибди. Бу — ўша замонга, яъни теурийлар даврига хос ҳаётнинг алғов-далғовларида истеъдоднинг ўзига йўл топа олмаслиги, бошқача айтганда, унинг емирилиши. Д. Матушевский эса романдаги бу маънони тушуна олмайди ва тушунишни ҳам истамайди. Шу сабабдан у аён ҳақиқатни четда қолдириб, яъни асардан бевосита келиб чиқадиган маънони назардан четлаштириб, ўзича романига ёпишмайдиган сунъий мазмун ўйлаб чиқаради ва буни Мирмуҳсин теурийлар даврининг улғворлиги ва қудратини кўрсатмоқчи, деб даъво қилади. Ўз фикрини исботлаш учун асарда номлари тилга олинган, бироқ биринчи планга олиб чиқилмаган Улуғбек, Шоҳруҳ сингари тарихий шахслар ҳақида фикр юритиб, ўз хулосаларини исботламоқчи бўлади.

Даниэль Матушевский ўзининг нообъектив концепциясини исботлаш учун Чингиз Айтматов асарларига ҳам мурожаат қилади. Хусусан, адибнинг кейинги романи — «Асрга татиғулик кун» хусусида тўхтаб, бу асар ҳақида узундан-узун фикр юритади.

Бу ерда ҳам Матушевский Чингиз Айтматов асаридан совет адабиётига, совет тузумига доғ туширадиган нималарнидир излайди ва ўз мақсадига мувофиқ нуқталарни топгандек бўлиб, бир хилдаги фикрларни қайта-қайта таъкидлайди. «Асрга татиғулик кун» ҳақида гапирар экан, у масалага худди А. Мухторнинг «Чинор», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романларига ёндошгандек асарнинг бош ғоясини бузиб кўрсатади.

Роман воқеаларни эсланг: Қозоғистон кенгликлари ичидаги кичкина темир йўл қўналғаси. У ерда бир неча хўжалик яшайди ва хизмат қилади. Ҳар соатда бир эмас, бир неча поездлар мамлакатнинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига шу станция орқали ўтади. Романда кўп ишлатиладиган тақ-туқ, тақ-туқ ритми ҳам мана шу станциянинг ҳаёти билан боғлиқ. Китобхон кўзи олдига шундай манзара пайдо бўладики, бу қўналға ва бу ерда хизмат қиладиган оддий меҳнаткашлар шу ерда яшаб, шу ерда меҳнат қилиб, шу ерда туғилиб, ўсиб-улғайиб, бутун бир мамлакат фаровонлигига, унинг тараққиётига ўзларининг тегишли ҳиссаларини қўшиб борадилар. Ч. Айтматов мана шундай оддий совет кишиларининг кундалик ҳаётини, меҳнатини мамлакатнинг бир қисми билан иккинчи қисмини боғлаб туришдаги ҳиссаларини улғулайди. Назаримизда романининг асосий ғояси мана шундан иборат. Матушевскийнинг эса бу билан иши йўқ, чунки романи шу хилда талқин қилиш унинг мақсадига мувофиқ келмайди.

Тўғри, Бўронлидаги бир неча оиладангина иборат одамларнинг ҳаёти сип-силлиқ, беками-куст кечавермайди. Унинг устига Ч. Айтматов асарнинг бош қаҳрамони Едигей хотиралари орқали катта бир даврни камраб олади. Шу муносабат билан катта даврга хос ҳаёт зиддиятлари ҳам романда ўз аксини топади. Бундан ташқари бу бекатда яшайдиган одамлар ўз тақдирлари, характер хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бу ҳол романдаги воқеаларнинг зиддиятли равишда акс эттирилишини таъминлаган. Мана шу кейинги икки ҳолатни асос қилиб олиб, Д. Матушевский (асарнинг асосий ғоясини четга суриб қўйган ҳолда) баъзи ўринларда романда эслатилган факт, эпизод ва воқеа-ҳодисаларни кўпиртириб, асосиз равишда Ч. Айтматов эътиборли ёзувчи бўлишига қарамасдан совет тузумига доғ туширадиган воқеаларни тасвирлаётган ёзувчи, демоқчи. Бундай «олимлар» аввало Америка қўшинлари босиб олган Гренада ерлари ва озодликдан маҳрум этилган Гренада халқи аҳволига ачинаш керак эмасми!! Ойлар, йиллар давомида Ливан қирғоқларида туриб Байрутнинг, унинг атрофидаги шахар ва қишлоқларнинг тўпдан ўққа тутилишига ва

бутун-бутун кўча ва қишлоқларнинг ер билан яқсон қилинишига ачиниш керак эмасми?! Ва ниҳоят буржуа идеологлари Европа мамлакатларида Америка империалистлари томонидан қанчадан-қанча ерларни эгаллаб, уларни бетон деворлар ёхуд тиканли симлар билан ўраб «Першинг-2» қанотли ракеталар ўрнатаётганлари хусусида ачиниш керак эмасми?! У «Асрга татиғулик кун» романида қайд қилинган мангқуртлар масаласи юзасидан оғиз кўпиртириб гап сотади. Дарҳақиқат, Ч. Айтматов романда мангқуртлар масаласига маълум даражада маъно юклаган. Тансиқбоевларга ўхшаган мангқуртлар жамиятимиз тарихида ҳам баъзан учраб турган бир ҳол. Бироқ капитализм дунёсида ер шарини фалокатга олиб келиши ҳақида ўйламасдан, миллион йиллар давомида не-не қийинчиликлар билан қаддини ростлаб олган инсон тақдири ҳақида ўйламасдан, минглаб йиллар давомида инсон ақл-заковати томонидан яратилган жамият тараққиёти — цивилизациянинг тақдири хусусида ўйламасдан ядро уруши ҳақида жар солаётган империалистлар ҳақиқий мангқуртлар эмасми?

Д. Матушевский бундай қараганда сиёсатга унча алоқаси бўлмаган тил масаласидан ҳам ўзининг ғаразли мақсадига мос нималардир топишга уринади. Ч. Айтматовнинг рус тилида ҳам, қирғиз тилида ҳам боробар ёза олиши унинг ғашини келтиради. Бу табиий, албатта. Тил ва маданият орқали совет халқларининг бир-бирларига яқинлашуви, бирининг тили ва маданиятидан иккинчисининг баҳраманд бўлиши буржуа идеологини хурсанд қилармиди?! Тилга тегшли ўз қарашларини у кўпроқ Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романи муносабати билан баён қилади. У «Мирмуҳсин муштарак туркий мерос ҳақида мантиққа асосланган ҳолда ёзади. Унинг персонажлари — ўзбеклар, қозоқлар, ёхуд қирғизлар эмас, балки турклардир. Унинг қаҳрамонлари... турк тилини яхши биладилар», дейди.

Сохта олим бу масалада ҳам ўқувчини чалғитадиган маъно изламоқчи. Шу нарса маълумки, XIII—XIV асрларда ҳақиқатан ўзбек, қозоқ, қирғиз деган кескин миллий чегараланиш ҳали рўй бермаган эди. Ўзбек тили эса бу даврда адабий тил сифатида эндигина шакллана бошлаганди. XV асрнинг иккинчи ярмига келиб Алишер Навоий ижоди тўғрисида ўзбек тили адабий тил сифатида шаклланди. Бироқ бу даврда ҳам ҳали ўзбек адабий тили деган тушунча йўқ эди. Демак, бу давр ҳақида тарихий роман ёзган ҳар бир ёзувчи персонажлар тилини яратар экан, ўша туркий деб аталган тил доирасида турган ҳолда ижод қилиши табиийдир. Лекин бу аён ҳақиқатга алоҳида урғу бериш Д. Матушевскийга қай жиҳатдан зарур? Бизнингча, у аллақачон ҳаётнинг ўзи сиқиб чиқарган пантуркизм ғоясини кўтармоқчи. Бугун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа туркий халқлар маданий тараққиётида янги юксакликларга кўтарилмоқдалар. Бу халқларнинг ўз она тилларида яратилган адабиёти ва санъати бутун дунё маданияти хазинасига ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Шундай экан, тил масаласини кўтариш юқори савияда тараққий этаётган халқларнинг маданиятига ҳасад билан қараш ёки бу тараққиётга қандай йўл билан раҳна солишдан бошқа нарса эмас.

Шарқ халқлари маданияти тарихига доир фактларни бузиб шарҳлаб ўқувчиларда нотўғри таассурот уйғотиш орқали СССР халқларининг монолит бирлиги ва бузилмас дўстлигига раҳна солишга уринаётган ҳамда ўзларининг ғаразли антикоммунистик ниятларини ошкора қилаётган бундай сохта олимларнинг нопок кирдикорлари узоққа бормайди.

Собир Мирвалиев,
Норқул Бекмирзаев

БУЮК ЖАСОРАТ СОЛНОМАСИ

Улуғ Ватан урушида немис босқинчилари устидан қозонган улкан ғалабамиз ниҳоятда зўр қийинчиликлар, беҳисоб қурбонлар эвазига қўлга киритилди. Бутун инсониятнинг келажаги учун катта аҳамиятга эга ана шу буюк ғалабани таъминлашда совет халқидаги маънавий-руҳий бирлик ва соғломлик, ирода ва келажакка ишонч туйғуси ҳал қилувчи омилга айланди. Совет адабиёти кишиларимиздаги ана шу юксак фазилатларни ҳаққоний тасвирлаш орқали душманга нисбатан ғазаб ва нафрат ҳиссини кучайтирди, мардлик ва жасорат сари даъват этиб, ғалабани тезлаштиришга катта ҳисса қўшди. Бу давр адабиёти жанговар сафга кўтарилиб, совет кишиларини кураш ва ғалабага чорлашда муҳим тарғибот минбари бўлиб хизмат қилди. У партиямизнинг чинакам ғоявий қуроли сифатида яна бир бор зўр синовлардан ўта олди. Юзлаб фидойи ёзувчиларнинг самарали меҳнати натижасида халқимизнинг буюк қаҳрамонлиги эпопеяси юзага келди.

Кузатиш шуни кўрсатадики, Улуғ Ватан уруши воқелигининг бориши, тараққиёти ва совет кишиларидаги маънавий-руҳий ҳолат, унинг эволюцияси ҳамда бадий ифодаси адабиётда асосан тўрт муҳим босқич характерида кечган. Бу — **ғазаб**, **жасорат**, **ғалаба** ва ниҳоят, **тинчлик** учун кураш тасвиридан иборат босқичлардир.

Гитлер Германияси 1941 йил 22 июнда она-Ватанимизга қўққисдан бостириб кирган дақиқадан бошлаб, халқимизда фашизмга бўлган қаҳр-ғазаб ва нафрат туйғуси алангаланди. Ана шу руҳий жараён Улуғ Ватан урушининг боришида ҳам, адабиётимиз тараққиётида ҳам муҳим босқич характериға киради. Бу даврда Иттифоқимиздаги барча адабиётлар каби ўзбек совет адабиёти ҳам фронтдаги жангчилар учун, фронт орқасидаги меҳнат аҳли учун бирдек кураш қуроли, мададкор ва сунчи бўлиб хизмат қилди. У немис-фашистларнинг разил ва қонхўрлик қилмишларини рўй-рост фош қилиш билан бирга, жангчиларимизни ва бутун совет халқини манфур ёвни батамом тор-мор этиш учун қаҳрамонона курашга даъват қилди, ҳақиқат совет халқи томонида эканлигини уқтириб келди. Урушнинг биринчи кунларидаёқ, ўзбек ёзувчилари ҳам инсониятга қирғин келтирувчи урушни қораладилар. Хусусан, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулум, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Комил Яшин, Миртемир, Зулфия каби етакчи адиблар ҳам публицистиканинг сиёсий ўткир тиғи билан, ҳам фелъетоннинг аёвсиз фош этувчи қуроли билан, ҳам шеърятнинг жанговар қақирғи, нотиклик руҳи, пафоси билан бутун фашизмнинг афт-ангорини, ғоявий мақсадини очиб бердилар. Шу асосда ёвнинг жирканч ва разил қиёфасини яратиб, унга қарши халқимизнинг қаҳр-ғазаб туйғусини алангалатдилар. 1941 йил июлнинг биринчи ҳафтасидаёқ халқимизнинг фашизмга қарши нафрати ва ғазабини ифодаловчи «Улим ёвга», «Ватан учун» тўпламлари нашр этилди. Кетма-кет эса «Ғазаб қўшиқлари», «Ғазаб ва муҳаббат», «Қасам», «Онт», «Ватан жонбозлари» каби ўнлаб тўплам ва альманахлар яратилди. Бу асарларнинг энг муҳим хусусиятлари аввало улардаги сафарбарликка чорловчи жанговар руҳ ва оташин публицистик пафосда намоён бўлди.

Урушнинг дастлабки кунларида яратилган Ойбекнинг «Ёвга ўлим» ва Ҳамид Олимжоннинг «Қўлингга қурол ол», «Мен ўзбек халқи номидан сўзлайман», Ғафур Ғулумнинг «Кузатиш», Уйғуннинг «Битсин фашизм», Мақсуд Шайхзоданинг «Кураш нечун» каби асарларида урушнинг бошланғич даврига хос бўлган халқдаги

ғазаб ва нафрат алангаси чуқур ифодаланган эди. Адибларимиз фашизмга қарши кучли нафрат уйғотиш ва ёвдан ўч олиш учун босқинчиларнинг қонхўрлик ва хунрезлик табиатига алоҳида эътибор берадилар. Шу мақсадда адабиётда душман томонидан аёвсиз хўрланган ва зўрланган, қийнаб ўлдирилган ота-оналар, кимсасиз қолган ва ўтда куйдирилган ғўдақлар, ер билан яқсон қилинган шаҳар ва қишлоқларни кўрсатувчи қатор асарлар юзага келди. Ҳатто поэзиямизда қон образи ҳам пайдо бўлди. Уйғуннинг «Лолалар», Темур Фаттоҳнинг «Қон овози», Ҳасан Пўлатнинг «Қон» каби шеърларида шу образ орқали фашизм инсониятнинг асл душмани, қонхўр жаллоди ва қотили сифатида талқин этилади. Айниқса, оташин шоир Ҳамид Олимжоннинг:

**Юрса агар томирда қонинг,
Азиз бўлса бир парча нонинг,
Керак бўлса номус, виждонинг,
Бўлсанг йигит, бўлсанг ҳамки чол:
Қўлингга қурол ол!**

каби мисраларида душманга бўлган чексиз нафрат ва кескин ғазаб туйғулари намоён бўлди. Айни чоғда бу асарлар фашизмга ўқилган айбнома бўлиб қолди. Энг муҳими, адабиётда кенг акс этган ялли сафарбарлик, жанговарлик руҳи халқимиз қудратига қудрат, курашига зафар қўшди.

Шундай қилиб, кишиларимизнинг маънавий-руҳий оламида шаклланган ғазаб ва нафрат туйғуси Улуғ Ватан уруши тараққиётининг иккинчи босқичини — жасорат босқичини яратди. Жасорат эса мардлик ва қаҳрамонликка етаклади. Натижада халқимиз 1941 йилнинг декабридаёқ Москва остоналарида фашизм тиш-тирноғини синдиришга эришди.

Ўзбек совет адабиёти фронт ва фронт орқасидаги ҳар бир мардона қадамни, қўлга киритилаётган муваффақиятларни, меҳнат ва жанг қаҳрамонлари онги, психологиясида содир бўлаётган ўсиш-ўзгаришларни сезгирлик билан ифодалаб борди. Бу даврда совет халқида камол топган мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик намуналари адабиётга тантанавор руҳ, романтик кўтаринкилик ҳам бағишлади. Тенгсиз жангларда ўзбек йигитлари кўрсатган қаҳрамонлик намуналари конкрет шахслар образи тимсолида умумлаштира бошланди. Жумладан, Ойбекнинг «Худойберганов Жуманиёз», Абдулла Қаҳҳорнинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров ҳақидаги «Олтин юлдуз» қиссаси, Уйғуннинг «Очиловга», Мақсуд Шайхзоданинг «Капитан Гастелло», «Қуёш қизи Зебихон», Зулфиянинг машҳур артист Қобилқори Сиддиқовга бағишланган «Уни Фарҳод дер эдилар» каби етук асарлари юзага келди. Мазкур асарларда совет жангчиларига хос мардлик, қаҳрамонлик ва жасорат каби фазилатларни улғулаш орқали уруш манзаралари, давр руҳи акс эттирилди.

Шундай қилиб, чексиз ва буюк жасорат пафосининг пайдо бўлиши ва камол топиши халқимиз маънавий-руҳий оламида бўлғуси ғалабага умид ва ишонччи янада оширди, вояга етказди. Бу ҳол ўз навбатида адабий жараёнда ҳам, Улуғ Ватан урушининг боришида ҳам энди учинчи босқиччи — ғалаба босқичини юзага келтирди. Хусусан, Сталинград остонаси ва Курск ёйидаги совет жангчиларининг музаффар қадамлари ана шу ишонччи янада мустаҳкамлади.

Демак, ҳарбий давр ўзбек совет адабиёти даъваткор қудрати, реалистик ифодаси билан бир томондан, халқимизни кураш ва ғалабага чорлаган бўлса, иккинчи томондан, совет кишилари характери, онги, психологиясида ва урушнинг боришида содир бўлган ҳар бир янги қадамни, янги ютуқни қамраб олишга интилди. Энг муҳими, у тарих оқимини, давр руҳини социалистик реализм адабиёти чўққиларидан туриб объектив баҳолади ва ифодалади. Жумладан, ҳассос шоир фафур Фулом «Сен етим эмассан» шеърида:

Тонг яқин,

тонг яқин,

Оппоқ тонг яқин, —

дея минглаб қалбларда фашизм устидан ғалабага тўла ишонч уйғотган бўлса, «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» шеърида «енгажак, мутлақо ленинча ғоя, бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» деган объектив хулоса чиқариб, юксак оптимизм намунасини яққол намоиш эта олди.

Ҳарбий давр адабиётимизнинг ана шу учинчи босқичида буюк ғалабага чорлаш, унга ишонч етакчи ўринга кўтарилди ва адолатли курашлар натижасида фашизм устидан қозонилган буюк ғалаба таъминланди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги зафарли йилларда ғолиб совет халқи партия ва ҳукуматимизнинг тинчлик учун кураш сиёсатини тўла-тўқис маъқуллагани

қолмай, уни мустақкам туриб ҳимоя этишга бел боғлади. Халқ ва партия иродасининг ифодачиси бўлган совет адабиёти эса, тинчлик учун кураш мавзуини баланд пардаларда куйлашга интилди. Натижада халқимиз ҳаётида ва адабий жараёнда тўртинчи босқич юзага келди.

Аслида бу мавзу совет адабиётида «Аврора» садолари янграб, янги — Советлар мамлакати туғилган кундан, «Тинчлик ҳақида декрет» эълон қилингандан буён устиворлик қилиб келади. 1924 йилдаёқ Бутуниттифоқ пролетар ёзувчилар ассоциациясининг тараққийпарвар ёзувчилар билан алоқа қилувчи халқаро Бюроси янги уруш оловини ёқувчиларни жиловлаб қўйишга даъват этувчи резолюция қабул қилган эди («Октябрь» журнали, 1924, 2-сон).

Сўнгра Амстердамда (1932), Парижда (1935), Испанияда (1937) урушларни лаънатловчи конгресслар, йиғинлар бўлиб ўтди, уларда ёзувчилар ҳам иштирок этдилар. Айниқса, Улуғ Ватан уруши келтирган жароҳатлар жаҳон халқларини, биринчи галда совет халқини ҳушёрликка ва тинчликни сақлашга сафарбар қилиб қўйди. Шу мақсадда фан ва маданият арбобларининг тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган Халқаро биринчи Конгресси (Вроцлав, 1948) ва 1950 йилда ташкил топган Халқаро тинчликни ҳимоя қилиш Совети ҳамон олдинги жабҳаларда туриб, инсониятни янги уруш қаърига тортаётганларни қоралаб келмоқда. Ана шу Халқаро тинчлик Совети қарорлари, ҳужжатларини кўздан кечирсак, турли анжуманларда кўллаб атоқли адиблар иштирок этгани ва оташин нутқлар сўзлаганига гувоҳ бўламиз.

Совет ёзувчилари немис фашизми ва япон милитаристлари мағлуб бўлган кундан бошлаб, бутун истеъдод ва маҳоратларини тинчликни тарғиб қилиш ишига қаратдилар. А. Фадеев, М. Шолохов, Л. Леонов, А. Корнейчук, И. Эренбург, Н. Тихонов, В. Василевская, А. Сурков, М. Бажан, З. Полевой, А. Чаковский, Н. Грибачев, Ойбек, Ф. Фулом, М. Аvezов, М. Турсунзода, Комил Яшин, Зулфия, Ч. Айтматов, К. Симонов каби жаҳонга машҳур адиблар ҳам ижтимоий фаолиятлари, ҳам ижодлари орқали тинчлик ғояларини ҳимоя қилдилар. Айниқса, ҳозирги суронли йилларда совет адабиётининг бутун отряди бу курашнинг олдинги сафларида туриб, бу олижаноб ишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Шу туфайли ҳам совет адабиёти, жумладан, ўзбек совет адабиётида тинчлик мавзуида яратилган асарлар катта ўрин тутди. Фафур Фуломнинг ажойиб шеърий дурдоналари, Ойбекнинг «Покистон таассуротлари» туркум очерклари, «Нур қидириб» қиссаси ҳамда «Покистон дафтари»га кирувчи шеърлари, «Ҳақгўйлар», «Зафар ва Захро» сингари ўнлаб шеърлари, дostonлари, Мамарасул Бобоевнинг «Эрон осмони остида» туркуми, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Зулфия, Миртемир, Ҳамид Фулом, Рамз Бобожон, Асқад Мухтор, Шухрат яратган кўплаб шеърий асарлар, Комил Яшин, Воҳид Зоҳидов, Сарвар Азимов каби адибларнинг оташнафас публицистикаси тинчлик ишини мустақкамлашда катта роль ўйнади. Шакл ва услуб жиҳатидан ранг-баранг бўлган бу асарларда урушларни қоралаш, янги хунрезликларнинг олдини олиш, тинч меҳнат, тараққиёт, гуманизм ғояларини куйлаш ғояси етакчилик қилади. Коммунистик партия ва халқимиз ҳамда бутун прогрессив инсониятнинг муштарак манфаатлари, мақсадлари уларда ёрқин акс этди. Агар Фафур Фулом ўз ватандошларини:

**Азиз ватандошим, ёдингда бўлсин,
Сен тинчлик ишига сафарбар зотсан.
Майли, иғволардан ой ҳам тутилсин,
Шу постда солдатсан, токи ҳаётсан, —**

деб ўз аҳдида собит туришга даъват қилса, Мақсуд Шайхзода:

**Жавобгармиз бу дунёга, инсониятга,
жавобгармиз биз бу кунга, эртанги кунга,
ойга, кўкка, китобларга, маданиятга,
ўрмонларга, уммонларга, тонгга, тўлқинга —**

дея бутун инсониятни ҳушёр бўлишга, жаҳон олдидаги масъуллик туйғусини чуқур англашга чақиради. Ойбек эса ишонч билан:

**Қалбимда давримнинг жароҳати бор,
Шунинг учун шеърим ғазабкор вулқон.
Жаҳонга бир куни тинчлик бўлур ёр,
Бомбани, зулми унутар инсон, —**

дейди. Бу мисраларда бугунги ташвишли замон садоси билан бирга тинчлик ишининг барқарорлиги ғояси, бахтиёр келажакка ишонч руҳи ҳукм суради.

Ўзбек совет ҳарбий прозаси эса, бирмунча кейинроқ, вазминроқ йўлдан юриб, шаклланганини кўрамиз. Гарчи кичик прозада озми-кўпми тажрибалар мавжуд бўлса ҳам йирик қисса ва романлар асосан 50-йилларнинг охири ва 60-йилларда кўпроқ ёзила бошлади. Поэзия, кичик проза ва драматургия соҳасида орттирилган тажриба ва анъаналар бу борада жуда қўл келиб, ўзига хос маҳорат мактаби бўлиб хизмат этди. Ҳозирги ўзбек совет ҳарбий прозаси тараққиётини кичик, ўрта ва катта насрий асарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жанр, услуб, конфликт, қаҳрамон ва мавзу жиҳатидан умум адабиётимизни бойитмоқда.

Ўзбек совет ҳарбий прозасининг вояга етиши билан ҳужжатли проза жанрига хос хусусиятлар ҳам шаклланди: ҳаётий ҳақиқат билан бадий ҳақиқат меъёрини ёрқинроқ аниқлаш имкони туғилди, характер яратиш маҳорати ҳам камол топиб, асарларнинг ғоявий-бадий, тарбиявий-эстетик қиммати, самарадорлиги ортиб борди.

Совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган оламшумул мардлиги ва қаҳрамонлиги намунаси ўзбек ҳарбий ҳужжатли прозаси тараққиётига бой материал бериб келмоқда. Бу борада дастлаб публицистик мақолалар, жанговар чақириқлар, лавҳалар, очерклар ва ниҳоят ҳикоялар яратилганини кўрамиз. Кейинроқ эса Абдулла Қаҳҳор «Олтин юлдуз» қиссаси орқали ўзбек йирик ҳарбий насрига замин яратди. Қисса қаҳрамони Аҳмаджон Шукуров реал шахс бўлиб, унинг характери эволюцияси орқали жангчиларнинг уруш давридаги чиниқиш йўли ва қаҳрамонлиги умумлаштириб кўрсатилган эди. Шунингдек, у дастлабки йирик ҳужжатли бадий асар сифатида ҳам қимматга молик. Абдулла Қаҳҳор бошлаб берган ҳарбий қиссачилик соҳасидаги мазкур анъана бугунги кунга келиб катта бир бадий тўлқинга айланди.

Кичик ҳарбий прозада адиб-ижодкорнинг уруш иштирокчиси сифатида гавдаланиши ва мавжуд фактни тасдиқлаши ҳам характерлидир. Бу асар ҳаётийлигини оштиради. Шунингдек, бундай асарларда конкрет жангчи-қаҳрамон образини яратиш борасида ҳар бир ёзувчи ўз услуби ва усули билан фарқланиб туради. Агар Ойбек ва Назир Сафаров қаҳрамоннинг ички кечинмалари орқали унинг яхлит образини яратишга асосий эътиборни қаратса, Назармат ва Адҳам Ҳамдам характерни кўпинча «хат» приёми воситасида очади. Комил Муҳамедов қаҳрамон оламини кучли драматик вазиятлар воситасида кўрсатса, Ҳамид Тожибоев ундаги олижаноб фазилатларни тасвирлашга диққатини қаратади. Тўғон Эрназаров ва Мумтоз Муҳамедовлар характерни юмористик бўёқларда намоён этадилар. Муроджон Мансуров «Мардона умр» асарида қаҳрамоннинг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ҳаёти билан бугунги турмушини қоғштириш орқали ўз бадий ниятини рўёбга чиқаради. Аммо ушбу мавзудаги ҳамма кичик асарларни талаблар даражасида деб баҳолаб бўлмайди. Уларнинг айримлари бадий яланғоч бўлиб, оддий лавҳага, хабарга ўхшаб кетганлиги ҳам сир эмас. Бунинг оқибатида қаҳрамон характерини умумлаштиришдан кўра у ҳақдаги ҳужжатларга тобелик устундир. Баъзи адиблар ижодида ўз-ўзини ёки бошқаларни тақдорлаш ҳоллари ҳам содир бўлаётир, бу ҳали ҳужжатли асар яратишда маҳорат етишмаётганидан далолат беради.

Шунга қарамай, уруш ва тинчлик, уруш ва инсон, уруш ва келажак каби ҳаётий-ижтимоий масалаларни адибларимиз ўз имкониятлари даражасида ҳал этаётганликлари мазкур турдаги асарлар қимматини тайин этади. Шу боисдан ҳужжатлилик «ўрта» ва «катта» ҳарбий проза асарлари тараққиётига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Натижада ҳарбий мавзуда етук ҳужжатли қиссалар яратишга интилиш кучаймоқда.

Кузатишларимиз ҳарбий қиссаларда факт ва тўқима, ҳужжатлар нисбати ўзгача, яна ҳам мураккаброқ тарзда кечишини кўрсатади. Бу ўринда Одил Ёқубовнинг «Излайман», Иброҳим Раҳимнинг «Мангулик кўшиғи», Назарматнинг «Сайёд жасорати» ҳамда Адҳам Раҳматнинг «Тошкентлик чавандоз» каби қиссаларини кўздан кечириш ва қиёслаш самаралидир.

«Излайман» ва «Мангулик кўшиғи»да бадий тўқиманинг устунлиги яққол кўзга ташланади ҳамда тасвирда кўпроқ лирик услубга мойиллик сезилади. «Тошкентлик чавандоз» ва «Сайёд жасорати» қиссаларида ҳужжатлилик етакчилик қилади. Уларда асар ғоясини очишда тўқимадан кўра тарихий фактлар ва ҳужжатлар таҳлили биринчи планда туради. Мазкур қиссалар қамраб олган материал ҳажми ва географик тасвир ўрнига кўра ҳам ўзаро фарқланадилар.

Адиблар реал фактлар асосида тарих манзарасини яратишга интилар эканлар, қаҳрамонларнинг руҳий дунёси, хатти-ҳаракатларини гавдалантириш ва воқеа-ҳодисалар моҳиятини кенг кўламда кўрсатиш орқали чуқур замонавийликка интиладилар. Бу жиҳат мазкур қиссаларни бир-бирларига яқинлаштиради, айни вақтда ўзаро услубий ўзига хослигини ажратиб олиш имконини беради. Жумладан, ёзувчи Одил Ёқубов билан учрашув ва суҳбат натижасида унинг «Излайман» асаридаги ҳамма воқеалар ва кўпчилик персонажлар ҳаётда бўлганлиги аниқлан-

ди. Баъзи ўринларда қаҳрамонларнинг исмигина ўзгартирилганлиги, воқеани бойитиш учун деталлар ўйлаб топилганлиги, факт ва бадий тўқима ўз меъёрида уйғунлашганлиги маълум бўлди. Бу ҳол эса асарнинг реалистик руҳини таъминлаган етакчи омиллар даражасига кўтарилади. Хусусан, асар қаҳрамони Даврон Ғозиевнинг фронтда ҳалок бўлиши, турмуш ўртоғи Саломатхон эса, ҳамон унинг руҳи билан яшаётганлиги тасвирланган ўринларда ёзувчи бадий тўқимадан кенг фойдаланган. Аслида урушдан кейин ҳам Даврон акадан хабар бўлмагач, Саломат бошқа киши билан турмуш қуради. Кўп ўтмай қайтиб келган Даврон ака ўғлини ўзи билан олиб кетади. Ҳаётдаги Саломат айрилиққа ва турмуш қийинчиликларига бардош беролмай орқага чекинганини кўрамиз. Уруш зарбасини мардонга енгган ва келажакка зўр ирода билан қадим ташлаган Саломатхонлар кўп бўлгани маълум. Ёзувчи Одил Ёқубов ана шуларнинг жасорати, фидойилигини улуғлаган ва ўз ғоясини маҳорат билан амалга ошира олган. Асарда Даврон аканинг ҳалокатини кўрсатиш орқали уруш фожиасини, одамлар тақдирида қолдирган машъум изларини алоҳида таъкидлаш нияти ҳам ётади. Шу тарзда адиб она-Ватан учун жонини фидо этган мард кишилар руҳига бадий ёдгорлик ўрнатган.

Шундай ғоя Иброҳим Раҳимнинг «Мангулик кўшиғи» қиссасида ҳам кузатилади. Ёзувчи асосан воқеалар, тарихий ҳужжатларни, фактларни ўз ҳолича сақлашга интилгани ҳолда кўпроқ пейзаж тасвирида, диалогларда, қаҳрамонлар номини тайин этишда маълум тасвирий эркинликка, ижодий ҳаёлга ўрин ажратган. Иброҳим Раҳим уруш мавзuida яратган дастлабки ҳужжатли асарларида жанг манзараларини воқеанавислик назари билан кўрсатса, «Мангулик кўшиғи»да уруш воқеалари, қаҳрамонлар характерини, унинг ички ва ташқи оламини атрофлича ёритиш устунлиги сезилади.

Назарматнинг «Сайёд жасорати» ва Адҳам Раҳматнинг «Тошкентлик чавандоз» каби иккинчи типдаги қиссаларида эса, шундай реал воқеа ва характерлар танлангани, уларни бўрттиришга эҳтиёж сезилмайди ҳам. Фактларни саралаш ҳужжатли асар устида ишлаётган адиб учун энг масъулиятли жараён дидир. Айрим қаламкашлар фақат фактларнинг ўзига, қаҳрамон таржимаи ҳолига ўралашиб-қолиб, тўпланган бой материаллардан чуқур бадий умумлашма чиқара олмайдилар. Назармат билан Адҳам Раҳматлар қатъий меъёрга амал қилиш туфайли китобхонлар эътиборига сазовор асар яратишга эришдилар, тасвирланган қаҳрамонлар Алимурод Ғойибов («Сайёд жасорати») ва Исмоил Салимовлар («Тошкентлик чавандоз») ҳозир ҳам ҳаёт бўлиб, социалистик қурилишимизнинг муҳим участкаларида хизмат қиладилар. Ана шу ҳолатнинг ўзиёқ тарихий ҳақиқат билан бадий тўқима мувозанатини белгилаш учун янги мезон очиб беради. Биз асар қаҳрамонлари билан ҳам, муаллиф билан ҳам бир неча марта суҳбат ўтказиш имкониятига эга бўлдик. Ҳар икки қаҳрамон ҳам китоб ҳаётий чиққанлигини эътироф этадилар. Бу асарларда ёзувчилар воқеаларнинг кечиш жараёни, тил ва диалоглардагина бадий тўқимага мурожаат қилганлар, ҳатто қаҳрамонлар ўз номи ва фамилиясида берилди.

Бу қиссалар таҳлилида шу нарса маълум бўладики, ёзувчиларимиз тўқима образлар билан бирга прототипли образлар ҳам яратиб, ҳарбий қиссачилигимиз уфқини яна ҳам кенгайтироқдалар. Оқибатда ҳарбий қиссачиликда услубий бойлик, жанр ранг-баранглиги, қаҳрамон бойлиги юзага келмоқда. Бу ҳол социалистик реализм адабиётининг имконияти кенглиги ва афзаллигини яна бир бор тасдиқлашга хизмат этади.

Мазкур қиссалардаги Даврон Ғозиев, Ҳамдамов, Комилов, Алимурод Ғойибов, Исмоил Салимов каби қаҳрамонлар характери тўла шаклланган инсонлар тарзида акс эттирилганлиги туфайли ҳам улар ортиқча бадий тўқимага эҳтиёж сезмайдилар. Юқорида айтганимиздек, бадий тўқима шароит ва воқеалар тасвирида кўпроқ кўзга ташланса-да, улар бир-бирларини такрорламайди, аксинча, бири иккинчисини мантиқан давом эттириб, яхлит ҳолда уруш даври эпопеясини юзага келтиради.

«И злайман» ва «Мангулик кўшиғи» қиссаларида ҳаёт ҳақиқатлари маҳорат билан тасвирлангани ҳолда баъзан такрорий ўринлар, зерикарли хат эпизодлари, қисман бўлса-да, баёничилик кўзга ташланади.

«Сайёд жасорати» ва «Тошкентлик чавандоз»да эса бадий ҳақиқатга кўтарилишда баъзан маҳорат етишмаганлиги ҳам сезилиб туради.

Ўзбек совет ҳарбий романлари ҳам ўз материали, қамраб олган даврига кўра урушнинг дастлабки босқичи ёки бурилиш нуқтасини, баъзан эса, бутун уруш манзараларини тасвирлайди, Шу асосда ўзбек халқининг Улуғ Ватан урушидаги иштироки ва ғалабага қўшган ҳиссаси бадий гавдалантирилади. Айрим романларда эса, фронт орқасидаги меҳнат қаҳрамонлигини улуғлаш орқали совет кишиларининг матонати ҳамда халқлар ўртасидаги дўстлик буюк ғалаба омили сифатида талқин этилади. Учинчи типдаги романларда ҳарбий кечмиш урушдан кейинги тинч қурилиш даврини бир-бирига боғловчи, аниқроғи ривожланган

социализм босқичидаги катта синов йиллари сифатида тасвирланади. Бу ҳол мазкур асарларнинг услубий бойлиги, жанр ранг-баранглигини ҳам таъминлайди. Жумладан, Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романида лирик оҳанг билан фалсафийлик устунлик қилса ва бу ҳол асар услубини тайин этса, Шухратнинг «Шинелли йиллар», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат» ва «Фидойилар» ҳамда Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» каби романларида оғир, вазмин эпик тасвир етакчилиги қилади. Вали Ғафуровнинг «Вафодор»ида бўлса, авторнинг «мен»и асарга лирик ургу бериб туради. Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса», Худойберди Тўхтабоевнинг «Беш болали йигитча», Ҳаким Назирнинг «Лочин қанотлари» каби романларида кўтаринки руҳ, романтик услуб бўртиб туради. Ҳарбий романларнинг ҳаммасида маълум даражада публицистик жүшқинлик мавжуд. Бунинг сабаби Улуғ Ватан уруши даври воқелигининг ниҳоятда долзарб, сиёсий ўткир аҳамиятга эга эканлигида ва воқеалар ривожининг тезкорлигида эди.

Ҳарбий романларга хос жанр ва услуб соҳасидаги бундай ранг-баранглик қаҳрамон характери эволюцияси билан чамбарчас боғланган ҳолда юзага чиқади.

«Қуёш қораймас»даги «деҳқонбоп бола» Бектемирнинг сержантликкача ўсиши, «Чин муҳаббат»даги оддий пахтакор Нормат Жабборовнинг етуқ жангчига айланиш жараёни, «Вафодор»даги ўқитувчи Рустам Шокировнинг улкан жасорати, «Шинелли йиллар»даги оддий аскарликдан майор даражасигача кўтарилган Элмуроднинг характери ривожини ёки «Ҳазрати инсон»даги оддий темирчи характери эволюцияси тасвири фикримизнинг далилидир. Қисқаси, ўзбек ҳарбий романларининг барчаси оддий меҳнаткаш халқ ватанпарварлигини, меҳнат ва жанг майдонидаги қаҳрамонона фаолиятини, характериға хос муҳим инсоний фазилатларни умумлаштиришга имкон беради. Чунончи, романчилигимиз кўпроқ тайёр қаҳрамонлар яратишдан кўра, оддийликдан қаҳрамон даражасигача кўтарилган кишилар характери ривожини кўрсатишни табиий ва тарихий жиҳатдан мақсадга мувофиқ деб биладилар. Чиндан ҳам ҳаёт шу йўлнинг тўғрилигини, ҳақиқат эканлигини тасдиқлайди. Бу ҳарбий романлардаги реализмнинг чуқурлашувини ҳам кўрсатади.

Мазкур асарларга хос яна бир хусусият: «Совет кишилари ўзидан бир неча баробар кучли душман устидан қандай қилиб ғалаба қозона олди?» деган саволга тўғри ва ҳаққоний жавоб беришда ҳам кўзга ташланади. Бу масала Б. Горбатов, В. Гроссман, В. Василевскаядан тортиб, А. Фадеев, М. Шолохов, К. Федин, К. Симонов, Л. Леонов, Ю. Бондарев каби рус ёзувчиларининг ҳамда Ойбек, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Шухрат, Одил Ёқубов, Ҳаким Назир, Худойберди Тўхтабоев сингари ўзбек адибларининг романларида етарли даражада тасдиқ этилган.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, ҳарбий романлар ўзаро услуб, проблема ва жанр нуқтаи назаридан ҳам фарқланади. Масалан, Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат» романида оддий деҳқон йигити Нормат характери уч босқичда динамик тарзда намоён бўлади.

Романда ёзувчи баёни билан қаҳрамондаги лирик кечинма ўзаро уйғунлашиб, асар услубига хос оҳангдорлик юзага келади. Лирик кечинмалар тасвири қаҳрамонни ҳаётга, курашга, мардликка чорловчи публицистик руҳ билан ҳамоҳанг бўлиб кетади. Натижада романда ана шу услубларнинг бирлиги, синтезлашуви туғилади. Бу, айниқса, асардаги Черницовнинг ҳар бир сўзида, Тургенев ҳамда Эргаш нутқларида яққолроқ кузатилади.

Бундай услубий ўзига хослик ёзувчининг «Фидойилар» романида ҳам кўзга ташланади. Асарда ўзбек аёлининг жанг майдонидаги қаҳрамонликларини кўрсатиш, уларнинг буюк ғалабадаги ролини умумлаштиришга интилиш кучли. Лекин ёзувчи бу асарларида роман жанри имкониятларидан етарли фойдалана олмаган. Жумладан, баъзи образларнинг схематик чиққанлиги, сюжет линиясидаги изчилликнинг етишмаслиги романга хос мураккабликни анча сусайтирган. Худди шундай ҳол Вали Ғафуровнинг «Вафодор» романида ҳам тақдорланади. Бу асар ҳам «Чин муҳаббат»даги каби урушнинг дастлабки босқичини, фронт ва фронт орқасидаги меҳнат жасоратларини тасвирлайди. Шунга кўра улар ўртасида маълум ўхшашликлар борлиги сезилади. Бу, асосан, Адолат ва Муҳаббат образларида кўзга ташланади. Адолатга қараганда Муҳаббат тақдири ечимини анча ҳаётини чиққан. Қисқаси, «Вафодор»даги Миробид образи «Чин муҳаббат» романидаги Бозоров образининг такроридек туюлади. Баъзан ёзувчида бўрттириб тасвирлаш, фантазия етишмайди. Ҳаётини ҳақиқатлар айрим ўринларда санъат ҳақиқатига айлана олмай қолади. Романнинг қайта ишланиб, тўлдирилган нашрида бу хил камчиликлар тузатилгани сезилади.

Ўзбек ҳарбий романлари орасида «Қуёш қораймас» ва «Шинелли йиллар» алоҳида эътиборга лойиқдир. Улардаги Элмурод, Бектемир, Рустам, Нормат, Адолат каби ўнлаб қаҳрамонлар образи динамикаси орқали ёзувчи ғояси

мукаммал очилади. Бу ғоя уруш ва инсон, тинчлик ва келажак проблемаларини бадий таъсирчан манзара ва лавҳаларда умумлаштиришдан иборатдир. Ҳар бир ёзувчи бу ниятни ўз услуби, ўз ҳаёт тажрибаси ва танлаган материалнинг характерига кўра ранг-баранг кўринишда бадий умумлашма даражасига кўтаришга ҳаракат қилган.

Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романидаги чуқур фалсафий фикрлар асар услуби ва жанрини белгилашга ёрдамлашади. Ёзувчи мамлакатимизни бир бутун совет дарахти деб билса, шу совет дарахтининг туб илдизини рус халқи деб ҳисоблайди. Ўзбекистонни эса ана шу совет дарахтининг катта, кўркам, сермева бутоғи сифатида тасвирлайди. Бу рамзий ифодада совет халқининг бир тан, бир жон бўлиб кураш олиб бораётгани чуқур фалсафий теранликда ихчам акс этган.

Умуман, сиқик, ихчам жумлаларда тарихий кечмишни кенг ва чуқур бадий кўрсата билиш кўпчилик ҳарбий романларга хос бўлиб, улардаги эпик кўламини таъминлайди.

Ойбекнинг романи «Қуёш қораймас» деб аталади. Бу ерда гап сайёра, осмон жисми ҳақида эмас, балки социализм қуёшининг сўнмаслиги, абадийлиги ҳақидадир. Асарда темирдан ҳам мустаҳкам халқлар дўстлиги ва бирлиги, уларнинг қудратли кучи Бектемир исмига боғлиқ ҳолда рамзий-фалсафий тарзда умумлаштирилади.

Ёзувчининг ҳар бир нутқи, ҳар бир тасвирида келажакка ишонч руҳи балқиб туради ва бу улғувор оптимизм романда юксак гуманизм даражасига кўтарилади.

Эпик тасвир «Шинелли йиллар» романида ҳам ўзига хос тарзда намойён бўлади. Асарда уруш даврига хос типик воқеалар, материалларни акс эттириш учун ёзувчи осойишта, вазмин йўлдан боради. Олинган давр ва материал ҳажмининг ўзи асарга кенг эпик мазмун бағишлайди.

Умуман, тарих яратувчи, тарих ижодкори бўлган халқ ҳарбий романларнинг ҳам асосий қаҳрамонларидир. Бу асарларда ана шу халқ оммасининг бутун бир галереяси гавдаланади. Қаҳрамонлар адолатли кураш олиб бораётганликларини чуқур англайдилар. Етти яшар боладан етмиш яшар чол-кампиргача бу курашга онгли равишда иштирок этади. Буларнинг ҳаммаси ҳарбий прозага хос эпик кўламини белгилайди.

Одамгарчилик — инсонпарварлик ғоясининг чуқур ифодаланиши ҳарбий романларнинг яна бир ижобий хусусиятини ташкил этади. Ана шу инсонпарварлик буржуа адабиётига нисбатан совет адабиётининг буюк устунликка эга эканлигини намойиш қилади.

Фронт орқасининг мустаҳкамлиги Улуғ Ғалабага гаров бўлганлиги ғояси «Уфқ», «Ҳазрати инсон» каби романларда чуқур ғоявийлик ва маҳорат билан ифода этилади.

«Давр менинг тақдиримда», «Эр бошига иш тушса», «Тошкентликлар», «Ҳазрати инсон», «Лочин қанотлари», «Беш болали йигитча» каби романларда ҳам материал янгиллиги, тасвирий эпизодларнинг жонли ва ҳаётий чиққанлиги, қаҳрамонларнинг жозибадорлиги диққатга сазовор фазилатлардир.

Ўзбек ҳарбий романлари жадал ривожланиш йўлидан бориб, жанрий янгилликлар ва услубга хос ранг-баранглик олиб кираётир. Ўзбек совет адабиёти тараққиётининг ҳозирги босқичида ҳарбий адабиёт, хусусан, ҳарбий прозанинг ўрни ва роли тобора сезиларли ва салмоқли бўлиб бормоқда. Бинобарин, бу проза жанр, услуб, қаҳрамон ва конфликт соҳасида ўзига хос изланишлар сари бориб, умум адабиётимиз камолотига, социалистик реализм методининг ўзига хос янги-янги имкониятларини очишга хизмат этмоқда. Энг муҳими, уларда икки муҳим ғоявий мақсад илгари суриляётир. Буларнинг биринчиси, урушларга қарши туриб, тинчлик учун кураш ғояси бўлса, иккинчиси, ўтмишни билиш орқали ҳозирги фаровон ҳаёт қадрига етиш ва мустаҳкам келажакни яратишга даъваткорликдир. Шу асосда оталар жасорати анъаналарига садоқат уйғотиш орқали ватанпарварлик ҳис-туйғуларини камол топтириш мақсади етакчилик қилади. Бу, ўз навбатида, ҳарбий проза асарларининг таълим-тарбиявий, сиёсий-ижтимоий, бадий-эстетик қимматини тушуниш имконини беради ҳамда ҳарбий мавзуда ёзадиган ижодкорлар олдига яна ҳам пухта, янада баркамол полотнолар яратиш вазифасини қўяди.

БАДИЙ ТИЛ МУАММОЛАРИ ЗАРГАРЛИКМИ ЕКИ КОСИБЛИК?

Носир Фозилов

ТИЛГА ЭЪТИБОР — ЭЛГА ЭЪТИБОР

Ёзувчи бамисоли асаларига ўхшайди. Асалари учиб-кўниб, заҳмат чекиб турли-туман гуллардан, доривор гиёҳлардан нектар тўплаб, уни одамларга асал қилиб ҳадея этади. Ёзувчи эса олам кўриб, одам кўриб, улар билан муомалада бўлиб, ўзи яшаб турган замон ва заминнинг сиру асрорини одамлар билан баб-баробар ҳис этиб, унинг нозу неъматларини татиб кўриб, топган гапини ижодий лабораториясида қайта сайқаллаб, яна одамларнинг ўзига улашади.

Ёзувчи учун жумла грамматика дарсликлариде таъриф қилингандай: «Эгаси, кесими ва иккинчи даражали бўлаклари» ўз ўрнида бўлган жумлалар, тил эса одамларнинг бир-бирлари билан муомала қиладиган восита қуроли эмас. Ёзувчининг гапи бошқача, яъни, ёзувчининг гапида характер, ўй, фикр, истеҳзо, ўхшатиш, жонлантириш ва ҳатто, керак бўлса, ўйлатиб қўйиш қобилияти ҳам бўлади. Шундай бўлгандагина биз уни бадий тил деймиз.

Баъзан топиб айтилган биттагина сўз бутун бир асарни безаб туради. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг «Тўйда аза» деган ҳикоясини эсланг. Ундаги мешчанка аёл бошига қизил беретка кийиб юради. Ёзувчи уни хўрозқандга ўхшатади. Шунинг учун бўлса ажаб эмас, ўқувчилар орасида у ҳикоянинг номи «Хўрозқанд» бўлиб кетди. Еки Саид Аҳмадининг «Ханка ва Танка» деган ҳикоясида Ханка лабини қизил помада билан бўяб юради. Уни ёзувчи қизил помидор тишлаб юрганга ўхшатади. Қаранг, шу биргина ўрнида ишлатилган сўз, ибора ҳикоянинг бадий қимматини яна ҳам кўтариб юборган. Кейинги пайтларда анжуманларда, радио ҳамда телевидениеда ўринлатиб шеър ёки монолог ўқиган дикторларимизни тўғридан-тўғри «бадий сўз устаси Қодир Махсумов», «...Муҳсин Ҳамидов» деб сўз берадиган бўлдик. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг: қотириб ёзган сўз устасими ё уни ўқиганми? Уқиладиган асарларни яратган ёзувчилар. Ёзувчининг асарини қотириб ўқиш бошқа гап. Уни бадий ўқиш устаси, деса бўлади, аммо бадий сўз устаси эмас.

Тилга эътибор, элга эътибор, деган гап бекорга айтилган эмас. Баъзи ёзувчиларимиз мавзу топилса бас, бўёғини ўриб ёзаверса бўлади, энг муҳими, қоғозга тушгани қолади, бўёғини редакциянинг ўзида тўғрилашади, деб тушунишади. Тўғри, мавзу бош масала, аммо асарнинг бадий хусусиятлари ҳамиша муҳим, ҳамиша замонавий масала бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Модомики, гап танқидчиларга келиб тақалган экан, уларнинг тили ҳақида ҳам икки оғиз гап айтишни лозим деб биламан. Танқидчиларнинг шу бугунги тили мақтанарли даражада эмас. Буни рўй-рост айтиш керак. Баъзилар мақолаларини, тақризларини шунақа қуруқ, шунақа жўн тилда ёзадиларки, ё қийналиб ўқийсан, ё мутлақо ўқигинг келмайди. У ишлатган сўзларнинг баъзиларини ўқувчи тушунади, баъзиларини тушунмай луғат қидириб қолади. Танқидчиларимиз сўнги пайтларда «кашфиёт» деган сўзни кўп ишлатадиган бўлиб қолишди.

Бу сўзнинг вазифаси, назаримда, ҳозирги ишлатилаётган даражадан бирмунча юксакроқ бўлса керак. Фан ва техникадаги фавқуллодда топилган замон янгиликларига, асримиз яратган улкан, халқ хўжалигимиз учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган нодир ва ноёб янгиликларга нисбатан «кашфиёт» сўзини ишлатсак ярашади. Энди ўша сўзни пастга олиб тушиб, битта ўхшатиш ёки битта шакл топган адибга кашфиёт қилдингиз, деб ўтирсак, унда бу сўзнинг қадри тушиб кетмайдими?

Бир кун радиони эшитиб ўтирсам, дўстим А. Мулламухамедовнинг очеркини бериб қолди. Бу очеркда туячиликни ривожлантириш, Ўзбекистонда туя чорвасининг истиқболи ҳақида гап борарди. Кўриб турибсизки, бу мавзу ниҳоятда шу кунимиз учун зарур ва актуал масала. Қулоқ солиб ўтирсам, бир жойда «туянинг айрони» деган сўзни ишлатиб юборди. Буни қаранг-а, туянинг «айрони» эмиш. Туянинг сути бўлади, сутини ачитиб қимрон (чубот) қилишади. Чорва моллари маҳсулотларига халқнинг ўзи қўйган атамалари мавжуд: сигирнинг сутидан қатик, айрон, пишлоқ қилинади; биянинг сутидан қимиз; туянинг сутидан қимрон. Наҳотки ўртоғимиз шуни билмаса! Гоҳ матбуотда «ҳар бош она кўйдан...», «Она чўчка балчиқда маза қилиб лорсиллаб ётарди...» каби жумлаларни ўқиганинда ўзининг кўярга жой тополмай қолсан.

Дунёда «она»дан ҳам мўътабар зот борми? Шунақа экан, чорва молларининг ўз атамалари турган бўлсаю, нима учун унинг ёнига «она»ни ёнма-ён қўйиш керак? Ахир халқимиз баъзи журналистлар тап тортмай айтаётган «она кўйни» «совлиқ» дейишади-ку!

Шунингдек, чўчқанинг урғочиси «мегажин», отники «бия» ва ҳоказо. Борди-ю, чорва молларининг эркаларини ёзиш керак бўлиб қолса, нима қиламиз? «Ота қўй», «ота чўчқа» деймизми? Йўқ, уларнинг ҳам ўз атамалари бор: кўчқор, серка, така, айғир, нор дегандақа.

Гап чорвачилик ҳақида кетаётган экан, бир гап эсимга тушиб қолди: қайсиям бир йили кўлимга «Алифбе» китоби тушиб қолиб, варақласам, «Т» ҳарфи қисмида бир от ва бир тойнинг расмини чизиб, тагига: «Мана бу катта той, мана буниси кичкина той», деб тушунтирилибди болаларга. Буни қаранг, «катта той», «кичкина той» эмиш! Буни ўқиган бола қандай қилиб отларнинг турини билсин! Уларни қандай қилиб фарқлай олсин! Шу муносабат билан менда, янги «Алифбе»ни бир кўрай-чи, қани, янги наширда ҳам шу гап такрорланганмикан, деган қизиқиш туғилди. «Алифбе»ни топиб, варақласам, хайрият йўқ бўлиб чиқди. Аммо, китобнинг ўртароғига бориб, ёқамни ушлаб қолдим. Иккита сурат: бирида ариқ устидаги кўприқда иккита улоқ қарама-қарши келиб қолиб, ҳеч қайсиси бир-бирига йўл бўшатмай туришибди; иккинчи суратда эса, улар йўл талашишиб, сузишиб, сувга қулаб тушишади. Бу эртақ-суратни ҳамма билади. Энди ўша сурат тагига изоҳ бериб, «эчкилар» деб ёзишганига нима дейсиз? Ҳали саводи чиқмаган болага улоқни эчки деб таъриф қилсак, буни ўқиган болалар ҳам ўзимизга ўхшаб чаласавод бўлиб қолмайдими?

Устоз Алишер Навоий отларнинг ёш жиҳатдан етти турга бўлинишини ўзининг рисоаларидан бирида аниқ-таниқ қилиб айтиб кетганлар: қулуқ, той, ёбоғи, қунон, дўнан, бешлик ва ниҳоят от. Қорамолга нисбатан сигир, бузоқ, тана, ғунажин, қочар, буқа, ҳуқиқ. Чорва молларининг сифатлари ҳақида ҳам чалкашликлар жуда кўп. Масалан, баъзи ёзувчиларимиз отларни тасвир қилганларида оқ от, қора от, қизил от ва ҳоказо деб таърифлашади. Ваҳоланки, уларнинг халқда ўз атамалари бор: човқар, саман, тўриқ, жийрон, буврил... дегандақа.

Эътиборсизлигимиз натижасида баъзи чорвачилик билан боғлиқ нарсаларнинг атамалари ҳам аста-секин истеъмолдан чиқиб кетяпти. Масалан, эгар, тўқим, жазлик, айил, қўйишқон, юган, сувлик, нўхта, узанги, ўмровлик, кишан. Эки молларнинг тана қисмларини англатувчи ўмров, ёл, қаптал, сағри, тақим деган сўзлар-чи?

Ҳатто, қариндош-уруғчилик даражасини билдирувчи сўзларимизда ҳам чалкашликлар учрайди. Ҳозир холанинг ўғлини ҳам, тоғанинг, ҳатто амакиннинг ўғлини ҳам «жиян» деб атайдиган бўлишган. Бизнингча, холавачча, амакивачча, жиян, бўла, хола, тоға, амаки, почча каби сўзлар ўз ўрнида, тўғри ишлатилгани маъқул. Бизнинг Туркистонда «бўла» деган (холаваччани билдирувчи) сўз бор. Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романида шу сўзга кўзим тушиб қолиб, қувониб кетдим.

Ҳўш, нима учун уни ишлатмаймиз? Ахир, бу бизнинг бисотимиз-ку! Бу сўз йўқ, у сўз йўқ, деб титкилайверсак, «Ўзбек тилининг изоҳли луғатига ўхшаб ғариблашиб, камбағаллашиб қолмаймизми? Энаса, қовға, кегай, ридвор, канор, қанора, декча, омонч, бўйинтуруқ, гупчак, тоқи, ўмиз, зўғата, танава, букса, ҳаник, четан, мўки, жуволдиқ, сунар, қонжига, қаптал... Уҳ-ҳў, бунақа истеъмолдан чиқиш арафасида турган сўзлар жуда кўп! Оддий шамчироқ билан замонавий электргача, оддий урчиқдан то ҳозирги замонавий ип йигириш дастгоҳларигача, оддий бўз тўқиш дастгоҳидан то тўқимачилик комбинатигача, чайладан кошона уйларгача, икки гилдиракли кўқонаравадан то ҳозирги замон учқур машиналаригача, омондан ҳозирги полвон «К-700» тракторигача... Утган давр ичида ишлаб чиқаришга оид қанчадан-қанча сўзлар яратилди. Қани улар? Улар халқнинг тилида.

Уларни олиш керак, ўрнини топиб ишлатиш, ишлата билиш керак!

Дарвоқе, луғатлар масаласида гап кетган экан, А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтига ҳам баъзи бир истакларимизни айтиб ўтишни маъқул кўрамиз. Бошқаларни билмадим, менимча, тил билан шуғулланувчи олимларимиз жуда майдалашиб кетишганга ўхшайди. Масалан, битта олимдан: «Мана бу сўз қайси турга киради?» деб сўрасангиз, у: «Бу сўз феълга кирса керак, мен равишдош билан шуғулланаман», деб жавоб беради. Улар, назаримда, тилни нимта-нимта қилиб бўлиб олишганга ўхшайди; эга билан кесимни — биттаси, иккинчи даражали бўлакларни — биттаси, келишикларни — бошқа биттаси, ундов гап-у, сўроқ гапларни — бошқалари... Бунақада яхлит бир нима қилиб бўладими?

Хуллас, айтаверса гап кўп. Октябрь инқилобидан кейин тилимизнинг халқ жонли тили билан яқинлашгани адабиётимизнинг улкан ютуғи бўлди, деган эди устоз Абдулла Қаҳҳор. Шундай экан, ўша қўлга киритган ютуғимизни ғариблаштириб, жонли тилимиздан узоқлаштириб қўйсак, бу жиноят бўлмайди? Тилимизнинг софлиги ва бойлиги ҳақида жиддий гаплашадиган пайт етди. Уни конференция, ҳатто пленум даражасига кўтариб, зукко адилларимиз-у, шу соҳа мутахассисларининг, мутасадди ташкилот раҳбарларининг маърузаларини эшитиб, уларнинг бундан кейинги ишларимизга йўл-йўриқ бўладиган маслаҳатларини олсак, деган умиддамиз.

НУТҚИМИЗ КЎРКИ

Баъзи ёш ёзувчилар бадий асар тили устида ишлаш, уни халқ оғзаки нутқиغا яқинлаштиришни жонли тилга хос сўз, ибора ва бирикмаларни қаторлатиб ишлатишдан иборат, деб тушунадилар. Ҳолбуки, бунда ҳам

ёзувчида меъёр, маромни ҳис қилиш, уни нозик фаҳмлаш туйғуси бўлиши зарур. Оғзаки нутққа хос ҳамма сўз ёки бошқа тил воситаларини қабул қилвериб ва фарқига бормасдан уни кўплаб қўллаш бадий адабиётнинг

моҳиятига, унинг кўркамлигига жиддий путур етказиши, мазмунни сийқалаши ҳам мумкин. Бундан ташқари, офзак нутққа, оддий сўзлашувга хос белгиларнинг ҳаммаси ҳам нутқ безаги бўлавермайди. Масалан, ёш қаламкаш Набижон Боқиевнинг «Ёшлик» журналида (1983 йил 12-сон) эълон қилинган ҳикояларидан қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: «Изҳори дил» ҳикоясида саккизинчи мактуб автори Маъмур севгилсига қарата шундай сўзларни ёзади: «... қиларга биринчи марта хат ёзишим. Елғон гапираётган бўлсам, ҳаром ўлай!..» Ҳикоя автори эътироз билдириб, бу хатни ёзган Маъмур — колхоз фермасида ишлайди, шундай бўлгач, унинг нутқида иш соҳасига оид сўз ва иборалар бўлиши табиий, дейиши, мумкин. Бироқ фермада ассимилятор бўлиб ишлайдиган Маъмур деҳқончилик илмидан яхшигина хабардор. «Деҳқончиликда бир ҳикмат бор: «Яхши ҳосил олиш учун сара уруғнинг ўзигина кифоя қилмайди, етилган замин ҳам даркор». «Тупрок семиз бўлса, уруғ бехато унади» қабилдаги доно ҳикматларни билади, адабий тилда гапиреди. Мана шундай одам севгилсига муҳаббат изҳор қила туриб, кўполдан кўпол «ҳаром ўлай» иборасини ишлатса, нутқ мароми бузилади. «Desperado» ҳикоясида боланинг энаси буvasи орқасидан қатор қарғишларни ёғдиради. Жумладан: «Дўзахга шалоп этиб тушмасанг, у дунё-ю бу дунё рози эмасман», «Шалоп этиб тушмоқ» ибораси жонли сўзлашувда аввало сувга, суюқликка тушганда чиқадиган товушни, ҳолатни билдиради. Қолаверса, бу ўхшатиш кекса аёллардан кўра кўпроқ болалар ва ёшлар нутқида хос. Бу ерда ҳикоя автори уни кампир тилидан, яна дўзахга (доим олов ёниб турадиган жойга) нисбатан нотўғри қўллаган ва бу кампир нутқида сезиларли камчилик бўлиб кўзга ташланади. «Изҳори дил» ҳикоясида учраган «Мамашка», «михдек» ҳам оддий сўзлашувга хос сўзлар бўлиб, уларни ҳикояда ҳусн бўларли даражада ўз жойида қўлланган, деб баҳолаш маҳол.

Персонажлар нутқини индивидуаллаштириш масаласига қараш бир хил эмас, шекилли. Айниқса, ёш қаламкашлар буни асар қаҳрамони тилини одатда нутқий нуқсон деб юритилувчи, икки гапнинг бирида такрорланувчи ортиқча сўзлар ёки шевага хос сўзларни ишлатиш каби жўн белгилардан иборат деб тушунадилар. Ҳолбуки, нутқини индивидуаллаштириш жиддий масала бўлиб, автор тасаввурдаги қаҳрамон китобхон кўз ўнгига ҳам шундай гавдаланиши учун қаҳрамоннинг нутқи унинг ёши, касб-кори, жинси, маълумоти, дунёқарashi, характериға хос белгилар — шу шахсга хос ҳамма хислатларни акс эттириб туриши лозим. Яхши бадий асарда ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос нутқи белгиланиб, асар охиригача шунга амал қилинади. Масалан, Фафур Фуломнинг прозаик асарларидаги қаҳрамонлар ҳам, «Қутлуғ қон» романидаги Йўлчи, Мирзақаримбой, Шожир ота, Ермат ва бошқа образлар, Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романидаги, айниқса, Нормурод ота ва Отақўзи образларининг ҳар бири ўз характериға мос, изчил ишланган, бир-биридан фарқланувчи нутққа эга. Айниқса, драматик асарда персонажлар нутқи устида ишлаш мураккаб масала, чунки унда воқеаларнинг, характерларнинг ўзига хос томонлари тафсилоти билан берилмайди, ҳар бир характер, аввало, сахнадаги нутқи ва ҳаракати билан ажралиб туради. Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» коме-

диясининг муваффақият қозонишидаги муҳим сабаблардан бири ундаги қайнона Фармонбуви, етти ўғил ва етти келиннинг ҳар бири ўз нутқиға эғалиги ва улар комедиянинг бошидан охиригача изчил ишланганидир. Ўғиллардан Ўринбой ва Маъмурнинг ичкиликка мойиллиги-ю, Комилнинг олий ўқув юрти ўқитувчиси эканлиги, Маҳкамнинг бухгалтерлиги-ю, Ҳакимнинг врачлиги уларнинг ўзига хос нутқларида кўриниб туради. Ўғилларға нисбатан келинларнинг нутқи, айниқса, пишиқ ишланган.

Хуллас, тилимиз бой, энг нозик, энг теран ҳис-туйғуларнинг ифодаси учун ҳам ундан керакли воситаларни топиш мумкин. Бироқ тил бойлиги айна пайтда уни асраб-авайлашни, беҳуда асроф қилмасликни тақозо қилади. Нутқимиз кўрки бўлмиш сермаъно, сержило сўз ва ибораларни ҳуда-беҳуда такрорлайвериш уларнинг қолиғға айланишиға, таъсирчанлиги сўнишиға ҳам олиб келиши мумкин. Бадий асар тили, айниқса, автор нутқининг ўз навбатида адабий тил нормаларига, тилнинг ўзига хос қонун-қоидаларига риоя қилиши китобхонни саводхонликка, нутқ маданиятиға ўргатишда салмоқли омил ролини ўтайди. Афсуски, бадий асар тилида янгилик яратишга уриниб ёки эътиборсизлик оқибатида унинг ички қонуниятларини озми-кўпми бузиш, баъзан эса сўзнинг тўғри ёзилишиға амал қилмаслик ҳоллари учраб турибди. Мана бу мисолларни қараб кўрайлик:

«Регистондаги тошфарч майдонда бир амаки икки айниқни турфа нағмаларға солиб ўйнатарди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1983 йил, 2 декабрь). Бу мисолдаги «тошфарч» сўзини кўпчилик тушуниши қийин. «Изоҳчи луғат»да «фарш қилмоқ» бирикмаси шундай тушунтилади: — эски китобий сўз; ҳовли, йўлка ва шу кабиға тош ётқизмоқ. Демак, юқоридаги мисолда «Регистондаги фаршланган майдонда...» дейиш тўғрироқ бўларди.

«Ғалла» сўзи бошоқли экинларнинг териб олинган ҳосили, дон маъносини билдиради. Шунинг учун «ғалла» сўзига — зор аффиксини кўшиб, ундан «ғаллазор» сўзини яшаш нотўғри бўлади. Ғалла экинлари экиладиган майдонлар буғдойзор, буғдойпоя, арпапоя каби сўзлар билан аталади.

Шунингдек, кейинги пайтда учраётган таниш-билишчи, шеърпараст, каттайтириш (тўғриси катталаштириш) тархашовлик (тўғриси тархашлик), турмушавий (тўғриси турмушга хос) қишлоқдош, маҳалладош каби сўзлар ҳам ўқувчининг ғашига тегиб, айна пайтда ажаблантиради.

Қаҳрамонларнинг нутқий характеристикасини белгилашда ортиқча деталлар, тасвирий воситаларнинг кўпайиб кетиши ҳам бадийликни оширишға эмас, сусайтиришға, сўзлардаги таъсирчанликнинг пасайишиға олиб келади. Масалан, ёш ёзувчи Аббос Саидовнинг «Менинг опоқдадагинам» номли ҳикоясида («Ёшлик» журнали, 1983 йил, 8-сон) лақабларнинг бутун бир галереясини кузатиш мумкин: Вали пўкон, Камол баққол, Мирсаид оқсоқол, Ямин устакваой, Анвар боксчи, Ямин мелиса, Исмоил охун, Ашир гулчи, Шорасул карвон, Ғани қийишқи, Қобил тароқчи, Шоюсуф муаллим, Маҳкам гаранг. Уртача ҳажмдаги бир ҳикоя учун шунча номлар кўплик қилиши аён. Лақабларға бундай меъёрдан ортиқча мойиллик бошқа ёш ёзувчиларда ҳам учрайди.

Мана бу парчани ҳам кўздан кечирайлик:
— «Тавба қилдим, де, шапшак! Бўлмаса,
сенга ким зўрлигини кўрсатиб қўяман!

— Тавба қилдим. Сиззи зўрлигингизни
ўзим ҳам биламан.

— Бурнингни арт!.. Рўмолчанг қани? Битта
гапни неча марта қайтиришим керак сен
пандавақига!

— Рўмолчамни йўқотиб қўйдим.

— Йўқотиб қўйдим» эмиш... Қиз бола
бўлганинда Ҳидоятп сениям аллақачон бў-
ғиб ўлдирган бўларди... Бери ке, манқа!
(Н. Боқиев, «Бувам билан сўхбат», «Ешлик»
журнали, 1983 йил, 12-сон).

Кўрамизки, ёзувчи жонли сўзлашув нутқи-
га хос шапшак, пандовақи, манқа каби сўзлар;
сиззи, неччи, Ҳидоятп, ке, сениям каби сўз
формалари, «Ким зўрлигини кўрсатиб қўя-
ман», «Битта гапни неча марта қайтаришим
керак?» каби тайёр жумлалар билан керагидан
ортиқ «безагани» учун асар тили бачкана-
лашиб кетган.

Тил устида ишлаш борасида ҳам айрим ёш
ижодкорларда тажриба камлиги сезилади. Бу
айрим диалогларнинг ўта яланғоч берилишида
ҳам, шева сўзларини масъулиятсиз қўллашда
ҳам, баъзан сўзларни тўғри танламасликда ҳам
кўринади. Масалан, Нормурод Норқобилов-
нинг «Рўмолча» (Ешлик), 1983 йил 2-сон)
ҳикоясида болакай онасида рўмолча тикиб
беришни сўрайди. «Шу пайт бешикдаги
чақалоқ инга-ингалаб (нега йиғлаб эмас? —
М. А.) қолди. У бешик билан бирпас андармон
бўлиб, чақалоқни тинчлантириб, яна ўғлига
қайрилди. Болакай ҳамон қаққайиб турар,
кўзларида умид, нимадир кутмоқда эди». Шодмонбек
Отабоевнинг журналнинг шу сониде босилган
«Бахтли кун» ҳикоясида эса тракторчи Нормамат
бош инженер билан айтишиб қолади.

«Нормамат сесканиб кетди, энди чекиниб
бўлмаслигини сезди.

— Айтинг ўша одамни, ҳозироқ обориб
топшираман! — деди у бўшашибгина. Кўнгли-
да, балки инженер шунчаки пўписа қила-
ётгандир, деган ожиз бир илинж бор эди».

Биринчи мисолда «умид» сўзи ўрнига
«илинж», иккинчисида эса «илинж» ўрнига
«умид» сўзи қўллангани маъқулроқ бўларди.
Шунингдек, қаҳрамон кайфиятига «ожиз»
сўзидан кўра «заиф» сўзи кўпроқ мос келади.
Яна шу ҳикояда «Нормамат бадани жимирла-

шиб, ичидан зил кетди, хаёлини йиғштириб
улгурмасдан бўғиқ, шанғи товушни эшитди»
дейилади. Товуш бир пайтнинг ўзида ҳам
бўғиқ, ҳам шанғи бўлиши қийин. Шу ҳикоядаги
дахмаза, ғингшимоқ сўзлари ҳам ўз ўрнида
қўлланмаган.

Н. Норқобиловнинг «Зангори кўл» ҳикояси-
дан олинган мана бу мисолда «бурканмоқ»
феъли нотўғри қўлланган: «Холмурод ўзига
келди. Ҳамма ёғи бўз тупроққа бурканиб,
чалқанча ётарди». Еки мана бу гапларни
олайлик: «Болакай каловлана-каловлана(?)
ортига бурилди. Кафтини юзига босди, бар-
моқларига қон юқди. Шу аснода турганида (бу
сўз ортиқча — М. А.) бўйни аралаш елкасига
нимадир тарс этиб тушди».


Ҳар икки ёзувчининг ҳикояларида қаҳра-
монлар руҳий ҳолатини батафсил тасвирлаш
воситаси сифатида уларнинг бурун қоқиши
ёки тортиши каби зарур бўлмаган детал
тилга олинади: Кампир четга ўгирилиб,
бурнини қоқди, артинди, қўлларини ишқаб
(бола эмас-ку — М. А.) оғир хўрсинди («Бахт-
ли кун»). ...Холмурод... бурнини шилқ торти-
ди-да, бошини ғоз тутиб, бўралиб сўкина
бошлади («Зангори кўл»). «Ҳа, ушша келди, —
деди Элдор бурнини шилқ тортиб.» («Рў-
молча»).

Асардаги сўзлар қаҳрамонларнинг ёшига,
хатти-ҳаракатига мувофиқ тарзда олинishi
ҳам сўз устида ишлашнинг таркибий қисмла-
ридан ҳисобланади. Мутаносибликнинг бузи-
лиши нутқ маромини издан чиқаради, айтил-
моқчи бўлган фикрга сохталиқ тусини беради.
Масалан: «Болакай қизчага мағрур бир нигоҳ
ташлаб, дарвоза томон юрди» («Рўмолча»).
Бола ва қиз, сўзлардаги -ча ва-кай қўшимчала-
рига қараганда, ҳали жуда ёш. Шундай экан,
уларга нисбатан «мағрур бир нигоҳ ташлаб»
сўзлари тўғри келармикан?

Бадий асар тили грамматик жиҳатдан ҳам
ниҳоятда пишиқ ишланган бўлса, ундан олина-
диган завқ янада мустақкамланади. Афсуски,
гап қурилишига, келишиқ қўшимчаларини
қўллашга хос баъзан учраб турадиган эъти-
борсизликлар ўқувчининг ғашига тегади. Бу
борада ҳатто кўзга кўринган адибларимиз
ижодида ҳам айрим мисоллар топилади.

Хуллас, бадий асар ёзишининг ўзи машаққат
бўлса, унинг тили устида ишлаш шу заҳматли
меҳнатнинг мураккаб, диққатталаб томонла-
ридан биридир.

Оташин мисралар



Маълумки, Аваз адабиётимиз тарихидаги сермаҳсул ижодкорлар сирасига киради. Улкан туғма истеъдод соҳиби бўлган шоир жуда эрта қўлига қалам олди, бутун онгли ҳаётини шеърятга бағишлади. У 24 ёшидаёқ икки мукамал девон тузишга улгурган эди. Шоир ўз қобилиятини табиий ғурур билан қайд этар экан, ғазалларининг бирида ижодда юксак камолот ва жиддий суръатга эриша олганлигига қуйидагича ишора қилади:

**Аваз, ҳафтада, тонг йўқ, этсанг китоб,
Етибдур бу фанда камолинг сенинг!**

Албатта, бунда фахрия услубига хос муболаға ҳам бор. Аммо шу ҳақиқатки, шоир қисқа умр кўрганига қарамай (у 35 ёшида вафот этган), шеърятимизнинг деярли барча жанрларида яратилган жуда катта адабий мерос қолдирди.

Бу меросдан айрим намуналар илк бор 1951 йилда Аҳмад Бобожон томонидан нашр этилган эди. 1956 ва 1976 йилларда эса жиддий тўлдирилган ва тузатилган ҳолда «Танланган асарлар» ва «Девон» шаклларида ўқувчиларга етказилди. Биз сўз юритаётган сўнгги нашр ана шу тажрибалар асосида амалга оширилган бўлиб, ўзининг мукамаллиги билан ажралиб туради. Кекса олим Юнус Юсупов ва филология фанлари кандидати Ваҳоб Раҳмоновлар

томонидан тайёрланган «Сайланма» Авазнинг турли шеърӣ шаклларда ёзган 600 га яқин асарини ўз ичига олади.

Китоб «Оташин мисралар» бўлими билан очилади. Бу ном унда жамланган шеърларнинг мазмуни ва ғоясига, руҳи ва оҳангига тўла мувофиқ келади: ундан Авазнинг 1915—1916 йиллардан кейин яратган ижтимоий-сиёсий лирикаси, шунингдек, ҳажвий руҳдаги асарлари ўрин олган. Таъкидлаш лозимки, Марказий Россия ва унинг таъсирида бутун Туркистондаги инқилобий ҳаракатлар, ўлкада социал-демократик ва марксча-ленинча ғояларнинг кенг қулоч ота бориши ва ниҳоят, Улуғ Октябръ социалистик революциясининг ғалабаси Хива хонлигида ҳам феодал тузумга, зулм ва адолатсизликка, қолоқлик ва тенгсизликка қарши меҳнаткаш омма курашини кучайтириб юборди. Ҳаётдаги ана шу жиддий ижтимоий воқеалар Аваз асарларининг мазмуни ва ғоявий йўналишини, етакчи мотивлари ва пафосини белгилаб берди. «Сайланма»га киритилган «Халқ», «Уламоларга хитоб», «Сипоҳийларга хитоб», «Топар эркан қачон?», «Тил», «Хуррият» каби асарлар худди шу йиллар меваси бўлиб, Аваз ижодининг ўзил-кесил демократик моҳият касб этганлигидан, тўла халқчил ғоявий асосларидан дарақ беради. Ўз даврининг энг ўткир масалаларини қаламга олган шоир фақат «ватанпарвар фидойи фирқалар»гина меҳнаткаш оммани ҳақиқий озодликка олиб чиқиши мумкинлигини таъкидлайди, «золимларнинг ўз қилмишларига масъул бўлиб, уйғонган аҳли замон олдида жавоб беражаклари» тўғрисида сўз юритади. Шуниси муҳимки, Аваз ижтимоий-сиёсий лирикасида бахтли келажакка қатъий ишонч билдирди, яқинлашиб келаётган инқилобни аниқ ҳис этди, «хону ҳаромизодларнинг йўқ бўлишлари» шубҳасиз эканлигини, «булут остида офтобнинг қолмаслигини», озодлик қуёши порлаши муқаррарлигини баралла айта олди.

«Оташин мисралар» бўлимидаги асарлар китобхонга Аваз ижодидидаги кучли антиклерикал йўналишни ҳам, халқлар дўстлиги, маърифатпарварлик мотивларини ҳам бирма-бир кузатиш имконини беради. Шу ўринда баъзи танқидий мулоҳазаларни айтмоқчимиз. Тузувчилар шоир қиъталарини нима учундир ижтимоий-сиёсий лирикадан ажратиб қўядилар. Ваҳоланки, шоир қиъталари, биринчи галда, «Фалонийлар» туркуми ўз мазмуни ва ғоявий йўналишига, ижтимоийлиги ва жанговарлигига кўра «Оташин мисралар» қисмига киритилиши керак эди.

Нашрда шоирнинг «Халқ радифли машҳур шеърдан чуқур ижтимоий мазмунни ифодаловчи:

Кўзларинг оҳиста-оҳиста агар очса

замон

Эй Аваз, бўлмас мунингдек борҳо аввора халқ —

байтининг тушириб қолдирилиши ачинарли-

дир. Худди шу шеърнинг 6-байтидаги «қолдук эдук не қора халқ» ибораси «қолдук эдук не қора халқ» шаклида хато ёзилган.

Яна бир муҳим масала: «Сайланма»га киритилган (аммо бирор манба кўрсатилмаган) шеърларининг бирида: «Қабиҳ онларда эркини куйладим, дўстлар, биродарлар!» деган жуда кучли мисра бор. Афсуски, бу мисра шу нашрнинг ўзига сўзбоши ўрнида ёзилган мақолада: «Қабиҳ онларда эркин куйладим, дўстлар, биродарлар!» шаклида батамом бузиб кўчирилган. Ҳар икки вариант ўртасида ижтимоий-сиёсий мазмун жиҳатидан ер билан осмонча фарқ борлиги ҳақида сўзлаш ортиқча. Буни оддий матбаа хатоси дейиш қийин. Гап шундаки, бошқа баъзи тадқиқотларда ҳам узоқ йиллар давомида бундай чалкашликка йўл қўйилиб келинмоқда. Масалан, олий ўқув yurtлари талабалари учун ёзилган «Ўзбек адабиёти тарихи» (3-китоб)нинг ҳар иккала нашрида ҳам «Қабиҳ онларда эркин куйладим» тарзида хато ёзилиб талкин этилган. Бу каби фактлардан Аваз асарларининг илмий-танқидий матинини тузиш галдаги муҳим вазифалардан эканлиги равшанлашади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтишликки, улуғ А. С. Пушкиннинг озодлик, ҳурфикрлик мотивлари билан сўғорилган машҳур сатрларини эслатовчи юқоридagi мисрани ўз ичига олган шеър, шунингдек, «Фидоий халқим», «Зевар ҳам, Саодат ҳам», «Билинг ушбу замон ғамнокидурман» каби чуқур инқилобий мазмундаги ижтимоий-сиёсий шеърлар, гарчи узоқ йиллар давомида «Танланган асарлар» сирасида нашрдан-нашрларга кўчирилатган бўлса-да, шу кунга қадар уларнинг манбалари аниқ белгиланмаган. Илк бор Ю. Юсупов томонидан оммалаштирилган бу намуналар Аҳмад Бобожоннинг 50-йиллар бошларида яратилган «Ҳазал фожиаси» драмасида учрайди. Аммо булар чиндан ҳам Аваз қаламига мансуб бўлиб, драматург томонидан сахна асарларига киритилганми ёки Аҳмад Бобожон Аваз образини очиш мақсадида ёзганми — бу муҳим масала ҳанузгача ҳал этилмаган.

Аваз асарларининг, биринчи галда, ижтимоий-сиёсий лириканиннг илмий-танқидий текстини тузиш шунинг учун ҳам зарурки, эълон қилинаётган айрим мақолаларда ҳам бирор аниқ манба кўрсатмасдан янгидан-янгидан соф инқилобий мисраларни, халқни очикдан-очик қуроли қўзғолонга давъат этувчи сатрларни Аваз қаламига нисбат бериш ҳоллари давом этмоқда. Масалан, В. Мирзаевнинг «Гулистон» журналида (1984, 8-сон) босилган мақоласида қуйидаги сатрлар Авазга нисбат берилади:

**Қуроли ол, мард йигитлар, мардонлар!
Ут қўйинглар Нуриллавоё тахтига!**

Кейинги мисрадаги Нуриллавоё Хива хонининг саройи эканлигини назарга олсак, мисралар қандай катта сиёсий мазмунни, жанговар ҳайқириқни ифодаляётгани янада равшанлашади. Аммо, афсуски, буларнинг чиндан ҳам Аваз қаламига мансублиги масаласида мақола муаллифи лом-мим демайди, аниқ мўътабар манба кўрсатмайди.

Аваз вафотидан кўп ўтмай Хоразм миллий матбуотида шоирнинг «Халқ», «Хуррият», «Тил», «Сипоҳийларга хитоб», «Уламоларга хитоб» шеърлари эълон қилинган. 1923 йилда Хивада нашр этилган «Ўзбекча инқилоб

шеърлари» тўплами «Юғурумия»га ҳам бу асарлар худди шу номлар остида киритилган эди. Шу боисдан ҳам «Сайланма»да бу сарлавҳаларнинг олиб ташланишини маъқуллаш қийин.

Аваз адабий меросининг ҳажман катта қисмини ишқ-муҳаббат мавзудидаги ғазал ва мухаммаслар, рубойи ва таржеъбандлар ташкил қилади. Табиийки, «Сайланма»дан ҳам бу тур асарларга кенг ўрин ажратилган — ўқувчилар шоирнинг тўрт юзга яқин ғазаллари, 38 мухаммаси, 70 дан ортиқ рубойиси билан танишадилар. Бу асарларнинг асосий кўпчилиги шоирнинг моҳир лирик сифатидаги юксак бадиий маҳоратини равшан намойиш қилади. Ноширлар катта ҳажмдаги адабий меросдан ғоявий-бадиий баркамол намуналарни ажратиб олишга, матни аслига мувофиқ ҳолда китобхонга етказишга жиддий эътибор берганлар. Шундай бўлса-да, «Рангин ғазаллар» ва «Мухаммаслар» бўлимларида ҳам айрим нуқсонлар кўзга ташланади. Аввало айтиш керакки, бўлимлардаги барча асарларни бир даражада юксак савияда, деб бўлмайди. Масалан, 128, 138-бетлардаги ғазалларни шоирнинг етук асарлари қаторига қўйиш қийин, уларда қофия чалкашликлари кўзга ташланади, 139 ва 219-бетлардаги ғазаллар эса тугалланмаган. «Сучук» радиопи ғазал Аваз ижоди учун асло характерли эмас ва шунинг учун ҳам унинг «Сайланма»га киритилиши ноўрин. Китобнинг 63-бетида берилган:

**Муяссарму висоли ёр, оё,
Бўлманми ғамида зор, оё —**

матлали ғазал 68-бетда қайта терилган. 247—248 ва 251—252 бетлардаги мухаммаслар аслида Авазнинг Оқил ва Омонийлар ғазалларига ёзган тахмисларидир ва шунга кўра, сўнги байтларда келган бу сўзлар тахаллус бўлиб, катта ҳарфлар билан берилиши керак эди.

«Сайланма»га В. Раҳмонов томонидан тузилган изоҳлар илова этилган. Уларнинг савияси ҳақида бирор эътироз бўлмаса-да, ҳажман ниҳоятда кенгайиб кетганлигини кўрсатиш зарур. 32 бет давомида мингга яқин сўзибораларга, баъзан эса байт-мисраларга луғат ва изоҳлар берилади. Бунда бир оз сунъийликка ҳам йўл қўйилгандек туюлади. Чиндан ҳам, ҳозирги зукко китобхонларга «қошлари ё», «ғайрига парво айласа», «шояд айлаб раҳм», «беадад», «шоядки келгай» кабиларни изоҳлаб тушунтириш тамоман ортиқчадир. «Мунъадам», «юсуфнишон» каби сўзларга икки ўринда изоҳ берилган ва ҳоказо. Буларни қисқартириш ҳисобига муҳим шеърларнинг (имкони борича) яратилиш тарихига оид маълумотлар берилса, айти муддао бўлур эди.

Биз кўрсатган айрим нуқсонлар нашриёт Ю. Юсупов ва В. Раҳмоновлар билан ҳамкорликда амалга оширган хайрли ишнинг катта илмий ва амалий аҳамиятини сира ҳам камситмайди. Классик шеърятимизнинг муҳлислари эндиликда демократ шоир Авазнинг энг етук асарларини ўзида жамловчи «Сайланма» нашрига эга бўлдилар.

Абдурашид АБДУҒАФУРОВ,
филология фанлари доктори.

Камалак жилолари



Утқир Ҳошимов. Оқ камалак. Ға-
фур Ғулом номидаги Адабиёт ва
санъат нашриёти, Тошкент — 1984

«Еш бола эдим. Е бешинчи, ё олтинчи синфда ўқирдим. Бир кун физика муаллими-мимиз ғалати иш қилди. Олти қиррали шисани қуёш нурига тутган эди, камалакнинг етти рангида товланиб кетди. Мен сеҳрлангандек қотиб қолдим. Қизик, оқ рангда етти хил ранг бор экан-да».

Утқир Ҳошимовнинг «Оқ камалак» мақо-ласида бу антиқа факт шунчаки келтирилмаган. Адиб пахтамининг ажиб фазилату хислатларга қонлигини, унда камалакнинг ҳамма ранги мужассамлигини таъкидламоқчи. Пахтамининг етти хил жилоси адиб наздида Мехнат, Меҳр, Бурч, Жасорат, Бахт, Шараф, Машаққатдир.

Адиб топган чиройли образдан фойдаланиб, бадий ва публицистик асарлар ҳам камалакнинг етти хил рангида товланади, дейиш мумкин. Яхши асар қалбимизда илик ҳислар, эзгу туйғулар уйғотади, янги фикрлар, тасавурлар пайдо қилади.

У. Ҳошимовнинг кейинги йилларда публицистика жанрида самарали ижод қиладигани таҳсинга сазовор. Янги китобининг «Уйлар» қисмига кирган мақолалари адиб публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари, мавзу, муаммо йўналишлари, услубий ўзига хосликлари ҳақида яхлитроқ тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Кейинги йилларда муаммоли, таҳлилий, тадқиқий публицистикага эҳтиёж айниқса кучайди. Бу — давр тақозоси. У. Ҳошимов замон зайлини тез илғаб иш тутадиган, ҳозиржавоб ижодкорлардан.

Максим Горький публицистикани социал педагогика дея атагани, очерк ва мақо-ларнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини алоҳида таъкидлагани маълум. Сўнгги йиллар ўзбек публицистикасининг муаммо дои-раси, мазмун-моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак, улуғ адиб фикрларининг нақадар тўғри ва теранлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Публицист эътиборини кўпроқ маънавий-ахлоқий муаммолар банд этади. Бу муаммо-лар тобора муҳим аҳамият, долзарблик касб этаётгани маълум. Инсоннинг мурак-каб ички олами, маънавий-ахлоқий камоло-ти, жамият, коллектив ва оила олдидаги бурчи, моддий фаровонлик билан маънавий қашшоқлик орасидаги муносабат, истеъмол-чилик пойғаси, тўқликка шўхлик, меш-чанлик каби иллатлар адиб-публицистни анчадан буён ўйлантириб фикрларини ўқув-чи билан баҳам кўришга ундаб келади.

Маънавий-ахлоқий муаммолар доирасини публицист кенг миқёсда, ранг-баранг аспект-ларда таҳлил этади. Унинг «Нон-имон» номли туркумини ташкил этган «Ишониш қийин бўлган воқеа», «Дадам айтиб берган даҳшатли воқеа», «Нон иси», «Арзон, аммо бебаҳо», «Тўқликка шўхлик», «Нон... ароқ шишасидан арзонми!», «Гербимизда бошоқ тасвири» мақолалари диққатга сазовор.

Гербимизга бошоқ тасвири туширилган-ини публицист ғурур ва ифтихор билан қайд этади, бу рамзга ўқувчи эътиборини қаратади: «Давлатимизнинг гербини тас-вирлашда шахсан Лениннинг ўзи бош бўлиб турди. Шахсан Лениннинг ўзи ишчи-деҳқон юртининг Гербида, албатта, Бошоқ тасвири бўлишини маслаҳат берди. Мана шунинг ўзида чуқур, жуда чуқур маъно бор эмас-ми?»

Ноннинг қадрига етмаслик — ахлоқсиз-лик, нонкўрлик — мақолалардаги факт ва мисоллардан келиб чиқадиган ҳулоса шун-дай. Тўқликка шўхлик, нонтепкиликдек бадахлоқликлар тасвирида публицист ба-дий оҳангли ўзгартган. Услубда жўш-қинлик, ёмонликка нисбатан қаҳр туйғуси пайдо бўлади ва бу ҳолат ўқувчига ҳам юқади. Зеро, ахлоқий шакколик ҳақида осойишта услубда ёзиб бўлмайди.

Публицистиканинг энг муҳим ва асосий вазифаларидан бири — омма онига таъсир этиб, жамоатчилик фикрини уйғотиш ва шакллантиришдир. Шу маънода У. Ҳоши-мовнинг «Қалбнинг оппоқ дафтари» ҳамда «Муқаддас қасамни бузганлар» мақолалари муҳим аҳамиятга эга. Уларда педагогика ва медицина ҳақида фикр юритилади. Мавзу-ларнинг нақадар муҳим, ҳаётийлиги аён. Мактабда ўқимаган, медицинага иши туш-маган одам йўқ. Ҳар биримиз мактабу муаллимларимизни, шифохонаю меҳрибон шифокорларни яхши биламиз. Фарзандларимизнинг яхши ўқишлари, соғлом ўсишлар-ини хоҳлаймиз. Мазкур икки соҳанинг талаб-эҳтиёжлари, муаммоларидан озми-кўпми хабардормиз ҳам.

У. Ҳошимов ҳар икки соҳага онд масала-ларни сингиклаб ўргангани, факт ва воқеа-ларни «қалб призмаси»дан ўтказгани, улар-дан ҳаётий ҳулосалар ва умумлашмалар чиқаргани аён сезилади.

К. Маркс «Мозелик мухбирнинг оқлани-ши» мақоласида факт фикрни, фикр факт-ни истисно этмаслиги, уларнинг диалектик алоқадорлиги, бир-бирини тақозо этиши

ҳақида ёзган эди. Бу публицистика соҳасига ҳам дахлдордир. У. Ҳошимовнинг кўпчилик мақолалариға факт билан фикрнинг во-басталиғи, пойдеворлиғи хос. Публицист кўпчилиғимизни ўйлантирадиган, ташвиш-ланттирадиган, тилимизнинг учидә турган фикр-мулоҳазаларни изҳор этади.

У «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласида кўпчилик мактабларда юз фоиз ўлаштириш учун ҳаракат кучайгани фактини эслатиб, бу нохуш тенденцияға ўзининг кескин норозилиғини билдиради. Процентлар кетидан қувиш, «илғорлик»ка интилиш, чала билимларни тўла деб қўшиб-чатиб ёзиш ва ҳоказолар ана шу шубҳали пойғанин «соврин»лари, асоратлари эди. Мақоладағи қатор кузатишлар, фикр-хулосалар КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислох қилишнинг асосий йўналишлари ҳақида»ги тарихий қарори рўҳига мос, ҳамоҳанг келди. Бу хусусият воқеликни фаол идрок этувчи, камчилик, иллатларни кўриб бонг урувчи иждокорга шараф бағишлайди.

«Мўқаддас қасамни бузганлар» мақоласининг китоб вариантида ярим бетлик изоҳ бор. Мақоланинг таъсирчанлиғи, аҳамиятини белгилашда бу қисқа изоҳнинг ўрни, салмоғини алоҳида таъкидлаш лозим. Мақола, очерк ва фельетонларнинг китоб вариантида бундай лўнда изоҳлар қанча кўп бўлса, шунча ахши. Мақола «Тошкент оқшоми»да босилгач, газета редакцияси ва автор номиға хатлар оқиб кела бошлайди. Хат муаллифлари мақолада ғоят муҳим муаммо кўтарилганини яқдил маъқуллаб, шифокорлик касбини улўғлаётган кишилар, шунингдек, бу номни ерга ураётган айрим кимсалар ҳақида куйиниб ёзишди. «Тўғри гап туққанинға ёқмас» дегандек, айрим маъсул ходимларға ёқмайди, улар ҳатто авторни тўҳматчиға, иғвогарға чиқаришға-ча борадилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети газетанин бу мавзудаги чиқишларини қўллаб-қувватлайди. Медицина хизмати мунтазам назорат остига олинади.

Ўтмиш сарқитлари ичидә публицист, айниқса тоқат қилолмайдиғани — мешчанлик, мол-дунёға ҳирс қўйиш, истеъмолчилик пойғаси.

«Товус гўштини еб бўладими?» мақоласида бирин-кетин олтў воқеа келтирилади, кейин талқин, таҳлилға ўтилади. Публицист бири бириға ўхшамайдиған олти воқеанин ҳар қайсидан пиравардида мешчанликка олиб борадиған нуқталар топади. Замонавий кийинған, галстук таққан, туфлисига гард юкмаған кишининг дендрарийда гўзал товусларға қараб, ҳамроҳига айтған сўзи — «Шуларниям гўштини еб бўладими, биродар?» лўкмаси бу «хушсухан», «маданиятли» кимсанин ниқобини йирғитиб, мешчанлик башарасини очиб ташлайди. Жом қишлоғи атрофидағи адирда четлари ўпирилиб туша бошлаган ўн икки катта ўчоққа бир тонна гуручдан ош дамлаб, улоқ бериб, «юртни қойил қолдириш»ни ният қилған, йиллаб топған-тутганини бир кунда сарфлаб, энди «қарзини узи-иб» ётған «валломат» колхозчининг мешчанлик дардига йўлиққанини ҳикоя қилади.

«Оқ камалак» китоби икки қисмдан иборат: «Ҳикоялар» ва «Уйлар». Уқувчиға

ҳар икки қисмни қиёс қилиш, чоғиштириш имкони берилған. Бизнингча, «Уйлар» палласи босиброқ кетади. Хусусан, «Ўзбеклар» ҳикоясида адиб Оғиноий характери ни чи-зиш асносида эзгу удумларимиз, маҳалла-кўй аҳлининг тотувлиғи, бир-бириға меҳр-оқибатини жонли, жошибадор тасвирласа, Искандар Ваҳобович образи орқали амалға маҳлиё бўлиб, хотини измидан чиқа олмай, ҳатто ўз онасидан ҳам узоқлашған сўқир қалб фожияси ишонарли ёритилади. Бироқ тўпламға кирған ҳикояларнинг аксарияти менға бадиий саёз, қуруқ баёндан иборатдек туюлди. Бунинг сабабларидан бири, назаримда, муаллифининг ўткир ижтимоий тема-лардан узоқлашиб, фақат тор маиший мавзулар, оилавий можароларға ўралашиб қолганида.

«Одам нимадан пайдо бўлған?» ҳикоясида у бола тасаввури воситасида қоғозбозликни қораламоқчи, айрим нозик, тағдор гапларни айтмоқчи бўлади. «Насихат» ҳикоясида эса «Олдин ўзиниға боқ, сўнғ ногора қоқ» деган ҳикматға мисол келтиришға уринади. Бироқ танланған воқеалар тасвири китобхонни ишонтирмайди. «Гувала», «Қўшимча мажбурият», «Кўнгилинг кўчаси» ҳикоялари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Муаллиф «Қўшимча мажбурият» ҳикоясида жуда муҳим ижтимоий муаммо — порахўрлик, чайқовчилик иллатининг хунук оқибатларини фош этишни ўз олдиға мақсад қилиб қўяди. Турсунали исмли соддадил ўқитувчи хотиниға чайқовчидан қимматбаҳо кофта харид қилади. Уни қарийб икки баробар қиммат нархға олгани учун хотинидан дакки эшитгач, «Турсунали кофтини қўлтиқлаб» таниш бола»нинг олдиға борди». «Таниш бола» бошлиғининг топшириғи шундай бўлганини, ўзига атиғи беш сўм қолишини шаъма қилади. У «секция бошлиғи»нинг олдиға, сўнғ «ўзининг қўлида савод чиқарған» база мудирининг қабулида бўлади. Борған сари кофтанинг нархи туша бошлайди. Афсуски, адиб ушбу муаммонинг илдини чуқурроқ очишға интирмайди. Бунинг ўрниға, «ўғай поччаси» — чўпон билан учрашиб, чорвачилик проблемаларига ўтиб кетади. Ачинарлиси шундаки, ҳикоя сўнгида чайқовчи, база мудирини ёхуд чорвачиликдағи мутассадди шахслар эмас, соддадил Турсуналининг барча саъй-ҳаракатлари муваффақиятсиз тугайди. Натижада, замонавий ўқитувчи — Турсунали китобхонда бўш-баёз, пассив, фаолиятсиз образ сифатида таассурот қолдиради.

«Гувала» ҳикоясида мансабдор бошлиқ Али Аллевичнинг кирдикорлари бадиий далилланмайди. Муаллиф унинг юбилейи муносабати билан теварак-атрофидағи одамлар фикрини жонлангириб, ўзига хос йўлни танлаган. Бироқ ҳикоя хотимаси энгил-елпи кулги, ўзаро ҳазил-ҳузул билан тугайди. Бундай ечим талабчан китобхонларни қаноатлантирмаслиғи аниқ.

Умуман олганда, «Оқ камалак» китоби ўзининг публицистик характери билан китобхонни ҳаётдағи баъзи камчиликларға нисбатан доимо сергак, муросасиз бўлишға даъват этади.

Сайди УМИРОВ,
филология фанлари кандидати.

Ҳийлаи шаръий

Журналнинг ушбу сонида «Ҳийлаи шаръий» янги рубрика ташкил этилди. Таниқли адибларимизнинг атеистик мавзудаги энг яхши асарлари шу рубрика остида бериб борилади.

Ҳамза

Бой, қози, имом

Бой

- Хола, ҳо хола?
— Ҳа, болам, нега кўзинг ола-була?
— Билмайсанми? 8 Март бўла!
— Юрагим дам, кўзимда аччиқ нам, бошимда юз қайғу, бағримда минг доғу алам, таъбим қуриган, ғам. Қорним сўлиган меш, мандан яроғлиқ, лаби синган, сири кўчган кир идиш. Роҳатим санойи макки, давлатим ҳуббулмалик ичди, билмайсанми?
— Хола бўлмай ўла!
— Нима бўлди? Ахир нима?
— Хотинлар митингда минг аҳди-қасам ичдики, келгуси мартгача бутун қосиб, деҳқонни бойлар билан алоқасини узгайман, уф!..
— Вой, вой! Шўрим қурсин. Пиримга бор, пиримга. Ҳай, шошма, сени ризқингни бугунгача қосиб била деҳқон берибдими? Ер ютсин ҳакка тилингни!
— Қошиқдон саватдек қурсин-да, хола! Гап ризқда эмас!
— Йўқ!..
— Нима бўлмаса?
— Хосиятинг ўн беш, Кимё (йи) ўн учга кириб, нари-бери узатиб, тўрт юз қалинни олсак, эрта баҳор Афғонистон билан Ҳажга жўнаб қолар эдик, Ҳажга! Уф!
— Қосиб билан деҳқон бўлмаса, икки кўзи етган бойваччаниям ер ютдими?
— Сомонхонадек... ер ёғи туташсун, ғарвачча, қосиб билан деҳқон бўлмаса, қани санга бойвачча бўлганда ғаниматроқ юз Хосиятингдан бир Ҳамдам калла гўши-ю, минг Кимёингдан бир тишлар почча...

Эшон

- Ув-в-в-в! Ҳақ!.. Був-в-в-в!

Мурид

- Е пириммей! Тағин нима бўлди?
— Э мардаки бе матрақ, билмайсанми лунжим пуффақ, оғзим тувақ, бурним сумақ. Ризқим шалҳа, рўзим лавақ, яғринимга от тепди, жағимга эшак. Бугундан сану манга ҳаром бўлди бир луқма... На бу, на бир сиқим қуруқ тезак. Биздан бу кун қадрлик Тўлаган пўстак билан ўлган Хол пистак.
— Боло, пирим нима бўлди? Е ҳув-в-в-в!
— Оқ ўруним маориф билан исполком Семёни бутуси тагида қасам ичдики, 8 Мартгача биз тамомий хонақолардаги зикру саноларни битиргаймиз, зикру сано майли-ку, назр қизлар йўқ бўлур, қучоқ тизлари бўш қолур. Ё жабарут, ҳув-в-в-в!..

— Тақсир Аувзу биллоҳ! Дуойибад қилайлик, дуойибад! Қани омин! Е, архамар-роҳимий! Хув-в-в!

— Эй, аҳмоқ, соқоли пахмоқ! Минг дуойи баддан ишласанг яхшироқ, чувоқ бўйра-ю, эски намат! Қўлум орасидан уришга қара! Бизга келди ҳар бало-ю, ҳар ўлат!

— Вой пирим, субҳоноллоҳ, нима қилайлик?

— Малла билан саллани от, соқол билан мўйлабни йўқот! Устингга қаро мешни торт, қалб билан ямонингни тузат, бемаъни! Эсингда борида... га бор-да, кутгин очарат (очередь)!

Қози

— Оҳ-а! Аттанг! Қуриб кетсун-да, илоҳим, қизил латтанг! Уф!

Муфти

— Нима бўлди? Ҳов тақсир? Еруғлик кун йўқ шекилли.

— Кўрмаясизми? Каллам хум, афтим бум, носқовоқ бурнум, липадек қайтарилди лунжум. Диндалоқдан шарият гум, никоҳ талоқ васиқа — ҳужжат. Порзи муҳрона битди мутлақ, қонун уруб, кетди томони мардум. Биз бошқа тамоми ҳузуридан маҳрум. Ҳайвон, яшамоққа на шох, на дум. Сан-биздан қадрлик от тепган чойдишу арава босган сар хум. Маймун бухонасида уколдан рўз ўлгур эл қасам ичдики, янаги март байрамигача эски амалдорларни сафдан чиқарғаймиз.

— Ялиниб кўрайлик бирор делегат акамга.

— Биз ўлмай йўқолармиди нишону тамға, ўхшаб олармиз ёғлаган патнис билан увуган шамға.

— Тушингни айт сичқон тешган дамға.

— Йўқса нима чора бор бу ҳасрату ғамға.

— Улмоқдан ўзга давом йўқ бу андуҳу амалга.

* * *

Имом

— Илоҳий байраминг бошингни есин!

— Уҳ-ух! Хамир куйди, ўз кўзим билан кўрдум, сўлим бир қиз кўлидан бир йигит ўпди, ёшлик кўзимда мафтун эди изингдан чўпди, гар бўлса паранжинг, насиб этгайди худойим, бизнинг бир асилзода миён ҳазрат эшоннинг чўти, бир салла-ю, салла тагида ёғча ва калла, пахмоқ соқолимдан таниса аҳли маҳалла, қандай эгилиб ишқни қилай бандалигини арз. Афтим шунақа, ёр ишим ялла-таралла, фикр айласам энди мени арвоҳ урипти.

— Ҳа, ҳа, тақсир, нима бўлди, оби дийдалари паришон келдилар?

— Эй боши манқал, оғзи тупдон, кўрмайсанми?..

Отадан мактуб

(1920 йилларда ўқиш баҳонаси билан жон сақлаш учун Москвага бориб туриб қолган бир савдогарзода отасидан пул сўраб хат ёзганига отасининг жавоби)

«Эй, хат ёзмай кўлинг синсин, Мирзабой, ҳали ҳам ўйлайсанки, отам бой. Қани сан айтган урди-олди замонлар, вексель, васиқа-ю, тилхат, 15 ни 150 га ўтқазिश учун похол чой билан кўкарган бугдой, савдогардан жон чиқди, ҳийлакорга чипқон, кооператив бўлди биз учун балойи ногихон, олди-сотди облой! Сен ўйлайсанки, отам ҳалиям аҳли раста-ю, пуллар кўлида даста-даста. Бир замон мош еган хўроздай кеккайган отанг энди хаста. Билмайсанми ахир, деҳқонни тумшуғидан, косибни кекирдагидан отангга илинтириб берадиган ўрнида бекор бўлган уста Николай.

Онангнинг табиати тирриқ.

Опангнинг муомиласи илиқ. Мен бўлсам паришон аҳвол, қоматим дол, ҳамма ёқ ташвиш, қимирлаш малол, уйда қиладиган иш йўқ, онанг билан уришиб жиққама-жиққа — дилхирожу эшвой.

Бунинг устига ҳафта ўтмай пайшанба, унинг кетидан якшанба. Ун кун ўтмай

рўзайи қурбонлик келади. И фтор, хатму фитр, гўристонга чалпай, очик мозорга ҳолвайтару ош худойи. Узинг биласан волидани — серирим доим. Қариганда эшонга қўл берган, бир томондан назр сўраб тиқилинч қиладиган эшони пирим. Ҳар сешанба момо оши, ҳар чоршанба мушкулкушод — войдод. Шанба келса чиллаи есин. Уғил бўлмай сенинг жонингни худо олсин, ўқиш баҳонаси билан Москвага бориб олиб, ҳадеб хат ёзасанки, «ундой, бундой».

Опангнинг эрга тегишига ақли етмай кўча йўлагида чўнқайгани-чўнқайган. Хусусий савдогарларга йўл бермаганига яраша чакана-чукана чайқовликка ҳам йўл бермай қўйди большевой.

Унинг устига сен хат ёзасан — пул, пул, пул... Ўл, ўл, ўл!..

Мани сандай фарзандим йўқ, сан ҳам большевой бўладиган бўлсанг, оқ қилдим, кўк қилдим, юз бало-ю азиму азбаройи худой».

Бу кун — 8 март

Ҳай, ҳай, паранжи деган ёт нарса, қўлинг ифлос, ўзбек хотинларига яқин келма, ўзингни четга торт!

XIII асрдан бери бечора хотинларни нафс амморанг учун ем қилиб келган мулла, бу енглик кафанларни бир кун бўғчалаб елкангга орт!

Бурнингни ерга қадаб кучан... кучан, ҳа, ҳа, дакаданг торт...

Э калласи хум, бад нафсига дум, вужуди наҳс, қадами шум, йўли йўқ, умиди узук, бу кунги чинакам нурли ҳижолатидан тескари борган бўм!

Турасизларми юракларингни қилиб ғум! Халифаларинг. — муридларинг, муршидларинг жаҳаннамга бўл гум!

Ҳой, бой!

Ичи ғирч-ғирч мой!

Бети довул, бурни сурнай.

Бу кун сандин қимматроқдир бир замбар лой.

Қайлиқ ўйнаб, қиз сотишлар,

Чўри, хизматкор тутишлар,

Биров мулкин ғасб этишлар,

Оғзи-бурнига уришлар,

Турма, сургунлаш, сўкишлар,

Бу кун санга кўп қийиндир, аҳволингга вой.

Тур, тур, бу суқсурдек малакларга соладиган кинна, суқ ҳасадларингни ўзинг эски тегирмон обжувозларингга олиб бориб ёй!

Бу кун санга томоша эмас, кулфат, бу кундан кейин сенга қабр билан кафан, кафан улфат. Яъни, сенинг ишинг тезроқ умр танобини тортиш, халқни талаганинг гуноҳини елкангга ортиб, ёғоч отни миниб чопиш.

Ана кўрасанми, хотинлар паранжиларини ташлаб, озодлик эълон қилди. Сан шум кўзингни уларга ташлама, ертўлага кириб, ажал шарбатини тот, виждонингни нафсинг билан сот!

Ҳа, домулла!

Ҳайрат бармоғингни тишла-ю, бир боғ похолга ўхшаган соқолингни тутамлаб, саллангни босиброқ кийгил-да, бир оз каллани ҳамла. «Нега хотинлар паранжиларини ташлайдилар», деб хафа бўлсанг, бурнингни тишла-ю, кўзингни намла!

Паранжини ташлаган хотинларга кўз учи билан қараб, уларнинг отган тоши билан юрагингни доғла!

Э мутассиб пес!

Сандалда ўтириб кўкнорини эз!

Тарякдан тановул эт-да, кўк чойни дамла!

Охиратга сафар қилиш учун камарни боғла!

Лекин санга бир насиҳат бор:

Келтирган паранжи-чимматларингни ўзинг билан бирга олиб кет, у билан қабрингга бориб ет!

Паранжи ва чиммат!

Тезроқ келган жойингга қайт!

Маккага сафар қил,

Жойингни сақар қил!

Туямўйин гидроузели Шарқ юлдузи оталиғида

Амударё соҳилида қад кўтарган Туямўйин гидроузели ва гидроэлектростанцияси республикамиздаги энг йирик қурилиш иншоотларидан биридир. Бу улкан объектнинг энг қайноқ участкаларида ҳақиқий меҳнат, мардлик, жасорат ва интернационал дўстлик қарор топди. Шуниси қувонарлики, гидроузел ҳамда ГЭС биноси пойдеворининг асосини яратиш ҳамда дарёни тўсиш йилларида Иттифоқимизда яшовчи ўндан ортиқ миллат вакиллари елкама-елка тер тўкиб, фахрланса арзийдиган ноёб иншоот барпо этдилар. Аму соҳилининг Питнак қирларида бунёд этилган Дружба шаҳри СССР халқларининг бузилмас қудратли дўстлиги ҳамда партиямизнинг ленинча миллий сиёсатининг ёрқин рамзидир.

Ўзбекистон Компартияси ва Ўзбекистон ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик юбилейи нишонланган тантанали кунларда гидроузел сув иншоотларидаги асосий ишлар поёнига етказилди. Сув омборлари 5,3 миллиард ҳажмда сув сиғдира оладиган қилиб тайёрланди. Гидроэлектростанциянинг барча — олти агрегатлари тўла ишга туширилди.

Лекин Туямўйин сув омбори объектларида қурилиш ишлари тўхтагани йўқ, аксинча, тобора қизғин давом этмоқда. Шу муносабат билан журналимиз 1984 йилдан бошлаб гидроузел ва Туямўйин нурхонасини оталиққа олиб, у ерда амалга оширилаётган юксак ватанпарварлик ишлари, чинакам меҳнат қаҳрамонлари ва социалистик мусобақа ғолибларининг фаолиятлари билан яқиндан танишишни режалаштирди. Дружба шаҳрида «Шарқ юлдузи» журналининг махсус пости ташкил этилди. «Туямуюнгидрострой» Қурилиш Бошқармаси маъмурияти, шунингдек, илғор қурувчи комсомол-ёшлар мазкур постнинг фаол аъзоларидир. Бундан ташқари интернационал дўстлик шаҳрида журналимизнинг «ОИБЕК» номидаги кутубхонаси ташкил этилганлиги қувонарли ҳодиса бўлди. Республика-мизнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари кутубхонага ўзларининг дил сўзлари ёзилган китобларини совға этдилар. Биз уларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз ва бошқа ижодкорлар ҳам журналимиз кутубхонасини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид қиламиз. Кутубхона бадий ва оммабон китоблар билан йилдан-йилга бойитиб борилади. Редакция коллективи махсус белгиланган вақтларда объектларда бўлиб, илғор ишчилар ва улар эришаётган ютуқлар хусусида қурувчилар билан суҳбатлар уюштиради, учрашувлар ўтказди.

Мундарижа

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми	
Михаил Сергеевич Горбачев	3
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленуми тўғрисида инфор-	
мация билдириш	4
КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг 1985 йил	
11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сузлаган нутқи	6
КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совет-	
ининг Коммунистик партияга, совет халқига мурожаати	10
ШЕЪРИЯТ	
Хусниддин Шарипов. «Ильични ўйлайман» китобидан	13
Эркин Нейматов. Алангадаги садолар	80
Жамол Сирожддин. Умр тонгида	82
НАСР	
Асқад Мухтор. Чорраҳа. Роман	16
БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА	
Жўрабой Саримсоқов, Тоҳир Ҳамроқулов. Халқ фарзанди	148
РУС КЛАССИК АДАБИЕТИ ДУРДОНАЛАРИ	
А. П. Чехов. Альбион қизи. Ҳикоя	84
ЖАҲОН КЛАССИК АДАБИЕТИДАН	
Уильям Шекспир. Макбет. Беш пардали фоҳиа	87
ПУБЛИЦИСТИКА	
Бу — табаррук тупроқ. Сухбат	143
Ҳамид Ғулом. Афюн	156
Исо Жабборов. Сохта дунёқараш ва даҳрийлик	160
Дўнан Ғаниев. Ҳаммининг иши	164
ОЧЕРК	
Исоқ Уктамов. Қаҳрамон халқ диёрида	166
НАЗИР САФАРОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ	
80 ЙИЛЛИГИГА	
Миртемир. Ижодида ҳикмат мўл. Раҳмат Файзий. Коммунист эътиқоди. Пиримқул	
Қодиров. Тоғ бағридан чиққан булоқ. Валентин Оскоцкий. Олдинги сафда.	
Юрий Ковалёв. Умр бўйи йўл кезиб. Эътибор Охунова. Утли қалам. Оқилжон	
Ҳусанов. Узоқни кўзлаган адиб. Қамчибек Кенжа. Безовта қалб	171—182
ДИЛЛАРДАН — ДИЛЛАРГА	
Жамол Камол. Юрак гавҳари	183
МАФКУРАВИЙ КУРАШ	
Матёқуб Қўшжонов. Тухмат ва ҳақиқат	185
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Собир Мирвалиев, Норқул Бекмирзаев. Буюк жасорат солномаси	189
БАДИИЙ ТИЛ МУАММОЛАРИ	
Заргарликми ёки косиблик!	
Носир Фозилов. Тилга эътибор — элга эътибор	196
Муанбар Аъламова. Нутқимиз кўрки	197
ТАҚРИЗЛАР	
Абдурашид Абдуғафуров. Оташин мисралар	200
Сайди Умиров. Камалак жилолари	202
ГУЛҚАЙЧИ	
Ҳамза. Бой, қози, имом	204

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
(Звезда Востока)
№ 4

Орган Союза писателей Узбекской ССР
Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,
Ташкент — 1985

Рассом Х. Лутфуллаев. Техник редактор М. Аҳмедов. Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.02.85 й. Босишга рухсат этилди 21.03.85 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р—091150. Фотонабор. Офсет босма усули. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55.
Наширёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 156834. Заказ 77.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ
орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, Ленин проспекти 41.

© «Шарқ юлдузи», 1985.